

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР
ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

“ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ” ФАКУЛЬТЕТИ

“ ИҚТИСОДИЁТ ” КАФЕДРАСИ

**«КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ»
фани бўйича**

ЎҚУВ УСЛУБИЙ МАЖМУА



Наманган-2024

Ўқув услубий мажмуа ўқув, ишчи ўқув режа ва ўқув дастурига мувофик ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

Р.Ботирова- “Иқтисодиёт” кафедраси дотсенти, и.ф.н.

Такризчи:

Саидбоев Ш. - НамМТИ профессори, и.ф.д.;

И.Сирожиддинов - НамМҚИ «Иқтисод» кафедрасининг дотсенти, и.ф.н.

Фаннинг ишчи ўқув дастури «Иқтисод» кафедрасининг “_____” 2024-йилдаги _____-сонли йиғилишида муҳокамадан ўтган ва факултет кенгашида муҳокама қилиш учун тавсия этилган.

Кафедра мудир: _____ **О.Арипов**

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Иқтисодиёт” факултет кенгашида муҳокама этилган ва фойдаланишга тавсия қилинган (2024 йил _____даги _____-сонли баённома).

Факултет кенгаши раиси: _____ **И.Файзуллаев**

Келишилди:

Ўқув услубий бошқарма бошлиғи _____ **Т.Жўраев**



МУНДАРИЖА

1. Маъруза мавзулари.....	4
2. Амалий машғулот мавзулари.....	211
3. Мустақил таълим машғулотлари.....	339
4. Глоссарий.....	350
Иловалар.....	355
1-илова. Фан дастури.....	355
2- илова. Ишчи фан дастури.....	364
3- илова. Тестлар.....	372
4-илова. Умумий назорат саволлари.....	385
5-илова. Адабиётлар руйхати	391



1. Маъруза мавзулари

И-МАНВУ. «КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ» КУРСИНИНГ МАЗМУНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

- 1.1. «Корхона иқтисодиёти» фанининг мақсади ва вазифалари.
- 1.2. Иқтисодиёт фан ва ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳаси сифатида.
- 1.3. «Корхона иқтисодиёти» – иқтисодий фаннинг таркибий қисми ва билимлар соҳаси.

1.1. «Корхона иқтисодиёти» фанининг мақсади ва вазифалари.

Иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий фаолият учта бир-бирига боғлиқ бўлган муаммоларга дуч келади. Иқтисодиёт назарияси бу муаммоларни қуйидагича тарифлайди.

Биринчидан, нима ишлаб чиқариш ва қанча миқдорда?

Иккинчидан, қандай ишлаб чиқариш ва қанча харажатлар зарур бўлади?

Учинчидан, ким учун ишлаб чиқарилади ва улар қандай тақсимланади?

Жаҳон амалиётидан маълумки, ривожланган давлатлар ҳам, юқоридаги масалаларни ҳал қилишда бир талай негатив ҳодисаларга дуч келмоқда. Булар жумласига кризислар, монополизм, инфляция, ишсизлик, истеъмол бозоридаги номутаносиблик, ресурсларни, товар ва хизматларни дефицитлиги, пул муомаласидаги нуқсон ва камчиликлар кабилар.

Юқорида келтирилган учта фундаментал муаммони ҳал қилиш, келтирилган камчиликларни, нуқсонларни ечимини топиш ўз-ўзидан ҳал бўлмайди. Бунинг учун улар ҳал қилиш усуллари ва механизмини тўғри топиш, истеъмолчилар талабини тўла қондириш йўллари излаш, юқори самарали ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, уни бошқариш, тармоқлараро ва хўжалик субъектлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни боғлаш, сотувчи билан истеъмолчилар орасидаги муносабатларни такомиллаштириш каби иқтисодий ҳодисаларни уйғунлаштириш каби масалаларни ҳал қилиш зарурати тўғилади.

Буларни ҳал қилиш назарий ва амалий билимларни мустаҳкам эгаллаган, олинган билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий вазифаларни ҳал этишда ижодий қўллаётладиган, масалани тўғри ўргана оладиган, уни ниҳоясига етказиш бўйича оптимал қарор қиладиган мутахассисларга кўпдан боғлиқдир.

Бундай маҳоратларга эга бўлиш сифатли иқтисодий, нафақат абстракт иқтисодий назария, балки кўпроқ амалий иқтисодий билим берадиган адабиётларни, дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратилиши ва чоп этилишига ҳам боғлиқдир.

Жамиятнинг ривожланиб бориши давомида кўпгина янги фанлар пайдо бўла бошлайди, мавжуд фанлар эса янада такомиллашади. “Корхона иқтисодиёти” фани иккинчисига тааллуқли.

Иқтисодиётнинг эркинлаштирилиши “Корхона иқтисодиёти” фанининг мазмунини ўзгартирди ва уни ўрганишга бўлган талаб янада ортди. Бу фанни билмасдан туриб, ҳар қандай корхонани ривожлантириб бўлмайди. Натижада жамиятнинг ривожланишига эришиб бўлмайди.

“Корхона иқтисодиёти” фани ишлаб чиқариш корхоналарида иқтисодий қонунларнинг амал қилишидаги ўзига хос хусусиятларини ва бу қонунларнинг ҳаракат

килиш механизмини ва улардан фойдаланган ҳолда корхоналарни мақсадга мувофиқ ташкил этиш ва юритиш йўлларини ҳамда усулларини ўргатади¹.

“Корхона иқтисодиёти” фани иқтисодиётнинг бирламчи бўғини муаммолари, ишлаб чиқариш омиллари билан боғлиқ муаммолар ҳақидаги илмдир. Ишлаб чиқариш омилларига моддий, меҳнат ва молиявий ресурслар ҳамда тадбиркорлик қобилияти киради.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, қолаверса унинг тақдири, аксарият ҳолларда, нафақат корхоналардаги ресурслар миқдорига, аynи пайтда уларда фаолият юритаётган ходимларнинг ишбилармонлиги билан ҳам боғлиқдир. Корхоналар раҳбарлари ва мутахассисларнинг уддабуронлик, ишбилармонлик ҳислатлари ҳозирги иқтисодий танглик, моддий ва молиявий ресурсларнинг танқислиги даврида жудаям сезилади.

“Корхона иқтисодиёти” фани бозор иқтисодиёти шароитида моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида корхоналарнинг фойдалилик даражасини ошириш масалаларини ўрганади. Мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиёти эса, айнан, ишлаб чиқариш корхоналарининг самарали ишлашлари билан боғлиқдир.

“Корхона иқтисодиёти” фани ўз ўқувчиларига қуйидагиларни ўрганишга қўмаклашишни асосий вазифа этиб белгилайди:

- назарияда ва амалиётда қўлланиладиган иқтисодий категорияларни;
- корхонанинг бошқарув тузилишини ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш усулларини;

иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлларини;

- корхона фаолиятини таҳлил қилиш, режалаштириш ва прогнозлаш усулларини;
- корхона фаолиятини тартибга солиш тамойиллари ва усулларини;
- ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш усулларини;
- турли мулк шаклларига асосланган корхоналарни ташкил этиш ва уларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлаш йўлларини;

ишлаб чиқариш жараёнларида содир бўладиган қонуниятларни аниқлаш ва шу орқали ишлаб чиқариш жараёнларига иқтисодий баҳо бериш йўлларини, усулларини ишлаб чиқишни ва уларни амалиётга жорий қилишни;

ишлаб чиқишни ва жорий этиш йўлларини;

- меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг энг мукамал тизимини

ишлаб чиқишни ва жорий этиш йўлларини;

- корхона фаолиятини юритишда содир бўладиган турли вазиятларни таҳлил этиш, тўғри хулосалар қилишни, тавсия ва таклифлар киритишни.

Фан ва техниканинг шиддатли ривожланаётган ҳозирги шароитида олинган билим доимо тўлдирилиб борилиши керак. Фақат шундагина билим амалий аҳамиятга эга бўлади ва жамиятнинг ишлаб чиқариш кучига айланади.

Бозор иқтисодиёти шароитида хўжалик фаолиятини юритиш, чегараланган моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш мутахассислардан чуқур иқтисодий билимга эга бўлишликни талаб қилади. Хўжалик юритиш бу асосан оптимал ва рационал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқдир. Бу ишлар мулк шаклидан, турларидан қатъий назар барча хўжалик объектлари учун бир хил қарашларни талаб қилади.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда корхона иқтисодиётини ўрганишда унинг фаолиятини юритишга боғлиқ ташкилий, иқтисодий, молиявий масалалар, назарий хулосалар амалий маълумотлар билан исботланган ҳолда ёритилишига эътибор қаратиш лозим.

Ўзбекистонда иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтиши, унинг билан боғлиқ кўп укладли хўжалик юритишга ўтиш, бозор инфраструктурасини ҳамда янги хўжалик механизмини шаклланиши корхоналарда хўжалик юритишни иқтисодий, ҳуқуқий, информацион муҳитини тубдан ўзгартириб юборди. Бу ҳолат корхонани мазмунини,

¹ Б.А.Абдукаримов ва бошқалар, “Корхона иқтисодиёти”: дарслик – 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Фан”, 2012 – 371-бет

статусини, унинг жамиятдаги моҳиятини, бозор субъектлари ичидаги ролини тубдан ўзгартирди. Уларни айримларини келтирамиз: биринчидан корхонанинг мақсад ва вазифалари олдинги “маъмурий” бошқарув иқтисодиёт тизимидагидан тубдан ўзгаради;

Иккинчидан, ўзгаришлар корхона фаолиятини характерига таъсир қилиб, уларни оддий товар (иш, хизмат) ишлаб чиқарувчидан тадбиркорлик бизнесига йўналтирди;

Учинчидан, корхоналарнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва кўп турлари вужудга келди;

Тўртинчидан, корхоналарни ташқи муҳити, уларнинг ўзаро алоқалари ҳамда иқтисодиётдаги бошқа субъектлар билан боғлиқлиги, мезо алоқалари тубдан ўзгарди;

Бешинчидан, корхона фаолиятини бошқаришда асосий ўринни буйруқлар, фармойишлар, директив кўрсатмалар ўрнига иқтисодий усуллар, иқтисодий манфаатдорлик қилиб келди;

Олтинчидан, корхоналар хўжалик субъекти сифатида хўжаликни бошқариш, юритиш, ресурсларни ишлатиш, ўз қарорларини бажарилиши учун жавобгарлик соҳаларида мустақилликка эришди. Корхоналар фаолиятини натижаси, ютуқлари тўла текис уларни самарали иш юритишга боғлиқ бўлиб қолди.

«Корхона иқтисодиёти» фанининг мақсадининг нақадар долзарблиги ва унинг вазифаларини аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг қўлаб Фармон ва Қарорлари ҳамда алоҳида чиқишларида белгилаб берилган устувор йўналишларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракат стратегияси лойиҳасини кенг муҳокама қилиш давомида қилиб тушган таклифларни инобатга олган ҳолда, 2017 йил учун мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаш таклифи берилди. Давлат раҳбари томонидан “Айнан ана шу энг муҳим вазифалар иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларига жиддий ўзгартаришлар киритиш учун пойдевор бўлиши керак.”-деб таъкидлаб ўтилди².

Пойдевор сифатида эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида олиб борилаётган ислохотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тасдиқланди³. Ушбу Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари алоҳида муҳим ўрин эгаллайди.

Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг асосида албатта *таркибий ўзгартаришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради.*

Бутун жаҳонда “**Ўзбек модели**” номи билан тан олинган ўзимизга хос ва мос ривожланиш модели йўлида дадил қадамлар билан бораётганимиз қўлга киритилаётган

²Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг қундалиқ қондаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.

³Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.// Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

иқтисодий ва ижтимоий муваффақиятларнинг бош омили бўлиб қолмоқда. Пировардида, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар натижасида юртимиз кун сайин раванг топиб, мамлакатимизнинг нафақат шаҳарларида, балки қишлоқларида ҳам саноат жадал ривожланиб бормоқда, замонавий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этилаёпти.


Ҳаракатлар стратегиясида миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш масаласи ҳал этиш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётнинг базавий тармоқларидаги 4400 дан ортиқ корхоналарнинг рентабеллик даражасини ошириш ва молиявий соғломлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш асосида ишчилар сонини кўпайтиришга эришиш режалаштирилган⁴. Бу тадбирлар натижасида корхоналарнинг рентабеллик даражаси ошади, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини ошириш ва ишчилар сонини кўпайтиришга олиб келади.

Давлат раҳбари томонидан Ҳаракатлар стратегиясида *юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш* зарурати алоҳида таъкидланди.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш ва саноат тармоқларининг рақобатбардошлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 2016 йилда 2015 йилга нисбатан 6.6 фоизга ўсишини таъминлади. Юқори қўшилган қийматга эга бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат тармоқларида динамик ривожланиш таъминланди. 2016 йилда маҳаллий хомашё ресурсларини босқичма-босқич чуқур қайта ишлаш ва тайёр истеъмол маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш тармоқлари эвазига саноат маҳсулотларининг юқори ўсиш суръатларига эришилди. Хусусан, тўқимачилик буюмлари, кийим ва чарм маҳсулотлари ишлаб чиқариш 111,7 фоиз, озиқ-овқат маҳсулотлари 110,8 фоиз, фармацевтика маҳсулот ва препаратлари 123,9 фоиз, кимё маҳсулотлари, резина ва пластмасса буюмлари 129,7 фоиз, бошқа норуда менерал маҳсулотлар 113,8 фоизга ошди.

Саноатни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш лойиҳалари, шунингдек, 2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия сарфи ҳажмини қисқартириш, энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш чора-тадбирлари дастурининг ҳаётга самарали татбиқ этилиши натижасида республика ЯИМга энергия сарфини 7,4 фоизга, ҳамда йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннаркини эса ўтган йилга нисбатан ўртача 10,6 фоиз камайтиришга эришилди.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.



Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017 йилда саноат тармоқларидаги йирик корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг таннархини ўртача 8 фоизга қисқартириш ва рақобатбардошлигини оширишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш белгилаб берилган. Шу жумладан, маънан ва жисмонан эскирган ускуналарни янгилаш ҳамда модернизация қилиш, ишлаб чиқаришда энергия самарадорлигини ошириш, технологик жараёнларни оптимallasштиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бу йўналишга корхоналарнинг маблағлари ва тижорат банклар кредитлари ҳисобидан 602 000,0 млн. сўм инвестициялар йўналтирилади, бу эса маҳаллий маҳсулотларнинг, биринчи навбатда, ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ва тармоқларнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилади.



Юқоридагилар билан бир қаторда Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиёт тармоқлари учун самарали рақобатбардош муҳитни шакллантириш ҳамда маҳсулот ва хизматлар

бозорида монополияни босқичма-босқич камайтириш бўйича вазифалар белгиланган. Мазкур йўналиш авваломбор 2017 йилда ушбу соҳани тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиш назарда тутилади. Мазкур қонунда қуйидагилар акс эттирилиши режалаштирилган:

- корхоналарнинг бирлашиши ва қўшиб олинишида монополияга қарши органнинг дастлабки розилигини олиш талабларини бирхиллаштириш;
 - рақобатни чекловчи келишувлар, битимлар ва келишилган ҳаракатларга қарши кураш механизмларини такомиллаштириш;
 - устун мавқега эга бўлган корхоналарнинг акция ва улушларини сотиб олишда тадбиркорлик субъектларининг ҳужжатларини кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш;
- манфаатлар тўқнашувини бартараф этиш мақсадида шуъба корхона томонидан таъсисчининг устав фондидан улуш сотиб олишини ва шуъба корхона вакилларининг таъсисчи кузатувчилар кенгашида аъзолигини тақиқлаш.

1.2. Иқтисодиёт фан ва ишлаб чиқариш фаолиятининг соҳаси сифатида

“Борлиқ онгни белгилайди” ибораси маълум бир жиҳатлари билан ҳар бир инсон ҳамда жамият ҳаёти ва иқтисодиётнинг тузилишини англатади. Шу сабабли иқтисодиётнинг оила ўчоғи миқёсида, шунингдек, корхона, тармоқ ва бутун иқтисодиёт миқёсида кўриб чиқиши бежиз эмас. Сўнгги ҳолатда гап макроиқтисодиёт ҳақида, унинг тенденциялари, қонуниятлари ҳақида бориб, унда кўриб чиқиладиган муаммолар баъзи ҳолларда корхона иқтисодиётидан сезиларли равишда фарқланади.

“Иқтисодиёт” атамаси биринчи бор Аристотел томонидан киритилган ҳамда одамларнинг товар ишлаб чиқариш ва айирбошлашдаги хўжалик фаолиятини англатган. Товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва реализация қилиш тизими қанчалик яхши ташкил қилинган бўлса, иқтисодиёт кўрсаткичлари ва аҳолининг турмуш тарзи, ресурслардан оқилона фойдаланиш, баҳони шакллантириш, солиққа тортиш, самарали қўлланувчи бошқарув тизими каби омилларни ҳисобга олган ҳолда, шунчалик юқори бўлади.

Иқтисодиётнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига ўз вақтида А.Смит юқори баҳо бериб, у инсонни “ҳомо эконоμισ” - “иқтисодий одам” деб атаган. Ҳақиқатдан ҳам, ҳар бир одам иқтисодиётнинг моҳиятини, ҳаёт неъматлари нималар эвазига берилишини англамагунча, маблағларни ишлаб топиш ва улардан самарали фойдаланишни ўрганмагунча, оила миқёси ва ундан юқори даражадаги иқтисодиёт учун маъқул келувчи сифат ва миқдор параметрларига эга бўлади, деб ўйлаш нотўғри бўлар эди. Демак, иқтисодиёт параметрлари (ҳам салбий, ҳам ижобий) аввало инсонлар ҳаракати ва фаолиятининг, оқилона хўжалик юритиш, моддий бойликларни ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва тақсимлашни самарали олиб бориш қобилияти натижасида юзага келади.

Иқтисодиёт инсон ҳаётининг моддий, маънавий, физиологик ва бошқа эҳтиёжлари билан боғлиқ бўлган ҳар бир жабҳасини қамраб олади. Оила қуриш, келажак авлодни тарбиялаш, зарурий турмуш тарзини таъминлаш учун одамларга озиқ-овқат, кийим-бош, тураржой ва бошқа воситалар керак бўлади. Бу предметлар, қоидага кўра, иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарда ишлаб чиқарилади. Шу сабабли бозор иқтисодиётининг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини билиш, рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тушуниш ва исталган хўжалик муаммоларини ҳал қилишда муҳим шарт ҳисобланади.

«Иқтисодиёт» фан сифатида табиатда ҳамда инсон, жамоа ва жамият ҳаётида вужудга келувчи турли хил иқтисодий жараён ва ҳодисаларни прогнозлаштириш, таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича билимлар мажмуасини ифода этади. У бир инсон учун ҳам, бутун жамият учун ҳам зарур бўлган моддий ва номоддий объектларнинг катта қисмини ҳамда моддий ва маънавий неъматларни тайёрлаш ва тақсимлаш усуллари ва

жараёнларини ўз ичига олади. Агар «Иқтисодиёт» фанининг норматив жиҳатлари корхона, фирма ва давлатнинг иқтисодий сиёсатини таъминласа, позитив жиҳатлари эса реал воқеликни баҳолайди ва таҳлил қилади ҳамда унинг ривожланишидаги қонуниятларни аниқлайди.

Б.А.Абдукаримов ва бошқалар муаллифлигидаги “Корхона иқтисодиёти” дарслигида фан тушунчасига - *“Фан - бу табиат, жамият ва тафаккур, ижтимоий тараққиётни таҳлил қилиш ва умумлаштириш тўғрисидаги инсоният томонидан жамлаштирилган билимлар йиғиндисига тушунилади. Бу билимлар орқали инсоният табиат сирларини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлади, техника ва технологияни, табиий фанларни ривожлантиради ҳамда ижтимоий тараққиётни муҳим муаммоларини ҳал қилади.”* -деб таъриф берилади⁵.

Инсоният фаолияти ва ҳаёти моддий борлиқга боғлиқдир. Инсон яшаш учун нимаики қилса, доимо чегараланган моддий бойликлар муаммосига дуч келади. Инсоннинг олий мақсади яхши яшаш, лекин ҳаводан ташқари ҳамма нарса чегараланган. Улардан рационал фойдаланиш доимо инсон онги олдида кўплаган сиёсий, иқтисодий, техникавий, технологик, экологик ва ҳақозо муаммоларни қўяди. Бу муаммолар якка инсондан тортиб, корхона, фирма, уларнинг бирлашмалари, умуман регион, давлат иқтисодиёти миқёсига таъаллуқлидир. Шунинг учун ҳам инсон пайдо бўлгандан тортиб, унинг билан моддий борлиқ ўртасида доимо муносабат, кураш мавжуддир. Шунинг асосида, ҳўжалик юритиш, уни бошқариш тўғрисида инсоният доимо фикр юритиб у тўғрисида билимлар тизимини яратиб келган. Шундай билимлар тизими фан деб юритилади.

Шу тариқа «Иқтисодиёт» фани изланиш ва услубий вазифаларни бажаради ҳамда жамият ҳаётининг барча соҳа ва тармоқларида қабул қилинувчи амалий қарорлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилади. Фан-техника тараққиёти шароитларида иқтисодиёт фани жамиятда бевосита ишлаб чиқариш кучига айланиб бормоқда. Иқтисодий асослаб берилган ҳисоб-китоб ва прогнозлар «Иқтисодиёт» фанининг муҳим таркибий қисми сифатида ҳўжалик таваккалчилигининг рискин камайтиришга, ишлаб чиқариш ва ресурслардан фойдаланишни оптималлаштиришга, шунингдек, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишда энг тўғри танлов олиб боришга имкон яратади.

«Иқтисодиёт» фани таркибига *тармоқлар* (саноат, кишлок ҳўжалиги, қурилиш, транспорт ва ҳоказо), *функционал* («Меҳнат социологияси ва иқтисодиёти», «Иқтисодий статистика», «Молия ва кредит», «Баҳони шакллантириш» ва ҳоказо) каби *турли фан тармоқлари* («Иқтисодий география», «Демография», «Иқтисодиёт тарихи» ва бошқалар) тизими киради. «Иқтисодиёт» фанининг бу ва бошқа йўналишларида чуқур билимга эга бўлиш инсонларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, оқилона ҳўжалик юритиш, кадрларни янги иқтисодий фикрлаш руҳида тарбиялашга катта туртки бўлади.

«Иқтисодиёт» фанининг, жумладан, юқорида санаб ўтилган йўналишларнинг методологик асоси, уларнинг пойдевори бўлиб иқтисодий назария хизмат қилади. У реал воқелик билан боғлиқ бўлиш бариобрида давлатнинг иқтисодий сиёсатини, унинг кучли ва кучсиз томонларини, шунингдек, иқтисодий тараққиётга эришиш мумкин бўлган йўллари мос келувчи босқичларида акс эттиради. Бу мақсадда «Иқтисодиёт» фани статистик кузатув, гипотезаларни илгари суриш ва текшириш, таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, тажриба (эксперимент)лар ўтказиш каби бир қатор воқеликни англаш усул ва услубларини ишлаб чиққан ва улардан муваффақиятли равишда фойдаланади. Айтиш жоизки, бу усуллар нафақат иқтисодий, балки предмети ва тавсифига кўра, табиий ва бошқа турдаги фанларда ҳам қўлланиши мумкин.

⁵ Б.А.Абдукаримов ва бошқалар, “Корхона иқтисодиёти”: дарслик – 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Фан”, 2012 – 371-бет

Иқтисодиёт бозор муносабатлари йўлида ривожланаётган ҳозирги кунда эътиборга молик ва ечимини топмаган муаммолар талайгина бўлиб, «Иқтисодиёт» фанига қизиқиш ортиб бормоқда. Инсон ҳаёти ва фаолиятига муносиб, сиёсат ва давлат аралашувидан холи бўлган, ижтимоий-иқтисодий тараққиётга йўналтирилган иқтисодиётни барпо этиш вазифаси қўйилмоқда. П.Самуэльсоннинг иқтисодиёт бўйича дарслигида кўрсатиб ўтилишича, “иқтисодиёт фанини мунтазам равишда ўрганиб бормайдиган одам мусиқий асарга ўзининг баҳосини бермоқчи бўлаётган гаранг кишига ўхшайди”.

Шу билан бирга «Иқтисодиёт» фани барча ҳаётий муҳим саволларга тайёр жавоб бермайди, чунки иқтисодиёт ишлаб чиқариш, бошқарув, тартибга солиш, башорат қилиш соҳаси сифатида оддий фан тушунчасидан кўра, мураккаброқ категорияни англатади. У фақатгина илмий восита бўлиб, иқтисодий воқеликни англаш усули хизматини ўтайди. Иқтисодиёт иқтисодий фаннинг ўзига хос синови майдони, асосидир. Иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини илмий жиҳатдан ўрганиш, «Иқтисодиёт» фани ва унинг алоҳида тармоқларининг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Моддий ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолдаги реал иқтисодиёт мавжуд эмас. Моддий ишлаб чиқариш иқтисодиёт ривожланишининг асоси, хўжалик фаолиятининг бошланғич нуқтаси бўлиб келган ва шундайлигича қолади. Шу сабабли иқтисодиётнинг турли даражадаги - корхона, тармоқ ва бутун давлат миқёсидаги ҳолати моддий ишлаб чиқаришнинг ютуқлари, жумладан, моддий ишлаб чиқаришнинг кенг маънода истеъмолга, ёки бутунги тил билан айтганда бозор талабига мос келиши билан тавсифланади ва олдиндан белгилаб берилади.

“Иқтисодиёт доимо моддийдир” ибораси инсоннинг ҳаётий эҳтиёжлари, яъни уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак, автомобиль ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёжларидан ташқари, иқтисодиётнинг аҳоли ва иқтисодиёт учун зарур бўлган маҳсулот(товар) тайёрланувчи моддий ишлаб чиқариш соҳаси билан алоқасини ҳам акс эттиради. Айнан моддий ишлаб чиқариш соҳаси (саноат, кишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва ҳоказо) аҳолининг асосий қисмини иш билан таъминлайди. Меҳнат билан бандлик кўрсаткичи иқтисодиёт ҳолатининг ўзига хос “барометри” вазифасини бажаради: аҳолининг меҳнат билан бандлиги қанчалик юқори бўлса, ишсизлик суръати шунчалик паст бўлади ва аксинча.

Замонавий фан-техника тараққиёти ишлаб чиқариш ва иқтисодиётнинг узлуксиз ривожланишида *компьютерлаштириш ва информатизация*, интернет тармоғига киришни илгари сурмоқда. Бу эса бошқарув тизимининг энг муҳим бўғинларидан ташқари, ишчи кучининг сифатини ошириш воситаси ҳамда ишлаб чиқариш жараёнини муваффақиятли ташкиллаштириш учун туртки бўлиб хизмат қилади.

Бироқ моддий ишлаб чиқаришнинг етакчилик ролини инкор қилмаган ҳолда, иқтисодиётнинг ривожланишига *ишлаб чиқариш инфратузилма* (транспорт, алоқа, энергетика ва ахборот хизмати) ва *ижтимоий инфратузилма* (маориф, соғлиқни сақлаш, умумий овқатланиш, уй-жой-коммунал хизмати ва бошқалар)нинг ролини ҳам кўрсатиб ўтишимиз даркор. Бу соҳаларда ҳам аҳолининг катта қисми меҳнат билан банд бўлиб, уларнинг меҳнати моддий ишлаб чиқариш ходимлари меҳнатидан кам фойда келтирмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, **иқтисодиёт** - илмий категорияга қараганда ишлаб чиқариш категориясига яқинроқ бўлиб, фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро самарали алоқалари, реурслардан оқилона фойдаланиш ва рационал бошқарув туфайли фаолият кўрсатмоқда ва ривожланиб бормоқда.

Иқтисодиёт доимо динамик бўлиб, сифат ва миқдор ўзгаришларига дучор бўлади. Баъзи ҳолларда салбий ҳолатлар (масалан, кишлоқ хўжалигида қурғоқчилик, қорамоллар ўлими; уруш, терроризм ва ҳоказо) юзага келса ҳам, иқтисодиётда ижобий силжишларга эришиш мумкин. Фан-техника тараққиёти, малакали кадрлар, хўжалик механизми ва ундан оқилона фойдаланиш, изланиш, тадбиркорлик, ташаббускорлик, рағбатлантириш - буларнинг барчаси иқтисодиётда ижобий силжишларга эришиш учун хизмат қилади.

Бозор муносабатларига асосланилган ҳозирги даврда иқтисодиётни қўтариш учун бу ва бошқа имкониятлар авваллардагидек фақатгина давлатнинг қўлида мужассамланган эмас, балки иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғинини ташкил қилувчи хўжалик юритувчи субъектлар - корхона, фирма, комбинат ва бошқа ишлаб чиқариш структураси вакилларига ҳам катта имкониятлар берилган.

1.3. «Корхона иқтисодиёти» - иқтисодий фаннинг таркибий қисми ва билимлар соҳаси

Фан тадқиқотлар фаолияти соҳаси бўлиб, асосий мақсад табиат, жамият ва фикрлаш тўғрисида янги билимларни ишлаб чиқишга йўналтирилади. «Иқтисодиёт» фани умумий фанларнинг таркибий қисми бўлиб, унинг ўрни ва аҳамияти тўғрисида аввалги бўлимда қисқача тўхталиб ўтилди. Фан ёрдамсиз, атрофимизни ўраб турган дунё тўғрисидаги билимлар тизимини яратмасдан жамият тараққиётига эришиш мумкин эмас. Илмий ўрганиш воқеликни оддий ҳаётнинг тарзда қабул қилишдан фарқли равишда, ҳодиса ва жараёнларни чуқур англаш, ўзаро алоқаларини очиб бериш, уларнинг ривожланиш сабаблари ва кучларини аниқлаш имконини беради.

«Корхона иқтисодиёти» - аҳоли ва иқтисодиёт учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат кўрсатишнинг ижтимоий-иқтисодий ва маъмурий-хўжалик механизмларини ўрганувчи ва очиб берувчи фандир. У табиат ва жамиятнинг муайян ишлаб чиқариш шароитларида ривожланишининг объектив қонунлари намоён бўлиши ва амал қилишига, шунингдек, корхоналар фаолиятига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатувчи давлат миқёсида қабул қилинувчи қоида, норматив ва қонун ҳужжатларига таянади.

«Корхона иқтисодиёти» «Иқтисодиёт» фанининг таркибий қисми бўлсада, мустақил билимлар соҳаси ҳисобланади. У бошқа иқтисодий фанлардан, айниқса, «Микроиқтисодиёт»дан мазмуни ва маълумотларни келтириш мантиқига кўра фарқланади. Афсуски, баъзи бир олимлар «Корхона иқтисодиёти» ва «Микроиқтисодиёт»ни бир-биридан фарқламайдилар. Ҳақиқатдан ҳам, «микро» сўзи иқтисодий ҳодиса ва жараёнларни иқтисодиётнинг бирламчи бўғинлари - корхона ва фирмалар миқёсида кўриб чиқишни кўзда тутаяди, бироқ уларнинг иккита бир хил предмет эмаслигига микроиқтисодиёт ва корхона иқтисодиёти бўйича дарсликларни қўлга олиб амин бўлиш мумкин. «Микроиқтисодиёт» билан таққослаганда «Корхона иқтисодиёти» хўжалик амалиётига яқинроқ, ҳар бир иқтисодчи учун зарур бўлган иқтисодий билимлар мажмуасини шакллантирувчи фан эканлиги кўзга ташланади. Бирламчи бўғин иқтисодиётини яхши билган замонавий мутахассисларни хўжалик юритишда энг хавфсиз ва самарали йўлни топишлари сабабли иқтисодиётнинг «штурманлари» деб аташ мумкин.

Ҳозирги кунда корхона иқтисодиётига бўлган қизиқиш сезиларли равишда ўсган. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти шароитида янги ҳуқуқий-ташкилий шаклдаги корхоналар, хом ашё, материал ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар, шунингдек, бевосита маҳсулот ёки товар истеъмолчилари (харидорлар) билан янгича иқтисодий муносабатлар вужудга келиб, ривожланиб бормоқда. Бундан ташқари, корхона, бу – аввало ишлаб чиқариш жамоаси, одамларнинг турли тарздаги фаолияти бўлиб, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими юзага келади ҳамда маълум бир турмуш тарзи, маънавият ва ахлоқ нормалари шаклланади. Буларнинг барчаси хўжалик юритиш шакл ва усулларини қайта қўриб чиқиш, корхонанинг иқтисодиёт ривожланишидаги ўрни ва ролига янгича ёндашишни талаб қилади.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, исалган корхонанинг фаолиятида турлича саволлар юзага келади. Масалан, корхона қай тарзда фаолият юритиши керак ва даромад нимага боғлиқ бўлади? Самарадорлик ва иқтисодий барқарорлик нималарга боғлиқ? «Хом ашё етказиб берувчилар ва истеъмолчилар билан қандай ишлаш керак?» «Маҳсулотни сотишда воситачилардан фойдаланиш зарурияти; Ишлаб чиқариш суръатини қандай ошириш

мумкин?» «Рақобатчилик курашида нима ва қандай омиллар муваффақият келтиради?» «Ишлаб чиқариш ва сотишни бошқариш тизими қандай бўлиши лозим?» ва ҳоказолар. Корхоналар фаолиятида бирон-бир маҳсулотни **қачон, қаерда, кимга сотиш, нимани, қанча, қандай қилиб** ишлаб чиқариш лозим, деган саволга жавоб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Шу ва шунга ўхшаш саволларга жавоб топишни амалиётда хато ва синовлар усули асосида амалга ошириш, ҳозирги пайтда нафақат корхона учун, балки бутун жамият учун ҳам қимматга тушиши мумкин. Бунда корхоналарнинг банкротга учраши ва тугатилиши, иқтисодиётнинг айрим соҳа ва тармоқларида ишлаб чиқариш ва меҳнат фаоллигининг пасайиши, меҳнат самарадорлиги суръатининг пастлиги ва ҳоказолар гувоҳлик бериши мумкин. Худди шу қаторга тўловларнинг амалга оширилмаслиги, муддати ўтиб кетган қарзлар ва корхоналар фаолиятидаги бошқа иқтисодий камчиликларни ҳам киритиш мумкин. Буларнинг барчасига асосий сабаб эса ўрта ва куйи бўғиндаги раҳбарларнинг бозор иқтисодиёти шароитида янгича ҳўжалик юритиш тизими шакл ва усуллари билмасликларидир.

Афсуски, корхоналар иқтисодий бўлимларининг фаолияти ҳам нуқсонлардан эмас. Кузатувлар шуни кўрсатадики, иқтисодий бўлимлар ўз мавқеини барча корхоналарда ҳам сақлаб қолмаган бўлиб, зарур бўлган маркетинг тадқиқотларини доим ҳам ва тўлиқ ҳолда амалга оширмайдилар, замонавий бизнес стратегиясини яхши тушунавермайдилар. Иқтисодчиларнинг баъзи бир қисми иқтисодиёт “штурманлари” вазифасини бажара олмайдилар, ташаббускорлик ва новаторлик ғоялари ўрнига эскичасига “юқоридан” буйруқ ёки кўрсатма кутадилар, ўтмишда корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашда ўз ўрнига эга бўлган ва ҳозирги бозор муносабатлари даврида ҳам инкор қилинмайдиган ташкилий-техник чора-тадбирларни (зарур ҳолларда бошқа категориядаги мутахассисларнинг иштирокида) самарали тарзда ишлаб чиқмайдилар.

Бугунги кунда аксари корхоналар акциядорлик жамиятлари, холдинг ва молия-саноат гуруҳлари тузиш йўлидан бормоқда. Давлат корхоналарнинг ташаббускорлиги, ижодий изланиш ва тадбиркорлиги учун кенг йўл очиб, уларнинг ишлаб чиқариш функцияларини режали иқтисодиёт давридаги каби назорат, лимит ва қаттиқ нормалар билан чеклаб қўяётгани йўқ. Яъни қонунда тақиқлаб қўйилган ҳоллардан ташқари барча ҳолатларда мустақил ҳўжалик фаолияти ва эркинлиги замонавий корхоналар фаолиятининг энг асосий хусусияти бўлиб, мазкур ўқув қўлланмада кўриб чиқиладиган барча масалар ушбу асосда юзага келган.

Бироқ бозор иқтисодиёти автоматик равишда муваффақият ва тўқинлиқни таъминлаб беради, давлат эса барча корхоналар фаолиятига умуман аралашмайди, деб ўйлаш мутлақо хато бўлар эди. Давлат иқтисодиётнинг асосий ислохотчиси бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундайлигича қолади. Давлат ўз зиммасидан маъмурий-буйруқбозлик функцияларинигина соқит қилиб, махсус иқтисодий таъсир чоралари ёрдамида иқтисодиётни назорат қилиш ва бошқарув функцияларини, шунингдек, иқтисодиётнинг ҳўжалик юритувчи субъектларнинг тўғридан-тўғри мажбуриятига қирмайдиган ҳамда уларнинг қўлидан келмайдиган соҳаларини ривожлантиришдаги иштирокини сақлаб қолган.

Маълумки, иқтисодиёт жамият ҳолатини, ишлаб чиқариш кучларидан фойдаланиш ва уларнинг ривожланиш даражасини, фан-техника тараққиёти ютуқларидан фойдаланишни, одамларнинг маданияти ва маълумоти даражаси ва ҳоказоларни акс эттиради. «Корхона иқтисодиёти» билимларнинг мустақил соҳаси ва иқтисодиёт фанининг таркибий қисми сифатида масаланинг айнан шу томонига кўпроқ эътибор қаратади. Жамият учун зарур бўлган моддий бойликлардан ташқари миллий даромаднинг ҳам асосий қисми айнан корхоналарда ишлаб чиқарилиши сабабли корхоналар иқтисодиётининг ҳолати бутун иқтисодиётга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади, деб ҳисобланади. Корхона қайси тармоққа мансублиги ва мулк шаклидан қатъи назар

канчалик яхши ва самарали ишласа, иқтисодиёт кўрсаткичлари ҳамда аҳолининг турмуш тарзи шунчалик юқори бўлади.

Бундай шароитларда хўжалик амалиёти ва фан олдида **биринчи ўринда** ҳар бир корхона, тўғрироғи, ишлаб чиқаришда қатнашувчи бутун жамоанинг бозор муносабатларига асосланган ҳозирги иқтисодиётнинг ривожланиш тенденциялари ва қонунларини, аввало, унинг асосий кўрсаткичлари - талаб ва таклиф тушунчаларини билиши ва тўғри тушуниши, **иккинчидан**, миллий иқтисодиётнинг ривожланиши ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига қўшилишида ўз ҳиссасини қўшиши, **учинчидан** эса, ишлаб чиқаришнинг ҳар бир бўғинида юқори самара ва сифат кўрсаткичларига эришиш масаласи қўйилади.

Иқтисодиётнинг ривожланишига керакли билим ва кўникмаларни, маблағ ва кучларни киритмасдан туриб корхона ҳам, жамият ҳам ривожланган иқтисодиётни ҳамда моддий неъматларнинг тўқинлиги ва турмуш тарзининг юқорилигини талаб қила олмайди.

Ҳозирги кунда бозор иқтисодиёти ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва корхоналарнинг мустақил фаолият кўрсатишларига кенг имкониятлар очиб бериш билан бирга кадрларга, уларнинг билимлари, кўникмалари ва малакаларига катта талаблар қўймоқда. Бир томондан фан-техника тараққиёти, иккинчи томондан эса бозор муносабатлари ва рақобатчиликнинг ривожланиб бориш шароитларида меҳнат бозорида фақатгина замонавий корхоналар иқтисодиётини яхши билувчи, унинг балансини тўғри тушунувчи, бизнес-режа ишлаб чиқаришга қодир, инвестицион ва бошқа хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишни тўғри амалга оширувчи мутахассислар муваффақиятга эришиши мумкин.

1.4.” Корхона иқтисодиёти” фанининг объекти, предмети ва ўрганиш услублари

Объект латинча «объектум» сўздан олинган бўлиб ўзбекча нарсаси, буюм мазмунини билдиради. Фалсафада эса объект сўзи биздан ташқарида ва бизнинг онгимизга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган борлиқ, воқелик, моддий дунё, мавжудот мазмунида ҳамда киши фаолияти, диққат-эътибори қаратилган ҳодиса, предмет ёки шахс маъносиди ҳам ишлатилади⁶.

Оддий ҳаётда объект корхона, ташкилот, муассаса ёки бирон бир фаолият ўтказиладиган жой маъносиди тушунилади.

Ҳар қандай фanning ўрганадиган, унинг мақсади қаратилган объекти мавжуд.

Корхона иқтисодиёти фанининг объекти иқтисодчи олимлар томонидан ҳар хил таърифланади ва улар бир-биридан мазмунан фарқ қилади. В.Я.Хрипач, Г.З.Суша, Г.К.Онопrienко ва бошқалар корхона иқтисодиёти фанини объектини «корхона»¹ деб ҳисоблайди. К.А.Ранцкий корхона иқтисодиёти фанининг объектига қуйидагича тариф беради: «алоҳида хўжалик субъектларида рўй бераётган барча жараёнлар ва улардан келиб чиқадиганлар»².

Немис олимлари Ф.К.Беа, Э.Дихтла, М.Швайтцерлар³ маданият корхона иқтисодиётининг объекти деб ҳисоблайдилар. Уларнинг фикрича доимий ўзгариб турувчи иқтисодий реаллик ҳақиқатда олганда бошқа ҳодисалар (диний, ҳуқуқий, бадий, техникавий, тиббий характердаги) билан тигиз боғлиқ бўлиб, улар мажмуаси (йиғиндиси) корхона иқтисодини тажрибавий асосини ташкил қилади. Бу асосини улар миллий маданият деб ҳисоблаш мумкин дейдилар. Немис олимларининг фикрича иқтисодий муаммолар ва иқтисодий ҳатти-ҳаракатлар маданият соҳаси билан тўла интеграциялашади. «Саноат, корхонаси, ҳунармандлик корхонаси, савдо корхонаси, банк,

⁶ Б.А.Абдукаримов ва бошқалар, “Корхона иқтисодиёти”: дарслик – 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Фан”, 2012 – 371-бет

¹ Экономика предприятия В.Я.Хрипач, Г.З.Суша, Г.К.Онопrienка и др. - Мнск: Эканомпресс. 2000.-8с.

² Ранцкий К.А. Экономика предприятия: Учебник для ВУЗов. - М.: Информационно-внедренческий центр «Маркетинг», 1999. -9с.

³ Экономика предприятия: Пер. С нем. - М.: ИНФРА-М, 1999. -9с.

суғурта ташкилоти, давлат органи, театр, олий мактаб, музей ёки мачитми фарқи йўқ. Буларнинг ҳаммаси корхона иқтисодининг объекти бўлиб ҳисобланади ва улар билан боғлиқ бўлган иқтисодий масалалар тадқиқот предмети бўлиши мумкин» деб таъкидлайдилар.

Профессор Э.Х.Махмудовнинг таъкидлашича «**Корхона иқтисодиёти**» худди бошқа фанлар каби биринчи ўринда ўрганиш функциясини бажаради. Унинг маҳсулот ишлаб чиқариш моддий-техника ресурсларини сарф қилишни талаб қилиши билан, ходимлар меҳнати уларга ҳақ тўлаш ва рағбатлантиришнинг бошқа шакллари билан, даромад ҳажми эса харажатлар миқдори ва баҳони шакллантириш билан боғлиқ бўлган қўшма корхоналарда содир этилувчи ҳодиса ва жараёнларни ўрганиши ва изоҳлаши мўлжалланган. Бунда гап қандайдир омилларни оддий тарзда констатация қилиш ҳақидагина эмас, балки корхоналар иқтисодий ҳаётининг моҳиятини англаш, уларнинг иқтисодий аҳолини яхшилаш йўллари танилаш, баҳолаш ва таҳлил қилиш, энг муҳим иқтисодий жараёнларни прогностлаштириш ва моделлаштириш ҳақида ҳам боради⁷.

Мазкур фаннинг **тадқиқотлари объекти** турли мулк шаклидаги микрофирма, кичик ва йирик корхоналар ҳисобланади. Ҳозирги кунда иқтисодий фаолиятнинг, моддий ишлаб чиқаришнинг жорий ва истиқболли ривожланиш стратегияси ҳамда мамлакат иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашнинг асосий оғирлиги айнан корхоналар “елкаси” га юклатилмоқда.

Корхона иқтисодиётнинг бир бўғини бўлиб, унда энг малакали кадрлар мужассамланган ҳамда самарали бошқарув - менеджмент қўлланиб, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш масалалари ҳал қилинади. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифат кўрсаткичларини сақлаган ҳолда харажатларни минималлаштириш ва даромад(фойда)ни максималлаштириш деярли ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади.

Фаннинг **предмети** бозор муносабатлари шароитларида корхоналар фаолиятининг назарий ва амалий асосларини, корхоналар фаолиятида иқтисодий қонуниятларнинг намоён бўлишини, шунингдек, уларнинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолияти самарадорлигини ресурслардан оқилона фойдаланиш, рационал бошқарув, инвестицион ва тадбиркорлик фаоллиги асосида ошириш йўллари аниқлаш билан ифодаланади.

Фаннинг предметини ташкил қилувчи энг асосий муаммо ва масалалар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- * бозор муносабатларида корхонанинг роли, ўрни ва хатти-ҳаракатлари ҳамда давлат идоралари билан ўзаро алоқалари;
- * корхонанинг ташкилий структураси ва бошқарув механизми;
- * ишлаб чиқаришни режалаштириш ва прогностлаштириш;
- * корхонанинг инновацион ва инвестицион фаолияти;
- * ресурс корхонанинг салоҳияти ва ресурслардан фойдаланиш;
- * ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- * корхонанинг тижорат сирлари ва иқтисодий хавфсизлиги.

Юқоридаги ва бошқа саволлар ўзгарувчанлик динамика асосида ўрганилиб, замонавий корхоналарни бошқаришнинг турли шакл ва усуллари вужудга келиши ва йўқолиб кетишининг тарихий сабаблари аниқланади. Бундай муайян тарихий ёндашув ушбу фанни ўрганишнинг муҳим методологик ҳолатларидан бири ҳисобланади.

Ҳар қандай илмий фан ўрганадиган предметида келиб чиқиб ўз усулларини (методларини) яратган. Метод грек тилидан «метҳодос» сўзидан олинди, «бирон нарсага

⁷ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006, – 208 б.

йўл топиш» деган маънони билдиради. Ўзбек тилида метод сўзи усул маъносига тўғри келади⁸.

Фан усули (методи) деганда табиат ва жамиятда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнларни билиш, ўрганиш ва тадқиқ қилиш учун фанда қўлланиладиган математик ва статистик услублар мажмуасига тушинилади.

Усул – бизнинг фикримизча, жамият сирларини объектив фикрлаш, назарий мушоҳада қилиш ва амалиётга жорий этиш воситалари сифатида қаралиши мумкин.

Усул, фалсафий маънода қаралса илмий фан ўрганадиган предметни инсон фикрида нусхаланиши ёки шаклланишини билдириб, уларни ўрганиш курали сифатида қаралади.

Онгли равишда, илмий асосланган фан усулларини қўллаш, ҳар бир фан учун янгиликлар яратиш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Қадимги ислом дунёсида олимлар табиат ва жамиятни ривожланишини, тафаккурни такомиллаштиришни ўрганишда «Ривожланиш-шаклланиш» назариясини ишлатишган. Ушбу назария асосида фикр юритишни «Аллоҳ-инсон-модда-вақт-иктисодий раванқ» усули ишлатилган. Шу билан бирга, билиш жараёнининг ривожланиши асосида илмий фикр юритишнинг умумий усуллари ҳам яратилган. Улар қаторига деалектика, индукция, дедукция, анализ ва синтез қабилар қиради.

Барча иқтисодий фанларнинг усулларини фалсафий асоси ва умумий билиш курали сифатида диалектика усули ишлатилади. Шу билан бирга билиш жараёнининг ривожланиши асосида илмий фикр юритишнинг умумий усуллари ҳам топилган. Улар қаторига индукция, дедукция, анализ ва синтез қабилар қиради.

Келтирилган усулларни қисқача мазмунини ёритиб ўтамиз.

Боболаримиз ишлатган «Ривожланиш - шаклланиш» назарияси, Аллоҳнинг яратувчанлиги, унинг бирламчилигини асослаб, кейин инсон – модда – вақт – иқтисодий раванққа қараб ривожланишни амалга оширишни асослайдиган фикр юритиш усулидир.

Аслида, тарихда диалектика диалог ва тортишув маҳорати, яъни савол-жавоб орқали тортишув ўтказиш қобилияти ҳамда нарсалар, тушунчаларни шакллар ва турларга таснифлаш маҳорати деб тушунилган.

Диалектика грекча «диалектике» сўздан келиб чиқиб табиат, жамият ва тафаккурнинг умумий қонунларини ўрганиш усули сифатида вужудга келган.

Қадимий фалсафа табиатда ва жамиятда бутун борлиқ ўзгарувчанлигини асослаган ва ҳодисалар, жараёнларни бир ҳолатдан иккинчи қарама-қарши ҳолатга ўтишини исботлаган. Аристотель диалектикани эхтимол фикрларини исботлаш тўғрисидаги фан деб қараган.

Бутун борлиқ, мавжудотни ҳар бири ҳам бор ҳам йўқ; ўз ўзига тенг ва тенг эмас; ўзига ўхшайди ва ўздан қарама-қарши ҳолатга ўтади. Шунинг учун ҳам борлиқ тўла қарама-қаршиликдан иборат, ягона ва қўп, мангу ва ўтувчан; ўзгармас ва ўзгарувчан; тинч ҳолатда ва ҳаракатда. Бундай жараёнларни ўрганиш усули сифатида диалектика вужудга келган.

Шундай қилиб, фалсафанинг табиат, жамият ва тафаккурни ўрганиш усулига диалектика деб тушунилади.

Иқтисодий реаллик ҳам бутун жамиятдаги борлиқни бир қисмидир. Шунинг учун иқтисодий реалликда содир бўлаётган ҳодисалар ва жараёнларни ўрганишда барча иқтисодий фанлар, шу жумладан корхона иқтисодиёти диалектика усулидан кенг фойдаланади.

Индукция лотинча «индустио» сўздан олинган бўлиб хабар олиш мазмунини билдиради. У фикр юритишнинг бир типи ва тадқиқ қилиш усулидир. Умуман индукция

⁸ Б.А.Абдукаримов ва бошқалар, “Корхона иқтисодиёти”: дарслик – 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Фан”, 2012 – 371-бет

тадқиқот қилишда, хулосаларни асослашда хусусийликдан айрим воқеликдан умумийликка ўтиш усулидир. Иқтисодий жараёнларни таҳлил қилишда умумий назарий билимга эга бўлиш учун унинг алоҳида томонлари, эмприк асослари ўрганилиб хулоса қилинади.

Дедукция латинча «дедутио» сўзидан олинлиб сўзма-сўз «чиқариш» маъносини билдиради. Дедукция ҳам индукция каби фикр юритишни бир типи ва тадқиқ қилиш усули бўлиб, индукция усулини тескарисини ишлатади. Дедукция усули ишлатилганда умумийликдан хусусийликка қараб фикр юритилади ва тадқиқот олиб борилади.

Индукция ва дедукция логик фикр юритишга асосланган. Иқтисодий тадқиқотлар ўтказишда айрим белгиларни таҳлил қилиб унинг асосида умумий жараёнга баҳо бериш ёки унинг тескари ҳоллари юз беришга қўп тўқнашамиз.

Анализ ва синтез грекча «анажйсис» ва «сйнтҳесис» сўзларидан олинган бўлиб, анализ - бўлиш, ажратиш ва синтез - мувофиқлик, муносиблик маъносини билдиради. Анализ ва синтез тадқиқот усули бўлиб, умумий мазмунни яхлитликни алоҳида таркибий бўлимларга (хусусийликга) ажратиш ва яхлитликни алоҳида таркибий бўлимлардан яратиш жараёнига тушунилади. Булар ҳам тадқиқотни логик услубларидандир. Иқтисодий амалиётда бу усуллардан кенг фойдаланилади.

Қисқача хулосалар

«Корхона иқтисодиёти» - иқтисодий фанларнинг таркибий қисми бўлиб, бозор структуралари фаолиятининг амалий шакллари ва назарий асослари ҳамда иқтисодий фаолият субъектларининг ўзаро алоқалари механизмни ўрганишга қаратилган.

Корхона - иқтисодиётнинг асосий бўғини. Бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий фаолиятнинг асосий оғирлиги турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда малакали кадрлар мужассамланиб, ресурсларнинг турли хилларидан фойдаланилувчи корхоналар зиммасига юклатилган.

«Корхона иқтисодиёти» фан сифатида замонавий мутахассисга ўз соҳасининг билимдони бўлишга, ишлаб чиқаришдаги аҳволнинг ўзгаришига тез мослашиши, қатъий белгиланган мақсадга эга бўлиши ва энг асосийси, замонавий корхоналарнинг хўжалик механизмни билишига қўмаклашади.

«Корхона иқтисодиёти» фан сифатида ташкилотчилик малакасидан ташқари тадбиркорлик руҳини, бозор ва рақобатчилик қонунлари ҳақидаги билимларни сингдиради ҳамда корхона ҳаётида энг самарали қарорлар қабул қилинишига хизмат қилади.

«Корхона иқтисодиёти» кичик, ўрта ва йирик корхоналар ўртасидаги фарқларни, кичик ва ўрта корхоналарнинг йирик корхоналарга нисбатан мослашувчанлиги ва рақобатбардошлигини ҳамда уларнинг бозор талабларига тезроқ жавоб беришларини кўрсатади.

«Корхона иқтисодиёти» муайян иқтисодий фан сифатида корхоналарни алоҳида, атрофдаги воқеликдан ажратган ҳолда эмас, балки жамият ҳаётидаги барча иқтисодий ходиса ва жараёнлар иштирокида бутун иқтисодий тизимда ўрганади. Шу сабабли мазкур фаннинг муҳим белгиси сифатида корхоналарнинг рақобатга асосланган бозор муносабатлари шароитларидаги фаолияти ҳамда бўлажак мутахассисларга бозор ва рақобат қонунларини ўргатишини кўрсатиш мумкин.

«Корхона иқтисодиёти» мақсадли вазифа сифатида хўжалик юритувчи субъектларнинг таълим даражасини оширишни кўзда тутсада, муайян корхоналарда юзага келаётган аҳвол учун жавобгарликни ўз зиммасига олмайди. Мазкур ўқув курси корхона ҳаётида рўй бериши мумкин бўлган иқтисодий ходиса ва жараёнларни умумлаштиради ва очиб беради.

Добавлено примечание ([OM1]):

Таянч иборалар

Иқтисодиёт, тармоқлар, моддий ишлаб чиқариш, “Иқтисодиёт доимо моддийдир”, компьютерлаштириш, информатизация, интернет тармоғи, ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилма, фан-техника тараққиёти, «Корхона иқтисодиёти», самарадорлик, иқтисодий барқарорлик, рақобатчилик кураши, бошқариш тизими, талаб ва таклиф, фаннинг тадқиқотлари объекти, фаннинг предмети, фаннинг мақсади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Бозор иқтисодиёти маъмурий-буйруқбозликка асосланган аввалги иқтисодиётдан нимаси билан фарқланади?
2. Иқтисодий фанлар ва айнан “Корхона иқтисодиёти” фани жамият кадрларининг шаклланишида қандай роль ўйнайди?
3. Ишлаб чиқариш (саноат) корхонаси бозорнинг хўжалик юритувчи бошқа субъектларидан қайси хусусиятлари билан фарқланади?
4. Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар фаолиятининг мақсади нимада?
5. Корхонанинг бозор ва ишлаб чиқариш алоқаларини очиб беринг.
6. Рақобатчилик корхона фаолиятига қай тарзда таъсир ўтказади?
7. Замоनावий корхоналарнинг фаолияти қайси қонун ҳужжатларига асосланган? Корхоналар фаолиятига бевосита таъсир қилувчи муайян қонунларни санаб ўтинг.
8. “Корхоналар иқтисодиёти” фани «Микроиқтисодиёт» ва «Макроиқтисодиёт» фанларидан нимаси билан фарқланади?
9. Иқтисодий сиёсат, иқтисодий муҳит ва иқтисодий фанларнинг ўзаро алоқаларини кўрсатиб беринг.
10. Корхонанинг иқтисодий фаолияти билан шуғулланувчи замоनावий мутахассис қандай хислатларга эга бўлиши лозим?

ИИ МАВЗУ. КОРХОНА – МУСТАҚИЛ ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ БОЗОР СУБЪЕКТИ

- 2.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли.
- 2.2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазибалари.
- 2.3. Корхоналарни таснифлаш.
- 2.4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар

2.1. Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхонанинг ўрни ва роли.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий иқтисодиётимизда миқдор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократиялаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган модели асосида ривожланиб бормоқда. Бу модел иқтисодиётни ислохот қилишнинг бешта муҳим тамойилига асосланган ҳамда хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган.

Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинувчи ушбу вазибаларнинг амалга оширилишида корхоналарга катта роль ажратилиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмолчиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Миллий иқтисодиётни асосини корхоналар ташкил қилади. Барча инсон учун зарур бўлган моддий, ижтимоий, маънавий борлиқлар корхоналарда яратилади. Корхоналар, тармоқлар ва соҳаларни таркибини, мазмунини, масштабини, ривожланиш даражасини белгилайди. Улардан тармоқ ва ҳудудий бирлашмалар ташкил топади, шаҳар, туман, вилоятлар тузилади. Рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар (деҳқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) сони 2017 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра 285,3 минг донани ташкил этганлигини эслатиб ўтамиз, шундан фаолият юритаётганлари – 268,4 мингта ёки рўйхатдан ўтказилган юридик шахслар умумий сонининг 94,1 фоизини ташкил қилади.

2016 йил якунларига кўра, 32,7 мингта корхона ва ташкилотлар, шу жумладан 31,7 мингта кичик бизнес субъектлари янгидан рўйхатдан ўтказилган. Янгидан тузилган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Тошкент шаҳри (республикада барча рўйхатдан ўтказилганларнинг 23,7 фоизи), Тошкент (9,1 фоизи), Фарғона (8 фоизи) ва Самарқанд (7,3 фоизи) вилоятлари ҳиссасига тўғри келади⁹.

Аксарият адабиётларда корхонанинг мақсади тўғрисида сўз юритилганда, бу масалага бир томонлама қарашларни кузатамиз. Яъни корхонанинг мақсади ўз фаолиятдан фойда (даромад) олиш деб таъкидланади. Масалан: А.А.Сергеев - “Корхона - фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш ва хизмат қилиш учун барпо этилган мустақил фаолият юритувчи субъект” деб таърифлайди ва “шакллари кўпчилигига қарамай корхоналар фойда олиш мақсади орқали бир хил тус олади” деб таъкидлайди¹. Аслида корхона ўз маҳсулотларига бўлган талабни қанчалик тўла қондирса унинг самарадорлиги шунча юқори бўлади. Шу борада Америка автомобил курилишини ҳамда “Амалиёт фалсафасини” яратган “фордизм” назариясини асосчиси Генри Фордни айтганларини келтириш ўринли деб ҳисоблаймиз. Г.Форд ўзининг тадбиркорлик фаолиятини мақсадини жамиятга хизмат қилишда деб тушунган ва “Фақат фойда олиш учун қилинадиган иш - энг юқори даражадаги хавф-хатарли фаолиятдир.

...Корхонанинг мақсади фойда олиш ёки чайқовчилик эмас, аксинча истеъмол учун ишлаб чиқаришдир. Бордию халқ ишлаб чиқарувчи унга хизмат қилинмаётганлигини сезиб қолса, унинг келажаги узокка бормади”² деб таъкидлаган. Таниқли тадбиркор “Бин” фирмасини бошлиги Л.П.Бин фирманинг меморандумида, ҳамма ишчи ва хизматчилари бажариши шарт бўлган, қуйидаги тезисни ёздириб, унга риоя қилишни қаттиқ назорат қилган: “Истеъмолчи - бизни шохимиз: Биз истеъмолчидан боғлиқмиз, истеъмолчи биздан эмас. Ҳеч ким, ҳеч қачон ўз истеъмолчиси билан тортишиб, ҳеч нарса ютмаган. Истеъмолчи - бу бизга ўз талабини келтирувчилар. Бизни ишимиз уларни талабини ўзимиз учун, ҳамда улар учун ҳам фойда келтириш орқали қондиришдан иборат”.

Немис олимлари Ф.К.Беа, Э.Дихтла, М.Швайтасралар “Экономика предприятия” (издательский дом “ИНФРА-М”, 1999.) дарслигида корхона фаолиятининг самараси ўз тақлифи орқали талабни тўла қондиришга боғлиқ деган фикрни олга суришган.

Мамлакатимиз миллий иқтисодиётида саноат корхоналари етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Ялпи ички маҳсулотнинг учдан бир қисми айнан саноат тармоғида яратилади.

Саноат корхоналари халқ хўжалигининг барча тармоқларини илгор, замонавий техника билан қуроллантиради. Қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа соҳаларнинг техник-иқтисодий даражаси айнан саноатнинг ривожланиш даражасига

⁹ <http://kun.uz>

¹ А.А.Сергеев Экономические основы бизнес-планирования. - М.: ООО “Издательство юнити-ДАНА”. 1999. 66.

² Форд Г. Моя жизнь, мои достижения. - М.: Финансы и статистика, 1989.-С.18.

боғлиқдир. Саноат тармогининг янада ривожланиши мамлакат иқтисодиётининг кучайишида муҳим омил ҳисобланади¹⁰.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш воситалари билан бир қаторда халқ истеъмоли буюмларини ҳам ишлаб чиқаради ва аҳоли турмуш даражасининг ошишига хизмат қилади.

Саноат, хусусан оғир индустрия халқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг асоси ҳисобланади. У бетўхтов ўзи ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари учун ишлаб чиқариш воситаларини такрор ишлаб чиқаради. Оғир индустрия саноатининг барча тармоқларини, қишлоқ хўжалигини, алоқани, қурилишни, савдони илғор техникалар билан қуроллантиради. Саноатнинг барча халқ хўжалиги тармоқларини техник жиҳозлаши ижтимоий меҳнат унвдорлигини оширишга ва ишлаб чиқариш масштабини кенгайтиришга хизмат қилади.

Саноат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини қайта қуришнинг асоси ҳисобланади. У қишлоқ хўжалигини янги техника воситалари билан таъминлаш орқали соҳадаги меҳнатни саноатлаштирилган (индустриялаштирилган) кўринишга олиб келади.

Саноат қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайди ва халқ истеъмоли товарларининг асосий қисmini ишлаб чиқади. Аҳолининг истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси кўпинча саноатнинг ривожланишига боғлиқдир.

Саноатнинг ривожланиши ишлаб чиқариш кучларининг оқилона жойлаштирилишига, мамлакат иқтисодий ҳудудларининг ҳар тамонлама юксалишига, табиий **бойликлардан** мақсадли фойдаланишга ёрдам беради.

Профессор Э.Х. Махмудов таърифига кўра корхона бу - юридик шахс мақомига эга, мустақил равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли бўлган мол-мулкдан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди¹¹.

Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Юридик шахслар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Профессор Б.А.Абдукаримов бошчилигидаги муаллифлар корхонага қуйидагича таъриф бериш назарий ва амалий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблайдилар. Корхона - жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланувчи, аҳолининг талабини қондириш ва фойда олиш ёки бошқа ижтимоий функцияларни бажариш мақсадида, хусусий ресурслардан фойдаланиш асосида маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган, айирбошлайдиган, ҳамда бошқа ишларни ва хизматларни бажарадиган, фаолияти бўйича қарорлар қабул қиладиган ва унга жавобгар, ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, ҳар хил масштабдаги хўжалик юритувчи субъектдир¹².

Ҳар бир мамлакатнинг саноат қуввати ҳамда фан-техника тараққиёти ва иқтисодиётни модернизациялаш кўрсаткичларини биринчи ўринда йирик корхоналар белгилаб беради. Шу сабабли “кичик” иқтисодиётни ривожлантириш, яъни кичик ва ўрта корхона ҳамда микрофирмаларга кенг йўл очиб беришда йирик корхоналарнинг ўрни ва ролини унутмаслик даркор. Чунки бу корхоналарда ишловчи ходимлар сони катта

¹⁰ Б.А.Абдукаримов ва бошқалар, “Корхона иқтисодиёти”: дарслик – 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Фан”, 2012 – 371-бет

¹¹ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006, – 208 б.

¹² Б.А.Абдукаримов ва бошқалар, “Корхона иқтисодиёти”: дарслик – 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Фан”, 2012 – 371-бет

бўлишдан ташқари, фан-техника ютуқларини ҳаётга татбиқ этиш, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнатни рағбатлантириш ҳамда дўстона, шерикчилик алоқаларини (жумладан, хорижий корхона ва фирмалар билан) ривожлантиришга кенг имкониятлар мавжуд. Шу сабабли йирик, ўрта ва кичик корхоналарнинг оптималлиги жамоатчилик ишлаб чиқариши талаблари ва миллий иқтисодиётнинг ривожланиш истиқболларидан келиб чиққан ҳолда фан ва хўжалик амалиётининг энг муҳим вазифаси ҳисобланади. Бу вазифани иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғи ва соҳасида ҳал қилишнинг йўллари ўхшаш бўлмаслиги ёки бир хил тавсифга эга бўлмаслиги мумкин. Ҳар бир алоҳида юзага келган иқтисодий ҳолатда мавжуд шароитлар ва ривожланиш афзалликларига мос ҳолда ҳаракат қилиш зарур.

Корхоналарнинг фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бутун иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг ўзларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади, деб ҳисобланади. Балки ҳақиқатдан ҳам шундайдир. Бироқ корхона, айниқса, давлатга тегишли бўлган корхона қандай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги қандай бўлиши фақат корхоналарнигина эмас, давлатнинг ҳам кўз олдида бўлиши зарур. Худди шунинг учун ҳам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга уларни белгиланган тартибда назорат қилиб ҳам боради. Давлат корхоналар “тақдирига”, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти яқуний натижаларига бефарқ қараб тура олмайди. Банкротга учраган корхоналар, зарар келтирувчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ночорлик - буларнинг барчаси корхона жамоаси учун ҳам, давлат учун ҳам оғир юк ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шунини кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитларида барча корхоналар ҳам рақобатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди ҳамда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил қилиниб, хўжалик фаолияти доирасига қўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга қўра тугатилади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг тугатилиши бозор иқтисодиёт шароитларида одатий ҳол бўлиб, бу аҳволга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак бўлсада, лекин бундан фожеа ҳам яшаш керак эмас.

Исталган корхонанинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, олинadиган фойда ёки даромад миқдоридан ташқари бу корхонанинг аҳолини иш билан таъминлашдаги иштирокига ҳам боғлиқ бўлади. Аҳолини иш билан таъминлар экан, корхоналар ўзларининг бевосита ишлаб чиқариш функцияларини бажаришдан ташқари ишсизликнинг камайишига, демак, тўғри, меҳнат фаоллигининг ортиши ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланишига ҳам сабабчи бўлади.

Бу ерда ҳамма нарса фақат корхонанинг ўзига боғлиқ эмаслиги кўриниб турибди, албатта. Чунки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида ҳам ашё, материал, асбоб-ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ёки маҳсулот истеъмолчилари сифатида ҳаракат қилувчи бошқа корхоналар билан ўзаро алоқага киришади. Бу муносабатларда ҳар бир камчилик ва нуқсонлар, жумладан, ҳам ашё, материал ва асбоб-ускуналарни вақтида етказиб бермаслик, ўз вақтида ҳақ тўламаслик, қарзларни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилиши ва бошқа хўжалик юритиш қоидалари ва мажбуриятларининг бузилиши корхона иқтисодий аҳволининг ёмонлашишига, унинг ночорликка учрашига олиб келади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва юқори рентабелли даражада амалга ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чиқаришни керакли тарзда ташкил қилиш ҳамда ўз ҳамкорлари ва давлат олдидаги мажбуриятларни қатъий тарзда бажариш интизоми билан узвий боғлиқдир.

Добавлено примечание ([ИК2]): к

Ўзбекистонда кўплаб микрофирмалар, кичик ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодийнинг деярли барча тармоқларини – оғир саноатдан енгил саноатгача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача қамраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан - ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади. Маълумки, бойлик ёки салоҳият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-ҳаракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юретишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлсада четга чиқиш жамоатчилик ишлаб чиқариши самардорлигининг пасайишига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка олиб келади. Корхоналар ҳам бундан мустасно эмас.

2.2. Корхонанинг белгилари, функциялари ва вазифалари

Замонавий корхона-мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиб, уларнинг ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа мулклари режали иқтисодий шароитларидагидек давлатнинг ўзигагина тегишли бўлмайди. Шу сабабли корхоналар *мулкчилик шаклига* кўра, давлат ва нодавлат, *тармоқ белгиларига* кўра, машинасозлик, энергетика, металлургия, нефть ва газ саноати, қурилиш комплекси, озиқ-овқат, енгил саноат, савдо ва ҳоказолар, *ишлаб чиқариш миқёси ва ходимлар сонига* кўра, йирик, микрофирма ва кичик, *фаолият юритиш муддатига* кўра, узлуксиз, мавсумий ва узлукли корхоналарга бўлинади.

Бироқ ушбу белгилардан қатъи назар, деярли ҳар бир корхона **Низом** асосида фаолият юритади. Низомда корхонанинг номи, манзилгоҳи, юқори турувчи органи ва бу органнинг номи, Низом жамғармаси, банк муассасаларидаги реквизитлари, корхона раҳбариятининг лавозимлари, раҳбар шахсларнинг мажбуриятлари, тузилмавий бўлинмалар рўйхати, ҳисобот тартиби ва ҳоказолар кўрсатилган бўлади.

Агар Низомда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий функциялари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти таркибига асосий ва айланма фонтлар, пул маблағлари ва бошқа активлар кирувчи **Низом жамғармасига** таянади. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида муассислар - давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан шакллантирилади. Корхона ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, даромад ҳажми ва бошқа молиявий тушумларнинг ортиши натижасида Низом жамғармаси кўпайтирилиши мумкин. Умуман олганда, Низом жамғармаси корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жиҳатдан бақувватлигини акс эттиради.

Корхонани турли белгиларига кўра тавсифлаш мумкин:

- *ишлаб-чиқариш ва техника муносабатларида корхона* – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими;
- *иқтисодий муносабатларда корхона* – бу, турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар ;
- *ташкилий-ҳуқуқий муносабатларда* корхона ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади;
- *молиявий-иқтисодий муносабатларда корхона* – бу, тармоқнинг мустақил бўлини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Амалдаги қонунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтганидан кейингина ҳуқуқий шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш учун биринчи ўринда қуйидаги ҳужжатлар аҳамиятга эга бўлади: муассиснинг аризаси; корхонанинг Низоми; корхонани ташкил қилиш ҳақида қарор ёки муассислар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида квитанция ва бошқалар.

Корхона ўзига хос бўлган маълум хусусиятларга эга:

биринчидан, корхона ўзига тегишли ва ҳўжалик бошқарувидаги хусусий мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолияти моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллиги ва ишончилигини таъминлайди;

иккинчидан, корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, корхона ҳўжалик айланмасида ўз номидан ҳаракат қилиши мумкин, яъни қонунга асосан ҳўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар ҳамда бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, корхона қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, корхона мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат органлари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, корхона ўз фирма номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Фирма номлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига кўра, фирма номи юридик шахс бўлган тижорат ташкилотининг индивидуал номи бўлиб, унга доир мутлақ ҳуқуқ юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилган вақтда юзага келади¹³.

Юридик шахс тўлиқ фирма номи билан бирга қисқартирилган фирма номига ҳам эга бўлиши мумкин. Юридик шахснинг фирма номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, айрим ҳолларда юридик шахс фаолиятининг хусусияти кўрсатилиши керак.

Фирма номида кўрсатилиши лозим бўлмаган белгиларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- давлатнинг расмий номи, халқаро, ҳукуматлараро ёки нодавлат нотижорат ташкилотининг қисқартирилган ёки тўлиқ номи;

- тарихий ёки Ўзбекистон Республикасида машҳур бўлган шахснинг тўлиқ ёки қисқартирилган исми, белгиланган тартибда бериладиган руҳсатсиз;

- фирма номининг эгаси, унинг фаолият тури ёки у келиб чиққан мамлакат хусусидаги сохта ёки истеъмолчини чалғитиши мумкин бўлган белгилар;

- жамият манфаатларига, инсонпарварлик ва ахлоқ принципларига зид бўлган белгилар;

- илгари Ўзбекистон Республикасида бошқа шахс номига рўйхатдан ўтказилган ёки рўйхатдан ўтказиш сўраб талабнома берилган, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилмай муҳофаза қилинадиган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда ҳаммага маълум деб эътироф этилган товар белгилари (хизмат кўрсатиш белгилари);

- белгиланган тартибда қонун ҳужжатлари билан муҳофаза қилинадиган товарлар келиб чиққан жойларнинг номлари билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки уларга ўхшаш бўлган белгилар.

Юридик шахс ўз фирма номидан фойдаланишда ва бошқа юридик шахсларга ушбу фирма номидан фойдаланиш ҳуқуқини беришда мутлақ ҳуқуққа эга.

¹³ “Фирма номлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни // Халқ сўзи. – 2006. - 19 сентябр.

Чет эл юридик шахсининг фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқи шу юридик шахс таъсис этилган мамлакатнинг қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжат билан тасдиқланади.

Юридик шахс (лицензиар) ўз фирма номидан фойдаланиш учун бошқа юридик шахсга (лицензиатга) улар ўртасида тузилган лицензия шартномаси ёки комплекс тадбиркорлик лицензияси шартномаси асосида рухсат бериши мумкин.

Фирма номига бўлган ҳуқуқнинг бошқа шахсга ўтишига фақат юридик шахс қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш ва ажратиб чиқариш йўли билан қайта ташкил этилган ёки бутун корхона мулкӣй мажмуа сифатида сотилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Корхоналар қўйидаги ҳолларда фирма номидан фойдаланишлари мумкин:

фирма номини расмий бланкаларда, муҳрларда, штампларда ва юридик шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа ҳужжатларда акс эттириш орқали;

фирма номини товарларда, уларнинг идиши ва ўровида, рекламада, пешлавҳаларда, босма маълумотномаларда, ҳисобварақларда, босма нашрларда, товарларни Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган кўргазмалар ва ярмаркаларда намойиш этиш вақтида ишлатиш орқали.

Фирма номидан товар белгисининг (хизмат кўрсатиш белгисининг) элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Фирма номига бўлган мутлақ ҳуқуқни ундан ноқонуний фойдаланишдан ҳимоя қилиш қўйидаги усуллар билан амалга оширилиши мумкин.:

- юридик шахснинг ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш мақсадида суд қарори тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш;

- ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан ҳуқуқбузар ҳисобидан олиб ташлаш;

- ноқонуний фойдаланилган фирма номини контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровлардан олиб ташлаш мумкин бўлмаган тақдирда, уларни ҳуқуқбузар ҳисобидан йўқ қилиб ташлаш;

- контрафакт товарлар, ёрликлар, идишлар ва ўровларни фирма номига бўлган ҳуқуққа эгалик қилувчи юридик шахсга бериш.

Ҳар бир корхонанинг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларидан иборат бўлади. Корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти - янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. Қайта ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият - ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала соҳасидаги фаолият эса ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини ташкиллаштириш, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг даромад шаклида қайтиб келишида кўзга кўринади.

Корхоналарни ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида тадқиқ этишда уни ташкил қилувчи иккита таркибий қисм - тизимнинг ўзи(корхона) ва ушбу тизим фаолият юритувчи ташки муҳитни қўриб чиқиш лозим. Корхонанинг ички муҳити ишлаб чиқариш воситалари, пул маблағлари, ахборотлар ва инсон ресурсларидан ташкил топади.

Ички муҳитнинг ўзаро алоқалари натижасида тайёр маҳсулот пайдо бўлади, ишлар бажарилади ва хизмат кўрсатилади, яъни тўғри йўлга қўйилган ишлаб чиқариш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фаолияти юзага келади.

Корхоналарнинг ташки муҳит билан алоқаси уларнинг ташки тизимга чиқишида рўй бериб (ресурсларни жалб қилиш, уларнинг қийматини аниқлаш, хом ашё, материал ва ёқилгининг ўз вақтида етказиб турилиши ва ҳоказо), ташки муҳитга ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар оқими ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёнида намоён бўлади.

Корхоналар фаолияти самарадорлигини аниқлаб берувчи ташки муҳит – бу, биринчи ўринда маҳсулот истеъмолчилари, хом ашё ва бошқа материал етказиб

берувчилар, шунингдек давлат органлари ҳамда корхонага яқин жойда яшовчи аҳоли ҳисобланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар **фаолиятининг асосий йўналишлари** қуйидагилар ҳисобланади:

- бозор ва унинг ривожланиш истикболларини комплекс равишда ўрганиш ёрдамида, харидорларнинг маҳсулот ва хизмат турларига мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган талабларини аниқлаш;

- маҳсулотнинг янги моделлари ва намуналарини яратиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил қилиш;

- харидорлар талабларига мос келувчи товарларни ишлаб чиқариш;

- ишлаб чиқаришни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш;

- маҳсулотни тақсимлаш ва сотиш тизимини ташкил қилиш ва уни мукаммаллаштириш;

- корхонанинг барча фаолиятини, жумладан, ишлаб чиқариш, сотиш, реклама, техник хизмат кўрсатиш ва ҳоказоларни бошқариш.

Албатта, замонавий корхоналарнинг кўп қиррали фаолияти юқорида санаб ўтилган йўналишлар билангина чекланиб қолмайди. Амалиётда улар фан-техника тараққиёти ва давлат томонидан амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг янги талаблари билан тўлдирилиши мумкин. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганлардан қатъи назар, хўжалик ривожланишининг ҳар бир босқичида корхоналар фаолияти қуйидаги вазифаларни бажаришга қаратилиши зарур:

- корхона эгасининг даромад олиши;

- истеъмолчиларни ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан таъминлаш;

- ходимларни иш ҳақи билан таъминлаш;

- корхонага яқин жойларда яшовчи аҳоли учун иш жойлари яратиш;

- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

- корхона фаолиятида тўхтаб қолишга йўл қўймаслик;

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш шакллари мукаммаллаштириш;

- ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида тежамкорликка риоя қилиш.

Хўжалик фаолиятининг жорий ва истикболдаги вазифаларини бажариш корхоналардан қуйидаги функцияларни амалга оширишни талаб қилади:

- ишлаб чиқариш ва шахсий истеъмол учун маҳсулотларни тайёрлаш;

- маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиб бериш ва сотиш;

- сотувдан кейин хизмат кўрсатиш;

- ишлаб чиқаришнинг моддий-техника асосини таъминлаш;

- ходимлар меҳнатини ташкил қилиш ва бошқариш;

- солиқларни тўлаш, бюджетга тўланувчи ихтиёрий ёки мажбурий бадал ва тўловларни амалга ошириш ;

- амалдаги стандартлар, нормативлар ва давлат томонидан чиқарилган қонун-қоидаларга риоя қилиш.

Бу функциялар корхоналарнинг ҳажми, қайси тармоққа мансублиги, ижтимоий инфратузилманинг мавжудлиги, маҳаллий ҳокимият идоралари билан муносабатларга асосланиб аниқлаштирилади. Бугунги бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти корхоналарнинг амалга оширувчи функцияларини кенгайтириши ҳамда уларнинг фаолиятидаги ишлаб чиқариш кўрсаткичларини янада яхшилаш учун янги вазифалар белгилаб бериши мумкин.

2.3. Корхоналарни таснифлаш

Ҳар қандай корхона юридик шахс мақомига эга бўлиши лозим. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хусусий корхона, хўжалик ширкати ва акционерлик жамияти, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот сифатида фаолият юритадиган корхоналар хусусиятларини бирма-бир кўриб чиқамиз.

Хусусий корхона деб, мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилот эътироф этилади¹⁴. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

Хусусий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулккий ва шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Хусусий корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Хусусий корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан жавобгар бўлади.

Хусусий корхона тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақли. Хусусий корхонанинг тўлиқ фирма номи унинг тўлиқ номини ва "хусусий корхона" деган сўзларни ўз ичига олган бўлиши керак. Хусусий корхонанинг қисқартирилган фирма номи унинг қисқартирилган номини ва "хусусий корхона" деган сўзларни ёки "ХК" аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Хусусий корхона ўзининг тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва хусусий корхонанинг жойлашган ери кўрсатилган муҳрга эга бўлиши керак. Муҳрда аини пайтнинг ўзида унинг фирма номи бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин.

Масъулияти чекланган жамият деб бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгилаб қўйилган микдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади¹⁵. Масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар ва жамият фаолияти билан боғлиқ зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар.

Жамият давлат тилидаги ва бир вақтда жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тиллардаги тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақлидир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг тўлиқ фирма номи жамиятнинг тўлиқ номини ва "масъулияти чекланган жамият" сўзларини ўз ичига олиши керак. Масъулияти чекланган жамиятнинг қисқартирилган фирма номи унинг тўлиқ ёки қисқартирилган номини ҳамда

¹⁴ "Хусусий корхоналар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. Қонун ва қарорлар. – Т.: Ўзбекистон, 2004, №3

¹⁵ «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни. 2001 йил 6 декабрь // Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1-том. - Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2002.

"масъулияти чекланган жамият" деган сўзларни ёки МЧЖ аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Кўшимча масъулиятли жамият сифатида бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди таъсис ҳужжатларида белгиланган миқдорлардаги улушларга бўлинган жамият тан олинади ва унинг иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган қаррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар бўладилар. Иштирокчилардан бири ночор (банкрот) бўлиб қолганида унинг жамият мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги, агар жамиятнинг таъсис ҳужжатларида жавобгарликни тақсимлашнинг бошқача тартиби назарда тутилган бўлмаса, бошқа иштирокчилар ўртасида уларнинг қўшган ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланади.

Кўшимча масъулиятли жамиятнинг тўлиқ фирма номи жамиятнинг тўлиқ номини ва "қўшимча масъулиятли жамият" деган сўзларни ўз ичига олиши керак. қўшимча масъулиятли жамиятнинг қисқартирилган фирма номи жамиятнинг тўлиқ ёки қисқартирилган номини ҳамда "қўшимча масъулиятли жамият" деган сўзларни ёки ҚМЖ аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Масъулияти чекланган ёки қўшимча масъулиятли жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

Жамият бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида (устав капиталида) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

Жамият, агар унинг таъсис ҳужжатларида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

Жамият тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши керак. Жамиятнинг муҳрида унинг фирма номи жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин.

Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штампларига ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

Жамият қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин.

Рўйхати қонунларда белгиланадиган айрим фаолият турлари билан жамият фақат лицензия асосида шуғулланиши мумкин.

Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади. Жамият ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди. Давлат ва унинг органлари жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди, худди шунингдек жамият ҳам давлат ва унинг органлари мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

Хўжалик ширкати деганда муассисларнинг (иштирокчиларнинг) улушларига (ҳиссаларига) бўлинган устав фондига (устав капиталига) эга бўлган тижорат ташкилоти тушунилади, бундай ширкатда муассислар (иштирокчилар) ёки улардан айримлари ширкат номидан тadbиркорлик фаолияти юритишда шахсан иштирок этадилар¹⁶.

Ширкатнинг устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматидан таркиб топади.

Ширкат устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга қўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак.

¹⁶ «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги Қонуни.

Хўжалик ширкати тўлиқ ширкат ёки коммандит ширкат турларига бўлинади.

Тўлиқ ширкат деб иштирокчилари (тўлиқ шериклари) ўз ўрталарида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат ҳисобланади.

Шахс фақат битта тўлиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин.

Тўлиқ ширкатнинг фирма номи ё унинг барча иштирокчилари номини (номланишини), шунингдек “тўлиқ ширкат” деган сўзларни ёхуд бир ёки бир неча иштирокчининг “ва компания” деган сўзлар қўшилган номини (номланишини), шунингдек “тўлиқ ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда иштирок этмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (ҳисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат деб ҳисобланади.

Коммандит ширкатда иштирок этаётган тўлиқ шерикларнинг ҳуқуқлари ва уларнинг ширкат мажбуриятлари бўйича жавобгарлиги ушбу қонуннинг тўлиқ ширкат иштирокчилари тўғрисидаги қоидалари билан белгиланади.

Шахс фақат битта коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўлиши мумкин. Тўлиқ ширкат иштирокчиси коммандит ширкатда тўлиқ шерик бўла олмайди.

Коммандит ширкатдаги тўлиқ шерик ўша ширкатнинг ўзида ҳисса қўшувчи ва бошқа тўлиқ ширкатда иштирокчи бўлиши мумкин эмас.

Коммандит ширкатнинг фирма номи ё барча тўлиқ шерикларнинг номларини (номланишини) ва “коммандит ширкат” деган сўзларни ёхуд камида битта тўлиқ шерикнинг “ва компания” деган сўзлар қўшилган ҳолдаги номини (номланишини), шунингдек “коммандит ширкат” деган сўзларни ўз ичига олиши керак.

Агар коммандит ширкатнинг фирма номига ҳисса қўшувчининг номи киритилган бўлса, бундай ҳисса қўшувчи тўлиқ шерикка айланади.

Акциядорлик жамияти деб устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади¹⁷.

Жамият устав фондининг (устав капиталининг) энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг суммадан камни ташкил этмаслиги керак.

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) жамият уставида назарда тутилган миқдорда шакллантиришнинг энг кўп муддати жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги лозим.

Акциялар эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий ва имтиёзли бўлиши мумкин.

Акция бўлинмасдир. Агар акция умумий мулк ҳуқуқи асосида бир нечта шахсга тегишли бўлса, бу шахсларнинг барчаси бир акциядор деб эътироф этилади ва акция билан тасдиқланган ҳуқуқлардан ўзларининг умумий вакили орқали фойдаланади.

Бир турдаги акция унга эгалик қилувчи ҳар бир акциядорга шу турдаги акцияларнинг бошқа эгалари билан бир хил бўлган ҳажмдаги ҳуқуқларни беради.

¹⁷ «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 6 май, ЎРҚ-370-сонли Қонуни // «Халқ сўзи» 2014 йил 7 май, 88 (6018)-сон.

Оддий акцияларни имтиёзли акцияларга, корпоратив облигацияларга ва бошқа кимматли қўғозларга айирбошлашга йўл қўйилмайди.

Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси — акциядор деб эътироф этилади.

Оддий акциялар овоз берувчи акциялар бўлиб, улар ўз эгасига дивидендлар олиш, жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Ўз эгаларига дивидендларни, шунингдек жамият тугатилаётганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялардир. Имтиёзли акциялар ўз эгаларига жамият фойда қўриш-қўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Акциянинг эгаси бўлган акциядорга овозга қўйилган масалани ҳал этишда овоз бериш ҳуқуқини берадиган оддий ёки имтиёзли акция жамиятнинг овоз берувчи акциясидир.

Чиқариладиган акцияларнинг турлари, уларни жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби жамият уставида белгиланади.

Акцияларнинг номинал қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

«Олтин акция» давлатнинг айрим жамиятларни бошқаришда иштирок этишига доир махсус ҳуқуқи бўлиб, у стратегик аҳамиятга эга бўлган давлат корхоналари хусусийлаштирилаётганда ёки жамиятларнинг давлат акция пакетлари хусусий мулк этиб реализация қилинаётганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан жорий этилади ва мамлакатнинг иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлайди.

«Олтин акция» қийматга эга бўлмайди, бошқа шахсга ўтказилмайди ҳамда гаровга берилмайди, жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини белгилашда ва дивидендларни ҳисоблашда инобатга олинмайди.

«Олтин акция» жамиятнинг устав фондида (устав капиталида) давлат улуши мавжуд бўлмаган ёки бу улуш жамият устав фондининг (устав капиталининг) йигирма беш фоиздан ошмайдиган жамиятларда жорий этилиши мумкин. Давлатнинг «олтин акция»дан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Шўъба хўжалик жамияти. Агар бир (асосий) хўжалик жамияти ёки ширкати иккинчи хўжалик жамиятининг устав фондида ундан устунлик мавқеига эга бўлган ҳолда иштирок этиши туфайли ёхуд улар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ё бўлмаса бошқача тарзда иккинчи хўжалик жамияти томонидан қабул қилинадиган қарорларни белгилаб бериш имконига эга бўлса, ушбу иккинчи хўжалик жамияти шўъба хўжалик жамияти ҳисобланади.

Шўъба хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади. Шўъба хўжалик жамияти ўзининг асосий жамияти (ширкати)нинг қарзлари бўйича жавоб бермайди.

Асосий жамият (ширкат) айби билан шўъба хўжалик жамияти ночор (банкрот) бўлиб қолган тақдирда, асосий жамият (ширкат) унинг қарзлари бўйича субсидиар жавобгар бўлади. Шўъба хўжалик жамияти иштирокчилари (акциядорлари) асосий жамиятдан (ширкатдан) унинг айби билан шўъба жамиятга етказилган зарарни тўлашни, агар конунда бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, талаб қилишга ҳақли.

Қарам хўжалик жамияти. Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият хўжалик жамиятига қарашли овоз берадиган акцияларнинг йигирма фоиздан кўпроғига эга бўлса, бундай хўжалик жамияти қарам жамият деб ҳисобланади. Қарам хўжалик жамияти юридик шахс ҳисобланади.

Хўжалик жамиятида иштирок этувчи бошқа жамият қарам жамият устав фондининг тегишли қисмини қўлга киритиб олганлиги ҳақидаги маълумотларни конунда назарда тутилган тартибда дарҳол эълон қилиши шарт.

Хўжалик жамиятлари бир-бирларининг устав фондларида ўзаро қатнашишининг

чегараси ва бундай жамиятлардан бири бошқа жамият иштирокчилари ёки акциядорларининг умумий йиғилишида фойдаланиши мумкин бўлган овозлар сони қонунда белгилаб қўйилади.

Унитар корхона. Ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан мулкдор томонидан мулк ҳуқуқи берилмаган тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади.

Унитар корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас.

Унитар корхонанинг уставида фаолиятининг соҳаси ва мақсадлари тўғрисидаги, уни ташкил этиш тартиби ва манбалари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Унитар корхонанинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи асосида тегишлидир. Унитар корхонанинг фирма номида унинг мол-мулкининг эгаси кўрсатилган бўлиши керак. Унитар корхонани бошқариш органи унинг раҳбари бўлиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда уларга ҳисоб беради.

Унитар корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради. Унитар корхона ўз мол-мулки эгасининг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайди. Унитар корхона мол-мулкининг эгаси корхона мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона. Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона мулкдорнинг ёки у вакил қилган органнинг қарорига мувофиқ ташкил этилади.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхонанинг таъсис ҳужжати унинг белгиланган тартибда тасдиқланган уставидан иборатдир.

Хўжалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона ўз мол-мулкининг бир қисмини хўжалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йўли билан юридик шахс бўлган бошқа унитар корхона (шўъба корхона) ташкил этиши мумкин. Муассис шўъба корхонанинг уставини тасдиқлайди ва унинг раҳбарини тайинлайди.

Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси. Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, давлат органининг қарорига мувофиқ давлат мулки бўлган мол-мулк негизида оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси (давлат корхонаси) ташкил этилиши мумкин.

Давлат корхонасининг таъсис ҳужжати унинг уставидир. Оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат корхонасининг фирма номи унинг давлат корхонаси эканлигини кўрсатиши керак. Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари бўйича субсидия жавобгар бўлади. Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

Ҳар бир корхона бошқа корхоналардан аввало ишлаб чиқараётган маҳсулотни, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг тавсифи ва миқёси, жойлашиши, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан алоқалари ва бошқа кўрсаткичлари билан фарқ қилади. Бироқ буларнинг барчаси ишлаб чиқаришни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш масалаларини ҳар бир корхона учун индивидуал тарзда алоҳида ишлаб чиқиш керак, дегани эмас, албатта. Алоҳида корхоналар гуруҳига нисбатан қўллаш мумкин бўлган умумий қарорларни тайёрлаш мумкинлиги назарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берилган.

Бу билан корхоналарнинг ишлаб чиқариш, меҳнат ва бошқарувни ташкиллаштириш масалаларини бир хил типда ҳал қилиш мумкин бўлган гуруҳларини аниқлаш мақсадида уларни таснифлашнинг мақбуллигини изоҳлаш мумкин.

Корхоналарнинг энг муҳим хусусиятлари уларнинг қайси тармоққа қарашлилиги; ҳажми; ишлаб чиқаришнинг турли жабҳаларини қамраб олганлиги; ихтисослаштириш даражаси ва бир типдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш миқёси; ишлаб чиқаришни

ташқиллаштириш усули ҳамда уни механизациялаш ва автоматлаштириш; ташкилий-ҳуқуқий шакллари прогноллаштиришга боғлиқ бўлади.

Қайси тармоққа қарашилелигига кўра корхоналар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш (машинасозлик, кўмир қазиб чиқариш, суғурта ва ҳоказо) соҳаларига мансуб бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва кўринишига кўра, корхоналар саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, молия-кредит ва бошқаларга бўлинади.

Технологик умумийлигига кўра, корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини узлуксиз ва дискрет равишда, кимёвий ёки механик жараёнларнинг устунлиги асосида юритувчиларга бўлинади.

Тайёр маҳсулотнинг мақсадларига кўра, барча корхоналар иккита катта гуруҳга бўлинади: ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчилар ва истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар.

Фойдаланилувчи хом ашё турига кўра, саноат корхоналари қазиб чиқарувчи ва қайта ишловчи корхоналарга тақсимланади.

Йил давомида ишлаш муддатига кўра, корхоналар мавсумий ва йил бўйи фаолият юритувчиларга бўлинади.

Ҳажмига кўра, корхоналар йирик, микрофирма ва кичик корхоналарга тақсимланади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра¹⁸ кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилардир:

1) яқка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар;

3) қуйидаги тармоқларидаги:

енгил, озиқ-овқат саноатидаги ва қурилиш материаллари саноатидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан икки юз киши;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик, мебель саноатидаги, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан юз киши;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва уларни қайта ишлаш, қурилиш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа соҳалардаги, банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма беш киши бўлган кичик корхоналар.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда белгиланади. Бунда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва фуқаролик-ҳуқуқий характердаги бошқа шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек унитар корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга олинади.

18 «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 май, ЎРҚ-328-сонли Қонуни // «Халқ сўзи» 2012 йил 3 май, 86 (5506)-сон

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармокли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик айланма ҳажмида улуши энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига киради

Ихтисослашув даражасига кўра, корхоналар ихтисослашган, универсал ва аралаш корхоналарга бўлинади. Ихтисослашган корхоналар қаторига номенклатураси чекланган маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар, универсал корхоналар қаторига турли хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар, аралаш корхоналар таркибига эса ихтисослашган ва универсал корхоналар ўртасидаги оралик гуруҳни ташкил қилувчи корхоналар киритилади.

Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усулларига кўра, корхоналар ишлаб чиқаришнинг оким, партияли ва доналаб ишлаб чиқариш усуллари устувор турувчи корхоналарга бўлиниши мумкин.

Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш даражасига кўра, корхоналар тўлиқ ва қисман автоматлаштирилган ёки механизациялаштирилган, кўл-машина ва фақат кўл меҳнатига асосланган корхоналарга бўлинади.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кенгайтириш ва чуқурлаштириш мамлакатимизда янги ташкилий-ҳуқуқий турдаги - қўшма, ижара, ҳиссдорлик, хусусий, оилавий, кооператив ва бошқа корхоналарнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулк мулкчилик шаклининг бошқа кўринишлари билан бир қаторда дахлсизлиги ва давлат томонидан муҳофаза қилиниши белгилаб қўйилган. Янги қонунчилик ҳужжатларида янги иқтисодий тушунча - корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли тушунчаси киритилган.

Корхоналарнинг қонун ҳужжатлари ва бошқа ҳўжалик ҳуқуқи нормаларида кўзда тутилган мулкчилик шакли, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажми, капиталнинг шаклланиши, турли хил фирмалараро уюшмаларга аъзо бўлиш усуллари ва олиб боровчи рақобатчилик курашлари билан фарқ қилувчи фаолият тавсифи ва мазмунига боғлиқ бўлган структуравий тузилишининг усул ва кўринишлари **ҳўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини** ифодалайди.

Ҳозирги замон шароитларида давлат, муниципал, жамоа, индивидуал (оилавий, хусусий) турдаги корхоналар мавжуд бўлиб, улар ўзларига бириктириб қўйилган мулк тавсифи ёки тезкор (оператив) бошқарув ҳуқуқига кўра ҳам таснифланади.

Хўжалик фаолияти юритувчи ҳар бир субъект бир қатор ҳуқуқларга эга бўлиб, булар бир томондан, уларнинг ички ташкилотчилигини аниқлаб берса, иккинчи томондан, жисмоний ва ҳуқуқий шахслар ҳамда давлат билан ўзаро муносабатларини амалга оширишга кўмаклашади.

Корхоналар ҳуқуқий шаклининг ҳар бир кўринишида уларнинг эгалари, яъни хусусий мулк эгалари, корхона билан турли даражадаги алоқада бўладилар. Масалан, очик турдаги ҳиссдорлик жамияти эгалари корхона мулкчининг бир қисмигагина эгалик қилиш ҳуқуқига эгалар ҳамда бошқарув функцияларини амалга оширишда ҳам ўз акциялари микёсида иштирок этадилар.

Хўжалик ширкатларида эса мулк эгаси ва мулк яқинлаштирилган бўлиб, корхонани бошқаришда уларга бевосита иштирок этиш имконияти яратиб берилган.

Фирма - корхона тушунчасидан кенгроқ тушунчадир, яъни у маълум ном билан бизнес олиб боровчи ташкилотдир. Фирма - товар ишлаб чиқариш ва барча соҳаларда хизмат кўрсатиш ишларини бажариш учун фойда олиш мақсадида ресурсларни жамлайдиган ва ундан фойдаланадиган тадбиркорлик шаклидир. Уларнинг кенгроқ учрайдиган турлари: факторинг фирмаси, лизинг фирмаси, инжиринг фирмаси, консалтинг фирмаси, венчур фирмалар ва бошқалардир.

Факторинг фирмаси - бегона қарз мажбуриятларини-векселларни сотиб олиш билан шуғулланади.

Лизинг фирмаси- лизинг тўловлари билан шуғулланади.

Инжиниринг корхона – мухандислик-маслаҳат хизматларни тижоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширади.

Бундай корхона (фирма):

- ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- маҳсулот сотишни уюштириш;
- ишлаб чиқариш объектларини қуриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш билан шуғулланади.

Экспорт инжиниринг фирмалари бошқа мамлакатларга хизмат кўрсатади, чет элдаги илмий ғоялар ва техник ишланмаларни хорижда жорий этади, мураккаб ва улкан лойиҳаларни амалга оширади. Инжиниринг билан бирга машина ва ускуналарни экспорт қилиб, етказиб беради.

Консалтинг – бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техник лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятдир.

Консалтинг фирмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун шериклар танлаш;
- маслаҳатчилик ташкилотларининг тараққий топишига ва хорижий инвестицияларни жалб этишга қўмаклашиш;
- ягона ахборот-сўровнома фондини яратиш ва ягона реклама стратегияси (йўналиши)ни амалга ошириш йўли билан уларнинг аъзолари фаолиятини умум мақсадлар йўлида жамлаш ва ҳоказо.

Консалтинг фирмаларининг кичик бизнес соҳасида кенг тарқалган маслаҳат хизматлари қуйидагилардан иборат:

- барча мулк шаклларидаги корхоналарни рўйхатга олиш учун таъсис ҳужжатларни тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериш;
- маркетинг бўйича изланишлар ўтказиш;
- хусусийлаштириш, акциядорлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ташки иқтисодий фаолият бўйича маслаҳат бериш;
- реклама стратегиясини ишлаб чиқиш, реклама материалларини тайёрлаш ва уларни тарқатиш;

- ҳуқуқ, молия ва бошқарув масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш масаласи бўйича маслаҳатлар бериш;
- ишчи хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий топтиришга хизмат қилувчи тадбирларни ўтказиш;

- фирма иш услубини ишлаб чиқиш;
- хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, маданият, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- инвестицияларни жалб қилиш, имтиёзли кредит олиш, зарурий ресурсларни ва капиталларни сотиб олиш бўйича маслаҳатлар бериш ва ҳ.к..

Венчур корхоналар – бу кичик бизнеснинг бир тури бўлиб, улар:

- илмий мухандислик ишларини бажариш;
- янги техника, технология, товар намуналарини яратиш;
- ишлаб чиқаришни бошқариш;
- тижорат ишини ташкил этиш усуллариини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;
- йирик фирмалар ва давлат ижара контракти буюртмаларини бажариш каби ишларни амалга оширадилар.

Бу вазифаларни улар давлат ва йирик фирмалар буюртмасига биноан контракт-битимлар асосида бажаришади. Венчур корхоналар техниканинг янги йўналишларида фаоллик кўрсатади ва бу билан фан-техника тараққиётига ўз ҳиссасини қўшади.

Иқтисодиётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чиқаришини жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош корхоналар

ташкил қилиш мақсадидаги тузилмавий қайта қуришдан иборат. Бунинг учун интеграция ҳамда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни вақтинчалик ёки доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади.

Кооперация жараёнида концерн, консорциум, ҳўжалик асоциацияси каби ташкилий шакллар вақтинчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирикларининг моҳиятини қисқача қўриб чиқамиз.

Корпорация йирик акционер жамиятлар бирлашмаси ҳисобланиб, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиради. Натижада ишлаб чиқариш монополлашади. **Корпорация** атамаси латинча «**корпоратив**» сўздан олинган бўлиб, бирлашма, ҳамжамият маъносини беради.

Корпорация инвестиция капиталининг марказлашувини, илм-фан тараққиётини, маҳсулотнинг рақобатбардош бўлишини ва узоқ ҳаёт циклини таъминлайди. Корпорациялар тадбиркорлик билан шуғулланувчи акционер жамиятларининг хоҳиш-ихтиёри билан пайдо бўлади. Ҳар бир корхона фаолиятини юргизиш учун ўз ҳолича турли функцияларни, яъни:

- хом ашё, материаллар, энергия, ускуна қидириб топиш, сотиб олиш ва технологик такомиллаштириш;

- маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотни янгилаш;

- тайёр маҳсулотни сотиш бўйича қатор ишларни бажариши лозим бўлади.

Бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир қанча корхоналар йиғилишиб, барча учун умумий бўлган корхоналар фаолиятини таъминловчи функцияларни ҳамма учун бажарадиган бир идора, муассаса тузишни режалаштирганлар. Натижада шундай бирлашма юзага келганки, унда корхоналар ўз мулки ва иқтисодий мустақиллигини сақлаган ҳолда ҳаммалари учун умумий бўлган функцияларни бажаришдан овоз бўлганлар ва шу функцияларини бажарганлиги учун умумий идора-муассасага ҳақ тўлаганлар.

Концерн умумий манфаатларга эга ҳамда шартномалар, капитал ва қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

Концерн – бу ишлаб чиқариш диверсификацияси, яъни корхоналарнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари турининг кенгайиши, янгилашиб туриши асосида таркиб топадиган йирик кўп тармоқли корпорация. Концерн таркибига саноат, транспорт, савдо, банк каби тармоқларга тегишли, айрим ҳолларда, дунёнинг кўпгина мамлакатларида жойлашган унлаб ва юзлаб корхоналар ихтиёрий асосларда киради. Концерн таркибига кирган корхона ва ташкилотлар орасида ўзаро корпорацияланган турғун алоқалар мавжуд бўлиб, улар концерн ривожини йўлида умумий молиявий ресурслардан ва ягона илмий-техник имкониятлардан муштарак фойдаланадилар.

Консорциум – бу аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг умумий келишувлар асосида юзага келадиган муваққат бирлашмасидир. Консорциум буюртмачилар олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланади.

Консорциум аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари консорциум тўғрисидаги битимда белгилаб қўйилади. Қўйилган вазифани бажариш учун консорциум иштирокчилари бадаллари ҳисобидан ягона молиявий ва моддий фондлар барпо этадилар, бюджет маблағлари ва давлат банкидан кредитлар оладилар. Вазифа бажарилгач, консорциум тарқалади. Консорциумларга бошқарув бўйича қўмиталар, директорлар кенгаши кабилар бошчилик қилади. Консорциумлар авиация, космос, компьютерлар, алоқа каби юксак технологик ва катта миқдордаги сармояли соҳаларда кенг тарқалган.

Хўжалик ассоциацияси жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро ҳамкорлик юритиш мақсадида қўнгилли равишда бирлашувини англатади ва унда бирлашувга кирувчи субъектлар ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Корхоналарнинг концентрация асосида бирлашуви картел, синдикат, холдинг ва молия-саноат гуруҳлари қўринишида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги **картеллар** ишлаб чиқариш масалалари, нархлар, товарларни сотиш, ишчи кучини ёллаш ва шу каби масалалар бўйича келишувга асосланиб фаолият юритади.

Интеграциянинг бу шаклида корхоналар мустақилликни сақлаб қолган ҳолда кооперация асосида бирлашадилар.

Синдикат – тижорат фаолиятини (таъминот, буюртмаларни тақсимлаш, хом ашё сотиб олиш, маҳсулот сотиш, баҳони шакллантириш) ҳамкорликда ташкил қилишга асосланган бирлашмадир. Синдикат таркибига кирувчи корхоналар ҳуқуқий ҳамда хўжалик юритиш мустақилликларини сақлаб қоладилар.

Трестлар юқори даражада марказлашганлиги билан ажралиб туради. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат ва ҳуқуқий мустақилликларини йўқотиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

Ўз таркибидаги акциядорлик жамиятларни назорат пакетларини эгаллаш билан корпорациялар холдинг компанияларига айланади. Холдинг ибораси инглизча «ҳолдинг» сўздан олинган бўлиб, эга маъносини беради. Холдинглар иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш қувватлари билан ваизифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг самарали шаклини ифодалайди.

Активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялари назорат пакетлари кирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади.

Акциялар (пайлар, улушлар)нинг назорат пакети ўзида корхона сармоясида қатнашишнинг исталган шаклини ифодалайди. Ушбу шакл холдинг қатнашчилари умумий йиғилишида ва унинг бошқарув органлари томонидан муайян қарорлар қабул қилиниши ёки рад этилишининг сўзсиз ҳуқуқини таъминлайди. Акцияларнинг назорат пакети мавжудлиги тўғрисидаги қарор таъсис ҳужжатларининг хусусиятлари ва корхона сармояси тузилмаси ҳисобга олинган қолда монополияга қарши орган томонидан қабул қилинади.

Акцияларининг назорат пакетлари холдинг активларига кирувчи корхона шўъба корхона ҳисобланади. Шўъба корхоналар мустақил юридик шахс ҳисобланади.

Холдинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган исталган фаолият билан шуғулланишга ҳақлидир.

Мулкчилик шаклларида қатъий назар жисмоний ва юридик шахслар, шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахслар холдинг муассислари ва қатнашчилари бўлишлари мумкин.

Холдингнинг номига "холдинг" сўзи қўшилган бўлиши ҳамда унинг тури ("АЖ" акциядорлик жамияти) кўрсатилган бўлиши керак.

Холдинглар турдош корхоналарни кооперациялашга қўмаклашиш ҳамда улар томонидан келишилган инвестиция сиёсати амалга оширилиши учун ташкил этилади. Холдингга ёки унинг шўъба корхоналаридан бирига холдинг компаниянинг шўъба корхоналари маҳсулотлари (ишлари, хизматлари) учинчи шахслар томонидан сотилиши ҳуқуқи берилишига, шунингдек кўрсатиб ўтилган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)га нархлар холдинг томонидан бирор-бир шаклда белгилаб қўйилиши ҳуқуқи берилишига йўл қўйилмайди.

Қуйидаги тармоқларда холдинглар ташкил этилишига йўл қўйилмайди: савдо, моддий-техника таъминоти, умумий овқатланиш, маиший хизмат, коммунал хўжалик, транспорт (темир йул, авиация, трубопровод транспорти ва мутлақ равишда халқаро ташишларни амалга оширувчи корхоналардан ташқари), халқ бадий хунармандчилиги.

Монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида монополияга қарши орган холдинглар ташкил этилишига йўл қўйилмайдиган иқтисодиёт секторларини белгилаш мумкин.

Молиявий холдинг деб сармоясининг 50 фоиздан ортиғини бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари ва ўзга молиявий активлари ташкил этган холдинг ҳисобланади.

Молиявий холдинг активлари таркибига фақат қимматли қоғозлар ва ўзга молиявий активлар, шунингдек холдинг бошқаруви аппарати фаолият кўрсатишини таъминлаш учун бевосита зарур бўлган мол-мулк кириши мумкин.

Молиявий холдинглар мутлақ даражада инвестиция фаолияти юритишга ҳақлидирлар, улар учун фаолиятнинг бошқа турлари тақиқланади.

Молиявий холдинг шўъба корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятига аралашинишга ҳақли эмас. Молиявий холдинг вакиллари фақат шўъба корхоналар акциядорлари йиқилишларида катнашишлари мумкин. Молиявий холдинг вакилларининг кузатув кенгаши, бошқарув ва шўъба корхоналари бошқарувининг бошқа органлари таркибига киритилишига йўл қўйилмайди.

Интеграция жараёнларини амалга оширувчи корхоналар қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга эришиш;
- кооперация асосидаги алоқаларини янгилаш ва мустаҳкамлаш;
- мамлакатдаги корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши;
- ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг янги шакллари жалб этиш;
- ички ва ташқи бозордаги рақобатда муваффақият қозониш мақсадида нарх ва сотиш бўйича ягона сиёсат юритиш.

2.4. Корхона тузилмаси ва уни белгиловчи омиллар

Ҳар бир ишлаб чиқариш корхонаси ишлаб чиқариш бўлинмалари, бошқарув органлари ва корхона ходимларига хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат бўлади. Тузилма (структура) тушунчасини корхонанинг таркиби, тузилиши сифатида кўриб чиқиш мумкин. Корхона қанчалик йирик бўлса, унинг ишлаб чиқариш тузилмаси шунчалик мураккаб бўлади.

Саноат корхоналарининг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмалари мавжуд.

Ишлаб чиқариш бўғинлари, корхона бошқаруви ҳамда ходимларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, уларнинг миқдори, катталиги ва эгаллаб турган майдони, ходимларининг сони ва ишлаб чиқариш имкониятлари *корхонанинг умумий тузилмасини* ифодалайди.

Ишлаб чиқариш тузилмасига асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатиш жараёнлари амалга оширилувчи цех ва участкалар киритилади.

Ишлаб чиқариш тузилмаси корхона умумий тузилмасининг бир қисмидир. У цех, участка ва хизмат кўрсатувчи хўжаликлар шаклидаги ишлаб чиқариш бўлинмаларидан иборат бўлади ҳамда уларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги ўзаро муносабатларини, меҳнат билан банд бўлган ходимлари сони, асбоб-ускуналари қиймати, эгаллаб турган майдони ва ҳудудий жойлашувини акс эттиради.

Асосий цехларда ва ишлаб чиқариш участкаларида ишлаб чиқариш жараёнининг асосий – хом ашё ва ярим тайёр маҳсулотларни тайёр маҳсулотга айлантириш босқичи ёки маҳсулот, ё унинг бир қисmini тайёрлашнинг бир қатор босқичлари амалга оширилади (музлаткичлар цехи).

Ёрдамчи цехлар асосий ишлаб чиқаришни асбоб-ускуналар ва энергия билан таъминлайди ҳамда ускуналарни таъмирлаш (таъмирлаш, ускуналар, модел цехлари ва бошқалар) вазибаларини бажаради.

Хизмат кўрсатувчи цех ва хўжаликлар таркибига корхонанинг инфратузилмасини (омбор ва транспорт бўлинмалари, уй-жой-коммунал хўжалиги, ошхона, санаторий ва ҳоказо)ташкил қилувчи бўлинмалар қиради.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасининг уч хил тури мавжуд: **технологик, предметли ва аралаш.**

Технологик тузилмалар корхоналарда цехлар ва ишлаб чиқариш участкалари технологик жиҳатдан бир хиллик тамойили асосида ташкил қилинади (масалан, тўқимачилик комбинатларида йигирув ва тўқув цехлари).

Предметли тузилмага асосланган корхоналарда ҳар бир цех маълум бир маҳсулот ёки унинг бир қисмини ишлаб чиқаради (масалан, автомобиль заводида мотор цехи, шасси цехи ва ҳоказо).

Аралаш (предметли-технологик) тузилма тайёрлов цехларини технологик тамойилда (темирчилик, чўян қуйиш, пўлат қуйиш ва ҳоказо), ишлов бериш ва маҳсулот чиқариш цехларини эса предметли тамойил асосида ташкил этишни кўзда тутлади.

Саноат корхонасининг тузилмаси қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади:

- техника ва технологиянинг хусусиятлари;
- ишлаб чиқариш ҳажми;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш шакллари (ихтисослаштириш, кооперация, комбинация, координация);
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва кўрсатилаётган хизматларнинг мураккаблиги ва номенклатураси;
- ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, механизациялаштириш ва роботлаштириш даражаси;
- мулк шакли;
- рақобат олиб бориш усуллари ҳамда шакллари ва ҳоказо.

Амалиётда ишлаб чиқариш тузилмасини мукаммаллаштиришнинг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган. Улар қаторига корхона ва цехларни йириклаштириш; алоҳида корхоналар интеграцияси; корхона ичидаги барча бўлинмалар орасида мутаносибликни таъминлаш; цехсиз структура қабиларни киритиш мумкин.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш, яъни бошқарув сифатини кўтариш ва ишлаб чиқариш фаолиятидаги якуний натижаларнинг юқорилигига эришиш корхона тузилмасини мукаммаллаштириш самарадорлигини баҳоловчи мезон бўлиб хизмат қилади.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон Республикасининг миллий иқтисодиёти ижтимоий меҳнат тақсимоли натижасида юзага келган ҳамда умумиқтисодий қонун ва қонуниятлар асосида ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда иқтисодиётимиз бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бормоқда. Президентимизнинг бешта тамойили асос қилиб олинган бу модел ҳозирда жаҳон мамлакатлари томонидан ҳам тан олинди.

Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг муҳим субъекти **корхона** - иқтисодиётнинг бирламчи бўғини бўлиб, инсон ҳаёт фаолияти учун зарур бўлган моддий бойликларни ишлаб чиқаришда бевосита қатнашади.

Ҳар бир корхона ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиш, уларни истеъмол учун тайёр маҳсулот (иш, хизмат) ҳолига келтириш йўли билан мамлакат иқтисодиётига ўз хиссасини қўшади.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиш шароитларида мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва корхоналарнинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакллари ташкил қилиш имконини берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар яратилди.

Корхоналарнинг ҳар бири бошқасидан ўзига хос хусусиятларига кўра фарқланади. Шу сабабли ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, режалаштириш, бошқариш ҳамда ишлаб чиқариш тузилмасини яратиш учун корхоналар таснифини билиш зарур.

Исталган бир саноат корхонаси кўплаб бўғинлардан иборат бўлиб, уларнинг таркиби ва тузилиши ҳамда ўзаро муносабатларини тузилма сифатида кўриб чиқиш

мумкин. Корхоналар тузилмасини ўрганиш уларнинг саноат мажмуасида тутган ўрни, роли ва аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Ўз навбатида ишлаб чиқариш тузилмасини лойиҳалаштиришда унинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларни инобатга олиш муҳимдир. Корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиллар таҳлили уларни мукамаллаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқиш имконини яратади.

Таянч иборалар

Корхонанинг белгилари, низом жамғармаси, низом, корхона, маъмурий-буйруқбозлик тизими, тузилмавий бўлинмалар, ишлаб-чиқариш ва техника муносабатларида корхона, ижтимоий муносабатларда корхона, ташкилий-ҳуқуқий муносабатлар ва молиявий-иқтисодий муносабатларда корхона, корхонанинг ўзига хос бўлган хусусиятлари, корхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари, корхоналар фаолияти вазифалари, корхоналар функциялари, микрофирмалар, кичик корхона, ихтисослашув даражаси, ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш усуллари, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, коммандит ўртоқлиги, масъулияти чекланган жамият, концерн, консорциум, хўжалик ассоциацияси, корпорациялар, синдикат, трестлар, холдинглар, тузилма.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Миллий иқтисодиёт тушунчаси ва корхоналарнинг мамлакат иқтисодиёт мажмуасидаги роли.
2. Саноат корхоналарига хос бўлган белгилар.
3. Саноат корхоналарининг вазифалари ва бажарадиган ишлари.
4. Ўзбекистон Республикасида корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликнинг ривожланишини тушунтиринг.
5. Корхонанинг давлат рўйхатидан ўтиш учун қандай ҳужжатлар талаб қилинади?
6. Саноат корхоналарининг таснифи.
7. Корхоналарни тавсифлашда ишлатилувчи мезонлар.
8. Корхоналарнинг умумий ва ишлаб чиқариш тузилмаси тушунчалари.
9. Корхона тузилмасини белгилаб берувчи омиллар.
10. Корхона тузилмасини мукамаллаштириш йўллари.

ИИИ МАВЗУ. КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ

- 3.1. Корхонани ташкил қилиш тамойиллари
- 3.2. Таъсис ҳужжатлари
- 3.3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши
- 3.4. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил қилиш
- 3.6. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш

3.1. Корхонани ташкил қилиш тамойиллари

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши фаолият юритаётган корхоналардан ташқари, янги корхоналарни ташкил қилиш ва ишга туширишга таянади. Бундай қадам иқтисодий жиҳатдан мақбуллиққа, ресурслар имконияти ва корхона маҳсулотларига бўлган талабга асосланади. Бирон-бир маҳсулотнинг тақчиллиги ёки умуман йўқ бўлиши ҳам, янги корхона ёки ишлаб чиқаришни ташкил қилишга сабаб бўлиши мумкин.

Добавлено примечание ([ИКЗ]): ияти

Янги корхонани ташкил қилиш қуйидаги ташкилий тамойиллар асосида амалга оширилади¹⁹:

- корхонани ташкил қилиш фикрининг пайдо бўлиши;
- корхона муассисларини танлаш;
- таклиф қилинаётган маҳсулотга бозордаги талабни ўрганиш;
- корхона Низом жамғармасини тузиш учун молия манбаларини аниқлаш;
- корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;
- давлат рўйхатидан ўтиш;
- муҳр, штамп ва бошқа реквизитларни тайёрлаш;
- лицензияланадиган фаолият турлари бўйича лицензиялар олиш.

Корхоналар мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) тайинлаган вакиллик органи, меҳнат жамоаси ёки муассислар гуруҳининг қарори бўйича белгиланган қонун-қоидаларга асосан ташкил қилиниши мумкин.

Шунингдек, корхоналар агар корхона мулки эгаси ёки у тайинлаган вакиллик органининг розилиги бўлса, фаолият юритаётган корхона таркибидан бир ёки бир нечта таркибий бўлинмаларни, ушбу бўлинмаларнинг меҳнат жамоалари ташаббусига кўра, ажратиб чиқариш натижасида ҳам ташкил топиши мумкин.

Корхона жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ва улар тўғрисидаги ҳолатларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган, мустақил ҳуқуқий шахс мақомидаги шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин.

Корхона қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда махсус давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади ва ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлади.

Турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналарни ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини кўриб чиқайлик.

“Хусусий корхоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра хусусий корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди.

Хусусий корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади. Хусусий корхона бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондида ўзгача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар очишга ва филиаллар тузишга ҳақли.

«Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларни таъсис этиш тартиби белгилаб берилади. Унга кўра жамиятнинг муассислари таъсис шартномасини тузадилар ва жамият уставини тасдиқлайдилар. Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Жамият муассислари жамиятнинг ижро этувчи органларини сайлайдилар (тайинлайдилар), шунингдек жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) пулсиз ҳиссалар қўшилган тақдирда, уларнинг пул баҳосини тасдиқлайдилар. Жамият уставини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор, шунингдек жамият муассислари киритадиган ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Бошқа қарорлар жамиятнинг муассислари томонидан жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қабул қилинади.

Жамиятнинг муассислари жамиятни таъсис этиш билан боғлиқ ва уни давлат рўйхатидан ўтказишга қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар

¹⁹ Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006, – 208 б.

бўладилар. Жамият муассисларнинг уни таъсис этиш билан боғлиқ мажбуриятлари юзасидан, уларнинг ҳаракатлари кейинчалик жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади.

«Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига кўра хўжалик ширкати тўлиқ ширкат ёки коммандит ширкат шаклида тузилади. Хўжалик ширкати, агар унинг таъсис шартномасида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади.

Хўжалик ширкати ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Хўжалик ширкати қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай турдаги фаолиятни амалга ошириши мумкин.

Якка тадбиркорлар ва тижоратчи ташкилотлар тўлиқ ширкатнинг иштирокчилари ҳамда коммандит ширкатда тўлиқ шериклар бўлишлари мумкин.

Юридик ва жисмоний шахслар коммандит ширкатда ҳисса қўшувчилар бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкати иштирокчилари қуйидагиларга ҳақлидирлар:

- хўжалик ширкатининг ишларини бошқаришда қатнашиш;
- хўжалик ширкатининг фаолияти тўғрисида ахборот олиш, таъсис шартномасида белгиланган тартибда бухгалтерия дафтарлари ва бошқа ҳужжатлар билан танишиш;
- фойдани тақсимлашда иштирок этиш;
- хўжалик ширкати тугатилган тақдирда, кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилинганидан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда олиш.

Хўжалик ширкатининг иштирокчилари қонун ҳужжатларида ва ширкатнинг таъсис шартномасида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Хўжалик ширкати иштирокчиларининг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таъсис шартномасида назарда тутилган тартибда, миқдорларда, усулларда ва муддатларда ҳисса қўшишлари лозим;
- хўжалик ширкатининг фаолияти тўғрисидаги сир тутилган ахборотни ошкор қилмасликлари шарт.

Акциядорлик жамиятни тузиш «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади. Акциядорлик жамиятни тузиш усуллари ўз ичига жамият янгидан таъсис этиш ёки мавжуд юридик шахсни қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, қайта тузиш) йўли билан тузиш усулларини олади.

Жамиятни таъсис этиш йўли билан тузиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарорни шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қилади.

Таъсис йиғилиши: жамиятни таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг уставини тасдиқлайди; таъсис этиш жараёнида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди; муассислар томонидан акциялар ҳақини тўлаш тартибини белгилайди; чиқариладиган акцияларнинг турларини ва сонини белгилайди; жамиятнинг кузатув кенгашини, тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлайди; жамиятнинг ижроия органини тузади (сайлайди, тайинлайди).

Таъсис йиғилишида овоз бериш муассислар киритадиган улушларга мувофиқ ўтказилади.

Таъсис йиғилиши қарорларни оддий кўпчилик овоз билан қабул қилади, бундан таъсис шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинадиган ҳоллар мустасно бўлиб, бунинг учун барча муассисларнинг розилиги талаб этилади.

Таъсис йиғилишининг қарорлари жамиятнинг барча муассислари томонидан имзоланадиган баённома билан расмийлаштирилади.

Давлат ташкилотини акциядорлик жамияти этиб ўзгартириш давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли орган томонидан қабул қилинадиган қарор асосида таъсис йиғилишини ўтказмасдан амалга оширилади.

Бир муассисдан иборат бўлган жамиятда таъсис йиғилиши ўтказилмайди.

Жамият муассислари ва акциядорларининг сони чекланмайди.

Жамият муассислари жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар унинг тузилиши билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассисларнинг уни тузиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари юзасидан фақат уларнинг ҳаракатлари кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилишида маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда давлат мулкани тасарруф этишга ваколатли орган унинг муассиси бўлади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда акцияларни тақсимлаш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Таъсис йиғилишида (конференциясида) овоз бериш муассислар қўшган ҳиссаларга мувофиқ ўтказилади.

Таъсис йиғилиши (конференцияси) қарорларни оддий кўпчилик овоз билан қабул қилади. Таъсис шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётган ҳоллар бундан мустаснодир, бунда барча муассисларнинг розилиги талаб этилади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда таъсис йиғилиши ўтказилмайди.

Корхонани ташкил қилишдан ташқари, унинг молиявий барқарорлиги ва самарали фаолиятини таъминлаш, бозор муносабатлари ва рақобатчилик шароитларида жуда муҳимдир. Амалиётдан кўриниб турибдики, бу қоидаларга риоя қилмаслик натижасида корхонани ташкил қилишга кетган барча саъй-ҳаракатлар ўзини оқламайди ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг микро ва макроиктисодий кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади.

Янги корхона ташкил қилишдан асосан қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- истеъмолчилар талаб қилаётган маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни сотишдан фойда (даромад) олиш;
- ишлаб чиқаришга иш билан банд бўлмаган аҳолини жалб қилиш ва шу орқали иш билан таъминлашдаги ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш;
- ишлаб чиқаришга мавжуд қушимча ресурсларни жалб қилиш;
- фан-техника ютуқларидан фойдаланган ҳолда янги саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш;
- яқка тарзда ёки ҳамкорликда фаолият юритиш учун кичик корхона (ўртокчилик каби) ташкил қилувчи алоҳида фуқаролар ёки шахслар гуруҳи аъзоларининг шахсий эҳтиёжларини қондириш;
- ишлаб чиқаришни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда бозор муҳитини кенгайтириш.

3.2. Таъсис ҳужжатлари

Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш корхонани ташкил этиш ва кейинги фаолият юритиш жараёнидаги муҳим босқичларидан бири ҳисобланади. Таъсис ҳужжатлари фаолият юритувчи корхоналарнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда шароитларини ифодалайди.

Корхоналар фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларида икки хил таъсис ҳужжатлари белгилаб берилган:

корхона низоми(устави);

таъсис шартномаси.

Корхона устави унинг ҳуқуқий макomini, ҳуқуқ ва мажбуриятиларини белгилаб беради.

Таъсис шартномаси корхонанинг ташкил қилиниши ва яқка тарзда ёки ҳамкорликдаги фаолиятнинг бошланишини тавсифловчи ҳужжатдир. У шунингдек, ташкил этилаётган корхонанинг устави тўлдирувчи ҳужжат ҳам ҳисобланади.

Амалиётда корхона фақат Низом ёки фақат таъсис шартномаси асосида, шунингдек, бир вақтнинг ўзида Низом ва таъсис шартномасига асосан фаолият юритиш ҳоллари мавжуд.

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, корхонанинг (ҳуқуқий шахснинг) таъсис шартномаси келишув асосида тузилади, Низом эса муассис (муассислар) томонидан тасдиқланади. Битта таъсисчи томонидан тузилган ҳуқуқий шахс шу таъсисчи томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият юритади.

Корхона мулкни шакллантириш ва ундан фойдаланиш устав ва таъсис шартномасининг муҳим қисми ҳисобланади.

Таъсис ҳужжатларини мазмуни ва тайёрлаш тартиби турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги корхоналар учун ўзига ҳос бўлиб, улар билан қуйида танишиб чиқамиз.

Хусусий корхонанинг таъсис ҳужжати сифатида унинг устави қабул қилинади.

Хусусий корхонанинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- корхонанинг фирма номи;
- унинг жойлашган ери ва почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- асосий фаолият турларининг рўйхати;
- мулкдорнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;
- устав фондининг миқдори.

Хусусий корхонанинг устави қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа қоидаларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

Хусусий корхонанинг устав фонди бўлинмас бўлиб, уни мулкдорнинг ўзи белгилайди.

Пул, қимматли қоғозлар, пул билан баҳоланадиган бошқа мол-мулк ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд бошқа шахсга бериладиган ўзга ҳуқуқлар хусусий корхонанинг устав фондига қўшиладиган ҳисса бўлиши мумкин. Мулкдор хусусий корхонанинг устав фондига ўзи киритадиган мол-мулкни мустақил баҳолайди.

Агар хусусий корхонанинг устав фонди шакллантирилаётганда мулкдор ўз онла аъзоларининг умумий мулки ҳисобланган мол-мулкни корхонага бераётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиш талаб этилади.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар таъсис ҳужжатлари сифатида жамиятнинг таъсис шартномаси ва устави қабул қилинади.

Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилиши керак.

Жамият иштирокчисининг, аудиторнинг ёки исталган манфаатдор шахснинг талабига биноан жамият уларга жамиятнинг таъсис ҳужжатлари билан, шу жумладан унга киритилган ўзгартишлар билан танишиш имкониятини бериши шарт. Жамият иштирокчисининг талабига биноан жамият унга жамиятнинг таъсис шартномаси ва устави нусхаларини бериши шарт.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига ўзгартишлар жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига биноан киритилади. Жамиятнинг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Таъсис шартномаси қоидалари билан жамият устави қоидалари мос келмаган ҳолларда жамият устави қоидалари учинчи шахслар ва жамият иштирокчилари учун устувор кучга эга бўлади.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг таъсис шартномасида жамиятнинг муассислари жамиятни тузиш мажбуриятини оладилар ва уни тузиш юзасидан биргаликдаги фаолият тартибини белгилайдилар. Таъсис шартномасида қуйидагилар ҳам белгиланади:

- жамият муассисларининг (иштирокчиларининг) таркиби;
- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ва жамият ҳар бир муассиси (иштирокчиси) улушининг миқдори;
- жамият таъсис этилаётганда унинг устав фондига (устав капиталига) ҳиссаларни қўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддатлари;
- ҳиссаларни қўшиш бўйича мажбуриятларини бузганлик учун жамият муассисларининг (иштирокчиларининг) жавобгарлиги;
- жамиятнинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш шартлари ва тартиби;
- жамият органларининг таркиби ва жамият иштирокчиларининг жамиятдан чиқиш тартиби.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи;
- жамият фаолиятининг предмети;
- жамиятнинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият органларининг таркиби ва ваколатлари тўғрисидаги, шу жумладан жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар тўғрисидаги, жамият органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан қарорлар бир овоздан ёки квалификациян кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг бошқа шахсга ўтиши тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ҳужжатларини сақлаш тартиби ҳамда жамият томонидан жамият иштирокчиларига ва бошқа шахсларга ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар;
- қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар.

Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматларидан таркиб топади.

Унинг миқдори жамиятни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга қўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ барабаридан кам бўлмаслиги лозим.

Жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги улушнинг миқдори фоизларда ёки қаср кўринишида белгиланади. Жамият иштирокчиси улушнинг миқдори унинг улуши номинал қиймати билан жамият устав фондининг нисбатига тенг бўлиши керак.

Жамиятнинг устав билан жамият иштирокчиси улушнинг энг юқори миқдори, шунингдек жамият иштирокчилари улушларининг нисбатини ўзгартириш имконияти чеклаб қўйилиши мумкин. Жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг

ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамиятнинг устав фондидаги ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шарт.

Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида белгиланган ва жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмайдиган муддат мобайнида жамиятнинг устав фондида ўз ҳиссасини тўлиқ киритиши керак.

Жамиятнинг иштирокчиси томонидан ҳиссанинг тўлиқ киритилганлиги жамият иштирокчисига бериладиган гувоҳнома билан тасдиқланади.

Пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкӣ ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар жамиятнинг устав фондида қўшиладиган ҳиссалар бўлиши мумкин.

Акциядорлик жамиятнинг таъсис ҳужжати сифатида таъсис йиғилиши (муассис) тасдиқлаган устав қабул қилинади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда давлат мулкни тасарруф этишга ваколатли орган тасдиқлайдиган эмиссия маълумотномаси ҳам таъсис ҳужжати ҳисобланади.

• Устав жамиятнинг таъсис ҳужжати бўлиб, унда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ (агар бўлса қисқартирилган) фирма номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- фаолиятининг соҳаси (асосий йўналишлари) ва мақсади;
- устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;
- жамият акцияларининг сони, номинал қиймати, турлари (оддий, имтиёзли);
- жамият бошқарувининг тузилмаси, жамият кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг ва ижроия органининг аъзолари сони, бу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари.

• Жамият уставида жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) битта акциядорга тегишли бўлган улушнинг энг кўп миқдорига чекловлар белгиланиши мумкин.

• Давлат томонидан жамиятни бошқаришда иштирок этишга бўлган махсус ҳуқуқ («олтин акция») жорий этилаётган жамият уставида давлатнинг мазкур махсус ҳуқуқдан фойдаланиши тўғрисидаги қоидалар кўрсатилиши керак.

Жамият уставида битта акциядорга тегишли бўлган акциялар сони ва улар номинал қийматининг суммаси чеклаб қўйилиши мумкин.

Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акциялар эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмдан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинган акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади.

Жамиятнинг устав фонди акциядорлар сотиб олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

Жамиятнинг устав фонди унинг мол-мулкнинг ўз кредиторлари манфаатларини қафолатлайдиган даражадаги энг кам миқдорини белгилайди. Жамият давлат мулки негизда тузилганда корхонанинг (мол-мулкнинг) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган бозор баҳоси жамият устав фондининг суммасини ташкил этади.

Жамият оддий акцияларни, шунингдек бир ёки бир неча турдаги имтиёзли акцияларни жойлаштиришга ҳақлидир.

Акциядорлик жамияти устав фондининг энг кам миқдори жамият давлат рўйхатидан ўтказилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича тўрт юз минг АҚШ долларига тенг бўлган суммадан кам бўлмаслиги керак.

Акциялар хиллари ва турлари (тоифалари) бўйича фарқланади. Акцияларнинг хиллари: эгаси ёзилган, эгаси ёзилмаган. Акцияларнинг турлари (тоифалари): имтиёзли, оддий.

Акцияда кўрсатилган ва жамият акциядорларининг реестрига киритилган жисмоний ёки юридик шахсга эгаси ёзилган акциянинг соҳиби бўлмиш акциядор деб эътироф этилади.

Эгаси ёзилмаган акцияни сақловчи шу акциянинг эгасидир. Эгаси ёзилмаган акциялар жамият акциядорларининг реестрига киритилмаган ҳолда бошқа шахсларга мулк қилиб берилади.

Оддий акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгаларига дивидендлар олиш, жамиятнинг умумий йигилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

Акция эгаларига дивидендларни, шунингдек акциядорлик жамияти тугатилганда акцияларга қўйилган маблағларни биринчи навбатда олиш ҳуқуқини берадиган акциялар имтиёзли акциялар ҳисобланади. Имтиёзли акциялар уларнинг эгаларига, корхона фойда кўриш-кўрмаслигидан қатъи назар, муайян дивидендлар олиш ҳуқуқини беради.

Агар акциядорларнинг сони эллик нафардан ошмаса, жамият уставида: ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари томонидан сотилаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нарх бўйича ва шартлар асосида, акциядорларнинг ҳар бирига тегишли акцияларнинг сонига мутаносиб равишда олиш юзасидан акциядорлар учун; агар ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари ўз имтиёзли ҳуқуқларидан фойдаланмаган бўлса, жамиятнинг акциядорлари сотаётган акцияларни олиш юзасидан жамият учун имтиёзли ҳуқуқ назарда тутилиши мумкин.

Ўз акцияларини сотаётган акциядор акцияларини сотиш нияти тўғрисида бошқа акциядорларни акцияларнинг нархини ва учинчи шахсга таклиф этиш шартларини кўрсатган ҳолда тўғридан-тўғри ёхуд жамият орқали ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

Акциядорлар сотаётган акцияларни олишга доир имтиёзли ҳуқуқни амалга ошириш тартиби ва муддатлари жамият уставида белгиланади, бунда имтиёзли ҳуқуқдан фойдаланиш муддати акциялар сотувга қўйилган пайтдан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Чиқариладиган акцияларнинг хиллари, уларни тарқатиш ва жойлаштириш, улар бўйича дивидендлар тўлаш тартиби акциядорлик жамиятининг уставида белгилаб қўйилади.

Акцияларнинг номинал қиймати беш минг сўмдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

Хўжалик ширкатининг таъсис этиш ҳужжати бўлиб, унинг таъсис шартномаси ҳисобланади.

Таъсис шартномасида қуйидаги маълумотлар бўлади:

• таъсис этилаётган хўжалик ширкатининг тури, унинг фаолият соҳаси, мақсадлари ва муддатлари;

• муассисларнинг (иштирокчиларнинг) таркиби;

• таъсис этилаётган хўжалик ширкатининг фирма номи ва почта манзили;

• устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ва уни ҳосил қилиш тартиби;

• хўжалик ширкати ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати;

• хўжалик ширкати иштирокчилари ҳиссаларининг таркиби, уларни киритиш муддатлари ва тартиби;

• хўжалик ширкатининг устав фондини (устав капиталини) қўпайтириш ва камайитириш тартиби;

• хўжалик ширкатининг фаолиятини бошқариш тартиби;

• фойдани тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби;

• хўжалик ширкатини қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби;

• қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа шартлар.

Хўжалик ширкатининг таъсис шартномасида, шунингдек унинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак. Хўжалик ширкатининг таъсис шартномасидаги унинг ваколатхоналари ва филиалларига оид маълумотлар ўзгарганлиги ҳақидаги ахборотлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органга билдириш

тариқасида тақдим этилади. Таъсис шартномасидаги мазкур ўзгаришлар юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган бундай ўзгаришлардан хабардор қилинган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга киради.

Ширкатнинг устав фонди (устав капитали) унинг иштирокчилари улушларининг номинал қийматидан таркиб топади.

Ширкат устав фондининг миқдори ширкатни давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатларни тақдим этиш санасидаги ҳолатга қўра қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлмаслиги керак.

-жадвал

Тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар устав фондининг энг кам миқдорида қўйиладиган талаблар²⁰

Т/р	Тадбиркорлик субъектларининг - юридик шахсларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли	Устав фондининг энг кам миқдори
1.	Акциядорлик жамияти	400 000 АҚШ доллари**
2.	Масъулияти чекланган жамият	Энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида***
3.	Қўшимча масъулиятли жамият	Энг кам ойлик иш ҳақининг 40 баравари миқдорида
4.	Тўлиқ ширкат	Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида
5.	Коммандит ширкат	Энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида
6.	Унитар корхона	-
7.	Давлат унитар корхонаси	-
8.	Хусусий корхона****	-
9	Оилавий корхона	Энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдорида
10.	Фермер хўжалиги	-
11.	Ишлаб чиқариш кооперативи	-
12.	Юридик шахс ташкил этган деҳқон хўжалиги	-
13.	Мустақил юридик шахс сифатида ҳаракат қиладиган ва қонунда назарда тутилган ҳолатларда алоҳида ҳисоб рақамига эга бўлган ваколатхона ёки филиал*****	-
14.	Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхона	150 000 АҚШ доллари**
15	Чет эл сармояси иштирокидаги корхона	Тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакли учун белгилангандан кам бўлмаган миқдорда

Ширкат иштирокчисининг ширкат устав фондидаги улушининг миқдори фоизларда ёки қаср кўринишида белгиланади. Ширкат иштирокчиси улушининг миқдори унинг улушининг номинал қиймати билан ширкат устав фондининг ўзаро нисбатига мувофиқ бўлиши керак.

Ширкат иштирокчиси улушининг ҳақиқий қиймати ширкат соф активлари қийматининг унинг ширкат устав фондидаги улуши миқдорида мутаносиб бўлган бир қисмига мос бўлади.

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон Қарори

Ширкат давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини ширкатнинг устав фондида киритиши шарт. Ҳиссанинг қолган қисми таъсис шартномасида кўрсатилган муддатда киритилиши лозим бўлиб, бу муддат ширкат давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

Пул, қимматли қоғозлар, бошқа ашёлар ёки мулк ҳуқуқлар ёхуд пул баҳосига эга бўлган бошқа шахсга ўтказиладиган ўзга ҳуқуқлар иштирокчиларнинг ширкат устав фондида қўшадиган ҳамда ширкатга қабул қилинадиган учинчи шахсларнинг ҳиссалари бўлиши мумкин.

Ширкатнинг устав фондида пулсиз ҳиссасининг пул ҳисобидаги баҳоси ширкатнинг барча иштирокчилари томонидан бир овоздан қабул қилинадиган ширкат иштирокчилари умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланади.

Ширкатга тегишли мол-мулк унга устав фондида ҳисса сифатида фойдаланишга берилган муддат ўтгунига қадар мол-мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи тугатилган тақдирда, ширкатнинг мол-мулкни берган иштирокчиси ширкатнинг талабига биноан унга шундай мол-мулкдан шунга ўхшаш шароитларда қолган муддат мобайнида фойдаланганлик учун тўланадиган ҳаққа тенг пул товони тўлаши шарт. Пул товони ширкат томонидан уни бериш талабномаси тақдим этилганидан эътиборан бир ой ичида бир йўла тўланиши керак.

Ўз ҳиссасини тўлиқ киритган ширкат иштирокчисига гувоҳнома берилади.

3.3. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши

Ҳар қандай шаклдаги корхона жойлашган манзилгоҳи бўйича давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш, тегишли равишда, юстиция органлари ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари ўрнига ташкил этилган "ягона дарча" марказлари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли **Фармонининг** ижросини таъминлаш ва тадбиркорлик тузилмаларига замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда давлат хизматларини кўрсатиш сифати ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини тубдан ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари негизида тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари ташкил этилди.

Бундан келиб чиққан ҳолда, вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларида мавжуд "ягона дарча" хизматларининг фаолияти 2016 йилнинг 1 январидан бошлаб тўхтатилди.

Мазкур ҳужжатга кўра "Ягона дарча" марказларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

"ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматларини кўрсатиш;

тадбиркорлик субъектларига рўйхатдан ўтказиш, рухсат бериш ва лицензиялаш тартиб-таомилларида шаффофликни таъминлаш;

тадбиркорларга давлат хизматларини кўрсатишда бюрократик ғов-тўсиқларга йўл қўймасдан давлат хизматлари кўрсатаётган давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш;

аризачиларга инфорацион ёрдам кўрсатиш, шунингдек давлат хизматларини кўрсатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида бепул консультация бериш.

Корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби ва муддатларини “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646 сонли Қарори белгилаб беради.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартибини тубдан такомиллаштириш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш асосида уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида бевосита мулоқот қилмайдиган шаклларида фойдаланишни жадал рағбатлантириш мақсадида мазкур қарорда алоҳида чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди. Чора-тадбирларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишни автоматлаштирилган тизимини босқичма-босқич ишлаб чиқиш ва жорий этиш, 2017 йил 1 апрелдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан Ўзбекистон Республикаси Давлат интерактив хизматлари ягона порталига интеграциялашган Интернет тармоғидаги Тизим орқали кечаю-кундуз ўтказиш ва ҳисобга қўйиш таъминлаш белгилаб берилди. Ушбу талаблар банклар ва кредит бюrolари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларига татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 01.02.2017 й.Н ПҚ-2750 Қарорига мувофиқ туман ва шаҳарларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларига “ягона дарча” тамойили асосида давлат хизматларини кўрсатиш марказлари туман (шаҳар) ҳокимликлари тузилмасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарувига ўтказилмоқда. Бу эса “ягона дарча” марказларини самарали бошқариш, уларнинг фаолиятини ва бошқа давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишга нисбатан тизимли ёндашувни белгилаш имкониятини беради.

Банклар ва кредит бюrolари, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналаридан ташқари барча тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш “ягона дарча” марказлари зиммасига юклатилмоқда. Бундай чора тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг мавжуд тарқоқ тизими ўрнига янги, яхлит тизимни яратишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “ягона дарча” марказлари фаолиятига умумий раҳбарликни ҳамда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатишга оид қонунчиликка риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи ваколатли орган этиб белгиланди.

“Ягона дарча” марказлари томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун 16 турдаги рухсатномаларни бошқа идораларга бормасдан расмийлаштириш амалиёти тадбиркорлик субъектларининг вақти ва моддий сарф-харажатларини тежашга қўмаклашади.

–жадвал

Тадбиркорлик субъектларига «Ягона дарча» тамойили бўйича кўрсатиладиган хизматлар²¹

№	Хизмат номи
1.	Тадбиркорлик субъектларини муҳандислик-коммуникация тизимларига «фойдаланишга тайёр» шартларда улаш.
2.	Бино ва иншоотларнинг ташқи кўриниши ўзгартиришни (фасадни таъмирлашни) келишиш.

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига «ягона дарча» тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» - 2015 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2412-сонли қарори

3.	Бино ва иншоотларни қайта-ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш.
4.	Қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга рухсат бериш.
5.	Ер участкаларини давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш.
6.	Бино, иншоот ва кўп йиллик дарахтларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш.
7.	Ипотека ва бино ва иншоотлар, шунингдек ер участкасига бўлган ашёвий ҳуқуқлар ипотекаси тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақида гувоҳнома бериш.
8.	Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.
9.	Алкоголли маҳсулотлар билан умумий овқатланиш корхоналарида савдо қилиш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.
10.	Кўчма савдони амалга ошириш ҳуқуқини берадиган рухсат гувоҳномасини бериш.
11.	Ташқи рекламани жойлаштиришга рухсат бериш.
12.	Турар жой биноларини нотурар жой тоифасига ўтказишга рухсат бериш.
13.	Ер ости конларидан фойдаланишда бузилган ерлар рекультивацияси ўтказилганлиги тўғрисида хулоса бериш.
14.	Ўрмон фондига кирмайдиган ҳудудларда дарахтларни кесишга рухсат бериш.
15.	Сувдан маҳсус фойдаланиш ва истеъмол қилишга рухсат бериш.
16.	Ўсимлик дунёси объектларидан маҳсус фойдаланишга рухсат бериш.

Бундан ташқари, 2018 йил 1 январдан бошлаб “ягона дарча” марказлари орқали тақдим этиладиган лицензия ва рухсатномаларни қоғоз шаклидаги маҳсус бланкаларда мажбурий расмийлаштириш талаби бекор қилинади. Бунда берилган, тўхтатиб қўйилган, қайта тикланган, қайта расмийлаштирилган, бекор қилинган, шунингдек амал қилиши тугатилган рухсатнома ва лицензиялар тўғрисидаги маълумотларни “Лицензия” ахборот тизимлари мажмуаси орқали олиш имконияти яратилади.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат ҳисобига қўйиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ–2486-сонли қарорини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли Ҳукумат қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларини – юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишнинг мутлақо янги тартиби ўрнатилди²².


2017 йилнинг апрел ойидан бошлаб, бизнесни рўйхатдан ўтказиш механизмининг батафсил ёритиб берувчи ягона ҳужжатни тасдиқлаш йўли билан тадбиркорлик

²² Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон Қарори

субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиботини тартибга солувчи 62 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилди.

2017 йилнинг Феврал ойидан бошлаб “ягона дарча” марказлари барча тадбиркорлик субъектлари учун ягона рўйхатдан ўтказувчи орган этиб белгиланди, банклар ва кредит бюрolari бундан мустасно. Давлат статистика қўмитасининг фирма номини захира қилиб қўйишга доир, Давлат солиқ қўмитасининг тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб қирувчи якка тартибдаги тадбиркорларни рўйхатдан ўтказишга доир, шунингдек Адлия вазирлигининг чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар, сугурталовчилар ва сугурта брокерлари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, ломбардлар, инвестиция фондлари, бозорлар ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишга доир функциялари 194 та “ягона дарча” марказларига топширилди.

«ЯГОНА ДАРЧА» МАРКАЗИ ФАОЛИЯТИНИНГ МЕХАНИЗМИ



Давлат рўйхатидан ўтказиш қуйидаги усуллардан бири билан амалга оширилади:

1. Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими воситасида Ягона порталда;

2. Ариза берувчилар давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун тегишли (почта манзилига мувофиқ жойлашган жойдаги - юридик шахслар учун ёки доимий рўйхатда турган жойдаги ёхуд доимий яшаш жойдаги - жисмоний шахслар учун) рўйхатдан ўтказувчи органга ўзлари келиб мурожаат қилган ҳолда.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими орқали қуйидагилар амалга оширилади:

давлат рўйхатидан ўтказиш;

қайта ташкил этиш йўли билан ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларини

давлат рўйхатидан ўтказиш;

қайта рўйхатдан ўтказиш;

давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини тўлаш;

рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани эркин олиш;

якка тартибдаги тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтатиб туриш ва тиклаш

тўғрисида ариза топшириш;

рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларнинг белгиланган тартибдаги ҳамкорлиги;

рўйхатдан ўтказувчи органлар ва ваколатли ташкилотларни, шунингдек давлат ва хўжалик бошқаруви органларини тадбиркорлик субъектининг манзили (жойлашган жойи, яшаш жойи) ўзгарганлиги тўғрисида хабардор қилиш;

"тадбиркорлик субъектининг шахсий кабинети"ни очиш ва ундан эркин фойдаланиш;

Реестрдан кўчирма, сўралаётган ҳужжат, тадбиркорлик субъектларининг рўйхати ёки сўралаётган маълумотнинг ва (ёхуд) ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотнома шаклидаги аниқ тадбиркорлик субъектлари ҳақида маълумот сўраш ва олиш.

Давлат рўйхатидан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом"да назарда тутилган муддатларда амалга оширилади (-жадвал).

-жадвал

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган муддатлар²³

Т/р	Тадбиркорлик фаолияти шакллари	Давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган муддатлари
II. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш		
1.	Якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектлари	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда
2.	Тадбиркорлик фаолиятининг бошқа шакллари	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда
III. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан қайта ўтказиш		
3.	Деҳқон хўжалиги, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчилик фаолияти субъектлари бошлиғи ўзгарганда	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда
4.	Таъсис ҳужжатларига устав фонди миқдорининг оширилиши, улушнинг (ҳиссанинг) бошқа шахсга ўтиши билан боғлиқ бўлган ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда	16 иш соатидан ошмаган вақтда
5.	Рўйхатдан ўтказиш маълумотларига (таъсис ҳужжатларига) киритилаётган бошқа ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилганда	реал вақт режимида, лекин 30 минутдан ошмаган вақтда

2017 йилнинг апрел ойидан бошлаб, бизнесни рўйхатдан ўтказиш реал вақт режимида ариза юборилган пайтдан эътиборан 30 дақиқа давомида амалга оширилади, қуйидаги икки ҳолат бундан мустасно – рўйхатдан ўтказилиши 16 иш соати давомида амалга ошириладиган устав фондининг оширилиши ва таъсисчиларнинг улушлари (ҳиссалари) бошқа шахсга ўтиши.

Бизнесни давлат рўйхатидан ўтказиш, шунингдек қайта рўйхатдан ўтказишга аризани қуйидаги усуллардан бири орқали топшириш мумкин – mij.gov.uzга интеграция қилинган, 24/7 режимида ишловчи автоматлаштирилган рўйхатдан ўтказиш тизими орқали, ёки аризада Интернетдан фойдаланиш имконияти бўлмаган тақдирда –

²³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори

рўйхатдан ўтказиш жойидаги республиканинг барча туманлари ва шаҳарларида ишлайдиган “ягона дарча” марказларига мурожаат қилган ҳолда.

Юридик шахсни (тижорат ташкилотини) рўйхатдан ўтказишда тақдим этилаётган ҳужжатлар сони 6 тадан 2 тагача қисқартирилган, яъни фақатгина ариза ва таъсиси ҳужжатлари талаб этилади (шунингдек топшириш далолатномаси ва тақсимлаш баланси тақдим этилиши лозим бўлган қўшиб юбориш, бўлиш ҳамда ажратиб чиқариш ҳолатлари бундан мустасно), якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) учун зарур бўлган ҳужжатлар сони 7 тадан 1 тагача қисқартирилган, яъни фақатгина ариза тақдим этиш талаб этилади.

Ягона портал – mij.gov.uz орқали автоматлаштирилган тизим воситасида рўйхатдан ўтказиш тартиботи ҳозир бўлган тартибда мурожаат қилишга нисбатан бир қатор устунликарга эга эканлигини таъкидлаш жоиздир. Хусусан, биринчидан рўйхатдан ўтказувчи органга қоғоз шаклидаги ҳужжатларнинг асл нусхаларини тақдим этиш зарурати бўлмайди, бу эса аризачиларни рўйхатдан ўтказувчи органга, шунингдек рўйхатдан ўтказишга давлат божларини тўлаш учун банк кассаларига шахсан боришлари мажбуриятидан озод қилади, натижада аризачининг билвосита харажатлари қисқаради, иккинчидан ҳужжатлар Интернет орқали топширилганда рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божлари ставкалари ҳозир бўлиш тартибида мурожаат қилиш ҳолатига нисбатан икки баробар паст қилиб белгиланган, учинчидан бизнесни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни топширишни аризачига қулай бўлган исталган вақтда бошлаш, тўхтатиш ёки расмийлаштиришни қайтадан давом эттириш мумкин.

Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестридан маълумотлар бериш учун тегишлича ставкалар бўйича давлат божлари ва йиғимлар тўланади.

Жадвал

Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш учун давлат божлари ставкалари²⁴

Тадбиркорлик субъектлари	давлат божлари ставкалари
хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун	ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этилганда энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари ва 500 АҚШ доллари, Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказилганда эса - ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этганлик учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида;
суғурталовчилар ва суғурта брокерлари, аудиторлик ташкилотлари, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари, биржалар, ломбардлар, инвестиция фондларини, "Ўзбекизоқовқатзахира" мева-сабзавот маҳсулотларини тайёрлаш ва ғамлаш корхоналари уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарни, бозорларни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорлари билан акциядорлик жамиятлари (шу	ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этилганда энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари, Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказилганда эса - ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этганлик учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида";

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида" 2016 йил 28 октябрдаги ПҚ-2646-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сон қарори

жумладан холдинг) шаклида ташкил этилаётган хўжалик бошқаруви органларини рўйхатидан ўтказганлик учун	
юридик шахсларни - тадбиркорлик субъектларини, юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни ҳамда юридик шахс бўлмаган оилавий тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказганлик учун	ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этилганда энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари, Интернет бутунжаҳон тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказилганда эса - ҳозир бўлиш тартибида мурожаат этганлик учун белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорида";

Қуйидаги муҳим қулайлик мавжуд – рўйхатдан ўтказишга сўровнома танланаётган фирма номини автоматик тарзда текширишни инобатга олган ҳолда аризачи томонидан маълумотларни асосан очиладиган менюдан танлаш йўли билан онлайн тўлдирилади, бу эса ноаниқликларни бартараф этади, тақдим этилаётган маълумотларни стандартлаштиради ва уларни қайта ишлашни соддалаштиради. Шунингдек, бизнесни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни электрон рақамли имзо билан имзолаш талаб этилмайди, бунда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ягона порталда унда кўрсатилган усуллардан бири орқали масофадан рўйхатдан ўтишлари лозим бўлади. Аризачиларнинг хоҳишига қўра, автоматлаштирилган тизим аризада кўрсатилган маълумотлардан келиб чиқиб шакллантирадиган, таъсис ҳужжатларининг намунавий шаклларида фойдаланиш ёки аризага сканер қилинган таъсис ҳужжатларини илова қилиш мумкин. Илк мартаба давлат божларини республикада фаолият юритиб турган электрон тўлов тизимлари орқали тўлаш мумкин бўлади, бунда аризачидан белгиланган давлат божи ставкасининг 1 фоизи миқдоридатўлов ундирилади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) ўз фаолиятларини вақтинчалик тўхтатиб туриш ёки қайта тиклаш тўғрисидаги аризани автоматлаштирилган тизим орқали топширишлари мумкин бўлади, бу эса ЯТТнинг солиқлар тўламаслик билан боғлиқ бўлган таваккалчиликларини соддалаштириш ва пасайтиришга ёрдам беради. Тадбиркорлик субъекти барча тегишли ваколатли давлат (лицензияловчи ва ҳоказо) органларини унинг манзили (жойлашган жойи, яшаш жойи) ўзгарганлиги тўғрисида автоматлаштирилган тизим воситасида бир вақтнинг ўзида хабардор қила олади, бу эса давлат органларига алоҳида хабарномалар жўнатишга зарурият қолдирмайди. Шунингдек, қайта ташкил этиш тўғрисидаги ахборотни босма оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш тўғрисидаги талабни бекор қилади, бунда ахборотни кредиторлар танишиб чиқишлари учун Ягона порталда эълон қилиш старли бўлади, бу эса тадбиркорлар харажатларини камайтиради.

Бизнесни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асосларнинг батафсил рўйхати белгиланган. Демак, рўйхатдан ўтказиш учун сўровнома тўлдирилаётганда кўрсатилган маълумотлар автоматлаштирилган тизимнинг тегишли маълумотлар базалари бўйича автоматик тарзда текширилади.

Юридик шахсни ва ЯТТни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек уларнинг дубликатларини махсус бланкларда қоғоз кўринишида бериш амалиёти бекор қилинади, бу эса рўйхатдан ўтказувчи органларнинг уларни тайёрлаш учун кетадиган йиллик харажатларини қисқартиради. Тадбиркорлик субъектлари рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома ва таъсис ҳужжатларини исталган вақтда ҳамда исталган нусхада нашр қилиб олишлари мумкин. Шу тарзда, давлат органлари Ягона порталдаги Электрон ҳужжатларнинг репозиторийси орқали қайта ташкил этиш тўғрисидаги гувоҳномадан фойдаланиш (шу жумладан, лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар беришда, банк ҳисоб рақами очишда ва бошқа турдаги давлат хизматларини кўрсатишда), шунингдек автоматлаштирилган тизим воситасида, тадбиркорлардан талаб қилиб олмасдан таъсис ҳужжатларидан фойдаланишга

тадбиркорлардан рухсат олишларига имкон берувчи механизм йўлга қўйилди. Автоматлаштирилган тизимда мавжуд бўлган, бизнесни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ бўлган барча электрон ҳужжатлар, шунингдек сканер қилинган ҳужжатларга гиперҳаволалар, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳамда улардан фойдаланиш қулайлигини инобатга олган ҳолда электрон ҳужжатларнинг репозиторийсида сақланади.

Тадбиркорлик субъектига Тизим имкониятларидан фойдаланган ҳолда унга тааллуқли бўлган ҳужжатлар ва маълумотлар давлат органлари томонидан сўралган ҳолатлари тўғрисида ахборот олиш ҳуқуқи берилган, қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик субъекти эркин фойдаланиши тақиқланган ахборот бундан мустасно.

Юритилиши марказлаштирилган тарзда электрон кўринишда амалга ошириладиган Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестрида (ТСЯДР) мавжуд бўлган долзарб маълумотларнинг шаффофлигини ва улардан эркин фойдаланиш имконини ошириш ўта муҳимдир. Ягона порталга жойлаштириладиган ва улар ўзгариши биланоқ ҳар соатда янгиланиб бориладиган маълумотларнинг энг кам ҳажми белгиланди. Демак, юридик шахслар тўғрисидаги қуйидаги ахборотдан оммавий фойдаланиш мумкин бўлади: номи, СТИР, мақоми (фаолият юритаётган, тугатилиш жараёнида, фаолиятини тўхтатган), ташкилий-ҳуқуқий шакли, мулкчилик шакли, устав фондининг миқдори, қимматли қоғозлари тўғрисидаги ахборот, манзили ва бошқалар; ЯТТлар қисмида эса: исми, фамилияси, СТИР, амалга оширилаётган фаолият тури, жинси ва бошқалар.

Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўртасидаги фарқланишларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг нисбатан устунлигини аниқлаш қоидалари белгиланган. Демак, таъсис ҳужжатларидаги маълумотлар бир биридан фарқ қилганида, рўйхатдан ўтказувчи органда сақланаётган ҳужжатлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. ТСЯДРдаги таъсис ҳужжатлари ва ёзувлардаги маълумотлар бир биридан фарқ қилганида, ТСЯДРдаги ёзувлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. ТСЯДРдаги ва 2017 йилнинг 1 апрелига қадар юритиладиган реестрлардаги ёзувлар бир биридан фарқ қилганида, ТСЯДРдаги ёзувлар нисбатан устунроқ кучга эга бўлади. Рўйхатдан ўтказиш маълумотлари ўртасидаги фарқланишлар таъсис ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар ёки қўшимчаларни киритиш йўли билан тадбиркорлик субъектининг ўзи томонидан амалга оширилади.

Шу билан бир қаторда, рўйхатдан ўтказувчи ва ваколатли органлар ўртасидаги ҳамкорлик, маълумотлар алмашиш, уларни солиштириш ҳамда бошқа масалалар алоҳида ҳужжатга ажратилган, бу эса ҳам тегишли давлат органлари ходимлари учун, ҳамда тадбиркорлик субъектлари учун (тадбиркорларга тааллуқли бўлмаган ички тартиботларни ўрганиб чиқиш заруратини истисно қилгани ҳолда) қўшимча қулайликлар беради.

Умуман олганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида назарда тутилган, бизнесни рўйхатдан ўтказиш тизимини ислоҳ қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш давлат хизматининг – “бизнесни рўйхатдан ўтказиш”нинг шаффофлиги ва сифатини сезиларли даражада оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистонни 2017–2021 йилларда ривожлантиришга доир ҳаракатлар стратегиясида мамлакатнинг Жаҳон банки “Доинг Бусинесс” тадқиқотларидаги давлат халқаро рейтингини оширишни таъминлашга оид вазифа қўйилган. Демак, корхоналарни рўйхатдан ўтказишнинг янги механизми Жаҳон банкининг навбатдаги “Доинг Бусинесс-2018” тадқиқотларида “бизнесни рўйхатдан ўтказиш” меъзонига ижобий таъсир қилади.

Жаҳон банки услубиятига мувофиқ, бизнесни рўйхатдан ўтказиш янги тартибга кўра иккита жараёнда (биринчиси – барча рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга қўйиш тартиботларини автоматлаштириш билан реал вақт режимида рўйхатдан ўтказиш, иккинчиси – тақдим этиладиган қоғоз ҳужжатларни камайтириш билан банк ҳисоб рақамини очиш) амалга оширилади. Бизнес юритишни бошлаш билан боғлиқ бўлган барча расмийчиликларни инобатга олган ҳолда корхонани очиш жараёни *(ушбу вақтга фирма номини захирага олиб қўйиш, рўйхатдан ўтказиш учун давлат божини тўлаш, давлат*

рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳужжатларини олиш, муҳрни тайёрлаш, солиқ органларида, статистика органларида ҳамда Халқ банкида ҳисобга қўйиш, шунингдек банкда ҳисоб рақамини очиш киради) бир кундан кам вақтни талаб қилади.

Қуйидагилар давлат рўйхатидан ўтказишни, қайта рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асос бўлади:

давлат бож тўланмаганлиги ёки унинг тўлиқ бўлмаган миқдорда тўланганлиги;

Тегишли бўлмаган рўйхатдан ўтказиш органига мурожаат қилинганлиги;

Қонунчиликда назарда тутилган ҳужжатлар ва (ёки) маълумотлар тўлиқ бўлмаган ҳажмда тақдим этилганлиги;

Қонунчилик ва таъсис ҳужжатлари билан ваколат берилмаган орган томонидан таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш (хулосага келиш), уларга ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги - устав фонди миқдори оширилган, улуш (хисса) бошқа шахсга ўтган, қайта ташкил этилган тақдирда;

давлат рўйхатидан ўтказишда, қайта рўйхатдан ўтказишда қонун ҳужжатлари билан устав фондининг миқдorigа доир талаблар белгиланган тадбиркорлик субъектлари - юридик шахслар учун таъсис ҳужжатларида қонунчиликда назарда тутилган устав фондининг энг кам миқдоридан кам бўлган миқдорнинг белгиланганлиги.

3.4. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил қилиш

Корхона фаолиятини тўхтатиш уни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг барқарор эмаслиги, молиявий қийинчиликлар, сурункали зарар кўриш ва тўлов қобилиятининг йўқолишини корхоналарни тугатиш ёки қайта ташкил қилишга асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Корхонани **қайта ташкил қилиш** – бу, унинг бирлашиб кетиши, қўшилиши, бўлиниши, ажралиб чиқиш ва шаклини ўзгартириши дегани. Корхонани қайта ташкил қилиш таъсисчи (таъсисчилар) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Қайта ташкил қилиш корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлари аввалгига нисбатан яхшиланишига хизмат қилиши лозим.

Корхонани **тугатиш** ҳуқуқий хатти-ҳаракат бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятининг тўхтатилишини англатади. Корхонани тугатиш унинг таъсисчилари томонидан қабул қилинадиган қарор асосида ихтиёрий тугатиш шаклида ёки хўжалик суди қарори асосида амалга оширилади.

Корхона тугатилганда у давлат рўйхатидан чиқарилади, унинг банкдаги ҳисоб рақами ёпилади ҳамда муҳр, штамп ва бошқа реквизитлари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Корхонани тугатишга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот(иш, хизмат)га бўлган талабнинг пасайиб кетиши ёки умуман йўқолиши;

- ишлаб чиқаришнинг зарар келтириши;

- ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳит ҳамда аҳоли ҳаётига хавф туғдириши;

- корхонанинг бино ва иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бошқа воситаларидан иқтисодий жиҳатдан унумлироқ, янада сифатли ва истеъмолчилар талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятининг юзага келиши.

Корхонани ихтиёрий тугатиш 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори ва унга илова тарзида берилган “Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартиби тўғрисида Низом” асосида амалга оширилади.

Ушбу ҳужжатларда белгиланган тартибга қўра корхонани ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарорда қуйидагилар кўрсатилади:

туғатувчи - тугатиш комиссияси (унинг аъзолари таркиби) ёки жисмоний шахс (паспорти маълумотлари);

мўлжалланаётган тугатиш муддати.

Корхонани ихтиёрий тугатиш қуйидаги икки ҳил ҳолат бўйича алоҳида тартибда амалга оширилади :

1. Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатиш.

2. Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатиш.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналарни ихтиёрий тугатишда Тугатувчи корхонани давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиққан корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисидаги эълонни;

давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;

корхонанинг барча ҳисоб рақамлари ёпилганлиги тўғрисида хизмат кўрсатувчи банкларнинг маълумотномаларини;

агар мавжуд бўлса, корхонанинг муҳр ва штамплари;

ваколатли органнинг, агар мавжуд бўлса, чиқарилган қимматли қоғозларини бекор қилиш тўғрисидаги маълумотномасини;

давлат солиқ хизмати органнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз йўқлиги тўғрисидаги хулосасини;

туғатилаётган корхона қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати Бюро органлари иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақидаги Бюро ҳудудий бошқармасининг ёзма жавобини;

корхона ҳужжатларининг давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномани.

Рўйхатдан ўтказган орган ҳужжатлар олингандан кейин икки иш куни мобайнида давлат реестрига корхона тугатилганлиги тўғрисидаги ёзувларни киритади. Рўйхатдан ўтказган органнинг қарори у қабул қилинган кундан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади.

Корхонани ихтиёрий тугатишнинг умумий муддати рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб тўққиз ойдан ошмаслиги керак.

Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини юритмаётган корхоналарни ихтиёрий тугатишда Тугатувчи корхонани давлат реестридан чиқариш учун рўйхатдан ўтказган органга ихтиёрий тугатиш тўғрисидаги эълон чиққан санадан кейин бир ойдан эрта бўлмаган муддатда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- корхонанинг ихтиёрий тугатилганлиги тўғрисида бир ёки бир неча даврий босма нашрларда чиққан эълонни;

- давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳномани;

- банкларда ҳисоб рақамлари очилмаганлиги тўғрисидаги хат ёки, агар мавжуд бўлса, асосий ҳисоб рақами ёпилгани тўғрисидаги банк маълумотномасини;

- тугатилаётган корхона қарздор сифатида иштирок этган ва ижро этилмаган ижро ҳужжати Бюро органлари иш юритувида мавжуд эмаслиги ҳақидаги Бюро ҳудудий бошқармасининг ёзма жавоби;

- муассислар (қатнашчилар)нинг улар ўртасида мол-мулк тақсимланганлиги тўғрисидаги қарорини;

- мавжуд бўлса, корхонанинг муҳр ва штамплари;

- корхона ҳужжатлари давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотномани

Рўйхатдан ўтказган органнинг қарори қабул қилинган кунидан кейин бир иш куни мобайнида тугатувчига берилади ёки унга почта орқали жўнатилади.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини тугатиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги Қарори билан тасдиқланган “Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш тартиби тўғрисида Низом” ососида амалга оширилади. Унга кўра молия-хўжалик фаолиятини олти ой мобайнида амалга оширмаётган корхоналарни (банк ҳисобварақлари бўйича уч ой мобайнида операцияларни ўтказмаган савдо, савдо-воситачи корхоналарни), шунингдек қонунчиликда белгиланган муддатда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш корхона муассисларининг қарори асосида ихтиёрий ёки хўжалик суди қарори асосида амалга оширилади. Ушбу Низом қоидалари қуйидагиларни тугатишда қўлланилмайди:

- банклар ва кредит бюроларини;

- давлат органларини, нодавлат нотижорат ташкилотларини, шу жумладан уларнинг юридик шахслар ҳисобланадиган алоҳида бўлинмаларини (ваколатхоналари ва филиалларини), шунингдек халқаро ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотларининг ваколатхоналари ва филиалларини;

- суд томонидан банкрот деб эълон қилинган корхоналарни.

"Молия-хўжалик фаолияти" атамаси остида корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ҳамда бухгалтерия-молия, ҳисоб-китоб ва товарга илова ҳужжатларини юритиш билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш фаолияти тушунилади.

Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирмаган корхоналар фаолиятини бундан буён давом эттиришининг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани ҳал этиш, шунингдек корхоналарни тугатиш жараёнини хўжалик судлари қарорлари бўйича амалга ошириш (уларнинг муассислари, қатнашчилари уларни тугатишга рози бўлмаган, шунингдек кўрсатиб ўтилган шахслар турар жойини аниқлаш ва уларни тугатиш жараёнига жалб этишни таъминлаш мумкин бўлмаган ҳолатларда) туманлар ва шаҳарлар хокимликлари ҳузуридаги махсус комиссиялар томонидан амалга оширилади.

Махсус комиссия банкдаги тугатиш ҳисоб рақамини ёпади, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳамда муҳрни, бурчакли ва бошқа штампларни йўқ қилиш учун рўйхатдан ўтказувчи органга топширади.

Махсус комиссия томонидан корхонанинг муҳри, бурчакли ва бошқа штампларини, давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани топиш имкони мавжуд бўлмаса, уларнинг бекор қилиниши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон беради ва мазкур эълонни рўйхатдан ўтказувчи органга тақдим этади.

Корхонанинг товар белгиси мавжуд бўлса махсус комиссия тегишли органларга корхонанинг тугатилиши муносабати билан товар белгисининг рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани бекор қилиш ҳақида хат жўнатади.

Махсус комиссия тугатиш ишлари тугалланганлиги тўғрисидаги (қолган мол-мулк тақсимотини ҳисобга олган ҳолда) протоколни расмийлаштиради ва тасдиқлайди.

Корхонанинг тугатиш ҳужжатлари ўлик пакети тўплангандан сўнг махсус комиссия тугатилаётган корхонани юридик шахсларнинг давлат реестридан чиқариш тўғрисида қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда ариза билан рўйхатдан ўтказувчи органга мурожаат қилади:

- солиқ органининг давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий тўловлар бўйича қарзларнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги ҳулосаси;

- тугатиш ишлари якунланганлиги тўғрисидаги Махсус комиссия протоколи;

- корхона ҳужжатларининг Давлат архивига топширилганлигини тасдиқловчи маълумотнома.

Рўйхатдан ўтказувчи орган юкорида кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар асосида уч кун муддатда корхонани унинг тугатилиши муносабати билан юридик шахслар давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ва юридик шахслар давлат реестрига бу ҳақда ёзиб қўяди ҳамда туман Бандликка қўмаклашиш марказига, корхонага хизмат кўрсатувчи банкка, статистика ва солиқ органига хабар юборади, улар корхонани бир иш куни мобайнида ҳисобдан чиқаришлари шарт.

Юридик шахслар давлат реестрига тугатиш ҳақида ёзиб қўйилгандан сўнг корхонани тугатиш якунланган, корхона эса мавжуд эмас деб ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган корхоналарни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилишда ҳудудий махсус комиссия қуйидаги ҳаракатларни амалга оширади:

корхонанинг тугатилиши тўғрисида матбуотда эълон беради;

хизмат кўрсатувчи банк ҳисобварағини ёпади;

рўйхатдан ўтказувчи органга корхонани давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилади ҳамда агар, мавжуд бўлса, йўқ қилиш учун муҳр ва штампларни топширади.

Матбуотда корхонанинг тугатилиши тўғрисида эълон чиққандан сўнг камида бир ойдан кейин қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилганда корхона рўйхатдан ўтказувчи орган томонидан давлат реестридан чиқарилиши мумкин:

корхонани унинг тугатилиши муносабати билан юридик шахслар давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза;

хўжалик судининг корхонани тугатиш тўғрисидаги қарори;

агар мавжуд бўлса - давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;

хизмат кўрсатувчи банк ҳисобварағи ёпилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

солиқ органининг корхона давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаганлиги тўғрисидаги маълумотномаси;

корхонанинг тугатилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон чиқарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

Муассислари бедарак бўлган корхоналар бўйича рўйхатдан ўтказувчи органлар матбуотда улар томонидан корхоналарни тугатиш жараёнининг бошланиши тўғрисида эълон берадилар ҳамда айни пайтда:

ички ишлар органларига муассислар ва мансабдор шахсларни кидириш чоратadbирларини кўриш;

мазкур корхоналарга хизмат кўрсатувчи банк муассасаларига -уларнинг банк ҳисобварақларини белгиланган тартибда ёпиш учун тегишли ахборот юборадилар.

Агар уч ойдан сўнг муассислар (қатнашчилар) келмаса ёки топилмаса, рўйхатдан ўтказувчи орган бир ҳафта муддатда корхонани тугатиш тўғрисида хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Хўжалик суди томонидан корхонани тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда тугатиш жараёни унинг топширигига кўра ҳудудий махсус комиссия томонидан амалга оширилади.

Корхонани тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг қолган мол-мулк тегишли орган томонидан эгасиз мол-мулк сифатида ҳисобга олинади. Тугатиш жараёни тугаллангандан сўнг қолган пул маблағлари мавжуд бўлган тақдирда махсус комиссия улар ҳисобига мол-мулк сақланишини ташкил қилади. Сақлаш муддати тугатиш жараёни тугаллангандан кейин уч йилдан ошмаслиги керак. Пул маблағлари мавжуд бўлмаганда ёки уч йиллик муддат мобайнида сақлаш учун сарфланиб бўлган тақдирда, мол-мулк сақланмайди ва сотиб юборилади. Тушган маблағлар, операция харажатларидан ташқари, банкда ушбу мақсад учун махсус очиладиган ҳисобвараққа ўтказилади. Кўрсатиб ўтилган маблағлар бедарак бўлган муассислар (қатнашчилар) мулки ҳисобланади ва корхона тугатилган вақтдан камида уч йилдан сўнг маҳаллий бюджетга ўтказилиши керак.

Банкротлик аломатлари бўлган корхоналарни тугатиш тартиби. «Банкрот» атамаси қадимги итальянчада «банса» – курси, ўриндик ва «рота» – синган, яъни синган курси деган маънони англатади. Шимолий Италиянинг савдо шаҳарлари – Генуя ва Венецияда барча битимлар махсус биноларда амалга оширилган. Ҳар қайси уруғ, оила савдо уйларида ёғочдан ясалган курсига эга бўлиб, уруғ бошлиғи ёки унинг вакили ўша курсида ўтириб битимлар тузган. Агар уруғ бошлиғи ўзининг молиявий мажбуриятларини бажара олмаса ва ночор бўлиб қолса, унинг курсиси одамлар қўз олдида синдирилган. Мамлакатимизда кредиторлар даъволарини қондириш мақсадида хўжалик юритиш субъектлари бўлмиш юридик ва жисмоний шахсларни банкрот бўлган деб эътироф этиш шартлари ва тартиби “Банкротлик тўғрисида”ги Қонунда белгилаб берилган, лекин у ўз фаолиятини давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширадиган корхона-ташкилотларга нисбатан татбиқ этилмайди. Ўзбекистон Республикасининг “Банкротлик тўғрисида”ги қонунига кўра қарздорнинг пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир эмаслиги, агар тегишли мажбуриятлар ва тўловлар мажбурияти юзага келган кундан эътиборан уч ой давомида қарздор томонидан бажарилмаган бўлса, унинг банкротлик аломатлари деб эътироф этилади²⁵.

Банкротлик тўғрисидаги иш банкротлик аломатлари мавжуд бўлган тақдирда, агар қарздор юридик шахсга нисбатан жами талаблар энг кам иш ҳақи миқдорининг камида беш юз қаррасини ташкил этадиган бўлса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Пул мажбуриятларини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, кредитор ва прокурор эга.

Мажбурий тўловлар мажбуриятини бажармаганлиги натижасида қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқига қарздор, прокурор, давлат солиқ хизмати органлари ва бошқа ваколатли органлар эга.

Қарздор, агар унинг юқорида келтирилган ҳолатлар мавжуд бўлса, ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан хўжалик судига мурожаат этишга ҳақли.

Қарздор юридик шахснинг банкротлиги тўғрисидаги иш кўрилаётганда қуйидаги таомиллар қўлланилади:

- кузатув;
- суд санацияси;
- келишув битими;
- ташқи бошқарув;
- тугатишга доир иш юритиш.

Суддан ташқари бажариладиган таомиллар судгача санация қилиш ёки қарздорни ихтиёрий равишда тугатиш бўлиши мумкин.

Қарздорни давлат томонидан ёрдам кўрсатган ҳолда судгача санация қилиш ўн икки ойдан йигирма тўрт ойгача муддатга жорий этилади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

пул мажбуриятлари бўйича кредиторлар талабларининг қарздор томонидан эътироз билдирилмаётган миқдордаги суммаси;

қарздорнинг ходимлар ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, уларга меҳнат ҳақини ва тўланиши керак бўлган ишдан бўшатиш нафақасини тўлаш борасидаги қарз суммаси;

муаллифлик шартномалари бўйича тўланиши керак бўлган ҳақ суммаси;

²⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 24 апрелдаги “Банкротлик тўғрисида”ги Қонуни(янги таҳрири).

мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси;
кредиторларнинг талабларини тўла ҳажмда қондиришга қодир эмаслигининг асоси;
қарздордаги бор мол-мулк, шу жумладан пул маблағлари, дебиторлик қарзи
тўғрисидаги маълумотлар;

қарздорнинг банкдаги ҳисобварақлари рақамлари, банкнинг почта манзили;
илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарз борлигини,
шунингдек кредиторларнинг талабини қарздор тўла ҳажмда қондиришга қодир
эмаслигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Қарздорнинг ўзини банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қуйидагилар ҳам
илова қилинади:

қарздор юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, шунингдек юридик шахснинг давлат
рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар;

қарздорнинг кредиторлари ва дебиторлари рўйхати;

сўнгги ҳисобот кундаги ҳолатга кўра бухгалтерия баланси;

қарздор муассисларининг ёки қарздор мол-мулки эгасининг қарздор ўзини банкрот
деб топиш тўғрисида ариза билан ҳўжалик судига мурожаат қилиши ҳақидаги қарори.

Кредитор юридик шахснинг аризаси унинг раҳбари ёки вакили томонидан
имзоланади.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасида қуйидагилар
кўрсатилиши керак:

ариза берилаётган ҳўжалик судининг номи;

аризачининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

қарздорнинг номи (фамилияси, исми, отасининг исми) ва унинг почта манзили;

қарздорнинг кредитор олдидagi талаб келиб чиқишига сабаб бўлган пул мажбурияти
миқдори, шунингдек уни бажариш муддати;

кредитор талабларининг асослилигини тасдиқловчи далиллар, шу жумладан суднинг
қонуний кучга кирган қарори, мазкур талаблар қарздор томонидан тан олинганлигини
тасдиқловчи далиллар, нотариуснинг ижро хати;

илова қилинаётган ҳужжатлар рўйхати.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига қарздорнинг
кредитор олдидagi пул мажбуриятларини, шунингдек бу мажбуриятлар бўйича қарзи
борлигини ва унинг миқдорини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Кредиторнинг қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризасига, агар бор бўлса,
қуйидагилар ҳам илова қилинади:

кредиторнинг қарздорга бўлган талабларини кўриб чиққан суд қарори;

ижро ҳужжати ёки кредитор талаблари қарздор томонидан тан олинганлигини
тасдиқловчи далиллар.

Банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органининг устав фондида давлат
улуши бўлган ва Ўзбекистон Республикаси олдидa пул мажбуриятлари бўйича қарзи бор
корхонани банкрот деб топиш тўғрисидаги аризаси ҳўжалик судига қарздорнинг
иктисодий ночорлигини тасдиқловчи зарур ҳужжатлар илова этилган ҳолда берилади.

Давлат солиқ хизмати органининг қарздорни мажбурий тўловлар бўйича банкрот деб
топиш тўғрисида ҳўжалик судига берадиган аризасига қонун ҳужжатларига мувофиқ
мажбурий тўловлар бўйича қарзни қайтариб олишга доир чора-тадбирлар кўрилганлиги
далиллари илова қилиниши керак.

Прокурор қарздорни банкрот деб топиш тўғрисидаги ариза билан ҳўжалик судига
қуйидаги ҳолларда мурожаат этишга ҳақли:

банкротликнинг яширилган аломатларини аниқлаганида;

кредитор манфаатларини кўзлаб.

Банкротлик тўғрисидаги иш ҳўжалик судининг мажлисида қарздорни банкрот деб
топиш тўғрисидаги ариза иш юритишга қабул кундан эътиборан уч ойдан ортиқ бўлмаган

муддатда кўриб чиқилиши лозим. Банкротлик тўғрисидаги ишни кўриш алоҳида ҳолларда икки ойдан ошмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

Хўжалик суди томонидан қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилиниши тугатишга доир иш юритишнинг бошланишига сабаб бўлади.

Тугатишга доир иш юритиш муддати бир йилдан ошиши мумкин эмас. Зарурат бўлганда бу муддат хўжалик судининг ажрими билан узайтирилиши мумкин.

Хўжалик суди қарздорни банкрот деб топиш тўғрисида қарор қабул қилаётганда тугатиш бошқарувчисини ташқи бошқарувчини тайинлаш учун назарда тутилган тартибда тайинлайди. Устав фондида давлат улуши бўлган корхона банкрот деб топилган тақдирда, банкротлик тўғрисидаги ишлар бўйича давлат органи ҳам тугатиш бошқарувчилигига номзод тақдим этиши мумкин.

Шаҳарни ташкил этувчи корхона ҳамда унга тенглаштирилган корхона банкротлиги тўғрисидаги иш, агар қарздор кредиторларнинг пул мажбуриятлари бўйича талабларини қондиришга ва мажбурий тўловлар бўйича ўз мажбуриятини бажаришга қодир бўлмаса, агар тегишли мажбуриятлар олти ой ичида бажарилмаган бўлса, башарти қарздорга нисбатан билдирилаётган талаблар энг кам иш ҳақининг камида беш минг карраси миқдорини ташкил этса, хўжалик суди томонидан қўзғатилиши мумкин.

Қисқача хулосалар

Корхоналарни ташкил қилиш ва тугатиш бозор муносабатлари шароитларида одатий ва қонуний ҳолдир. Корхонани ташкил қилиш ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бирон-бир маҳсулотга бўлган талабнинг ортиши натижасида юзага келса, корхоналарни тугатиш эса талабнинг мавжуд эмаслиги ҳамда банкротликка боғлиқ бўлади.

Корхоналарни ташкил қилгандан сўнг уларни келажакда самарали фаолият юритишини ҳам таъминлаш зарур. Шу сабабли бирон-бир корхонани ташкил қилиш асосланган бўлиши ва илмий тамойилларга таяниши лозим.

Корхоналар ташкил қилинишини тартибга солувчи асосий ҳужжатлар бу корхона Низоми ва таъсис шартномаси бўлиб, баъзи ҳолларда корхоналар кўрсатилган ҳужжатларнинг биттаси асосида ҳам фаолият юритиши мумкин.

Корхонани ташкил қилиш жараёни бошқарув органларида рўйхатга олиш билан боғлиқдир. Қонунчилик томонидан корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказишнинг қатъий белгиланган муддатлари мавжуд.

Корхонани тугатиш ҳуқуқий хатти-ҳаракат бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятининг тўхтатилишини англатади. Бунга асосий сабаб қилиб корхонанинг тўлов қобилиятини йўқотишини кўрсатиш мумкин.

Санация давлат, банк ёки бошқа муассаса томонидан банкрот бўлишнинг олдини олиш ва рақобатбардошлик даражасини ошириш мақсадида корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашни англатади.

Санация корхоналарнинг шартнома ва бошқа мажбуриятларини бузишнинг олдини олишга қаратилган иқтисодий ва молиявий чора-тадбирлар тизимидир.

Таянч иборалар

ташкил қилиш тамойиллари, корхона мулки эгаси, шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, ҳуқуқий шахс мақоми, корхона Низоми, таъсис шартномаси, корхона мулкени шакллантириш, корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олинishi, рўйхатга олиш учун ҳужжатлар, корхонани қайта ташкил қилиш, корхонани тугатиш, тугатиш комиссияси.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Янги корхоналарни ташкил қилиш асосида нима ётади?
2. Қайси омиллар янги корхона ташкил қилиш заруриятини асослаб беради?

3. Янги корхоналарни ташкил қилишдан мақсад нима?
4. Корхона ташкил қилишнинг асосий тамойилларини санаб ўтинг.
5. Корхона қачондан бошлаб ташкил қилинган деб ҳисобланиши мумкин?
6. Корхона Низоми нимани англатади?
7. Таъсис шартномаси нимани англатади?
8. «Тинчлик келишуви» нима дегани?
9. Корхонани тугатишга нима сабаб бўлади?
10. Корхонани қайта ташкил қилишдан мақсад нима ва у қандай амалга оширилади?
11. Корхона банкротлигининг асосий сабабларини санаб ўтинг.
12. Корхонани молиявий жиҳатдан соғломлаштириш нимани англатади?

ИВ МАВЗУ. КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

- 4.1. Бошқарув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида.
- 4.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бошқаришнинг тамойиллари мақсад ва вазифалари.
- 4.3. Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари.
- 4.4. Корхонани бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

4.1. Бошқарув замонавий корхоналар фаолиятида объектив зарурият сифатида

Бошқарув жамият муносабатларининг муҳим кўрсаткичи сифатида жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тегишлидир. У инсоннинг жамиятдаги моҳияти, меҳнати тақсмоти, кооперация ва муомала зарурати, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатлардан келиб чиқади. Бошқарувсиз табиатни ўзгартириш, меҳнат қуроллари ва предметларини ягона ишлаб чиқариш жараёнида бирлаштиришга йўналтирилган фаолият юритишнинг илоҳи йўқ. Бошқача қилиб айтганда, бошқарув ишлаб чиқаришнинг барча қатнашчилари ва элементлари ўртасида келишувни йўлга қўйиб, юзага келган муносабатларнинг мазмуни ва меъёрини тартибга солади ҳамда ресурслардан фойдаланишнинг самарали йўллари топишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бошқарувнинг моҳияти ва объектив заруриятини янада осонроқ ва тезроқ тушуниш учун адабиётда машҳур бўлган мисол - оркестр ва дирижерга мурожаат қилиш лозим. Оркестр ва дирижернинг ўзаро алоқасини илғаб олиш учун музикаий қобилият талаб қилинмайди.

Концерт томошаларида бўлган ҳар бир киши дирижернинг сахнада пайдо бўлиш чоғини кўрган, албатта. Оркестр томон ўтирилгач, дирижер таёкчасини кўтаради ва музикачилар музика чалишни бошлайдилар. Шунга ўхшаш ҳолат бошқарувда ҳам рўй беради - йўлга қўйилган ташкилотчилик тизими бошқарув командалари асосида ишлайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда **бошқарув** - ижтимоий меҳнат жараёнига ишлаб чиқариш ривожланишининг объектив қонунлари асосида йўналтирилган тарзда таъсир ўтказиш тизими, ҳар бир ишчининг ва бутун жамоанинг меҳнатини бир вақтнинг ўзида назорат қилиш, мотивация ва тартибга солиш усулидир. Моддий бойликлар ва неъматлар ҳамда уларга тенглаштирилган кадриятларни тақсимлаш, истеъмол қилиш ва айирбошлаш ҳам бошқарувни талаб қилади.

Ҳозирги пайтда, иқтисодий ва илмий-техник ўзгаришлар даврида бошқарув усуллари, тамойиллари ва техникасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Бошқарув алоҳида тизим сифатида тобора кўпроқ тажриба алмашиш соҳаси, реклама, ишлаб чиқариш вазифаларини тезкор ҳал қилиш воситаси бўлиб бормоқда. Бунга эса бошқарувни профессионаллаштириш, бизнес ва тадбиркорлик мактаблари ҳамда маслаҳат марказларининг очилиши сабаб бўлмоқда. Маъмурий-буйруқбозлик тизими борган сари ҳўжалик юритишнинг иқтисодий усуллари асосланган бошқарув тизимига ўрнини бўшатиб бормоқда.


Бошқарувга ёндашишдаги замонавий усулларнинг муҳим аҳамияти инсон омилини фаоллаштириш, ўз-ўзини бошқариш ва ташаббускорликни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи янги ташкилий тузилмаларни яратишда намоён бўлади. Маълумки, ўз корхонаси ёки цехида, ўз иш ёки хизмат жойининг “хўжайини” бўлмай туриб иқтисодиётнинг ҳар томонлама ривожланишини талаб қилиб бўлмайди. Инсоният ҳаётида шу нарса исботлаб берилганки, моддий тўкин-сочинлик ўзидан-ўзи пайдо бўлмайди, уни меҳнат фаолияти ва оқилона бошқарув ёрдамида юзага келтириш мумкин. Бу ҳолатни аниқ тушуниш ва унга тўғри баҳо бериш замонавий менеджментни бошқарув тўғрисидаги фан сифатида қабул қилишни асослаб беради.

Меҳнат тақсимои ва унинг ижтимоий тавсифини кучайтиришда бошқарувни, мустақил фаолият шаклида алоҳида ажратиш кўрсатиш мумкин. Бундан корхоналар ва иқтисодиёт микёсида махсус бошқарув тизимларининг вужудга келиши ва фаолият юритишига объектив зарурият келиб чиқади. Бундай тизим ўзининг горизонтал ва вертикал алоқалари билан бирга фан-техника тараққиёти ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши, шунингдек, сиёсий қайфиятлар ва ишлаб чиқариш муносабатларидаги ўзгаришлар таъсири остида доимий ҳаракатда ва янгиланишда бўлади. Шу сабабли, бошқарувни баҳолаш ва таҳлил қилиш жараёнида, биз иқтисодиёт ривожланишининг ҳар бир тарихий босқичида шаклланувчи бошқарув тизимини ўрганамиз.

Бошқарув тизими деганда нимани тушуниш лозим? Агар жамиятнинг бутун иқтисодий тизимини оладиган бўлсак, унинг таркибига кирувчи қўллаб кичик тизимларни - тармоқлар, корхоналар, бирлашмалар ва ҳоказоларни кўришимиз мумкин. Уларнинг ҳар бирини икки жиҳатидан: мустақил фаолият юритиш нуқтаи назаридан ёки бутун бирлиқнинг таркибий қисми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Масалан, корхона (фирма) мустақил бошқарув тизими ёки тармоқнинг (ишлаб чиқаришнинг) бўлинмаси, бўғини сифатида фаолият юритиши мумкин. Бунга боғлиқ бўлган ҳолда бошқарувнинг ташкилий тузилмаси, унинг вазифалари ва функциялари шакллантирилади.

Амалиётда шу нарса исбот қилинганки, бошқарувнинг жуда ҳам йирик ташкилий структураси бозор иқтисодиётида мақсадга мувофиқ бўлмайди. У қўтилган натижаларни бермасликдан ташқари, бошқарув қарорларини бажаришда муаммоларнинг юзага келишига, бошқарувнинг якуний мақсадини оралиқ вазифалар билан алмашиб кетиш хавфи кучайишига олиб келади.

Ўзаро алоқада ва маълум жиҳатдан бир-бирига бўйсинувчи бўлган бошқарув **объектлари** ва **субъектлари** фаолиятнинг алоҳида кўриниши сифатида бошқарувнинг муҳим элементлари ҳисобланади. Бу алоқани қуйидаги тарзда чизма ёрдамида кўрсатиш мумкин:



4.1.-чизма. Бошқарув объекти ва субъектининг ўзаро алоқаси.

Корхонада бошқарувнинг таъсири **бошқарув объектига** йўналтирилган бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш жараёнлари, ишлаб чиқариш ускуналарини эксплуатация қилиш, турли микёсдаги меҳнат кооперацияси ва ҳоказолар **бошқарув объекти** бўлиши мумкин. **Бошқарув субъекти** эса қондага кўра, **корхона раҳбари** ёки бошқарув объектларини мақсадли равишда бошқаришни амалга оширувчи **хизмат**

рахбарларидир. Агар юқорида келтирилган мисолга қайтадиган бўлсак, оркестр, бу – бошқарув объекти, дирижер эса, бошқарув субъектидир.

Бошқарув объектлари ва субъектлари доимо ўзаро алоқада бўлиб, бунда асосий ўрин бошқарув объектига, яъни бошқарувчи тизимга ажратилади. Бошқарув объектининг мазмуни, унда юз бераётган ўзгаришлар бошқарув субъекти вазифалари ва ҳаракатларини белгилаб беради. Бу эса бошқарув шакллари ва усулларини мукаммаллаштиришда акс этади. Албатта, бу бошқарув субъектларининг пассивлигини англамайди, аксинча, бошқарув тизимининг бўлимлари шу бошқарув тизимининг энг фаол қисмини ташкил этади ва тавсифлайди. Айнан бошқарув субъекти ишлаб чиқариш ресурслари ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш сиёсатини белгилайди, ишлаб чиқариш воситаларининг ишчи кучи билан бирлашувига қўмаклашади. Яъни корхонанинг **нима, қачон, қаерда, кимга ишлаб чиқариш** билан боғлиқ бўлган сиёсати, биринчи ўринда бошқарув субъекти томонидан ҳал қилинади. Шу сабабли, бошқарув объектлари ва субъектлари орасидаги алоқа, жумладан, уларнинг ички ташкил қилиниши қанчалик мустақкам бўлса, бир хил шароитларда ишлаб чиқариш ҳамда бошқарув тизимининг самарадорлиги шунчалик юқори бўлади.

Бошқарув фаолияти - бошқарувчи шахс ёки орган томонидан бошқарув амалларини бевосита ва билвосита командалар (буйруқ, тавсия ва кўрсатмалар) шаклида ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Бошқарув амаллари ишлаб чиқариш жараёнининг якунланиши учун моддий шарт-шароит вазифасини бажаради. Айтиш мумкинки, бошқарув амаллари бошқарув фаолияти ва натижалари ўртасидаги боғловчи бўғин бўлиб хизмат қилади.

Фаолиятнинг ушбу тури аҳамияти, айнан бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида корхонанинг жорий ва истиқболдаги сиёсати шаклланишида намоён бўлади. Шу жиҳатдан кадрларни тўғри танлаш ва жойлаштириш, уларнинг малакаси, ўзларига юклатилган вазифаларни тўғри тушунишлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Амалиёт шунини кўрсатадики, ҳозирги бошқарувчилар учун яхши муҳандис, технолог, конструктор бўлишнинг ўзига камлик қилиб, ишлаб чиқариш иқтисодиёти, бизнес-стратегия, маркетинг, хўжалик ҳуқуқи ва шу қабиларни билиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фақат ушбу билимлар мажмуасига ва бой меҳнат тажрибасига эга бўлган тақдирдагина бошқарувчилар бозор иқтисодиёти вазифаларини муваффақиятли равишда бажаришлари мумкин.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, бошқарув фаолияти бошқарув аппарати (органи) тушунчасига қараганда кенг талқин қилинади. Бошқарув фаолияти таркибига жамоатчилик ташкилотларидаги фаолият, иш жойларида ижодий ташаббускорликнинг юзага келиши ҳамда ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг таклиф ва маслаҳатларини ҳам киритиш мумкин. Бу эса бошқарув фаолиятини, **бевосита бошқарув** (корхона бошқарув аппаратининг фаолияти) ва **ўзини-ўзи бошқариш** (бошқарув фаолиятининг жамоатчилик шакли) турларига ажратилган ҳолда таснифлаш имконини яратади. Фаолиятнинг иккала тури ҳам амалда биргаликда юритилиб, уларнинг ўзаро алоқалари ишлаб чиқаришни бошқаришнинг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ишлаб чиқаришнинг, жумладан, бошқарув фаолиятининг ўзининг самарадорлигини оширишда, ишлаб чиқаришнинг аллоҳида элементлари ва бўғинлари ўртасида юзага келувчи **бошқарув муносабатлари** муҳим ўрин эгаллайди. Бу ерда бошқарув органи (субъекти) ёки бошқарувчи шахс томонидан бошқарилув органига нисбатан таъсир кўрсатишнинг ўзига камлик қилади. Бошқарилаётган объектдан бошқарув объектига жавоб тариқасида тесқари алоқа ҳам бўлиши зарур. Агар бунда тесқари алоқа бўлмаса ёки бошқарув органи томонидан қабул қилинмаса, бошқарилаётган объект назорат остидан чиқиши ҳамда бошқарилмайдиган объектга айланиши мумкин.

Бу вазифа амалда бошқарувнинг ҳар бир элементи ёки бўғини томонидан маълум бир вазифани бажаришни кўзда тутувчи бир-бирига бўйсинувчанлик тизими ёрдамида бажарилади. Яъни гап корхона директори, бош муҳандиси ва бошқалардан, то цех

бошлиқлари ва бошқа ишлаб чиқариш бўлинмаларининг бошлиқларига - корхонанинг бошқарувчилари ёки махсус хизматларига юклатилувчи функционал вазифалар ҳақида бормоқда. Муносабатларнинг бундай қўринишдаги бир-бирига бўйсинувчанлиги бошқарув тизимининг самарали тарзда фаолият юритиши учун муҳим шарт ҳисобланади.

Шу тариқа, **бошқарув тизими** ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш ва корхонанинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлашда муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир пайтда ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсиш суръати, қабул қилинган ёки амалга оширилаётган бошқарув тизими прогрессивлигининг ўлчови хизматини ҳам ўтайди. Бундан келиб чиққан ҳолда, қўйилган мақсадга қисқа муддатда ва ишлаб чиқариш ресурсларидан унумли фойдаланган ҳолда яқинлашиш даражасини корхонани бошқариш самарадорлигининг бевосита мезони сифатида қўрсатиш мумкин. Бугунги бозор муносабатлари шароитида бошқарув тизими биринчи ўринда корхонанинг барқарорлигини таъминлаши, ҳўжалик таваккалчилигини камайтириши, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қўмаклашиши зарур. Шунингдек, у ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасига қизиқиш даражаси ортишига, ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар ва йўқотишларга йўл қўймасликка ҳамда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Корхона ёпик тизим бўлмаганлиги сабабли, бошқарув тизимида корхонада юзага келувчи ички муҳитдан ташқари, ташқи муҳит, аввало, аҳолининг турмуш тарзи, жамият қурилмаси, давлат сиёсати ва ҳоказолар таъсир қўрсатиши мумкин. Бироқ ҳар қандай ҳолда ҳам бошқарув тизими, ҳўжалик ҳаётининг замонавий талаблари ва корхонанинг рақобатчилик муҳитидаги барқарорлигига жавоб бериши лозим.

4.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонани бошқаришнинг тамойиллари, мақсад ва вазифалари

Корхонани бошқаришда самарадорликка эришиш учун, аввало, бошқарувнинг мақсадлари, шунингдек, воситалари ва унга эришиш усулларини аниқ белгилаб олиш зарур. Шу билан бир пайтда бошқарув мақсадлари тушунарли бўлишдан ташқари, улар барча бажарувчилар томонидан амалга оширилишига ҳам эътибор бериш лозим. Тўғри қўйилган мақсад корхона раҳбарининг, шунингдек, бутун жамоа ва ҳар бир ходимнинг манфаатларини ифодалайди. Бундай натижага мақсад корхонанинг жорий ва истикболдаги ривожланиши бўйича вазифалар мажмуасининг бир бўлагига айланган ҳолда эришиш мумкин. Бундай ёндашув, ишлаб чиқариш мақсадининг ишлаб чиқаришни бошқариш билан мослашувини таъминловчи энг қисқа йўлга олиб келади. Бундай мослашув эса, бошқарувнинг ҳам тизим сифатида, ҳам алоҳида фаолият тури сифатида мақсадга мувофиқлигидан дарак беради.

Деярли ҳар бир корхонанинг мақсад ва вазифалари бугунги кунда “Корхоналар тўғрисида”ги қонунда белгилаб берилган ва шу қонун асосида тартибга солиб турилади. Юқори сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларни энг кам харажатлар асосида ишлаб чиқариш энг кўп даромад олишни таъминлаб, инкирозга учрашдан сақлайди ҳамда ҳар бир корхонанинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бошқарувнинг барча вазифалари ушбу мақсад амалга ошишига хизмат қилиши лозим. Бошқарувнинг самарадорлигига кўп жиҳатдан корхона олдида қўйилган мақсадлар ва бажарилувчи вазифаларнинг ўзаро муносабатлари ёрдамида эришилади.

Корхонани **бошқаришнинг мақсадларини** қуйидаги турларга бўлиб таснифлашимиз мумкин:


- амалга ошириш муддатига кўра - жорий ва истикболли;
- аҳамият даражасига кўра - асосий (стратегик) ва иккинчи даражали (тактик);
- бошқарув объектига муносабатига кўра - хусусий ва умумий;
- натижага эришиш даражасига кўра - якуний ва оралик ёки босқичли.

Бошқарув жараёнида жорий мақсадларни истикболдаги мақсадларга, хусусий мақсадларни умумий мақсадларга, оралик мақсадларни якуний мақсадларга мос қилиши

ва бўйсинишини таъминлаш зарур. Асосий мақсадларни амалга оширишга кўпроқ эътибор қаратиш керак. Корхона ёки унга тенглаштирилган хўжалик субъектларини бошқариш фаолияти тўлалигича шу вазифаларни бажаришга қаратилиши лозим. Асосий мақсадни иккинчи даражали вазифалардан ажрата олиш қобилияти, замонавий менежерларнинг энг муҳим профессионал кўрсаткичларидан биридир.

Бошқарув жараёни асосан даврий (циклик) характерга эга бўлади. У мақсад ва вазифаларни белгилаш билан бошланиб, уларни бажариш, яъни муайян бир натижаларга эришиш билан тугалланади. Натижалар тўғрисида (мақсадга эришиш даражаси) олинган ахборотлар асосида янги вазифалар белгиланади ва бошқарув цикли қайтадан бошланади. Бундай циклларнинг сони бир нечта бўлиб, улар биринчи ўринда бошқарув объектининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа кўрсаткичлар билан ифодаланади.

Амалиётда турли хил сабабларга кўра, ишлаб чиқариш белгиланган параметрлардан четга огиши, бошқарув эса қўйилган мақсадга эришмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда оператив тартибга солиш йўли билан четга огишлар олиб ташланади ва ишлаб чиқариш жараёнининг меъёрий тарзда фаолият юритиши таъминланади. Умуман олганда, бошқарув циклини - мақсад ва вазифаларни белгилашдан то натижаларга эришишгача қуйидаги чизма шаклида кўрсатиш мумкин (4.2.-расм)



4.2.-чизма. Бошқарув цикли

Корхонани бошқаришнинг самарадорлиги, мақсадларни шакллантириш ва амалга оширишга қанчалик кам вақт сарфланса, шунчалик юқори бўлади. Бунга корхона раҳбари (менеждери) ва бошқарув функцияларини бажаришга масъул бўлган бошқа шахсларнинг тажрибаси ва малакасидан ташқари, бошқарув амалиёти ва иш тартибига сарфланувчи вақтнинг қисқартирилиши, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, бошқарув қарорларини қабул қилиш ва амалга оширишни оқилона ташкил қилиш бўйича ташкилий-техникавий чора-тадбирлар мажмуасини қўллаш ҳисобига эришилади.

Ижобий натижага эришишга қаратилган қарорни тўғри қабул қилиш учун бу қарорни қабул қилиш оқибатида юзага келиши мумкин бўлган натижаларни олдиндан кўра билиш, ривожланиш истикболларининг турли вариантларига тўғри баҳо бериш зарур. Бу эса корхонани бошқаришнинг асосий стратегик вазифаларини белгилаб беради. Улар қаторига нафақат максимал даромад олишни, балки ишлаб чиқаришни қайта таъмирлаш

ва модернизациялаштириш, истеъмолчилар талабига жавоб берувчи замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқариш, фаолият йўналишларини бугунги кун ва келажакдаги истиқболларини эътиборга олиб белгилаш ҳам киритилади. Санаб ўтилганларнинг охиригиси ўз навбатида ижодий ёндашувни ва бошқарув қарорларининг янги йўналишларини излашни талаб қилади.

Бошқарув қарори - бошқарув фаолияти технологиясидаги муҳим бўғиндир. Бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш кўп жиҳатдан қарорларнинг тўғри қабул қилинишига боғлиқ бўлади. Бошқарув қарори бир томондан асосан корхонанинг раҳбарлари томонидан амалга оширилувчи мантикий-фикрий фаолият бўлса, иккинчи томондан, эмоционал-психологик хатти-ҳаракатдир. У инсоннинг бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида тўплаган тажрибаси, билими ва фикрлаш доирасининг чуқурлигига боғлиқ бўлади.

Бошқарув қарорлари қуйидаги белгилар бўйича таснифланади:

- *компетентлик ва масъулият бўйича* - яқка тарзда ёки коллегиял (*жамоа*) бошқарув қарорлари;

- *мазмун бўйича* - илмий-техник, иқтисодий, ташкилий, ижтимоий бошқарув қарорлари;

- *характери бўйича* - оператив-тақсимловчи, хўжалик-рахбарлик ва меъёрий бошқарув қарорлари;

- *таъсир кўрсатиш даражаси бўйича* - бир ва кўп даражали бошқарув қарорлари;

- *таъсир кўрсатиш йўналиши бўйича* - ички ва ташқи;

- *таъсир кўрсатиш миқёси бўйича* - хусусий ва умумий (мажмуавий);

- *таъсир кўрсатиш даври бўйича* - бир марталик ва кўп марталик.

Бошқарув қарорлари амалга ошириш имкониятлари, ўз вақтида амалга ошириш, аниқлик, қонунийлик ва шу қаби талабларга жавоб бериши лозим. Бажариш жараёнида энг кам ўзгартириш ва тузатишларга учрайдиган қарор энг яхши қарор ҳисобланади. Амалиёт шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда кўплаб корхоналарнинг раҳбарлари бошқарув фаолияти жараёнида тўғри қарор қабул қилиш учун етарли билим ва тажрибаларга эга.

Маълумки, бошқарув қарорлари ишлаб чиқариш воситаларига қараганда, кўпроқ муайян шахсларга йўналтирилган бўлади. Шу сабабли бошқарув ва бошқарув қарорлари - биринчи ўринда ишлаб чиқариш жараёнида одамлар ўртасида юзага келувчи муносабатлардир. Бу ерда ўз ваколатлари доирасида бошқарув қарорини қабул қилувчи шахс ёки бошқарув идорасининг қандай тамойилларга таяниб иш кўриши муҳим аҳамиятга эга.

Тамойил - махсус категория бўлиб, алоҳида шахс ёки жамоа қарор қабул қилишда унга таянади. Тамойил фақат инсонгагина хосдир. Машиналар ва жониворлар бирон-бир тамойилга эга бўлмайди. Маълум бир тамойиллардан келиб чиққан ҳолда айнан инсон ўзини ўраб турган дунё билан муносабатларини яратади (уй, кўприк куради, кемасозлик ва ҳоказоларни амалга оширади).

Корхонадаги бошқарув фаолияти шунингдек, маълум бир тамойиллар асосида амалга оширилади. Бу тамойиллар биринчидан, ишлаб чиқариш қатнашчилари орасидаги келишувларни ўрнатса, иккинчидан, юзага келиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олади ҳамда бошқарув меҳнатининг самарадорлигини оширади.

Замонавий фан ва менежмент амалиёти корхоналарни бошқаришнинг қуйидаги тамойилларини энг асосийлари сифатида қабул қилади:

- 1) илмийлик;
- 2) тизимлилик ва комплекслик;
- 3) яқка бошқарув ва коллегияллик;
- 4) тартиб ва адолат;
- 5) ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш;
- 6) тежамкорлик ва самарадорлик;
- 7) ташаббускорлик ва корпоратив руҳият;

8) ваколат ва мажбурият.

Бошқарувнинг **илмийлик** тамойили ўзакларнинг ўзагидир. Амалда бу тамойил, аввало жамият ривожланишининг объектив қонунлари ва фан-техника ютуқларидан хабардор бўлишни талаб қилади. Унинг ёрдами билан ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг зарурий мутаносиблиги таъминланади, бошқарув қарорларидаги хатолар камайтирилади, оғирлик маркази энг катта сифат ва миқдор ютуқларига эришишга ўтказилади.

Илмийлик тамойили ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда иқтисодий-математик усуллардан кенг фойдаланиш, бошқарувнинг мақсадли-дастурий усулларини амалга киритиш, замонавий электрон-ҳисоблаш техникаси ва бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларидан фойдаланишни кўзда тутати.

Тизимлилик ва комплекслилик тамойили илмийлик тамойилининг давоми бўлиш билан бирга, ўзининг мустақил аҳамиятига ҳам эга. У бошқарилаётган тизимнинг вертикал ва горизонтал йўналишлари бўйича барча хусусиятларини қамраб олишни кўзда тутати. Тизимлилик ва комплекслилик тамойили бошқарув усулларининг тарқокликдаги тамойилларига ҳамда бир дақиқалик фойда ва эҳтирос туфайли юзага келувчи қарорларга қарши қўйилади. У ишлаб чиқаришнинг бир маромда амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади, ишлаб чиқариш учун қулай шароит яратати.

Якка бошқарув ва коллегиаллик қорхонани бошқаришнинг муҳим тамойилларидан биридир. Бу тамойил, айниқса, акционерлик шароитларида фаолият юритувчи қорхоналарда аниқ кўзга кўринади.

Якка бошқарув ҳар бир хўжалик раҳбари ўз ваколати доирасидаги масалаларни ҳал қилишда қонун томонидан берилган ҳуқуқларга асосан бир ўзи (якка тарзда) қарор қабул қилишини ҳамда қорхона фаолияти учун шахсан жавобгарлигини англатади. Бундан ташқари, якка бошқарув ходим буйруқларни фақат битта бевосита (тўғридан-тўғри) бошлиқдан олиши мумкин ёки шарт бўлган ҳолларни ҳам англатади.

Коллегиаллик қорхона жамоасининг ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишдаги фаол иштирокида ифодаланади. Маълум бир маънода, айниқса, бошқарувнинг ирода билан боғлиқ бўлган усулларида коллегиаллик якка бошқарув қарама-қаршилиқни англатади. Бозор иқтисодиёти шароитларида ушбу тамойилнинг имкониятлари сезиларли равишда кенгайтирилган.

Тартиб ва адолат – бу, бошқарувнинг ҳар бир қадамда ўзини эслатиб турувчи тамойилидир. Кўп ҳолларда айнан шу тамойилга кўра қорхона ва унинг раҳбарига тавсифнома берилади. Қорхона раҳбари қанчалик билимли ва тажрибали, унинг касб маҳорати ва маданияти қанчалик юқори бўлса ҳамда у жамоа тўғрисида қанчалик кўп қайғурса, тартиб ва адолат кўрсаткичлари шунчалик юқори бўлади. Қисқароқ қилиб айтганда, тартиб – бу, ҳар бир киши ва ҳамма нарса ўз жойида бўлишини, адолат эса раҳмдиллик ва одилликнинг уйғунлигини англатади. Бошқарувнинг тартиб ва адолат тамойили кадрлар тез-тез алмашишини олдининг олиб, қорхона обрўсининг ўсишига ҳамда бунга қорхона жамосини қизиқтиришга хизмат қилади.

Ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантириш тамойили меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим туртки ҳисобланади ва бошқарув тизимининг самарадорлигини акс эттиради. Ходимларнинг садоқати ва қўллаб-қувватлашига эришиш мақсадида улар ўз хизматлари учун, ишчилар эса бажарилган ишнинг сифати ва миқдори учун адолатли тарзда ҳақ олишлари зарур. Бундан ташқари, маънавий рағбатлантириш моддий рағбатлантиришдан кам аҳамиятга эга эмас. Раҳбарнинг иқтидори, ходим (ходимлар, ишчилар)нинг ташаббус ва ютуқларини ўз вақтида илғаб олиб, муносиб баҳолаш ҳамда уларни ҳам моддий ҳам маънавий рағбатлантириш тизимини моҳирона қўллашда кўзга ташланади.

Тежамкорлик ва самарадорлик тамойили – бу, қорхона бошқарувининг барча бўғинларида амалга оширилиши лозим бўлган тамойилдир. Бу тамойилнинг моҳияти моддий ва меҳнат ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, энг кам харажатлар билан энг кўп натижаларга эришиш, ишлаб чиқариш заҳираларидан тўлиқ фойдаланишда

ифодаланади. Бироқ бу тамойил истисно тариқасида қўлланмай, фақат корхона раҳбарининг эмас, балки бутун жамоа ва биринчи ўринда хом ашё ва материаллардан тайёр масулот яратувчи ишчиларнинг меҳнат қондасига айланган тақдирдагина ҳақиқий тасдиғини топади.

Ташаббускорлик ва корпоратив руҳият бошқарувнинг муҳим тамойили бўлиш билан бирга, корхонанинг бозор тизимида муваффақиятли фаолият юритишига туртки ҳамдир. Умуман олганда, бошқарув ташаббускорликсиз, истиқболни кўрмасдан, ижодий ёндашувсиз муваффақиятларга эришиши амримаҳолдир. Бошқарув ижодий негизни, ташаббускорликни корпоративлик билан боғлаган ҳолда бойитади.

Агар корпоратив руҳият ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи жамоа уйғунлигининг натижаси, иттифоқи бўлса, **ташаббускорлик** фаол ҳаракатларни англатиб, корхона жамоасига ва ҳар бир ходимга ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг турли хил дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўшимча куч-қувват бахш этади.

Ваколат ва мажбурият тамойили бошқарувнинг рационал, аниқ ва йўлга қўйилган ташкилий тизимини яратиш, лавозимларга оид йўриқнома ҳамда раҳбар ва мутахассисларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисидаги ҳужжатларни ишлаб чиқиш, бажарилган иш учун моддий жавобгарликни белгилаш, буйруқ ва кўрсатмаларни ўз вақтида тайёрлашни англатади. Ҳар бир лавозим эгаси - бўлим ёки хизмат бошлиғидан, то корхона раҳбаригача - бошқарув фаолиятидаги ўз ваколатларини яширмаслиги ва мажбуриятларини камайтирмаслиги - бошқаларнинг, яъни унга бўйсинувчи шахсларнинг зиммасига юкламаслиги лозим.

Юқорида кўрсатилган тамойиллар ҳам алоҳида, ҳам биргаликда бошқарув тизимининг ишончилигига ва корхона раҳбари ҳамда ҳар бир бошқарув тузилмасининг обрўсини ўстиришга хизмат қилиши лозим. Бундан ташқари, улар доимий равишда мукаммаллаштириб борилиши ҳамда замон руҳи ва ҳўжалик юритиш механизми талабларига жавоб берувчи янги тамойиллар билан тўлдирилиши зарур. Бу эса бошқарув тизими ва жараёнларининг янги шакл ва усулларини ривожлантиришга имкон яратади.

4.3. Бошқарувнинг ташкилий тузилмалари ва функциялари

Ташкилий тузилма деганда корхона бошқаруви функцияларини бажарувчи турли хил бўлим, хизмат ва бўлинмалар таркиби, ўзаро муносабатлари ва бир-бирига бўйсинишини тушуниш лозим. Ташкилий тузилма бошқарувнинг тизим ва алоҳида фаолият тури сифатидаги бир бутунлигини ифодалайди. У бошқарув органларининг маълум бир тартибини, ҳокимият ва бўйсиниш алоқаларини, вертикал ва горизонтал меҳнат тақсимотининг интеграциялашувини этади.

Бошқарув тузилмаси динамик тарзда бўлади. У ишлаб чиқариш кучлари ва муносабатларининг ривожланиши, бошқарув объектларининг қарама-қаршиликлари ва қонуниятлари ҳақидаги билимларимиз даражасининг ўсишига боғлиқ ҳолда ўзгариб боради. Бошқарувнинг ташкилий тузилмасига корхонанинг ҳажми, унинг ихтисослашуви ва кооперация алоқалари, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, жойлашган ҳудуди каби омиллар катта таъсир кўрсатади.

Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмаси билан алоқада ва кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлади. Корхона қанчалик катта, ишлаб чиқариш ва унда фойдаланувчи меҳнат қуроллари ва технологиялар қанчалик мураккаб бўлса, бошқарувнинг ишлаб чиқариш ва ташкилий тузилмаси, шунингдек, корхона бошқарув аппаратурининг функциялари шунчалик мураккаблашади.

Бошқарув элементлари ва бўғинлари ўртасидаги алоқаларнинг шакли, тузилмавий бўлинмаларнинг мослашувчанлиги ва бир-бирига бўйсинувчанлигига кўра, бошқарувнинг қуйидаги ташкилий тузилмалари мавжуд:

- чизиқли;
- функционал;

- аралаш (чизикли-функционал);

Ишлаб	чиқариш	бўлинмасидаги	Ишлаб	чиқариш	бўлинмасидаги
бажарувчилар			бажарувчилар		

- матрицали.

Чизикли тузилма бошқарув тузилмасининг энг кўп тарқалган тури бўлиб, унга кўра бошқарувнинг ҳар бир бўғини ўзидан юқори турувчи фақат битта бошқармага эга бўлади ва барча масалалар битта алоқа канали орқали ҳал этилади. Бундай тузилмада бошқарув бўғинлари тизими тўлалигича ишлаб чиқариш бўғинлари тизими билан мос тушади. Ҳар бир ишлаб чиқариш жамоаси тепасида раҳбар туради ва корхона ходимлари унга бевосита бўйсинадилар. Барча бошқарув функциялари раҳбар қўлида мужассамланади.

Бошқарувнинг чизикли тузилмаси ҳал қилинаётган масалалар қўлами унчалик катта бўлмаганида самаралироқ бўлади. Шу сабабли бундай тузилмадан асосан цех, ишлаб чиқариш участкалари ва кичик корхоналарни бошқаришда фойдаланилади. Бундай тузилманинг қуйидаги афзалликлари мавжуд:


- бошқарувнинг ҳар бир бўғини учун раҳбар тайинлашнинг нисбатан осонлиги
- бошқарув қарорларини тайёрлаш ва бажаришнинг тезкор (оператив) амалга оширилиши
- бошқарув функцияларини бажаришнинг нисбатан осонлиги.

Бироқ бошқарувнинг бу тизимида бир қанча камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг асосийлари горизонтал алоқаларнинг тарқоқлиги, бошқарувдаги ҳаддан ташқари қаттиқлик ва ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси шароитларидаги чекланган имкониятларида намоён бўлади.

Бошқарувнинг чизикли тизими қуйидаги ҳолларда қўлланади:

- ходимлар сони 300-500 кишини ташкил қилувчи ҳамда предметли ва технологик ихтисослашув даражаси юқори корхоналарда (металлга ишлов бериш, ярим тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш, йиғиш, бир турдаги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо);
- маҳаллий саноат корхоналарида (масалан, ёғочни қайта ишлаш, маҳаллий хом ашёдан маҳсулот тайёрлаш ва ҳоказо).

Бошқарувнинг мазкур структураси тавсифистикасини қуйидаги схема шаклида кўрсатиш мумкин:




4.3.-чизма. Корхона бошқарувининг чизиқли ташкил этиш тузилмаси

Бошқарувнинг функционал тузилмаси учун бошқарув ва объект функциялари бўйича бошқарув ячейкалари яратиш тавсифлидир. Бу ячейкалар бажарилиши шарт бўлган қарорларни бошқарувнинг қуйи поғонасига ёки бевосита ишлаб чиқариш бўғинларига етказиб беради. Демак, бошқарув функциялар бўйича тақсимланади ва функционал бўғинлар томонидан амалга оширилади, улар томонидан тайёрланувчи бошқарув қарорлари эса бажарувчиларга кесишувчан алоқа каналлари бўйича етказилади. Бошқарувнинг функционал тузилмасига мисол қилиб бош мутахассисларнинг, яъни бош иқтисодчи, бош механик, бош технолог, бош металлург, бош конструктор хизматлари(бўлимлари, гуруҳлари), шунингдек, корхона бош бухгалтериясини кўрсатиш мумкин.

Бошқарувнинг функционал тузилмаси амалда чизиқли тузилма билан кесишиб ўтади. Бундай синтез чизиқли ёки функционал тузилмага қараганда **бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмасини** самаралироқ бўлиши ва кенг тарқалишига сабаб бўлади. Бу ҳолда бошқарув ҳам чизиқли, ҳам функционал раҳбарлар томонидан амалга оширилади.

Бошқарувнинг функционал структурасини қуйидаги чизма орқали акс эттириш мумкин:




Бошқарувнинг ушбу тузилмаси афзалликлари қуйидагилар:

- бошқарув фаолиятини ихтисослаштириш даражасининг юқорилиги;
- бошқарув фаолиятининг деярли барча соҳаларини ваколат доирасида камраб олиш;
- ишлаб чиқариш диверсификациясининг турли талаб ва шарт-шароитларига мослашиш имкониятлари;
- бошқарув хизматлари ёки бўлимларига ходимлар танлашнинг нисбатан осонлиги.

Унинг камчиликлари қаторига эса қуйидагиларни киритиш мумкин:

- яккаҳокимлик тамойилининг бузилиши;

- келишилган бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бажариш ҳамда уларнинг комплекслигини таъминлаш қийинлиги;
- бошқарувнинг юқори поғоналари учун раҳбар танлашнинг мураккаблиги.



Шартли белгилар:

- чизиқли раҳбарият муносабатлари
 - - - - - функционал муносабатлар

4.6 -чизма. Бошқарувнинг чизиқли-функционал тузилмаси

Чизиқли-штабли тузилма бошқарув аралаш тузилмасининг бир қўриниши бўлиб, унга чизиқли структура асос қилиб олинган. Бошқарувнинг ҳар бир бўғинида штаблар тузилиб, унинг таркибига муаммоларни ечиш учун малакали мутахассислар таклиф этилади. Масалан, штабли тузилмалар табиий офат, ҳалокат ва кулфатларнинг оқибатларини бартараф қилиш, янги маҳсулот ёки технологияни ўзлаштириш, тўсатдан юзага келган, одатий бўлмаган вазифаларни ечишда тузилиши мумкин. Бундай ҳолларда бошқарув штабига раҳбарларнинг ваколатларидан кам бўлмаган ҳақ-хуқуқлар, ваколатлар берилади.

Бошқарувнинг матрицали тузилмалари турли хил бўлиб, уларнинг барчаси битта тамойилда - ишлаб чиқаришни вертикал ва горизонтал бошқаришда бошқарув функцияларини ташкилий тузилмалар ўртасида қайта тақсимлаш асосида яратилган. Бу тузилмалар илмий тадқиқот институтлари, конструкторлик бюрolari, технологик бюрolar, шунингдек, илмий-тадқиқот ва конструкторлик изланишлари олиб бориловчи йирик корхоналарда кенг қўлланилади.

Бошқарувнинг матрицали тузилмалари раҳбарлардан жуда юқори бошқарув ваколатини талаб қилади. Бундай тузилмадан фойдаланганда юзага келувчи муаммо ва

вазифаларни ечиш учун вақтинчалик ижодий гуруҳларни тузиш мумкин. Тўғри, бунинг учун жамоа олдида юзага келувчи лойиҳа топшириқларни бажариш учун қўшимча харажатлар талаб қилиниши мумкин.

Бошқарувнинг исталган ташкилий тузилмасини лойиҳалаштиришда ҳамда амалиётда қўллашда тезкорлик, оптималлик, ишончлилиқ ва тежамкорлик каби асосий талабларга жавоб бера олишига эътибор қаратилиш лозим. Бу талаблар қанчалиқ тўлиқ ва яхши бажарилса, корхонани бошқариш тизимининг сифат кўрсаткичлари шунчалиқ юқори бўлади.

Амалиёт шунини кўрсатадики, бошқарув объекти ва бошқарувчи тизим (бошқарув аппарати) ўртасида, бошқарув функциялари ёрдамида тартибга солинувчи маълум бир муносабатлар юзага келади.

Бошқарув функциялари объектив жиҳатдан зарур ва албатта қайтарилувчи хатти-ҳаракатлар мажмуаси бўлиб, мазмуни ва йўналиш мақсадларининг бир хиллиги туфайли бирлашиб туради. Бошқарув функциялари бутун бошқарув жараёни давомида узлуксиз тарзда амалга оширилади ҳамда бошқарув қарорларини қабул қилиш ва бажаришнинг турли босқичларида турли хил салмоққа эга бўлади.

Амалдаги таснифга асосан бошқарувнинг қуйидаги функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. *Режалаштириш* – ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва корхонанинг гуллаб-яшнаши учун ишлаб чиқариш мақсадларини белгилаш ва унинг натижаларига эришиш.

2. *Истиқболни белгилаш (прогноزلаштириш)* – жорий фаолиятни самарали тарзда олиб бориш ҳамда истиқболни кўра олиш ва бошқарув тизимини истиқболга мослаштириш. Режалаштиришдан фарқли равишда прогноزلаштириш эҳтимоллик тавсифига эга бўлади.


3. *Тартибга солиш* – ишлаб чиқаришни, жамоани бошқаришда белгиланган кўрсаткичлардан четга оғишларни тўғрилаб бориш.

4. *Ташиқлаштириш* – куч-қувват ва воситаларни ишлаб чиқариш дастурини минимал харажатлар асосида ва бу харажатларнинг юқори самарадорлиги орқали амалга оширишга йўналтириш, амалдаги ташкилотчилиқ тизимини янги ютуқларга эришиш ва янги вазифаларни бажаришга йўналтириш.

5. *Назорат* – жорий кўрсаткичларнинг белгиланган (дастурий) вазифа(норма)ларга мос келиш даражасини аниқлаш.

6. *Ҳисобга олиш* – корхонанинг маълум бир вақт давомида бажарган ишларига яқун яшаш.

7. *Таҳлил* – маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ҳамда улардан бошқарувни асослаш ва бошқа вазифалари учун фойдаланиш.



4.6.-чизма. Бошқарувнинг матрицали тузилмаси

Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, бошқарув функциялари ўртасида қатъий чегара йўқ. Бошқарув фаолиятининг битта тури бошқарувнинг бир нечта функциялари белгиларига эга бўлиши ва улар ўзаро чамбарчас боғланиб кетиши мумкин. Шу билан бирга ҳар бир функция ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, уларни билиш раҳбарнинг профессионал маҳорати шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

4.4. Корхонани бошқаришни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари

Ишлаб чиқаришни бошқариш тизимини такомиллаштириб бориш мулкчилик шакли, фаолият натижаси ва юзага келган ташкилий тузилманинг қандайлигидан қатъи назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади. Ушбу вазифани муваффақиятли ҳал қилиш корхоналарга, биринчи ўринда, бошқарув тизимининг самарадорлигини оширишга, иккинчидан, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга имкон яратади.

Бугунги кунда бошқарув тизимини мукамаллаштириш соҳасида қуйидаги тенденциялар юзага келмоқда: бошқарув фаолиятининг мақсадли тавсифини кучайтириш; бошқарувнинг мослашувчан тузилмаларини яратиш ва бошқарув аппаратининг фаолиятини яхшилаш, жумладан, ортикча бошқарув бўғинларини қисқартириш ҳисобига; ишлаб чиқаришни бошқаришда жамоалар ролининг ўсиши ва уларнинг юқори натижаларга эришишга йўналтирилиганлиги; меҳнат фаолияти ижтимоий шароитларининг яхшиланиши. Бу тенденцияларга асосан корхоналарнинг бошқарув органлари тузилмаларини такомиллаштириш йўналишлари ҳам аниқланиб, уларга аввало сифат кўрсаткичлари асос қилиб олинган. Бу кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

Оптималлик – тузилма бўлинмалари ўртасида энг кам бошқарув бўғинларига эга бўлган ҳолда ўзаро алоқаларни рационал тарзда ўрнатишдир. Шу сабабли кўп бўғинлилиқни қисқартириш бошқарув тизимини такомиллаштириш олдига қўйилувчи асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Тезкорлик (оперативлик) – барча функционал бўлинмаларнинг, зарур ҳолларда ишлаб чиқариш бўлинмаларининг, бошқарув қарорлари ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун ўзаро алоқалар аниқлик билан олиб борилиши.

Ишончлилик – ахборотларни ўз вақтида олиш ва бошқарув қарорларини бажарувчиларга ва бажариш жойларига ўз вақтида етказишни таъминлайди. Ишончлилик ва тезкорлик жорий ва истикболдаги бошқарув тизимининг самарадорлигида муҳим туртки ҳисобланади.

Тежамкорлик – бу, асосан бошқарув тизимида максимал самарага эришган ҳолда бошқарув аппарати ва унинг харажатларини камайтиришга, яъни ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўсишига эришишдир.

Айтиб ўтиш керакки, корхона жамоаси ва ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш соҳасида барча учун бир хил йўл мавжуд эмас.

Мазкур вазифа муайян шароит, ҳолат ва имкониятлардан келиб чиққан ҳолда юзага келади ва ҳал қилинади. Бироқ бунда ҳам ўзгармас бир қоида мавжуд бўлиб, унга кўра, ҳар бир ўзгартириш, яхшиланиш ва шакл ўзгартиришлар аввалдан ўйлаб чиқилиши ҳамда илмий жиҳатдан асослаб берилиши зарур. Масалан, ҳозирги пайтда корхоналарни бошқаришни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида автоматлаштирилган бошқарув тизимини (АБТ) яратиш ва амалиётга киритиш ҳамда иш вақт йўқотилишининг олдини олиш, ускуналарнинг бекор туриб қолишини қисқартириш, меҳнат ва моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга қўмаклашувчи компьютер техникасидан фойдаланишни кўрсатиш мумкин.

Амалиётдан шу нарса маълумки, корхоналарни бошқаришнинг цехсиз тузилмаси юқори даражада самарали бўлиб, бошқарувни марказлаштиришни қисқартириш ҳамда кичик ва ўрта корхоналарнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантиришдаги аҳамиятини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири - корхонанинг функционал хизматлари ва бўлимлари фаолиятини ортикча тузилмавий бўлинмаларни тугатиш, хизмат кўрсатувчи бўлимларни оптималлаштириш, бирламчи ҳисобга олиш ҳамда ҳисоб-китоб ва бошқа бошқарув амалларини соддалаштириш йўли орқали мувофиқлаштиришдир.

Бу ерда ишлаб чиқаришни тезкор бошқаришнинг кўплаб функцияларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш имконини берувчи, бошқарувнинг янги техникасидан, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқори бўлган турли хил ҳисоб-китоб ва таҳлил воситаларидан фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Бошқарув тизимини такомиллаштиришда техник воситалар, бошқарув жараёнларини механизациялаштириш, жумладан, АБТ асосидаги фаолият, бошқарув тадқиқотлари ва лойиҳалари ўз-ўзидан ёки автоматик равишда керакли натижаларга олиб келмайди. Бу ерда кўп нарса инсонларнинг, айниқса, менеджерларнинг фаолиятига боғлиқ

бўлади. Шу сабабли ижтимоий омилларнинг ривожланиши, ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли кучайиши, айниқса, корхоналарга бошқаришнинг рационал шакллари танлашга кенг имкониятлар яратиб берилган ҳозирги пайтда муҳим аҳамиятга эга. Мустақилликни кенгайтириш ва ишлаб чиқариш жамоасининг ишлаб чиқаришни бошқаришдаги роли ўсиши иқтисодий фикрлашнинг керакли томонга йўналтирилишига хизмат қилади ҳамда бошқаришни яхшилашни корхона раҳбаридан ташқари бутун жамоанинг вазифаси қилиб белгилайди.

Замонавий техника воситалари ва янги усуллардан ташқари корхоналарни бошқаришда ишлаб чиқариш жамоаларида зарур бўлган **ижтимоий-психологик муҳитни** шакллантириш ҳам катта аҳамиятга эга. Амалиёт кўрсатадики, ижтимоий-психологик муҳит бошқарувнинг натижалари ва амалийлигини йўққа чиқариши ёки аксинча кучайтириши мумкин.

Психологик муҳит нодир ва қайтарилмас ҳолатдир. Иккита бир хил жамоа бўлмагани каби, бир-бирига мос келувчи психологик муҳитнинг ҳам мавжуд бўлиши мумкин эмас: жамоадаги ҳар бир шахс жамоани бойитади ва бир вақтда ўзи ҳам бойиб, унга нодирлик ва қайтарилмасликни бахш этади. Психологик муҳит орқали зарур бўлган ишлаб чиқариш руҳияти шаклланади ва бошқарувнинг мақсадли функциялари муваффақиятли амалга оширилади.

Қисқача хулоса

Хўжалик механизмининг мазмуни жамият иқтисодий ҳаётининг шаклига боғлиқ бўлади. Бозор муносабатларининг ривожланиши хўжалик юритишнинг янги шакл ва усуллари шаклланиши билан боғлиқдир. Ишлаб чиқаришни бошқаришни субъектлар ва органлар томонидан одамлар ва иқтисодий объектларга, ресурслардан иложи борица оқилона фойдаланиш ва энг кўп даромад олиш мақсадида, таъсир ўтказиш жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин.

Бошқарув тизими қуйидагилардан иборат бўлади: бошқарувнинг мақсад ва вазифаларини белгилаш, бошқарувнинг оптимал ташкилий -структурасини яратиш, ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, ахборот билан таъминлаш, ахборотга техник ишлов бериш воситалари, таҳлил, бошқарув қарорларини бажариш устидан назорат. Бошқарув режалаштириш, ташкиллаштириш, маркетинг, мувофиқлаштириш, меҳнат мотивацияси, назорат каби бир қатор функцияларни бажаради.

Қарор қабул қилиш тизими ва уни ўз қўл остидагиларга нисбатан қўллаш қобилияти бошқарув стилини ифодалайди.

Ташкилий, тақсимот ва ижтимоий-психологик усуллардан ташқари бозор шароитларида иқтисодий воситалар (кредитлар, даромад ва харажатлар, фойда, солиқлар ва ҳоказо) ҳам кенг тарқалмоқда.

Замонавий ишлаб чиқариш корхонаси мураккаб, динамик тизим бўлиб, унинг муваффақиятли фаолият юритишига корхонадаги ишчидан та раҳбаргача бўлган барча бўғинлар фаолиятини ҳисобга олувчи бошқарувнинг ташкилий тузилмаларини яратиш орқали эришилади. Бошқарувнинг ташкилий тузилмаси бошқарилаётган объектларнинг функционал вазифаларига ва миқёсига мос келиши лозим.

Таянч иборалар

Бошқарув, меҳнат тақсимои, бошқарув тизими, бошқарув объекти, бошқарув субъекти, корхона раҳбари, хизмат раҳбарлари, бошқарув фаолияти, бевосита бошқарув, ўзини-ўзи бошқариш, бошқарув муносабатлари, бошқаришнинг мақсадлари, бошқарув цикли, бошқарув қарори, тамойил, ташкилий тузилма, чизикли тузилма, бошқарувнинг функционал тузилмаси, бошқарувнинг

матрицали тузилмалари, бошқарув функциялари, оптималлик, тезкорлик, ишонччилик, тежамкорлик, ижтимоий-психологик муҳит.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. “Бошқарув” ва ишлаб чиқаришни бошқариш тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг.
2. Ишлаб чиқаришни ташкил этишда менеджментнинг асосий мақсади қандай?
3. Корхонада хўжалик юритиш механизми нимани англатади?
4. Корхона бошқарув органларининг асосий вазифаларини санаб беринг.
5. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий техник қоидалари (талаблари) ва уларнинг замонавий босқичда қандай тарзда ўзгаришини тушунтириб беринг.
6. Ишлаб чиқаришни бошқаришнинг қандай стил ва усулларини биласиз?
7. Корхонада ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ҳар хил тузилмаларини тавсифлаб беринг.
8. Бошқарув органларининг корхоналардаги асосий функцияларини кўрсатиб беринг.

В МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ

- 5.1. Бозор иқтисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг иқтисодий табиати ва объектив зарурияти.
- 5.2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари.
- 5.3. Корхоналарда режалаштириш тизими.
- 5.4. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси.
- 5.5. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чиқиш тартиби.

5.1. Бозор иқтисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг иқтисодий табиати ва объектив зарурияти

Иқтисодиёт бўйича замонавий адабиётларда ва қўлланмаларда *режалаштиришга* мўлжалланган иш ёки маълум бир ҳаракатларни бажариш муддати, тартиби ва кетма-кетлигини кўзда тутувчи чора-тадбирлар тизими сифатида изоҳ берилган. Ҳар бир инсон ўз иш куни, дам олиш куни, байрамлар, ёзги таътил, тўй ва бошқа тадбирларни қандай ўтказишни режалаштиради. Айнан режалаштириш ва башорат қилиш йўли билан корхоналар **нимани, ким учун, қачон ва қанча** маҳсулот ишлаб чиқариш, қайси ҳамкорлар ёки шериклар билан шартнома тузиш ёки кооперацияни ривожлантириш, зарур бўлган моддий-товар бойликлари захирасини яратиш каби бир қатор масалаларни ҳал қилади.

Бозор муносабатларига ўтгандан сўнг режалаштириш бир оз ёддан кўтарилиб қолди. Ҳаттоки режалаштириш хўжалик юритишнинг бозор механизмига тўғри келмайди ёки бозор режалаштиришга зиддир, деган фикрлар ҳам пайдо бўлди.

Деярли ҳар бир корхонага “юқоридан” директива вазифалари, назорат рақамлари, қатъий норматив ва лимитларни белгилаб берувчи режалаштириш, ҳақиқатдан ҳам бозор механизмига тўғри келмайди ва корхоналарнинг мустақиллигини йўққа чиқаради. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг корхоналар фаолиятига оид қонунчилигида,

корхоналарнинг истеъмолчилар талаби, фойда ёки даромад олиш нуқтаи назаридан ўз фаолиятини мустақил равишда танлаши ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олиши кўрсатилган.

Аввалги хўжалик юритиш тизимида мавжуд бўлган, “марказ”дан бошқарилувчи марказлашган режалаштиришни инкор қилиш билан режалаштиришдан умуман воз кечиш мумкин эмас.

Режалаштириш туфайлигина корхоналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва технологияларнинг оптимал вариантларини танлайди, ресурслар билан ўз вақтида таъминлаш вазифасини бажаради, асосий ва айланма воситаларга эҳтиёжни белгилаб беради, маҳсулотни сотиш каналлари ва усулларини аниқлайди. Бундан ташқари, режалаштириш ишлаб чиқариш заҳиралари ва рақобатдаги устунликлардан максимал даражада фойдаланиш, иқтисодиётдаги янги оқимларни англаб олиш, корхона фаолиятидаги камчиликларни йўқотиш ва турли хил таваккалчиликларни камайтиришга имкон беради. Ҳар бир корхонани ташкил қилиниши ва фаолият юритиши айнан режалаштиришдан бошланади.

Режалаштириш тартибга солувчи жараён сифатида корхона фаолиятини яқин ва узоқ истиқбол сари илгари суриш, асослаб бериш, муайянлаштириш ва изоҳлаб беришни ифодалайди. Охириги ҳолатда гап корхона фаолиятини башорат қилиш ҳақида бориши мумкин. Башорат қилишни режалаштиришнинг бошланиши ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган давоми сифатида кўриб чиқиш мумкин. Режалаштириш ва прогнозлаштириш ўзаро алоқада бўлган иккита жараён бўлиб, хўжалик фаолиятини аввалдан бажарилган ҳисоб-китоблар, энг кам таваккалчилик ва энг юқори натижаларга эришиш асосида юритишни кўзда тутди.

Режалаштириш корхона томонидан бажарилувчи вазифалар муайянлаштирилган режаларда ўз аксини топади. Бозор иқтисодиётида режа “ёт унсур” ёки “юқоридан” келувчи буйруқ сифатида қабул қилиниши сабабли, ҳозирги хўжалик юритиш фаолиятида **индикатив режа ва прогноз** деб номланувчи, лекин моҳиятига кўра режалаштиришнинг барча ҳолларда объектив заруриятини тасдиқловчи тушунчалардан фойдаланилади. Демак, **режалаштириш**, жумладан, индикатив режа ва прогноз – бу, корхоналарнинг хўжалик фаолияти учун маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш учун барча омиллардан фойдаланиш ва тайёргарликнинг ўз вақтида бўлиши билан боғлиқ бўлган қулай шароитларни яратишдир.

Режа ва режалаштириш орасидаги фарқни англаш муҳим аҳамият касб этади. **Режалаштириш** индикатив режа ёки прогноз каби режаларни ишлаб чиқиш жараёни бўлса, **режа** корхонанинг маълум бир вақт мобайнида амалга оширувчи техник-иқтисодий кўрсаткичларини ўзида акс эттирувчи ҳужжатни ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, режа – бу, корхонанинг мақсадли функциялари ва уларни амалга ошириш йўллари белгилаб берувчи режалаштиришнинг моддийлашган шаклидир.

Шу тариқа режалаштириш бозор ва бозор механизмига қарама-қарши бўлмасдан, аксинча, ишлаб чиқаришнинг мақбул йўналишларини аниқлаш, фойдаланилмаган заҳира ва имкониятларни қўллаш, корхонанинг оқилона баҳо сиёсатини шакллантириш ҳамда хўжалик юритиш алоқаларининг самарали шакллари ўрнатишга кўмаклашади. Режалаштириш ва башорат қилиш ёрдами билан ички ва ташқи бозордаги истеъмолчилар талаби аниқланади, корхонанинг ташқи иқтисодий фаолияти кучайтирилади.

Бироқ режалаштириш имкониятларини мобилизация қилиш режалаштиришнинг ўзидагина ифодаланмайди. Режалаштириш одамлар, биринчи ўринда мутахассислар томонидан амалга оширилиши сабабли исталган режа ёки прогнознинг ҳаётга татбиқ этилиши кўп жиҳатдан иқтисодчиларнинг малакасига, улар режалаштиришнинг услубий асосларини яхши билишига, шунингдек, ишлаб чиқариш режаларининг бозор талабларини ҳамда корхонанинг мўлжалланган даромадга эришишини ҳисобга олишига ҳам боғлиқ. Режани ишлаб чиқиш қанчалик асослаб берилган бўлса, унинг ҳақиқийлиги ва иқтисодиётдаги аҳвол билан боғлиқлиги шунчалик юқори бўлади.

Корхоналар фаолияти ва иқтисодиётда режалаштиришдан ташқари **башорат қилиш** ҳам катта роль ўйнайди. Башорат қилиш хўжалик фаолияти юритувчи субъектнинг истиқболда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларни илмий асослаган ҳолда аввалдан кўра билишини ифодалайди. У юзага келаётган ёки келажакда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий, илмий-техник ва ижтимоий ҳолатларни баҳолаш ва таҳлил қилиш асосида яратилади ҳамда муқобил қарорларни танлашга имкон яратади.

Аввалги маъмурий-бўйруқбозлик тизимининг хўжалик юритиш шароитларида, кўп йиллар давомида фан-техника тараққиёти ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларининг узоқ муддатли истиқболи ишлаб чиқилган. Унинг асосида иқтисодиётнинг алоҳида тармоқлари, шунингдек, республикалардаги ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш истиқболлари шакллантирилар эди. Бироқ бу башоратлар доим ҳам ишончли эмасди ва асосийси, доим ҳам амалиётда қўлланавермас эди. Бу эса бошқа сабаблар билан бирга ўтган асрнинг 80-йиллари охирида иқтисодиёт инкирозга учрашига олиб келди. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик амалиёти режалаштириш ва башорат қилишнинг устунликларидан етарлича фойдалана олмади. Шу сабабли иқтисодий фаолият башоратларини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини мамлакатимиздаги ишлаб чиқариш ва юзага келаётган бозор муносабатлари шароитларида қўллаш жуда муҳимдир.

Башорат қилиш режалаштириш тавсифида ўз аксини топади: ишлаб чиқариш ва корхона иқтисодий ҳаётининг бошқа жиҳатларини **стратегик режалаштириш** - ўрта ва узоқ муддатли башоратлар асосида ҳамда **жорий режалаштириш** - қисқа муддатли башоратлар асосида ишлаб чиқилади. Бу йўналишларнинг иккаласи ҳам ўзаро узвий алоқада бўлиб, ишлаб чиқариш стратегиясини фан-техника тараққиёти ва ҳаётнинг реал воқелиги билан боғлайди.

Башоратнинг мақсади - бозорга таъсир қилувчи омилларни, шу билан бирга, хўжаликнинг умумий аҳволи, тузилмавий силжишлар, инвестицион фаоллик, фан-техника тараққиётининг истеъмолчи ва ишлаб чиқарувчиларга таъсир кўрсатиши, анъанавий маҳсулотлардан ташқари корхонанинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигига олиб келувчи «пионер» (янги) маҳсулот ишлаб чиқариш истиқболда юзага келиши мумкин бўлган ҳолатларини белгилашдир. Корхоналар учун талабни прогностлаштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва миқдорининг ўзгаришини аввалдан аниқлаб беради. Умуман олганда, прогноз режалаштиришнинг илмий асосидир.

5.2. Корхонада режалаштиришнинг услубий асослари, тамойиллари ва вазифалари

Режалаштириш услубияти – бу иқтисодиётни бошқаришнинг турли бўғинларида, жумладан, корхоналарни бошқаришда режаларни ишлаб чиқиш усуллари мажмуасидир. Аввалги режали иқтисодиёт шароитларида у аввало режа органларининг, ҳам собиқ иттифок миқёсида, ҳам алоҳида республикалар миқёсида амал қилган **иқтисодий ва ижтимоий ривожланишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш бўйича услубий кўрсатмаларга** таянар эди. Иқтисодиётнинг муҳим соҳа ва тармоқларини жорий ва истиқболли режалаштириш ушбу кўрсатмалар асосида амалга оширилади.

Мазкур ҳолатда режалаштириш услубиятига кўра, “юкоридан пастга” тамойили асосида назорат рақамлари, лимит ва нормативлар туширилар, кейин эса “пастдан юкорига” тамойили асосида, яъни корхоналардан юкори турувчи органларга қайта узатилар эди. “Юкори” даражада режа кўрсаткичлари йириклашган тавсифли бўлса, корхоналар миқёсида эса ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда муайян ва деталли тавсифга эга бўлади. Режалаштиришда ушбу тизимнинг камчилиги шунда эдики, деярли ҳар бир корхонанинг фаолият режаси мажбурий тарзда “юкоридан” тасдиқланиши зарур эди. Бусиз режа ўз реаллигини йўқотар эди.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналар ўз фаолиятини режалаштиришни мустақил равишда амалга оширади. Бироқ бу режалаштиришнинг текшириб қўрилган ва фойдали усулларида воз кечишни англамайди. Бугунги шароитларда ҳам корхоналар фаолиятини режалаштириш-техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар, прогрессив норма ва нормативлар, иқтисодий таҳлил, муқобил вариантларни танлашга асосланади.

Режалаштиришнинг энг кўп тарқалган усуллари қаторига қуйидагиларни: баланс, норматив, иқтисодий-математик, статистик, омиллар бўйича, кўп вариантли ҳисоб-китоб усули кабиларни киритиш мумкин. Режаларнинг асосланганлик даражасини оширувчи ва уларни тезда амалга оширилишига хизмат қилувчи, шунингдек, таваккалчилик ва вужудга келиши мумкин бўлган талофатларни камайтирувчи усул энг самарали усул ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда **баланс усули**нинг аҳамияти ошиб бормоқда. Ушбу усулнинг моҳияти, ўзаро алоқада бўлган кўрсаткичларни солиштириш билан ифодаланади. Баланс усули асосида корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари, ишчи кучи, ишлаб чиқариш қувватига бўлган талаблари ва уларнинг манбалари аниқланади. Бундан келиб чиққан ҳолда **моддий баланс, ишлаб чиқариш қувватлари баланси, ишчи кучи баланси, иш вақти баланси, қиймат баланси**ни ажратиб кўрсатиш мумкин. Баланслар, қоидага кўра, эҳтиёжлар ва уларга мос келувчи ресурсларнинг мавжудлиги ёки манбаларини ўз ичига олувчи, ўзаро мослашувчи жадвал шаклида тузилади.

Баланс усули **норматив усули** билан биргаликда қўлланади. Норматив усулида ресурсларни сарфлашнинг йўл қўйиш мумкин бўлган энг юқори ва энг қуйи чегаралари аниқланади. Бунда ишлаб чиқаришни режалаштириш ва ташкил этишда норма ва норматив каби тушунчалардан фойдаланилади.

Норма (меъёр) – бу, белгиланган сифатдаги маҳсулот бирлиги (иш, хизмат) тайёрлаш учун сарфланувчи хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва бошқа ресурслардан фойдаланишнинг йўл қўйилиши мумкин бўлган максимал ёки минимал чегарасидир. Агар ресурслардан фойдаланиш нормаларини камайтириш маҳсулот сифатининг пасайишига ёки белгиланган стандартлар талабларининг бузилишига олиб келадиган бўлса, у ҳолда бу нормаларни камайтириш мумкин эмас.

Норматив – бу, нисбий катталиқ бўлиб, асосан фоизлар ёки коэффициентлар ёрдамида акс эттирилади. У меҳнат воситалари ва предметларидан фойдаланиш даражасини, уларнинг ҳар бир майдон бирлиги, оғирлик бирлиги, ҳажм бирлигига сарфланишини тавсифлаб беради. Масалан, асосий воситаларнинг бирлик қийматига маҳсулот ишлаб чиқариш (фонд қайтими), сутнинг мойилик, винонинг спиртлилик даражаси (фоизларда), автомашинанинг босиб ўтган йўли, автомобиль шинасининг эксплуатацияси ва ҳоказо.

Норма ва нормативлар прогрессив тавсифга эга бўлиши, яъни уларни ишлаб чиқишда замонавий фан, техника ва технология ривожланишининг даражаси, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этиш, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш ҳамда илғор корхоналарнинг тажрибаларини ҳисобга олиш зарур. Шунингдек, улар доимий равишда қайта кўриб чиқилиши, эскирган норма ва нормативлар янги, хўжалик ҳаёти ва давр талабларига жавоб берувчи норма ва нормативлар билан алмаштирилиши лозим.

Норма ва нормативлар қуйидаги асосий гуруҳлар асосида ишлаб чиқилади:

- **тирик меҳнат харажати нормалари** (маҳсулот биричилигига сарфланувчи иш вақти нормаси, вақт биричилигига ишлаб чиқариш нормаси, хизмат кўрсатиш нормаси, миқдор нормативи);

- **моддий харажат нормалари** (хом ашё, материал, ёқилғи, энергия, бутловчи қисмлар);

- **ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш нормативлари** (ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми, ишлаб чиқариш захиралари ва ҳоказо);

- **меҳнат воситаларидан фойдаланиш нормалари** (машиналар, асбоб-ускуналар, механизмлар, қурилмалар);

• **корхона, цех, асбоб-ускуналарнинг лойиҳа қувватига чиқиш вақти нормалари.**

Кўриниб турибдики, режалаштириш жуда мураккаб ва меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, корхона фаолиятининг ресурслар харажатини нормалаштиришдан то маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилишгача барча кўрсаткичларини инобатга олади. Режалаштиришнинг **асосий вазифалари** қуйидагилар:

- мақсадни белгилаш;
- корхона фаолиятининг турли хил йўналишлари, айниқса, иқтисодиёт ва аҳоли учун зарур бўлган масулот ишлаб чиқаришнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини асослаб бериш;
- зарурий моддий-техника асосини шакллантириш;
- молиялаштириш манбаларини аниқлаш;
- якуний натижаларнинг ижобий бўлишига эришиш.

Амалиётда бу вазифаларни корхона директори ёки иқтисодий-режалаш хизматининг ўзи бажармайди ёки бажариши лозим эмас. Бунда бутун жамоа, айниқса, агар бу корхона акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатаётган бўлса, иштирок этиши зарур. Афсуски, корхона ходимлари кўпинча “раҳбарга кўпроқ нарсга кўринади” тамойили асосида ишлайдилар ва яхшироқ натижаларга эришиш учун ташаббускорлик кўрсатмайдилар. Тажрибалар эса корхона муаммоларини ҳал қилиш барча ходимлар, жумладан, ишчиларга ҳам бўлган ҳолдагина бу корхоналар гуллаб-яшнаши мумкинлигини кўрсатади.

Бугунги кунда бозор иқтисодиёти корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва рационал бошқариш тизими ҳамда максимал равишда қулай шароитларни яратмоқда. Бундай шароитларда режалаштириш бозор иқтисодиёти ва бозор муносабатларининг барча имкониятларидан фойдаланишга хизмат қилиши лозим. Корхона фаолиятини умуман эмас, балки ҳар бир муайян ҳолдаги вазифаларни ҳал қилишга йўналтирган ҳолда режалаштириш зарур. Бунинг учун режалаштиришнинг илмийлик, комплекслилик, узлуксизлик, оптималлик, мослашувчанлик каби тамойилларига таяниш зарур.

Корхона, айниқса, агар у йирик бўлса, асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи цехлардан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири фақат ўзига хос бўлган вазифани бажаради ва шунга мос ҳолда фаолиятни режалаштириш ва тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятига эга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда **етақчи бўғинни ажратиб кўрсатиш** режалаштиришнинг асосий тамойилларидан бири бўлиб хизмат қилади. Бунда корхонанинг асосий ишлаб чиқариш вазифалари бажарилишини таъминловчи бўлинмасини ривожлантиришга кўпроқ эътибор қаратилади. Масалан, бундай бўғин сифатида машинасозлик заводида йиғув цехи, тўқимачилик комбинатида йиғирув ва тўқув цехлари, қандолатчилик фабрикасида тайёр масулот цехини кўрсатиш мумкин.

Етақчи бўғинни ажратиб кўрсатиш корхонанинг барча бўлинмаларини биргаликда комплекс равишда ривожлантиришни кўзда тутди. Чунки бусиз режалаштириш бир томонлама бўлиб қолиши ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишда “тор жойлар” ва диспропорциянинг вужудга келишига олиб қилиши мумкин. Шу сабабли корхона фаолиятининг иқтисодий-ишлаб чиқариш режаси кўрсаткичлари ва бўлимларининг ўзаро алоқада бўлишини ҳамда комплекс режалаштиришни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда ҳам режалаштиришнинг баланс усули катта аҳамиятга эга.

Режалаштиришнинг яна бир муҳим тамойили **илмийлик** бўлиб, у аввало тайёрланаётган режалар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш дастурларига, шунингдек, фан-техника тараққиёти талаблари, рақобатчилик ва бозор талабларини ҳисобга олишга асосланади. Режалаштиришнинг илмийлиги, жонли меҳнат ва маҳсулотга айланган меҳнат харажатларининг энг кам миқдорида иложи борича юқори натижаларга эришишга, шунингдек, корхона ходимлари манфаатдорлигини оширишга кўмаклашади.

Комплекслилик тамойили ишлаб чиқаришни, биринчидан, замон ва маконда, иккинчидан, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг горизонтал ва вертикалида, учинчидан, ишлаб чиқаришнинг ресурс асосларини таъминлашда, тўртинчидан, ишлаб чиқаришдаги “тор жойларни” ҳисобга олиш ва уларни йўқотиш чора-тадбирларида, бешинчидан, ходимларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий ва маънавий қониқишида, олтинчидан, корхонанинг мўлжалланаётган даромад ёки фойда олишини амалга оширишни кўзда тутди.

Пропорционаллик нафақат ишлаб чиқаришни режалаштиришда, балки ишлаб чиқаришни бошқаришда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зарур пропорцияларга амал қилиш ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучининг цехлар ва иш жойлари бўйича ҳамда ишлаб чиқариш босқичларида тўғри тақсимланишига ва улардан тўғри фойдаланишга кўмаклашди. Пропорцияларга амал қилмаслик эса, аксинча, ишлаб чиқаришнинг баъзи участкаларда кучайиб, бошқаларида пасайишига, яъни диспропорцияларнинг вужудга келишига ҳамда корхоналарнинг норитмик тарзда фаолият юритишига сабаб бўлади. Зарурий пропорционалликни таъминлашда ишлаб чиқаришни ташкил этишни техник-иқтисодий нормалаштириш катта роль ўйнайди.

Режалаштиришнинг узлуксизлиги ишлаб чиқаришни ва умуман, корхона фаолиятини ташкил этишнинг муҳим тамойили ҳисобланади. Бу тамойил амалда жорий режаларнинг истиқболдаги режалар билан, истиқболдаги режаларнинг эса башоратлар (прогноз) билан боғлиқ бўлишида ўз аксини топади. Бошқача қилиб айтганда, режалаштириш қисқа муддатли тавсифга эга бўлган индикатив режа табиатига мос келмовчи, январдан мартгача ёки мартдан декабргача, яъни “...дан” “...гача” тамойили асосида амалга оширилмаслиги лозим. Режалаштиришнинг “...дан” “...гача” тамойилини инкор қилганда биз аввало вақт бўйича режалаштириш узилишининг олдини олишни кўзда тутамиз. Масалан, ўша индикатив режа ўз давомига эга бўлиши, яъни корхона ўз фаолитини январь-март ойларига режалаштирганда кейинги даврларда юзага келиши мумкин бўлган вазифаларни ҳам, албатта, бозор конъюнктураси, истеъмолчилар манфаати ва ишлаб чиқариш ҳолатларининг ўзгаришини кўзда тутиши лозим. Бу вазифа асосан йил давомида амалга оширилувчи режаларни аниқлаштириш ва муайянлаштириш йўли билан бажарилади.

Оптималлик ҳам режалаштириш тамойиллари қаторига киради. Режалар барча ишлаб чиқариш ресурсларидан чиқитлар ва йўлдош маҳсулотлардан кенг фойдаланишни инobatта олган ҳолда иложи борида рационал ва унумли фойдаланишни таъминлаши ҳамда юқори натижаларга эришиш учун энг самарали йўللарни танлаши керак.

Режалаштиришнинг оптималлигига иқтисодий-математик усуллар ва электрон ҳисоблаш машиналарини қўллаш, режаларнинг бир неча вариантларини ишлаб чиқиш ёрдамида эришилади. Кўп вариантлилик энг тежамкор режа варианты ёки корхона фаолияти дастурини танлашга имкон яратади.

Мослашувчанлик режалаштиришнинг бозор шароитларидаги муҳим тамойили ҳисобланади. У ишлаб чиқариш режаларига ўз вақтида ўзгартиришлар киритиш, истеъмолчилар ва харидорлар талабларини ҳисобга олиш, ишлаб чиқаришнинг юзага келиши мумкин бўлган пасайиши ва инқирозларнинг олдини олишга ёрдам беради. “Корхоналар тўғрисида”ги қонун ишлаб чиқаришни режалаштиришда ушбу тамойилни амалга ошириш учун зарур бўлган шароитларни яратади.

Бироқ ҳеч қандай тамойил, жумладан, юқорида санаб ўтилган тамойиллар ҳам, ўзидан-ўзи, яъни шу тамойиллар учунгина керак эмас. Агар амалиётда қўлланмаса бу тамойиллар фақат қоғозда қолиб кетиши ёки оддий чақириқ бўлиб қолиши мумкин. Шу сабабли корхона раҳбарининг режалаштириш жараёнини, аниқроғи, режанинг бажарилиши ҳамда режалаштиришнинг белгиланган ва бошқа тамойиллари қандай акс эттирилганлигини **назорат қилиши** муҳим аҳамият касб этади. Назорат керакли натижаларга эришиш, юзага келиши мумкин бўлган диспропорцияларни аниқлаш ва

уларнинг олдини олиш, шунингдек, захираларни аниклаш ва улардан фойдаланиш йўллари белгилашга имкон берди.

5.3. Корхоналарда режалаштириш тизими

Хўжалик юретишнинг бозор тизимига хос бўлган иқтисодий муносабатлар ривожланишнинг ноаниқлиги, корхона иқтисодиёти ривожланишининг мос келувчи йўналишларини ишлаб чиқиш заруриятини белгилаб беради. Бу вазифа амалда режалаштириш ва башорат қилиш ёрдамида амалга оширилади.

Башарот – бу, корхона, объект ёки ҳодисанинг келажакдаги аҳволи ва уларни амалга ошириш вариантлари ва муддати тўғрисидаги илмий жиҳатдан асосланган мулоҳазадир. Башоратларни ишлаб чиқиш жараёни башорат қилиш, яъни келажакни ҳозирги пайтдан келиб чиққан ҳолда олдиндан кўра билиш деб аталади.

Корхона ҳамда бутун иқтисодиёт миқёсида башорат қилишнинг объектлари сифатида иқтисодий, ижтимоий, фан-техника ва бошқа жараён ва ҳодисаларни кўрсатиш мумкин. Корхоналар фаолиятида **иқтисодий башоратлар** алоҳида ва ётақчи ўрин эгаллайди. Уларнинг асосий вазифалари қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: ривожланиш мақсадларини белгилаш, оптимал йўналишлар ва уларга эришиш воситаларини излаб топиш, ресурсларни ва қўйилган вазифаларни бажариш муддатларини белгилаш, корхона ривожланишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган чеклашларни аниқлаш.

Режалаштириш – қарор қабул қилишнинг узлуксиз бир жараёни бўлиб, бу жараён давомида корхона фаолияти ва ривожланишининг мақсад ва вазифалари атрофда рўй бераётган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда вақт бўйича аниқланади ва белгиланади ҳамда уларни амалга ошириш учун ресурслар аниқланади. Мазмунига кўра, режалаштириш техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш турларига бўлинади.

Техник-иқтисодий режалаштириш корхона фаолиятининг барча (иқтисодий, техник, ижтимоий ва ҳоказо) жиҳатларини қамраб олувчи режалаштириш тури бўлиб, асосан бир йилга мўлжалланган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси шаклида амалга оширилади. Мазкур режалаштириш турининг соддалаштирилган кўриниши кўпинча корхона фаолиятининг йиллик режаси деб аталади.

Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш техник-иқтисодий режалаштиришнинг давоми бўлиб, корхона фаолияти йиллик режасини янада қисқароқ муддатга - сутка, ўн кунлик, ойга бўлиб муайянлаштириш билан тавсифланади. Тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш-календарь режалаштириш ва диспетчерлашдан иборат бўлади.

Календарь режалаштиришда корхона йиллик режасида ва биринчи ўринда ишлаб чиқариш дастури(маҳсулот тайёрлаш режаси)ни ўн кунлик, ҳафта, кун ва смена бўйича аниқлаштириш ҳамда бу кўрсаткичларни бажарувчиларга етказиш кўзда тутилган.

Диспетчерлаштириш ойлик, ўн кунлик, кунлик сутка-сменалик режаларни бажаришни тезкор бошқаришда ифодаланади.

Шуни қайд қилиш керакки, юқорида кўрсатиб ўтилган режалаштириш турлари асосан машинасозлик, самолётсозлик, автомобильсозлик каби соҳаларнинг йирик ва баъзи ҳолларда ўрта корхоналари учун хосдир. Гарчи, бизнес-режа ҳозирги кунда “оммавий” бўлиб йирик ва ўрта корхоналарда қўллansaда, асосан ишлаб чиқариш ҳажми катта бўлмаган ҳамда ходимлар сони 100 кишигача бўлган кичик корхона ва микрофирмалар бизнес-режалар асосида фаолият юритади.

Яна бир муҳим нарсани айтиб ўтиш лозим. Ҳозирги пайтда иқтисодиётга оид бўлган адабиётларда режалаштиришга нисбатан **стратегик, узоқ муддатли, қисқа муддатли ва жорий режалаштириш** каби тушунчалар қўлланмоқда. Уларнинг ҳар бири ўз шакли, кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ва ҳисоблаш усулларига эга.

Стратегик режалаштириш хўжалик юретишнинг бозор тизимидагина вужудга келиб, 10-15 йиллик даврни ўз ичига олади. У корхона раҳбариятининг масъулиятли вазифаси ҳисобланади ҳамда ривожланишнинг устивор йўналишларини топиш ва бозорда

юзага келиши мумкин бўлган талабни инобатга олган ҳолда ресурс билан таъминлашга қаратилган.

Стратегик режалаштириш асосида яқин 3-5 йилга мўлжалланган **узоқ муддатли режалаштириш** амалга оширилади. У корхона фаолиятининг ишлаб чиқариш, сотиш, харажатлар, молия каби турларини ўз ичига олади ҳамда ўз мазмуни ва мақсадли функцияларига кўра, стратегик режалаштиришдан фарқ қилмайди.

Қисқа муддатли режалаштиришда корхона фаолияти ва ривожланиши 1-3 йилга мўлжаллаб режалаштирилади. Унинг ўзига хослиги шундаки, биринчи йил кўрсаткичлари ҳар чоракда, иккинчи ва учинчи йил кўрсаткичлари эса ҳар ярим йил ёки бир йилда аниқлаштирилади ва тўғрилашлар киритилиб борилади. Бунинг мақсади сифатида эса, режа кўрсаткичларининг иқтисодий муҳит, бозор ва фан-техника тараққиётида юз бераётган ўзгаришларни тўлароқ акс эттиришга интилишни кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларида рақобатчиликни кучайтириш ҳамда хўжалик юритиш ва ҳаётий жараёнлар динамикаси ҳисобига **жорий режалаштириш** амалга оширилиб, унга чоракларга бўлинган йиллик режалар асос қилиб олинади. Ушбу режалар қондага кўра, ўзгарувчан бўлиб, жорий йилнинг биринчи уч ойи учун **қатъий, ҳаётий кўрсаткичлар** белгиланиб, кейинги тўққиз ой давомида уларга тўғрилашлар (корректировка) киритилади. Улар қисқа муддатли режаларга қараганда, айниқса, ишлаб чиқариш ҳаракати ва моддий-товар бойликлари заҳираси, баҳони шакллантириш қисмида янада аниқроқ ҳисобланади. Умуман олганда, корхонанинг турли бўлим ва хизматлари вазифалари бундай режаларда ўзаро боғланади.

Режалаштиришнинг исталган тури корхона фаолиятининг бирон-бир жиҳатини акс эттирувчи, умумий ва хусусий, сифат ва миқдор кўрсаткичларига асосланади.

Умумий ва умумлаштирувчи кўрсаткичлар корхонада ишлаб чиқариш ривожланишининг йўналиши ва даражасини акс эттиради. Бундай кўрсаткичлар қаторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми, меҳнат, таннарх ва жамғармалар бўйича кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Хусусий кўрсаткичлар умумлаштирувчи кўрсаткичлар асосини ташкил қилувчи алоҳида элементларни, масалан, материал, ёқилғи, энергия ва шу кабиларнинг маҳсулот таннархидаги салмоғини тавсифлайди. Шунингдек, бу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар даражасига таъсир ўтказувчи алоҳида омилларни ҳам тавсифлаб беради. Масалан, ёрдам кўрсатувчи ишчилар салмоғининг меҳнат, ишлаб чиқариши даражасига таъсири; асбоб-ускуналарни иш билан таъминлаш коэффициентининг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ҳажми ва корхона ишлаб чиқариш дастурининг бажарилишига таъсири; хом ашё ва материаллардан фойдаланиш коэффициенти кўрсаткичнинг маҳсулот таннархи пасайишига таъсири ва ҳоказолар.

Умумлаштирувчи ҳамда хусусий кўрсаткичлар иккита категорияга - миқдор (абсолют) ва сифат (нисбий) категорияларига бўлиниши мумкин.

Миқдор кўрсаткичлари корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятини ҳажм ўлчамида изоҳлайди. Бундай кўрсаткичлар қаторига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори, ишлаётган ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, машина ва асбоб-ускуналар парки, ишлаб чиқариш дастурини амалга ошириш учун зарур бўлган материаллар миқдори, цех ҳамда иш жойлари сони ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Сифат кўрсаткичлари корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятидаги ўзгаришларни нисбий катталиклар: меҳнат маҳсулдорлигининг ўсиши, маҳсулот таннархининг базис даврга (ёки режа ҳисоботида) нисбатан фоизларда камайиши, маҳсулотнинг тўлиқ таннархига нисбатан фоизларда даромад ҳажми, корхона рентабеллик даражасининг ўсиши ва шу кабилар ёрдамида тавсифлайди.

Сифат кўрсаткичлари аксари ҳолларда пул қийматида ифодаланиши сабабли, корхоналарнинг хўжалик фаолиятини режалаштириш ва таҳлил қилиш амалиётида асосий ва айланма фондлар, асбоб-ускуналар, сарфланаётган ёқилғи, энергия ва бошқа

материаллар каби **қиймат кўрсаткичларидан** фойдаланилади. Қиймат кўрсаткичлари корхона фаолиятида қўлланилувчи турли хилдаги воситаларни статика ва динамикада таққослаш имконини беради. Бундан ташқари, солиқлар ва турли хил тўловлар ҳамда корхона даромади фоизлардан ташқари пул кўринишида ҳам ўлчанади.

Корхона фаолиятини режалаштириш корхона ва унинг бўлинмалари фаолиятини таҳлил қилишдан бошланишини айтиб ўтиш муҳим. Мазкур таҳлил давомида режанинг сифат, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари бўйича бажарилишига баҳо берилади ҳамда талофат ва йўқотишлар аниқланиб, корхона фаолиятини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилади. Айнан шу чора-тадбирлар ва янги мақсадлардан келиб чиққан ҳолда жорий режалаштириш амалга оширилади ҳамда янги режа даврига корхона фаолияти режалари ишлаб чиқилади.

5.4. Режалаштириш технологияси ва корхона режалари тузилмаси

Режалаштириш корхонани бошқариш жараёни сифатида ўз технологиясига эга бўлиб, бу технология корхонанинг режалаштирилаётган даврдаги мақсад ва вазифаларини аниқлаш, бажарувчиларга муайян вазифаларни белгилаш, вазифаларни тури, катталиги ва муддатига кўра, аниқлаштириш, шунингдек, ишлаб чиқариш фаолияти натижаси - даромад ёки фойда олишни ўз ичига олади. Кичик корхоналарда бу вазифаларни бажариш катта корхоналарга нисбатан энгилроқ бўлсада, барча ҳолларда қуйидаги омилларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

- ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги ва тузилмаси;
- ходимлар сони, ихтисос таркиби ва малакаси;
- молиявий ресурслар;
- айланма маблағлар мавжудлиги ва унга бўлган эҳтиёжлар, жумладан, моддий-товар бойликлари захиралари;
- илмий-техник тадқиқотлар тузилмаси ва тайёрлик даражаси;
- маҳсулотни сотиш каналлари.

Режалаштириш, режа лойиҳасини унинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш режаси, моддий-техника таъминоти режаси, кадрлар ва ойлик маош бўйича режа, янги техника ва капитал қўйилмалар режаси, молиявий режа каби асосий қисмлари доирасида тайёрлаш билан боғлиқ бўлган **режадан аввалги даврни** ўз ичига олади. Уларнинг моддий ва молиявий ресурслар ҳамда бажариш муддати бўйича тўлиқ ўзаро боғлиқлиги ва баланслашганлиги режалаштириш жараёни ва корхона режасининг ишончлилигини таъминловчи муҳим жиҳатдир. Ўз навбатида, маҳсулот ишлаб чиқариш ишчи кучининг мавжудлиги, шартномалар бўйича маҳсулот етказиш режалари ва ишлаб чиқариш қувватлари билан, таннарх режалари эса ишлаб чиқариш дастурлари ва молиявий режа билан боғлиқ бўлади.

Режаларни ишлаб чиқишда корхонанинг барча цехлари ва функционал бўлинмалари, жумладан, молия ва режа бўлими, меҳнат ва иш ҳақи бўлими, маркетинг хизмати, бухгалтерия, техник бўлим, цех раҳбарлари иштирок этишлари зарур. Корхона режаси ва унинг бўлимлари қанчалик синчковлик билан ишлаб чиқилган бўлса, уни бажариш шунчалик энгиллашади, ресурслар камроқ талаб қилинади ҳамда иш сифати юқори даражада бўлади. Афсуски, режанинг баланслаштирилмаганлиги, унда хатолар мавжудлиги, шунингдек, режани бажарувчиларнинг интизомсизлиги (амалга оширишни суи назорат қилиш натижасида) туфайли кўп вақт ҳамда маблағлар исроф қилинмоқда. Худди шу сабабли маҳсулот сифати пасайиб, даромад олиш ўрнига харажатлар юзага келмоқда. Бундан келиб чиққан ҳолда режалаштиришни корхона жамоасининг функцияси деб аташимиз мумкин.

Режалаштириш табиятини 5.1 - чизма ёрдамида акс эттириш мумкин:

Режалаштириш тизими қуйидаги талабларга жавоб берган тақдирдагина самарали ва ишончли ҳисобланади:

1. Режалаштиришнинг ҳар бир элементи ва босқичи қатъий равишда асослаб берилиши.

2. Режадаги вазифаларнинг аниқ ва ўз вақтида бажарилиши, яъни режанинг адреслилиги.

3. Режа бажарилишини доимий ва узлуксиз равишда ҳисобга олиш, назорат қилиш ва унга зарур ҳолларда ўзгартиришлар киритиш.

4. Ички ва ташқи муҳитдаги ўзгаришларни ижобий қабул қилиш, шунингдек, корхона фаолиятини рўй берган ўзгаришларга мос равишда, ўз вақтида қайта ташкил қилиш (режалаштиришнинг мослашувчанлиги).

5. Фан-техника тараққиёти ва ҳўжалик юритишнинг илғор тажрибаларига таяниш.

Режалаштириш давомида бугунги кундан ташқари, келажакни, эртанги кунни ҳам инобатга олиш зарур. Корхона истикболи ва бозордаги ҳолатининг барқарорлиги, кўп жиҳатдан унинг илғор техника ва фан ёрдамида яратилган энг яхши маҳсулотлар намунасини тезлик билан ўзлаштириб олиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Шу сабабли корхоналарда ахборот тизимини яхши йўлга қўйиш ҳамда реклама фаолиятини ривожлантириш лозим. Реклама истеъмолчиларни (харидорларни) мавжуд маҳсулот билан таништиришдан ташқари, худди хориждаги каби, уларни айнан шу маҳсулотни сотиб олишга ундаши керак.

Добавлено примечание ([14]): да



5.1.- чизма. Корхонада режалаштириш жараёни технологияси

Режалаштиришнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- белгиланган режалаштириш оралиғининг аниқлиги;
- интеграция ва дифференциация даражаси, шунингдек, режалаштирилаётган кўрсаткичлар миқдори;
- ишлаб чиқариш харажатлари ва натижаларини ҳисоб-китоб қилиш даражасининг аниқлиги;
- режани тайёрловчилар ва амалга оширувчилар ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш тартиби.

Режалаштиришда “корхона-муҳит-ҳолат” муносабатлари асосий ўринга эгадир. Бунда ишлаб чиқариш шундай режалаштириладики, натижада корхонанинг бозордаги барқарорлигини сақлаб қолиш, юзага келадиган ҳолат ва ташқи муҳитни ҳисобга олишдан ташқари, маҳсулотни тезда сотиш ва ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига имкон яратилади. Бунинг учун корхона анчадан бери ишлаб чиқарилаётган анъанавий маҳсулотлардан ташқари, янги маҳсулот турларини, жумладан, ўхшаши бўлмаган маҳсулотларни ишлаб чиқариши, маҳсулотлар турини қўпайтириши зарур. Барча ходимлар, айниқса, раҳбарлар, бугунги кунда келажакдаги фаолият учун қулай истикбол яратиш нисбатан осон бўлсада, худди шу ишни 3-5 йилдан сўнг, яъни истикболдаги кунга айланган пайтда бажариш қийинлашади ёки бунга умуман имкон бўлмайди. Шу сабабли режалаштириш жорий ҳолатдан ташқари иқтисодиёт ва фан-техника тараққиёти соҳаларидаги рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни қанчалик қўп ҳисобга олса, унинг натижалари шунчалик юқори бўлади. Бу ерда корхонанинг йўлга қўйилган маркетинг хизмати, ходимлар малакаси ҳамда мамлакатимизда ва чет элда ишлаб чиқарилаётган турли маҳсулотлар ҳақидаги илмий-техник маълумотлар муҳим ўрин эгаллайди.

Умуман олганда корхонада режалаштириш тузилмаси ва мазмунини қуйидаги модел кўринишида акс эттириш мумкин (5.2 - чизма):

5.2-чизма



башорати Ишлаб чиқариш куvvати Моддий-товар бойликлари заҳиралари миқдори Ишлаб чиқариш даражаси Янги маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш Реализация ҳажмини баҳолаш Ишлаб чиқариш воситаларига эҳтиёж Айланма воситалар(маб- лағлар)нинг моддий-товар бойликлари заҳираларига киритилиши Координация ва вақт муддатини танлаш	солиштириш Башорат Ўтган йиллар учун буюртмалар ҳажми Тайёр маҳсулот заҳираларини бошқариш Маҳсулотни тақсимлаш Юклаш муддати бўйича мажбуриятлар Буюртма қабул қилинганини тасдиқлаш Юклашга санкция бериш Ишлаб чиқаришга буюртма бериш Буюртма ҳажми Буюртмани бажариш вақтини танлаш	Детал ва қисмларга эҳтиёж Йиғув деталлари ва қисмлари Хом ашё ва материаллар Режали бошқариш Тугалланмаган ишлаб чиқариш Тайёр маҳсулот заҳиралари. Бош (асосий) календарь дастури Деталлар бўйича календарь дастурлар Асбоб- ускуналарни иш билан таъминлаш	Меҳнат харажатлари Тайёрланган маҳсулотлар сони, (дона) Вақт, ускуналар ва станоклардан фойдаланиш Маҳсулот тайёрлаш устидан бевосита назорат Тайёрланаётган маҳсулотлар ҳисоби ва яроқлилиги Операциялар оралиғида материалларнинг деталлар дастгоҳига Жисмоний ҳаракатланиш: Қўзда тутилмаган тўхтаб қолишларни бартараф этиш Тўхтаб қолиш ва заиф жойларни йўқотиш Тўхтаб қолишларнинг олдини олиш
---	---	---	--

Ҳозирги пайтда корхоналарнинг аксари қисми асосан жорий режалар (бизнес-режалар) тайёрлаш билан шуғулланмоқда. Бизнес-режаларда энг муҳим режалаштириш кўрсаткичлари қуйида келтирилган:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат) номенклатураси ва ҳажми (натурал кўринишда);
- маҳсулот сотиш ҳажми (пул кўринишида);
- маҳсулот бирлигининг таннари;
- фойда (даромад);
- категориялар бўйича ходимлар сони;
- меҳнатга ҳақ тўлаш фонди ва ўртача иш ҳақи даражаси;
- омборлардаги хом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва тайёр маҳсулот заҳиралари;
- айланма воситалар ҳажми - умумий ва гуруҳлар бўйича;
- капитал қўйилмалар ҳажми, жумладан, қўйилма объектлари ва йўналишлари бўйича;
- янги техника ва технологияга онд чора-тадбирлар;
- бошқа кўрсаткичлар (зарурлиги ва аниқланишига кўра).

Янги маҳсулотлар ва технологияларни қўллаш лойиҳалари, шунингдек, инвестициялар ва қурилиш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирларнинг бир қисми алоҳида режаларга киритилади. Улар чора-тадбирларни амалга оширишнинг бутун даврига тузилади.

Режалаштириш тизими макбул йўлга қўйилганда режада белгиланган кўрсаткичларнинг рақамларда белгиланиши киритилган мутлақ катталиқ сифатида кўриб чиқиши лозим. Режаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш қўп ҳолларда четга оғишларга нисбатан юритилиб, улар таҳлил қилинади, четга оғишнинг сабаблари аниқланади ҳамда четга оғишлар салбий характерли бўлса, уларга нисбатан зарурий чоралар қўлланади. Режалаштиришда моҳиятига кўра, корхона олдида турган ишлаб чиқариш вазифалари ва корхонанинг истеъмолчилар талабига муносабатига тавсифловчи буюртмалар “портфели”ни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилади.

5.5. Бизнес-режа, унинг мазмуни ва ишлаб чиқиш тартиби

Тадбиркорлик - корхоналар хўжалик юритиш фаолиятининг узлуксиз қисми бўлиб, фойда (даромад) олиш ва уни кўпайтиришга қаратилган бўлади. Корхоналар ҳаётида у, боқибегамликка берилиш, турғунлик ва исрофгарчиликни инкор қилишни англатади. Корхона раҳбари ёки мутахассис тадбиркорлик ва ташаббускорлик “руҳига” эга бўлмаса, демак, у бўш ёки ёмон ходим, хизматда белгиланган соатларни ўтказиб ўтирувчи шахс ҳисобланади. Аксинча, тадбиркорлик ва ташаббускорлик “руҳига” эга бўлган мутахассис ёки мансабдор шахслар ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ривожлантириш, меҳнат сифатини кўтариш ва корхонанинг оладиган даромадларини кўпайтириш йўллари излаб топадилар.

Тадбиркорликни кўпинча муайян шахсга “боғлаб қўядилар” ҳамда бу шахсни тадбиркор ёки бизнесмен деб атайдилар. Бундан ташқари бир гуруҳ шахслардан ташкил топувчи жамоа тадбиркорлиги ҳам мавжуд. Бу ҳолатни жамоа бизнеси ёки жамоа тадбиркорлиги деб аташ мумкин.

Агар яқка шахс индивидуал тарзда ёки кичик бир жамоа воситачилик, олди-сотди, маслаҳат ва бошқа хизматлар билан шуғулланса, у ҳолда бизнес-режа талаб қилинмайди. Бошқа ҳолларда **бизнес-режа** янги корхона ташкил қилиш ёки бирон-бир тижорат лойиҳасини амалга ошириш учун мўлжалланаётган асосланган хатти-ҳаракатларни ўз ичига олувчи ҳужжат ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси, корхонага ўз имкониятларини баҳолаш, бозордаги истикболни, зарурий харажатларни аниқлаш, корхона фаолиятининг биринчи йилларида “сув остидаги тошлар”ни аниқлаш ҳамда мазкур фаолият турининг фойдали ёки зарarli эканлигини баҳолаш кўрсаткичлари ёрдамида ҳисоблашга ёрдам беришда деб белгиланади.

Бизнес-режани тайёрлаш натижасида *«Ишни нимадан бошлаш керак?»*; *«Самарали ишлаб чиқаришни қандай ташкил қилиш лозим?»*; *«Биринчи фойда ёки даромад қачон олинади?»*; *«Инвесторлар ва кредиторлар билан қачон ҳисоб-китоб қилиш мумкин?»*; *«Юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарни қандай камайтириш мумкин?»*; *«Рақобатчилар билан курашда қандай чоралардан фойдаланиш мумкин?»* каби саволларга жавоб олинади.

Бизнес-режани тузишда қуйидаги шартларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

- бизнес-режа профессионал ва шу билан бир пайтда содда, бажариш учун тушунарли ва осон бўлиши лозим;
- бизнес-режа инвестор ёки бошқа манфаатдор шахс ўзига керакли маълумотларни кидириб топиши учун бўлимларга (БОБларга) бўлиниши лозим;
- бизнес-режани тайёрлашда корхонанинг бош раҳбари албатта қатнашиши шарт, чунки инвестор, банк ёки бошқа молия идораси корхона раҳбари қатнашмаганлиги ёки бошқа шахсга топширилганлиги ҳақида хабар топса, бизнес-режанинг ишончилигига шубҳа уйғониши мумкин;

Добавлено примечание ([15]): ма

- бизнес-режанинг объектив баҳоланишига эришиш керак, яъни унда хатолар ва нотўғри ҳисоб-китоблар бўлмаслиги лозим;

- бизнес-режанинг тарқатиб юборилмаслигини назорат қилиш зарур, чунки унда бизнес тўғрисидаги махфий маълумотлар жой олган бўлади.

Режаларнинг ҳар бир тури каби, бизнес-режа ҳам, бўлим ва кўрсаткичлардан иборат бўлади. Ўнтагача бўлимни ўз ичига оловчи бизнес-режа мазмуни ва тузилишига кўра, энг мақбул ҳисобланади. Мавжуд адабиётларда куйидаги бўлимларни ўз ичига оловчи бизнес-режалар таклиф қилинади:

1. Танланган бизнес концепцияси.

2. Ҳозирги пайтдаги ҳолат (мақсад, вазифа ва ниятлар).

3. Ташкил қилинаётган корхона ва унинг маҳсулот ҳамда хизматлари тавсифномаси.

4. Бошқарув (менеджмент).

5. Бозор тадқиқоти ва таҳлили.

6. Маркетинг ҳаракатлари режаси.

7. Ишлаб чиқариш режаси.

8. Таваккалчиликни баҳолаш.

9. Молиявий режа.

10. Бизнес-лойиҳанинг самарадорлиги.

Танланган бизнес йўналишининг концепциясини тузишда унинг рақобатбардошлиги (сифат, нарх, истеъмолчига етказиб бериш шакли, тайёрлаш технологияси ва ҳоказо); маблагларга бўлган эҳтиёжлар; ўзига жалб қилишнинг асосланганлиги (таклиф қилинаётган маҳсулотнинг бошқа маҳсулотлардан афзалликлари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қайси босқичда эканлиги ва ҳоказо)га катта эътибор қаратиш лозим.

Концепцияда танланган товар бозоридаги аҳвол; корхонанинг танланган бизнес соҳасидаги кучли ва кучсиз томонлари; бошқа бозорга чиқиш имкониятлари; бозорга таъсир ўтказувчи қонунчилик, сиёсат, демографик ҳолат каби омиллар акс эттирилади. Бундан ташқари концепция баҳонинг ўзгариши, инфляциянинг ўсиши, капитал олиб чиқиш ёки маҳсулот олиб киришни чекловчи қонун ҳужжатларини қабул қилиниши каби шароитларда, маҳсулотни сотишни қўпайтириш учун зарур бўлган чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олади. Ушбу бўлим танланган бизнес йўналиши мақсадлари ва ниятларининг шаклланиши билан яқунланади.

Корхона, унинг маҳсулот ва хизматлари тавсифномаси бўлимида корхонанинг жойлашган манзили, бозорга чиқиш шакли, бозордаги улуши, асосий рақобатчилари ва уларнинг кучли томонлари, технология даражаси ва харажатлар таҳлили акс эттирилади.

Мулкчилик шакли, ходимларнинг малакаси, ташқи муҳит билан муносабатлар **“Бошқарув”** бўлимида кўрсатилади.

“Бозор тадқиқоти ва таҳлили” бўлимида танланган бозор асослаб берилди, харидорларни корхона маҳсулотларига жалб этувчи рақобатчилик усуллари ҳамда бозорда баҳони шакллантириш ва ҳоказолар кўриб чиқилади.

Маркетинг режасининг асосий вазифаси корхонанинг бозордаги имкониятларига баҳо беришдир. Маркетинг режасининг асосий элементлари сифатида товарларни тарқатиш тизими, баҳони шакллантириш, реклама, савдони рағбатлантириш усуллари, сотилгандан кейинги хизмат кўрсатишни ташкил қилиш, корхона (фирма) ва унинг маҳсулотлари ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантириш кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

“Ишлаб чиқариш режаси” потенциал харидорларга керакли маҳсулотлар ҳажмини ўз вақтида ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлигини кўрсатади. Мазкур бўлимда куйидагилар ўз аксини топади: янги ташкил қилинган ёки фаолият юритаётган корхонада товар ишлаб чиқариш жойи; бунинг учун зарур бўлган ишлаб чиқариш қувватлари ва уларнинг ўсиш истикболлари; хом ашё ва материал етказиб берувчилар;

ишлаб чиқариш кооперацияси; ишлаб чиқариш оқимлари тизимини тузиш; сифатни назорат қилиш жараёни; фойдаланиладиган стандартлар; вужудга келиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш харажатлари.

“Таваккалчилик ва суғурталашни баҳолаш” бўлими икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмда таваккалчиликнинг барча турлари (ёнгин, зилзила, солиқни бошқаришдаги ўзгаришлар ва валюта курсининг тебраниши) олдиндан ҳисоблаб чиқилади. Иккинчи қисмда эса таваккалчилик хавфининг олдини олиш, яъни таваккалчилик ва зарарларни қисқартириш чора-тадбирлари кўрсатилади, шунингдек, таваккалчилик хавфидан суғурталаш дастури амалга оширилади.

Молиявий режа бизнес-режанинг якунловчи бўлими бўлиб, корхона фаолиятининг натижаларини тавсифлайди. У қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- савдо ҳажмининг башорати;
- пул даромадлари ва харажатлари баланси;
- фойда ва зарар бўйича режа.
- Мазкур режанинг кўрсаткичлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:
- товарларни сотишдан тушган даромад;
- ишлаб чиқариш харажатлари;
- савдодан тушган умумий фойда;
- соф фойда;
- корхона актив ва пассивининг солиштирма баланси;
- зарарсизликка эришиш графиги.

Шунингдек, мазкур бўлимда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ёки кегайтириш учун маблағ жалб қилиш режалари ҳам ифодаланади. Бўлимда корхонанинг молиявий барқарорлиги ёки ночорлигини аниқлаш имконини берувчи махсус кўрсаткичлар ҳисоб-китоби ҳам келтирилади.

Қисқача хулосалар

Тадбиркорлик фаолиятининг муваффақиятга эришиши кўп жиҳатдан *ишлаб чиқаришни ички режалаштиришнинг* сифатига боғлиқ бўлади. У ҳар бир корхонани бошқаришда энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бозор шароитларида корхоналар режалаштиришнинг устунликларидан рақобатчилик курашида фойдаланадилар. Режалаштиришнинг турли тарзда белгиланиши орасидан режа, бизнес-режа, лойиҳа, техник-иқтисодий асослаш ва умумий режалаштиришни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Режалаштириш ёрдамида бошқарув қарорларини амалга оширишнинг мақсад, вазифа ва усуллари аниқланади.

Режалаштириш *илмийлик, мослашувчанлик, узлуксизлик, оптималлик* каби тамойилларга асосланади. Ўз мазмунига кўра, режалаштириш техник-иқтисодий ва тезкор-ишлаб чиқариш, режа ҳисоб-китобларини аниқлаштириш даражаси ва муддатига кўра эса, стратегик ва тактик турларга бўлинади.

Бозор шароитларида корхона ҳамда инвесторлар ва ҳамкорлар учун бизнес-режани тайёрлаш муҳим аҳамият касб этади. Бунда бозорни тадқиқ этишдан тортиб то харидорларга сотувдан кейинги хизмат кўрсатишгача бўлган кўплаб саволларга жавоб топилади.

Бизнес-режа корхонанинг турли тузилмавий бўлинмалари олдига қўйилувчи бир қатор вазифаларни комплекс равишда ҳал қилиш имкониятини яратувчи кўрсаткичлар ва бўлимлардан иборат бўлади.

Иқтисодий режа асосида бошқаришни мукаммаллаштиришнинг муҳим вазифалари қаторида норма ва нормативларни тайёрлаш, зарурий кўрсаткичлар тизими ҳамда уларнинг режадаги даражасини танлаш ва яратишни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Таянч иборалар

Режалаштириш, индикатив режа, прогноз, стратегик режалаштириш, жорий режалаштириш, башоратнинг мақсади, режалаштириш услубияти, баланс усули, норматив усули, норма, норматив, режалаштиришнинг асосий вазифалари, режалаштиришнинг тамойили, техник-иқтисодий режалаштириш, тезкор-ишлаб чиқариш режалаштириш Календарь режалаштириш Диспетчерлаштириш Умумий ва умумлаштирувчи кўрсаткичлар Хусусий кўрсаткичлар Миқдор кўрсаткичлари Сифат кўрсаткичлари Режаларни ишлаб чиқиш бизнес-режа Тадбиркорлик

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхона фаолиятининг самарадорлигини қандай сабаб ва омиллар белгилайди?
2. Режа, режалаштириш каби тушунчалар нимани англатади?
3. Бозор ва режа ўзаро қандай келишувга келади?
4. Бозор шароитларида режалаштириш вазифалари ва аҳамияти.
5. Режалаштиришдан талаб қилинувчи асосий талабларни санаб ўтинг.
6. Режалаштиришнинг қайси таркибий элементлари сизга маълум?
7. Режа билан башоратнинг фарқи нимада?
8. Лойиҳа билан техник-иқтисодий асослашнинг фарқи нимада?
9. Бизнес-режа нима ва унинг тузилмаси қандай?
10. Бизнес-режани тайёрлашнинг мақсад ва вазифаларини айтиб ўтинг.
11. Бизнес-режа бўлим ва кўрсаткичларига қисқача тавсиф беринг.
12. Режалаштириш усуллари ва уларнинг моҳияти.
13. “Норма”, “норматив”, “нормалаштириш” тушунчаларининг моҳиятини очиб беринг.
14. Нормалаштиришнинг усул ва тамойиллари.

ВИ МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИ

- 6.1. Самарадорлик – корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир.
- 6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезони ва кўрсаткичлари.
- 6.3. Корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонлари, кўрсаткичлари тизими
- 6.4. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари

6.1. Самарадорлик корхона ишлаб чиқариш фаолиятида муҳим ўлчов бирлигидир

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳар бир корхона фаолиятининг энг асосий вазифаси ҳисобланади. У хўжалик юритишнинг сифат ва миқдор кўрсаткичларини, шунингдек, буюмлашган ва жонли меҳнат харажатлари ҳамда олинган натижалар ўртасидаги муносабатни ифодалайди.

Афсуски, бозор шароитларида “самарадорлик” тушунчаси, гарчи, даромад олиш, харажатларни камайтириш, меҳнат самарадорлигининг ўсиши, фонд қайтими, рентабеллик ва ҳоказолар самарадорлик табиатига мос келиб, бозор иқтисодиёти талабларига зид келмасада, баҳо, фойда, даромад, харажат каби тушунчаларга қараганда кам қўлланилмоқда. Самарали ишлаш дегани ўз моҳиятига кўра, мўлжалланган (режалаштирилган) фойдани олиш, ноишлаб чиқариш харажатлари ва йўқотишларни камайтириш, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучидан яхшироқ фойдаланиш, меҳнат самарадорлигини ошириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашни англатади.

“Самара”, “самарадорлик”, “ ижтимоий-иқтисодий самарадорлик” каби тушунчаларнинг орасидаги фарқни англаб олиш зарур.

Самара – бу, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат), фойда ва даромад ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқаришни камайтириш ёки умуман, йўқ қилиш билан боғлиқ бўлган корхона фаолиятининг ижобий натижаларидир. Бу ютуқлар натурал шаклда *ишлаб чиқариш самарасини*, пул шаклида эса *иқтисодий самарани* тавсифлайди.

Самарадорлик, аввало, корхона фаолиятининг сифат жиҳатларини тавсифловчи тушунчадир. У “самара” тоифасидан келиб чиқади ҳамда унга қараганда мураккаб ва комплекс тавсифга эга.

Самарадорлик чора сифатида қўплаб техник, иқтисодий, лойиҳа ва хўжалик қарорларини аввалдан белгилаб беради. Корхона ўзининг хўжалик, илмий-техник ва инвестицион сиёсатини белгилашда самарадорликдан келиб чиқади.

Иқтисодий самарадорлик самарадорликка қараганда бир мунча тор маънони англатади. У қабул қилинаётган қарорларнинг хўжалик юритишда мақсадга мувофиқлигини тавсифлайди ҳамда барча ҳолларда самаранинг унга эришиш учун кетган харажатлар(ишлаб чиқариш ресурслари)га нисбати сифатида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам бўлса (маҳсулот сифатига таъсир қилмаган ҳолда), самара шунчалик ортади, демак, иқтисодий самарадорлик ҳам ортади.

Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ишлаб чиқариш самарадорлигини меҳнат шароитларини, унинг ижодкорлик мазмунини бойитиш, ақлий ва жисмоний меҳнат ўртасидаги фарқни йўқотишни инобатга олган ҳолда тавсифлайди. Ижтимоий-иқтисодий самарадорлик бир вақтнинг ўзида, ишлаб чиқариш самарадорлигини кучайтириш, корхонанинг муваффақиятли фаолият юритиши, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши ва унинг барча қобилиятларидан фойдаланишнинг сабаб ва натижаси ҳисобланади. Бевосита ижтимоий самара, ходимларнинг билим ва малакаси, тажриба ва маданиятининг ўсиши, аҳоли соғлиғининг яхшиланиши ва умр кўришининг узайишида акс эттирилади.

Ишлаб чиқариш самарадорлиги ижтимоий самарадорликка нисбатан бирламчи ҳисобланади: иқтисодий ютуқлар корхонанинг ижтимоий муаммоларини ҳал қилишга ёрдамлашади. Масалан, фойданинг ўсиши, жамғармаларнинг ортиши корхонага ижтимоий вазифалар доирасини кенгайтириш ва уларни ҳал қилиш имконини беради.

Бироқ самарадорлик ва унинг асосий кўрсаткичи - фойда (даромад) ўз-ўзидан, автоматик равишда юзага келмайди. Турли корхоналарда самарадорликка эришиш учун мавжуд ишлаб чиқариш қувватлари ва бошқа хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда, турли восита ва йўللардан фойдаланилади. Бунда вақт омили, яъни самарадорликка қисқа ёки узоқ муддатларда эришишни мўлжаллаш, асосий роллардан бирини ўйнайди. Масалан, корхона олаётган фойдасини қисқа вақт мобайнида маҳсулот сифатини яхшилашни маблағ билан таъминлаш, ишлаб чиқаришни қайта қуrollантириш ва модернизация қилиш, ходимлар малакасини оширишга ажратилаётган маблағларни камайтириш йўли билан қўпайтириши мумкин. Узоқ муддатли режаларда эса бу, фойданинг камайишига ва ҳаттоки корхонанинг бозордаги ўрнини йўқотиши натижасида банкротга учрашига олиб келиши мумкин.

Хорижий фирма ва корхоналар ўз фаолиятларида самарадорликка эришиш учун ишлаб чиқариш техника ва технологияларига эътиборни кучайтиришдан ташқари, маҳсулот сифатини ошириш ва уни реклама қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Масалан, Япониянинг “Омрон” фирмаси ўзига “Барчанинг яхши ҳаёти, яхши дунё учун” деган иборани шиор қилиб олган. Американинг “Катерпиллер” компаниясининг шиори “Дунёнинг ҳар бир бурчагида 48 соат хизмат кўрсатиш” бўлса, “Рибок” фирмаси “Яхши баҳодаги нарх” иборасини шиор қилиб олган. Бундай мисоллардан яна бир нечтасини келтириб ўтиш мумкин.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, самара ва самарадорлик қотиб қолган категориялар қаторига кирмайди ҳамда фақатгина пул кўринишида ўлчанмайди.

Самарадорлик ва сифатли меҳнат туфайли корхона *биринчидан*, ўзининг иқтисодий барқарорлиги ва бозордаги рақобатчиликка бардош беришини таъминлайди, *иккинчидан*, ўз имиджини яхшилайти ва ҳамкорлар билан алоқаларини мустаҳкамлайди, *учинчидан*, ходимларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини яхшилайти. Демак, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари кидириш, харажат ва натижаларни тўғри солиштириш, мулкчилик шакли, қайси тармоққа тегишлилиги, ҳудудий жойлашиши ва фаолият туридан қатъи назар, ҳар бир корхона учун муҳим вазифа ҳисобланади.

6.2. Хўжалик юритиш самарадорлигининг мезон ва кўрсаткичлари

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш – корхона раҳбариятининг доимий вазифасидир. Бу вазифани ечиш амалиётда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлади:

- бозор талабларига жавоб берувчи юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда энг кам харажатлар билан ишлаб чиқаришнинг максимал ҳажмини таъминловчи, оптимал ишлаб чиқариш жараёнини танлаш;

- истеъмолчилар талабини қондиришга йўналтирилган маҳсулотни сотиш ва юқори даромад (фойда) олиш;

- айланма воситаларни тежаш имкониятини яратувчи оптимал ишлаб чиқариш заҳираларини яратиш.

Хўжалик самарадорлигини ошириш омилларининг юқорида санаб ўтилган ҳар бири, фаолият юритишнинг турли шакл ва кўринишлари ёрдамида, ишлаб чиқариш самарадорлиги асосида ётувчи харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқасини инобатга олган ҳолда амалга оширилади (6.1.-жадвал).

6.1 - жадвал

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотишдаги харажатлар ва ресурсларнинг ўзаро алоқаси

Моддий ва буюмлашган шаклда		Пул шаклида	
Ресурслар	Харажатлар	Ресурслар	харажатлар
Ишчи кучи сони	Меҳнат (сифат ва миқдор)	Меҳнат ҳақи фонди	Тўланган ойлик миқдори, жумладан, мукофот ва қўшимчалар
Бино, иншоот, машина ва ускуналар (меҳнат қуроллари)	Меҳнат қуролларининг эскириши	Асосий капитал	Амортизация ажратмалар
Меҳнат предметлари	Истеъмол, талаб, материаллар, ёқилғи, энергия ва ҳоказо	Айланма капитал	Сарфланган хом ашё, материал ва ҳоказолар қиймати
Тайёр маҳсулот	Дизайн, реклама, қадоқлаш, товар йўқотишлари	Муомала фондлари	Қўшимча харажатлар (қиймат)
-	-	Пул маблағлари	Кредит учун фоиз

Хўжалик самарадорлигини баҳолаш, корхонада фойдаланиладиган ресурс турлари бўйича амалга оширилиши ва миқдор жиҳатидан ўлчаниши мумкин. Масалан, *ишчи кучидан* фойдаланиш самарадорлигини меҳнат унумдорлиги ва маҳсулотнинг меҳнат сиғими кўрсаткичлари ёрдамида қуйидаги формула асосида баҳолаш мумкин:

$$M_y = Q / I_c$$

Бу ерда: M_y - меҳнат унумдорлиги;

Q - маҳсулот ҳажми қиймат кўринишида;

I_c (M_c)- ишловчилар (меҳнат салоҳияти) сони.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими меҳнат унумдорлигига тескари катталиқ бўлиб, сарфланган меҳнат миқдорининг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати сифатида аниқланади:

$$M_c = H_c / K$$

Меҳнат қуроллари (асосий воситалар ёки фондлар)дан фойдаланиш самарадорлиги маҳсулотнинг фонд сифими ва фонд қайтими кўрсаткичлари ёрдамида аниқланади. Бунда фонд қайтими корхона асосий воситаларининг бир бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқарилган маҳсулотни англатса, фонд сифими эса фонд қайтимига тескари катталиқ бўлиб, янги асосий воситаларни ташкил қилиш учун зарур бўлган капитал қўйилмаларни аниқлаш вазифасини бажаради.

Фонд қайтими (Φ_k) ва фонд сифимини (Φ_c) аниқлаш формуласи қуйидагича:

$$\Phi_k = K / AB.$$

Бу ерда: K - маҳсулот ҳажми, қиймат пул кўринишида;

AB - асосий ишлаб чиқариш воситалари (фондлари) қиймати.

$$\Phi_c = AB / K$$

Фонд қайтими қанчалик юқори ва фонд сифими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш ва меҳнат қуролларида фойдаланиш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади ва аксинча. Машина ва ускуналардан унумли фойдаланиш, ишлаб чиқариш технологияларини такомиллаштириш ҳамда ходимлар малакасини ошириш, фонд қайтимини кўпайтиришнинг муҳим заҳираси ҳисобланади.

Меҳнат қуролларида фойдаланиш самарадорлиги, маҳсулотларнинг материал сифими ёрдамида сарфланган хом ашё, материал, ёқилғи, энергия ва меҳнат предметларининг умумий қийматини ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади. Унинг формуласи қуйидагича:

$$M_{tc} = Mx / K$$

Бу ерда: M_{tc} - маҳсулотларнинг материал сифими;

Mx - маҳсулот ишлаб чиқариш учун кетган моддий харажатларнинг умумий миқдори пул кўринишида;

K - ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, қиймат кўринишида.

Маҳсулотнинг материал сифими қанчалик паст бўлса, ишлаб чиқариш самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Бироқ маҳсулот материал сифимини камайтириш, унинг сифатини пасайтириш ёки технология норма ва қоидаларини бузиш ҳисобига амалга оширилмаслиги лозим. Материал сифимининг бу тарзда камайтирилиши иқтисодий жиноят ҳисобланади ва қонунга асосан жазога тортилади.

Бозор шароитларида корхона хўжалик фаолияти самарадорлигининг умумлаштирувчи ёки мезон кўрсаткичи сифатида активлар рентабеллиги ёки капиталнинг даромадлилигини қабул қилиш мумкин. Бу кўрсаткич қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$P = C\Phi / A_k$$

Бу ерда: P - активлар рентабеллиги, хўжалик фаолиятининг натижасини фойда шаклида кўрсатади ва фоизларда ўлчанади;

$C\Phi$ - корхонанинг соф фойдаси;

A_k - авансланган капитал (асосий ва айланма).

Нисбатнинг катталашиши меҳнат, молия, технология ва моддий ресурсларидан унумлироқ фойдаланишни англатади. Чунки айнан улар ишлаб чиқариш ҳажми ва харажатлари, маҳсулот баҳосига таъсир ўтказади. Хўжалик фаолияти минимал харажатлар билан юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилган жойларда самаралироқ бўлади.

Корхона рентабеллигини аниқлашда баъзида корхона олган умумий фойда эмас, балки маҳсулот таннархини пасайтириш ҳисобига олинувчи фойда улушидан фойдаланилади. Бундай ёндашув корхонани ишлаб чиқариш маҳсулдорлигини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларидан тежамкорлик билан рационал тарзда фойдаланиш,

натижада эса маҳсулот ишлаб чиқаришга сарфланувчи барча харажатларни камайитиришга йўналтирилган чора-тадбирлар сари чорлайди.

6.3. Корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги мониторинги ва таҳлилни ўтказиш мезонлари, кўрсаткичлари тизими

Иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, фан-техника тараққиётини яна ҳам жадаллаштириш, ишлаб чиқариш салоҳиятидан оқилона фойдаланиш, ресурсларнинг ҳамма турларини ҳар томонлама тежаш ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бозор иқтисодиёти конуларига мос равишда олиб бориш мамлакатимиз иқтисодий стратегиясининг энг муҳим таркибий қисмидир.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади.

Корхонада самарадорликни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Бугунги кунда самарадорликни аниқлашда барча кўрсаткичларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиб ўрганиш қабул қилинган. Биринчи гуруҳга натурал кўрсаткичлар киради. Иккинчи гуруҳга иқтисодий кўрсаткичлар киради. Ҳар икки гуруҳ кўрсаткичлардан фойдаланиш самарадорликни аниқроқ кўрсатади. Шу сабабли биз самарадорликни аниқлашда натурал ва иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деган фикрдамиз.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилни ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

- иқтисодий барқарор корхона
- иқтисодий хатарли корхона
- иқтисодий ночор корхона:
- ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга;
- ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тк}$);
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$);
- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($R_{их}$),
- Активлар рентабеллиги. (R_a);
- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ($K_{хк}$);
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти:
- Эскириш коэффиценти ($K_{эск}$)

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англаувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс эттирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сифими, фонд қайтиши, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммолар вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

1. Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тк}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини

сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тқ} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A_2}{P_2 - ДО}$$

Бу ерда:

A_2 – айланма активлар (ишлаб чиқариш заҳиралари, тайёр маҳсулот, пул маблағлари, дебиторлик қарзлари ва ҳоказолар);

P_2 – мажбуриятлар (қисқа муддатли қарзлар, қисқа муддатли кредитлар, бюджет олдидаги қарзлар, кредиторлик қарзлари ва ҳоказо), бухгалтерия балансининг 770 сатри;

ДО– узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар **тўлов қобилияти коэффиценти** ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(P_1 + Дзк2) - A_1}{A_2}$$

Бу ерда:

A_1 – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Дзк2 – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффицентнинг минимал қиймати - 0,2.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{их}$),

$$P_{их} = \frac{C\Phi}{\text{МИТ}}$$

ёки

Бу ерда: $Я\Phi$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

$МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

$$P_{их} = \frac{Я\Phi}{\text{МИТ}}$$

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

у ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

ЖАйк – корхона жами активларининг ўртача йиллик

қиймати.

Агар рентабеллик коэффициентлари нолда кичик бўлса корхона зарар билан ишлаётган деб ҳисобланади

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($K_{\text{хк}}$) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{\text{хк}} = \frac{\text{П1}}{\text{П2} - \text{ДО}}$$

Бу ерда:

П1 – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

ДО– узоқ муддатли қарз ва кредитлар,бухгалтерия балансининг 490 сатри

Агар хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг қиймати йил охирида бирдан кичик бўлса, корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжудлигининг аломати бўлади. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг камайиши корхонанинг молиявий хатарини ортишини билдиради.

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{\text{кф}} = \frac{\text{Қ ҳақиқий}}{\text{Қлойиха.} - (\text{Қижара.} + \text{Қконсерв.})}$$

Қ ҳақиқий. – ҳақиқий ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

Қлойиха.– максимал, лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати

Қижара. –ижарага бериб юборилган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми;

Қ консерв. – консервация қилинган қувватларга мос келувчи маҳсулот ҳажми;

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти 0.5 дан ёки тармоқ бўйича ўртача қийматдан кичик бўлса, корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш паст даражада деб қабул қилинади.

7. Эскириш коэффициенти ($K_{\text{эск}}$) эскириш суммасининг асосий воситалар бошлангич қийматига нисбати сифатида куйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{\text{эск}} = \text{Ав.эс}/\text{Ав.бк}$$

Бунда:

Авэ – асосий воситалар эскириш суммаси;

Авбк – асосий воситаларнинг бошлангич ишлаб чиқариш қиймати;

Асосий воситаларни эскириш коэффициенти 0.5 дан юқори бўлмаслиги лозим.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналарнинг тўловга қобилиятлиги ёки ночорлигини аниқловчи параметрлар белгилаб берилган.

Иқтисодий хатарли корхона учун тўлов қобилияти коэффициенти ҳамда хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти меъёрдан дан кичик бўлса, молиявий мустақиллик коэффициенти 0,5 дан кичик бўлса, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 дан кичик бўлса корхоналар иқтисодий хатарли корхона деб топилади.

Иқтисодий ночор корхона учун пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиши лозим.

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, шу билан бирга Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор бўлса, яъни тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тк}$)меъёрда, рентабелли ва хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$) юқори бўлса “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти бор” деб қабул қилинади

* Пул мажбуриятлари ва мажбурий тўловлар бўйича 3 ойдан ортиқ қарзи бор бўлиб, унинг қиймати энг кам иш ҳақининг 500 бараваридан юқори бўлса ва Активлар рентабеллиги. (R_a)паст, тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тк}$)кичик, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$)паст бўлса корхона “Тўлов қобилияти тиклаш имконияти йўқ” деб қабул қилинади

Корхона ночорлиги, демак, хўжалик фаолиятининг самарасизлиги тўғрисидаги якуний қарор, ночорлик параметрларининг умумий суммаси юқоридаги меъёрлардан кичик бўлган ҳолда қабул қилинади.

Хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш жуда ҳам мураккаб жараён бўлиб, бунинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Ҳар бир корхона бу масалани ечишда ўз имкониятлари ва юзага келган иқтисодий шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳам самарадорликнинг асосида *фойдани максималлаштириш* ёки *ҳаражатларни минималлаштириш* ётади.

6.4. Корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, хўжалик юритишнинг бозор тизими ҳамда ҳар қандай даврнинг муҳим талабидир. Самарадорлик исталган корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва фаолият юритиш қобилиятини акс эттиради. Ҳар қандай ишда, жумладан, корхоналар фаолиятида самарадорликнинг, ижобий натижаларнинг мавжуд бўлмаслигини, образли қилиб айтганда, оворагарчилик, вақт, куч ва ресурсларни йўқотиш билан изоҳлаш мумкин.

Фан-техника тараққиёти корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлиб келган ва ҳозирда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Мазкур омилдан қуйидаги йўللар билан фойдаланиш мумкин:

- ишлаб чиқариш ва меҳнатни механизациялаштириш, автоматлаштириш ҳамда комплекс равишдаги механизациялаштириш;
- асосий технологик жараёнларни роботлаштириш;
- прогрессив, меҳнат ҳамда ресурсларни тежашга йўналтирилган технологик жараёнларни амалиётга киритиш ва улардан кенг фойдаланиш;
- хом ашё ва материаллар (меҳнат предметлари) замонавий турларини яратиш ва улардан фойдаланиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, режалаштириш ва бошқариш жараёнларида замонавий ахборот технологияларидан, ҳисоблаш техникасидан фойдаланиш;
- ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилиш.

Амалиётда фан-техника тараққиётининг, жумладан, унинг таркибий қисмларининг аҳамияти ва ролини инкор қилувчи ёки тушунмовчи корхона топиш амримаҳол. Бироқ ушбу омилни амалга ошириш учун фақатгина ҳоҳиш ва истакларнинг ўзигина етарли эмас. Бунинг учун *биринчидан*, фан-техника тараққиётининг айна пайтда зарур бўлган йўналишларини излаш ва аниқлаш, *иккинчидан*, пул маблағларини ва бошқа зарур бўлган ресурслар (инвестициялар) излаб топиш, *учинчидан*, замонавий илмий-техникавий ишламаларга ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари, конструкторлик, технологик ва бошқа илмий муассасалар билан керакли алоқаларни “боғлаш”, *тўртинчидан*, ўз илмий-техникавий мақсадларининг самаралилигини ҳисоблаб чиқиш талаб қилинади.

Фан-техника тараққиёти сўнгги пайтларгача эволюцион равишда ривожланиб келмоқда эди. Асосий эътибор амалдаги технологияларни такомиллаштириш, машина ва

ускуналарни қисман замонавийлаштиришга қаратилган эди. Бундай чора-тадбирлар маълум бир чекланган натижаларга олиб келарди.

Янги техникаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга киритишдан манфаатдорлик талаб даражасида эмасди. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг хорижий прогрессив технологиялари “эксплуаторлик белгиси” сифатида, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва механизациялаштириш эса ишсизликнинг асоси сифатида қабул қилинар эди. Хориж тажрибаларига капиталистик тажриба деб қараларди ҳамда бу тажрибаларнинг кенг тарқалишига йўл қўйилмас эди.

Бозор муносабатлари шаклланаётган ҳозирги шароитларда, чуқур сифат ўзгаришлари, тамойиллари янги технологиялар ва сўнгги авлод техникасига ўтиш, иқтисодиётнинг барча тармоқларини фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида қайта қуроллантириш зарур. Шу билан бир қаторда олимлар, конструкторлар, муҳандис ва ишчиларнинг ижодий руҳда меҳнат қилишлари учун иқтисодий ва ижтимоий манфаатдорликни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Масалан, Япония корхона ва фирмаларида ижодий гуруҳлар, сифат гуруҳлари ташкил қилинган, яъни фан-техника тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлмиш университетлар, илмий марказ ва лабораториялар билан алоқалар ривожлантирилмоқда. Япониянинг бугунги кунда роботлар ҳамда замонавий техника ва технологияларнинг бошқа турларини яратишда биринчи ўринларда туриши ҳам бежиз эмас.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан яна бири сифатида *мавжуд ишлаб чиқариш салоҳияти* - асосий ва айланма фондлар, ишчи кучидан тежамкорлик асосида, иложи борича унумлироқ фойдаланишни кўрсатиш мумкин. Бундан ташқари уларга буюмлашган меҳнат сарфланганлиги, яъни корхонанинг бутунги эгаларидан ташқари аввалги авлод вакилларининг ҳам меҳнати мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бозор шароитларида ишлаб чиқариш салоҳиятидан унумли фойдаланиш зарурияти ҳақида қайта таъкидлашга эҳтиёж йўқ: биринчидан, бозор “вакуумни”, ҳаракатсизликни, хўжасизликни ва йўқотишларни кечирмайди, иккинчидан, ўз имкониятлари ва ресурсларидан етарлича фойдаланмайдиган корхона истикболга эга бўлмайди ҳамда банкротга учрашга асос яратади. Шу сабабли барча турдаги ресурслардан самарали фойдаланиш ва айниқса ишлаб чиқаришнинг барча бўғинларида тежамкорликка риоя қилиш ҳар бир корхона фаолиятининг муваффақият қозонишининг гарови ҳисобланади.

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини оширишда *ташқилий-иқтисодий омиллар*, жумладан, бошқарув ҳам муҳим ўринга эга. Уларнинг аҳмияти ишлаб чиқариш микёсининг ўсиши ва хўжалик алоқаларининг мураккаблашиши билан ортиб боради. Бу омиллар қаторига биринчи ўринда, оқилона ишлаб чиқариш шакллари яратиш ва мавжудларини такомиллаштириш - концентрация, ихтисослаштириш, кооперация ва комбинация қилишни киритиш мумкин.

Бошқарувда эса, бошқариш, режалаштириш, иқтисодий рағбатлантиришнинг усул ва шакллари, яъни корхона фаолиятининг бутун хўжалик механизмини такомиллаштиришда ифодаланади. Корхона раҳбарининг иш стили ва усуллари фан-техника тараққиёти ва бозор иқтисодиётига мос қилини зарур. Масалан, корхона директори билими, тажрибаси ва профессионал малакасига кўра, оддий ходимлар ва бўлинма (хизмат) раҳбарларидан юқори туриши лозим. Акс ҳолда у жамоани керакли тарзда бошқара олиши ҳамда муваффақиятга эришиши ва имиджга эга бўлиши қийин.

Режалаштиришда режаларнинг баланслаштирилиши, кўрсаткичлар тизимини оптимал шакллантириш, режалаштирилаётган мақсадлар ресурслар билан таъминланиши муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ўз навбатида корхонадаги иқтисодий фаолиятни кучайтиришни, режалаштириш ва иқтисодий ҳисоб-китобларни ҳамда замонавий компьютер техникаси ва унинг режа иқтисодий ҳисоб-китобларини амалга оширишдаги имкониятларини яхши билувчи, саводли ва малакали иқтисодчиларни танлашни талаб қилади.

Корхона фаолиятининг самарали бўлишида *ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш*, ишлаб чиқарилаётган *маҳсулотларнинг тури ва сифатини ошириш* ҳамда жаҳон стандартлари даражасига етказиш, *корхонанинг ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш* каби омиллар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бунга эса замонавий машина ва асбоб-ускуналар, замонавий технологиялар, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор усулларида фойдаланиш орқали эришилади.

Албатта, юқорида келтириб ўтилган омилларни амалга ошириш маълум бир ресурслар ва вақт сарфлашни талаб қилади. Бироқ бу муаммоларнинг моҳияти ва аҳамиятини ўзгартирмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, замон билан ҳамнафас ҳолда ҳаракат қилувчи, барча фаолият турларида тежамкорликка риоя этувчи, ўз салоҳиятидан унумлироқ фойдаланувчи, замонавий фан ва техника ютуқларига таянувчи корхона ўзининг бугунги кундаги муваффақиятларидан ташқари, келажакда ҳам муваффақиятларга эришишини, жумладан, бозордаги ўз ўрни ва рақобатчилик муҳитида қулай аҳволда бўлишини таъминлайди.

Қисқача хулосалар

Ишлаб чиқариш ва корхона фаолиятининг самарадорлиги «мода»га эргашиш ёки аввалги режали иқтисодийнинг акс-садоси эмас. Корхонанинг муваффақияти ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлиги самарали хўжалик юритишга асосланади.

Самарадорлик - хўжасизлик, исрофгарчилик ва бошқа талофатларнинг антиподидир. Бироқ самарадорлик ўз-ўзидан автоматик равишда келмайди. Фан-техника тараққиёти, ишлаб чиқариш қувватлари ва ресурслардан оқилона фойдаланиш, тежамкорликка риоя қилиш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш ва оқилона инвестицион сиёсат самарадорликни оширишнинг муҳим омили ва йўналиши бўлиб хизмат қилади.

Самарадорликнинг асоси харажатларни минималлаштириш ва фойдани максималлаштиришдадир. Корхона хўжалик юритишининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар сифатида меҳнат маҳсулдорлиги, фонд қайтими ва фонд сиғими, материал сиғими, меҳнат сиғими, рентабеллик ва ҳоказоларни кўрсатиш мумкин.

Корхонанинг барқарорлиги ёки ночорлиги унинг самарали ёки самарасиз фаолият юритишини мос равишда акс эттиради. Бу жиҳатдан бугунги хўжалик юритиш амалиёти тўлов қобилияти коэффиценти, хусусий ва қарзга олинган айланма маблағлар нисбати коэффиценти, молиявий мустақиллик коэффиценти ва хусусий айланма воситалар билан таъминланганлик коэффиценти каби кўрсаткичлар тизимидан фойдаланади.

Турли корхоналарда хўжалик юритиш самарадорлигига ўз имкониятлари ва юзага келувчи иқтисодий имкониятлардан келиб чиққан ҳолда турли усуллар ёрдамида эришилади. Самарадорликка эришишнинг ҳамма учун тўғри келувчи ягона йўли мавжуд эмас. Корхонанинг вазифаси барча фаолият турларида самарадорликка эришиш йўллари кидиришдир.

Таянч иборалари

Ишлаб чиқариш самарадорлиги, самара, самарадорлик, иқтисодий самарадорлик, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик, хўжалик самарадорлигини ошириш омиллари, ишчи кучидан фойдаланиш самарадорлиги, меҳнат қуроллари(асосий воситалар)дан фойдаланиш самарадорлиги, рентабеллик ёки капиталнинг даромадлилиги, корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгилари, тўлов қобилияти коэффиценти, хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти, молиявий мустақиллик коэффиценти, хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти, корхона фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари ва омиллари, фан-техника тараққиёти, ташкилий-иқтисодий омиллар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг моҳияти нимада ва у корхона умумий фаолияти самарадорлигидан қандай фарқ қилади?
2. Самарадорликнинг қандай турларини биласиз? Самаранинг самарадорликдан фарқи нимада?
3. Корхона ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичлари мазмунини очиб беринг. Бу кўрсаткичларни ҳисоблаш усули қандай?
4. Сизнинг фикрингизча, қайси кўрсаткич корхона фаолияти самарадорлигини кўпроқ акс этитради?
5. Корхона фаолияти самарадорлигини оширишнинг асосий йўллари ва омилларини санаб беринг.
6. Бозор шароитларида самарадорликни иқтисодий кўрсаткич ҳамда тушунча сифатида қабул қилиш мумкинми?
7. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда асосий ўрин кимга тегишли: инсонларга, ресурсларга ёки фан-техника тараққиётига?

ВИИ МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ

- 7.1 Асосий воситаларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни.
- 7.2. Корхоналарда асосий воситаларни баҳолаш, уларни эскириши ва таъмирлаш
- 7.3. Корхона асосий воситаларининг ҳолати ва таъминланганлиги кўрсаткичлари.
- 7.4. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни ошириш йўналишлари.
- 7.5. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати

7.1. Асосий воситаларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни

Замонавий иқтисодиёт фани **асосий воситаларни** маълум бир истеъмол қиймати кўринишида ижтимоий меҳнат асосида яратилувчи, ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган материал омиллари қаторига киритади. Ҳозирги бозор шароитларида корхона кучи ва воситалари ёрдамида яратилган (фонд)лар ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк ҳисобланади. Бутун иқтисодиёт миқёсида асосий восита (фонд)лар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил қилади. Корхонанинг асосий воситалари атамаси амалиётда ва қўллаб адабиётларда “асосий воситалар” ёки “асосий капитал” атамаси билан ҳам қўлланилиши мумкин.

Асосий воситалар корхона ишлаб чиқариш воситаларининг бир қисми бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт иштирок этади ва ўзининг натурал-моддий ҳолатини йўқотмайди ҳамда ўз қийматини тайёрланаётган маҳсулотларга қисмлаб ўтказиб беради. Асосий воситалар қийматини тайёрланаётган маҳсулотга ўтказиш жараёни амортизация деб, ушбу жараёнда тўпланган маблағлар эса *амортизация ажратмалари* деб аталади.

Ўзбекистон республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига (5-сон БҲМС “Асосий воситалар”) кўра асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

- а) бир йилдан ортиқ хизмат қилиш муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар.

Корхона раҳбари ҳисобот йилида буюмларни асосий воситалар таркибида ҳисобга олиш учун улар қийматининг энг кам чегарасини белгилашга ҳақли.

Хизмат муддати ва қийматидан қатъи назар, қуйидагилар асосий воситалар таркибига киритилмайди:

а) махсус асбоблар ва мосламалар (муайян буюмларни туркумлаб ва ёппасига ишлаб чиқариш учун ёки яқка тартибдаги буюртмаларни тайёрлаш учун мўлжалланган, мақсадли йўналтирилган асбоблар ва мосламалар);

б) махсус ва санитария кийим-кечаклари, махсус пойабзаллар;

в) кўрпа-тўшак анжомлари;

г) ёзув-чизув анжомлари (калькуляторлар, стол устига қўйиладиган асбоблар ва бошқалар);

д) ошхона анжомлари, шунингдек ошхона учун дастурхон-сочиклар;

е) тикланиши бўйича харажатлар қурилиш-монтаж ишлари таннарига киритиладиган вақтинчалик (нотитул иншоотлар) мосламалар ва қурилмалар;

ж) камида бир йиллик фойдаланиш муддатига эга бўлган алмаштириладиган ускуналар;

з) ов қуроллари (траллар, тўрлар, қармоқлар, матраплар, мережалар ва бошқалар).

Асосий воситалар таркибида қонун ҳужжатларига мувофиқ корхона мулкига ўтказилган ер участкалари ҳам ҳисобга олинади.


Иқтисодий мақсадларига кўра, асосий воситалар ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондларига тақсимланади. Ишлаб чиқариш асосий воситалари ўз моҳиятига кўра, корхонанинг ишлаб чиқариш потенциалини ташкил қилиб, уларнинг таркибига қуйидагилар кирилади:

- ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари;
- узатиш қурилмалари;
- қувват машиналари ва ускуналари;
- ишчи машиналар ва ускуналар;
- транспорт воситалари;
- ўлчов ва тартибга солиш асбоблари ва қурилмалари;
- фойдаланиш муддати бир йилдан кам бўлмаган ва қонунчиликда белгилаб қўйилган қийматлардаги асбоблар ва ишлаб чиқариш инвентари.

Асосий воситалар ишлаб чиқаришда банд бўлган барча мутахассис ва ходимлар сони билан биргаликда, **корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати** деб аталади.

Ноишлаб чиқариш асосий воситалари *корхона асосий воситаларининг ишлаб чиқаришида бевосита иштирок этмайдиган қисми бўлиб, шу сабабли ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказмайди.* Булар қаторига асосан корхона балансида турувчи тураржой (уй-жой фонди), ошхона, профилактория, клуб, болалар боғчаси ва яслилар, спорт-соғломлаштириш ва бошқа объектлар киритилади. Маданий-маиший ва соғломлаштириш йўналишидаги ноишлаб чиқариш асосий воситалари ишлаб чиқариш асосий воситалари билан фойдаланиш муддати, натурал шаклнинг сақланиши, ўз қийматини секин-аста йўқотиши каби кўп жиҳатлари билан ўхшашдир.

Корхона асосий воситалари таркибини қуйидаги 7.1 - чизма кўринишида акс эттириш мумкин.



7.1 - чизма. Корхона асосий воситаларининг таркиби.

Меҳнат предметига ўтказувчи таъсирига кўра, асосий ишлаб чиқариш фондлари **актив** ва **пассив** турларга бўлинади. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг пассив турига бино ва иншоотлар, актив турига эса қувват машина ва ускуналари, ишчи машина ва ускуналар, транспорт воситалари, технологик линиялар, яъни бирон-бир турдаги маҳсулот яратишда фойдаланилувчи меҳнат қуроллари киритилади.

Корхонанинг актив асосий ишлаб чиқариш фондлари энг ҳаракатчан ва аҳамиятли ҳисобланади. Фан-техника тараққиёти давомида кўплаб корхоналарда актив ишлаб чиқариш фондларининг салмоғи ортади, уларнинг таркиби ва қўриниши ўзгаради, асосий воситалар гуруҳ ва турларининг маънавий эскириш туфайли алмашилиш суръати тезлашади.

Ишлаб чиқариш миқёсининг ўсиши ва бошқа ижобий ўзгаришлар шароитларида, баъзан корхонанинг асосий воситалари, жумладан, ишчи машиналар ва ускуналар, ишлаб

чиқариш бинолари, қурилмалар ва ҳоказолар етмай қолади. Бундай ҳоллар рўй берганда корхона шартнома асосида ўзига керакли бўлган асосий воситаларни ёллайди ва улар ижарага олинган ҳисобланади. Ижарага берувчи ва ижарага олувчи ўртасида юзага келувчи мулк муносабатлари **лизинг** деб аталади (ингл. Lease - ижара).

Асосий воситаларнинг умумий ҳажмида алоҳида гуруҳларининг қиймат бўйича ўзаро нисбати *асосий воситаларнинг турлар бўйича тузилмасини* акс эттиради ҳамда амалиётда фоизларда ўлчанади. Корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмасининг, биринчи ўринда унинг актив қисмини - машина ва асбоб-ускуналарни кўпайтиришга йўналтирилган такомиллаштиришдан манфаатдор бўлиши лозим. Уларнинг улуши қанчалик юқори бўлса, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар миқдори шунчалик катта бўлади ва аксинча.

Корхона асосий воситаларининг турлар бўйича тузилмаси, кўп жиҳатдан капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмаси орқали, жумладан, уларнинг янги қурилиш ва қайта таъмирлаш, амалдаги ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта қуроллантириш билан аввалдан белгилаб қўйилган бўлади. Асосий воситаларнинг турлар бўйича тузилмасига ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва концентрация қилиш даражаси ҳам катта таъсир ўтказди. Йирик корхоналар, ишлаб чиқаришни фондлар билан таъминлашда ва фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг фойдаланишда кичик ва ўрта корхоналарга қараганда кўпроқ имкониятга эга. Бироқ кичик корхоналар ҳаракатчанроқ, уларнинг бошқаруви мослашувчанроқ бўлиб, натижада ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш осонроқ кечади.

«Корхона иқтисодиёти»га **эксплуатация қилинаётган асосий воситаларнинг ёши**, биринчи ўринда машина ва асбоб-ускуналарнинг ёши катта таъсир кўрсатади. Ҳозирги пайтда машина ва саноат ускуналарини ёш бўйича гуруҳлашда тахминан қуйидаги муддатлардан келиб чиқилади: 5 йилгача, 5 йилдан 10 йилгача, 10 йилдан 15 йилгача, 15 йилдан 20 йилгача, 20 йилдан 25 йилгача ва ҳоказо. Машина ва ускуналарнинг эксплуатация муддати қанчалик юқори бўлса, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари шунчалик паст бўлади, маҳсулотлар сифати пасаяди, бекор туриб қолиш ва талофатлар кўпаяди ҳамда аксинча. Бундан ташқари, корхона асбоб-ускуналаридан узоқ вақт мобайнида фойдаланилганида таъмирлаш учун ҳам кўп харажатлар сарфланади.

7.2. Корхоналарда асосий воситаларни баҳолаш, уларни эскириши ва таъмирлаш

Хўжалик амалиётида асосий воситалар натурал ва қиймат кўринишида ҳисобга олинади. Агар асосий воситаларни *натурал баҳолаш*-ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан қайта қуроллантириш ва замонавийлаштириш масалаларини ҳал қилиш, асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун уларнинг гуруҳ ва турлари бўйича графиклар тузиш, шунингдек, таъмирлаш воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш имконини берса, *қиймат бўйича баҳолаш* эса, асосий воситаларни қайта ишлаб чиқаришни режалаштириш, уларнинг мавжуд ҳажмини аниқлаш, амортизация ҳажмини белгилаш, асосий воситалар ва ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш ва ҳоказоларда муҳим аҳамият касб этади.

Асосий воситаларни баҳолашнинг қуйидаги усуллари мавжуд: **бошланғич қиймат бўйича** - асосий воситаларни яратиш ёки сотиб олиш учун сарфланган харажатлар мажмуидан иборат бўлиб, асосий воситалар ёки уларнинг алоҳида қисмларини фойдаланишга топшириш учун яроқли ҳолга келтириш билан боғлиқ бўлган-уларни келтириш, ўрнатиш каби харажатларни ҳисобга олган ҳолда юзага келувчи қиймат.

Масалан, битта машина ёки ускунанинг бошланғич қиймати – бу, корхонанинг мазкур машина ёки ускунани маълум бир санада сотиб олган ва бу ҳақда бухгалтерия ҳужжатларида қайд қилинган сотиб олиш нархидир.

Ҳақ эвазига сотиб олинган асосий воситалар объектининг бошланғич қиймати қуйидаги харажатлардан ташкил топади:

а) активларни етказиб берувчиларга ҳамда шартнома бўйича қурилиш-монтаж ишларини бажарганлик учун пудратчиларга тўланадиган суммалар;

б) асосий воситалар объектига доир ҳуқуқни сотиб олиш (олиш) муносабати билан амалга оширилган рўйхатдан ўтказиш йиғимлари, давлат божлари ва бошқа шунга ўхшаш тўловлар;

в) божхона божлари ва йиғимлари;

г) асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) муносабати билан солиқлар ва йиғимлар суммалари (агар улар қопланмаса);

д) асосий воситалар объектларини сотиб олиш (барпо қилиш) билан боғлиқ ахборий ва маслаҳат хизматлари учун тўланган суммалар;

е) асосий воситалар объектларини етказиб бериш (барпо қилиш) хатарини суғурталаш бўйича харажатлар;

ж) асосий воситалар объектини сотган воситачиларга тўланадиган ҳақлар;

з) асосий воситаларни ўрнатиш, монтаж қилиш, созлаш ва ишга туширишга оид харажатлар;

и) активдан мўлжал бўйича фойдаланиш учун уни ишчи ҳолатга келтириш билан бевосита боғлиқ бошқа харажатлар.

Кредитдан фойдаланганлик учун фоизаларни тўлашга доир харажатлар қарзга олинган сармоя ҳисобидан буткул ёки қисман сотиб олинган асосий воситаларнинг бошланғич қийматига киритилмайди.

Корхонанинг ўзида тайёрланган асосий воситаларнинг бошланғич қиймати деб асосий воситаларнинг мазкур объектларини тиклаш (қуриш, қуриб битказиш) бўйича ҳақиқий харажатлар суммаси тан олинади.

Тикланиш қиймати бўйича - асосий воситалар ёки уларнинг бирон-бир қисмини (бинолар, қурилмалар, машиналар, ишлаб чиқариш ускуналари ва ҳоказо) ҳозирги пайтдаги инфляция ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш. Баҳолашнинг бу усули объектнинг ҳозирги пайтдаги қайта ишлаб чиқариш даврида қанча туришини кўрсатади. Корхона асосий воситаларининг тикланиш қиймати, тафтиш ва инвентаризация пайтида, мамлакат миқёсида ва давлат чора-тадбири сифатида эса, асосий воситаларни қайта баҳолаш пайтида амалга оширилади.

Асосий воситалар қийматини қайта баҳолаш ҳар йили 1 январь ҳолати бўйича қайта баҳолашни ўтказиш даврида нархлар даражасидан келиб чиқиб ўтказилади.

Қайта баҳолаш чоғида асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати, яъни улар худди шундай янги объектларга тўлиқ алмаштирилган тақдирда ташкилот амалга ошириши керак бўлган харажатларнинг тўлиқ қиймати қайта баҳолаш санасида мавжуд бўлган бозор нархлари (тарифлари) бўйича аниқланади, бунга объектларни харид қилиш (қурилиш), ташиш, ўрнатиш (монтаж қилиш) харажатлари, импорт қилинадиган объектлар учун эса - шунингдек божхона тўловлари ва ҳоказолар киритилади.

Маънан эскирган объектларнинг тўлиқ тикланиш қиймати шунингдек, объектларнинг маънан эскириши тегишли нархлар (тарифлар)нинг ўзгариш даражалари ва суръатларида акс этишидан келиб чиқиб, қайта ҳисоблаш санасида мавжуд бўлган нархлар (тарифлар) бўйича уларни тайёрлашга доир мавжуд харажатлар асосида аниқланади.

Ташкилотлар мулкида, уларнинг ҳўжалик юритишида, тезкор бошқарувида ва узоқ муддатли ижарада (лизингда) бўлган, уларнинг техник ҳолатидан қатъи назар, ишлаб турган ва фойдаланилмайдиган, консервацияда бўлган, ҳисобдан чиқаришга тайёрланган, лекин белгиланган тартибда тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилмаган барча асосий воситалар, шунингдек тугалланмаган қурилиш объектлари ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналар қайта баҳоланиши керак.

1 январь ҳолати бўйича асосий воситаларни ҳар йили қайта баҳолаш олдинги қайта баҳолаш натижасида олинган объектларнинг бошланғич (тикланиш) қийматидан, йил

давонида келиб тушган асосий воситалар бўйича эса - харид қилиш қийматидан амалга оширилади.

Асосий воситаларнинг тўлиқ тикланиш қиймати ташкилотнинг хоҳишига қараб қайта баҳолашни ўтказиш даврида 1 январга шаклланган, баҳоланаётганларига айнан ўхшаш бўлган янги объектларга ҳужжатлар асосида тасдиқланган бозор нархлари бўйича алоҳида объектлар **қийматини бевосита ҳисоблаш йўли** ("бевосита қайта баҳолаш усули") билан ёки асосий воситалар турлари бўйича ва уларни харид қилиш давларига боғлиқликда табақаланган асосий воситалар қийматини ўзгартириш индексларини қўллаган ҳолда айрим объектларнинг бошланғич (тикланиш) қийматини **индекслаш йўли** ("индекс усули") билан аниқланади.

Бунда асосий воситаларнинг бир турдаги объектлари (маркалари, хиллари ва ҳоказо) бўйича ягона усул қўлланилади.

Қайта баҳолашни ташкилот мустақил равишда ёки баҳолаш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган мутахассислар - экспертларни жалб этган ҳолда амалга оширилади.

Бевосита қайта баҳолаш усули қўлланилганда объектларнинг тўлиқ тикланиш қийматини ҳужжатлар асосида тасдиқлаш учун ташкилотнинг хоҳишига қўра қуйидагилардан фойдаланилиши мумкин:

а) тайёрловчи ташкилотлар ва уларнинг расмий дилерлари, товар-хом ашё биржалари, кўчмас мулк биржаларидан ёзма шаклда олинган худди шундай маҳсулотга доир нархлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) қайта баҳолашни ўтказиш санасига ва асосий воситаларни харид қилиш санасига МБ курсларининг нисбати сифатида белгиланадиган ҳисоб-китоб коэффициентини қўллаган ҳолда харид қилиш санасига ЭАВда асосий воситаларнинг қиймати тўғрисидаги маълумотлар;

в) тегишли давлат органларида мавжуд бўлган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

г) қайта баҳолашни ўтказиш даврида оммавий ахборот воситалари ва махсус адабиётларда эълон қилинган нархлар даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

д) асосий воситалар қиймати тўғрисида баҳоловчининг ҳисоботи.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан асосий воситаларни қайта баҳолаш чоғида **индекс усулини** қўллаш учун 31 декабрга қадар навбатдаги қайта баҳолаш бўйича тегишли индекслар ишлаб чиқилади ва расмий равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Қолдиқ қиймати бўйича - жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати. Бошқача қилиб айтганда, бу асосий воситаларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ҳали ўтказилмаган қисмидир. Корхоналар томонидан фойдаланилмайдиган ҳамда ҳисобдан чиқариш ёки сотиб юбориш мўлжалланган асосий воситалар ҳам, кўпинча қолдиқ қиймати бўйича, мазкур хўжалик йилидаги нархларда баҳоланади.

Тугатиш қиймати - асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида олинадиган активларнинг фараз қилинаётган суммаси.

Амортизацияланадиган қиймат - молиявий ҳисоботларда фараз қилинаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда кўрсатилган асосий воситанинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси;

Фойдали хизмат муддати - корхона асосий воситадан фойдаланадиган вақт даври ёки корхона ундан фойдаланишдан олишни мўлжаллаётган маҳсулот (ишлар ва хизматлар) миқдори;

Иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳамда ҳисоб ва ҳисоботларнинг мукаммаллашуви, жумладан, миллий ҳисоб стандартларининг жаҳон стандартлари талаблари даражасига

келтирилиши туфайли, гарчи асосий воситалар, асосий воситаларнинг пул кўринишидаги ифодаси сифатида аввалдан қўлланиб келган бўлсада, ҳаётимизга “асосий капитал”, “асосий воситалар” каби атамалар эндиликда кенг равишда кириб келмоқда.

Ҳозирги кунда амалиётда асосий воситаларнинг корхона баланси ва ҳисоботларида акс эттирилувчи (яъни, бошланғич, белгиланган тартибда ўтказилувчи қайта баҳолашдан кейин эса тикланиш), ҳисобга олиш қиймати **баланс қиймати** деб аталади. Бундан асосий воситаларнинг қолдиқ қийматини асосий воситаларнинг баланс қийматидан эскириш суммасини айириб ташлаш ёрдамида топиш мумкинлиги англашалади.

Қабул қилинган баҳолаш усули ва корхона балансида акс эттирилувчи бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида, **корхона асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати** (Φ_{cp}) белгиланиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\mathbf{AB}_{\text{ўр.й}} = \mathbf{AB}_{\text{йб}} + (\mathbf{AB}_{\text{қир}} * T_1 - \mathbf{AB}_{\text{чик}} * T_2) / 12;$$

Бу ерда:

$\mathbf{AB}_{\text{йб}}$ – асосий ишлаб чиқариш фондларининг йил бошидаги қиймати;

$\mathbf{AB}_{\text{қир}}$ – йил давомида келиб тушган (фойдаланишга топширилган) асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати;

$\mathbf{AB}_{\text{чик}}$ – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий воситалар қиймати;

T_1 - фойдаланишга топширилувчи асосий ишлаб чиқариш фондлари амалда бўлувчи ўртача муддати (ойларда), қабул қилингандан кейинги ойдан бошлаб;

T_2 – ишлаб чиқаришдан чиқарилган (йўқ қилинган) асосий ишлаб чиқариш фондлари фойдаланилмайдиган ўртача муддат (ойлар) чиқарилган ойдан то йил охиригача).

Асосий воситаларни бошланғич ёки тикланиш қиймати бўйича баҳолашдан ташқари эскириш суммаси ҳам ҳисобга олинади. Асосий воситалар жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскириши мумкин.

Жисмоний (моддий) эскириш асосий воситаларнинг бирламчи хислатларини ишлаб чиқаришда фойдаланиш ва табиий эскириш натижасида йўқотишдан юзага келади. У асосан бир хилда кечмайди ҳамда кўп жиҳатдан иқлимнинг таъсири, асосий воситалардан фойдаланиш қондаларига рўя қилиш, жумладан, ходимларнинг малакасига ҳам боғлиқ бўлади.

Жисмоний эскиришни ($\mathbf{Жэ}$) қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топиш мумкин:

$$\mathbf{Жэ} = \frac{\mathbf{T}_{\text{ҳак}} / \mathbf{T}_{\text{меъёр}}}{\text{ёки}} \mathbf{AB}_6$$

Бу ерда: $\mathbf{T}_{\text{ҳак}}$ - асосий воситаларнинг ҳақиқий хизмат қилувчи муддати;

$\mathbf{T}_{\text{меъёр}}$ - асосий воситалар хизмат қилиши керак бўлган норматив муддат;

$\mathbf{Э}$ - ҳисобланган амортизация суммаси (эскириш суммаси);

$\mathbf{AB}_6$ – асосий воситаларнинг бошланғич(қайта ташкил қилиш) қиймати.

Маънавий эскириш - асосий воситаларнинг кадрсизланиши ёки техник жиҳатдан муддатидан аввал иш қобилиятини йўқотилишидир. У икки шаклда юзага келади: биринчи шаклда асосий воситалар уларнинг ишлаб чиқариш қийматлари пасайиши натижасида кадрсизланса, иккинчи шаклда асосий воситаларнинг кадрсизланиши янги, фан-техника тараққиёти таъсири остида, янада самаралироқ фондларнинг пайдо бўлиши натижасида рўй беради.

Асосий воситалар маънавий эскиришининг юқорида келтирилган шакллари қуйидаги тарзда аниқлаш мумкин:

$$M_{э1} = (AB_6 - AB_{TK}) / AB_6$$

$$M_{э2} = (U_{\text{янг}} - U_{\text{эски}}) / U_{\text{янг}}$$

Бу ерда: AB_6 - асосий воситаларнинг тўлиқ бошланғич қиймати;


AB_{TK} - асосий воситаларнинг тикланиш қиймати;

$U_{\text{янг}}$ - янги техниканинг унумдорлиги;

$U_{\text{эски}}$ - эски техниканинг унумдорлиги.

Асосий воситаларни қайта ишлаб чиқариш, яъни жисмоний ва маънавий жиҳатдан эскирган асосий воситаларнинг ўрнини иқтисодий тўлдириш учун корхона бу воситалар қийматидан *амортизация ажратмаларни* айириб ташлайди ҳамда бу ажратмалар харажатлар сифатида маҳсулот таннархига киритилади.

Амортизация бу - фойдали хизмат муддати мобайнида активнинг амортизацияланадиган қийматини асосий воситаларнинг вазифасидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига ёки давр харажатларига мунтазам тақсимлаш ва ўтказиш кўринишида эскиришнинг қиймат шаклидаги ифодасидир;



7.3.-чизма. Асосий воситаларнинг эскириш турлари

Асосий воситалар объекти бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар таркибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланади ҳамда мазкур объектнинг амортизацияланадиган қиймати тўлиқ сўндирилгунга қадар ёки бу объектни балансдан ҳисобдан чиқарилгунча амалга оширилади.

Ер участкаларига амортизация ҳисобланмайди. Шунингдек қуйидаги асосий воситалар бўйича амортизация ҳисобланмайди:

- а) маҳсулдор қорамоллар;
- б) кутубхона фондлари;
- в) ҳокимиятларга бўйсунадиган ободонлаштириш иншоотлари;
- г) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда консервациялашга ўтказилган фондлар;
- д) музей қимматликлари;
- е) архитектура ва санъат ёдгорликлари;
- ж) умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари;
- з) тўлиқ амортизацияланган асосий воситалар.

Амортизация ажратмалари асосий воситаларнинг баланс қиймати ва фойдали хизмат муддатини ҳисобга олган ҳолда белгиланадиган йиллик амортизация меъёрига нисбатан ҳисобланади. Амортизация миқдорини ҳисоблашга қуйидаги омиллар ҳисобга олинади:

- асосий воситанинг бошланғич баланс қиймати;
- асосий воситанинг қолдиқ қиймати;
- асосий воситанинг хизмат муддати;
- ўрнатилган амортизация меъёри.

Асосий воситаларнинг **йиллик амортизация меъёрини** (A_m) топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$A_m = \frac{((AB_{\text{бк}} + T_x)) - (M_k + AB_{\text{кк}})) \times 100}{AB_{\text{бк}} \times \Phi_m}$$

- Бу ерда:** $AB_{\text{бк}}$ – асосий воситанинг бошланғич баланс қиймати;
 $AB_{\text{кк}}$ – асосий воситанинг қолдиқ қиймати;
 T_x – асосий воситаларни тахминий тугатиш харажатлари;
 M_k – асосий воситаларни тугатилишидан олинadиган материалларнинг тахминий қиймати;
 Φ_m – асосий воситалардан фойдаланиш муддати.

Асосий воситанинг **йиллик амортизация суммасини** (A_c) топиш учун:

$$A_c = \frac{AB_{\text{бк}} \times A_m}{100} \quad \text{ёки} \quad A_c = \frac{((AB_{\text{бк}} + T_x)) - (M_k + AB_{\text{кк}}))}{\Phi_m}$$

формуларидан фойдаланилади.

Масалан, иморатнинг баланс қиймати ($AB_{\text{бк}}$) 25000000 сўм, тахминий тугатиш харажатлари (T_x) 1500000 сўм, асосий воситаларни тугатилишидан олинadиган материалларнинг тахминий қиймати (M_k) 500000 сўм, асосий воситанинг қолдиқ қиймати ($AB_{\text{кк}}$) 1000000 сўм ва ундан фойдаланиш муддати (Φ_m) 20 йил деб фараз қилсак, йиллик амортизация меъёри (A_m) 5 фоизга тенг бўлади.

$$A_m = \frac{((25000000 + 1500000) - (500000 + 1000000)) \times 100}{25000000 \times 20} = 5 \text{ фоиз}$$

$$A_c = \frac{AB_{\text{бк}} \times A_m}{100} \quad \text{формуладан фойдаланиб иморатнинг йиллик амортизация суммасини (A_c) топамиз.}$$

$$A_c = \frac{25000000 \times 5}{100} = 1250000 \text{ сўм,}$$

ёки

$$A_c = \frac{((AB_{\text{бк}} + T_x)) - (M_k + AB_{\text{кк}}))}{\Phi_m}$$

$$Ac = \frac{((25000000 + 1500000) - (500000 + 1000000))}{20} = 1250000 \text{ сўм.}$$

Амортизация қуйидаги усулларни қўллаш оркали ҳисобланади:

1. Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш.

2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

3. Жадаллаштирилган усулда амортизация ҳисоблаш:

а) икки барабар амортизация меъёри билан қолдиқни камайтириш усули;

б) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

1. Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация тенг маромда, асосий воситаларни фойдали ишлатиш муддати мобайнида уларнинг амортизацияланадиган қийматидан келиб чиққан ҳолда тенг улушларда ҳисобланади.

Мазкур усулга кўра асосий воситалар объектининг амортизацияланадиган қиймати унинг хизмат муддати давомида тегишли харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқарилади (тақсимланади). Усул амортизация меъёри фойдали хизмат муддатининг фаолиятига боғлиқлигига асосланган. Ҳар бир давр учун амортизация ажратмалари суммаси амортизацияланадиган қийматни объектдан фойдаланилган ҳисобот даврларидаги сонига бўлиш йўли билан ҳисобланади.

Амортизацияни тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулида амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб, мазкур объектнинг тугатиш қийматини ва фойдали ишлатиш муддатини айирган ҳолда, белгиланади;

Мисол:

Юк автомобили бошланғич қиймати 10 000 000 сўм

5 йиллик фойдали хизмат муддатидан сўнг қолдиқ қиймати - 1 000 000.

$$\frac{\text{Бошланғич қиймат} - \text{қолдиқ қиймат}}{\text{Хизмат муддати}} = \frac{10\,000\,000 - 1\,000\,000}{5} = 1\,800\,000$$

Амортизация суммаси 1 800 000 сўм

Йиллик амортизация меъёри (амортизацияланадиган қийматдан) - 20%

Амортизация қилинадиган сумма = Бошланғич қиймат – Қолдиқ қиймат

2. Бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда амортизацияни ҳисоблаш (ишлаб чиқариш усули).

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули ҳар бир муайян йилдаги асосий воситалар объектининг маҳсулотларини ҳисобга олишга асосланган.

Мазкур усул бўйича ҳар йиллик амортизация ҳажмини ҳисоб-китоб қилиш учун бутун фойдали ишлатиш муддатидаги умумий баҳоланган маҳсулотлар йиғиндисини ва мазкур муайян йилдаги маҳсулотларни аниқлаш лозим. Маҳсулот сифатида ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирликлари сони, ишланган соатлар сони, ўтиб бўлинган тонна-километрлар сони ва бошқалар олиниши мумкин.

Амортизацияни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот давридаги маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмининг натурал кўрсаткичидан ҳамда тугатиш қийматини айирган ҳолдаги асосий воситалар объектининг бошланғич (тиклаш) қийматининг асосий воситалар объектини бутун фойдали ишлатиш муддатидаги назарда тутилаётган маҳсулот (ишлар, хизматлар) ҳажмига нисбатан мутаносиблигидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Мисол. Фараз қилайлик юк автомобили бутун хизмат муддати давомида 90 000 км масофани босиб ўтади. Амортизация харажатлари қуйидагича ҳисобланади:

$$\text{Бошланғич қиймати} - \text{Қолдиқ қиймати} = \frac{10\,000\,000 - 1\,000\,000}{90\,000} = 100 \text{ сўм/км.}$$

Баъжариладиган иш ҳажми

90 000

-жадвал

Амортизация ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули, (минг сўмда).

	Бошланғич қиймати	Босиб ўтадиган масофа, км	Йиллик амортизация суммаси	Жамғарилган амортизация	Баланс қиймати
Сотиб олиш санаси	10 000	-	-	-	10 000
1-йил охирида	10 000	20 000	2 000	2 000	8 000
2-йил охирида	10 000	30 000	3 000	5 000	5 000
3 -йил охирида	10 000	10 000	1 000	6 000	4 000
4 -йил охирида	10 000	20 000	2 000	8 000	2 000
5 -йил охирида	10 000	10 000	1 000	9 000	1 000

3. Жадаллаштирилган усулда амортизация ҳисоблаш. Асосий воситалардан интенсив фойдаланилганда, шунингдек илмий-техникавий жараённинг катта таъсирида асосий воситалар амортизацияси қуйидаги усулларда ҳисобланадиган жадаллаштирилган амортизация йўли билан ифдаланади:

а) икки баравар амортизация меъёри билан қолдикни камайтириш усули;

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдикни камайтириш усули амортизацияни ҳисоблаш даврида амортизацияланадиган актив қийматининг камайишини англатади.

Мазкур усулга кўра тенг маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усулидан икки баравар амортизация меъёри мазкур ҳисобот давридаги асосий воситанинг тегишли қолдик қийматига кўпайтирилади. Икки баравар амортизация меъёри билан қолдикни камайтириш усули бўйича амортизацияни ҳисоблашда фарз қилинаётган тугатиш қиймати бошланғич (тиклаш) қийматидан чегирлмайди.

Икки баравар амортизация меъёри билан қолдикни камайтириш усулида йиллик амортизация ажратмалари суммаси ҳисобот йили бошидаги асосий воситалар объектининг қолдик қийматидан ва мазкур объектни фойдали ишлатиш муддатига боғлиқ ҳолда ҳисобланган амортизациянинг икки баравар меъёридан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Мисол. Юк автомобилнинг фойдали хизмат муддати 5 йил.

Қийматни бир текисда тақсимлаш (тўғри чизиқли) усулда ҳисобланган амортизация меъёри 20% (100% / 5).

Икки баравар ставка билан қолдикни камайтириш усулида амортизация нормаси 40% га тенг бўлади ($2 \times 20\%$).

Сўнгра бу ставка ҳар йилнинг охирида объектнинг баланс қийматига кўпайтирилиб амортизация суммаси топилади. Бу усулда амортизация ҳисоблашда объектнинг қолдик қиймати ҳисоблашда эътиборга олинмайди. Аммо, охириги йилда унинг баланс қийматини қолдик қийматигача етказиш даврида ҳисобга олинади.

-жадвал

Амортизация ҳисоблашнинг қолдикни камайтириш усули (минг сўмда).

	Бошланғич қиймат	Йиллик амортизация суммаси	Амортизация суммаси	Баланс қиймати
Сотиб олиш санаси	10 000	-	-	10 000
1-йил охирида	10 000	$(40\% \times 10\,000) = 4\,000$	4 000	6 000
2-йил охирида	10 000	$(40\% \times 6\,000) = 2\,400$	6 400	3 600

3 -йил охирида	10 000	$(40\% \times 3\,600) = 1\,440$	7 840	2 160
4 -йил охирида	10 000	$(40\% \times 2\,160) = 864$	8 704	1 296
5 -йил охирида	10 000	296	9 000	1 000

б) йиллар суммаси усули (кумулятив усул).

Йиллар суммаси усулига (кумулятив усулга) кўра ҳар йили амортизация меъёри амортизация муддати охирига қадар қоладиган амортизацияланадиган қийматга улуш сифатида аниқланади. Улуш амортизация ажратмалари тугагунига қадар қоладиган тўлиқ йиллар сонини амортизация муддатини ташкил қиладиган йиллар тартиб сонлари суммасига бўлиш орқали аниқланади.

Йиллар суммаси усулида (кумулятив усулда) амортизация ажратмаларининг йиллик суммаси асосий воситалар объектининг тугатиш қиймати айрилган ҳолда бошланғич (тиклаш) қийматидан ҳамда суратида объектни фойдали ишлатиш муддатининг охирига қадар қоладиган йиллар сони, маҳражида эса - объектни фойдали ишлатиш муддати йиллари сони суммасининг нисбатидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Масалан, юк автомобилнинг кутилаётган хизмат кўрсатиш муддати 5 йилга тенг. Эксплуатация муддатида йил сонлари йигиндиси - 15 га тенг (кумулятив сон):

$$1 + 2 + 3 + 4 + 5 = 15$$

Сўнгра тесқари тартибда ҳар бир хизмат йилини ккумулятив сонга бўлиш орқали ҳисоблаш коэффициентлари топилади:

$$5/15, 4/15, 3/15, 2/15, 1/15.$$

Бу коэффициентларни объектнинг ҳар йиллик қолдиқ қийматида бўлиш орқали амортизация суммаси топилади: $9\,000\,000 (10\,000\,000 - 1\,000\,000)$.

-жадвал

Амортизация ҳисоблашнинг сонлар йигиндиси-кумулятив усул, (минг сўмда).

	Бошланғич қиймат	Йиллик амортизация суммаси	Амортизация суммаси	Баланс қиймати
Сотиб олиш санаси	10 000	-	-	10 000
1-йил охирида	10 000	$(5/15 \times 9\,000) = 3\,000$	3 000	7 000
2-йил охирида	10 000	$(4/15 \times 9\,000) = 2\,400$	5 400	4 600
3 -йил охирида	10 000	$(3/15 \times 9\,000) = 1\,800$	7 200	2 800
4 -йил охирида	10 000	$(2/15 \times 9\,000) = 1\,200$	8 400	1 600
5 -йил охирида	10 000	$(1/15 \times 9\,000) = 600$	9 000	1 000

Жадвалдан кўриниб турибдики, биринчи йилда амортизация суммасининг энг катта қисми ҳисобланади ва кейинги йилларда бу миқдор камайиб бориш хусусиятига эга.

Солиқ солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига (23-модда) ҳар йиллик амортизация меъёрлари харажатларга тенг маромда ҳисобдан чиқариладиган асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қийматида нисбатан фоизларда белгиланган (- жадвал).

-жадвал

Асосий воситаларнинг амортизация меъёрлари

Асосий воситалар гуруҳлари	амортизация меъёри
----------------------------	--------------------

1. Енгил автомобиллар, такси, йўлларда фойдаланиладиган автотрактор техникаси, махсус асбоб-ускуна, инвентарь ва жиҳозлар. Компьютерлар, периферия қурилмалари ва маълумотларни қайта ишлаш ускуналари	20 фоиз
2. Юк автомобиллари, автобуслар, махсус автомобиллар ва автотиркамалар. Саноатнинг барча тармоқлари, металл куйиш корхонаси учун машиналар ва ускуналар, темирчилик-пресслаш ускуналари, қурилиш ускуналари, кишлок хўжалик машиналари ва ускуналари. Офислар учун мебель	15 фоиз
3. Темир йўл, денгиз, дарё ва ҳаво транспорти воситалари. Кучкуват берадиган машиналар ва ускуналар: иссиқлик техника ускуналари, турбина ускуналари, электр двигателлари ва дизель-генераторлар. Электр узатиш ва алоқа қурилмалари. Трубопроводлар	8 фоиз
4. Бинолар, иншоотлар ва иморатлар	5 фоиз
5. Бошқа гуруҳларга киритилмаган, амортизация қилинадиган активлар	10 фоиз

Ишлаб чиқариш жараёнида асосий воситалар аста-секинлик билан эскириши сабабли, уларнинг иш қобилиятини таъмирлаш орқали тиклаш зарурияти туғилади. Ўз вақтида таъмирлаш асосий воситалар муддатидан олдин ишдан чиқишининг олдини олади ҳамда уларнинг хизмат қилиш муддати ва унумдорлигини оширади. Асосий воситаларни таъмирлаш капитал, ўрта ва жорий турларга бўлинади. Бино ва иншоотларни таъмирлаш ўз мазмуни, талаб қилинувчи муддат ва маблағларга кўра, машина ва ускуналарни таъмирлашдан фарқ қилади.

Ускуналар ва транспорт воситаларини капитал таъмирлаш - агрегатни тўлиқ ажратиб йиғиш амалга ошириладиган таъмирлашдир, базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган деталлар ва узелларни алмаштириш ёки тиклаш ҳамда агрегатни йиғиш, сошлаш ва синаб кўришдир.

Бинолар ва иншоотларни капитал таъмирлаш - базавий ва корпус деталлари ва узелларини таъмирлаш, барча эскирган конструкцияларнинг деталлари ва узелларини алмаштириш ёки тиклаш амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Ускуналарни икки марта капитал таъмирлаш орасидаги муддат *таъмирлаш цикли* деб аталади. Машина ва ускуналар, қоидага кўра, махсус заводларда таъмирланади.

Ўртача таъмирлаш техник мазмуни, мураккаблиги, бажариладиган иш ҳажми ва даврийлигига кўра, капитал таъмирлашдан фарқ қилади ҳамда сарфланувчи маблағ, вақт ва кучни нисбатан камроқ талаб этади. Жорий таъмирлаш каби у ҳам машина ёки ускунадан фойдаланувчи корхонанинг ўзида амалга оширилиши мумкин. Ўртача таъмирлашда таъмирланаётган агрегатни қисман ажратиш ва деталларнинг қисмларини тиклаш ёки алмаштириш амалга оширилади.


Жорий таъмирлаш - асосий воситалар объектини ишчи ҳолатида сақлаб туриш мақсадида амалга ошириладиган таъмирлашдир.

Жорий таъмирлашда асосан асбоб-ускуналар тозаланади, мойланади, текширилади, майда камчиликлари бартараф қилинади, яъни ускуналарнинг фойдаланишга доимий тайёрлиги таъминланади.

Асосий воситаларни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш мажмуаси *режали-олдини олувчи таъмирлаш тизими*га (РООТ) бирлаштирилади ва корхона бош механиги томонидан бошқарилади. Деярли ҳар бир корхонада РООТ ўтказилишини қайд қилиш журналлари мавжуд бўлиб, уларда профилактика ва таъмирлаш тадбирларини ўтказиш тартиби ва графиги белгилаб қўйилади.

Таъмирлаш ишлари туфайли корхона асосий воситаларнинг жорий эксплуатацияга тайёрлигини таъминлайди. Бироқ шу билан бир қаторда корхона асосий воситаларни

яратиш, фойдаланиш, амортизация, қайта тиклаш каби босқичларни ўз ичига олувчи такрор ишлаб чиқариш амалларини доимий равишда бажаришга интилиши лозим. Бу босқичларни қуйидаги чизма ёрдамида акс эттириш мумкин (7.4 - чизма).



7.4-чизма. Корхона асосий воситаларини қайта ишлаб чиқариш босқичлари


Такрор ишлаб чиқариш циклида асосий воситаларни яратиш жараёни корхонадан ташқарида амалга оширилади ҳамда асосан қурилиш соҳаси, машинасозлик, асбобсозлик ҳамда асосий воситаларни яратиш билан шуғулланувчи бошқа соҳалар билан боғлиқ бўлади. Асосий воситаларни такрор ишлаб чиқаришнинг қолган босқичлари корхона ҳудудида амалга оширилади. Бирок барча ҳолларда ҳам асосий воситаларни такрор ишлаб чиқариш туфайли корхоналар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари шароитларида иқтисодий ва техник барқарорликка эришишларини таъминлайди.

7.3. Корхона асосий воситаларининг ҳолати ва таъминланганлиги кўрсаткичлари.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга ҳўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади²⁶.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларни уч гуруҳга бўлинади: асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Ушбу гуруҳ кўрсаткичларининг таснифи қуйидаги чизмада ифодаланган (6-расм). Уларни аниқлаш йўллари қуйида жадвалда келтирилган (8-жадвал).

²⁶ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.



6-расм. Асосий воситаларни (Ав) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва таснифи

Асосий воситалар ҳолатини таҳлил қилишда уларни ифодаловчи кўрсаткичларни ҳисоблаш лозим. Уни таҳлил қилиш учун бизнес-режа ҳисоб ва ҳисобот маълумотларидан фойдаланилади. Унда бизнес-режадаги маълумотлари ҳақиқий маълумотлар билан таққосланиб, ўзгаришларнинг яхшиланганлиги ёки ёмонлашиш сабаблари аниқланади.

Асосий воситалар иқтисодий тузилишини ва ҳолатини ифодалаш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади.

8-жадвал

Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаш (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги	Асосий воситаларнинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил	A_v/B

ҳиссаси	қилишини кўрсатади	
2.Асосий воситалар фаол қисмининг (Авф) таркибий тузилиши	Асосий воситалар фаол қисмининг умумий асосий воситалар суммасида неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	Авф/ А _в
3.Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	Умумий асосий воситалар қийматининг қанча қисми эскириш суммасига тенглигини кўрсатади	Ав.эс/Ав.бқ
4.Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти	Шу ҳисобот даврида янгидан ишга туширилган асосий воситалар қисмининг умумий йил охиридаги асосий воситалардаги ҳиссасини ифодалайди	Ав.янг/ Авдо.б.қ
5.Асосий воситаларнинг ярқилик коэффициенти	Умумий асосий воситалар қийматининг қанча қисми қолдиқ қийматда эканлигини ифодалайди	(Ав-Ав.эс.)/Ав
6.Асосий воситаларнинг чиқарилиш коэффициенти	Асосий воситаларнинг қанча қисми ҳисобдан чиқарилганлигини ифодалайди	Ав.чик. / Авдо.б.қ

Эскириш коэффициенти (Кэск) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кэск = Ав.эс/Ав.бқ$$

Бунда: *А.эс* – асосий воситалар эскириш суммаси;

Авбқ – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати;

Ф1 – 1-шаклдаги “Бухгалтерия баланси»;

010 ва *011-сатрлар* – баланс сатрлари.

Асосий воситалар ярқилик коэффициенти (Кяр) қолдиқ қийматининг (эскириш чегирилган ҳолдаги) бошланғич қийматга нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кяр = Ав.ққ/Ав.бқ$$

бунда: *Авқ.қ* – асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати.

Асосий воситалар янгиланиш коэффициенти (Кянг) йил мобайнида янги келган асосий воситаларнинг йил охиридаги улар қолдиғига нисбатисифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кянг = Ав.янг/ Авдо.б.қ$$

бунда: *Авя.к* – янги келган асосий воситалар суммаси;

Авдо.б.қ – асосий воситаларнинг давр охиридаги бошланғич қиймати;

Ҳисобдан чиқариш коэффициенти (Кх.ч) йил мобайнида ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг йил бошидаги қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кх.ч = Ав.чик./ Авдо.б.қ$$

бунда:

Авдо.б.қ – асосий воситаларнинг давр бошидаги бошланғич қиймати;

Авх.ч – ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар.

Мазкур коэффициентлар барча асосий воситалар ҳамда уларнинг алоҳида турлари ва гуруҳлари бййича ҳисобланади, қатор йиллар мобайнидаги ызгариши кўриб чиқилади ва тегишли хулосаларга келинади.

Асосий воситалар тузилмаси тармоқ ихтисослигидан келиб чиқиб аниқланади ва корхонанинг ишлаб чиқариш ва техник таъминоти хусусиятларини акс эттиради. У

корхона асосий воситалари умумий суммасида ва ноишлаб чиқариш, актив ва пассив қисмининг ҳажмига ҳамда уларнинг йил мобайнидаги ўзгаришлари ва динамикасига боғлиқдир.

Мазкур кўрсаткичлар асосида корхона тузилмалари бўйича асосий воситалар самарадорлиги, техник жиҳозланишнинг даражаси, қўл меҳнати камайиши ва ишлаб чиқариш самарадорлиги ошиши ҳақида ҳулосалар чиқариш мумкин. Асосий воситалар тузилмасини ҳисоб-китоб қилиш учун 3-шаклдаги «Асосий воситалар ҳаракати ҳақидаги ҳисобот» маълумотлари қўлланилади. Бу кўрсаткичларни асосий воситалар ҳолатининг яхшиланиши (ёмонлашиши) сабабларини аниқлаган ҳолда динамикасини ўрганиб, ҳисоб-китоб қилиш зарур.

Асосий воситалар бошланғич қийматининг қолдиқ қийматига нисбатан кескин ўсиши коэффицентларда эскириш кўпайганлиги ва улар яроқлилиги камайганлигини, яъни ҳолати ёмонлашганини кўрсатади.

Қолдиқ қийматининг бошланғич қийматга нисбатан кескин ўсиши асосий воситалар янгиланган, уларнинг эскириши қисқаргандан далолат беради. Эскиришни камайтириш, яъни асосий воситалар ҳолатини яхшилаш усулларида бири ўз вақтида капитал таъмирлаш, янгиларини харид қилиш, шунингдек, маънавий ва жисмоний эскирган ускуналарни ҳисобдан чиқаришдан иборатдир. Бу тадбирга эркин рақобат ҳукм суриб турган бозор муносабатлари шароитида аҳамият бериш лозим.

Асосий воситалар билан таъминланганлик корхонанинг техник жиҳатдан таъминланганлигини, меҳнат ва ишларнинг механизациялашганлиги ва автоматлашганлигини коэффицент орқали ифода қилади. Бу кўрсаткичлар орқали ҳар бир корхонанинг моддий-техника базаси билан таъминланганлик даражасини аниқлаш мумкин. Шу туфайли ушбу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар ҳисобланади (6-жадвал).

6-жадвал

Асосий воситалар (Ав.) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар²⁷

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси	Битта ходимга тўғри келадиган фаол Ав. қийматини ифода қилади	Ав.ф./Ис
2. Техник таъминланганлик коэффицент (Кт.т)	ишлаб чиқариш ускуналари суммасининг энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбати	И.ис/Ис
3. Натижанинг фондлилиги даражаси (Фонд сиғими)	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Ав. суммаси тўғри келишини кўрсатади	Ав./Қ
4. Ўз маблағларининг (Ум.) Ав. билан таъминланганлиги	1 сўм ўз маблағларига қанча Ав. суммаси тўғри келишини ёки ўз маблағларининг капиталлашганлик даражасини ифода қилади	Ав./Ўм

1. Фондлар билан қуролланганлик даражаси асосий ишлаб чиқариш воситалари қийматининг (бошланғич баҳоланиши бўйича) энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбатидир. У ишчиларнинг меҳнат қуроллари (асосий воситалар) билан таъминланганлик даражасини акс эттиради ва қуйидаги формулар орқали аниқланади:

$$Кф.т = Авф/Ис,$$

²⁷ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.

бунда:

$K_{ф.т}$ – ходимларнинг асосий воситалар билан таъминланганлигининг коэффициенти;

$А_{вф}$ – асосий воситаларнинг фаол қисми қиймати;

$И_{с}$ – энг катта сменадаги ишчилар сони.

Таҳлил қилиш учун корхона йиллик ҳисоботи маълумотларидан олинади.

2. Техник таъминланганлик коэффициенти ($K_{т.т}$) ишлаб чиқариш ускуналари суммасининг (яъни асосий воситалар актив қисмидаги) энг катта сменадаги ишчилар сонига нисбати сифатида ҳисобланади ва қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$K_{т.т} = И_{с.ус} / И_{с.т}$$

бунда:

$K_{т.т}$ – техник таъминланганлик коэффициенти;

$И_{с.ус}$ – ишлаб чиқариш ускуналари суммаси.

3. Маҳсулотнинг фонд сигими 1 сўм натижа кўрсаткичига қанча асосий восита суммаси тўғри келишини кўрсатади ва қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$Ф_{с} = А_{в.к} / К$$

Фонд сигими капитал қўйилмалари (инвестициялар)ни тежаш ёки қўпайтириш билан узвий равишда боғлиқ бўлади. Масалан, маҳсулот фонд сигими пасайиб, унинг ишлаб чиқариш ҳажми доимий ёки ўсувчи бўлганда асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, демак, капитал қўйилмаларини тежаш учун имконият туғилади. Уни топиш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T_{к} = Ф_{с.ўз} \times K$$

Бу ерда:

$T_{к}$ – капитал қўйилмаларни тежаш, сўм;

$Ф_{с.ўз}$ – ҳисобот йилида маҳсулот фонд сигимининг ўтган йилдагига нисбатан ўзгариши, сўм.

7.4. Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари ва уларни ошириш йўналишлари.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир каторда, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмасак, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади.

Асосий воситалардан ($А_{в}$) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик қўп фойдаланса, шунчалик қўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга: $А_{в}$ маҳсулдорлиги, $А_{в}$ даромадлиги, $А_{в}$ рентабеллиги, машина ва ускуналар қувватларидан фойдаланиш коэффициенти киради (8-жадвал).

8-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
-----------------------	----------------------------	---------------------

1. Асосий воситалар рентабеллиги	Асосий воситаларлар ўртача қийматига нисбатан соф фойданинг улушини ифодалайди.	СФ*100 / Ав
2 Асосий воситалар даромадлиги	Асосий воситалар ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	Д*100/Ав
3. Асосий воситалар натижавийлиги (фонд қайтими)	1 сўм асосий воситалар ўртача қийматига қанча миқдорда натижавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодалайди	Қ/Ав

1. Ав. рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$\text{Раф} = \text{СФ} \cdot 100 / \text{Ав}$$

бунда: Раф – асосий воситалар рентабеллиги;

СФ – соф фойда.

2. Асосий воситалар даромадлиги

$$\text{Ав.д} = \text{Д} \cdot 100 / \text{Ав}$$

3. Асосий воситалар натижавийлиги (фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг Ав ўртача йиллик қийматига нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$\text{Авм} = \text{Қ} / \text{Ав}$$

бунда: Авм – асосий воситалар натижавийлиги;

Қ – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми;

Ав – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида сотилган маҳсулот ҳажми хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Фойда ва рентабеллик каби корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ушбу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун Ав. маҳсулдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эмас сотилган маҳсулот ҳажми бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$\text{Авм} = \text{С} / \text{Ав}$$

бунда: С – сотилган маҳсулот ҳажми.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг турли хил кўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

биринчи гуруҳ - умумлаштирувчи ва қиймат кўрсаткичлари бўлиб, улар асосий воситаларнинг турли гуруҳларини динамика ва статикада баҳолаш, таҳлил қилиш, заҳираларни аниқлаш ва башорат қилиш имконини яратади. Бундай кўрсаткичларга фонд қайтими, фонд сиғими, фонд рентабеллиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

иккинчи гуруҳ - *хусусий* ва *натурал* кўрсаткичлар бўлиб, кўпроқ асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол қисми - машина ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш билан боғлиқ.

Хусусий кўрсаткичлар гуруҳи таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

* асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан экстенсив фойдаланиш коэффиценти, улардан вақт бўйича фойдаланганлик даражасини акс эттиради;

* асосий ишлаб чиқариш фондлари(машина ва асбоб-ускуналар)дан интенсив фойдаланиш коэффиценти, улардан қувват бўйича фойдаланганлик (унумдорлик) даражасини акс эттиради;

* асосий ишлаб чиқариш фондларидан интеграл фойдаланиш коэффиценти, барча экстенсив ва интенсив омиллардан биргаликда фойдаланишни ҳисобга олади.

Кўрсатилган кўрсаткичларнинг ҳар бири амалиётда мустақил маънога эга бўлиб, турли мақсадларга эришиш учун фойдаланилади. Масалан, асосий ишлаб чиқариш фондларидан вақт бўйича қандай фойдаланилганлигини (экстенсив фойдаланиш) баҳолаш асбоб-ускуналарнинг сменалик коэффиценти, ускуналарни коэффиценти, смена давомида ускуналарнинг бекор туриб қолиши, ускуналардан сменаларда фойдаланиш коэффиценти каби кўрсаткичлар қўлланилади.

Асбоб-ускуналардан экстенсив фойдаланиш коэффиценти мазкур ускуналардан амалда ҳақиқий фойдаланилган вақтнинг улардан режа бўйича фойдаланиш муддатига нисбати орқали аниқланади.

$$K_{\text{экс}} = \frac{t_{\text{хак}}}{t_{\text{реж}}}$$

Бу ерда:

$t_{\text{хак}}$ — ускуналардан ҳақиқий фойдаланилган вақт, соатлар;

$t_{\text{реж}}$ — ускуналарнинг нормага асосан фойдаланиш муддати, соатлар.

Мисол. Агар 8 соатлик смена мобайнида таъмирлаш учун 1 соат режалаштирилиб, амалда 5 соат сарфланган бўлса, у ҳолда экстенсив фойдаланиш коэффиценти 0,71 (5/(8-1)) ни ташкил қилади. Бу эса асбоб-ускуналардан смена давомида фақат 71 % фойдаланилганлигини англатади.

Корхоналарда бундай ускуналарнинг бир эмас, бир нечта – ўнта ёки юзтасидан фойдаланилади. Шу муносабат билан ускуналарнинг сменалик коэффиценти - сутка давомида машина-сменаларнинг ўрнатилган ускуналарнинг умумий сони ёки ишчи ўринларига нисбатини аниқлаш зарурияти туғилади. Бу ҳолда сменалик коэффиценти қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$K_{\text{см}} = \frac{MC}{KO}$$

Бу ерда:

MC - сутка давомида ҳақиқий ишланган машина-сменалар йиғиндиси;

KO - ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг умумий сони.

Мисол. Корхонада 200 дона металл қирқувчи станок сутка мобайнида 360 машина-смена, 60 та темир прессловчи станок 50 машина-смена, 40 та қуюв станоклари эса 30 машина-смена ишлаган. Ушбу ҳолда барча станоклардан фойдаланишнинг сменалик коэффиценти қуйидагича топилади:

$$K_{\text{см}} = \frac{360 + 50 + 30}{200 + 60 + 40} = 1,47$$

Ускуналарнинг сменалик коэффицентини аниқлашнинг яна бир йўли бўлиб, унга қўра корхоналарнинг бир эмас, икки ёки уч сменада ишлаши ва бунда ускуналарнинг

барчасидан ҳам тўлиқ фойдаланилмаслиги кўзда тутилади. Масалан, цехда 270 дона ускуна ўрнатилган бўлиб, биринчи сменада улардан 200 таси, иккинчи сменада эса 190 таси ишлаган. Бу ҳолда ускуналарнинг сменалилик коэффициенти $1,44$ ($(200+190)/270$) ни ташкил қилади.

Ускуналарни юкланиш коэффициенти ҳам ускуналардан вақт бўйича фойдаланишни тавсифлайди. Сменалилик коэффициентидан фарқли равишда, у маҳсулотнинг меҳнат сиғимини ҳисобга олади. У мазкур ускунада тайёрланган барча маҳсулотлар меҳнат сиғимининг унинг ишлаш вақти фондига нисбати орқали аниқланади. Мазкур мисолда ушбу коэффициент қуйидагича бўлади:

$$K_{\text{юк}} = \frac{1,44}{2} = 0,72$$

Корхонада асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни тўлиқ баҳолаш учун экстенсив кўрсаткичлардан ташқари, уларнинг қувват бўйича юкланиш табиатини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда юқорида айтиб ўтилганидек, технологик ускуналар амалдаги унумдорлигининг, яъни техник асосланган прогрессив унумдорлиқнинг норматив унумдорликка нисбати асосида, яъни **ускуналардан интенсив фойдаланиш коэффициенти**дан фойдаланиш, уни қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$K_{\text{инт}} = \frac{B_{\text{ф}}}{B_{\text{п}}};$$

Бу ерда: $B_{\text{ф}}$ – вақт бирлигида ускунада ишлаб чиқарилган ҳақакий маҳсулот миқдори;

$B_{\text{п}}$ – вақт бирлигида ускунада техник жиҳатдан асосланган маҳсулот ишлаб чиқариш нормаси.

Мисол. Паспорт маълумотлари бўйича дастгоҳда бир соатда 100 та буюм ясаш мумкин, амалда эса шу вақт ичида фақат 80 та буюм тайёрланди. У ҳолда $K_{\text{инт}}=0,8$ ($80:100$), яъни дастгоҳдан қувват бўйича фойдаланиш 80 фоизни ташкил қилди.

Ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти ускунадан экстенсив ва интенсив фойдаланиш коэффициентларининг кўпайтмаси орқали аниқланиб, унинг вақт ва қувват бўйича банд бўлишини (фойдаланилишини) комплекс характерлайди.

Бизнинг мисолимизда $K_{\text{экс}} = 0,71$ ва $K_{\text{инт}} = 0,8$ бўлганлиги туфайли, ускунадан интеграл фойдаланиш коэффициенти қуйидагига тенг бўлади:

$$K_{\text{интегр.}} = K_{\text{экс}} * K_{\text{инт}} = 0,71 * 0,8 = 0,57$$

Ҳар бир корхона ўз тасарруфидаги асосий ишлаб чиқариш фондларидан иложи борица унумли фойдаланишга интилиши лозим. Бунга фондларни иш билан таъминлашни яхшилаш туфайли ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш ҳажмини ошириш, нисбий харажатларни камайтириш, фойдани оширишдан ташқари асосий воситаларда жамиятнинг ўтмишда нарса ҳолига айланган меҳнати мужассамланганлиги ҳам зарурият туғдиради.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигига турли омиллар таъсир қилади. Улар қаторига қуйидагиларни кириш мумкин:

- ишлаб чиқарилган ва сотилган маҳсулот ҳажми;
- асосий воситалар ўртача йиллик суммаси;
- ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар меҳнатининг самарадорлиги;
- асосий асосийларнинг таркибий тузилиши;
- асосий воситалар алоҳида турларидан фойдаланиш самарадорлиги.

Корхона асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилашнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

Ташкилий йўналишлар бўйича:

- ишлаб чиқаришни ташкил этишни ва ресурслар билан таъминлашни яхшилаш.
 - асосий воситаларнинг фақат корхонага иш берадиган қисминигина олиш;
- смена давомида ускуналар бекор туриб қолишини қисқартириш ва унинг олдини олиш;
- ускуналарнинг сменалик коэффициентини ошириш;
- бекор турувчи ускуналарни қисқартириш ва тугатиш;
 - эскирган ва маънавий талабга жавоб бермайдиган асосий во-ситаларни ҳисобдан чиқариш;
 - асосий воситаларни фарқлаш ва таркиблашни қайта ўзгартириш;
 - асосий воситаларга амортизация ҳисоблашнинг мувофиқ шакллари белгилаш ва ҳ.к.

Техник йўналишлар бўйича:

- таъмирлаш ва профилактика тадбирларини ўз вақтида ва сифатли равишда амалга ошириш;
 - эскирган асосий воситаларни янгилари билан алмаштириш;
 - автоматлаштирилган тизимни яратиш;
 - механизациялашни кучайтириш ва ҳ.к.

Эксплуатацион йўналишлар бўйича:

- • ускуналарни эксплуатация қилувчи ходимларнинг малакасини ошириш; бир сменалик ва кўп сменалик;
 - ишлаб чиқариш ҳажмига қараб асосий воситаларни техник ҳолат ва ҳаракатини бошқариш;
 - асосий воситалар қарови юзасидан масъул шахсларни ажратиш;
- асосий воситалар бўйича жавобгарлик марказларини белгилаш ва ҳ.к.

7.5. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати

Асосий ишлаб чиқариш фондлари ҳажми ва улардан фойдаланиш даражаси корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилайди. У ишлаб чиқариш дастурини асослашда катта роль ўйнайди ҳамда корхонанинг белгиланган номенклатура ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича потенциал имкониятларини тавсифлайди.

Бундан келиб чиқадики, **ишлаб чиқариш қуввати** – бу, маълум бир вақт давомида илғор технологиялардан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шароитларида ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражасидир. У қоидага кўра, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг натурал кўринишда, ушбу корхонанинг ихтисослашганлиги ва маҳсулотнинг алоҳида турлари ўртасидаги ўзаро нисбатига кўра аниқланади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати илғор (асосий) цехлар қуввати билан, цехлар қуввати бош участкалар қуввати билан, участкалар қуввати эса бош ускуналар қувватига асосан аниқланади. Корхона ишлаб чиқариш қуввати катталигини белгилаб берувчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- ускуналар таркиби ва турлар бўйича сони;
- ускуна, агрегат ва дастгоҳлардан фойдаланишнинг техник-иқтисодий норма (норматив) лари;
- ускуналарнинг ишлаш вақти фонди;
- ишчилар сони;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси ва ассортименти (турлари ва хилма-хиллиги).

Корхона ишлаб чиқариш қувватининг *бошланғич* (йил бошида), *якуний* (йил охирида), *ўртача* йиллик ҳамда *лойиҳа қуввати* турлари мавжуд. Лойиҳа қуввати қурилиш лойиҳасида кўзда тутилган бўлади. Қайта тиклаш, кенгайтириш ва техник жиҳатдан қайта қурулантириш давомида лойиҳа қуввати катталаштирилиши мумкин. Шу сабабли амалиётда лойиҳа қуввати кўпинча корхонанинг амалдаги қуввати билан солиштирилади. Корхонанинг амалдаги қуввати корхона ишлаб чиқариш дастурини тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Корхона ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда заҳирадаги ускуналардан ташқари, барча ўрнатилган ускуналар ҳисобга олинади. Баъзи бир цехларда (йиғув, қуюв ва бошқа цехларда) ишлаб чиқариш қуввати ишлаб чиқариш майдонларига асосан ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш қувватини аниқлашда маҳсулот бирлигига сарфланувчи вақт нормаси ёки ҳар бир ускунанинг унумдорлик нормалари муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар илғор ҳамда прогрессив бўлиши талаб қилинади.

Корхона бош бўғинининг (асосий цехининг) ишлаб чиқариш қуввати қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$M = \frac{n \times \Phi_{\text{макс}}}{M_t}$$

Бу ерда:

M - цех ёки участканинг қабул қилинган ўлчов бирлигидаги ишлаб чиқариш қуввати;

n - цех ёки участкадаги илғор ускуналар сони;

$\Phi_{\text{макс}}$ –бош ускунадан фойдаланиш мумкин бўлган максимал муддат, соат;

M_t –бош ускунада маҳсулот тайёрлашнинг прогрессив меҳнат сиғими, соат.

Амалиётда ишлаб чиқариш қуввати ва ускуналарнинг юкланишини ҳисоблашда баъзида хатолар, улар ўртасидаги фарқни сезмаслик ҳоллари ҳам учраб туради. Корхона қуввати асосий ишлаб чиқариш фондлари, янги техника ва аниқланган заҳиралардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш мумкин бўлган максимал даражани тавсифлайди, ускуналарнинг юкланишни ҳисоблаш натижалари эса, ушбу қувватлардан режадаги даврда фойдаланишнинг даражасини аниқлайди.

Демак, улар ўртасидаги принципиал фарқ шундаки, биринчи ҳолатда корхона ишлаб чиқариши мумкин бўлган маҳсулотларнинг максимал даражаси аниқланса, иккинчи ҳолда мазкур давр мобайнида ускуналардан қанчалик фойдаланилиши аниқланади.

Ишлаб чиқариш дастурининг корхонада мавжуд бўлган қувватларга мос келишини аниқлаш учун, *ўртача йиллик ишлаб чиқариш қуввати* ҳисоблаб топилади. Уни ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$M_{\text{ыр.йил}} = M_n + \frac{M_v \times n_1}{12} - \frac{M_d \times n_2}{12}$$

Бу ерда:

$M_{\text{ыр.йил}}$ – корхонанинг ўртача йиллик қуввати;

M_n – корхонанинг йил бошидаги қуввати;

M_v – йил мобайнида киритилувчи қуввати;

M_d – йил давомида ишлаб чиқаришдан чиқарилувчи (йўқ қилинувчи) қувват;

n_1 , n_2 – ишлаб чиқариш қувватларини ишга туширишдан ёки тугатилган ишлаб чиқариш қувватлари йўқ қилингандан то йил охиригача ўтган тўлиқ ойлар сони.

Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишни яхшилаш билан боғлиқ бўлган мазкур чора-тадбирлар, кўпинча ишлаб чиқариш қувватлари балансини тузиш йўли билан амалга оширилиб, корхонанинг ишлаб чиқариш қувватлари ва уларни таъминлаш манбаларига бўлган эҳтиёжи аниқланади.

Қисқача хулосалар

Бино, иншоот, машина, қурилма, асбоб-ускуна ва бошқа меҳнат воситаларидан иборат бўлган асосий ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнида узоқ вақт мобайнида иштирок этиб, натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда уларнинг қиймати ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга аста-секинлик билан қисмларга бўлиб ўтказилади.

Асосий воситалар ишлаб чиқариш моддий-техника базасининг асоси ҳисобланади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ва меҳнатнинг техник жиҳатдан қуролланиш даражаси асосий воситаларга боғлиқ бўлади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати – бу, ишлаб чиқаришнинг барча заҳираларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажмидир.

Эксплуатация жараёнида асосий воситалар жисмоний ва маънавий эскиришга учраб, бу корхона учун маълум бир йўқотишларни келтириб чиқаради.

Асосий воситаларнинг эскириши билан боғлиқ бўлган йўқотишларни, улардан фойдаланишини яхшилаш, фонд қайтими, сменалик коэффиценти, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш коэффиценти каби асосий кўрсаткичлар даражасини ошириш ёрдамида камайтириш мумкин.

Бу кўрсаткичларни фан-техника тараққиёти ҳисобига, асосий воситалар тузилмасини мукаммаллаштириш, ускуналар бекор туриб қолишини камайтириш, меҳнат ва ишлаб чиқаришни такомиллаштириш, хўжалик юритишнинг янги шакллари ривожлантириш ёрдамида яхшилаш мумкин.

Фойда билан бир қаторда амортизация ажратмалар ҳам корхона асосий воситаларини такомиллаштириш манбаи бўлиб хизмат қилади.

Таянч иборалар

Асосий воситалар, корхонанинг ишлаб чиқариш аппарати, ноишлаб чиқариш асосий воситалари, актив ва пассив, лизинг, корхона асосий воситалари таркиби, эксплуатация қилинаётган асосий воситаларнинг ёши, натурал баҳолаш, қиймат бўйича баҳолаш, бошланғич қиймат, тикланиш қиймати, қолдиқ қиймати, баланс қиймати, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати, жисмоний (моддий) эскириш, маънавий эскириш, амортизация ажратмалари, амортизация нормалари, капитал таъмирлаш, ўртача таъмирлаш, жорий таъмирлаш, ишлаб чиқариш қуввати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Асосий воситалар нима ва уларнинг кенгайтирилган ишлаб чиқаришдаги роли қандай?
2. Асосий ишлаб чиқариш фондлари тузилмаси деганда нима тушунилади ҳамда уларнинг саноат тармоқлари бўйича фарқланишига нима сабаб бўлади?
3. Замоनावий амортизация сиёсатининг моҳияти ва аҳамияти нимада?
4. Асосий ишлаб чиқариш фондларидан фойдаланишнинг экстенсив ва интенсив кўрсаткичлари қандай?
5. Корхона ва саноат тармоғининг ишлаб чиқариш қувватларини ҳисоблаш усули, тури ва тушунчалари қандай?
6. Замоनावий шароитларда асосий воситалар ва корхона ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланишни яхшилашнинг қандай йўналишлари мавжуд?

ВИИИ МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҲЛАРИ

8.1. Айланма маблағлар тушунчаси, иқтисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти.

8.2. Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири.

8.3. Айланма маблағларни нормалаштириш.

8.4. Корхона айланма маблағлари ҳолати ва таъминланганлиги кўрсаткичлари.

8.5. Корхона айланма маблағлари самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш ва уни ошириш имкониятлари.

8.1. Айланма маблағлар тушунчаси, иқтисодий табиати ва уларнинг корхона фаолиятидаги аҳамияти

Корхоналар ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишда меҳнат қуроллари (асосий воситалар) ва ишчи кучидан ташқари, **айланма маблағларга** ҳам эга бўлишлари зарур. Айланма маблағлар ишлаб чиқаришнинг айланма фондлари ва муомала фондларини ташкил қилишга мўлжалланган пул маблағларидан иборат. Айланма маблағлар, қондага кўра, корхонанинг ҳисоб рақамида нақд пул кўринишида жамғарилади. Ҳар бир корхонанинг айланма маблағлари асосий воситаларнинг техник ҳолати ва маҳсулот ишлаб чиқариш дастури билан боғлиқ. Корхона қанчалик катта ва унинг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари турлари кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кўп талаб қилинади. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш ва унинг узлуксизлигини таъминлашнинг моддий асоси ҳисобланади.

“Айланма маблағлар” атамасидан ташқари “айланма капитал” ибораси ҳам кўп қўлланилиб, асосан иқтисодий назария ва ҳўжалик юритишнинг хорижий тажрибасидан олинади. Моҳиятига кўра, **айланма капитал** корхона ишлаб чиқариш капиталининг бир қисми бўлиб, унинг қиймати ишлаб чиқаришнинг ҳар бир циклида ишлаб чиқарилган маҳсулотга ўтказилади ҳамда ушбу товарни сотгандан сўнг корхонага қайтарилади. Айланма капитал кўпинча корхонанинг пул маблағлари ҳисобланувчи ёки ишлаб чиқариш жараёнида пул маблағларига айлантирилувчи ҳаракатчан активлари қаторига киритилади.

Иқтисодий табиати, бажарувчи вазифалари ва ишлаб чиқариш жараёнидаги ўрнига кўра, “айланма маблағлар” ва “айланма капитал” ўртасида сезиларли фарқ йўқ. Корхона доимий капиталининг таркибий қисми сифатида улар хом ашё, ёкилғи, энергия ресурслари, ёрдамчи ва бошқа материалларда юзага келади, шунингдек, ишчи кучларини ёллаш ва уларнинг меҳнатига ҳақ тўлашга бўнак (аванс) тариқасида берилади. Айланма маблағларга бўлган қўшимча талаб банклардан олинadиган кредитлар ҳисобига қопланади.

Бозор иқтисодиёти шароитларида корхоналарнинг айланма маблағларга старли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади. Шунини ҳам унутмаслик зарурки, ишлаб чиқараётган маҳсулот бирлигига сарфланувчи хом ашё, материал, ёкилғи ва энергия миқдори маҳсулот сифатига таъсир кўрсатмаган ҳолда

канчалик кам бўлса, маҳсулот шунчалик арзонлашади ҳамда айланма маблағлар камроқ сарфланиб, улардан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлади.

Корхоналарнинг айланма маблағлари айланма фондлари ва муомала фондларига тақсимланади. Бундай тақсимлаш уларнинг моддий–буюмлашган тузилишидан ташқари, ишлаб чиқариш жараёни ва умуман, корхонанинг иқтисодий фаолиятидаги иштироки асосида амалга оширилади. Бундан ташқари, тақсимлаш режалаштиришни ташкил қилишда ҳамда корхонанинг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларида айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини аниқлашда катта роль ўйнайди.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари—корхона ишлаб чиқариш фондларининг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказди. Шу сабабли айланма ишлаб чиқариш фондлари ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Корхона айланма ишлаб чиқариш фондлари каторига хом ашё ва материаллар захираси, ярим тайёр маҳсулотлар, ёқилғи ва энергетика ресурслари, қадоклаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келажакдаги харажатларни киритиш мумкин. Режалаштириш, системали ҳисоб ва ҳисоботни ташкил қилиш учун қулайлик яратиш мақсадида айланма ишлаб чиқариш фондлари уч гуруҳга бўлинади:

- ишлаб чиқариш заҳиралари;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар;
- келгуси давр харажатлари.

Муомала фондлари корхонанинг тайёр маҳсулот захирасини яратиш учун мўлжалланган пул маблағлари, шунингдек, чек ва векселлар, акциядорларнинг қарзлари, турли хил дебиторлик қарзлари, банк ва кассаларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан иборат бўлади. Муомала фондлари ва айланма ишлаб чиқариш фондлари мажмуаси, корхонанинг айланма маблағлари(капитали)ни ташкил қилади.

Ишлаб чиқаришда банд бўлган айланма маблағлар катталигини белгиловчи асосий омиллар – бу, маҳсулот тайёрлашнинг ишлаб чиқариш цикли узунлиги, меҳнатни ташкил қилиш, техника ва технологиянинг ривожланиш даражаси, меҳнат предметлари ва курулларидан фойдаланиш нормаларидир. Айланма маблағлар катталиги, шунингдек, маҳсулотларни сотиш шароитлари, таъминот ва маҳсулотни сотиш тизимини ташкил қилиш даражаси билан ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида келтирилган ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда шунини айтиш мумкинки, айланма маблағлардан қуйидаги ҳолларда фойдаланилади:

- хом ашё, материал, эҳтиёт қисмлар ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда зарур бўлган бошқа меҳнат предметлари;
- ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинувчи электр энергияси, ёқилғи каби ресурслар учун ҳақ тўлаш;
- корхонани ташкил этиш ва фаолият юритиш даврида ойлик иш ҳақи тўланиши;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш.

Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади. Бунда **заҳира** деганда, моддий ва пул ресурсларини яхшилашнинг юзага келган ёки юзага келмаётган, лекин ҳали фойдаланилмаган (тўлиқ ёки қисман) имкониятларини тушуниш лозим.

Бу заҳиралар келиб чиқиши ва фойдаланилишига кўра иқтисодиётга ва тармоқларга тегишли ёки тармоқлараро, ишлаб чиқариш ичидаги (завод, цех ва ҳоказо) турларига бўлинади. «Корхона иқтисодиёти»да **ички ишлаб чиқариш заҳиралари** - ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил қилиш ҳамда техника ва технологияни такомиллаштириш,

маҳсулотларнинг янги ва янада мукамал турларини ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш билан бевосита боғлиқ бўлган моддий ресурслардан фойдаланишни яхшилаш имкониятлари, катта аҳамият касб этади. Заҳиралар шунингдек, моддий ресурсларни сарфлашни нормаллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг меҳнат сиғимини камайтириш, меҳнатни ташкил қилишнинг рационал усулларини қўллаш натижасида ҳам аниқланади. Қисқача айтганда ҳар бир корхона, айниқса, йирик ва машинасозлик корхоналари ҳамда уларга яқин бўлган корхоналар, моддий ва пул ресурсларидан, яъни хусусий капитал ва бошқа активлардан рационал фойдаланиш бўйича пухта ишлаб чиқилган чора-тадбирлар мажмуасига эга бўлиши зарур.

Ресурслардан самарали фойдаланишнинг техник-ишлаб чиқариш йўналишлари қаторига, бирламчи хом ашёни ишлаб чиқаришда фойдаланишга сифатли равишда тайёрлаш, машина ва ускуналар конструкциясини такомиллаштириш, хом ашё, материал, ёки қилгиларнинг тежамкор турларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш чикитларини камайтирувчи ҳамда иккиламчи ресурслардан максимал даражада фойдаланиш ва барча турдаги йўқотишларнинг олдини олишни таъминловчи янги техника ва технологияларни жорий қилишни киритиш мумкин.

Ресурслардан оқилона фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий йўналишлари қаторига, маҳсулотлар материал сиғимини режалаштириш ва нормалаштиришнинг илмий даражасини ошириш, ресурсларни сарфлашнинг техник жиҳатдан асослаб берилган норма ва нормативларини ишлаб чиқиш, “эски” ва “янги” маҳсулот ишлаб чиқариш ўртасида прогрессив пропорцияларни белгилаш, меҳнатни ташкил қилишнинг самарали усулларини рағбатлантириш билан боғлиқ бўлган чора-тадбирлар киритилади.

Айланма маблағлар ва уларнинг таркибий қисмларидан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари иш жойларида (бригада, цех ва ишлаб чиқариш участкаларида) битта миқдордаги хом ашё ва материаллардан тайёрланувчи якуний маҳсулотларни қўпайтиришдандир. У ишлаб чиқаришни техник жиҳатдан таъминлаш, ходимларнинг малакаси, моддий-техника таъминоти, моддий ресурслар заҳираларини сарфлаш нормаларига боғлиқ бўлади.

8.2. Айланма маблағларнинг тузилмаси ва ҳаракати ҳамда уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири

Айланма тузилмаларни режалаштириш ва бошқаришнинг ҳозирги пайтдаги амалиётида ушбу маблағларнинг таркиби ва тузилмасини баҳолаш ва таҳлил қилишга, шунингдек, уларнинг функционал роли ва ҳаракатига катта эътибор қаратилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг энг фаол қисми бўлса, муомала фондлари ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмайди ҳамда янги истеъмол қийматини яратмайди. Бу ерда умумий қоида шундайки, айланма маблағлар доимо айланишда бўлиши зарур - уларнинг самарадорлиги ва корхона иқтисодиётига таъсири айнан шунда кўзга ташланади.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари корхона айланма маблағларининг асосий ва салмоқли қисми сифатида ўз таркибига қуйидагиларни қамраб олади:

- ишлаб чиқариш заҳиралари – бу ишлаб чиқариш жараёнида ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёрланган ҳамда хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёки қилгилар, харид қилинувчи ярим тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар, қадоқлаш ва ўров материаллари, асосий воситаларни таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, ёки қилгилар-мойлаш материалларидан ташкил топувчи меҳнат предметлари;


- тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар – бу, ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланишга топширилган ҳамда ишлов бериш ва йиғув жараёнида бўлган, лекин ишлаб чиқариш жараёни тўлиқ тугалланмаган ҳамда ушбу корхонада кейинчалик ишлов берилиши лозим бўлган меҳнат предметлари;

- келгуси давр харажатлари - айна пайтда ишлаб чиқарилаётган, лекин келажакдаги маҳсулотларга мансуб бўлган янги турдаги маҳсулотларни тайёрлаш ва

ўзлаштириш харажатлари (масалан, асбоб-ускуналарни қайта режалаштириш, маҳсулотларнинг янги турларини тайёрлаш ва лойиҳалаштиришга сарфланувчи харажатлар ва бошқалар).

Айланма ишлаб чиқариш фондлари алоҳида таркибий қисмлари ёки элементлари ўртасидаги фонизларда ифодаланувчи ўзаро муносабатлар **айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмасини** ташкил қилади. Айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондлари ўртасидаги худди шундай фонизлардаги муносабатлар корхона айланма маблағларининг тузилмаси деб аталади. 8.1 - чизмада корхона айланма маблағларининг тахминий (намунавий) тузилмаси кўрсатилган.

Чизмадан кўриш мумкинки, ишлаб чиқариш заҳиралари айланма ишлаб чиқариш фондларининг асосий қисмини ташкил қилади. Бироқ бозор иқтисодиёти, айниқса, барча ресурслар тақчиллиги шароитларида ишлаб чиқариш заҳираларининг ҳаддан ташқари ошириб юборилиши корхона иқтисодиётига салбий таъсир қилишидан ташқари, ресурсларни “боғлаб” қўяди ҳамда уларнинг йўқотилишига олиб келади. Шу сабабли айланма маблағлар ҳажмини оптималлаштириш ва уларни маҳсулот ишлаб чиқариш дастурларига мос ҳолга келтириш корхонанинг тежамкорлик режимида фаолият юритиши катта аҳамиятга эга бўлади.



8.1 -чизма. Корхона айланма маблағларининг намунавий тузилмаси

Иқтисодиётнинг турли тармоқларидаги корхоналарнинг айланма маблағлари ишлаб чиқаришнинг технологик ташкил этиш хусусиятларига кўра, бир-биридан фарқ қилади. Бу хусусиятларнинг характери ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва мураккаблиги, ихтисослаштириш даражаси, маҳсулотни реализация қилиш шароитлари ва шу кабилар билан изоҳланади. Айланма маблағлар тузилмасининг тармоқлар бўйича фарқланишини қуйидаги жадвал орқали билиб олиш мумкин (8.1-жадвал).

8.1-жадвал

Айланма маблағларнинг тармоқлар бўйича тақсимланиши

Айланма фондларнинг гуруҳ ва элементлари	Бутун саноат	Қора металлургия	Машина-созлик	Энергетика	Енгил саноат	Озиқ-овқат саноати
1. Ишлаб чиқариш заҳиралари - жами	70,2	65,0	55,3	98,3	90,0	78,8
Жумладан: хом ашё ва асосий материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар	46,2	23,8	37,5	-	76,7	52,2
Ёрдамчи материаллар	6,6	11,0	2,3	24,1	5,7	6,1
Ёқилғи	1,7	2,0	0,7	37,4	0,5	1,6
Таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар	3,9	11,0	2,0	23,0	1,7	2,0
Қадоқлаш ва ўров материаллари	3,0	0,5	0,6	0,3	1,2	11,3
Инструментлар, хўжалик асбоблари ва қиммат бўлмаган, тез эскирувчи бошқа предметлар	9,8	16,7	12,2	19,5	3,2	5,6
2. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар	24,0	18,3	42,2	0,5	9,8	19,5
3. Келгуси давр харажатлари ва бошқа меҳнат предметлари	5,8	16,7	2,5	1,2	0,2	1,7
Жами айланма ишлаб чиқариш фондлари	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Айланма фондлар тузилмаси нафақат саноатнинг турли тармоқларида, ҳаттоки бир тармоқ ва бир корхонанинг ўзида ҳам фарқланади. Бундай фарқланишга турли хилдаги хом ашё ва материаллар, ишлаб чиқариш технологияси ва техникасидаги фарқлар, корхоналарнинг географик жойлашуви, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва меҳнат тақсимооти, моддий-техника таъминоти сабаб бўлиши мумкин.

Корхоналар айланма маблағлари таркиби ва тузилмасига хўжалик юритиш қобиляти ва унинг самарадорлигига риоя қилиш қоидалари катта таъсир кўрсатади. Яъни корхона ишлаб чиқариш заҳираларини ва айланма маблағларнинг таъминланганлигини ҳаддан ташқари оширишга интилмаслиги зарур. Амалиётнинг гувоҳлик беришича, бу, ресурсларнинг ҳалок бўлишига ва сунъий танқисликнинг юзага келишига сабаб бўлади. Шу сабабли ҳам ашё ва материалларни сарфлашнинг технологик нормаларига риоя қилиш, уларни сақлашни тўғри йўлга қўйиш, чиқитлар ва йўқотишларни камайтириш, замонавий ва арзон материаллардан фойдаланиш катта аҳамият касб этмоқда. Бироқ арзон материаллардан фойдаланиш доим ҳам корхона имкониятлари ва хоҳишидан келиб чиқармайди ва ташқи муҳит, биринчи ўринда ишлаб чиқаришдаги ҳамкорлар, баҳони шакллантириш, умумий иқтисодий барқарорлик ва бошқа омиллар билан ҳам боғлиқ бўлади.

Корхона иқтисодиётига айланма маблағларнинг таркиби ва тузилмасидан ташқари, уларни ишлаб чиқариш, такрор ишлаб чиқариш ва муомаланинг турли босқичларида излаб топиш катта таъсир кўрсатади. Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиши уч босқичдан иборат бўлиб, бу жараёнда маҳсулот ишлаб чиқарилади ва сотилади.

Биринчи босқичда айланма маблағлар пул шаклидан моддий бойликларнинг ишлаб чиқариш заҳираларига айланади, яъни пул - товар (Д-Т).

Иккинчи босқич ишлаб чиқариш, яни маҳсулотни тайёрлаш жараёнини ўз ичига олади. Бу босқичда айланма маблағлар ва биринчи ўринда айланма фодлар тугалланмаган ишлаб чиқариш ва ярим тайёр маҳсулотлар ҳолига келтирилиб, товар шаклини олади (Т).

Учинчи босқичда айланма маблағлар товар маҳсулоти шаклида муомалага киритилиб, сотилади ва яна пул шаклини олади (Т-П).

Шу тариқа айланма маблағлар барча босқичлардан ўтиб, тўлиқ айланишни амалга оширишини куйидаги тарзда акс эттириш мумкин:

1-босқич - пул-товар (П-Т);

2-босқич - ишлаб чиқариш (И.Ч);

3-босқич - товар-пул (Т-П).

Шуни қайд қилиб ўтиш муҳимки, корхонанинг айланма маблағлари бир вақтнинг ўзида учала босқичда ҳам пул маблағлари, ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар кўринишида мавжуд бўлиши мумкин. Корхонанинг айланма маблағлари ҳаракати маълум бир иқтисодий қонунлар асосида ишлаши ҳамда улардан ишлаб чиқариш ва такрор ишлаб чиқаришнинг барча босқичларида оқилона фойдаланишни кўзда тутиши ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу қонунлардан ва айланма маблағлардан фойдаланиш қоидаларидан четга чиқиш айланма маблағларнинг етишмаслигига ёки самарадорлиқнинг пасайишига олиб келиши мумкин.

8.3. Айланма маблағларни нормалаштириш

Шаклланиш манбаига қўра, айланма маблағлар хусусий ва қарзга олинган турларга бўлинади.

Хусусий айланма маблағлар доимо корхона ихтиёрида бўлиб, хусусий ресурслар, асосан фойда ҳисобига шаклланади. Корхонанинг хусусий айланма маблағлари қаторига иш ҳақи бўйича қарзлар, таъминотчилар ёки ҳамкорлар қарзлари, буюртмачиларнинг тайёрланган маҳсулот учун тўлаган пуллари кабиларни киритиш мумкин. Бу маблағлар хусусий маблағларга тенглаштирилган маблағлар ёки корхонанинг барқарор пасивлари деб аталади.

Қарзга олинган айланма маблағлар доимо ҳаракатда бўлмайди ҳамда корхонанинг маҳсулотларни сотишдаги қийинчиликлар, моддий-товар бойликлар билан

таъминлаш, маҳсулот ишлаб чиқариш дастурини ошириб бажариш ва бошқа вақтинчалик эҳтиёжларни қоплаш учун фойдаланилади. Улар қаторига банк кредитлари, кредиторлик қарзлари (тижорат кредитлари) ва бошқа пассивларни киритиш мумкин.

Айланма маблағларни бошқариш маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнининг узлуксизлигини таъминлашда айланма маблағлардан иложи борица камроқ фойдаланишда ифодаланади. Бу эса корхона айланма маблағлари айланишининг барча босқичларида мос равишда минимал, лекин етарли тарзда рационал тақсимланиши зарурлигини англатади. Бу вазифа ўз навбатида моддий ресурслар захиралари ва харажатларини нормалаштириш туфайли муваффақиятли амалга оширилмоқда.

Айланма маблағларни нормалаштириш корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли захираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички захираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини кискартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади.

Бироқ амалиётда корхоналарнинг барча айланма маблағлари ҳам нормалаштирилмайди. Шу сабабли айланма маблағлар нормалаштирилувчи ва нормалаштирилмайдиган турларга тақсимланади ва улар ҳозирги бозор муносабатлари шароитларида ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

Нормалаштирилувчи айланма маблағлар қаторига корхона омборларидаги ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё, материаллар, ёқилғи, унчалик қиммат бўлмаган предметлар ва жиҳозлар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, келгуси давр харажатлари ва омбордаги тайёр маҳсулотлар киритилади.

Нормалаштирилмайдиган айланма маблағлар, бу – харидорларга бериб юборилган тайёр маҳсулот ёки товарлар, ҳисоб рақамидаги пул маблағларидир.

Корхоналар фаолиятида барча айланма маблағлар салмоғида 70-80%ни ташкил қилувчи нормалаштирилувчи айланма маблағлар асосий ўрин тутати. Айланма маблағларни нормалаштириш тежамкорлик режимида риюя қилиш ва ресурслардан оқилона фойдаланиш имконини яратади.

Ресурсларни нормалаштириш жараёнида айланма маблағларнинг норма ва нормативлари белгиланади.

Айланма маблағларнинг нормаси, корхона моддий-товар бойликларининг минимал захираларини тавсифлайди ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига тўғри келувчи пул ўлчовида, захира қунлари ва захира нормаларида ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг нормативи айланма маблағлар нормасини, нормаси аниқланган кўрсаткичга кўпайтиришни ифодалайди ҳамда қандайдая қўра, пул кўринишида ўлчанади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланиши мумкин:

$$N_{\text{ай.м}} = N_{\text{ич.з}} + N_{\text{т.ич}} + N_{\text{т.м}}$$

Бу ерда:

$N_{\text{ич.з}}$ - ишлаб чиқарилган захиралар нормаси;

$N_{\text{т.ич}}$ – тугалланмаган ишлаб чиқариш нормаси;

$N_{\text{т.м}}$ - тайёр маҳсулот нормаси.

Айланма маблағларни нормалаштириш ва аиникса, моддий ресурсларни сарфлаш нормаларини белгилашда қуйидаги тамойилларга амал қилиш лозим:

- * нормаларнинг прогрессивлиги ва динамиклиги;
- * нормаларнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш–техникавий жиҳатдан асосланганлиги;
- * хом ашё, материал, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа ресурслар ўлчамини тўғри танлаш;
- * чиқит ва йўқотишларнинг олдини олиш;
- * эскирган нормаларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни фан-техника тараққиёти ютуқларига мос ҳолга келтириш.

Моддий ва бошқа ресурсларни нормалаштиришда бир нечта усуллар қўлланилади. Амалиётда қуйидаги усуллар кўпроқ учрайди:

1. Ўтган йиллар давомида амалда сарфланган ресурслар тўғрисидаги ҳисобот маълумотларини ўрганиш ҳамда бир неча йиллар давомида рўй берган пасайишларни ҳисоблашга асосланувчи статистика-тажриба усули.

2. Лаборатория тажрибаларига асосан яратилган ҳамда инструментлар ва ёрдамчи материаллар сарфланиши нормасини аниқлашда қўлланилувчи -лаборатория–техникавий усули.

3. Юзага келган ишлаб чиқариш шароитларидан ташқари бошқа корхоналарнинг илғор тажрибалари ва ютуқларини ҳам ҳисобга олиш имконини берувчи, моддий ресурслардан фойдаланишни нормалаштиришнинг мукамалроқ усули ҳисобланувчи – ҳисоб-таҳлилий усули.

Корхона айланма маблағларини нормалаштириш тадбирлари ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаштириш, шунингдек, тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг оптимал катталиги, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва келгуси давр харажатларини аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ечишга олиб келади.

Ишлаб чиқариш заҳираларини нормалаштириш, корхонанинг узлуксиз фаолият юртишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Агар ишлаб чиқариш заҳиралари нормативлардан паст бўлса, ишлаб чиқариш жараёнининг издан чиқиши, ишчи кучи ва ускуналарнинг бекор туриб қолиши, корхонанинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайишига олиб келиши мумкин. Шу билан бир пайтда, ишлаб чиқариш заҳираларининг белгиланган норма ва нормативлардан ошиб кетишига ҳам йўл қўймаслик керак, чунки бу маблағларнинг “музлаб” қолишига ва натижада корхона ва давлатнинг зарар кўришига олиб келади.

Ишлаб чиқариш заҳиралари жорий, суғурта (кафолатли), тайёрлов (технологик) ва мавсумий турларга бўлинади.

Жорий заҳира – бу, материаллар етказиб бериш оралиғида ишлаб чиқаришни моддий ресурслар билан таъминлаш учун зарур бўлган заҳирадир. Жорий заҳиралар материал етказиб бериш даври, оралиғи ҳамда хом ашё ва бошқа материалларнинг суткалик сарфланишига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади.

Мисол. Нон комбинати бир суткада 10 тонна ун сарфлайди, тегирмондан эса бир ойда бир марта ун қабул қилади. Яъни етказиб бериш оралиғи 30 кунни ташкил қилади. Демак, уннинг максимал даражадаги жорий заҳираси 300 (10х30) тоннани, ўртача жорий заҳираси 150 (10х30:2) тоннани, ун ҳар ўн кунда етказиб берилгандаги минимал жорий заҳираси эса 50 (10х10:2) тоннани ташкил қилади.

Шу тарика жорий заҳиралар ҳажми қўп жиҳатдан етказиб бериш оралиғига боғлиқ бўлади: оралиқ қанчалик кичик бўлса, заҳира шунчалик кам бўлади. Бундан келиб чиққан ҳолда жорий заҳира миқдорини қуйидаги формула асосида топиш мумкин:

$$Z_{\max} = M_{\text{ўр}} \times T_{\text{т.ц}}$$

Бу ерда:

$M_{\text{ўр}}$ – ушбу материалдан ўртача суткалик фойдаланиш миқдори (Т., дона);

$T_{\text{т.ц}}$ – етказиб бериш оралиғи ёки таъминот цикли, кунлар.

Суғурта (кафолат) заҳирасидан таъминотда юзага келиши мумкин бўлган узилишлар ёки кўзда тутилмаган ҳолатларда фойдаланиш мўлжалланади. Кўпинча суғурта заҳирасининг миқдори жорий заҳира нормасининг 50% миқдорида белгиланади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$Z_{\text{стр}} = M_{\text{ўр}} \times (T_1 + T_2 + T_3 + T_4)$$

Бу ерда:

T_1 – материални юклаш учун кетадиган вақт;

T_2 – материаллар йўлда бўладиган вақт;

T_3 – материалларни оморга қабул қилиш вақти;

T_4 – материалларни фойдаланишга тайёрлаш вақти.

Суғурта захираси омборда жорий захира билан биргаликда сақланади ҳамда ундан умуман фарқ қилмасада, алоҳида ҳисобга олинади ва фақат корхона раҳбариятининг рухсати билангина сарфланади.

Тайёрлов (технологик) захирасидан хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш учун тайёр ҳолга келтиришда фойдаланилади. Бундай захиралар ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари ва технологияларига эга бўлган корхоналардагина яратилади. Бундай корхоналар қаторига ёғ-мой комбинати, ёғочни қайта ишлаш корхонаси кабиларни киритиш мумкин. Мазкур ҳолларда тайёрлов захираси миқдори тайёрлов технологияси ва операцияларига мос ҳолда нормага солинади.

Мавсумий захиралар асосан учта сабабга кўра юзага келади: биринчидан, хом ашё тайёрлашнинг мавсумийлиги; иккинчидан, уни истеъмол қилишнинг мавсумийлиги; учинчидан, материалларни етказиб беришнинг мавсумийлиги. Мавсумий захиралар ҳажми худди жорий захиралар ҳажми каби, ўртача бир суткада истеъмол қилиш ва мавсумий захиралар яратилиши лозим бўлган вақтга асосан аниқланади.

Ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш, ишлаб чиқаришда қўлланилувчи ҳар бир меҳнат предмети (хом ашё ва материаллар, ёрдамчи материаллар ва бошқалар) учун алоҳида амалга оширилади ҳамда бу ўз навбатида ишлаб чиқариш захираларини яратишда айланма маблағларга бўлган эҳтиёжни аниқлашга асос бўлиб хизмат қилади.

Мисол. Пойабзал ишлаб чиқарувчи корхонада (харажатлар сметасига кўра) 1 чорак учун 180 минг сўм миқдордаги хом ашё ва асосий материалларни 30 кунлик захира нормасида; 54 минг сўм миқдордаги ёрдамчи материалларни 40 кун захира нормасида; 27 минг сўм миқдоридаги қадоклаш ва ўров материалларидан 20 кун захира нормасида сарфлаш кўзда тутилган. Бундай шароитларда асосий воситалар нормативи (эҳтиёжи) қуйидагича бўлади:

$$\text{Хом ашё ва асосий материаллар бўйича} \quad \frac{180}{90} \times 30 = 60 \text{ минг сўм}$$

$$\text{Қўшимча материаллар бўйича} \quad \frac{54}{90} \times 40 = 24 \text{ минг сўм}$$

$$\text{Қадоклаш ва ўров материаллари бўйича} \quad \frac{27}{90} \times 20 = 6 \text{ минг сўм}$$

Тугалланмаган ишлаб чиқаришни нормалаштириш. Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар нормативини аниқлаш корхона фаолиятидаги энг мураккаб ва қўп меҳнат талаб қилувчи жараён ҳисобланади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш сифатида ишлаб чиқаришнинг турли босқичларида - хом ашёни техник назорат бўлими (ТНБ) томонидан қабул қилишдан то тайёр маҳсулот омборига топширгунга қадар ишлов берилаётган маҳсулотларни кўрсатиши мумкин.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш бўйича айланма маблағлар нормативи миқдори қуйидагиларга боғлиқ бўлади:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.

2. Маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарфланувчи жорий харажатлар, яъни таннарх.

3. Хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш вақтидан то тайёр маҳсулот чиқишигача бўлган ишлаб чиқариш циклининг давомийлиги. Ишлаб чиқариш циклининг давомийлигини топишда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$T_{\text{ич.ц}} = t_{\text{техн}} + t_{\text{контр}} + t_{\text{транс}} + t_{\text{тан}}$$

Бу ерда:

$T_{\text{техн}}$ - маҳсулот ишлаб чиқаришдаги барча операцияларга сарфланувчи вақти;

$T_{\text{тан}}$ - операциялар оралиғидаги вақт (танаффуслар);

$T_{\text{тране}}$ – транспортда ташиш вақти;

$T_{\text{контр}}$ - маҳсулотни йиғиш, қабул қилиш ва ТНБга топшириш вақти.

Тугалланмаган ишлаб чиқаришга жалб қилинган айланма маблағларнинг ўсиши хом ашё ва материалларни ишлаб чиқаришга киритиш билан бошланади ҳамда ишлаб чиқариш цикли якунида (тайёр маҳсулот омборга топширилганда) энг юқори нуқтасига чиқади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш нормативини ҳисоблашда ишлаб чиқариш цикли кунларда белгиланади ҳамда бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$N_{\text{т.ич}} = M_k \times T_{\text{ич.ц}} \times K_{\text{х.ў.}}$$

Бу ерда:

M_k - ўртача бир кунлик харажатлар, сўмларда;

$T_{\text{ич.ц}}$ - ишлаб чиқариш цикли давомийлиги, кунларда;

$K_{\text{х.ў.}}$ - харажатларнинг ўсиш коэффициенти.

Харажатларнинг ўсиш коэффициенти асосий материаллар (M_a) тўлиқ қийматда олинувчи катталик сифатида ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари ($M_{\text{ич}}$) бутун ишлаб чиқариш цикли мобайнида бир хил суратда ўсиб боради ҳамда 50% қийматда ҳисобга олинади:

$$K_{\text{из}} = (M_a + 0,5M_{\text{ич}}) : C$$

Бу ерда:

C - маҳсулот бирлигининг режадаги таннарни.

Агар кейинги харажатлар ($M_{\text{ич}}$) бир хил сурат билан ўзгармаса, у ҳолда ўсиш коэффициенти қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{\text{х.ў.}} = (M_a + k \cdot C_{\text{яф}} + k \cdot C_{\text{бут}} + 0,5M_{\text{ич}}) : C$$

Бу ерда:

k , k – ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни мос равишда пасайтирувчи коэффициентлари;

$C_{\text{яф}}$ - ярим тайёр маҳсулотлар қиймати;

$C_{\text{бут}}$ - бутловчи қисмлар қиймати.

Пасайтирувчи коэффициентлар ярим тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларга ишлов берилган кунларнинг ишлаб чиқариш цикли давомийлигига нисбатини ифодалайди. Масалан, агар ишлаб чиқариш цикли 20 кун бўлиб, бутловчи қисмлар 8 кун давомида ишлаб чиқаришда бўлган бўлса, пасайтирувчи коэффициент 0,4 (8:20) га тенг бўлади.

Тайёр маҳсулот қолдиқларини нормалаштириш. Ишлаб чиқариш жараёни тугаллангандан сўнг меҳнат предметлари тайёр маҳсулот кўринишида муомалага киритилади.

Айланма маблағларнинг тайёр маҳсулотга айланиш нормативи миқдори, ўртача бир суткалик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (таннархи бўйича) айланма маблағларнинг кунлардаги тайёр маҳсулот нормасига сифатида, яъни тайёр маҳсулотнинг корхона омборида сақланиш муддати сифатида аниқланади:

$$G_n = B : T \times N_{\text{т.м}}$$

Бу ерда:

G_n – тайёр маҳсулот нормативи;

B - режалаштирилган даврда режадаги таннарх бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулот;

$N_{\text{тн}}$ – тайёр маҳсулотлардаги айланма маблағлар заҳиралари нормаси, кунларда;

T - режадаги даврда календар кунлар миқдори.

Тайёр маҳсулотнинг омборда сақланиш муддати тайёр маҳсулотни транспортировка қилиш ва сотишга боғлиқ бўлади. Айланма маблағларнинг ушбу нормасидаги кунлар сони маҳсулотни тайёрлаш, юклаш, ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни банкка топшириш учун зарур бўлган кунлардан иборат бўлади.

Келгуси давр харажатларни нормалаштириш. Ўсиб бораётган фан-техника тараққиёти суръатлари айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари аҳамиятини оширмоқда. Бу харажатлар корхонанинг махсус бухгалтерия ҳисобида учта манба: янги техникани ўзлаштириш фонди (агар корхонада шундай фонд мавжуд бўлса), банк кредити ва фойда (харажатларни маҳсулот таннархига киритиш йўли билан) ҳисобига йиғилади. Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари (H_{kd}) нормасини ҳисоблашда қуйидаги формулага амал қилинади:

$$H_{kd} = P + P_{ич} + P_{т}$$

Бу ерда:

P - йил бошида келгуси давр харажатлари учун сарфланиши мўлжалланган маблағлар миқдори (бухгалтерия ҳисоботи бўйича);

$P_{ич}$ - режадаги йилда лойиҳа-сметаларда кўзда тутилган ишлаб чиқариш харажатлари;

$P_{т}$ - ўзлаштирилаётган маҳсулот таннархига киритилувчи ҳамда сметаларда кўзда тутилувчи ёки махсус манбалар ҳисобига қопланувчи харажатлар.

8.2-жадвал

Айланма маблағларнинг келгуси давр харажатлари нормативини ҳисоблаш бўйича мисол

Харажатлар тури ёки гуруҳи	Йил бошига қолдиқ, минг сўм	Бир йиллик харажатлар, минг сўм	Бўлиши керак	Йил охирига қолдиқ, минг сўм
Янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш бўйича харажатлар, жами	180	348	448	80
Жумладан:				
А маҳсулот	90	148	238	-
Б маҳсулот	90	200	210	80

Алоҳида элементлар бўйича айланма маблағлар харажатлари нормалари аниқлангандан сўнг, айланма маблағларга бўлган умумий эҳтиёжлар (норматив) миқдори ҳисобланади. Корхона айланма маблағларига бўлган умумий эҳтиёж, ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё ва асосий материаллар, ёрдамчи материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар, харид қилинувчи маҳсулотлар, қадоклаш ва ўров материаллари, ёқилғи ва ҳоказолар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ва келгуси давр харажатларидан иборат бўлади.

Айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси уларнинг меъёрдан қанчалик фарқланишида кўринади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 27 февралдаги «Вазирликлар, идоралар ва корхоналар айланма маблағларининг меъёрлари тўғрисида»ги 108-қарорига мувофиқ, корхоналар молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириши мақсадида фаолият турларини ҳисобга олиб, айланма маблағларнинг табақалаштирилган меъёрлари тасдиқланди.

Юқорида тилга олинган қарорда айланма маблағлар меъёрлари идораларга қараб, кунларда ва бир сўм харажатга тўғри келадиган тийинларда белгиланган. Бу маълумотлар 8.3-жадвалда келтирилган.

8.3-жадвал

Айланма маблағлар меъёри

Идоралар	Айланма маблағлар меъёри	
	кунларда	1 сўмлик харажат учун тийинларда
“Узқурилишматериаллари” ДАК	45	12.50
“Узбекмебель” ДАК	45	12.50
“Маҳаллий саноат” ДК	45	12.50

Ушбу қарорга мувофиқ айланма маблағлар меъёрини аниқлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган бир кунлик харажатлар суммасини кунларда белгиланган меъёрга қуйидаги формула бўйича кўпайтириш керак:

$$\text{Айм} = \text{УХФАХҚ} * \text{АйММкун} / \text{К}$$

бунда:

Айм. — айланма маблағларнинг меъёридаги суммаси;

УХФАХҚ— ҳисобот даврида умумхужжалик фаолиятининг амалдаги жами харажатлари қиймати (5-с-шакл бўйича);

К— даврдаги кунлар сони;

АйММкун — белгиланган айланма маблағларнинг кунлардаги меъёри.

Тугалланмаган ишлаб чиқариш динамикаси ҳам ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлади. Бу ҳажмнинг ҳаддан ташқари кўпайиши бутланмаган маҳсулот чиқариш ёки ишлаб чиқаришни тугаллаш учун зарур хом ашё материаллар йўқлиги натижасида юз бериши мумкин²⁸.

Тайёр маҳсулотга талабнинг пасайиши, ёмон маркетинг, харидорлар йўқлиги ёки маҳсулот сифати ёмонлашуви натижасида ҳам тайёр маҳсулот ортиқча ишлаб чиқариши мумкин.

Дебиторлик қарзининг, айниқса, муддати ўтган қарзнинг кўпайиши харидорлар ва буюртмачиларнинг тўлов қобилияти етарли даражада ўрганилмаганлигидан дарак беради.

Пул маблағларининг ҳаддан ташқари кўпайиши ҳам номақбул ҳодисадир. Чунки, бу маблағлар корхонанинг ҳисоб рақамларида ҳаракатсиз ётмасдан, айланиб туриши ва даромад келтириши керак. Иккинчи томондан, маблағларнинг йўқлиги корхонанинг тўловга қобилиятсизлигини кўрсатади.

Шу сабабли, айланма маблағлар турлари корхонанинг барқарор ишлашини таъминлайдиган миқдорда бўлиши керак.

Айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси уларнинг меъёрдан фарқ қилиши билан белгиланади. Корхонанинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш мақсадида, фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда, айланма маблағларнинг табақалаштирилган меъёрлари тасдиқланган.

Молиявий ҳисоботни ўрганиш республика корхоналари айланма маблағлардан мақсадга мувофиқ фойдаланилмаётганлигини кўрсатди. Катта дебиторлик қарзлари, айланма маблағларнинг секин айланиши, ишлаб чиқаришга доимо қўшимча маблағлар жалб этишни талаб қилади.

Айланма маблағларни таҳлил қилган вақтда амалдаги ва меъёрий айланма маблағларни таққослаш ва улар ўртасидаги фарқни ҳисоблаб чиқариш керак бўлади.

Айланма маблағлар меъёрини аниқлаш учун юқоридаги қарорга мувофиқ, маҳсулот ишлаб чиқаришга бир кунда қилинган харажатлар суммасини қуйидаги формула бўйича кунларда ифодаланган белгиланган меъёрга кўпайтириш керак:

$$\text{Аймм} = \text{Эдк} * \text{Нкн} / \text{К}.$$

бунда:

Аймм — айланма маблағлар меъёри суммаси;

Эдк — даврдаги кунларнинг жами миқдори;

²⁸ Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарк”, 2015. – 480 б.

К— даврдаги кунлар сони;

Нкн — айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган (белгиланган) меъёри.

Агар айланма маблағлар нормативи 1 сўмга қилинган харажатларни ҳисобга олган ҳолда белгиланса, ишлаб чиқаришга қилинган харажатлар умумий суммасини қуйидаги формула бўйича харажатларнинг 1 сўмига тийинларда белгиланган нормативга кўпайтириш керак бўлади:

$$\text{Аймм} = \text{Хиш} * 1 \text{ сўмга } M,$$

бунда:

Хиш — ишлаб чиқариш харажатлари;

1 сўмга М — 1 сўм харажатга тўғри келадиган айланма маблағлар меъёри.

Ушбу кўрсаткичларни амалий маълумотларни қўллаган ҳолда аниқлаш ва қатор йиллар билан таққослаш таҳлил қилинаётган объект бўйича етарли хулосаларни чиқариш учун асос бўлади.

8.4. Корхона айланма маблағлари ҳолати ва таъминланганлиги кўрсаткичлари.

Корхонанинг айланма маблағлари – унинг айланма фондларда, муомала фондларида ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир²⁹.

Улар асосий воситалардан фарқли ўлароқ, тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Чунки, бир ишлаб чиқариш цикли мобайнида тўлиқ истеъмол қилинади, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказди, ҳам буюм-натура кўринишида, ҳам қиймат тарзида тикланади.

Айланма маблағлар ҳақидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ҳамда «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома» деган 2-а шаклда кўрсатилади. Бухгалтерия балансида улар «Айланма активлар» деган активнинг 2-бўлиmidан қайд этилади. Ушбу бўлимнинг якуни корхонанинг муайян санада айланма маблағларда турган маблағлари суммасини кўрсатади.

Корхона иқтисодий салоҳияти таркибида етакчи ўринларни айланма маблағлар ҳиссаси ташкил қилади. Унинг миқдори, таъкидланганидек, турли соҳаларда турлича.

Айланма маблағлар ҳам иқтисодий мазмуни бўйича айрим жиҳатлари асосий воситаларга ўхшаш. Улар иккаласи ҳам моддий ресурслар гуруҳига киради. Шу жиҳатдан айланма маблағларни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини ҳам уч гуруҳга бўлиш мумкин: айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар ва айланма маблағлар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар. Мазкур кўрсаткичларнинг таснифи чизмада келтирилган (8.2 - чизма).

Таҳлил жараёнида у ёки бу кўрсаткичнинг нимани ифодалаши, уларни баҳолаш йўлари ва маълумот манбаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли, ҳар бир кўрсаткичнинг номини, нимани ифодалаши, аниқлаш йўларини келтирилган гуруҳлар бўйича кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ (8.4 -жадвал).


²⁹ Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарк”, 2015. – 480 б.

8.4 -жадвал

Айланма маблағлар (Айм) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1	2	3
1. Айм. нинг умумий маблағлардаги ҳиссаси	Айм.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$A_{\text{айм}}/Б$
2. Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз пул маблағлари мавжудлигини ифодалайди	$П_{\text{м}}/ A_{\text{айм}}$
3. Айм. таркибида Товар-моддий захиралари (Зх) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз ишлаб чиқариш захиралари борлигини кўрсатади	$Зх/A_{\text{айм}}$
4. Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси	Айм. таркибида дебиторларнинг неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$Деб/A_{\text{айм}}$
5. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси	Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебиторлардаги неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	$Дмуд/Д$
6. Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	Барча Айм.нинг қанча қисми ўз маблағлари ҳисобидан қопланишини кўрсатади	$(\check{Y}_{\text{м}}+У_{\text{мп}}-Ас)/A_{\text{айм}}$

Ушбу жадвал маълумотлари корхонанинг айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, аниқланиш йўллари, нимани ифодалаши ва ҳар бирининг ахборот манбаини кўрсатиб турибди. Бу эса мазкур кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш учун назарий ва услубий асос бўлади.



8.2 -чизма. Корхона айланма маблағларини (Айм)

Айланма маблағларнинг муайян санадаги суммаси бухгалтерия баланси маълумотлари асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда баланснинг актив қисмидаги 2-бўлимнинг якунида кўрсатилади.

Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган миқдорини ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида амалга оширилади. Бу кўрсаткич корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини бажариш чоғида айланма маблағлар неча кунга етишини кўрсатади.

Бироқ, ушбу айланма маблағлардан ҳисобот даврида эмас, балки кейинги даврда фойдаланилади. Шу сабабли, айланма маблағларнинг асл суммасини кейинги чоракда маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган бир кунлик харажатларга тақсимлаш керак бўлади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{Кайм.м} = \text{Айм} \times 90 / \text{Ихаражат}$$

бунда:

Кайм.м. – кунларда ифодаланган айланма маблағлар;

Айм – айланма маблағлар суммаси;

Ихаражат – кейинги чоракдаги ишлаб чиқариш харажатларининг умумий миқдори.

Ушбу кўрсаткич кунларда ва суммада ифодаланган амалдаги айланма маблағлар меъёрлари билан таққослаш учун керак.

Айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммаси ўртача хронологик формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

$$\text{Ай.мў} = (\text{Айм.1} + \text{Айм.2} + \text{Айм.3} + \text{Айм.4} + \text{Айм.5}) / 4$$

бунда:

Ай.м. – айланма маблағларнинг ўрта йиллик суммаси;

Айм.1, ..., Айм.5 – чораклар боши ва охиридаги айланма маблағлар суммаси.

Бу кўрсаткич бизнес-режалар тузиш ва айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш учун ҳам кенг қўлланилади.

Айланма маблағларнинг ҳолатини билдирувчи кўрсаткичларга қуйидагилар кирази: айланма маблағлар суммаси, унинг ўртача киймати, умумий маблағлардаги ҳиссаси, айланма маблағларнинг таркибий тузилиши, айланма маблағларда ўз маблағлари суммаси; айланма маблағлар динамикаси ва ҳ.к.

Корхонада айланма маблағлар ҳолатининг қандай эканлигини билиш учун, ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида, унинг динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо айланма маблағлар динамикасини ўрганганда албатта барча активлар динамикаси билан солиштириш ва барча активларда уларнинг улуши қандай ўзгараётганлигини ҳам кузатиш бу борадаги хулосага анча ойдинлик киритади.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишда айланма маблағларнинг суммаси ва айланиш тезлигини белгиланган меъёрлар билан таққослаш; ўз ва қарз маблағларининг муомаладаги иштирокини аниқлаш; айланма маблағларнинг умумий ҳажми ва турлари бўйича шакллари ва манбаларини ўрганиб чиқиш лозим бўлади.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни аниқлаш учун маълумотлар молиявий ҳисоботдан, баланснинг актив қисмидаги 2-бўлимидан олинади.

8.5-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
Айм. сигими, яъни 1 сўм натижага (К) тўғри келадиган Айм.	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Айм. тўғри келишини (натижанинг фондлилигини) ифодалайди	Айм/К

Айм. меъёрининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши	Айм. ҳақиқий суммасининг меъёрга нисбатини, яъни 1 сўм Айм.м.га тўғри келадиган ҳақиқий Айм. суммасини кўрсатади	Айм.х/ Айм.м
1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм.	1 сўм Ав.га тўғри келадиган Айм. Суммасини, яъни Ав.нинг Айм. билан таъминланганлигини ифодалайди	Айм/Ав
Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм.	1 та ходимга тўғри келадиган Айм. суммаси, яъни ходимларнинг Айм. билан таъминланганлигини кўрсатади.	Айм/Х

8.5. Корхона айланма маблағлари самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш ва уни ошириш имкониятлари.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш, айланма маблағлар айланишини тезлаштириш нафақат корхона учун, балки бутун иқтисодиёт учун ҳам катта аҳамият касб этади. У ресурсларнинг нисбий озод қилиниши, ижтимоий харажатларнинг камайтирилишига қўмаклашади ва иқтисодий ривожлантириш суръатини оширади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

8.6-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	Айм. Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\text{Айм} \times \text{Кс} / \text{Қ}$ Кс – даврдаги кунлар сони
2. Айм.нинг айланувчанлик коэффициенти, мартада	Таҳлил даврида Айм.га қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди	$\text{Қ} / \text{Айм} \times \text{с}$
3. Айм.нинг рентабеллиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	$\text{СФ} \times 100 / \text{Айм} \times \text{с}$

4. Айм.нинг даромадлиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган даромадни (Д) ифодалайди	$D*100/ \text{Аймўс}$
5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	Дебиторларнинг (Деб) бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\text{Деб}*Kc/ K$

Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги айланма маблағлар ўртача йиллик суммасининг бир кунлик сотилган маҳсулот қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Айма} = \text{Аймўс} * Kc / K,$$

бунда:

Айма – айланма маблағлар айланувчанлиги;

Аймўс – айланма маблағлар ўртача йиллик суммаси;

K – маҳсулот сотиш суммаси;

Kc – даврдаги кунлар сони (одатда, бир йилди 360, ярим йилда 180, 1 чоракда 90, 1 ойда 30 кун).

Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффициенти – Ак) сотилган маҳсулот суммасининг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади ёки даврдаги кунлар сони (360) айланма маблағларнинг айланиш кунларига бўлинади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Ak = K / \text{Аймўс} \quad \text{ёки} \quad Ak = Kc / \text{Айма}.$$

Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\text{Аймр} = CФ*100 / \text{Аймўс},$$

бунда:

Аймр – айланма маблағлар рентабеллиги;

CФ – соф фойда.

Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига қанча фойда олинаётганлигини билдиради.

Айланма маблағлар даромадлиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Аймд} = D*100 / \text{Аймўс}$$

Айланма маблағларни юкланиш коэффициенти айланиш коэффициентиға тесқари бўлган қийматдир. У сотилган ҳар 1 сўм маҳсулотға сарфланган айланма маблағларни тавсифлайди ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисоблаб топилади:

$$K_{\text{юк}} = \text{Аймўс} / K$$

Айланма маблағларнинг тўлиқ айланиш муддати қанчалик кичик ёки бу айланишлар сони қанчалик кўп бўлса, айланма маблағлар шунчалик кам талаб қилинади ва аксинча, айланма маблағлар қанчалик тез айланишда бўлса, шунчалик самарали ишлатилади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларига жуда кўп омиллар таъсир этади. уларнинг асосийлари куйидагилар:

- маҳсулот ҳажмининг кўпайиши;
- айланма маблағлар тузилишининг яхшиланиши;
- айланма маблағларни белгиланган меъёрлар даражасига етказиш;
- дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш;
- чиқарилаётган маҳсулотга талабни ўрганишнинг яхшиланиши;
- харидорлар ва буюртмачилар билан ҳисоб-китобларнинг яхшиланиши кабилар.

Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сакланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Корхоналар олдида кўйилган вазифаларни бажариш куйидагиларни амалга оширишни талаб қилади:

- фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўллаш;
- ишлаб чиқаришнинг барча жараёнларида илмий жиҳатдан асосланган норма ва нормативлар тизимини яратиш;
- корхоналарни узок муддатли хўжалик алоқалари юритишга ўтказиш ва кооперация қилишни ривожлантириш;
- маҳсулотлар, молиявий, моддий ва куч-қувват ресурсларининг сифат балансини тузиш;
- бошқариш тизимини ташкил этишнинг ва рағбатлантиришнинг оптимал шакллари кўллаш.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш учун курашда ҳар бир корхона уларнинг ишлаб чиқариш ва муомалада бўлиш муддатини қисқартиришга эришиши зарур. Гап шундаки, айланма маблағларнинг муомала соҳасида секин ҳаракатланиши корхонанинг бу воситалардан ишлаб чиқаришда фойдаланишда эришган ютуқларини йўққа чиқаришдан ташқари, уларнинг умумий айланишини ҳам секинлаштириши мумкин. Шу сабабли тайёр маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришни тезлаштириш ёки маҳсулотни реализация қилиш муддатини қисқартириш ҳам айланма маблағларнинг айланишини тезлаштиришнинг муҳим йўли ҳисобланади.

Айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш самараси, улардан фойдаланишни яхшилаш туфайли камроқ истеъмол қилиниши ёки қисман озод қилинишида акс этади. Айланма маблағлар мутлақ ёки нисбий озод қилиниши мумкин.

Мутлақ озод қилиш корхонанинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини камайтиришни тавсифлайди ҳамда мавжуд ресурслардан рационал фойдаланишга оид турли ташкилий-техник чора-тадбирлар ҳисобига амалга оширилади.

Нисбий озод қилиш айланма маблағлари ҳажмининг ўзгариши ҳамда сотилган маҳсулот ҳажмининг ўзгаришини акс эттиради. Уни аниқлаш учун ҳисобот йилида айланма маблағларга эҳтиёжни, маҳсулотни мазкур давр мобайнида сотиш бўйича ҳақиқий айланиш ҳамда ўтган даврдаги айланишни (кунларда) инobatга олган ҳолда ҳисоблаш зарур. Улар ўртасидаги фарқ озод қилинган воситалар миқдорини беради.

Қисқача хулосалар

Ҳеч бир корхона айланма маблағларсиз фаолият кўрсата олмайди. Уларнинг мавжуд бўлиши ҳар бир ишлаб чиқариш жараёни учун мажбурий элемент ҳисобланади.

Корхонанинг молиявий аҳволи кўп жиҳатдан айланма маблағлардан фойдаланиш даражаси ва тузилмасига боғлиқ бўлади. Мазкур даража маҳсулотнинг материал сифими, электр сифими, энергия сифими, моддий ресурс харажатлари ва ундан фойдаланиш коэффиценти каби кўрсаткичларни тавсифлайди. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари куйидагилар: айланиш коэффиценти, бир марта айланиш давомийлиги ва юкланиш коэффиценти.

Корхонада маҳсулотнинг материал сиғимини пасайтириш иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан катта аҳамият касб этади, чунки у қуйидагиларга имкон яратади:

- ишлаб чиқариш харажатларини сезиларли равишда камайтириш;
- корхона ихтиёрида қолувчи фойда миқдорини ошириш;
- маҳсулотнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш.

Корхонада моддий ресурслардан оқилона фойдаланишга фақат доимий амал қилувчи тизим сифатидаги ресурсларни сақлашнинг чуқур ўйланган сиёсати асосида эришиш мумкин.

Таянч иборалари

Айланма маблағлар, айланма капитал, айланма ишлаб чиқариш фондлари, муомала фондлари, захира, ички ишлаб чиқариш захиралари, ишлаб чиқариш захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва корхонада тайёрланган ярим тайёр маҳсулотлар, келгуси давр харажатлари, айланма ишлаб чиқариш фондларининг тузилмаси, хусусий айланма маблағлар, қарзга олинган айланма маблағлар, айланма маблағларни нормалаштириш, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш, жорий захира, суғурта (кафолат) захираси, тайёрлов (технологик) захираси, мавсумий захиралар, тугалланмаган ишлаб чиқаришни нормалаштириш, тайёр маҳсулот қолдиқларини нормалаштириш, келгуси давр харажатларни нормалаштириш, айланиш коэффиценти, айланма маблағларни юкланиш коэффиценти, бир марта айланиш давомийлиги.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Айланма маблағлар ишлаб чиқариш айланма фондларидан қандай фарқ қилади?
2. Айланма маблағларни ташкил қилувчи асосий элементлар қайсилар?
3. Айланма маблағлар тузилмаси деганда нима тушунилади? Қайси омиллар унинг ўзгаришига таъсир кўрсатади?
4. Қайси кўрсаткичлар ишлаб чиқариш айланма фондлари ва айланма маблағлардан фойдаланиш даражасини тавсифлайди?
5. Қайси омиллар айланма маблағларнинг айланиш даражасига таъсир кўрсатади?
6. Корхонанинг норматив базаси деганда нима тушунилади?
7. Корхонанинг норматив базасини мукаммаллаштириш қандай аҳамиятга эга?
8. Корхонада маҳсулотнинг материал сиғимини камайтириш қандай аҳамият касб этади?
9. Айланма маблағларни нормалаштиришнинг моҳияти ва аҳамияти қандай?
10. Корхонада маҳсулот материал сиғимини камайтиришнинг асосий йўллари ва йўналишлари қандай?

ИХ МАВЗУ. КОРХОНАДА КАДРЛАР ВА МЕҲНАТ ҲАҚ ТЎЛАШ

- 9.1. Корхонанинг кадрлар салоҳияти.
- 9.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати.
- 9.3. Корхона меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар
- 9.4. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари
- 9.5. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш.
- 9.6. Корхонада моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш

9.1. Корхонанинг кадрлар салоҳияти

Бозор муносабатлари шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Чунки, ишсизлик муаммосининг мавжудлиги бозор иқтисодиётининг ажралмас хусусиятидир. Шундай экан, ишсизлик муаммосини ўрганишдан асосий мақсад – аҳолининг иш билан бандлигини ошириш орқали мамлакат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга алоқадор тадбирлар ишлаб чиқишдан иборат.

Айниқса, чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласи янада долзарб тус олди.

Президентимизнинг 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузаларида “Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилишда ҳам жиддий сифат ўзгаришлари кўзга ташланмоқда. Биз учун ўта долзарб бўлган бу масалани ечишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш билан бирга, хизмат кўрсатиш соҳаси ва қасаначиликнинг турли шакллари кенг жорий этиш, қишлоқ жойларда қорвачиликни ривожлантиришни рағбатлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.”³⁰-деб таъкидланди

2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга – янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганлигини таъкидлаш лозим.

Мамлакатимизда 2009 йилда қўрилган амалий чоралар натижасида 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди

Энг муҳими, жаҳонда рўй бераётган молиявий-иқтисодий инқироз таъсирида дунё бўйича 56 млн. кишидан ортиқ ишсизлар армияси вужудга келган бир шароитда Ўзбекистонда юз минглаб янгидан-янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Бунинг яна бир аҳамиятли томони, янги иш ўринларини яратишнинг ўзига хос механизмларининг таркиб

³⁰ И.А. Каримов. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

топгани ва унинг бир қатор йўналишлар бўйича изчил амал қилиб келаётганлигидир (9.1-расм).



9.1-расм. Янги иш ўринларини ташкил этишнинг асосий йўналишлари³¹

Меҳнат – ҳар бир шахс ва умуман жамият эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўладиган моддий ва маънавий неъматлар яратиш соҳасидаги мақсадга мувофиқ фаолиятдир. Меҳнат - инсонда мавжуд онг (маънавий қудрат) билан унинг жисмоний имкониятларининг бирлашиши туфайли юзага келади.

Моддий ишлаб чиқариш жараёнини тадқиқ қилиш асосида шундай фикрга келиш мумкинки, меҳнат аввало, инсон билан табиат ўртасидаги содир бўладиган шундай жараёнки, унда инсон ўз фаолияти билан ўзи ва табиат ўртасидаги моддалар алмашинувини бевосита ифодалайди, тартибга солади ва назорат қилади.

Меҳнат жараёнининг оддий жиҳатларига унинг мақсадга мувофиқлиги, меҳнат буюми ва меҳнат воситаларини киритиш қабул қилинган. Меҳнат буюмлари ва ишлаб чиқариш қуроллари жонли меҳнат жараёнига киритилмаса улар ўз ўзидан фаолият кўрсата олмайди. Жонли меҳнат эса ҳамиша фақат кишиларнинг табиатга муносабатидан иборат бўлибгина қолмай, шу билан бирга, жараён қатнашчилари ўртасидаги муносабатдан иборат.

“Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилади” қондаси иқтисодий ислохотлар амалга оширилаётган ҳозирги кунларда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Президент И.Каримов айтганидек: “Бугунги кунда биз олдимизга қандай вазифаларни қўймайлик,

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 340 бет.

бизнинг олдимизда қандай муаммолар мавжуд бўлмасин, уларнинг барчаси пировардида кадрлар ва фақат кадрларга бориб тақалади.”

Замонавий корхоналар фаолиятида меҳнат қуроллари ва меҳнат предметларидан ташқари кадрлар ҳам катта аҳамиятига эга. Айнан кадрлар ишлаб чиқаришни бошқариб, жорий ва истиқболдаги режалаштиришни амалга оширадилар ҳамда ишлаб чиқариш воситаларини фойдаланишга киритадилар. Кадрларнинг касбий малакаси қанчалик юқори бўлса, корхоналарнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шунчалик яхши бўлади.

Корхонанинг “меҳнат ресурслари”, “кадрлар”, “персонал” тушунчаларини, гарчи улар ўртасида маъжозий маънода айтганда “хитой девори” йўқ бўлса ва улар кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва улардан фойдаланишда бир хилда қўллансада, бир-биридан фарқлаш лозим.

Салоҳият (потенциал) тушунчасининг ўзи лотин тилидан олинган бўлиб (потенциа), имконият, куч-қувват, яшириш имконият маъносини англатади. Луғат ва қўлланмаларда у мавжуд ва ҳаракатга келтирилиши, маълум бир мақсадларга эришиш учун фойдаланиш мумкин бўлган восита, заҳира, манба деб кўрсатилган.

Кадрлар салоҳияти - меҳнат ресурсларининг умумий сони ва жинси, ёши, маълумоти, касбий кўникмалари, корхонанинг у ёки бу бўғинларида ва жамоатчилик ишлаб чиқаришида қатнашиши билан ифодаланувчи меҳнат ресурслари ёки имкониятларини ифодалайди. Кадрлар салоҳияти жамият меҳнат салоҳиятининг таркибий қисмидир (б-илова).

Корхона меҳнат салоҳияти- бу бирор кўзда тутилган ишни (фаолиятни) маълум бир вақтда бажаришга қодир бўлган турли малакага эга барча ишчи ва хизматчилар мажмуасидир. Таҳлил қилиш учун уни натурал ва қиймат кўрсаткичларида ифодалаш лозим. Бу унинг таркибида намоён бўлади.


Кадрлар корхонада меҳнат билан банд бўлган ҳамда корхона шахсий таркибига кирувчи турли касбий-малакавий гуруҳлардаги ходимлар мажмуасидир. Корхонанинг **меҳнат ресурслари** унинг ишчи кучини тавсифлайди. **Корхона персонали** доимий ва ёлланиб ишловчи, малакали ва малакасиз барча ходимлардан иборат бўлган шахсий таркибни изоҳлайди.

Ишлаб чиқаришдаги асосий «шахс», иқтисодиёт назариясида талқин қилинишича, **ишчи кучи** - инсоннинг меҳнат қилишга жисмоний ва ақлий қобилиятлари ҳисобланади. Бозор муносабатлари шароитларида меҳнат қобилияти, ишчи кучини

товар ҳолига келтиради. Бироқ бу оддий товар эмас. Унинг бошқа товарлардан фарқи шундаки, биринчидан, у ўз қийматидан ортиқ бўлган қиймат яратади, иккинчидан, уни жалб қилмасдан бирон-бир ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш мумкин эмас, учинчидан, асосий фондлар ва айланма маблағлардан самарали фойдаланиш даражаси, хўжалик юритиш иқтисодиёти кўп жиҳатдан унга боғлиқ бўлади.

Корхоналарда ишчи кучи ва умуман кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланишга қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади: ходимларнинг моддий манфаатдорлиги, атроф-муҳит, ақлий, жисмоний ва асаблар кучланиши, бошқариш усуллари ва ҳоказолар. Айниқса меҳнат учун ижтимоий шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади (9.2-расм).

Меънатнинг ижтимоий шароитлари



9.2 - расм. Меҳнат юқламасига таъсир кўрсатувчи омиллар

Корхона персонали ёки кадрлар таркиби ва унинг ўзгариши маълум бир сифат, миқдор ва тузилмавий тавсифларга эга бўлиб, улардан фаолиятни режалаштириш ва ҳисобга олишда фойдаланилади. Корхона ходимларининг рўйхат бўйича таркиби замонавий таснифи бўйича қуйидагиларни ўз ичига олади:

* **саноат-ишлаб чиқариш персонали** (С.ИЧ.П) - асосий ва ёрдамчи цехлар, завод бошқаруви, лаборатория, илмий-тадқиқот ва тажриба-лойиҳалаштириш бўлимлари (ИТ ва ТЛ.И), ҳисоблаш маркази ходимлари;

* **ноншлаб чиқариш персонали** - уй-жой, коммунал ва ёрдамчи хўжаликларда, соғлиқни сақлаш, профилактика ва таълим муассасаларида фаолият юритувчи ходимлар;

* **раҳбарлар** - директор, директор ўринбосарлари, бош мутахассислар, бўлим ва хизмат бошлиқлари, яъни муҳандис-техник персонал (МТП);

* **хизматчилар** - ҳужжатларни тайёрлаш, ҳисоб-китоб ва назорат қилиш, ҳўжалик хизмати ходимлари (агентлар, ғазначилар, иш юритувчилар, котиблар, статистлар ва ҳоказо).

Корхона С.ИЧ.Пнинг асосий ва кўп сонли қисмини **ишчилар** ташкил қилиб, улар маҳсулот ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш, иш бажариш), таъмирлаш ва усқуналарга хизмат кўрсатишда (*таъмирловчи ишчилар*) қатнашадилр, меҳнат предметларини ташиш ва маҳсулот тайёрлашни амалга оширадилар (*транспорт ишчилари*), қурилиш-таъмирлаш ишларини бажарадилар (*қурувчи-ишчилар*).

Ходимлар сони деганда корхонада банд бўлган барча ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони тушунилади³². Бу икки кўринишда бўлади:

1. Рўйхатдаги ходимлар сони.

2. Ишга келган ходимлар сони.

Рўйхатдаги ходимлар сони деганда корхона рўйхатига киритилган доимий, мавсумий ва вақтинчалик ишлайдиган ҳамда шу корхонадан маош оладиган барча ходимлар тушунилади. Буларнинг таркибига қуйидагилар киради:

1) ҳақиқатда ишлаётганлар;

2) вақтинча хизмат сафариди, навбатдаги меҳнат таътилида, декрет таътилида юрганлар;

3) касаллиги туфайли ишга келмаганлар, давлат ва ижтимоий ташкилотлар топшириқларини бажариш мақсадида бошқа ишни қилаётганлар; маъмурият руҳсати билан келмаганлар, байрам ва дам олиш кунлари ишлаганлиги учун таътилда юрганлар, сабабсиз ишга келмаганлар.

Булардан ташқари, кишлоқ ҳўжалик ишларига вақтинча жалб қилинганлар, малака оширишда ўқиётганлар, ўқиш учун таътилга чиқиб, навбатдаги сессиясини топшираётганлар ҳам шу корхонада вақтинча ишламасада, унинг рўйхатдаги ходимлар сонига киради.

Шундай ходимлар борки, улар шу корхонада маълум даражада фаолият кўрсатади, аммо рўйхатдаги ходимлар сонига кирмайди. Булар жумласига шу корхонада ишлаб чиқариш амалиётини ўтаётган, лекин ишга қабул қилинмаган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабаларини, корхонанинг асосий фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ишни бажаришга 5 кунгача қабул қилинган ходимларни, шу корхонада ўриндошликда ишлаётганларни ва бошқа шунга ўхшаш тоифадаги ходимларни киритиш мумкин.

Амалиётда, айниқса, таҳлил қилишда ўртача рўйхатдаги ходимлар сони деган кўрсаткич ҳам ишлатилади. Бу бир ойга, бир чоракка, ярим йилга, тўққиз ойга ва бир йилга ҳисобланиши мумкин. Ушбу кўрсаткични аниклаш учун корхонадаги рўйхатдаги ходимлар сонининг ҳар бир кунлигини қўшиб, ҳисобланаётган даврдаги тақвим кунлари сонига бўламиз. Масалан, бир ойлик ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини топмоқчи бўлсак, шу ой мобайнида дам олиш ва байрам кунларини ҳам қўшган ҳолда рўйхатдаги ходимларнинг ҳар кунлигини жамлаб чиқамиз ва чиққан натижани шу ойдаги тақвим кунлари сонига бўламиз.

Ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини бир чорак муддатга аниклаш учун уч ойлик ўртача рўйхатдаги ходимлар сонини қўшиб, учга бўлиш кифоя. Олти ойликни топиш учун олти ойлик ўртачани қўшиб, олтига бўлинади ва х. к.

Ушбу кўрсаткич корхонада таҳлил қилинаётган даврда меҳнат унумдорлигининг даражасини ва бошқа самарадорлик билан боғлиқ кўрсаткичларни аниклаш учун қўлланилади.

Ишга келган ходимлар сони бир тақвим кунда фақат ишга келган ходимлардан иборатдир. Агар шу корхонанинг рўйхатида бўлсада, у ёки бу сабаб билан ишга келмаса,

³² Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.

ишга келган ходимлар сонига қўшилмайди. Бу кўрсаткичлар ҳам ўртача бир ой, бир чорак, ярим йил, тўққиз ой ва бир йилга ҳисобланиши мумкин.

Бир ойлик ўртача ишга келган ходимлар сонини топиш учун ҳар иш кунида ишга келган ходимлар сонини қўшиб, шу ойдаги иш кунларига бўлиш кифоя. Агар ушбу кўрсаткични бир чоракка топиш лозим бўлса, ўртача арифметик усулдан фойдаланиб, уч ойлик ўртача ишга келган ходимлар сонини қўшиб учга бўлинади. Шу тариқа бошқа даврларга ҳам аниқлаш мумкин.

Ушбу кўрсаткич ҳам корхонанинг меҳнат унумдорлигини аниқлаш учун қўлланилади. Лекин шу кўрсаткич билан аниқланган меҳнат унумдорлиги меҳнат самарадорлигининг ҳақиқий миқдорини ифодамайди. Бозор муносабатлари шароитида корхона ишининг ҳақиқий натижасини аниқлаш учун ушбу кўрсаткич муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли ҳар бир тадбиркор, ишбилармон ёки менежер келтирилган кўрсаткичларни аниқлаш йўллари, уларнинг ҳисобланиш усуллари, қўлланилиш доирасини, асл моҳиятини билиши лозим. Шундагина у корхонада банд бўлган ходимлар сони, уларнинг ўзгариши ва улардан самарали фойдаланиш йўллари тўғри таҳлил қилиши мумкин.

Кадрлар салоҳияти миқдорий тавсиф беришдан ташқари *корхона персоналининг сифат тавсифи* ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у корхона ходимларининг мазкур ишлаб чиқаришга касбий ва малакавий жиҳатдан яроқлилик даражаси билан аниқланади. Бу ерда биринчи ўринга “мутахассислик”, “касб”, “малака” каби тушунчалар чиқади.

Мутахассислик инсонда маълум бир турдаги ишларни бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар мажмуасининг мавжудлиги билан тавсифланади. Масалан, иктисодчи, бухгалтер, молиячи ёки техник тилда - механик, курувчи, энергетик, геолог ва бошқалар. Ишчиларнинг билим ва қобилиятларига бўлган талаб ягона тариф-малакавий маълумотномасида (ЯТММ), (МТП) ва хизматчиларга эса лавозимлар малакаси маълумотномада акс эттирилган. Бу ҳужжатлар асосида корхоналар ишчи ва хизматчилар тарифларига ўзгартиришлар киритадилар.

Касб—фаолиятнинг махсус ва тор кўринишдаги тури бўлиб, мутахассислик каби назарий билим ва амалий кўникмаларни талаб қилсада, мутахассисликдан фарқли равишда ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қўшимча кўникмаларни ҳам талаб қилади.

Малака деганда бирон-бир касб ёки мутахассислик бўйича мураккаб ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат кўникмалари ва билимлар даражаси тушунилади. Ишчилар малакаси даражасини баҳолашда ўртача тариф коэффициентини ва ўртача тариф разряди ҳисобланади. Тариф разрядлари ва коэффициентлари бир вақтнинг ўзида бажарилаётган ишлар мураккаблигини тавсифловчи кўрсаткичлар ҳисобланади.

Кадрлар салоҳиятининг юқорида санаб ўтилган ва бошқа тушунча ва кўрсаткичлари корхона персоналининг миқдорий, сифат ва тузилмавий ҳолатлари ҳақида ва уларни персонални ва умуман ишлаб чиқаришни бошқариш, жумладан, корхона меҳнат ресурслари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ва режалаштириш мақсадлари учун ўзгартиришлар киритиш йўналишлари ҳақида маълумот беради.

9.2. Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсати

Юқорида айтиб ўтилганидек, ишчи кучи ва умуман, кадрлар ишлаб чиқаришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Шу сабабли корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг жорий ва истиқболдаги стратегияси **кадрлар сиёсати** билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишчи кучини ёллаш, жойлаштириш ва режалаштириш;
- ходимларни ўқитиш, тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- кадрларни хизмат лавозимлари бўйича юқори поғонага кўтариш;

- ёллаш шартлари, меҳнат ва унга ҳақ тўлаш шароитлари;
- меҳнат жамоасида қулай руҳий (психологик) муҳитни яратиш.

Корхоналарнинг кадрлар сиёсатини, гарчи ягона жавобгар шахс сифатида ишлаб чиқариш ва ҳўжалик фаолиятининг барча жабҳалари, жумладан, кадрларни танлаш ва жойлаштиришда асосий жавобгарликни корхона директори ўз бўйнига олсада, фақатгина унинг ўзи амалга оширмайди. Бунда директордан ташқари бўлим ва хизмат бошликлари, кадрлар бўлими, иқтисодий ва ишлаб чиқариш бўлими, меҳнат ва ҳақ тўлаш бўлими, техник бўлим ва бошқалар ҳам иштирок этади.

Корхонада кадрлар сиёсати соғлом ва меҳнат қобилиятига эга бўлган жамоани шакллантириш, кадрларнинг жинси ва ёшига кўра таркиби ва малакаси ҳамда уларнинг ишлаб чиқаришда тўғри жойлаштирилишини ҳисобга олишдан ташқари, ишлаб чиқариш ва меҳнат шароитларининг ўзгариб боришига ўз вақтида эътибор қаратиши, фан ва техниканинг янги, илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, ходимларнинг меҳнат унумдорлигини оширишни рағбатлантириши лозим. Бошқача қилиб айтганда, кадрлар сиёсати биринчи ўринда, инсоннинг ишлаб чиқариш ва турмушдаги янги ахлоқини шакллантириш, иккинчидан, новаторлик ва юқори меҳнат унумдорлигига мафаатдорлигини ривожлантириши лозим.

Корхонанинг кадрлар сиёсати амалиётда фақат ички вазифа ва муаммоларни ҳал қилишдан ташқари, бандлик соҳасида давлат сиёсатига таянади ва қуйидагиларни кўзда тутди:

- фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқи ва касб танлаш эркинликларини амалга оширишда бир хил имкониятларга эга бўлишини таъминлаш;
- фуқароларнинг меҳнат ва тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш қобилиятларини ривожлантиришга бандлик соҳасидаги фаолиятни иқтисодий ва ижтимоий фаолиятнинг бошқа йўналишлари билан уйғунлаштириш орқали қўмаклашиш ;
- меҳнат фаолияти даврида ва нафақага чиққандан сўнг ҳам ходимларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш;
- аҳоли бандлиги муаммоларни ечишда, қўшма корхоналар тузиш ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш йўли билан халқаро ҳамкорлик юритиш ва бошқалар.

Иқтисодиётни бошқаришнинг турли даражасида, жумладан, корхоналарда ҳам кадрлар сиёсати кўп қиррали, мураккаб ва узок муддатли жараён бўлиб, бир қанча ресурс ва вақт сарфланишини талаб қилади. Ишчилар ёки олий маълумотли мутахассислар, яъни турли кадрлар билан турли даражадаги харажатлар кўзда тутилади. Агар ишчилар замонавий корхоналар персонали тузилмасида 70-80 % ва ундан ортиқни ташкил қилса, олий маълумотли мутахассислар 15-20 % ни ташкил этади. Шунга мос равишда уларни тайёрлаш ҳам турлича бўлади: ишчилар корхона, ихтисослаштирилган мактаб ва касб-ҳунар билим юртларида тайёрланса, олий маълумотли мутахассислар бир неча йил давомида олий ўқув юртларида таҳсил оладилар.

Афсуски, баъзи корхоналарнинг раҳбарлари, бугунги кунда таҳлилларнинг кўрсатишича, кўпроқ буюртмалар “портфели”ни шакллантириш, ресурс ва инвестициялар излаш, маҳсулотларни сотиш каналларини аниқлаш, дебиторлик ва кредиторлик қарзларини қисқартириш, турли ҳўжалик муаммоларини ҳал қилиш билан банд бўлиб, буларнинг барчаси бозор муносабатлари шароитларида муҳим аҳамият касб этсада, уларнинг аҳамияти кадрлар сиёсатини тўғри олиб боришнинг аҳамиятидан камдир. Бу масалада йирик корхоналар унчалик ютуқларга эга бўлмасада, мазкур ҳолатлар асосан шахсий таркиби 100 кишигача бўлган кичик корхоналар ва микрофирмалар учун хосдир.

Шундай бўлсада, кадрлар сиёсатига, жумладан зарур бўлган кадрлар салоҳиятини шакллантириш ва унинг таркибига ижобий ўзгаришлар киритиш, ходимлар малакасини оширишга эътиборни қаратмасдан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш, корхоналар ҳаётига фан-техника таракқиёти ютуқларини

Добавлено примечание ([16]):

жорий қилиш, энг асосийси, корхонанинг барқарор ва даромад келтирувчи фаолият юритишини таъминлаш қийин.

Масалан, Японияда корхона ва фирмаларнинг кадрлар сиёсати биринчи ўринда университетлар ва илмий марказлар билан алоқаларни кучайтиришга, иккинчидан, саноатни роботлаштириш соҳасида мутахассислар тайёрлашга қаратилган бўлиб, бу ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштиришнинг ўсишидан ташқари, ишчи ва мутахассислар ўртасида рақобатчилик муҳити яратилишига ҳам хизмат қилади.

Германияда иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш соҳасидаги деярли барча ўзгаришлар кадрлар сиёсати билан боғлиқдир. Корхоналарнинг кадрлар салоҳиятини шакллантиришда ходимлар малакаси ва маълумот даражаси асосий омил ҳисобланади. Германия корхона ва фирмалари ҳар йили ходимларнинг маълумот олиши ва малакасини ошириши учун 10 млрд маркадан ортиқ маблағ сарфлайди. Бундан ташқари, улар мутахассисларга ишдан бўш вақтларда қатнаб керакли билимларни олишлари мумкин бўлган ўқув марказлари ва курслар ҳақида маълумот берадилар.

Кадрлар сиёсати Франция ва Италия корхоналарида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Грецияда рақобатчилик туфайли компания ва фирмалар ишлаб чиқаришни доимий равишда модернизация қилишлари, янги технологияларни қўллашга йирик миқдордаги маблағларни сарфлашларига тўғри келади. Бироқ модернизациялашнинг якуний мақсадларига ходимлар малакаси ишлаб чиқаришнинг техник даражасига мос келган ҳолдагина эришиш мумкин. Шу сабабли кўплаб саноат корхоналари ишчи ва мутахассисларнинг малакасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини кенг равишда амалда қўллайдилар.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, кадрлар сиёсати барча мамлакатларда корхоналарнинг муваффақиятли фаолият юритиши учун асосий омиллардан бири ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, мамлакатимиздаги корхоналар ҳам бундан мустасно эмас. Улар чет элнинг илғор корхоналари ютуқларини ўзлаштиришдан ташқари, ўз кадрлар сиёсатини яхшилаши, ходимлар малакасининг ўсиши ва ҳаётнинг меҳнат билан боғлиқ даври сифатини оширишга эътибор беришлари зарур. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишига, корхоналарнинг мустақиллигидан ташқари корхона ва ишлаб чиқаришни бошқаришнинг акциядорлик шакллари, шунингдек, иқтисодиётда ривожланиб бораётган бозор муносабатлари ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бозор муносабатлари шароити иш вақтидан самарали фойдаланишни тақозо қилади. Бу учун корхонанинг иш вақти ҳажмини аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир. Корхонанинг иш вақти ҳажми деб барча ходимларнинг бир йиллик иш кунини бажариши лозим бўлган иш соатлари йиғиндисига айтилади.

Корхонада иш вақти ва ундан фойдаланишнинг таҳлили. Иш вақти бўлиб ходимнинг ўз вазифасини бажариши лозим бўлган вақти ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг алоҳида боби иш вақтига бағишланган. Ходим учун иш вақтининг нормал муддати Ўзбекистонда бир ҳафтада 40 соатдан ортиқ бўлмаслик керак деб белгиланган. Бунда олти кунлик иш ҳафтасида ҳар куни ишнинг муддати 7 соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса 8 соатдан ошиб кетмаслиги кўзда тутилган.

Иш вақти қуйидаги кишилар учун қисқартирилган ҳодда белгиланади:

— ўн саккиз ёшга тўлмаган ходимларга;

— 1 ва 2 гуруҳ ногиронлиги бўлган ходимларга;

— ноқулай меҳнат шароитида банд бўлган ходимларга;

— алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга. 16-18 ёшгача бўлган ходимларга иш вақтининг муддати ҳафтасига 36 соатдан, 35-16 ёшгача бўлган шахсларга, таътил даврида ишлаётган 14-16 ёшгача бўлган ўқувчи-ларга эса ҳафтасига 24 соатдан қилиб белгиланади.

Биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига меҳнат ҳақи камайтирилмаган ҳодда иш вақти ҳафтасига 36 соат қилиб белгиланган.

Ноқулай меҳнат шароитида ишлаётган, хусусан меҳнат жараёнида соғлиғига физикавий, химиявий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимлар учун ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган муддат белгиланган.

Меҳнат шароити ўта зарарли ва ўта оғир ишларда банд бўлган ходимларга иш вақтининг чегараси Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги ходимларга юқори даражадаги ҳис-ҳаяжон, ақлий зўриқиш, асаб тинчлиги билан боғлиқ ишларда ишлайдиган шахслар киради. Буларга тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқа шунга тенглаштириладиган ходимларни киритиш мумкин. Бундай ходимларга ҳам иш вақти ҳафтасига 36 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган (118-модда). Бундай ходимларнинг рўйхати ва аниқ иш вақти Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан белгиланади.

Томонлар келишилган ҳолда қисқартирилган иш вақтини ҳам белгилаши мумкин.

ТУНГИ ВАКТДАГИ ишнинг муддати бир соатга, иш ҳафтаси шунга мувофиқ равишда қисқаради. Соат 22 дан то соат 6-00 гача бўлган вақт тунги вақт деб ҳисобланади.

Ходимлар иш вақтидан ташқари ишларга ҳам жалб қилиниши мумкин. Иш вақтидан ташқари иш деб ходим учун белгиланган кундалик иш (смена) муддатидан ташқари бажарилган ишга айтилади. Бунга дам олиш кунлари ва байрам кунлари киради. Бу кунларда ишлаган ходимларга камида икки ҳисса иш ҳақи тўланади. Иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида 4 соатдан ва йилига 20 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Кўриниб турибдики, иш вақти олдинги даврларга нисбатан ҳафтасига 1 соатга қисқартирилган, шунингдек баъзи ходимларга қисқартирилган иш куни жорий қилиниб уларнинг меҳнати муҳофаза қилинган. Белгиланган иш вақтидан ортиқча ишлаганлик учун унга тўланадиган ҳақ ҳам кўпайтирилган. Демак, Ўзбекистонда иш вақти ва ундан фойдаланишда инсон манфаатлари кўзда тутилган.


9.3. Корхона меҳнат салоҳиятининг ҳолатини ва таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Меҳнат салоҳиятини баҳолаш ва таҳлил қилиш учун кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади. Бу кўрсаткичлар иқтисодий жиҳатдан турли гуруҳларга мансуб, чунки меҳнат салоҳиятининг у ёки бу жиҳатларини ифодалайди.

Меҳнат салоҳиятини ифодаловчи барча кўрсаткичлар иқтисодий мазмунга қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар.
2. Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар.
3. Меҳнат салоҳияти самаарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Ушбу кўрсаткичлар таснифи ва уларнинг мазмуни қуйдаги чизмада келтирилган³³ (9.3-чизма)



9.3 -расм. Меҳнат салоҳиятини (Мс) ифодаловчи кўрсаткичлар тизими.

Меҳнат салоҳияти ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимига қуйдагиларни киритиш мумкин:

1. Меҳнат салоҳиятининг ўртача сони.
2. меҳнат салоҳиятининг таркиби.
3. меҳнат салоҳиятининг обороти.
4. меҳнат салоҳиятининг қўнимсизлиги.
5. меҳнат салоҳиятининг турғунлиги.

³³ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2015, – 256 б.

Меҳнат салоҳиятининг ўртача сони таҳлил қилинаётган ҳисобот даврида аниқланади. Буни ҳисоблаш учун меҳнат салоҳиятининг давр бошидаги (Мс.дб) ва охиридаги (Мс.до) сони қўшилиб, иккига бўлинади:

$$M_c = \frac{M_{c.дб} + M_{c.до}}{2}.$$

Агар ҳисобот даврида меҳнат салоҳияти тўғрисидаги маълумот бир қанча вақтларда ифодаланган бўлса, у ҳолда барча кўрсаткичлар қўшилиб унинг сонига бўлинади:

$$M_c = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n M_{ci}.$$

Меҳнат салоҳияти таркибини таҳлил қилганда ходимларни алоҳида категориялари бўйича аниқлаш лозим. Масалан, умумий меҳнат салоҳиятида олий маълумотли ходимлар (Омх) улушини ёки ўрта махсус маълумотли ходимлар (УМХ) улуши каби кўрсаткичларни аниқлаш мумкин.

$$M_{c.т} = \frac{УМХ}{M_c} \times 100 \quad M_{c.т} = \frac{Омх}{M_c}$$

Булардан ташқари, умумий меҳнат салоҳиятида бошқарув ходимлари улуши, муҳандис-техник ходимлар улуши каби кўрсаткичларни ҳам аниқлаш мумкин.

$$M_{c.т} = \frac{M_{ci}}{M_c}$$

бунда:

Мси- меҳнат салоҳиятининг алоҳида гуруҳлари.

Меҳнат салоҳияти оборотини таҳлил қилиш ҳам ҳозирги даврда катта аҳамиятга эга. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун барча ишга қабул қилинган ходимларга (Мс.к) ишдан бўшатирилган ходимларни (Мс.б) қўшиб, умумий меҳнат салоҳияти сонига бўламыз.
 $M_{c.об} = (M_{c.к} + M_{c.б}) / M_c$

Ушбу кўрсаткични алоҳида ишга қабул қилинган ва ишдан бўшатирилган ходимлар бўйича ҳам аниқлаш мумкин:

$$M_{c.обк} = M_{c.к} / M_c ; \quad M_{c.обб} = M_{c.б} / M_c$$

Меҳнат салоҳиятининг кўнимсизлиги умумий меҳнат салоҳиятида салбий оқибатлар натижасида ишдан бўшатирилган ходимларнинг улушини ифодалайди. Салбий сабаблар билан ишдан бўшаганлар таркибига ўз аризаси билан бўшаганлар ҳам киради. Ушбу кўрсаткични аниқлаш учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$M_{c.кун} = M_{c.салб} / M_c.$$

Меҳнат салоҳиятининг турғунлиги ҳам унинг ҳолатини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Буни шу корхонада (фирмада, компанияда) уч йилдан ортиқ

ишлаган ходимлар сонини (($M_{с3й}$) меҳнат салоҳиятининг умумий миқорига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин:

$$M_{с.тур} = M_{с3й} / M_{с.}$$

Меҳнат салоҳияти билан таъминланганликни ифодалаш учун қуйидаги асосий кўрсаткичлар тизимидан фойдаланилади:

1. Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлиги.
2. меҳнат салоҳияти сигими.
3. меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги.
4. айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги.

Меҳнат салоҳияти билан штат жадвалининг таъминланганлигини ($M_{с.шж.там}$) аниқлаш учун бир қанча ҳисоб- китоблар қилиш мумкин. Энг аввало бу бўйича умумий кўрсаткични аниқлаш лозим. Бунинг учун меҳнат салоҳиятининг ҳақиқий миқдори ($M_{с.х}$) унинг штат жадвалидаги миқдори ($M_{с.шж}$) бўлинади:

$$M_{с.шж.там} = M_{с.х} / M_{с.шж.}$$

Меҳнат салоҳиятининг сигими ($M_{с.сг}$) ҳам ушбу гуруҳга кирувчи муҳим кўрсаткичлардан бири. Унинг аниқлаш учун меҳнат салоҳияти миқдорини ($M_{с}$) яратилган (сотилган) маҳсулот (иш, хизмат) ҳажмининг (K) миқдори (K) бўлинади:

$$M_{с.сг} = M_{с} / K$$

Меҳнат салоҳиятининг қуролланганлиги ёки асосий воситалар фаол қисмининг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги ифодаловчи кўрсаткични аниқлаш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки жаҳонда илмий-техника тараққиёти жадал ривожланаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистон ҳам орқада қолмаслиги, шу ютуқ томон интилиб яшаши лозим. Бу эса меҳнатнинг энг илғор техника ва технология билан қуролланишини тақозо қилади. Шу туфайли ушбу кўрсаткични ҳар бир корхонада аниқлаш ва таҳлил қилиш лозим. Бунинг аниқлаш учун асосий воситаларнинг фаол қисми ($Ав.ф$) меҳнат салоҳияти миқдори ($M_{с}$) бўлинади ёки тескари:

$$M_{с.к} = Ав.ф / M_{с} \quad ёки \quad M_{с.т} = M_{с} / Ав.ф.$$

Айланма маблағларнинг меҳнат салоҳияти билан таъминланганлиги ($Айм.М_{с}$) ҳам меҳнат салоҳиятини таҳлил қилишда ва бошқа кўрсаткичлар ўзгаришига шу билан боғлиқ омилларнинг таъсирини аниқлашда қўлланилади. Бунинг аниқлаш учун меҳнат салоҳияти миқдорини ($M_{с}$) айланма маблағлар ҳажмига ($Айм$) бўлиш лозим:

$$Айм.М_{с} = M_{с} / Айм.$$

9.4. Корхона меҳнат салоҳияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари

Бозор муносабатлари шароитида меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш — давр талаби. Бу ҳеч эскирмайдиган муаммодир, чунки ундан самарали фойдаланиш мулкнинг ёки ижтимоий тузумнинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, ҳамиша долзарбдир.

Шу билан ҳам бу масала ҳамиша олимлар ва мутахассислар диққат-эътиборида бўлиб келмоқда ва бугунги бозор муносабатлари шароитида ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолмоқда. Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш республикаимиз учун бугунги кунда айниқса муҳимдир.

Бу муаммони ҳал қилиш учун унинг баъзи назарий томонларини кўриб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Кўп адабиётларда меҳнат салоҳияти иш кучи билан бир хил категория сифатида ифодаланади. Уларнинг самарадорлигини аниқлаш мезони ва кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ ҳақида аниқ тушунча берилмайди.

Самарадорлик мезонини унинг кўрсаткичларидан фарқ қилмоқ лозим. Самарадорлик мезони — бу моҳият жиҳатидан ишлаб чиқарувчи, мулк эгаси ва давлатнинг моддий манфаатдорлигини ифодаловчи, объектив баҳо берадиган ўлчов бирлигидан иборат бўлган иктисодий категориядир.

Ҳар бир объект ёки жараёнинг, жумладан меҳнат салоҳияти самарадорлигининг мезонини аниқлашда ҳозирги бозор муносабатлари шароитида энг аввало мулк эгасининг моддий манфаатдорлиги нуқтаи назаридан қараш лозим. Мулкдор ўзида мавжуд меҳнат салоҳиятидан ишлаб чиқаришда ёки бошқа соҳаларда фойдаланиши шунчаки уларнинг ишлатилиши заруриятидан эмас, балки қандай манфаатдор эканлигидан келиб чиқади. Агар шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги мезони мулкдорга қанча моддий манфаат (фойда) келтирилиши билан ифодаланиши лозим.

Агарда меҳнат салоҳияти самарадорлиги мезонига ишлаб чиқарувчилар (ишчилар) нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, уни шу ишлаётган кишига қандай манфаат бераётганлиги, келтираётганлиги билан аниқлаш мумкин. Унда самарадорлик мезони бир иш вақти бирлигида ходимга қандай манфаат келтириши билан ифодаланади. Шу сабабли ҳам меҳнат салоҳияти самарадорлигини оширишда манфаатдорликнинг муштараклигини таъминлаш лозим.

Агар уларнинг ишлатилишидан фақат мулкдор манфаатдор бўлса, ишчиларнинг меҳнат қилишга қизиқиши бўлмайди. Агарда меҳнат салоҳиятидан фойдаланишда фақат ишчиларнинг манфаати кўзда тутилган бўлса, унда мулк эгаси ундан фойдаланмайди.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иктисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

1. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги.
2. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги.
3. Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўллари алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги ($M_{c.n}$) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

Агар натижани «Қ» деб белгиласак, унинг меҳнат салоҳиятига (M_c) нисбати, яъни меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги қуйидагича аниқланади:

$$M_{c.n}=Q/M_c.$$

Ушбу кўрсаткич 1 сўм меҳнат салоҳиятига қанча сўм миқдорида натижа (маҳсулот, товар обороти, юк обороти кабилар) тўғри келганлигини ифодалайди. Буни бошқача сўз билан меҳнат унумдорлиги деб ҳам аташ мумкин. Ушбу кўрсаткич қанча кўп бўлса, меҳнат салоҳиятининг самарадорлиги шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги ($M_{c.p}$) ҳар бир меҳнат салоҳияти бирлигига тўғри келадиган фойда (Φ) миқдорини ифодалайди. Уни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (M_c) нисбати олинади:

$$M_{c.p}=\Phi/M_c.$$


Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса, самарадорлик кўрсаткичи шунча юқори эканлигидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятининг даромадлиги (Мс.д) ҳам унинг самарадорлигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир. Уни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (Д) меҳнат салоҳияти миқдорига (Мс) бўлинади:

$$Мс.д=Д/Мс.$$

Ушбу кўрсаткичнинг миқдори ҳам қанча кўп бўлса самарадорлик шунча юқори деган хулосага келиш мумкин. Чунки ҳар бир меҳнат салоҳиятига тўғри келадиган даромад миқдори юқори бўлади.

Ушбу кўрсаткичлар тизими, уларни аниқлаш йўллари ва мазмуни қуйидаги чизмада ифодаланган (9.4-чизма).



9.4-чизма. Меҳнат салоҳияти самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими ва уларни аниқлаш йўллари

9.5. Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш

Меҳнат ҳақи — бу жамият қўламида миллий даромаднинг ишчилар ва хизматчилар ўртасида улар меҳнатининг миқдори ва сифатига мувофиқ тақсимланадиган ҳамда шахсий истеъмоли мақсадлари учун фойдаланиладиган қисмидир. Корхона меҳнатга ҳақ тўлашдан меҳнат унумдорлигини оширишни, фан техника тараққиёгини жадаллаштиришни, маҳсулот сифатини яхшилаш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни энг муҳим воситаси сифатида фойдаланилади. Иш ҳақини ташкил этиш ва уларни шакллантиришдан асосий мақсад барча ходимларни иш ҳақи яқка ва коллектив меҳнат натижаларига тўғридантўғри боғлиқ бўлишига эришишдан, меҳнатга ҳақ тўлашга текисчилик элементларини бартараф этишдан иборат.

Иш ҳақининг моҳияти унинг ижтимоий ишлаб чиқариш босқичлари бўлган маҳсулот ишлаб чиқариш, уни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилишда бажарадиган функциялари (вазифалари) да намоён бўлади.

1. Такрор ҳосил қилиш функцияси. У ходимларни, шунингдек, уларнинг оила аъзолари иш кучини такрор ҳосил қилиш, авлодларни қайта кўпайтириш учун зарур бўлган

ҳаётий неъматлар билан таъминлашдан иборат. Унда эҳтиёжларнинг ортиб боришидан иборат иқтисодий қонун ўз ифодасини топади. Мазкур функция иш ҳақининг давлат томонидан тартибга солиниши хусусиятлари, иш ҳақининг иш кучини такрор ҳосил қилишни таъмин этадиган миқдорини қонуний даражада белгилаш билан мустаҳкам боғлиқдир.

2. Рағбатлантирувчи функция. Унинг моҳияти ходимнинг иш ҳақи унинг куйидаги меҳнат ҳиссасига, корхонанинг ишлаб чиқариш ҳўжалик фаолияти натижаларига боғлиқлигини белгилашдан иборат бўлиб, бунда кўрсатиб ўтилган боғлиқлик ходимни ўз меҳнати натижаларини доимий равишда яхшилаб боришга қизиқтириши лозим.

3. Ўлчов - тақсимлаш функцияси. Бу функция истеъмол фондларини ёлланма ходим билан ишлаб чиқариш воситалари эгаси ўртасида тақсимлаш вақтида жонли меҳнат ўлчовини акс эттириш учун мўлжалланган. Иш ҳақи воситасида ишлаб чиқариш жараёни ҳар бир иштирокчисининг меҳнат ҳиссасига мувофиқ унинг истеъмол фондидаги алоҳида улуши аниқланади.

4. Ресурсларни жойлаштириш функцияси. Мазкур функциянинг ҳозирги вақтдаги аҳамияти жиддий равишда ошиб бормоқда. Унинг моҳияти меҳнат ресурсларини минтақалар, иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналар бўйича қулай равишда жойлаштиришдан иборатдир. Меҳнат ресурсларини жойлаштириш соҳасидаги давлат бошқаруви энг кам даражага келтирилган шароитда, меҳнат бозорининг самарали фаолият кўрсатишини шакллантириш фақат ҳар бир ёлланма ходимда ўз меҳнатини сарфлаш жойини танлашда эркинлик бўлган тақдирдагина турмуш даражасини оширишга интилиш, иш топиш мақсадида уни бошқаси билан алмаштиришни тақозо қилади, бу иш эса унинг эҳтиёжларини энг кўп даражада қондириши лозим.

5. Аҳолининг тўловга қобилиятли талабини шакллантириш функцияси. Бу функциянинг вазифаси тўловга қобилиятли талабни мувофиқлаштиришдир, бундай талаб деганда харидорларнинг пул маблағлари билан таъминланган эҳтиёжларининг намоён бўлиш шакли тушунилади, шунингдек, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш назарда тутилади. Тўловга қобилиятли талаб икки асосий омил – жамиятнинг эҳтиёжлари ва даромадлари таъсирида шаклланади ва бозор шароитида иш ҳақи ёрдамида товарни таклиф қилиш билан талаб ўртасида зарур мутаносиблик ўрнатишга ёрдам беради.

Ҳозирги пайтда иқтисодиётнинг турли жабҳалари ва соҳаларида меҳнатга ҳақ тўлаш асосан икки шаклидан фойдаланилади. Булар ишбай ва вақтбай меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари дидир. Меҳнатнинг самараси бир кунда ёки соатда ўз ифодасини топмайдиган ёки яратилган маҳсулотнинг миқдорини аниқлаш имкони бўлмайдиган корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг вақтбай шаклидан кенг фойдаланилади. Буларга ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар каби тоифадагиларнинг меҳнатини мисол қилиш мумкин. Бу тоифадаги меҳнатнинг натижаси жуда узоқ муддатлардан кейин билиниши мумкин. Шу ҳолда ҳам унинг сифатини, миқдорини аниқ белгилашнинг иложи йўқ. Шу билан биргаликда шундай иш турлари мавжудки уларнинг миқдорини қисқа вақт ичида аниқлаш имкони мавжуд. Қилинган меҳнатнинг натижасини соатда ёки бир кунда аниқлаш имкони мавжуд ҳолларда асосан ишбай усулда меҳнатга ҳақ тўланади. Меҳнатга ҳақ тўлаш мураккаб тизимга эга. Меҳнатга ҳақ тўлашда ишлатиладиган барча элементлар меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ташкил этади.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизими юқорида айтиб ўтилган функцияларни амалга ошириш учун куйидаги энг муҳим тамойилларга риоя қилиниши зарур.

1. Ишлаб чиқариш ва меҳнат самарадорлиги юксалиб борган сари реал иш ҳақининг ортиб бориши. Бу тамойил эҳтиёжларнинг ортиши объектив иқтисодий қонуннинг амал қилиши билан боғлиқ бўлиб, мазкур қонунга мувофиқ эҳтиёжларнинг янада тўлароқ қондирилиши фақат ўз меҳнати учун кўпроқ миқдорда моддий неъматлар ва хизматларга эга бўлиши имкониятлари кенгайган шароитдагина реал бўлади. Бироқ бундай имконият ишлаб чиқариш фаолияти натижалари билан меҳнат самарадорлигининг боғланишини тақозо этади. Бундай боғланишнинг йўқлиги эса, бир томондан, ишлаб топилмаган пулнинг берилишига,

демак, инфляцияга, олинган номинал иш ҳақининг таъмин этилишига ва реал иш ҳақининг пасайишига олиб келиши, иккинчи томондан эса, пасайтирилган, меҳнат ҳиссасининг самарадорлигига мос келмайдиган номинал иш ҳақининг тўланишига олиб келиши мумкин. Натижада ходимларнинг ортиб бораётган эҳтиёжларини қондириш имконияти ва иш ҳақининг кўпайиш имконияти мавжуд бўлмайди.

2. Меҳнат унумдорлиги ўсишини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларидан илгарилроқ суръатларини таъминлаш, (ёки маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмлари суръатининг истеъмол фондлари ўсиши суръатларидан ортиб кетиши). Бу тамойилнинг моҳияти – ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини ошириш асосида меҳнат даромадларини максимал (энг кўп) даражага етказишдан иборат. Бу тамойилга риоя қилиниши жамғариш жараёнининг, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини тақозо этади ва корхонанинг ривожланиши ҳамда раванг топишининг зарур шарти ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг бузилиши товарлар билан таъмин этилмаган пулнинг тўланишига, унинг қадрсизланишига, мамлакат иқтисодиётида турғунлик ҳолатларининг авж олишига олиб келади. Муайян корхона шароитида бу ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш жараёнининг сёкин аста сусайиб бориши, улардан энг истиқболлиларини ишлаб чиқариш ва сотиб олиш мўлжалининг йўқлиги ҳамда бунинг натижаси сифатида рақобат қилувчи фирмалар ўртасида камроқ сифатли маҳсулотга бўлган талабнинг пасайишидир.

3. Ходимнинг корхона фаолияти натижаларига қўшган меҳнат ҳиссасига, меҳнат мазмуни ва шароитларига, корхона жойлашган минтақага, унинг қайси тармоққа мансублигига қараб иш ҳақини табақалаштириш. Мазкур тамойил ходимнинг ўз меҳнат малакасидан, маҳсулотнинг юқори сифатли бўлишини таъминлашдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш зарурлигига асосланган. Бунда иш кучини такрор ҳосил қилиш учун зарур бўлган моддий неъматлар миқдоридаги, меҳнатнинг турли шароитларидаги жўғрофий ва иқлим шароитларидаги тафовутлар ҳисобга олинishi лозим.

4. Баробар (тенг) меҳнат учун баробар ҳақ тўлаш. Бозор шароитида бу тамойилни ишловчининг жинси, ёши, миллий мансублиги ва ҳоказоларга қараб унинг меҳнатига ҳақ тўлашда камситишига йўл қўймасликдир. Буни корхона ёки фирма ичидаги тақсимотда адолат тамойилига риоя этиш деб тушуниш керак. У бир хилдаги меҳнатга бир хил ҳақ тўлаш орқали бир хил баҳолашни назарда тутди.

5. Меҳнатга ҳақ тўлашни давлат йўли билан бошқариш ва тартибга солиб туриш.

6. Меҳнат бозорининг таъсирини ҳисобга олиш. Меҳнат бозорида ҳам давлат ва хусусий компанияларда ҳам уюшмаган сектордаги иш ҳақи кенг намоён этилган бўлиб, улардаги иш кучи қасаба уюшмалари билан қамраб олинмаган ва меҳнатга ҳақ тўлаш тўла-тўқис маъмурият томонидан белгиланади.

Меҳнат бозори – бу шундай бир соҳаки, у ерда пировард натижада меҳнатнинг ҳар хил турларига баҳо бериш таркиб топади. Ҳар бир ходимнинг меҳнатига тўланадиган иш ҳақи унинг меҳнат бозоридаги мавқеи билан мустақкам боғлиқ бўлиб, мазкур бозордаги вазият ва бундан ташқари, бандлилик имкониятини ҳам белгилаб беради.

7. Меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларининг оддийлиги, мантикийлиги ва қулайлиги меҳнатга ҳақ тўлаш тизимларининг моҳияти ҳақида кенг хабардор бўлишни таъминлайди. Ходимда иш ҳақи ҳақида тушунарли ва батафсил ахборот мавжуд бўлгандагина у жон-дили билан берилиб меҳнат қилади. Ходимлар қандай ҳолатда иш ҳақининг миқдори, яъни ўз моддий фаровонликлари даражаси ошишини аниқ тассавур қилишлари лозим.

Иш ҳақини ташкил этиш тамойилларини уларни амалга оширишга қаратилган функцияларга мувофиқ таснифлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир тамойил фақат битта функция билан эмас, балки бир қанча функциялар билан боғланган. Шундай бўлса ҳам асосий функцияни ажратиш кўрсатиш мумкин. Ҳар бир тамойил биринчи навбатда ана шу функцияни бажаришга қаратилади.

Иш ҳақини ташкил этишнинг қайта қурилиши бозор талабларига мувофиқ куйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутди:

- ҳар бир ходимнинг ўз меҳнати самарадорлиги резервларини аниқлаш ва фойдаланишдан манфаатдорлигини ошириш, ишламасдан пул маблағларига эга бўлиш имкониятларига барҳам бериш;

- меҳнатга ҳақ тўлашда текисчилик ҳолларини бартараф этиш, иш ҳақининг ҳам якка тартибдаги, ҳам жамоа меҳнати натижаларига бевосита боғлиқлигига эришиш;

- турли тоифадаги ва касб-малакали гуруҳларига мансуб бўлган ходимлар меҳнатга ҳақ тўлаш нисбатларини оптималлаштириш, бунда бажариладиган ишларнинг мураккаблигини, касбларнинг ноёблигини эътиборга оладиган меҳнат шароитлари, шунингдек, пировард натижаларга эришишга интилаётган турли ходимлар гуруҳлари ва ишлаб чиқариш рақобатбардошлигининг таъсирини ҳисобга олишни назарда тутди.

Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил қилиш ходимлар фаолиятини рағбатлантириш, тайёр маҳсулот ва меҳнат бозорида рақобатчиликни, рентабелликни ва маҳсулотларнинг даромадлигини таъминлаш лозим. Меҳнатга ҳақ тўлашни оқилона ташкил этишдан мақсад—унинг ҳажми ва ходимнинг корхона хўжалик фаолиятига меҳнат фаолиятида қўшган ҳиссасига мос келишини таъминлаш, яъни меҳнат ўлчами ва истеъмол ўлчами ўртасидаги мутаносибликни таъминлашдир.

Иш ҳақи - ҳар бир ходимнинг сарфлаган меҳнати миқдори ва сифатига мос равишда тақсимланувчи ва ходим тасарруфига пул шаклида келиб тушувчи миллий даромаднинг бир қисмидир. Иш ҳақи—бу меҳнат учун мукофотдир.

Ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилинган меҳнат ресурсларининг баҳосидир. Бошқача қилиб айтганда, иш ҳақи — бу, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг корхона ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун сарфланувчи қисмидир.

Иш ҳақининг *номинал* ва *реал* турлари мавжуд.

Номинал иш ҳақи—бу ходимнинг маълум бир вақт мобайнида бажарган меҳнати учун ҳисобланган ва тўланган иш ҳақидир.

Реал иш ҳақи—номинал иш ҳақига сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдори; реал иш ҳақи — бу, номинал иш ҳақининг “истеъмол қобилияти”дир.

Корхоналарда иш ҳақи соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва уни ташкил этишда куйидаги тамойилларни инобатга олиш зарур:

- * адолатлилик, яъни бир хил меҳнат учун бир хил ҳақ тўлаш;
- * бажарилаётган ишнинг мураккаблиги ва меҳнат малакаси даражасини ҳисобга олиш;
- * меҳнатнинг зарарли шароитлари ва оғир жисмоний меҳнатни ҳисобга олиш;
- * сифатли, сидикидилдан меҳнат қилишни рағбатлантириш, йўл қўйилган йўқотишлар ёки ўз мажбуриятларига масъулиятсиз ёндашишни моддий жазолаш;
- * меҳнат унумдорлиги суръатини ўртача иш ҳақининг ўсиш суръатларига нисбатан тезроқ ўстириш;
- * иш ҳақи миқдорини инфляция суръатларига мос равишда мувофиқлаштириш;
- * меҳнатга ҳақ тўлашнинг корхона эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берувчи илғор шакл ва тизимларини қўллаш.

Замонавий шароитларда корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлашнинг турли тизим ва шакллари қўлланилиб, улардан энг кўп тарқалганлари сифатида ишбай ва вақтбай усулни кўрсатиш мумкин.

Меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш ишлаб чиқарилган маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат) учун тўланадиган ҳақни англатади.

Корхоналарда кўпинча фақат ишбай эмас, балки ишбай-мукофотли ҳақ тўлашдан фойдаланилади.

Меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлашда ишчи бажарган ишига ҳақ олишдан ташқари, мукофотга ҳам эга бўлади. Мукофот асосан маълум бир кўрсаткичларга эришиш -

махсулот ишлаб чиқариш режасини бажариш, махсулот сифатини ошириш, хом ашё ва материалларни тежаш ва шу кабилар учун берилади.

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш тариф тизимида кўзда тутилувчи ишлаб берилган вақт - календарь вақт эмас, балки норматив вақт учун тўланадиган ҳақни англатади.

Вақтбай-мукофотли ҳақ тўлашда ишчи ишлаб берган вақтига ҳақ олишдан ташқари, ушбу иш ҳақиға маълум бир фоиз ҳисобида мукофот ҳам олади.

Меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш тизими меҳнатга ишбай ҳақ тўлашнинг бир тури бўлиб, унинг моҳиятига кўра, бунда бажарилиши керак бўлган ишларни муддатини кўрсатган ҳолда баҳолаш амалға оширилади.

Корхонада қуйидаги ҳолларда аккорд ҳақ тўлаш тизимидан фойдаланиш мақсадға мувофиқ ҳисобланади:

- корхона бирон-бир буюртмани ўз вақтида бажара олмаса ва бунинг учун шартномаға асосан йирик миқдорда жарима тўлайдиган бўлса;
- корхонанинг тўхтаб қолишиға сабаб бўлувчи фавқулодда вазиятлар (ёнғин, сел, зилзила, сув тошқини ёки жиддий сабабларға кўра асосий технологик линияларнинг ишдан чиқиш ҳоллари) рўй берганда;
- алоҳида ишларни бажаришға ўта зарурат туғилганда ёки корхонада янги асбоб-ускуналар ишға туширилганда.

Кўпчилик корхоналарда иш ҳақини ҳисоблаш тариф тизими, айниқса унинг тариф ставкаси ва тариф сеткалари каби элементлари асосида амалға оширилади.

Саноат ишлаб чиқаришида меҳнатға ҳақ тўлашни тартибға солиш соҳасидаги амалий қадамлар ҳақида гапирганда, шуни қайд қилиб ўтиш керакки, ходимларнинг турли тоифалари меҳнатига ҳақ тўлаш даражаларини табақалаштириш учун ягона тариф ставкаси (ЯТС) ишлаб чиқилган ва жорий этилган бўлиб, у бир хил мураккабликдаги иш учун баробар ҳақ тўлаш имконини беради.

Меҳнатға ҳақ тўлашни давлат йўли билан тартибға солиш кам таъминланган, оз иш ҳақи оладиган ходимларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашға қаратилган чоратadbирлар асосида иш ҳақининг энг кам миқдорини белгилайди.

Саноат соҳасида иш ҳақини ташкил этишда ягона тариф сеткаси асосида асосий иш ҳақини шакллантириш усулини ёки меҳнатға ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизимини танлаш муҳимдир. Ягона тариф сеткаси устувор бўлиб, ундан фойдаланганда ходимлар иш ҳақини янада объективроқ табақалаштиришға эришилади. Бироқ иқтисодий аҳвол доимий равишда ўзгариб туриши сабабли корхоналарда кўпинча тариф ставкаларни ўзгартиришға тўғри келади, бу эса катта меҳнат харажатларига олиб келади. Меҳнатға ҳақ тўлашнинг тарифсиз тизими иш ҳақини корхона ишининг ҳақиқий натижаларига тўғридан-тўғри боғлиқ қилиб қўяди. Иш ҳақини ҳисоблаш эса камроқ меҳнат талаб қилади, Лекин бу фақат кичикроқ корхоналарға тааллуқлидир.

Кўплаб корхоналар иш ҳақини ҳисоблашда анъанавий тариф тизимидан фойдаланиб келмоқдалар. Бундай корхоналарда меҳнатға ҳақ тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари меҳнатни нормалаш, тариф тизими, иш ҳақининг шакллари ва тизимларидир.

Меҳнатни нормалаш - бу илмий асосланган меҳнат харажатлари ва унинг натижаларини вақт нормалари, сони, хизмат кўрсатишнинг бошқарилиши, махсулот ишлаб чиқариш нормаланган топшириқлар нормаларини аниқлашдир. Булар бўлмаса, меҳнат миқдорини, ҳар бир ходимнинг умумий натижаларға қўшган алоҳида ҳиссасини ҳисобға олиб бўлмайди.

Иш ҳақининг шакллари ва тизимлари –бу меҳнатнинг миқдор натижалари ва сифатига (унинг мураккаблиги, интенсивлиги, шарт- шароитларига) боғлиқ равишда иш ҳақини белгилаш механизмидир.

Тариф тизими турли норматив материаллар мажмуидан иборат бўлиб, улар ёрдамида корхонадаги ходимлар иш ҳақи даражаси уларнинг малакаси, ишларнинг мураккаблиги, меҳнат шароитлари, корхоналарнинг жўғрофик жойи ва бошқа тармоқ хусусиятларига қараб белгиланади. Тариф тизимининг асосий элементларига тариф сеткалари, тариф ставкалари,

тариф-малака маълумотномалари, лавозим маошлари, хизматчилар лавозимларининг тариф маълумотномалари, тариф ставкаларига устама ва кўшимча ҳақлар, иш ҳақига доир минтакавий малака коэффицентлари киради.

Тариф ставкалари – разрядлар шкаласидан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бирига ўз тариф коэффиценти берилган ва ҳар қандай разряднинг тариф ставкаси биринчи разряддан неча марта кўплигини кўрсатиб туради. Биринчи разряднинг тариф коэффиценти бирга тенгдир. Разрядлар миқдори ва уларга тегишли тариф коэффицентларининг миқдори корхоналарда тузиладиган жамоа шартномасида белгиланади. Жамоа шартномаси тариф битими асосида ишлаб чиқилади ва ходимлар аҳволининг шартнома шартларига нисбатан ёмонлашувини назарда тутмаслик лозим.

Тариф ставкаси – иш вақти бирлиги ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлашнинг пул билан ифодаланган мутлоқ миқдоридир. Биринчи разряд тариф ставкаси ва тариф ставкаси асосида шундан кейинги ҳар бир разряднинг тариф ставкаси ҳисоблаб чиқилади. Биринчи разряд тариф ставкаси корхонанинг жамоа шартномаси билан белгиланади ва бир томондан, унинг молиявий имкониятларига, иккинчи томондан, тармоқ битимида акс эттирилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартларига боғлиқ бўлади. Бунда у белгиланган энг кам иш ҳақи даражасидан кам бўлмаслиги лозим. Тариф ставкаси ишчилар меҳнатига ҳақ тўлаш даражасини белгилаш учун бошланғич миқдор ҳисобланади, бунда корхона меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай шакллари ва тизимлари қўлланилишини эътиборга олмайди.

Танланган вақт бирлигига қараб тариф ставкалари соатбай, кунбай ва ойлик маошлардан иборат бўлади. Энг кўп тарқалган соатбай тариф ставкалари бўлиб, улар асосида турли кўшимча ҳақлар ҳисоблаб чиқилади. Кундалик ва ойлик ставкалар соатбай ставкаларни иш сменасидаги соатлар сонига ва ой мобайнидаги ишланган ўртача ойлик соатлар сонига кўпайтириши йўли билан ҳисоблаб чиқилади.

Тариф-малака маълумотлари норматив ҳужжатлардан иборат бўлиб, улар ёрдамида иш разряди ва ишчининг разряди белгиланади. Уларда ҳар бир мутахассисликдаги ҳар бир разряд ишчиси назарий ва амалий жиҳатдан билиши лозим бўлган ахборот мавжуд бўлади. Мазкур маълумотномалар уч бўлимдан: «Ишларнинг таъриф-тавсифи», «Билиш керак» ва «Ишларга доир мисоллар» дан ташкил топади. Илгари иқтисодиётнинг барча тармоқларида фойдаланиш учун мажбурий бўлган тариф-малака маълумотномалари, ҳозирги вақтда тавсиявий хусусиятга эга бўлиб, фақат улардан фойдаланувчи корхона учунгина норматив ҳужжат ҳисобланади. Малака разряди ишчига одатда цех ёки корхона малака комиссияси томонидан берилади.

Меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш соҳасидаги анъанавий ёндашувлардан фойдаланувчи корхоналар ходимлар иш ҳақининг миқдорини белгилаш учун тариф сеткалари, тариф ставкалари ва тариф-малака маълумотномаларидан фойдаланадилар. Бундай корхоналарда бошқарув меҳнати ходимлари ҳисобланувчи хизматчилар учун штат-маош тизими татбиқ этилади. Унинг ўзига хос хусусияти штат жадвалининг тузилишидан иборат бўлиб, унда муайян корхонада мавжуд бўлган лавозимлар рўйхати, ҳар бир лавозим бўйича ходимлар сони ва маош миқдори кўрсатилади.

9.6. Корхонада моддий ва маънавий рағбатлантириш тизимини ривожлантириш

Меҳнат мотивацияси тушунчаси. Маълумки, меҳнат бу — инсоннинг бирорта эҳтиёжини қондиришга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятидир.

Мотивация инглиз тилидан олинган бўлиб, энг аввало, ўзини ва сўнгра бутун жамоани умумий мақсадларни бажаришга даъват этувчи фаолиятни рағбатлантириш жараёнидир.

Меҳнат мотивацияси деганда эса инсоннинг мақсадга мувофиқ фаолиятини турли рағбатлантириш йўллари би-лан юқори самарадорликка эришишга йўналтирмак, уни унумли меҳнат қилишга ундамок, ички туйғуларини кўзгатмок тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат мотивацияси муҳим аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир инсон меҳнатни мажбур бўлиб эмас, балки ўз ихтиёри билан қилиши лозим. Шундагина бу

борада юқори натижаларга эришилади. Лекин ҳар ким ҳамиша ўз ихтиёри билан самарали меҳнат қилавермайди. Бунинг учун инсонда энг аввало шундай меҳнат қилишга даъват этувчи туйғу уйғотилиши керак. Бундай туйғу турли рағбатлантириш йўллари билан амалга оширилади.

Рағбатлантириш асосан икки йўналишда олиб борилади. Биринчиси моддий рағбатлантириш, иккинчиси маънавий.

Меҳнатнинг рағбатлантирилиши деганда меҳнатнинг содир бўлишини таъминловчи ва унинг фаоллигини оширувчи моддий, маънавий ва ҳуқуқий манфаатлар мажмуаси тушунилади.

Меҳнатнинг ўзи, таъкидланганидек, кишиларнинг бирорта эҳтиёжини қондиришга қаратилган мақсадли фаолиятдан иборат. Демак, кишилар меҳнатни шунчаки қилмайди, балки замирида бирорта манфаатни қондирадиган мақсад ётади.

Кишиларнинг меҳнат қилишдан манфаати, энг аввало, моддий рағбатлантиришни талаб қилади, чунки у меҳнати эвазига ўзининг ва оила аъзоларининг яшашини, яъни старли даражада моддий неъматлар билан таъминлаши лозим.

Меҳнатнинг рағбатлантирилиши нималарда намоён бўлади? Энг аввало, меҳнаткаш меҳнати учун олган маоши ўзининг ва оила аъзоларининг яшаши учун бемалол етиши лозим. Шундагина меҳнатнинг бир қисми бўлган иш кучининг қиймати тўлиқ тўланган, меҳнаткаш эса тўлиқ рағбатлантирилган бўлади.

Энди меҳнатнинг ўлчами нима деган саволга жавоб бериш лозим, чунки ҳамма бир хил меҳнат қила олмайди ва бир хил рағбатлантирилмайди. Меҳнатнинг бирламчи ўлчами меҳнаткашнинг сарф қилган вақти, яъни иш вақти билан ўлчанади.

Меҳнатни рағбатлантиришда энг аввало кимнинг қанча вақт ишлагани инобатга олинади. Ҳамма бир хил иш вақти сарф қилиб ишлаши мумкин. Лекин ҳаммага бир хил иш ҳақи тўланмайди. Чунки улар бир иш вақтида турли натижаларга эришишлари мумкин.

Рағбатлантиришнинг иккинчи ўлчови ишнинг натижасидир. Меҳнаткаш бир вақт бирлигида 10 та иш бажарса — 10 сўм, 30 та иш бажарса — 30 сўм иш ҳақи олиши мумкин. Аммо ишчилар бир хил иш бажарди деб ҳам фарз қиламиз.

Лекин улар оладиган иш ҳақи яна бир хил бўлиши мумкин. Бу ҳолда рағбатлантиришнинг учинчи ўлчови ишга тушади. Энди рағбатлантириш иш натижасининг сифатига боғлиқ бўлади.

Демак, меҳнатни рағбатлантиришнинг ўлчови учта, яъни иш вақти, иш натижаси ва сифатидан иборат экан.

Рағбатлантириш қанча юқори бўлса, меҳнатнинг ҳам самарадорлиги шунча юқори бўлади.

Меҳнатни моддий рағбатлантириш билан бирга маънавий рағбатлантириш ҳам мавжудки, бунинг таъсир кучи ҳам моддий рағбатлантиришдан кам эмас. Маънавий рағбатлантиришга қуйидагилар киради:

1. Моддий рағбатлантириш. Меҳнаткашни моддий рағбатлантириш билан бирга бевосита маънавий рағбатлантирилади, чунки унинг қандай ишлаётганлиги эътироф этилганлиги намоён бўлади.

2. Жамоа олдида яхши ишлаётганлигини қайд этиш, маъмурият буйруғи билан раҳматнома ва ташаккур эълон қилиш.

3. Фахрийлар тахтасига, китобига ёзиш, фахрий ёр-ликлар билан тақдирлаш.

4. Унвонлар бериш, шу соҳада хизмат кўрсатилганлигини қайд қилиш.

Масалан, «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган кишлоқ хўжалик ходими», «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи» кабилар.

5. Ордено ва медаллар билан тақдирлаш.

6. Ўзбекистон Қаҳрамони унвонини бериш каби тадбирлар меҳнаткашларни маънавий рағбатлантиришга киради.

Шу ўринда таъкидламоқчимизки, манфаатлар, улар ўрта-сидаги карама-қаршилик ва зиддиятларни мувофиқлаштирувчи, уларга барҳам берувчи омил бу — маънавиятдир.

Маънавият кучли бўлган жойда манфаатлар ўртасида номувофиклик бўлмайди, бундай вазиятда қарама-қаршилик ва зиддият ҳам келиб чиқмайди. Шу туфайли ЎзР Президенти ва ҳукумати томонидан маънавият масаласига жуда катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

Маънавияти бой мамлакатда тинчлик, барқарорлик, аҳиллик ҳукм суради. Бундай жойда иқтисодий юксалиш, фаровонлик ва манфаатлар муштараклиги таъминланади.

Биз меҳнат мотивациясиниш айрим йўналишларигагина тўхталдик, холос. Бу масала юқориди таъкидланганлар билан чекланиб қолмайди Бунинг жуда кўп типлари, омиллари ва йўналишлари мавжуд.

Меҳнат мотивацияси типлари ҳақида турли фикрлар мавжуд. Лекин уларнинг барчаси меҳнат қилувчининг моддий ва маънавий эҳтиёжини қондириш учун ҳис-туйғуларни уйғотиш йўлини ахтаришга қаратилган. Шу боисдан меҳнат мотивациясининг иккита типни алоҳида аҳамият қаролиш этишсини таъкидлаш жоиз. Бунга қуйидагилар киради: биринчидан, ҳис-туйғуни уйғотувчи тадбирлар мажмуаси бўлса, иккинчидан, ақл-идрок билан қилинадиган ишлардир.

Кишиларнинг яхши меҳнат қилиши учун иккаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Баъзи тадбирлар борки, ақл-идрок билан қилиниб, кишиларда яхши меҳнат қилиш учун кучли ҳис-туйғу уйғотади. Масалан, миллатпарвар, фидойи, жонқуяр инсон учун яхши меҳнат қилиш ҳис-туйғусини уйғотишда Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганлиги жуда катта омил бўлиб хизмат қилади. Ёки компаниянинг раънақи учун аҳил бўлган меҳнат жамоасининг бир тан, бир жон бўлиб, кечаю-кундуз уни юксалтириш учун қилган ишлари.

Меҳнат қилувчининг, яъни меҳнатқашнинг меҳнат қилиши учун бир қанча мотивлар борки, буларсиз самарали меҳнатнинг содир бўлиши мумкин эмас. Буларга қуйидагилар киради:

1. Кўпроқ меҳнат хақи тўланиши. Ҳаётий тажрибалар кўрсатаптики, масалан, пахта теримида терилган пахта учун ҳар куни ҳисоб-китоб қилиб борилса, меҳнат унумдорлиги одатдагидан 2-2,5 барабар юқори бўлади. Меҳнатнинг натижаси қанча тез рағбатлантирилиб борилса, у шунча унумли, самарали бўлади. Жуда кўп мамлакатларда ойлик маош тўланади. Аммо АҚШда ҳар ҳафтада, баъзан ҳар куни ойлик тўланиши эъвазига ҳам юқори меҳнат унумдорлигига эришади. Хўжаликни юритишда меҳнатнинг бу мотивини инобатга олиш юқори самарадорликка эришиш учун жуда муҳимдир.

2. Яхши меҳнат шароитининг яратилиши. Меҳнат шароити ходимларни ишга олиб келиш, ишлаш жараёнини таъминлаш ва ишдан уйғача кузатиб қўйишни ўз ичига олади. Ҳар бир ходимнинг ишлайдиган жойи ҳар томонлама қулай, ёруғ, озода, баҳаво бўлиши лозим. Бу борада меҳнат эргономикаси талабларига жавоб берадиган бўлиши керак. Бу ҳам яхши ва самарали ишлаш учун асосий мотивлардан биридир. Корхона жуғрофий жиҳатдан ҳам қулай жойлашган бўлиши лозим. У транспорт воситаси бекатига яқин, дўконга, ошхонага, бозорларга яқин ва уларга бориш ҳам қулай жойда жойлашиши ҳам унда ишлайдиган ходимлар учун аҳамиятлидир.

3. Ходимнинг малакасига мос иш билан таъминланиши.

4. Корхонада яхши маънавий-руҳий муҳитнинг яратилиши. Корхонанинг умумий муваффақияти учун шу корхонада ишлаётган бирорта юшш ўзини ортиқча ёки жамоадан четда ҳис қилмаслиги керак. Режали иқтисодиётда амал қилган жуда кўп маъмурий-бўйруқбозлик усуллари бозор шароити учун ёт унсурлардир. Энди кишилар тазйиқ билан мажбур бўлиб ишламаслиги керак. Уларда ишлаш учун ички туйғулар, имкониятлар ишга тушиб, меҳнат қилиш ихтиёрий эҳтиёжга айланиши лозим.

5. Ҳар бир кишининг ўз ўрнига эга бўлишини таъминлаш.

6. Ҳар бир кишини шу корхонанинг эъаси, хужайини ва унинг бу ерда зарур эканлигини ҳис қилишни таъминлаш.

Қисқача хулосалар

Кадрлар сиёсатига кўп нарса, биринчи ўринда ишчи кучидан қанчалик унумли фойдаланиш ва корхона фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш боғлиқ бўлади.

Корхонада кадрлар ишчи, хизматчи, мутахассис ва раҳбарларга бўлинади. Раҳбарларга афзалликни бериш лозим. Тадқиқотлар ва амалиёт тажрибалари шуни кўрсатадики, корхона фаолиятининг самарадорлиги 70-80 % га корхона раҳбарига боғлиқ бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш билан корхоналар меҳнатга ҳақ тўлаш соҳасида катта муваффақият эришдилар. Таҳлиллар натижасида шу нарса маълумки, бу даврга келиб корхоналар кўпроқ вақтбай-мукофотли ва тарифсиз ҳақ тўлаш, шунингдек, шартнома асосида ҳақ тўлашдан фойдалана бошладилар.

Кадрлар, меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган тушунчалар ҳисобланади. Ҳар бир корхонада меҳнат ва иш ҳақи бўйича режа тузилиб, унинг мақсадлари ишчи кучидан фойдаланишни яхшилаш заҳираларини топиш ва шу асосда меҳнат маҳсулдорлигини оширишга қаратилган бўлиши лозим. Бу режаларга кўра, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръати ўртача иш ҳақи суръатларидан тезроқ ўсиши лозим.

Таянч иборалар

Кадрлар салоҳияти, кадрлар, меҳнат ресурслари, корхона персоналии, ишчи кучи, меҳнат учун ижтимоий шароитлар, меҳнат юкламасига таъсир кўрсатувчи омиллар, саноат-ишлаб чиқариш персонали (С.ИЧ.П), ноишлаб чиқариш персонали, раҳбарлар, хизматчилар, ўртача рўйхат сони, кўрсаткичлар, корхона персоналининг сифат тавсифи, касб, малака, кадрлар сиёсати, иш ҳақи, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, номинал иш ҳақи, реал иш ҳақи, меҳнатга ишбай ҳақ тўлаш, меҳнатга ишбай-мукофотли ҳақ тўлаш, меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш, вақтбай-мукофотли ҳақ тўлаш, меҳнатга аккорд ҳақ тўлаш тизими, тариф ставкаси.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

- 1.Бозор муносабатлари шароитларида корхонанинг кадрлар сиёсатини қай тарзда тасаввур қиласиз?
- 2.Кадрлар тузилмаси деганда нима тушунилади ва уни белгилаб берувчи омиллар қандай?
- 3.Реал иш ҳақи номинал иш ҳақидан нимаси билан фарқ қилади?
- 4.Меҳнатга ҳақ тўлашнинг қандай тизим ва шакллари биласиз?
- 5.Қайси ҳолларда вақтбай ва ишбай ҳақ тўлашдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади?
- 6.Нима сабабли корхонада меҳнат унумдорлиги суръатлари ўртача иш ҳақи суръатларидан ортиқ бўлиши лозим?
- 7.Меҳнат унумдорлиги нима? Корхонада меҳнат унумдорлигининг ўсиш қандай аҳамияти касб этади?
- 8.Корхонада меҳнат унумдорлигини аниқлашнинг қандай усуларини биласиз?
- 9.Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақини режалаштириш моҳияти нимада?
- 10.Қайси омиллар корхонада ишлаб чиқаришнинг ўсишини белгилаб беради?

Х МАВЗУ. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР

10.1. Харажатлар тушунчаси ва унинг таснифланиши

10.2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, тақсимланиш тартиби ва кўпайтириш йўллари.

10.3. Рентабелликнинг моҳияти ва кўрсаткичлари

10.1. Харажатлар тушунчаси ва унинг таснифланиши

Корхоналар фаолият юритиш жараёнида моддий ва пул харажатларини сарфлайдилар. Корхонанинг умумий харажатлари ичида ишлаб чиқариш харажатлари энг катта салмоққа эга. Ишлаб чиқариш харажатлари мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади, яъни маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархини ташкил қилади.

Маҳсулот таннархи корхоналар хўжалик фаолиятини ифодаловчи сифат кўрсаткичи бўлиб, корхоналар фаолиятининг ҳамма томонларини, яъни ишлаб чиқариш ва молиявий томонларини акс эттиради ва уларнинг иш самарадорлигини кўрсатади.

Маҳсулот таннархи деганда, маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўйича барча харажатларининг пул орқали ифодаланиши тушунилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулот таннархини ўрганишнинг аҳамияти турли хилдаги мулкчилик шаклларида иш юритаётган корхоналар учун бекиёсдир, зеро, ишлаб чиқариш харажатлари тўғрисида тўла маълумотларга эга бўлмасдан туриб ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва самарали бошқариш мумкин эмас.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш жонли меҳнат ҳамда буюмлашган меҳнатни тежашни акс эттиради, фойданинг ортишини таъминлайди, улгуржи ва чакана нархларни арзонлаштириш имконини яратади.

Маҳсулот таннархини арзонлаштиришнинг асосий йўллари қуйидагилардан иборат: бошқарув усуллари, ишлаб чиқариш ва меҳнатни илмий ташкил қилишни, хўжалик ҳисобини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш асосий воситаларидан фойдаланишни яхшилаш, моддий ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришни бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтириш, хўжасизликка қарши курашиш кабилар.


Хозирги даврда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш Ўзбекистонни 2010 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб ҳисобланади. Президентимиз «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарларида ушбу дастурнинг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора-тадбирлар ҳақида тўхталиб ўтиб, мазкур чора-тадбирлар орқали ҳал этилиши лозим бўлган асосий вазифаларни белгилаб бериш асносида “**учинчидан** – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш лозим”- деб таъкидладилар³⁴.

Шу мақсадда яқинда хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги этакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги тақлифлари маъқулланганини қайд этиш лозим.

Бунинг учун ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўз фаолият йўналиши бўйича таннархни пасайтириш омиллари тўғрисида кенг ва чуқур тасаввурга

³⁴ Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 56 б.

эга бўлиши лозим. Умумий ҳолда, мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир (10.1-расм).



10.1 - расм. Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари

Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш таннархи ишлаб чиқариш ёки қайта ишлаш жараёнида ишлатилган табиий ресурслар, хомашё, материаллар, ёқилғи, энергия, асосий воситалар (амортизация), меҳнат ресурслари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларнинг қиймат қўринишини ифода этади.

Маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархини ҳосил қилувчи харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қуйидаги элементлар билан гуруҳларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлар;
- ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш
- харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар;
- асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар

Ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари таркибига қуйидагилар киради:

- ташқаридан сотиб олинadиган ишлаб чиқариладиган маҳсулот таркибига кириб, унинг асосини ташкил этадиган ёки маҳсулот тайёрлашда зарур компонент ҳисобланадиган хомашё ва материаллар;
- маҳсулотни ўраш ҳамда бошқа ишлаб чиқариш заруриятлари учун сотиб олинган материаллар, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар, мосламалар ва бошқа меҳнат буюмлари;
- технологик мақсадлар, биноларни иситиш, барча турдаги энергияни ишлаб чиқариш учун сарфланадиган, четдан сотиб олинган ёқилғининг ҳамма турлари;
- корхонанинг технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш, шунингдек, хўжалик заруриятларига сарфланадиган, сотиб олинadиган барча турдаги энергия;
- табиий қамаишининг меъёр чегарасидаги моддий ресурсларнинг камомади ва бузилишларидан йўқотишлар.

Ишлаб чиқаришдаги меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларига қуйидаги моддалар киради:

- корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакл ва тизимларига мувофиқ ишбай ҳақлари, тариф ставкалари ва мансаб окладлари асосида ҳақиқий бажарилган ишлар учун ишлаб чиқаришдаги ҳисобланган иш ҳақи;

- натура шаклида ҳақ тўлаш тартиби бўйича бериладиган маҳсулот қиймати;
- амалдаги тартибларга кўра рағбатлантирувчи тўловлар, жумладан, ишлаб чиқариш натижалари учун мукофотлар (натурал мукофотларни қўшган ҳолда) тариф ставкалари ва окладларга касб маҳорати учун қўшимча устама тўловлар, амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун (шу ҳўжаликда бир ихтисосликдаги иш стажы учун) ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирланишлар, мукофотлар, касб маҳорати учун тариф ставкалар ва окладларга нисбатан) устама тўловлар, ҳаракатдаги қонунчиликка мувофиқ кўп йиллик хизматлари учун ишлаб чиқариш ходимларига бериладиган тақдирлашлар;

- иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ товон тўловлари, жумладан, тунги иш вақти, иш вақтидан сўнгги иш учун тўловлар.

Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- Асосий ишлаб чиқариш фондларининг дастлабки (тиклаш) қийматидан келиб чиқиб ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси, лизинг бўйича ва белгиланган тартибда тасдиқланган нормалар, қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган жадаллаштирилган амортизация ҳам шу жумлага киради.

- Ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (Гудвилдан ташқари) эскириши ҳар ойда ҳўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдали фойдаланиш муддатидан келиб чиқиб ҳисобланадиган маҳсулот таннархига тегишли бўлади. Фойдали фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш нормаси беш йил ҳисобида белгиланади.

Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар таркибига қуйидагилар киради:

- Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари.
- Ишлаб чиқариш ходимларини белгиланган ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича нормалар доирасида ва улардан ортиқча харажатлар.

- Ишлаб чиқариш ходимларини ва ишлаб чиқариш активларини мажбурий ва ихтиёрий суғурта қилиш харажатлари.

- Брак туфайли келиб чиқадиган йўқотишлар.

- Ишлаб чиқаришнинг ички сабабларига кўра бекор туришлар туфайли йўқотишлар.

- Кафолатли хизмат муддати белгиланган буюмларни кафолатли тузатиш ва уларга кафолатли хизмат кўрсатиш харажатлари.

- Маҳсулот (хизматлар)нинг мажбурий сертификация қилиш харажатлари.

- Ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли органларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар.

- Умумий фойдаланиладиган йўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлиқ харажатлар.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳўжалик юритувчи субъектларнинг барча харажатлари қуйидаги гуруҳларга ажратилади³⁵:

1. Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар;

2. Ишлаб чиқариш таннархига қўшилмайдиган харажатлар, аммо давр харажатларига қўшиладиган харажатлар (асосий фаолиятдан қўрилган фойдани аниқлаш учун).

³⁵ Ўзбекистон республикаси Солиқ Кодекси. -Т.: 2010 йил

3. Корхонанинг умумхўжалик фаолиятдан кўрган фойда ёки зарарини аниқлашда ҳисобга олинadиган молиявий фаолият харажатлари.

4. Фавқулодда зарар (солиқ тўлашга қадар аниқланадиган фойдани ҳисоблашда иштирок этадиган).

Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини юқоридаги таркиб бўйича гуруҳланганда, ҳар бир гуруҳ харажатлари қуйидагича туркумланади:

1. *Маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига қўшиладиган харажатлар қуйидагича туркумланади:*

- а) бевосита ва билвосита моддий харажатлар;
- б) бевосита ва билвосита меҳнат харажатлари;
- в) ишлаб чиқаришдаги маъмурий харажатлар.

2. *Давр харажатлари қуйидагича туркумланади:*

- а) сотиш бўйича харажатлар;
- б) бошқарув харажатлари;
- в) бошқа муомала харажатлари ва зарарлар.

3. *Молиявий фаолият бўйича харажатлар қуйидагича туркумланади:*

- а) фоизлар бўйича сарфлар;
- б) чет эл валютаси курси ўзгаришидан кўрилган зарар;
- в) қимматли қоғозларга қўйилган маблағларни қайта баҳолашдан кўрилган зарар;
- г) молиявий фаолият бўйича бошқа сарф-харажатлар.

4. *Фавқулодда зарарлар одатда туркумланмайди.* Фавқулодда зарарлар - бу хўжалик юритувчи субъектларнинг одатдаги фаолиятдан четга чиқувчи ҳодисалар ёки операциялар натижасида вужудга келадиган ва рўй бериши кутилмаган одатдан ташқари харажатлар моддаларидир. У ёки бу модданинг фавқулодда зарарлар моддаси сифатида акс эттирилиши учун у қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- корхонанинг одатдаги хўжалик фаолиятига хос эмаслик;
- бир неча йил мобайнида такрорланмаслиги керак;
- бошқарув ходими томонидан қабул қилинадиган қарорларга боғлиқ

эмаслик.

Ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш харажатлари.

Маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ харажатларга ишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Уларга қуйидагилар киради:

- материал (моддий) харажатлари;
- меҳнат ҳақи харажатлари;
- ишлаб чиқариш билан боғлиқ маъмурий харажатлар.

Бевосита материал харажатлари меҳнат ҳақи билан биргаликда дастлабки харажатларни ташкил этади.

Меҳнат ҳақи ва ишлаб чиқариш характеридаги маъмурий бошқарув харажатлари биргаликда конверсия харажатларини ташкил этади.

Материал харажатлари конверсия харажатлари билан биргаликда тўлиқ ишлаб чиқариш таннархини ташкил этади.

Ноишлаб чиқариш харажатлари.

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган барча харажатларга ноишлаб чиқариш харажатлари деб аталади. Улар таркибига сотиш билан боғлиқ харажатлар, илмий текшириш ва тадқиқот харажатлари, умумий ва маъмурий бошқарув харажатлари, бошқарув харажатлари, олинган кредит учун фоиз тўловлари ва бошқа ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган харажатлар киритилади.

Маҳсулот таннархини умумлаштирувчи кўрсаткичлар қуйидагиларни ташкил этади.

1. Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат.
2. Такқосланадиган маҳсулот таннархи.
3. Маҳсулот бирлигининг таннархи.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятидаги харажатларни юқоридаги кўринишда туркумлаш билан бир қаторда яна қуйидаги хусусиятлари бўйича ҳам таснифлаб чиқишимиз мумкин.

Юзага чиқиш шаклига кўра:

- асосий ишлаб чиқариш харажатлари;
- молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- тасодифий, фавқулддаги харажатлар.

Маҳсулот таннархига қўшилишига кўра:

- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;
- маҳсулот ишлаб чиқариш таннархига киритилмайдиган харажатлар.

Юзага чиқиш ўрни бўйича:

- бўлим бўйича қилинган харажатлар;
- цех бўйича қилинган харажатлар;
- участка бўйича қилинган харажатлар ва ҳоказо.

Сотиш ҳажмига ҳисобдан чиқарилишига кўра:

- маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари;
- давр харажатлари.

Даврига кўра:

- жорий давр харажатлари;
- келгуси давр харажатлари.

Солиққа тортиладиган фойда суммасини аниқлашда ҳисобга олинишига кўра:

- солиққа тортиладиган базага қайта қўшиладиган доимий тафовутлар;
- солиққа тортиладиган базага қўшиладиган даври бўйича тафовутлар;
- солиққа тортиладиган базани аниқлашда ҳисобга олинмайдиган харажатлар.

Маҳсулот ҳажмининг ўзгаришига мувофиқ:

- ўзгарувчан харажатлар;
- ўзгармас харажатлар.

Маҳсулот таннархига қўшилишига қараб:

- тўғри харажатлар (бевосита);
- эгри харажатлар (билвосита).

Молиявий натижаларга дахлсизлиги бўйича:

- маҳсулот таннархига қўшиладиган харажатлар;
- фойда ҳисобидан қопланадиган харажатлар.

Корхона харажатларини таҳлил этишда ўрганиш объекти ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда корхона харажатларининг у ёки бу туркуми бўйича ўзгаришлар ва сабабларига баҳо берилади. Таққослаш ёки қиёсий ўрганишда жорий давр ва ўтган йил маълумотлари, бизнес режа кўрсаткичлари, ўртача кўрсаткичлар ва тармоқ бўйича бошқа маълумотлар олинади. Таққослашда кўрсаткичлар бўйича мутлоқ ўзгаришлар нисбий кўрсаткичларни қўллаш орқали тўлдирилади.

Маҳсулот таннархини ифодаловчи кўрсаткичлардан энг муҳими, бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажатдир. Бу кўрсаткич тийин ҳисобида қуйидагича аниқланади³⁶:

$$\text{Бир сўмлик товар маҳсулоти учун қилинган харажат (тийин)} = \frac{\text{Ишлаб чиқариш таннархи}}{\text{Товар маҳсулотининг улгуржи баҳоси}}$$

Бу кўрсаткич орқали қилинган харажатларнинг самарадорлигини аниқлаш мумкин.

³⁶ Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2005. – 280 б.

Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олиш ва таҳлил этишнинг услубий ва меъёрий шакли Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 5 февралда тасдиқланган 54-сонли «Маҳсулот (бажарилган иш, кўрсатилган хизмат)лар ишлаб чиқариш таннархи, маҳсулот (иш бажариш ва хизмат кўрсатиш) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва молиявий натижаларнинг шаклланиш тартиби тўғрисида»ги Низом билан белгиланади.

Саноат корхоналари ишлаб чиқариш харажатларини ривожлантириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида унинг йўналишлари бўйича гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир:

1. *Харажатларнинг иқтисодий элементлари бўйича.*
2. *Харажатларнинг калькуляцион моддалари бўйича.*

9.1-жадвал

**Ишлаб чиқариш харажатларининг иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича
туркумланиши**

Иқтисодий элементлари бўйича	Калькуляцион моддалари бўйича
1	2
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита моддий харажатлар	Хомашё
	Ёқилғи
	Электр қуввати
	Эҳтиёт қисмлар
	Идишлар ва ҳақозо
Ишлаб чиқариш характеридаги бевосита ва билвосита меҳнат ҳақи харажатлари	Асосий иш ҳақлари
	Қўшимча иш ҳақлари
	Иш ҳақиға устамалар
Ишлаб чиқаришга тааллуқли меҳнат ҳақидан ажратмалар	Ижтимоий таъминот бўлимига
	Меҳнат биржасига
	Касаба уюшмасига
Асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси, эскириш харажатлари	Асосий воситаларнинг эскириши
	Номоддий активларнинг эскириши
	Асосий восита ва номоддий активларнинг ижара ҳақлари
Ишлаб чиқариш характеридаги бошқа харажатлар	Турли ишлар ва хизматлар
	Солиқлар, йиғимлар ва ҳақозо.

Харажатларнинг элементи бўйича гуруҳларга ажратишдан мақсад уларнинг тузилмаси ва динамикасини назорат қилишдан иборат.

Кўрсаткичларни таққослаш орқали жонли меҳнат билан бошқа харажат турларининг нисбати, ишлаб чиқариш захираларини нормалаштириш ва таҳлил этиш, айланма маблағларининг тезлигини аниқлаш ва миллий даромадни ҳисоблаш имконияти туғилади.

Харажатларнинг элементлари бўйича таҳлил натижаларига мувофиқ материал сифими, меҳнат сифими ва фонд сифими даражалари бўйича таннархни пасайтириш имкониятларини аниқлаш мумкин.

Таҳлил этишда жами харажатдаги ҳар бир элементнинг тутган салмоғи аниқланиб, ўтган йилдагиси ҳамда сметадаги кўрсаткичлар билан таққосланиб, уларнинг ўзгариш сабаблари аниқланади.

Маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар таркибини иқтисодий элементлари ва моддалари бўйича қуйидаги таркибда бериш мумкин.

Ишлаб чиқариш харажатларини иқтисодий элементлари ва калькуляцион моддалари бўйича ўрганиш қуйидагича фаркланади, яъни, бўлимлар ва корхона бўйича жами харажатлар фақат иқтисодий элементлари бўйича ўрганилади, маҳсулотлар тури ва туркуми бўйича эса ишлаб чиқариш харажатлари калькуляция моддалари асосида кўриб чиқилади.

10.2. Фойда ва унинг шаклланиш манбалари, тақсимлаш тартиби ҳамда кўпайтириш йўллари

Фойда муҳим иқтисодий категория (тоифа) бўлиб, ҳар бир тижорат ташкилотининг асосий мақсади ҳисобланади. Иқтисодий категория сифатида фойда–моддий ишлаб чиқариш соҳасида яратилган соф даромадни акс эттиради.

Фойданинг асосий қисмига корхоналар ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотиш орқали эга бўладилар. Замонавий ҳўжалик юритиш шароитларида фойданинг асосий вазифаси корхона фаолияти самарадорлигини акс эттиришда деб белгиланади. Бунга фойда миқдори, корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган маҳсулот таннархи шаклидаги индивидуал харажатлар, маҳсулот баҳоси шаклидаги ижтимоий зарурий харажатларни ўз ичига олиши лозимлигини сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитларида корхоналар фаолияти фойданинг рағбатлантирувчи аҳамиятининг ортиши билан боғлиқ. Фойдадан баҳолашнинг асосий кўрсаткичи сифатида фойдаланиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, сифатнинг яхшиланиши, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш унумининг ортиши билан асосланади. Шу билан бирга фойданинг аҳамияти ортишига амалдаги фойдани тақсимлаш тизими ҳам сабаб бўлади ва унга кўра эса, корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва ижтимоий ривожланишни таъминлаш учун ҳамда ходимларни бажарган меҳнати сифати ва миқдорига асосан моддий рағбатлантиришга сарфланувчи фойдани оширишга бўлган қизиқишнинг ортиши кузатилади.

Шу тариқа фойда ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, ходимларнинг ўз корхонаси эришадиган юқори натижалардан моддий манфаатдорлигини кучайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Корхонада фойда турли хил фаолият натижасида олинishi мумкин. Барча фойдалар йиғиндиси корхонанинг ялпи фойдасини ташкил қилади. Ялпи фойданинг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат:

- бажарилган иш, кўрсатилган хизмат ва маҳсулот сотишдан олинган фойда;
- асосий воситалар, шунингдек, корхонанинг бошқа мулки сотишдан олинган фойда;
- корхонанинг молиявий фаолияти орқали олинувчи фойда.

Корхона даромади икки кўрсаткич, яъни маҳсулот баҳоси ва уни ишлаб чиқаришга сарфланувчи харажатларга боғлиқ бўлади. Маҳсулотнинг бозордаги баҳоси талаб ва таклиф муносабатлари натижасида келиб чиқади. Эркин рақобат шароитларида баҳони шакллантириш қонунлари асосида маҳсулот баҳоси ишлаб чиқарувчи ёки харидор хоҳишига кўра эмас, балки автоматик равишда тартибга солинади.

Фойда корхона фаолияти натижасида олинган иқтисодий самарани тавсифлайди. Корхонанинг фойда олиши даромадларнинг корхона фаолияти билан боғлиқ бўлган харажатлардан қўп бўлишини аңлатади ҳамда у рағбатлантириш вазифаларини ҳам бажаради. Бу эса фойда бир пайтнинг ўзида молиявий натижа бўлиш билан бирга корхона молиявий ресурсларининг асосий элементи эканлиги; даромаднинг турли даражадаги бюджет шаклланиши учун асосий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Фойда олишнинг асосий манбалари қуйидагилар:

биринчи манба корхонанинг маҳсулотнинг у ёки бу турини ишлаб чиқаришдаги монополия ҳолати ёки маҳсулотнинг нодирлиги ҳисобига шаклланади. Бу манбанинг сақланиши маҳсулотни доимий равишда янгилаб боришни кўзда тутати;

иккинчи манба ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ. Ундан фойдаланиш самарадорлиги бозор конъюнктурасини билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг ривожланишини, доимий равишда ўзгариб турувчи бозор конъюнктурасига мослаштириш қобилиятига боғлиқ бўлади. Фойда миқдори корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йўналишини тўғри танлаш (доимий равишда талаб даражаси юқори бўлган маҳсулотни танлаш); маҳсулотларини сотиш ва хизмат кўрсатиш учун рақобатбардош шароитларни яратиш (баҳо, етказиб бериш муддати, харидорларга хизмат кўрсатиш, сотувдан кейинги хизмат кўрсатиш ва ҳоказо); ишлаб чиқариш ҳажми (ишлаб чиқариш ҳажми қанчалик катта бўлса, даромад миқдори шунчалик кўп бўлади); ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш тузилмаси билан боғлиқ бўлади;

учинчи манба корхонанинг инновацион фаолиятидан келиб чиқади. Ундан фойдаланиш доимий равишда технологияларни такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш, унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳсулот сотиш ҳажми ва фойда миқдорини оширишни англатади.

Корхонанинг баланс фойдаси фойдани тақсимлаш объектидир. Фойдани тақсимлаш деганда унинг бир қисмини бюджетга жўнатиш тушунилади. Қонунчиликка асосан фойданинг солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар шаклида бюджетга келиб тушувчи қисми тартибга солинади. Корхона ихтиёрида қолувчи даромад қисми, ундан фойдаланиш йўналишлари корхона зиммасида бўлади.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти натижасида олинадиган даромадлар қуйидагилардан иборат:

1. Сотилган олинадиган соф тушум
2. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадлар
3. Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадлар
4. Фавқулодда фойда

Сотилган олинган соф тушум маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотилган олинган, ундан қўшилган қиймат, акциз солики ва экспорт бож пошлинаси, чегирилган тушум сифатида аниқланади. Унга товарларнинг қайтарилиши, харидорлар учун берилган чегирмалар ва бошқалар киритилмайди.

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятидан олинадиган бошқа даромадларга қуйидагилар киради:

- Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жарималар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар.

- Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда.

- Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар хузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдамчи хизматлардан даромадлар сифатидаги бошқа даромадлар.

- Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий воситаларини ва бошқа

- мол-мулкларини сотилган олинган даромадлар.

- Даъво билдириш муддати ўтган кредиторлик ва депонент

- қарзларни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар.

- Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш. Товар-моддий бойликларни тўлиқ баҳолаш суммаси маҳсулот (ишлар, хизматлар) сотилишига кўра солиқ солинадиган даромадга киритилади).

- Давлат субсидияларидан даромадлар*

- Ҳолисона молиявий ёрдам.

- Бошқа операцион даромадлар.

Молиявий фаолиятдан олинадиган даромадларга қуйидагилар киради:

- Олинган роялтилар ва сармоя трансферти.

• Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциялар бўйича дивидендлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегашли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар.

• Мол-мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг тўловини олиш).

• Валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталаридаги операциялар бўйича ижобий курс тафовутлари.

• Сарфланган (қимматли қоғозларга, шўъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

• Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар.

Фавқулодда фойда моддалари - бу кўзда тутилмаган, тасодифий тусга эга бўлган, ходиса ёки хўжалик юритувчи субъектнинг одатдаги фаолияти доирасидан четга чиқадиган тусдаги операциялар натижасида пайдо бўладиган ва олинishi қутилмаган фойдадир. Бунга даромадларнинг фавқулодда моддалари ёки асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар бўлимида акс эттирилиши керак бўлган ўтган даврлардаги фойда кирмайди.

Корхона фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан тавсифланади:

- маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда, бу сотишдан олинган соф тушум билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи ўртасидаги тафовут сифатида аниқланади:

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ} - \text{ИТ}.$$

бунда,

ЯФ - ялпи фойда;

ССТ- сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи;

- асосий фаолиятдан кўрилган фойда, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари ўртасидаги тафовут, ва плюс асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар ёки минус бошқа зарарлар сифатида аниқланади:

$$\text{АФФ} = \text{ЯФ} - \text{ДХ} + \text{БД} - \text{БЗ},$$

бунда,

АФФ-асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ-давр харажатлари;

БД-асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ-асосий фаолиятдан кўрилган бошқа зарарлар;

Хўжалик фаолиятдан олинган фойда (ёки зарар), бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар ва минус зарарлар сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$\text{УФ} = \text{АФФ} + \text{МД} - \text{МХ},$$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

- солиқ тўлангунгача олинган фойда, у умумхўжалик фаолиятдан олинган фойда плюс фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятлардан кўрилган фойда ва минус зарар сифатида аниқланади:

$$\text{СТФ} = \text{УФ} + \text{ФП} - \text{ФЗ},$$

бунда,

СТФ - солиқ тўлангунгача олинган фойда;

ФП - фавкулдда вазиятлардан олинган фойда;
ФЗ - фавкулдда вазиятлардан кўрилган зарар;
- йилнинг соф фойдаси, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни ва минус қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$$СФ = СТФ - ДС - БС,$$

бунда,

СФ - соф фойда;

ДС - даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС - бошқа солиқлар ва тўловлар.

Фойдани тақсимлаш тамойиллари қуйидагилардан иборат бўлади:

- корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижасида оладиган фойдаси давлат ва корхона ўртасида хўжалик субъекти сифатида тақсимланади;
- фойданинг давлатга тўланувчи бир қисми солиқ ва йиғимлар кўринишида бюджетга келиб тушади. Солиқлар таркиби ва фоизи, уларни ҳисоблаш тартиби ва бюджетга тўланувчи бошқа тўловлар қонунчилик томонидан белгиланади;
- солиқлар тўлангандан сўнг корхона тасарруфида қолувчи фойда миқдори, унинг ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда ишлаб чиқариш ва молиявий фаолият натижаларини яхшилашдан манфаатдорлигини камайтирмаслиги лозим.

Корхонада фойдани тақсимлаш ва ундан фойдаланиш тартиби унинг Низомида белгилаб қўйилади ҳамда ваколатли иқтисодий хизмат ходимлари томонидан тайёрланиб, корхона раҳбарияти томонидан тасдиқланувчи қоидалар ёрдамида аниқланади.

Маҳсулотни сотишдан олинadиган фойда миқдори ички ва ташқи омилларга боғлиқ бўлади. Ички омиллар, бу - корхонада замонавий техника ва технологияларни жорий қилиш, хўжалик юритиш даражаси, раҳбарият ва менеджментнинг масъулияти, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражасидир. Корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган ташқи омиллар қаторига эса, бозор конъюнктураси, истеъмол қилинувчи моддий-техник ресурсларнинг баҳоси, амортизация нормаси, солиқ тизими кабилар киради.

Корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари. Ҳар бир корхонада фойдани ошириш бўйича режали чора-тадбирлар кўзда тутилиши керак. Умуман олганда, бундай чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- * ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдорини ошириш;
- * ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш;
- * ортқча асбоб-ускуналар ёки бошқа мулкни сотиб юбориш ёки ижарага бериш;
- * моддий ресурслар, ишлаб чиқариш қувватлари ва майдонлари, ишчи кучи ва иш вақтидан унумлироқ фойдаланиш ҳисобига маҳсулот таннархини пасайтириш;
- * ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;
- * маҳсулот бозорини кенгайтириш ва ҳоказолар.

Фойда корхона фаолиятининг муҳим иқтисодий кўрсаткичи бўлсада, унинг самарадорлигини тўла тавсифлаб бермайди. Корхона фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун натижаларни (фойдани) харажатлар ёки бу натижаларга эришиш учун сарфланган ресурслар билан солиштириш лозим.

10.3. Рентабелликнинг моҳияти ва кўрсаткичлари

Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитларида рентабелликнинг аҳамияти ва ўрни ўсиб бормоқда. У корхона фаолияти ва капитал қўйилмалар иқтисодий

самарадорлигининг асосий мезони, корхона ва хўжалик юритувчи ташкилотларни баҳолашнинг синтетик кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади.

Янги шароитларда корхоналарнинг фаолиятларида юқори молиявий натижаларга эришишга интилиши сезиларли даражада ортиб бормокда.

Хар қандай хўжалик механизми учун асос бўлиб корхона фаолиятини режалаштириш ва унга объектив баҳо бериш, таълим олиш, меҳнатга ҳақ тўлаш ва иқтисодий рағбатлантириш фондларидан фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида харажат ва натижаларни солиштириш кўрсаткичлари хизмат қилади.

Фойда корхона самарадорлигининг ягона ва универсал кўрсаткичи эмас.

Ишлаб чиқариш ривожланишининг самарадорлиги ва интенсивлигини баҳолашда амалиётда рентабеллик кўрсаткичлари тизими кенг қўлланиб, унга кўра фойданинг миқдори белгиланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, рентабеллик даромадлилик, фойдалиликни англатади. Бироқ рентабелликни фақат даромадлилик деб қабул қилиш унинг иқтисодий мазмунини кенг очиб бермайди. Улар ўртасида тенгликнинг йўқлигидан даромад миқдори ва рентабеллик даражаси турли нисбатларда, кўпинча турли йўналишларда ўлчаниши далолат беради.

Исталган муддат учун иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш кўплаб турли хил омиллар таъсири остида амалга оширилади.

Рентабеллик ва фойда кўрсаткичларини таҳлил қилишда уларга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барча омилларни билиш, бу омилларнинг самарадорликнинг умумлаштирувчи кўрсаткичларига таъсирини ҳисоблаш услубиятини эгаллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу омилларни бошқариш орқали корхонада даромадни ошириш заҳираларини излаб топиш ва рентабелликнинг талаб қилинувчи даражасига эришиш механизмини яратиш мумкин.

Рентабеллик ва фойдага таъсир кўрсатувчи омилларни турли хил белгиларига кўра таснифлаш мумкин. Масалан, бу омиллар ички ва ташқи бўлиши мумкин. Ички омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлган ҳамда корхона фаолиятининг турли йўналишларини тавсифловчи омиллар мансуб бўлади. Ташқи омилларга корхона фаолиятига боғлиқ бўлмаган, бироқ ишлаб чиқариш рентабеллиги ва даромаднинг ўсиш суръатига сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган омиллар киради. Таҳлил жараёнида ички ва ташқи омилларни аниқлаш самарадорлик кўрсаткичларини ташқи таъсирлардан “тозалаш” имконини беради ҳамда корхона ютуқларини объектив баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Ўз навбатида ички омиллар ҳам ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш омилларига бўлинади. Ноишлаб чиқариш омиллари асосан меҳнат ва сотиш шароитлари, корхонанинг тижорат, табиатни сақлаш ва шу каби фаолият турлари билан боғлиқ бўлади. Ишлаб чиқариш омиллари эса фойданинг шаклланишида иштирок этувчи ишлаб чиқариш жараёнининг асосий элементлари - меҳнат предметлари ва воситалари ҳамда меҳнатнинг ўзи - мавжудлиги ва улардан фойдаланишни акс эттиради.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнида маҳсулот ишлаб чиқариш, сотиш ва фойда олиш билан боғлиқ бўлган корхоналарда бу омиллар ўзаро алоқада ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Рентабелликнинг моҳиятини фақат фойда шаклланишини таҳлил қилиш асосида очиб бериш мумкин. Корхона маҳсулотни сотиш натижасида ўз харажатларини қоплашдан ташқари фойда ҳам олган тақдирда рентабелли ҳисобланади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти қанчалик фойда келтиришини кўрсатади. Бу кўрсаткичлар молиявий ҳисоботнинг ички ва ташқи фойдаланувчиларда қизиқиш уйғотиб, корхона ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳамда унинг инвестицияларни жалб қилиш қобилиятини аниқлайди. Хусусий ёки қарзга олинувчи капиталнинг рентабеллиги корхонага маблағлар киритишнинг рентабеллигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардир. Бу кўрсаткичларнинг иқтисодий турланиши (интерпретацияси) яққол кўзга ташланади: сарфланган ҳар бир сўм қарзга олинган (хусусий) капиталга неча сўм

фойда тўғри келади (ҳисоб-китобларда корхонанинг баланс ёки соф фойдасидан фойдаланиш мумкин).

Рентабелликни замон ва макон қоидаларига кўра таҳлил қилишда асосли хулосаларга келиш учун зарур бўладиган учта хусусиятни инобатга олиш зарур.

Биринчи хусусият корхона фаолиятининг вақт жиҳати билан боғлиқ. Масалан, маҳсулотни сотиш рентабеллиги коэффициентни ҳисобот давридаги фаолият натижалари орқали аниқланади; узоқ муддатли инвестицияларнинг юзага келиши мумкин бўлган ва режалаштирилаётган самараси инкор қилинмайди. Агар корхона катта миқдордаги инвестициялар талаб қилувчи янги технологиялар ва янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга ўтадиган бўлса, у ҳолда рентабеллик кўрсаткичлари вақтинчалик пасайиши мумкин.

Иккинчи хусусият таваккалчилик муаммоси билан боғлиқ бўлиб, таваккалчилик даражаси юқори бўлган лойиҳалар баъзида катта фойда келтириши ҳам мумкин.

Учинчи хусусият баҳолаш муаммоси билан боғлиқ. Масалан, хусусий капиталнинг рентабеллик кўрсаткичи суръати ва маҳражи турли хил харид қобилиятига эга бўлган пул бирлигида келтирилади. Кўрсаткичнинг суръати, яъни фойда ўзгарувчан (динамик) бўлиб, фаолият натижаларини ҳамда товар ва хизматларнинг асосан ўтган йилда юзага келган баҳосини акс эттиради. Кўрсаткичнинг маҳражи, яъни хусусий капитал бир қатор йиллар давомида шаклланади. У жорий баҳодан анча фарқ қилиши мумкин бўлган, ҳисобга олиш баҳосида акс эттирилади. Демак, хусусий капитал рентабеллик коэффициентининг катта бўлиши, доим ҳам корхонага киритилаётган капитал қайтимига мос келавермайди; молиявий қарорларни қабул қилишда бу кўрсаткични эътиборга олишдан ташқари, корхонанинг бозордаги баҳосини (бозор капитализацияси) ҳам инобатга олиш зарур.

Корхона фаолиятининг самарадорлигини тавсифловчи рентабелликнинг асосий кўрсаткичлари қуйидагича:

1. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

у ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАйк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхонанинг жами активлари рентабеллиги корхона активларига қўйилган маблағларнинг бир сўмига тўғри келадиган соф фойда, активлардан қанчалик даражада фойдаланилганлигини ифода қилади.

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги ($P_{см}$):

$$P_{см} = \frac{ЯФ}{CCT}$$

ёки

$$P_{см} = \frac{C\Phi}{CCT}$$

Бу ерда: $P_{см}$ – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$ЯФ$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

CCT – маҳсулот сотишдан соф тушум.

Сотилган маҳсулот рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча ялпи фойда ёки соф фойда келтирганини кўрсатади.

3. Хусусий капитал рентабеллиги ($P_{хк}$):

$$P_{хк} = \frac{C\Phi}{ХК}$$

Бу ерда: CF – соф фойда;

KK – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

Мулкдор томонидан киритилган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда фойдаланилади ва бу кўрсаткич бошқа қимматли қоғозларга киритилганда олинishi мумкин бўлган даромад билан солиштириш имконини беради.

Хусусий капитал ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини кўрсатади.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (P_{ix}), бу айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун қилинган харажатларнинг бир сўмига олинган ялпи фойда ёки соф фойдани ифода қилади. Бу кўрсаткичдан турли маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг солиштирма самарадорлигини аниқлашда кенг фойдаланилади.

$$\frac{P_{ix}^{\text{ёки}}}{P_{ix}} = \frac{YF}{CF} \cdot \frac{CF}{MIT}$$

Бу ерда: YF – ялпи фойда;

CF – соф фойда;

MIT – маҳсулот ишлаб чиқариш таннарни.

5. **Асосий воситалар рентабеллиги.** Асосий воситалар рентабеллиги ҳар бир сўмлик ёки минг сўмлик асосий восита ҳисобига тўғри келадиган фойда суммасини характерлайди. Ушбу кўрсаткич соф фойда суммасини асосий воситаларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади.

$$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$$

6. **Оборот активлар рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич оборот активларнинг ҳар бир сўмига тўғри келадиган фойда, соф фойда суммасини характерлайди. Оборот активлар рентабеллиги олинган соф фойда суммасини оборот активларнинг ўртача йиллик қийматига бўлиш асосида аниқланади:

$$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$$

7. **Қарз маблағлари рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифода қилади.

$$\text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$$

Активлар рентабеллиги корхонада 1 сўм фойда олиш учун қанча маблағ жалб қилиш талаб этилишини (бу маблағлар манбаидан қатъи назар) акс эттиради. Ушбу кўрсаткич корхона рақобатбардошлигининг энг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

Сотиш рентабеллиги сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўми қанча соф фойда келтирганини акс эттиради.

Хусусий капитал рентабеллиги корхона мулкдорлари яъни, эгалари киритган капиталдан фойдаланиш самарадорлигини аниқлаш ва бу кўрсаткични худди шу маблағларни бошқа қимматбаҳо қоғозларга киритганда олиш мумкин бўлган фойда билан

таққослаш имконини беради. Фарб мамлакатларида бу кўрсаткич компания акцияларининг котировкасига сезиларли равишда таъсир кўрсатади.

Битта акция келтирувчи фойда кўрсаткичи корхонанинг бозордаги фаолиятини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Шу тариқа, тавсия қилинувчи кўрсаткичлар таҳлил жараёнида корхонанинг молиявий барқарорлигини аниқлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва корхонанинг бозордаги рақобатбардошлигини оширишга оид чора-тадбирлар белгилашга икониёт яратади.

Қисқача хулосалар

Ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъектнинг тадбиркорлик фаолиятидан асосий мақсад фойда олишдир. Фойда олиш дегани корхона даромадлари унинг фаолияти билан боғлиқ бўлган барча харажатлардан ортишини англатади.

Ишлаб чиқариш харажатларини доимий равишда пасайтириб бориш фойда олишнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Харажатлар мажмуаси корхонага маҳсулот ишлаб чиқариш қанчага тушишини кўрсатади.

Фойда корхонада турли хил фаолият орқали олинishi мумкин бўлиб, унинг миқдори ишлаб чиқариш омиллари баҳоси ўзгариши (ташқи омиллар) ёки ишлаб чиқариш харажатларини улардан нораціонал фойдаланиш сабабли ошириш (ички омиллар) туфайли ўзгариб туради.

Бироқ фойда мутлақ (абсолют) катталики сифатида ишлаб чиқариш самарадорлигини тўлиқ тавсифламайди. Ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашда, рентабеллик кўрсаткичлари муҳим аҳамият касб этади.

Рентабеллик кўрсаткичлари корхона фаолияти қанчалик фойда келтиришини кўрсатади. Рентабеллик кўрсаткичларининг таҳлили юзага келган ҳолатга баҳо бериш ҳамда молиявий барқарорликни кучайтириш чора-тадбирларини белгилашга имкон яратади.

Таянч иборалар

моддий харажатлар, асосий воситалар амортизацияси, меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатлар, ижтимоий эҳтиёжларга мўлжалланган харажатлар, моддий харажатлар, хорижий валютадаги харажатлар, фойда, фойда олишнинг асосий манбалари, фойдани тақсимлаш тамойиллари, корхонада фойдани оширишнинг асосий йўллари, рентабеллик, активлар рентабеллиги, сотиш рентабеллиги, хусусий капитал рентабеллиги, битта акция даромади.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ишлаб чиқариш харажатлари тушунчаси ва унинг моҳияти.
2. Ишлаб чиқариш харажатларини таснифлаш.
3. Бошқа харажатлар таркибига нималар киради?
4. Фойда иқтисодий категория сифатида ҳамда унинг корхонанинг тижорат ва ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил қилишдаги аҳамияти.
5. Фойдани шакллантириш манбалари.
6. Фойдани тақсимлаш ва уни кўпайтириш йўллари.
7. Рентабелликнинг иқтисодий моҳияти.
8. Рентабеллик кўрсаткичлари ва уларни аниқлаш услубияти.

Добавлено примечание ([17]):

ХИ МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ

11.1. Фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш асослари

11.2. Инвестициялар корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида.

11.2. Корхоналарда инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари.

11.3. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

11.1. Фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш ва қулай инвестиция муҳитини яратиш асослари

Иқтисодиётни модернизациялаш, ислохотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий воситаларни яратиш, амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғли тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбари томонидан *ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга* алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

2016 йилда иқтисодиётга 16,6 миллиард АҚШ долларидан кўп инвестиция қилинди, ёки 2015 йилга нисбатан 9,6 фоизга кўпдир. Ўзлаштирилган чет эл инвестиция ва кредитлар ҳажми эса 11,3 фоизга ўсиб, 3,7 миллиард доллардан кўп бўлди.

2016 йилда Инвестиция дастури доирасида умумий қиймати 5,2 миллиард долларлик 164 йирик ишлаб чиқариш объекти ишга туширилди. Жумладан, Талимаржон ИЭСда 450 МВт қувватли иккита буғ-газ турбинаси ва Ангрен ИЭСда кўмир кукунидан фойдаланишга мўлжалланган 130-150 МВт қувватли энергия блоки куриш, Жиззах вилоятидаги цемент заводи қувватини кенгайтириш, «Индорама Қўкон текстиль» хорижий корхонаси ва «Фантекс» МЧЖда йигирув ишларини ташкил этиш, «ГМ Ўзбекистон» акциядорлик жамиятида «Т-250» русумидаги енгил автомобиллар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш», шу билан бирга «Сирдарё вилоятидаги «Гулистон Мед Техника» қўшма корхонасида стерил шприцлар ишлаб чиқариш" ва бошқа лойиҳалар шулар жумласидандир³⁷.

Бундан ташқари, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳудудий дастурлари доирасида 2016 йилда 28 мингдан кўп лойиҳа амалга оширилди.

2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид давлат дастурида таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобиغا унинг рақобатбардорлигини ошириш йўналишида корхоналарнинг маблағлари, ЎзТТЖ, тижорат банклари

Минерал-хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича умумий қиймати қарийб 40 млрд. долларга тенг бўлган 649 та инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни кўзда тутувчи тармоқ дастурларини ўз вақтида амалга

³⁷ www.gov.uz/uz/news/category/1

кредити, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳисобига 2017 — 2021 йилларда умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги 649 та инвестиция лойиҳасини назарда тутувчи тармоқ дастурлари амалга оширилади³⁸.

Натижада кейинги 5 йилда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш 1,5 баравар, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 33,6 фоиздан 36 фоизгача, қайта ишлаш тармоғи улуши 80 фоиздан 85 фоизгача ошади. 2017 йилда 75 дан ортиқ янги турдаги рақобатдош тайёр маҳсулотлар ўзлаштирилади.

2017 йилда умумий қиймати 1,0 млрд. долларлик 145 та ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топшириш, шу жумладан:

мева-сабзавот ва ўш-сут маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 147 млн. долларлик 63 та лойиҳа;

рангли ва қимматбаҳо металлларни чуқур қайта ишлаш бўйича 217 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

кимёвий хом ашёларни чуқур қайта ишлаш бўйича 25 млн. долларлик 2 та лойиҳа;

углеводород хом ашёларини қайта ишлашни чуқурлаштириш бўйича 342 млн. долларлик 6 та лойиҳа;

тайёр чарм-пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича 6 млн. долларлик 9 та лойиҳа;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришни оширишга йўналтирилган 24 млн.долларлик 7 та лойиҳа;

қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни янада кенгайтириш бўйича 151 млн. долларлик 29 та лойиҳа;

тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш бўйича 178 млн. долларлик 15 та лойиҳа.

Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид давлат дастурида 2017-2020 йилларда аҳолининг энергия таъминоти яхшилаш учун қўмир қазиб олиш соҳасида замонавий технологияларни жорий этиш ҳисобига қўмир қазиб олишни йилига 7,8 млн. тоннага ошириш имконини берувчи инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Шу сабабли инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг энг муҳим таркибий қисми бўлибгина қолмай, иқтисодиётни модернизациялашнинг ресурслар асоси бўлиши табиий бир ҳолдир. Мақсадга йўналтирилган ва самарали инвестиция сиёсати ишлаб чиқариш қувватларини оқилона жойлаштириш, тармоқ ичидаги ва тармоқлараро номутаносибликларни йўқотиш, минтақалар иқтисодиётини тенглаштириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга имкон беради. Корхоналар даражасида инвестиция сиёсати, аввало инвестицияларнинг ўзи туфайли ишлаб чиқаришга замонавий машина ва асбоб-ускуналарни, ресурс ва меҳнатни тежайдиган технологияларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш цехлари ва участкаларини қайта режалаштириш ва тузилмавий қайта қуриш, зарур бўлган ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш, ишдаб чиқариш эстетикасини яхшилаш ва бошқа вазифалар ҳал қилинади. Бошқача қилиб айтганда, ҳозирги шароитларда инвестиция сиёсати, инвестициялаш миқёси ва суръатлари кўп жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва ислохотларнинг муваффақиятга эришуви, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳияти ва халқаро нуфузининг ўсишига замин яратади.

Бироқ инвестиция сиёсатининг ўзи, худди бозор иқтисодиётини қуриш каби, ягона мақсад бўлиши мумкин эмас. У маблағларни иқтисодиётнинг энг истиқболли ва ҳаётий муҳим йўналишлари — аграр сектор, ёқилғи-энергетика комплекси ва бошқа асосий тармоқларга ажратишни назарда тутувчи, фан-техника ва ижтимоий тараққиётни

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли [Фармони](#). // Халқ сўзи. 8 феврал 2017 йил.

таъминловчи, кенг миқёсда оладиган бўлсак – республиканинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи устиворликларга мувофиқ бўлиши лозим.

Ушбу устивор вазифаларни муваффақиятли равишда амалга ошириш учун *биринчидан*, тўғридан-тўғри инвестицияларни иқтисодиётга кенг жалб қилишни таъминловчи ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шароитларни такомиллаштириш, *иккинчидан*, хорижий инвесторлар билан ишбилармонлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда республикага жаҳон талаблари даражасидаги технологияларни келтирувчи ва замонавий иқтисодиёт тузилмасини яратишга кўмаклашувчи хорижий инвесторларга нисбатан “очиқ эшиклар” сиёсатини амалга ошириш, *учинчидан*, хорижий капитални жалб қилиш учун имтиёзли шароитлар яратиш, шунингдек, хорижий инвесторларнинг реал фойда ёки даромад олишлари учун мос келувчи кафолатлар тақдим этилиши зарур.

Шуниси эътиборга жоизки, бугунги кунда бу вазифани бошдан бошлашнинг зарурати йўқ. Республикада қабул қилинган кўплаб қонунлар, Президент фармон ва қарорлари, қонуности ва меъёрий ҳужжатлар инвестицион фаолликнинг ўсиши, иқтисодиётни бошқаришнинг барча миқёсларида мақсадли йўналтирилган инвестиция сиёсатини амалга ошириш учун қулай муҳит яратади.

“Инвестицион муҳит” тушунчаси у ёки бу мамлакатда, хусусан, минтақа, тармоқ ва ҳар бир корхонада ишлаб чиқариш ва умуман иқтисодиётни ривожлантиришга жалб қилиниши мумкин бўлган инвестициялар учун вазиятнинг қулайлик даражасини белгилаб беради. Бунда корхона, тармоқ ёки минтақа миқёсидаги инвестицион муҳит шунга ўхшаш бошқа тузилмалардаги инвестицион муҳит билан бир хил ёки унга ўхшаш бўлиши шарт эмас. Бироқ, мамлакатдаги умумий инвестицион муҳит минтақа, тармоқ ва корхоналардаги инвестицион вазият ва фаолликка сезиларли таъсир кўрсатади.

Иқтисодий ўсишга хизмат қилувчи инвестицион муҳитни таҳлил қилиш ва баҳолашда асосий омиллар сифатида куйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

- табиий ресурслар ва экологик ҳолат;
- ишчи кучининг сифати;
- инфратузилма объектларининг ривожланиш даражаси ва очиқлиги;
- сиёсий барқарорлик, форс-мажор ҳолатларнинг юзага келиш эҳтимолиги ва уларни олдини олиш имкониятлари;
- қонунчиликнинг мукамаллиги, сифатлилиги ва амалийлиги, шунингдек иқтисодиётнинг эркинлиги даражаси;
- ҳуқуқ-тартибот ва қонунчиликка риоя қилиш даражаси, шунингдек мулккий ҳуқуқларни ҳимоя қилиниши;
- солиқ тизимининг сифати ва солиқ юкининг даражаси;
- молия-кредит институтлари фаолиятининг сифати, шунингдек, кредит олишнинг осонлик даражаси;
- иқтисодиётнинг очиқлиги, шунингдек, чет эл мамлакатлари билан савдо қилиш қоидалари;
- иқтисодиётдаги монополия даражаси, бозорга кириб бориш ва инвестициялаш олдида турган хавф-хатар (таваккалчилик) ва тўсиқлар.

Ўзбекистонда инвестицион муҳит аввало жамиятдаги сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, соғлом

иқтисодий ривожланиш, давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари ва нодавлат секторининг ўсиши,

ўтказилаётган ислохотларнинг кетма-кетлиги, табиий ресурслар ва республика аҳолисининг

меҳнатсеварлиги билан тўлдирилувчи бозор инфраструктурасининг шаклланишини тавсифлайди.

Инвестицион муҳит шунингдек, инвестицияларнинг давлат томонидан кафолатланишидан ташқари


инвесторларнинг, айниқса чет эл инвесторларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш чора-тадбирларини белгилаб берувчи қонунчилик ҳужжатлари ҳисобига ҳам таъминланади. Шу жиҳатдан “Хусусий мулк тўғрисида”ги, “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги, “Чет эл инвестициялари тўғрисида”ги, “Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти кафолатлари тўғрисида”ги, “Хусусий корхоналар тўғрисида”ги ва бошқа қонунларни эсга олиб ўтиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони инвестицион фаолликнинг ўсишига янги куч бахшида қилди.

Ўзбекистонда яратилган инвестицион муҳит иқтисодиётнинг янада ривожланиши ва барқарор турмуш даражасини таъминлашдан ташқари республиканинг хорижий капитални жалб қилиш учун рақобат қилишига ҳам имкон беради. Матбуотда эълон қилинган фикрларга қўра, “йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда нуфузли халқаро молиявий ташкилот ва институтларнинг иштирок этиши республикадаги инвестицион муҳитнинг жозибадорлигидан яна бир бор далолат беради”.

Ўзбекистонда амал қилаётган қонунчиликка асосан республика ҳудудидида чет эллик инвесторлар ўзларининг инвестиция фаолиятини қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин:

- ♦ Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан биргаликда тузилган ҳўжалик объектлари ва ширкатлар, банклар, сўғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарнинг низом жамғармаси ва бошқа мулкларида ўз улуши билан иштирок этиши;
- ♦ тўлалигича чет эллик инвесторларга тегишли бўлган ҳўжалик объектлари ва ўртоқчиликлар, банклар, сўғурта ташкилотлари ва бошқа корхоналарни ташкил этиш ва уларни ривожлантириш;
- ♦ мулк, акция ва бошқа қимматли қоғозларни харид қилиш;
- ♦ савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари мулкига, турар-жой бинолари ва улар жойлашган ер майдонларига, шунингдек, табиий ресурслар ва ер майдонларига (жумладан, ижара асосида) эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини сотиб олиш;
- ♦ интеллектуал мулк, жумладан, муаллифлик ҳуқуқи, патент ва ҳоказоларни ҳимоя қилишга маблағ киритиш.

Бугунги кундаги инвестицион муҳит ва унинг шаклланиш омилларини қуйидаги схема кўринишида акс эттириш мумкин (11.1-расм).



Чет эллик инвесторлар республикада ҳудудда инвестиция фаолиятини амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган бошқа шаклларда ҳам амалга ошириши мумкин. Бунда низом жамғармаси ёки акциялар(пай, улуш)нинг камида 30 фоизи чет эл инвестицияларидан иборат бўлган корхоналар чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги Фармонида чет эллик инвесторлар учун белгилаб берилган солиқ имтиёзларини инвестицион муҳитнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисоблаш мумкин.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, юқорида кўрсатилган солиқ имтиёзлари тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар қуйидаги миқдорга тенг бўлган ҳолларда тақдим этилади:

- ♦ 300 мингдан 3 млн. АҚШ долларигача – 3 йил муддатга;
- ♦ 3 млндан 10 млн. АҚШ долларигача – 5 йил муддатга;
- ♦ 10 млн. АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга;

Кўрсатилган солиқ имтиёзлари корхонанинг низом капиталида чет эллик иштирокчилар улуши камида 50%, инвестициялаш жараёни бундай корхона давлат рўйхатига олингандан кейин бошланган; чет эл инвестициялари эркин алмаштириладиган валютада киритилган ёки замонавий технологик ускуналар тарзида қўйилган; солиқ имтиёзларини тақдим этиш натижасида олинган даромад ушбу даврда корхонани ривожлантириш мақсадида қайта инвестициялашга йўналтирилган ва шу каби бошқа шароитларда қўлланади.

Давлат кафолатларисиз хорижий инвестициялари иштирокидаги корхоналар томонидан жалб қилинувчи узоқ муддатли кредитлар бўйича фоизлар даромад (фойда) солигини ҳисоблашда солиққа тортилувчи базага киритилмаслиги, хорижий инвестициялар иштирокидаги янги ташкил этилаётган корхоналарнинг асосий фаолиятдан қўрадиган зарарлари 5 йил муддат ичида солиққа тортиладиган даромад ҳисобидан тўлаш учун ҳисобот давридан кейинги йилларга тенг улушларда тақсимланиши мумкин.

Шу билан бир пайтда корхоналар учун солиқ юкининг умумий камайишини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Агар 2004 йилда ҳуқуқий шахсларнинг фойда солиғи ставкаси 18% бўлган бўлса, 2010 йилда 9% ни ташкил қилади. 2011 йилдан бошлаб солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби бўйича солиқ тўловчи корхоналар учун ягона солиқ ставкаси 6% қилиб белгиланган. Бу ўтган йилга нисбатан 1% камдир.

Инвестициялаш ҳам, солиқларни камайтириш ҳам, маълумки ягона мақсад эмас. Уларнинг иккаласи ҳам иқтисодиётни пировардида модернизациялаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилмоғи лозим. Бунинг учун эса ҳозирги пайтда зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Масалан, агар корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажмида эркин конвертацияланувчи валютага экспорт қилинувчи маҳсулот улуши 15 дан 30 фоизгача бўлса, бу ҳолда солиқ ставкаси 30 фоиз, экспорт улуши 30 фоиздан юқори бўлса – солиқ ставкаси 2 барабар камайтирилади.

Умуман олганда, мамлакатда яратилган инвестицион муҳит ва инвестициялашдаги устивор йўналишлар иқтисодий сифат жиҳатдан юқори даражага чиқариш, мамлакатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш, юқори турмуш шароитларини яратиш ва республикани жаҳондаги ривожланган мамлакатлар қаторига киритиш ҳисобланади.

11.2. Инвестициялар корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳияти

ривожлантириш ва мустаҳкамлаш воситаси сифатида

Корхоналар ҳўжалик юритиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг муҳим жиҳатларидан бири ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятни ривожлантириш ва сақлаб қолишдир. Корхоналарнинг бу йўналишдаги фаолияти инвестицион фаолият деб аталади ҳамда “Инвестицион фаолият тўғрисида” ги Қонун ва бошқа ҳукуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

Инвестициялар – корхоналар ва бутун иқтисодиёт миқёсида янги ишлаб чиқариш корхоналари яратиш ёки мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, илғор техника ва технологияларни ўзлаштириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва фойда (даромад) олишни кўпайтириш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилишидир. Инвестициялар ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасини яхшилаш, ишлаб чиқаришдаги номутаносибликларини бартараф қилиш ва истеъмол бозорини таъминлашда алоҳида эътиборга эга.

Инвестицияларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш, мамлакат ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг инвестицион сиёсати асосида амалга оширилади. Бу сиёсат биринчидан, капитал қўйилмаларнинг устивор йўналишларини, иккинчидан, ишлаб чиқариш кучларини тўғри жойлаштириш ва ривожлантириш, учинчидан, фан-техник тараққиёти ва бутун иқтисодиётнинг ривожланишини белгилаб беради. Инвестицияларнинг “ҳўжайини” сифатида корхоналарнинг ўзидан ташқари, давлатни, маҳаллий ҳокимият идоралари ва хусусий тадбиркорларни кўрсатиш мумкин.

Кўпинча инвестиция деганда капитал қўйилмалар кўзда тутилади, бу нарса инвестициялар табиатини инкор қилмайди ва уларнинг моҳиятини нотўғри акс эттирмайди. Инвестициялар, бозор иқтисодиётидаги бошқа, жумладан, бизнес, рақобатчилик, ишбилармонлик тушунчалари каби, маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтирилган бугунги кунларда ҳўжалик юритиш назарияси ва амалиётида ўз ўрнини топомқда. Шу билан бирга, “капитал қўйилмалар” атамасининг ўз изоҳлари ҳам мавжуд.

Капитал қўйилмалар асосий воситаларни қайта тиклаш ва ўстириш учун сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурсларидир. Улар асосан бир вақтнинг ўзида амалга ошириладиган характерга эга бўлиб, ишлаб чиқариш харажатлари ёки маҳсулот таннархи шаклидаги, жорий харажатлардан фарқ қилади. Капитал қўйилмалар мақсадли характерга эга бўлади ҳамда ходимларга мукофот тўлаш, хизмат сафари (командировка) харажатлари ва ҳоказоларга сарфланиши мумкин эмас.

Добавлено примечание ([18]):

Инвестициялар мўлжалланган объектига кўра капитал, инновация ва ижтимоий инвестицияларга бўлинади.

Капитал инвестициялар жумласига асосий воситаларни вужудга келтириш ва такрор ишлаб чиқаришга, шунингдек моддий ишлаб чиқаришнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инновация инвестициялари жумласига техника ва технологияларнинг янги авлодини ишлаб чиқиш ва ўзлаштиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Ижтимоий инвестициялар жумласига инсон салоҳиятини, малакаси ва ишлаб чиқариш тажрибасини оширишга, шунингдек номоддий неъматларнинг бошқа шакллари ривожлантиришга қўшиладиган инвестициялар киради.

Инвесторлар инвестицияларни қуйидаги йўллар билан амалга оширишлари мумкин: юридик шахслар тузиш ёки уларнинг устав жамғармаларида (капиталларида) улушли иштирок этиш, шу жумладан мол-мулкни ёки акцияларни олиш;

қимматли қоғозларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан эмиссия қилинган қарз мажбуриятларини олиш;

концессияларни, шу жумладан табиий ресурсларни кидириш, ишлаб чиқиш, казиб олиш ёки улардан фойдаланишга бўлган концессияларни олиш;

мулк ҳуқуқини, шу жумладан улар жойлашган ер участкалари билан биргаликда савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари объектларига, турар жойларга мулк ҳуқуқини, шунингдек ерга ҳамда бошқа табиий ресурсларга эгалик қилиш ва улардан фойдаланиш (шу жумладан ижара асосида фойдаланиш) ҳуқуқини олиш.

Молиявий инвестициялар қимматбаҳо қоғозлар, акция ва облигациялар сотиб олиш, пул маблағларини банкларга фонз олиш мақсадида депозит ҳисоб рақамларига қўйиш билан ифодаланади.

Реал инвестициялар пул маблағларини капитал қурилиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни ифодалайди. Реал инвестициялар корхона, тармоқ ва бутун иқтисодиётнинг куч-қувватини белгилаб беради.

Инвестициялар аввалдан ўйлаб қўрилган мақсад ва биринчи ўринда инвестицион лойиҳа асосида корхона ишлаб чиқариш потенциалини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш вазифасини бажаради.

Инвестиция лойиҳаси капитални корхона унинг ишлаб чиқариш қуввати ва бошқа сифат кўрсаткичларини кучайтириш мақсадида ривожлантириш ва кенгайтиришга киритишни режалаштириш ва амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. Инвестиция лойиҳасини тайёрлаш ва амалга ошириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- * инвестициявий ғоя(фйкр)ни шакллантириш;
- * ғоянинг дастлабки асосланиши;
- * лойиҳада кўзда тутилган техник қарорнинг таҳлили;
- * сертификат талабларининг бажарилишини текшириш;
- * инвестиция лойиҳаси бўйича давлат бошқарув идоралари билан келишув юзага келтириш;
- * ахборот меморандумини тайёрлаш.

Юқорида кўрсатилганларни амалга оширгандан сўнг лойиҳани ишлаб чиқиш ва техник-иқтисодий асослаб бериш (тушунтириш хатидан то инвестицион мўлжалларнинг мақсад ва вазифалари ҳамда қўйлаётган натижалар акс этирилиувчи лойиҳа-смета ҳужжатларига) зарурати туғилади.

Инвестициялар, айниқса гап янги қурилиш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни кенгайтириш ёки қайта тиклаш ҳақида кетганда, инвестицион жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу жараёнлар инвестицион мақсадларни замон ва маконда боғлайди. Инвестицион жараёнларнинг қуйидагича таркибий қисмлари мавжуд: лойиҳалаштиришдан аввалги асослаш, лойиҳалаштириш, бевосита объект қурилиши (корхона кенгайтириш ёки қайта тиклаш) ва ишга туширилиши. Корхоналар учун инвестиция жараёнининг сўнгги босқичи муҳим аҳамият касб этади. Ушбу босқичда амалга оширилган янгиликлар эксплуатацион синовлардан ўтказилиб, амалдаги ва лойиҳа кўрсаткичлари баҳоланади ҳамда инвестиция жараёнининг худди шу жараёнида ҳал қилиниши лозим бўлган четга оғиш ва камчиликлар аниқланади.

11.2. Корхоналарда инвестициялашнинг асосий манбалари ва йўналишлари

Деярли барча фаолият кўрсатувчи корхоналар давлатга тегишли бўлган собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизими шароитларида инвестицияларнинг асосий манбаи давлат (бюджет) маблағларидан ташкил топар эди. Гарчи ўша шароитларда ҳам жамғарма фондлар - асосий инвестицион манбалар корхоналар фойдаси (даромади) ҳисобига амалга оширилган бўлсада, корхоналарнинг маблағларни қасрдан олиш ва қасрга жойлаштириш тўғрисида “боши” оғримас эди. Қўшимча манба сифатида корхоналарнинг амортизация фонди хизмат қиларди.

Мазкур тушунчалар (жамғарма фонди, амортизация фонди, фойда) ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган бўлиб, инвестицияларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Масалан, давлат корхоналари учун асосий инвестиция манбаи қуйидагилар: фойда, амортизация фонди ва бюджет маблағлари, қўшма корхоналар учун - фойда, амортизация фонди ва кредит ресурслари.

Режалаштириш ва бошқарув тизимида шунингдек, инвестиция манбаларини аниқлашнинг ички ва ташқи турларидан ҳам фойдаланилади.

Инвестицияларнинг **ички манбалари** қуйидагилар:

- ишлаб турган асосий капиталга ҳисобланувчи амортизация ажратмалари натижасида шаклланивчи, корхонанинг ўз молиявий воситалари;
- фойданинг инвестиция эҳтиёжларига ажратилувчи қисми;
- суғурта компаниялари ва муассасалари томонидан табиий офат ва бошқа ҳодисаларда тўланувчи маблағлар;
- корхонанинг акциялар чиқариши ва сотиши натижасида олинувчи маблағлар;
- юқори турувчи ва бошқа органлар томонидан қайтариб бермаслик асосида ажратилувчи маблағлар;

- хайрия ва шу каби бошқа маблағлар.

Инвестицияларнинг **ташқи манбалари** қуйидагилар:

- марказий ва маҳаллий бюджетдан, тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи турли хил фондлар томонидан ажратилувчи қайтариб бермаслик асосидаги маблағлар;
- корхоналар Низом жамғармасида молиявий ёки бошқа моддий ва номоддий иштирок шаклида, шунингдек, халқаро молия институтлари ва алоҳида шахсларнинг тўғридан-тўғри қўйилмалари шаклида киритилувчи хорижий инвестициялар;
- давлат ва турли хил фондлар томонидан қайтариб бериш шарти билан берилувчи кредитлар, жумладан имтиёзли кредитлар.

Корхоналарнинг мустақил хўжалик фаолияти шароитларида ички маблағлар таркибида амортизация ажратмалари асосий ўринни эгаллайди. Унинг корхона инвестицион ресурсларидаги улуши 50% ва ундан кўпроқни ташкил этади.

Инвестицион мақсадларга йўналтирилувчи маблағлар танқислиги шароитида лизинг инвестицион фаолиятни фаоллаштирувчи муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Лизинг - молиявий-кредит муносабатларининг шаклларида бири бўлиб, корхоналарнинг қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқарувчи корхоналар ёки махсус ташкил қилинган лизинг компанияларидан узоқ муддатга ижарага олишини англатади. Лизинг битимида кўрсатилган томонлардан ташқари инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда уларни бунинг учун зарур бўлган маблағлар билан таъминлаш имкониятига эга бўлган тижорат ёки инвестицион банклар ҳам иштирок этиши мумкин.

Инвестициялардан (капитал қўйилмалардан) фойдаланишнинг асосий йўналишлари қуйидагилар ҳисобланади:

- янги қурилиш;
- корхонани кенгайтириш ва қайта тиклаш;
- ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш;
- ҳаракатдаги қувватларни такомиллаштириш.

Янги қурилишга янги майдонларда махсус ишлаб чиқилган лойиҳалар асосида қурилувчи корхона, бино, иншоот ва қурилмалар мансубдир.

Фаолият юритаётган **корхонани кенгайтириш** қўшимча ишлаб чиқариш мажмуаларининг навбатдаги қисмларини янги лойиҳа асосида қуриш ёки асосий, қўшимча, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришнинг амалдаги цехларини кенгайтириш ёки қуришни англатади. У асосан, фаолият юритаётган корхона ҳудудида ёки унга туташ майдонларда амалга оширилади.

Қайта тиклаш – бу, фаолият юритаётган корхонани маънавий ва жисмоний эскирган қурилма ва асбоб-ускуналарни ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва автоматлаштириш, технологик бўғинлар ва ёрдамчи хизматдаги номутаносибликларни йўқотиш йўли билан алмаштириш ёрдамида тўлиқ ёки қисман ўзгартиришни англатади. Қайта тиклашда эски цехлар ўрнига янги цехларни қуришга рухсат берилади.

Техник қайта қуrolлантириш алоҳида ишлаб чиқариш турларини замонавий талабларга асосан янги техника ва технологияларни киритиш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ва автоматлаштириш, эскирган қурилма ва ускуналарни янгилаш ва алмаштириш, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ташкил этилишини яхшилаш йўли билан, корхонанинг техник даражасини ошириш бўйича чора-тадбирлар мажмуасидир. У ишлаб чиқариш интенсивлигини кучайтириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини яхшилашга йўналтирилган.

Молиявий ресурслар ва ер танқислиги шароитларида, иккинчи томондан эса, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан унумлироқ фойдаланиш учун янги қурилишни нисбатан чекланган ҳолатда, асосан жуда зарур ҳоллардагина амалга оширилади. Шу сабабли бугунги кунда инвестицияларнинг энг кўп тарқалган йўналишлари сифатида, умуман олганда янги турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни ҳам кўзда тутувчи мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантиришни кўрсатиш мумкин.

Янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва қайта тиклашга йўналтирилувчи капитал қўйилмалар асосан қуйидаги элементлардан иборат бўлади:

- * қурилиш-монтаж ишлари харажатлари;
- * машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар;
- * лойиҳа–кидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар.

Капитал қўйилмаларнинг юқоридаги турлари *инвестицияларнинг технологик тузилмасини* тавсифлайди. Ҳозирги пайтда иқтисодиёт ривожланишига киритилувчи капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажмида қуйидаги тузилма вужудга келди: қурилиш-монтаж ишлари харажатлари - 55-60%, машина ва ускуналар сотиб олишга сарфланувчи харажатлар - 35-30%, лойиҳа–кидирув ва бошқа илмий ишланмаларга сарфланувчи харажатлар - 10%.

Капитал қўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси – бу, инвестицияларнинг давлат, акциядорлик, қўшма, ижара ва бошқа турдаги жамоа корхоналари ўртасида тақсимланишидир. У капитал қўйилмалардан фойдаланиш, шунингдек, уларнинг шаклланиш тартиби ва манбалари нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга. Амалиёт шуни кўрсатадики, капитал қўйилмаларнинг самарали тузилмаси уларни тежаш, энг кам харажатлар билан энг кўп фойда олишга тенгдир.

Инвестицияларнинг такрор ишлаб чиқариш тузилмаси янги қурилиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қуrolлантиришга сарфланувчи харажатлари ўртасидаги ўзаро нисбатни ифодалайди.

11.3. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш

Умуман олганда самарадорлик муайян натижаларга эришишни англатади. У сарафланган харажатлар ва олинган натижалар нисбати асосида аниқланади. Харажатлар қанчалик кам ва натижалар қанчалик кўп бўлса, самарадорлик ҳам шунчалик юқори бўлади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлиги бутун ишлаб чиқариш самарадорлигининг таркибий қисмидир. Турли даражадаги хўжалик фаолиятида инвестицияларнинг иложи борича кўпроқ фойда, қайтим келтириши асосий вазифа қилиб белгиланади. Бу қоидадан четга чиқиш ресурсларни йўқотиш, жамиятнинг илгариги ва ҳозирги меҳнатини йўққа чиқаришга олиб келиши мумкин.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш зарурати, қўшимча капитал қўйилмалар киритилишини талаб қилувчи янги қурилиш, мавжуд ишлаб чиқаришни кенгайтириш, қайта тиклаш ва техник жиҳатдан қайта қурулантириш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ва ташкилий-техник чора-тадбирларни ишлаб чиқиш каби барча ҳолларда юзага келади. Баъзан маҳсулотларнинг янги турини ишлаб чиқариш ҳам инвестиция ва бошқа маблағлар киритилишини, демак, харажат ва натижалар нисбатини аввалдан баҳолашни талаб қилади.

Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда корхоналар иккита вазифани ҳал қилишлари лозим:

биринчиси - капитал қўйилмаларнинг қопланиш муддати ва даромадлилиги нуқтаи назаридан, энг мақбул вариант танлаш имкониятини яратувчи инвестицион лойиҳа самарадорлигини баҳолаш;

иккинчиси - мавжуд ишлаб чиқаришга ишлаб чиқариш кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида киритилувчи инвестициялар самарадорлигини баҳолаш (қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш, таннархни камайтириш, фойдани ошириш ва ҳоказо).

Биринчи вазифанинг ечими мос келувчи маркетинг тадқиқотларини амалга оширишни кўзда тутиб, бу тадқиқот давомида талаб ва ундан келиб чиқувчи таклиф, бозор сегментацияси, баҳони шакллантириш стратегияси, молиялаштириш манбалари ва бошқалар аниқланиши лозим. Инвестицион лойиҳани муқобиллик асосида танлагандан сўнг бирламчи-рухсат берувчи ҳужжатларни, техник ва бошқа қарорларни, жумладан, муҳандислик таъминоти, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирлар тайёрлашишлари амалга оширилади.

Инвестицион лойиҳани тайёрлаш ва шунга мос равишда инвестициялар самарадорлигини баҳолаш зарурати кўп ҳолларда янги корхона, цехлар қуриш ёки мавжуд ишлаб чиқаришни қайта тиклаш ва кенгайтириш билан боғлиқ бўлади. Буларнинг барчаси нафақат маконда, яъни маълум бир ҳудудда, ер майдонида, балки вақтда амалга оширилиши сабабли, вақт муддати лойиҳани амалга ошириш, жумладан, корхонани ташкил қилиш (қайта тиклаш, кенгайтириш) ҳамда эксплуатация қилиш ва тугатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда ҳисобланади.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолашда қуйидагилар асосий кўрсаткич ҳисобланади:

1) Соф дисконтланган даромад (СДД) - бутун ҳисобот даври учун жорий самаралар йиғиндисининг бошланғич қадамга келтирилган миқдори ёки интеграл натижаларнинг интеграл харажатлардан ошиб кетиши. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$СДД = \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Бу ерда:

H_t – ҳисоб-китобларнинг t -қадамида эришилувчи натижалар;

X_t – худди шу қадамда амалга оширилувчи харажатлар;

T – ҳисоб-китобларнинг вақт муддати;

E - дисконт нормаси.

Агар инвестицион лойиҳанинг СДД миқдори ижобий бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали, яъни инвестиция маблағлари даражасининг қабул қилинган дисконт нормасини таъминловчи ҳисобланади.

Харажатлар ва уларнинг натижалари миқдорини келтириш уларни *дисконтлаш коэффициенти* (d_t) га кўпайтириш асосида амалга оширилиб, бунда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$d_t = \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Бу ерда:

t - натижаларни олиш (харажатларни амалга ошириш) давридан таққослаш давригача бўлган муддат бўлиб, йилларда ўлчанади.

Дисконт нормаси (E) - бошқа инвесторлар ўз маблағларини худди шу турдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун киритишга рози бўлувчи, капиталнинг даромадлилик коэффициенти (даромад миқдорининг капитал қўйилмаларга нисбати).

Агар дисконт нормаси вақт давомида ўзгарадиган бўлса, дисконт коэффициенти (d_t) қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$d_t = \frac{1}{\prod_{k=1}^t (1 + E_k)}$$

Бу ерда:

E_k – k -йилдаги дисконт нормаси;

t - ҳисобга олинувчи вақт муддати, йил.

Инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлик кўрсаткичларини аниқлашда маҳсулот ва истеъмол қилинувчи ресурсларнинг базис, башорат қилинувчи, жаҳон ва ҳисобий баҳоларидан фойдаланилади.

2) Инвестицияларнинг даромадлилик индекси (ИД) - келтирилган самаранинг инвестициялар миқдorigа (K) нисбати бўлиб, қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$ИД = \frac{1}{K} \sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E)^t}$$

Агар даромадлилик индекси бирга тенг ёки ундан катта бўлса, инвестицион лойиҳа самарали, акс ҳолда эса самарасиз ҳисобланади.

3) Ички даромадлилик нормаси (ИДН) - келтирилган самара миқдorigа келтирилган инвестиция миқдorigа тенг бўлган ҳолдаги дисконт нормаси ($E_{ич}$), яъни $E_{ич}$ (ИДН) қуйидаги тенглик орқали аниқланади:

$$\sum_{t=0}^T (H_t - X_t) \frac{1}{(1 + E_{ич})^t} = \sum_{t=0}^T \frac{K_t}{(1 + E_{ич})^t}$$

Ушбу формула асосида аниқланган даромадлилик нормаси миқдorigа инвесторнинг капиталга талаб қилувчи даромад миқдorigа билан таққосланади. Агар ИДН талаб қилинувчи даромад нормасига тенг ёки ундан катта бўлса, у ҳолда лойиҳа самарали ҳисобланади.

4) Инвестицияларнинг қопланиш муддати (T_n) - инвестицион лойиҳани амалга оширишни бошлашдан то натижаларга эришишгача бўлган минимал вақт муддати. У қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_u = \frac{I_c}{\Pi_m}$$

Бу ерда:

I_c – соф инвестициялар;

Π_m – лойиҳа келтирувчи ўртача йиллик пул маблағлари оқими, сўм.

Шу билан бирга қопланиш муддати лойиҳанинг даромадлиги кўрсаткичи ҳисобланмайди. Шу сабабли амалиётда инвестициялар бирламчи капитал (қўйилма)га нисбатан даромадлилик кўрсаткичи орқали кўриб чиқилади ҳамда қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$D_u = \frac{M_n}{K} \times 100$$

Бу ерда:

D_u – инвестициялар даромади, % да;

M_n – солиқлар тўлангандан сўнг қолган фойда, сўм;

K – инвестициялар (бошланғич).

У ёки бу инвестицион лойиҳани танлаш тўғрисида қарор қабул қилишда корхоналар қуйидаги саволларга жавоб бериши лозим:

- * ишлаб чиқаришдаги бугунги ҳолат қанча давом этиши мумкин ва бозорда маҳсулотга (иш, хизматга) бўлган талаб қандай;
- * капитал киритиш учун имкониятлар қандай;
- * рақобатчилик фаолияти қандай;
- * қандай муваффақият омиллари мавжуд;
- * янги бозорга кириш учун қандай имкониятлар мавжуд.

Иктисодий самарадорликни баҳолашнинг *иккинчи ҳолатида*, яъни маблағларни мавжуд ишлаб чиқаришга киритишда қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилади:

а) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига тўғри келувчи қўшимча маҳсулот қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Xi = \frac{(Y M_1 - Y M_0)}{I_k}$$

Бу ерда:

Ξ – инвестициялар самарадорлиги;

$Y M_0$, $Y M_1$ – ялпи маҳсулот, мос равишда бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

I_k – қўшимча инвестициялар миқдори.

б) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига таннархнинг пасайиши:

$$\Xi = \frac{Q(TH_0 - TH_1)}{I_k}$$

Бу ерда:

TH_0 , TH_1 – маҳсулот бирлиги таннархи, мос равишда, бирламчи ва қўшимча инвестицияларда;

Q – қўшимча инвестициялар киритилгандан кейинги йиллик маҳсулот ҳажми, натурал ўлчов бирл.

в) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига маҳсулот ишлаб чиқаришдаги меҳнат харажатларини қисқартириш:

$$\Theta = \frac{Q(M_0 - M_1)}{I_\partial}$$

Бу ерда:

M_0 , M_1 – маҳсулот бирлигига ишлаб чиқаришда сарфланувчи меҳнат харажатлари, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг

г) инвестицияларнинг ҳар бир сўмига фойдани ошириш:

$$\Theta = \frac{Q(\Phi_1 - \Phi_0)}{I_\partial}$$

Бу ерда:

Φ_0 , Φ_1 – маҳсулот бирлигига тўғри келувчи фойда, мос равишда қўшимча инвестициялар киритилгунча ва ундан сўнг.

е) инвестицияларнинг қопланиш муддати.

Инвестициялар самарадорлигини келтирилган формулалар асосида (бошқарув даражасини инобатга олган ҳолда) аниқлаш ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қанча миқдорда инвестиция киритилган ва унинг натижаси қандай деган саволга жавоб беради, яъни у инвестицияларнинг мутлақ (абсолют) самарадорлигини тавсифлайди.

Амалиётда қўпинча инвестицион қарорларнинг турли хил вариантлари кўриб чиқилиб, улардан энг мақбулини танлаб олишга ҳаракат қилинади. Бу мақсадда капитал қўйилмаларнинг солиштира иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари қўлланиб, улар қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Theta_n = T_n + E_n \times K$$

Бу ерда:

T_n - маҳсулот таннари;

K - капитал қўйилмалар;

E_n - капитал қўйилмаларнинг самарадорлик нормаси.

Агар инвестицион қарорларнинг бир нечта вариантлари кўриб чиқиладиган бўлса, келтирилган харажатлар энг минимал бўлган вариант танлаб олинади.

Иқтисодий самарадорликни баҳолаш жараёнида киритилувчи инвестицияларнинг қопланиш муддатини аниқлашнинг ўзига хос ўрни бўлиб, у қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$T_{ок} = K / (\Phi_{p1} - \Phi_{p0})$$

Бу ерда:

K - асосий ишлаб чиқариш фондларига киритилувчи капитал қўйилмалар ҳажми;

Φ_{p1} - режалаштирилаётган даврнинг сўнгги йилидаги фойда;

Φ_{p0} - базис йилдаги фойда (режадан олдинги даврнинг сўнгги йили).

Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффиценти қопланиш мудатига тесқари бўлган катталиқдир. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$E = (\Phi_{p1} - \Phi_{p0}) / K$$

Вақт омили, айниқса, инвестор (бюроутмачи) нуқтаи назаридан киритилаётган ресурсларнинг ҳақиқий самарадорлигини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Шу сабабли қурилиш, қайта тиклаш ва кенгайтириш, шунингдек, мавжуд ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш ишлари қанчалик тез бажарилса, инвестор ва пудратчи учун шунчалик фойдали бўлади. Қурилган объектни муддатидан аввал фойдаланишга топширишдан олинувчи қўшимча фойда ($\Theta_{кф}$) орқали иқтисодий самара қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\Theta_{кф} = E_n \times \Phi \times (T_{ш} - T_a)$$

Бу ерда:

E_n - самарадорликнинг норматив коэффиценти;

Ф - муддатидан аввал фойдаланишга топширилувчи асосий воситалар қиймати;

$T_{ш}$ - объектни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги муддати;

T_a - объектни фойдаланишга топширишнинг амалдаги муддати.

Объектларни фойдаланишга топширишнинг шартномадаги ва амалдаги муддатлари ўртасидаги фарқ мазкур формулада ($T_{ш} - T_a$) йил улушида акс эттирилиши лозим (вақт кўрсаткичи). Агар $T_{ш} < T_a$ бўлса, яъни объектни фойдаланишга топшириш муддати ўтиб кетадиган бўлса, инвестор қутилаётган фойдани олишдан маҳрум бўлади ва бошқа чикимларга дуч келиб, бу нарса ҳисобий самаранинг салбий бўлишига олиб келади. Шу сабабли қурилиш ёки корхона қайта тиклаш ва кенгайтириш ишлари, объектларнинг сифат кўрсаткичларига таъсир кўрсатмаган ҳолда қанчалик тез амалга оширилса, инвестициялар самарадорлиги мос равишда шунчалик юқори бўлади.

Мисол. Мини- завод қурилишининг сметага кўра қиймати 14,5 млн сўмни ташкил этади. Қурилишнинг норматив муддати - 2,5 йил. Амалда заводни 2 йилда қуриб битказиш мўлжалланмоқда. Заводнинг асосий воситалари қиймати ошишига олиб келмайдиган харажатлар қиймати 450 минг сўмга тенг. Самарадорликнинг норматив коэффиценти - 0,2.

Заводни муддатидан олдин қуриб битказишнинг иқтисодий самараси қуйидагича:

$$\Delta_{дл} = 0,2 (14,5 - 0,45) \times (2,5 - 2) = 1,4 \text{ млн. сўм.}$$

Қисқача хулосалар

Инвестициялар давлат ва корхоналарнинг асосий воситаларни замонавийлаштириш ҳамда мамлакатнинг иқтисодий ва ишлаб чиқариш потенциаллини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятидаги муҳим воситадир.

Инвестициялар қоидага кўра, амалиётда мамлакат миқёсида давлат томонидан, микроиқтисодиётда эса корхоналар ва уларга тенглаштирилган бошқа хўжалик субъектлари томонидан амалга оширилувчи инвестицион сиёсат асосида моддийлаштирилади.

Инвестициялар реал, ялпи, молиявий ва портфел турларига тақсимланади. Реал инвестициялар корхонанинг иқтисодий потенциаллини яхшилашда муҳим восита ҳисобланади.

Инвестициялашнинг тўғри танланган тактика ва стратегияси корхоналарга ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш ҳамда ишлаб чиқариш жараёнлари ва маҳсулот чиқаришни фан-техника тараққиёти ва бозор талабларига жавоб берувчи кўринишга олиб келишга имкон беради.

Корхонанинг инвестицион сиёсати инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш ҳамда инвестициялашнинг энг самарали вариантларини танлаш билан боғлиқ бўлади.

Минимум харажатлар ва максимум натижалар - инвестициялар ва инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолашда услубий асос ҳисобланади.

Таянч иборалар

Инвестициялар, капитал қўйилмалар, молиявий инвестициялар, реал инвестициялар, инвестиция лойиҳаси, инвестицияларнинг ички манбалари, инвестицияларнинг ташқи манбалари, лизинг, янги қурилиш, корхона кенгайтириш, қайта тиклаш, техник қайта қурулантириш, капитал қўйилмаларнинг мулк шаклига кўра тузилмаси, инвестицион лойиҳаларнинг самарадорлигини баҳолаш, инвестицияларнинг қопланиш муддати.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Инвестицион сиёсат нима ва у давлат ва корхоналар миқёсида қандай мақсадларни кўзда тутди?

2. “Инвестициялар” ва “капитал қўйилмалар” тушунчалари ўртасидаги фарқларни тавсифлаб беринг.

3. Инвестицион жараёнларни қайси асосий босқичлар тавсифлайди?

4. Инвестициялар таркиби ва структураси нима ва уларнинг корхона иқтисодиётига таъсири қандай?

5. Инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашнинг қайси усуллари сизга маълум?

6. Корхоналар инвестицион сиёсатининг моҳияти нимада?

7. Инвестицияларнинг энг самарали вариантини танлашда қайси усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ?

8. Инвестициялар самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишларидан қайсиларини биласиз?

9. Инвестицияларнинг қопланиш муддати нима ва у қандай аниқланади?

10. Республикада амалга оширилаётган энг машҳур инвестицион лойиҳаларни айтиб бера оласизми?

ХИИ МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ ТИЖОРАТ СИРИ ВА ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИГИ

- 12.1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари.
- 12.2. Корхона хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш ва бошқариш.
- 12.3. Корхонанинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари.
- 12.4. Корхонанинг тижорат сирлари.

12.1. Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари

Хавфсизлик бу мураккаб ва серқирра категориядир. У асосан ва қўпинча ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган воситаларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан баҳоланади ва қўриб чиқилади. Шу сабабли ҳозиргача биз техника хавфсизлиги, пиёда хавфсизлиги, озиқ-овқат хавфсизлиги ёки зарарсизлиги каби тушунчаларни учратсакда, корхона хавфсизлигига ҳали дуч келганимиз йўқ.

Маҳсулотларнинг замонавий намуналари, ишлаб чиқариш технологияси, инвестиция режалари ва бошқалар саноат айғоқчилигининг диққат марказида туриб, корхона ва мамлакат учун маълум бир хавф тўғдиради. Шу сабабли хавфсизлик ва тижорат сирлари муаммолари ҳозирги бозор ва рақобатчилик шароитларида иқтисодиёт фанининг, жумладан, замонавий корхоналар иқтисодиётининг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади.

Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- корхона ва унинг барча бўлинмалари, меҳнат жамоасининг давлат тузилмаси, хорижий ҳамкорлар ва рақиблар билан ўзаро муносабатларда қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

- корхона мулкини сақлаш, ундан оқилона ва унумли фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш;

- ташкилий ва ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш, бутловчи қисмлар етказиб бериувчиларга ёрдамчи ва ҳамкорларга бир томонлама қарам бўлишга йўл қўймаслик;

- барча тузилмавий бўғинлардаги ходимлар орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш учун моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш;

- ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, самарали ахборот базасини ривожлантириш;

- корхона обрўсини ошириш.

Кўрсатилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда корхона хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгиланиб, улар корхонанинг ички тартиб-қоидалари ва иш тартибида ҳамда махсус ишлаб чиқилган чора-тадбирларда ўз аксини топиши мумкин. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1. Корхона ичида ҳамда ташқи ташкилотлар - ҳукумат идоралари, бошқарув структурасидаги қоидабузарлик омиллари, ваколатни ошириш ҳоллари ва ҳоказоларни аниқлаш;

2. Корхонанинг барқарор ишлашига таъсир қилиши мумкин бўлган хавф-хатар ҳамда бозор конъюнктурасидаги ноқулай ўзгаришларни аниқлаш ва зарур чораларни қўллаш;

3. Бўлажак ҳамкорларни ўрганиш, уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

4. Иқтисодий айғоқчиликка қарши чора-тадбирларни тайёрлаш;

5. Корхона сирларидан хабардор бўлган малакали ходимларни бошқа корхоналарга жалб қилишнинг олдини олиш;

6. Носоғлом рақобатчиликни енгиш;

7. Корхона ҳудуди ва моддий ресурсларини ҳимоя қилиш;
8. Тижорат сирларини муҳофаза қилишни ташкил қилиш;
9. Меҳнат жамоаси аъзолари орасидаги салбий фикрларни аниқлаш;
10. Фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва хавфсизликнинг бошқа чоралари.

Маълумки, кўрсатилган мақсад ва вазифалар ўз-ўзидан автоматик равишда ҳал қилинмайди. Бунинг учун, аввало, ўз ишини яхши билишдан ташқари моҳир ва юқори малакага эга бўлган ҳамда ўзлари ишлаётган корхона учун “жон куйдирувчи” кадрлар зарур. Уларсиз муваффақиятга деярли эришиб бўлмайди.

Хавфсизлик тамойиллари - хавфсизликни таъминлаш тактика ва стратегиясига бўлган асосий талаблар хавфсизликнинг мақсад ва вазифаларини ҳал қилишнинг тўғри йўларин танлашдир. Улар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қонунийлик тамойиллари;
- мустақиллик ва масъулият;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва фойдалилик;
- мақсадли-дастурий режалаштириш;
- ўзаро алоқалар ва мувофиқлаштириш;
- меҳнатни илмий ташкил қилиш.
- ошкоралик ва зарурий махфийликнинг уйғунлиги
- Ихтисослашув ва юқори касбий малака

12.2. Корхона хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш ва бошқариш

Хавфсизлик ҳодисаларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш чораси сифатида, ҳар бир алоҳида ҳолатдаги аниқ ҳаракат бўлиб, корхона характери, унинг жойлашуви, аҳамияти ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади. Мазкур жараёнда хавфсизлик тизимининг ўзини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Унинг раҳбари хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқаришнинг муайян шароитларига нисбатан ишлаб чиқишда шахсан иштирок этиши зарур.

Хавфсизлик концепцияси биринчидан, корхонанинг мақсад ва вазифаларига зид келмаслиги, иккинчидан, корхона хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи муҳит таъсирини инобатга олиши зарур. Бу таъсирни қуйидаги чизма кўринишида акс эттириш мумкин (12.1-чизма):



12.1-чизма. Корхона хавфсизлигига ташқи муҳитнинг таъсири.

Шу билан бир вақтда корхона ўз фаолиятининг муҳим йўналишлари хавфсизлигини таъминлаш учун муайян чора-тадбирларни амалга ошириши керак ва бунинг учун аввало,

мос келувчи қўриқлаш тартибини яратиш лозим. Мамлакатимиз ва хориж амалиёти тажрибаси бунда қуйидаги фаолият турларини ажратиб кўрсатади:

1. Бино ва иншоотлар, алоқа тармоғи қурилма ва ускуналарини қўриқлаш тартибини таъминлаш.

2. Тезкор хавфсизлик – махфий ахборотларга бўлган ваколатни бошқариш, келиб-кетувчилар, транспорт ва юк ташишни назорат қилиш, қоидабузарлик ҳолатларини текшириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

3. Хавфсизликни таъминлаш бўйича маъмурий фаолият - персонални тайёрлаш ва ўқитиш, инспекция, тафтиш ва назорат, муаммоли вазиятларнинг олдини олиш, истиқболли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

4. Моддий бойликларни ҳимоя қилиш ва табиий офатлар билан кураш - ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги ва огоҳлантириш қурилмалари ҳолатини кузатиб бориш ва ҳоказолар.

Корхоналар раҳбарлари меҳнат жамоаларини доимий равишда хавфсизликни таъминлаш натижалари тўғрисида хабардор этишлари лозим. Фақат зарур ҳоллардагина хавфсизлик чора-тадбирлари махфий бўлиши мумкин. Хавфсизлик чора-тадбирларининг махфийлиги корхона бўлимларини зарурий қоидаларни қўллаш ва уларга амал қилишини назорат қилишни махсус ташкил этишни кўзда тутади.

Ҳозирги жамиятнинг ахборотлаштириш ва электронлаштириш шароитларида корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаш учун доимий равишда фаолият кўрсатувчи, тижорат фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашнинг барча шакл ва усулларини қамраб олувчи тизим амал қилиши лозим. Шу сабабли хавфсизлик хизмати маркетинг ва менежмент хизмати, валюта, кредит ва ҳуқуқий бўлимлар каби иқтисодий бўлинмалар билан ҳамкорликда боғлиқликда ишлаб, иқтисодий хавфсизликка кўпроқ ёндашган ҳолда уларнинг фаолиятини тўлдириши зарур.

12.3. Корхонанинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари

Хавфсизлик хизмати корхонанинг тузилмавий бирлиги бўлиб, хавфсизлик тартибини ишлаб чиқиш, ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унга риоя қилинишини назорат қилишни амалга оширади. У ўз фаолиятида қуйидагиларга асосланиши лозим:

- қўриқлаш тартибини ташкил этиш бўйича қоидалар;
- раҳбар, мутахассис ва техник ходимлар учун махфий маълумотлар билан ишлаш бўйича лавозим йўриқномаси;
- маълумотларни техник-муҳандислик жиҳатидан ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича лавозим йўриқномаси;
- хорижий ваколатхоналар ва вакиллар билан ишлаш бўйича лавозим йўриқномаси.

Корхона хавфсизлик хизмати таркибида ахборот-таҳлил бўлинмалари, хавфсизликни таъминлаш йўналишлари бўйича ташкилий бўғинлар ҳамда муайян вазифаларни бажариш учун вақтинчалик тузилмалар яратилиши мумкин.

Корхона раҳбарияти ёки акциядорлик жамияти бошқаруви қарорига кўра, муайян мақсадлар ва юзага келувчи шароитларда хавфсизликни таъминлашнинг мураккаб вазифаларини ҳал қилиш учун корхонанинг ётакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда вақтинчалик тузилмалар яратилиши мумкин.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун корхонанинг хавфсизлик хизмати қуйидагиларни амалга оширади:

- маъмурий-тақсимлаш функцияси, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва таъминлаш, масъул шахсларнинг корхона хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, корхонанинг мазкур фаолият тури соҳасидаги ваколат функцияларини амалга оширишга оид қарорлар тайёрлаш йўли билан амалга оширилади;

- хўжалик-тақсимлаш функцияси, хавфсизлик хизматининг корхона хавфсизлигини таъминлашда зарур бўлган ресурсларни белгилаш, корхона мулки ва интеллектуал бойликларини сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини тайёрлаш ва амалга оширишда иштирок этиши йўли билан амалга оширилади;

- ҳисоб-назорат функцияси, тижорат-молиявий фаолиятнинг энг муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатиш ва корхонанинг молиявий барқарорлигига таҳдид солувчи хавф-хатарнинг олдини ўз вақтида олиш, уларнинг манбаларини баҳолаш, хавфли ҳолатларни назорат қилишни йўлга қўйиш, корхона хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи салбий омилларни ҳисобга олиш, шунингдек, корхонанинг ҳаётий эҳтиёжларига таҳдид солувчи ғирром рақиблар, ишончсиз ҳамкорлар, шахслар ва ташкилотлар ҳақида маълумотлар йиғиш ёрдамида амалга оширилади;

- ижтимоий-кадрлар функцияси, хавфсизлик хизматининг кадрларни жойлаштириш, меҳнат жамоаларидаги салбий фикрлар, ижтимоий зиддиятларнинг юзага келиши сабаблари ва шароитларини аниқлаш, жанжалларнинг олдини олиш, ходимларга йўриқнома бериш, уларда белгиланган хавфсизлик нормаларига риоя қилиш учун жавобгарлик туйғусини шакллантиришдаги иштироки орқали амалга оширилади;

- ташкилий-бошқарув функцияси, корхона хавфсизлигини таъминлаш жараёнини бошқаришнинг доимий ташкилий тузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ўз вақтида қайта ташкил этишга бошқарув таъсирини кўрсатиш, фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича мослашувчан вақтинчалик тузилмалар, алоҳида бўғинлар ўртасида белгиланган дастурий мақсадларга эришиш учун ўзаро алоқалар ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш ёрдамида амалга оширилади;


- режали-ишлаб чиқариш функцияси, корхона хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида мақсадли режалар ва дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларни тайёрлаш ва бажариш ёрдамида амалга оширилади;

- ташкилий-техник функция, корхонада хавфсизлик тартибини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, махсус техникалар ҳамда янги, прогрессив технологиялар, махфий тартиб ва бошқа махсус фаолиятларни ўзлаштириш ёрдамида амалга оширилади;

- илмий-услубий функция, корхона хавфсизлигини таъминлашнинг илғор тажрибаларини тўплаш ва тарқатиш, ходимларни ўқитишни ташкил этиш, корхона олдида юзага келувчи корхона хавфсизлигини таъминлашга оид муаммоларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва унинг бу соҳадаги фаолиятини услубий кўрсатмалар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади;

- ахборот-таҳлил функцияси, хавфсизликка оид маълумотларни мақсадли равишда йиғиш, тўплаш ва улар билан ишлаш, бунинг учун зарур бўлган маълумотларни аналитик таҳлил қилишнинг техник ва услубий воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш, корхонанинг манфаатдор бўлинмалари ва алоҳида шахсларни хавфсизлик хизматида мавжуд бўлган маълумотлар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади.

Юқорида келтирилган функциялар корхона хавфсизлик хизматининг зарур ташкилий тузилмасини шакллантиришга имкон беради. Унинг намунавий тузилмаси қуйида келтирилган (12.2 - чизма):



12.2-чизма. Хавфсизлик хизмати тузилмаси.

Корхона хавфсизлик хизмати Низомида унинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, назорат-тафтиш фаолияти белгилаб берилади. Хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини корхона хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш асосида олиб бориб, қуйидагиларни қамраб олади:

- махфий тартибдаги фаолиятни ташкил этиш;
- ахборот хавфсизлини таъминлаш;
- муҳандислик-техник муҳофаза;
- меҳнат жамоаларидаги салбий йўналишларнинг олдини олишга оид фаолият.

12.4. Корхонанинг тижорат сирлари

Корхонанинг тижорат сирлари ишлаб чиқариш, технологик маълумотлар, бошқарув, молия ва шу кабилар билан боғлиқ бўлиб, уларни ошкор қилиш корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлардир. Корхона “тижорат сирлари” тоифасининг қонунчиликда белгилаб берилган тавсифномаси шундай.

Мавжуд нуқтаи назарларга қўра, корхонанинг тижорат сирлари умумий ҳолда ўз ичига қуйидаги маълумотларни қамраб олади:

- корхонанинг савдо алоқалари ҳақида;
- капитал ҳажми ва тузилмаси, инвестиция режалари ҳақида;
- таъминотчи ва истеъмолчилар, тузилган шартномалар ҳақида;
- ишлаб чиқариш ҳажми, айланма маблағлар ва фойда ҳажми ҳақида;
- баҳони шакллантириш сиёсати ва товарлар баҳосининг шаклланиши ҳақида;
- банк опрециялар ҳақида ва ҳоказолар.


Кўпинча “тижорат сирлари” тушунчасидан ташқари корхонанинг “ишлаб чиқариш сирлари” тушунчаси ҳам қўлланилади. У ишлаб чиқариш усуллари, технологиялар, техник кашфиётлар, тадқиқот ишлари, меҳнатни ташкил қилиш, алоқа тармоғи ва шу кабилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Бугунги бозор муносабатлари, айниқса рақобатчилик муҳити шароитларида корхона тижорат ва ишлаб чиқариш сирларининг ошкор қилиниши унинг аҳволига салбий таъсир

кўрсатиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчиларини йўқотишга олиб келиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, тижорат сирларига мансуб маълумотларнинг тўртдан бир қисми йўқотилиши ҳам рақиблар учун катта имконият яратади ҳамда бир неча ой ичида маълумотлар четга чиқиб кетишига йўл қўйган фирмаларнинг ярми банкротга учрашига олиб келади. Шу сабабли ҳозирги пайтда тижорат сирларининг ҳуқуқий мақоми ва тоифасини аниқ белгилаш, уларни ошкор қилиш учун жавобгарлик механизмни ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Қуйидаги чизмада корхона тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизмнинг асосий элементлари келтирилган.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми, корхонанинг молиявий ва техник имкониятлари билан алоқада бўлганда, шунингдек маълумотларни ҳимоя қилишнинг ишончли тизими мавжуд бўлгандагина тўлиқ куч билан ишлайди. Бундан ташқари қуйидагиларни тўғри ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади:

- тайёр маҳсулот (айниқса тажриба намуналари) ва материалларнинг баъзи турларини ҳисобга олиш ва қўриқлаш;
- тадбиркорлик сирлари мавжуд бўлган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби (уларни ҳисобга олиш, сақлаш, йўқ қилиш қоидалари ва бошқалар);
- ҳужжатларни кўпайтириш ва улардан нусха олиш воситаларини назорат қилиш;
- алоқа воситалари ва ҳисоблаш техникасида тижорат маълумотларини ҳимоя қилиш;
- корхона ҳудуди ва унинг асосий бино ва иншоотларини қўриқлаш;
- мазкур корхонага бегона шахслар ташриф буюришини назорат қилиш.



12.3-чизма. Корхона тижорат сирини муҳофаза қилиш механизми

Юқорида санаб ўтилган барча вазифаларни самарали бажариш бошқарув аппаратида тижорат сирларини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи махсус хизматларни яратишни кўзда тутди. Хориж мамлакатларида мазкур фаолият билан фирмаларнинг махсус бўлинмалари шуғулланади. Улар рақобатчилар тўғрисидаги маълумотларни излаш ва тўплаш билан ҳам шуғулланади. Шу билан бир вақтнинг ўзида улар савдо ҳамкорларининг тижорат сирларини биргаликда ҳимоя қилиш имкониятини ҳам рад қилмайдилар. Масалан, баъзи фирмалар фаолиятида тадбиркорлик алоқалари давомида ҳамкорларга берилган маълумотларни биргаликда ҳимоя қилиш бўйича махсус шартномалар тузиш тартиби кўзда тутилган.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг (масалан, АҚШнинг) давлат органларида махсус воситачилик хизматлари мавжуд бўлиб, у мижозларни уларни қизиқтираётган корхона ва ташкилотлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди. Мамлакатимизда

корхоналар давлатга солиққа тортиш ва иқтисодий маълумотларни йиғиш ва улар билан ишлаш тизими учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Шунингдек, корхоналар ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни, жумладан, йиллик балансни нашр қиладилар. Шу билан бир пайтда корхоналар тижорат сирларига оид маълумотларни бермаслик ҳуқуқига эга. Тижорат сирлари давлат бошқарув ва назорат идоралари ходимлари орқали четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида корхона раҳбари уларнинг ваколатларини билиши ҳамда улар талаб қилган исталган маълумотни эмас, балки фақат хизмат ваколатига доир маълумотларни тақдим этиши зарур. Биринчи ўринда бу статистика хизмати, монополияга қарши кураш қўмитаси, милиция, молия, солиқ, санитария, ёнғинга қарши кураш ва бошқа хизмат вакилларига тегишли. Корхона раҳбари шунингдек, давлат идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан арз қилиш тартиби, улар туфайли корхонага етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш механизмини билиши ва унга амал қилиши зарур.

Илмий-техник, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва бошқа хизматлар мутахассислари ўзи ишлаётган корхонанинг тижорат сирларига оид маълумотлар четга чиқиб кетиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ва реал йўқотишларни тўғри ва аниқ (қиймат шаклида) баҳолашни ўрганиб олишлари зарур.

Корхоналарнинг махфийлик шартларига риоя қилмаслик натижасида юзага келувчи йўқотишлари умумий кўринишда қуйидагиларга олиб келади:

- илмий тадқиқотларга лицензия сотиш имкониятлари пасаяди, фан-техника тараққиёти соҳасида эришилган устуликлар йўқотилади, илмий-тадқиқот бўлинулариининг йўналишни ўзгартиришлари учун харажатлари ўсади;
- ишлаб чиқариш фаолиятида зарур бўлган хом ашё, технология ва ҳоказоларни сотиб олишда қийинчиликлар юзага келади (ёки рақобатчилар томонидан сунъий равишда яратилади);
- корхонанинг тадбиркорликдаги шериклар билан ҳамкорлиги чекланади, фойдали шартномаларни имзолаш имкониятлари камаёди, шартнома мажбуриятларини бажаришда муаммолар вужудга келади;
- корхонанинг янги бозор стратегиясини яратиш, маркетинг тадқиқотлари тузилмасини ўзгартириш ва ҳоказоларга сарфланувчи харажатлари ўсади;
- тижорат сирларини ошкор қилганларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаш хавфи кучаяди.

Барча йўқотишларнинг умумий миқори қийматини аниқ ҳисоблаш жуда мураккаб ва кўп меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, баъзида ишончи маълумотлар йўқлиги сабабли уларни ҳисоблашнинг имкони ҳам бўлмайди. Шу сабабли кўп ҳолларда корхоналарнинг маълумотларни ҳимоя қилишга риоя этмаслик билан боғлиқ бўлган йўқотишларини йириклаштирилган эксперт баҳолаш кифоя қилади.

Юқорида келтирилган йўқотишларнинг ўрнини қоплаш кўпинча корхоналардан қўшимча харажатларни талаб қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатчилик курашида эришиш мумкин бўлган муваффақиятлар имкониятини пасайтиради. Худди шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда тижорат сирларини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Қисқача хулосалар

Корхона сирлари ва хавфсизлиги бир қарашда оддий тушунчалар бўлиб, уларнинг мазмуни мутахассис бўлмаганларга ҳам тушунарлидир. Бироқ амалиётда корхона, шунингдек, турли хўжалик субъектларининг тижорат сирлари ва хавфсизлигини таъминлаш етарлича мураккаб фаолият соҳаси ҳисобланади.

Корхонанинг, шундан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқаришнинг хавфсизлиги нафақат бутунлик ва барқарорлик, балки атроф-муҳит учун иқтисодий, техник, технологик, ташкилий ва умуман, функционал жиҳатдан зарарсизлигидадир.

Корхона хавфсизлиги амалда махсус хизмат ва бошқарув органлари томонидан, шунингдек, мос келувчи Низом нормалари, қоидалар ва йўриқномалар асосида таъминланади.

Корхона хавфсизлигига ички ишлаб чиқариш муҳитидан ташқари ташқи муҳит ҳам баъзида бевосита, баъзида эса билвосита таъсир кўрсатади. Ички ва ташқи муҳитларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига салбий таъсирини бартараф қилиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Тижорат сирлари корхона фаолияти тўғрисидаги маълумотлар бўлиб, уларнинг четга чиқиб кетиши ёки бегона шахсларга тарқатилиши корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли тижорат сирларига корхона томонидан амал қилинибгина қолмай, унга риоя этиш шартлари қонунчилик томонидан белгилаб ҳам қўйилган.

Корхонанинг тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми, махфий характерга эга ва ошкор қилиниши мумкин бўлмаган, шунингдек, манфаатдор идора ва шахсларга хавф-хатар туғдирмаган ҳолда тақдим этиш мумкин бўлган маълумот ва кўрсаткичларни танлаб олишни кўзда тутувчи тизимга эга бўлиши зарур.

Таянч иборалар

Хавфсизлик, корхона хавфсизлиги, махсус ишлаб чиқилган чора-тадбирлар, хавфсизлик тамойиллари, хавфсизлик концепцияси, корхона хавфсизлигига ташқи муҳитнинг таъсири, хавфсизлик хизмати, хавфсизлик хизматининг ташкилий тузилмаси, корхонанинг тижорат сирлари, тижорат сирини муҳофаза қилиш механизми.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Корхона иқтисодий хавфсизлиги деганда нимани тушунаси?
2. Корхонанинг “тижорат сирлари” тушунчаси нимани англатади?
3. корхона хавфсизлиги ва тижорат сирлари ўртасида қандай алоқа мавжуд?
4. Корхона хавфсизлигининг асосий тамойилларини айтиб беринг.
5. Корхонанинг хавфсизлик хизмати қандай вазифани бажаради?
6. Бозор шароитларида тижорат сирлари корхонанинг реклама фаолиятига зид келмайдими?
7. Корхонанинг тижорат ва бошқа сирларини ошкор қилиш қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
8. Корхонанинг тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми ўз ичига нимани қамраб олади?

2. Амалий машғулоти мавзулари.

2.1.«Корхона иқтисодиёти» фанидан амалий машғулоти учун масалалар тўплами.

2.2.“Корхона иқтисодиёти” фанидан кейслар тўплами

2.1.«Корхона иқтисодиёти» фанидан амалий машғулоти учун масалалар тўплами.

1 - МАВЗУ. КОРХОНА – ИҚТИСОДИЁТНИНГ АСОСИЙ БЎҒИНИ

Корхона – жамият эҳтиёжларини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқарувчи (ёки хизмат кўрсатувчи, иш бажарувчи) мустақил хўжалик юритувчи иқтисодиёт субъектидир. Мавжуд маълумотлар кўра, бугинги кунда Ўзбекистонда турли соҳа ва мулкчиликнинг турли шаклига мансуб бўлган 300 мингга яқин корхоналар иш юритмоқда. Уларнинг муваффақиятли фаолияти иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш қўвватларининг ривожланиши, давлатимизнинг иқтисодий қудрати мустаҳкамланишига ва халқ турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилади. Шу боис корхона фаолиятига нафақат шахсий манфаат ва даромад, балки бутун жамият равнақи нуқтаи назаридан ёндошиш лозим.

Семинар машғулоти учун саволлар

1. Корхонанинг миллий иқтисодиёт ривожидagi ўрни ва аҳамияти.
2. Корхонанинг ўзига хос белгилари, унинг бозор иқтисодиёти шароитидagi мақсад ва вазифалари.

3. Замонавий корхоналарнинг илмий жиҳатдан тавсифланиши.

4. Ташкилий тузилма ва унинг корхона иқтисодиётига таъсири.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.

2. Экономика предприятия. Учебник./Под ред. В. Грузинова. - М.: «ЮНИТИ», 2009.

3. В.Д. Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.

4. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмы» / Под ред. Иващенко М.: Экономич. Факульт. МГУ, ТЕИС. 2003.

Мустақил ечиш учун масалалар

1-масала. Замонавий иқтисод фани корхоналарни қуйидаги белгилари бўйича турларга бўлади:

1. Ишлатиладиган хом ашёнинг характери бўйича.

2. Тайёр маҳсулотнинг нима учун мўлжалланганлиги бўйича.

3. Техник ва технологик умумийлик белгисига кўра.

4. Йил давомидаги ишлаш даврига кўра.

5. Ўртача ишловчилар сонига кўра.

6. Бир турдаги маҳсулот бўйича ихтисослашуви ва ишлаб чиқариш қўламларига кўра.

7. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этиш услубларига қараб қуйида ушбу белгиларнинг таърифлари берилган:

- Йирик, ўрта ва кичик корхоналар;

- Ишлаб чиқариш воситалари ва эҳтиёж буюмлари ишлаб чиқарувчи корхоналар;

- Ихтисослашган, диверсификацион ва аралаш корхоналар;

- казиб олиш ва қайта ишлаш саноати корхоналари;

- Йил бўйи ёки мавсумий тарзда фаолият кўрсатувчи корхоналар;

- Оқимли услуб, партиялаб ишлаб чиқариш услуби ва доналаб ишлаб чиқариш услуби кўпроқ қўлланиладиган корхоналар;

- Узлуксиз ишлаб чиқариш жараёни, дискрет ишлаб чиқариш жараёни, механик, кимёвий ишлаб чиқариш жараёни қўлланиладиган корхоналар.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Келтирилган таърифларни корхонанинг тегишли белгиларига мос тарзда ажратиб олинг;

2. қабул қилинган қарорлар асосида юқорида келтирилган белгилар бўйича корхоналарни турлича ажратиш (классификация қилиш) схемасини тузинг.

2-масала. Машинасозлик заводининг ташкилий тузилиши қуйидаги цехлардан иборат: қуйиш цехи, темирчи-пресслаш, модель цехи, заготовка тайёрлаш, тажриба, механик йиғув, асбобсозлик цехи, таъмирлаш-механик ва транспорт цехлари.

қуйидагиларни аниқлаш талаб этилади:

Санаб ўтилган цехларни асосий, ёрдамчи ва хизмат кўрсатувчи бўлимларга бўлинг.

3-масала. Машинасозлик корхонасида қуйидаги ишлаб чиқариш бўлимлари ва уларда банд бўлган ходимлар бор:

- қуйиш цехи – 400 киши;
- темирчи-пресслаш цехи – 500 киши;
- механик – 700 киши;
- йиғув цехи – 400 киши;
- таъмирлаш-механик – 150 киши;
- энергоцех – 50 киши;
- таъмирлаш цехи – 100 киши;
- транспорт цехи – 70 киши;
- типография – 30 киши.

қуйидагиларни аниқлаш талаб этилади:

1. Асосий ва ёрдамчи ишлаб-чиқаришда банд бўлган ишчи-ходимлар сонини аниқланг.

2. Асосий ва ёрдамчи цехларда ишловчиларининг умумий хажмдаги улушини (фоизларда) топинг.

3. Ортиқча бўлимларни йўқ қилиш учун қандай чора-тадбирлар талаб қилинади ва улар корхона иқтисодиётига қай даражада таъсир кўрсатади.

4-масала. Тоғ-металлургия камбинатининг таъмирлаш корхонасида қуйидаги цехлар ва ишчилар мавжуд: пўлат қуйиш цехи – 72 киши, рангли металл қуйиш цехи – 48 киши, №1-таъмирлаш-механик цехи – 106 киши, №2-таъмирлаш-механик цехи – 34 киши, №3-таъмирлаш-механик цехи – 52 киши, асбобсозлик – 85 киши, электрқучланиш цехи - 72 киши, электр таъмирлаш – 72 киши, транспорт – 180 киши, лавозимлар учун маошлар қуйидагича белгиланган: цех бошликлари 72,0 минг сўм, иқтисодчилар – 48,0 минг, меъёрловчилар – 30,5 минг сўм.

Цехлардаги бошқарув ходимларнинг сони қуйидагича: пўлат қуйиш цехида – 5 киши, рангли металл қуйиш – 3 киши, №1-таъмирлаш-механик цехи – 9 киши, №2-таъмирлаш-механик цехи – 3 киши, №3-таъмирлаш-механик цехи – 4 киши, асбобсозлик – 6 киши, электрқуч цехи – 2 киши, электр таъмирлаш – 5 киши, транспорт – 9 киши.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Тоғ-металлургия камбинатининг таъмирлаш корхонасининг ишлаб чиқариш тизимини соддалаштиринг;

2. Ҳар бир цехда бир бошқарув ходимига тўғри келувчи ишчилар сонини аниқланг;

3. Корхонанинг ташкилий тизимини яхшилаш ҳисобига ойлик маош жамғармасини тежаш имкониятларини аниқланг.

4. Корхонанинг ташкилий тизими такомиллашгандан сўнг ва бундан аввалги аҳвол бўйича қиёсий схемалар тузишга уриниб кўринг.

2-МАВЗУ. КОРХОНАНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ва бошқарувнинг демократик тамойилларининг кучайиши корхонани ташкил этиш ва фаолиятини тўхтатиш тизимини тубдан ўзгартириб юборади. Бугунги кунда корхоналар, аввалги – буйруқбозлик даврида бўлгани каби «тепадан» берилган кўрсатмалар билан эмас, балки ташаббускорлик асосида, маълум ресурс таъминотига таянган ҳолда, у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқаришга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб ташкил этиляпти.

Корхоналарнинг ёпилишига эса муваффақиятсиз фаолият ва унинг оқибатида юзага келган банкротлик ҳолати сабаб бўлади. Корхонани ташкил этиш ёки унинг фаолиятини тўхтатиш амалдаги қонунларга биноан амалга оширилади. Корхонани ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳа бошланаётган ишнинг даромадли бўлишига йўналтирилиши лозим. Бу кўрсаткични аниқлашда, корхона хўжалик фаолиятининг маълум (н-м) қадамида қуйидагилар қабул қилинади:

- ишлаб чиқариш ҳажми сотувлар ҳажмига тенг;
- тушум ҳажми сотувлар ҳажмига пропорционал равишда ўзгаради;
- сотувдан ташқари фаолиятдан олинган даромадлар ва бу фаолиятга тегишли харажатлар сотувлар ҳажмига боғлиқ эмас;

- тўлиқ жорий харажатлар **шартли-доимий** (ишлаб чиқариш ҳажми ўзгарса ҳам, ўзгармайдиган) ва **шартли-ўзгарувчан** (ишлаб чиқариш ҳажмига пропорционал равишда ўзгарувчан) турларга бўлиниши мумкин.

Зарарсизлик даражаси (Z_0) қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$Z_0 = \frac{CC - VC - DC}{NP - VC}$$

Бунда:

НП – н-м - қадамда тушум ҳажми.

СС – маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тўлиқ жорий харажатлари (таннарх).

ВС – ишлаб чиқаришнинг тўлиқ жорий харажатларининг шартли-ўзгарувчан қисми.

ДС – сотувдан ташқари фаолиятдан олинган даромад (бу фаолиятга кетган харажатлар чиқариб ташланган ҳолда олинади).

Зарарсизлик – (яъни моддий зарар кўрмай ишлаш) амалга оширилаётган лойиҳанинг самарали эканлигининг ягона кўрсаткичи эмас. Амалда ишлаб чиқаришнинг (имкон қадар) барча омилларини ва лойиҳани амалга оширишдаги мавжуд хавф-хатарларни ҳисобга олувчи **интеграл эффектни** ҳам ҳисоблаб чиқиш жуда муҳимдир.

Лойиҳанинг кутилаётган интеграл эффекти математик кутиш формуласи бўйича ҳисоблаб чиқилади:

$$NPV_{om} = \sum_k NPV_k \cdot P_k$$

Бунда: NPV_k – к-сценарий учун интеграл эффект (СДД)

P_k – ушбу лойиҳанинг амалга ошириш эҳтимоли.

СДД – соф, дисконтланган – (келтирилган) даромад ёки даромад ва киритилган сармояларнинг бир вақт оралиғида дисконтланган кўрсаткичларининг фарқи (айирмаси)дан иборат интеграл эффектдир (НПВ).

Лойиҳанинг самарасиз бўлиши хавфи (P_0) ва лойиҳа самарасиз якунланган ҳолатда уни амалга оширишдан етказилган моддий талофат (Y_0) қуйидаги формулалар бўйича аниқланади:

$$P_{\text{э}} = \sum_K P_K ; V_{\text{э}} = \left(\sum_K NPV_K \cdot P_K \right) / P_{\text{э}} .$$

Бунда йиғиндиларни қўшиш фақат интеграл эффектлар НПВ_к (СДД) манфий бўлган «к» сценарийлар бўйича амалга оширилади.

Семинар машғулоти учун саволлар

1. Янги корхоналарни ташкил этиш – иқтисодийни ривожлантириш ва эркинлаштиришнинг муҳим шarti.
2. Янги корхоналарни ташкил этишнинг асосий мақсад ва тамойиллари.
3. Корхоналарни тузиш қўлланиладиган таъсис хужжатлари ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби.
4. Корхоналар фаолиятини тўхтатишнинг асосий сабаблари.
5. Таркибий ўзгаришлар (реструктуризация) ва унинг корхона иқтисодий барқарорлигини таъминлашдаги роли.

Тавсия этилган адабиётлар

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги қонуни «Халқ сўзи» газетаси 2004 №5 сони.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи» газетаси. 29 сентябрь 1998 й.
4. В.Д Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.
5. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмы» / Под ред. Иващенко М.: Экономич. Факульт. МГУ, ТЕИС. 2003.
6. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

Муस्ताқил ечиш учун масалалар

5-масала. Тадбиркор ғоясига мувофиқ, нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича кичик корхона тузиш кўзда тутилган. Ушбу лойиҳада қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади:

1. Инвестицион лойиҳани амалга оширишдан олинadиган тушум - 116 млн сўм.
 2. Тўлиқ харажатлар-25 млн сўм.
- шу жумладан:
- ўзгарувчан харажатлар – 14 млн сўм,
- доимий харажатлар – 11 млн сўм.

қуйидагиларни аниқлаш талаб этилади:

Ушбу лойиҳани зарасизлигини ҳисоблаб чиқинг.

6-масала. Автомашиналарни таъмирлаш бўйича хусусий корхона ташкил этиш режалаштирилган. Лойиҳа интеграл эффекти (НПВ_к) олдиндан ҳисоблаб чиқилган 5 та сценарийни ўз ичига олади, уларни амалга оширишнинг эҳтимоллиги коэффициентлари (П_к) келтирилган.

	НПВ _к (млн. сўм)	П _к
№1 сценарий	8,5	0,2
№2 сценарий	3,24	0,3
№3 сценарий	-0,5	0,2
№4 сценарий	2,5	0,2
№5 сценарий	-1	0,1

қуйидагиларни ҳисоблаб чиқариш талаб этилади:

1. Лойиҳа бўйича қутилаётган умумий интеграл эффект.
2. Лойиҳанинг самара бермаслик таваккалчилиги.
3. Лойиҳани амалга оширишдан қўрилиши мумкин бўлган зарарнинг ўртача миқдори.
4. Барча ҳисоб-китобларни бир жадвалга умумлаштириш.

1-тест масала. В. исмли фуқаро, ойлик маоши 50 минг сўм бўлган муҳандис лавозимидан воз кечиб, кичик корхона ташкил этди ва бунинг учун 150 минг сўм миқдоридаги шахсий жамғармасини сарфлади. Бундан ташқари у 500 минг сўм миқдорида кредит олиб, унинг 300 минг сўмини асбоб ускуналар сотиб олишга сарфлади. Агар олинган кредит бўйича йиллик фоиз 200 % ни, фуқаролар жамғармалари бўйича эса 120% ни ташкил этса, **иктисодий ва бухгалтерия харажатлари** миқдори қанчани ташкил этади? қуйидаги келтирилган жавоблардан тўғри вариантни танланг.

- А) 1,7 млн ва 1,65 млн.
- Б) 0,650 млн ва 1,5 млн.
- В) 1,5 млн ва 0,5 млн.
- Г) 2,43 млн ва 1,65 млн.

3-МАВЗУ. КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ.

Бошқарув – бу, аввало, инсон фаолиятининг муҳим бир жабҳасидир. Одатда, бошқарув – раҳбарлик деб қабул қилинади ва тушунилади. Амалиёт шуни кўрсатадики, бошқарув ҳақида кўпчилик яхши билади, бироқ уни яхши уддалайдиганлар кўп эмас.

Корхонада бошқарувнинг асосий вазифаси – маҳсулот (товар) ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг даромадли ва самарали бўлишини таъминлашдан иборат. Бунинг учун эса корхона раҳбари узокни кўра билиши, режали бўлиши, ташкиллаштириш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш каби қобилиятларини ишга солиш лозим.

Семинар машғулотлари учун саволлар

1. Бошқарувнинг моҳияти, турлари ва вазифалари.
2. Корхонада бошқарувнинг ташкилий тузилмаси.
3. Бошқарув қарорларини қабул қилиш.
4. Бошқарувни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. Экономика предприятия. Учебник./Под ред. В. Грузинова. - М.: «ЮНИТИ», 2003.
3. С.Қабулов, Ш.Зайнутдинов. Бошқарув санъати. Т.: Навои, 1998.
4. В.Д Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2009.
5. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмы» / Под ред. Ивашенко М.: Экономич. Факульт. МГУ, ТЕИС. 2003.
6. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

Мустақил ечиш учун масалалар

7-масала. Давлат машинасозлик заводида ишчиларнинг умумий сони 4000 кишини ташкил қилади. Уларнинг 50% йиғув цехида, механика цехида 35%, қолган қисми бошқа цехларда ишлайди. Корхонанинг штат рўйхатида кўра, йиғиш цехида ҳар 250 кишига бир меъёрловчи, механика цехида 100 кишига бир, таъмирлаш, тайёрлаш ва бошқа цехлар ҳар 130 кишига бир меъёрловчи ишлаш керак. Республика миқёсида амалга оширилаётган маъмурий ислошларда бошқарув ходимларининг 22 %га қисқартириш кўзда тутилган.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Заводда керак бўлган меъёрловчилар сонини аниқланг.

2. Ходимларининг 22 %га қисқартирилгандан сўнг меъёрловчиларнинг завод бўйича сонини аниқланг.

8-масала. Нефтни қайта ишлаш заводида 22 та цех фаолият кўрсатади, улардан 4 таси – асосий. Саноат ишлаб чиқариш ходимларининг рўйхат бўйича ўртача кўрсаткичи – 5802 кишини ташкил этса, улардан 5007 киши ишчилардир. Корхонанинг бутун меҳнат жамоаси йиллик маош жамғармаси – 6,1 млрд. сўм. Заводнинг маъмурий харажатлари бир йилда 3,5 млн. сўмни ташкил этди.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Заводнинг бошқарув ходимлари сони;

2. 22 фозизлик қисқартиришдан сўнг заводнинг бошқарув ходимлари сони қанчани ташкил этади;

3. Бошқарув ходимларини қисқартириш ҳисобига меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини тахминан қанчага тежаб қолиш мумкин.

9-масала. Корхонада муҳандис-боқарув меҳнатини механизациялаш даражаси қуйидаги жадвалда келтирилган жадвалдаги маълумотлардан иборат.

Кўрсаткичлар	Механизациялаш даражаси, йиллар бўйича.	
	Ҳисобот йили	Аввалг и йилда
1. Тайёрланган техник ҳужжатлар сони, минг дона, шу жумладан механизациялашган усул билан бажарилган	197 50,2	180 -
2. Ҳисоб-китоб ишлари, операциялар сони, млн. шулардан механизациялашган усул билан	300 142	270 70
3. Алоҳида рисоаларда тўпланган ҳужжатлар сони, минг дона, шу жумладан механизациялашган усул билан	20 30	28 10
4. Ушбу ишларни бажаришда банд бўлган ишчи-ходимларнинг умумий сони, киши. Шу жумладан: Техник ҳужжатлар тайёрлашда Ҳисоб-китоб ишларида Ҳужжатларни алоҳида рисоаларга ажратиш	300 80 200 20	340 90 220 30

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Ҳисобот ва ундан аввалги йилларда бошқарув ишларининг механизациялаш даражасини аниқланг.

2. Кўриб чиқиладиган даврларда бошқарув ишларининг механизациялаш даражаси қандай ўзгаришини аниқланг.

4 - МАВЗУ. КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ ВА БАШОРАТ ҚИЛИШ

Америкалик иқтисодчи, бошқарувни ташкил этиш соҳасидаги мутахассис Г. Черч, «Режали асос – олдиндан кўра билишнинг библиоидир», деб ёзган эди. Дарҳақиқат, аввалдан режалаштириш корхонанинг ҳар бир жаҳасида мавжуддир.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона доимо энг тўғри қарор қабул қилиш танлови масаласига дуч келади. У ёки бу йўналишда, масалан, маҳсулот нархини аниқлаш ёки ишлаб

чиқариш ҳажми ва тақибини белгилашда қабул қилинган тўғри қарор ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, демаски, корхона фаолиятининг муваффақиятига таъсир этади. Шу билан бирга, ҳатто энг омадли қарорлар ҳам, агар корхонанинг умумий ҳўжалик сиёсатига мос келмаса, самарали бўла олмайди.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш ва ва башорат қилишда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар – ялпи, товар, сотиладиган ва соф (норматив) маҳсулот кўрстакчиларидир. Айнан шу маълумотлар корхонанинг ишлаб чиқариш дастурида акс эттирилади.

Ялпи маҳсулот – ўз фаолиятининг узлуксизлигини таъминлаш ва сотиш мақсадида корхонадан четга (ички ёки ташқи бозорга) чиқарилган барча маҳсулот (иш, хизмат)нинг умумий ҳажмини акс эттирадиган кўрсаткичдир. У солиштирма (жорий) нархларда ҳисобланади.

Товар маҳсулоти – четга сотиш учун мўлжалланган барча тайёр маҳсулотнинг нархини ўз ичига олади. Ушбу кўрсаткич ялпи маҳсулот кўрсаткичидан ички фойдаланиш учун (яъни маҳсулот ишлаб чиқариш учун фойдаланадиган) ярим фабрикатлар ҳажми билан фарқ қилади. Товар маҳсулоти амалдаги ва режадаги (ишлаб чиқариш дастуридаги) улгуржи нархларда баҳоланади. Товар маҳсулоти кўрсаткичи ялпи маҳсулот ва яқунланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари, яримфабрикатлар, асбоб ва мосламалар шунингдек, буюртмачи материаллари, нархи айирмаси сифатида аниқланиши мумкин.

Сотилган (сотилаётган) маҳсулот – етказиб бериш учун мўлжалланган ва эъвазига пул тўланадиган тайёр маҳсулот ёки ярим фабрикатларни ва саноат характеридаги бажарилган иш қийматини ўз ичига олади.

Соф маҳсулот – иш ҳақи, ижтимоий сугурта бадалларига харажатлар ҳамда фойдани ўз ичига олади ва корхона меҳнат жамоасининг барча саъи-ҳаракатларини ифода этган ҳолда янгидан юзага келган қийматни акс эттиради. У товар маҳсулотининг амалдаги нархлардаги баҳоси ва уни тайёрлашга кетган моддий харажатлар (шу жумладан амортизацион бадаллар) ўртасидаги фарқ (айирма) сифатида аниқланади. Соф маҳсулот кўрсаткичи ишлаб чиқаришнинг жисмоний ҳажми, меҳнат унумдорлиги динамикаси (яъни, ўсиш суръати) ва бошқа кўрсаткичларни аниқлаш учун ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасини режалаштириш ва унинг ҳажмини назорат қилиш учун қўлланилади.

Семинар машғулотлари саволлари

1. Бозор иқтисодиёти шароитларида режалаштириш ва башорат қилишнинг иқтисодий табиати ва объектив зарурияти.
2. Корхонанинг стратегик, истикбол ва жорий режалари.
3. Корхонада тезкор режалаштириш ва диспетчерлик.
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш дастури - корхонада режалаштиришнинг асосий бўғини.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. Экономика предприятия. Учебник./Под ред. А.Карлика, М. Шухгальтера.- М.:ИНФРА-М, 2009.
3. В.Д Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.
4. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмы» / Под ред. Ивашенко М.: Экономич. Факульт. МГУ, ТЕИС. 2003.
5. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

Мустақил ечиш учун масалалар:

10-масала. Ер ости усули билан конларни қазिशга ихтисослашган тоғ корхонасида 2004 йил ишлаб чиқариш унумдорлиги умумий ҳисобда йилига 352 минг м³ қум бўлган 6 та

шахта ишларди. 2005 йил охирида заҳиралар ишланиб бўлинган муносабати билан 2 та шахта йўқ қилинади; уларнинг ўрнига замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган ва иш самарадорлиги эски шахталардан ўртача уч баробар ортиқ бўлган битта янги шахта очилади.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Корхонанинг 2004-2005 йилларда қазиб олиш ҳажми.
2. 2 та шахта йўқ қилингандан сўнг, уч йил давомида қазиб олиш ҳажми қандай бўлади?
3. Янги шахтанинг ишга туширилишидан бошлаб кейинги 3 йил давомида қазиб олиш ҳажми қандай?
4. Корхонанинг 2006-2010 йилларда умумий қазиб олиш ҳажми, шу жумладан ҳар йилга алоҳида.

11-масала. Завод бўйича жорий апрель ойига қуйидаги маълумотлар мавжуд (млн.сўм).

1. Ялпи маҳсулот465
2. Ишлаб чиқарилган ярим фабрикатлар124
бундан четга сотилгани32
3. Корхонанинг четга кўрсатган хизматлари24
4. Якунланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи:
ой бошига 186
ой охирига157

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Товар маҳсулот ҳажми.
2. Тайёр маҳсулот ҳажми.

12-масала. Машинасозлик корхонаси фаолиятини қуйидаги жадвалда келтирилган маълумотлар тавсифлайди (млн.сўм):

Цехлар	Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми	Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидан			Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи	
		Бошқа цехларга берилган	Капитал қурилишга йўналтирилган	Четга сотишга ажратилган	Йил бошига	Йил охирига
Йиғиш цехи	400	-	-	400	60	50
Механик цех	900	200	-	100	30	25
қуйиш цехи	120	100	-	20	8	5
Темирчи пресслаш цехи	150	100	-	50	4	5
Асбобсозлик цехи	60	15	10	35	5	8
Жами	1630	415	10	605	107	93

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Ялпи маҳсулот ҳажми.
2. Товар маҳсулот ҳажми.

13-масала. Ҳисобот йилида корхона 400 млн. сўмлик маҳсулот тайёрлаб сотди, 20 млн. сўмлик асбоб-ускуналар тамирлаш ишларини бажарди, буюртмачи хом ашёсидан 45 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди (шу жумладан буюртмачи хом ашёси баҳоси 28 млн. сўм), керакли асбоблар тайёрлаб, уларни асосий воситалар ҳисобига 12 млн. сўм деб киритиб қўйди. Тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи йил бошига 30 млн. сўм, йил охирига 15 млн.

сўм. Ҳисобот йили бошида омбордаги тайёр маҳсулот қолдиғи ва харидорга етказилган, бироқ ҳақи тўланмаган товарлар 25 млн. сўмлик, ҳисобот йили охирида 17 млн. сўм.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: товар, ялпи ва сотилган маҳсулот ҳажми қанча?

14-масала. Нефтни қайта ишлаш заводи бўйича қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд.

Кўрсаткичлар	Улгуржи нарх сўм/т	Ишлаб чиқарилган маҳсулот, минг тонна		
		Аввал ги йил	Ҳисобот йили	
			Топширикда	Амалда
1. қайта ишланган хом-ашё - Жами		8700	9100	9500
Шу жумладан:				
Нефть	120	8300	8550	8900
Яримфабрикатлар (четдан келтирилган)	150	400	550	600
2. Ишлаб чиқарилган маҳсулот жами	-	7830	8235	8615
шу жумладан:				
АИ-93 бензини	360	200	250	270
АИ-76 бензини	320	800	900	985
АИ-72 бензини	300	1570	1630	1565
Керосин	180	105	180	160
Дизел ёқилғиси	200	195	205	200
Ўз эҳтиёжлари учун ишлатиладиган ёқилғи		670	665	685
Талофатлар (йўқотишлар)		200	200	200

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

қуйидаги омилларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича олинган мажбуриятни бажаришга таъсири қандай?

1. Нефтни қайта ишлаш ҳажмининг ўзгариши;
2. Сотиб олинadиган яримфабрикатлар ҳажмининг ўзгариши;
3. Хом ашёдан нефть маҳсулотлари чиқишининг ўзгариши;
4. Ишлаб чиқарилаётган нефть маҳсулотлари турларининг ўзгариши.

5 - МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ САМАРАДОРЛИГИ

Таниқли немис шоири Иоганн Гёте шундай деб ёзган: «Мен нимани хоҳлашларини яхши билган инсонларни ҳурмат қиламан. Дунёдаги фалокатларнинг катта қисми одамлар ўз мақсадларини аниқ тушунмай, бекордан-бекорга ҳаракат қилиб, бунинг натижаларига аҳамият бермасликларидан содир бўлади». Кўриниб турибдики, самарадорлик асосини ташкил қилган саъйи-ҳаракат ва унинг натижасини таққослаш масаласи нафақат иқтисодчилар, балки илғор фикрловчи барча инсонларни ўйлантирган. Бундан ташқари, самарадорликка эришиш масаласи билан одамлар (бевосита ёки билвосита) инсоният тамаддуни (цивилизацияси)нинг барча давларида шуғулланганлар. Бозор иқтисодиёти шароитида эса бу муаммо янгича аҳамият касб этади.

Янги технологик жараёнлар, асбоб-ускуналар, ишлаб чиқаришни механизация қилиш ва автоматлаштиришни қўллаш орқали бир турдаги маҳсулот тайёрлашда ишлаб-чиқариш ресурсларини тежаш ҳисобига эришиладиган йиллик иқтисодий самара қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Xi = (3_1 - 3_2) \times A_2$$

Бунда: 3_1 ва 3_2 – асосий ва янги техника ёрдамида маҳсулот (бажарилган иш) бирлигига келтирилган харажатлар, сўмда.

A_2 – янги техника ёрдамида маҳсулот (бажарилган иш) ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми, натурал бирликларда.

Келтирилган харажатлар – жорий (яъни, амалдаги) эксплуатацион харажатлар (таннарх) ва самарадорлигининг норматив коэффиценти ёрдамида (E_n) бир хил(вақт оралигидаги) меъёрга келтирилган капитал қўйилмалар йиғиндисидир. Булар қуйидаги формула бўйича ҳисоблаб чиқарилди.

$$З = C + E_n K$$

Бунда: C – маҳсулот (бажарилган иш) бирлигининг таннархи, сўмда;

K – ишлаб чиқариш фондларига йўналтирилган солиштира капитал қўйилмалари;

E_n – капитал қўйилмалари самарадорлигининг меъёрий коэффиценти.

Буни ҳисобга олган ҳолда йиллик иқтисодий самарани аниқлаш формуласи қуйидаги кўринишга эга бўлади.

$$\mathcal{A} = [(C_1 + E_n \cdot K_1) - (C_2 + E_n \cdot K_2)] \cdot A_2$$

Янги техникаларга йўналтирилган қўшимча капитал қўйилмаларининг унумдорлигини баҳолашда ушбу маблағларнинг қопланиш муддати қуйидаги формулалар бўйича ҳисобланади.

$$To = \frac{K}{\Delta \bar{I}}; \quad To = \frac{K}{\bar{N}_1 - \bar{N}_2}; \quad To = \frac{K}{\bar{O} - \bar{N}}; \quad To = \frac{K}{\bar{Y}}$$

Бунда: K – янги техникаларга қўшимча капитал қўйилмалар.

$\Delta \bar{I}$ - маҳсулот (иш) нархи

$\Delta \bar{P}$ - қўшимча фойда (фойданинг ўсиши)

C_1 ва C_2 – маҳсулот (бажарилган ишнинг) янги техника ўрнатилишидан аввалги ва кейинги таннархи.

Ишлаб-чиқаришни автоматик бошқариш тизими (АСУП)ни татбиқ қилишнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$\mathcal{A}_e = \frac{(Q_2 - Q_1) \cdot Pr}{Q_1} + \frac{(C_1 - C_2) \cdot Q_2}{100} - E_n \cdot K$$

Бунда:

K_1 ва K_2 – сотилаётган (сотилган) маҳсулотнинг АСУП киритилгунча қадар ва ундан кейинги йиллик ҳажми, сўм

Pr – АСУП киритилгунча ва ундан кейинги режали фойда.

C_1 ва C_2 – АСУП тадқиқ этилгунга ва ундан кейин сотилган маҳсулотнинг ҳар бир сўмига кетган харажатлар.

E_n – капитал қўйилмалар самарадорлигининг меъёрий коэффиценти, E_n қ 0,15.

K – АСУПни яратиш билан боғлиқ капитал қўйилмалар, минг сўмда.

Янги техника (янги маҳсулот) самарадорлигини баҳолаш бошқа формула бўйича ҳам аниқланиши мумкин.

$$\mathcal{A} = [3_1 \cdot (Y_1 / Y_2) + ((U_1 - U_2) - (K_2 - K_1)) / Y_2 - 3_2] \cdot Q$$

Бунда: 3_1 ва 3_2 – маҳсулотнинг асосий ва янги турига кетадиган ишлаб-чиқариш харажатлари (таннарх), сўм;

Y_1 ва Y_2 – маҳсулотнинг асосий ва янги турининг истеъмолчи фойдаланадиган бирлик мўлжалидаги солиштира харажатлари;

U_1 ва U_2 – маҳсулотнинг асосий ва янги турини ишлатишда истеъмолчи фойдаланадиган бирлик мўлжалидаги эксплуатацион харажатлар, сўм;

K_1 ва K_2 – маҳсулотнинг асосий ва янги туридан фойдаланишда истеъмолчининг қўшимча харажатлари, иш бирлиги ҳисобида сўм;

Қ – маҳсулотнинг янги турининг йиллик ишлаб-чиқариш ҳажми, табиий бирликда.

Семинар машғулоти саволлари:

1. Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлигининг моҳияти, мезонлари ва кўрсаткичлари.

2. Харажатларнинг умумий ва қиёсий иқтисодий самарадорлиги.

3. Иқтисодий самарадорликни баҳолашда вақт ва ноаниқлик омили.

4. Корхонада ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишнинг асосий йўналишлари.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.

2. Экономика предприятия. Учебник./ Под ред. В. Горфинкеля, Е. Купрякова. - М.: ЮНИТИ, 2006.

3. Оценка эффективности управления экономикой./Под ред. Ш.Зайнутдинова, Э. Махмудова. - Ташкент, 2003.

4. Шустер А.И. Фактор времени в оценке эффективности. - М.: «Наука», 1999.

5. Дубровский В., Чайкин Б.. Экономика и управление предприятием (фирмой). - Екатеринбург, 1998.

6. В.Д Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2004.

7. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмы» / Под ред. Ивашенко М.: Экономич. Факульт. МГУ, ТЕИС. 2003.

8. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

Самарадорликни баҳолаш бўйича шартли мисол (кейинчалик масала ечиш учун мушоҳада юритишни машқ қилишга мўлжалланган).

№1 – завод жорий йилда 1 млн. сўмлик даромад, №2 – завод эса 10 млн. сўм даромад олди. қайси завод самаралироқ ишлаган?

1) №2 – завод самаралироқ ишлаган.

2) Бу саволга жавоб беролмайман, чунки маълумотлар етарли эмас.

Жавоб бериш учун даромаднинг абсолют катталигини таққослашнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун заводларнинг ўлчамларини билиш ва рентабеллик даражасини - фойданинг ишлаб чиқариш фондларига нисбати сифатида ҳисоблаб чиқиш зарур бўлади.

Ана шу қўшимча маълумотларни келтириб, уларни жадвалга жойлаштирамиз.

	фойда млн. сўм	Ишлаб-чиқариш фондлари. млн. сўм	Рентабеллик даражаси, %
№1 завод	1	5	-
№2 завод	10	60	-

Рентабеллик даражасини ҳисоблаб чиққач, шуниси аён бўладики, гарчи 2-завод 10 баробар кўпроқ фойда олган бўлсада, унинг рентабеллик даражасини №1 – заводга қараганда пастроқ экан.

№1-заводдаги каби рентабеллик даражасига эга бўлиш учун №2 – завод қанча фойда олиши кераклигини аниқланг. Ўйлаб кўринг: самарадорлик – абсолют кўрсаткичми, ёки нисбийми?

Мустақил ечиш учун масалалар

15-масала. Корхона ишлаб чиқаришни автоматик тарзда бошқариш (АСУП) тизимини жорий қилди. Корхонанинг ушбу тизимни жорий қилишдан аввалги ва кейинги кўрсаткичлари қуйида келтирилган.

	Жорий қилингунча	Ундан сўнг
Сотилган маҳсулотнинг йиллик ҳажми, минг сўмда	80000	81500
1 сўмлик сотилган маҳсулотга кетган харажатлар, сўм.	0,90	0,89
Маҳсулотни сотишдан олинган фойда, минг сўм	1100	-
Капитал харажатлар, минг сўм	-	260

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

АСУП жорий қилинишининг иқтисодий самарадорлиги қандай?

16-масала. Корхонада ишлаб-чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштиришнинг 3- варианты яратилди. Бунда капитал харажатлар бўйича кўрсаткичлар (К) ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми таннархи (С) қуйидагича (минг сўм)

1- вариант – $K_1=1250$; $C_1=7550$

2- вариант - $K_2=1850$; $C_2=6950$

3- вариант - $K_3=2050$; $C_3=6550$

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

$E_n=0,15$ бўлганда энг самарали (максадга мувофиқ) вариант қайси бири бўлади?

17-масала. Оқимли (потокли) ишлаб чиқаришга ўтиш натижасида машинасозлик заводининг цехида меҳнат унумдорлиги 2004 йилда 2003 йилга нисбатан 14%га, ишчиларнинг ўртача ойлик маоши – 6,7%га ошди. Цехнинг товар маҳсулоти таннархи ҳисобот бўйича 708,6 минг сўм, иш ҳақи фонди– 284,7 минг сўмни ташкил этди.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: Меҳнат унумдорлигининг ўсиши цех маҳсулоти таннархининг даражасига қандай таъсир кўрсатади?

18-масала. Нефтни қайта ишлаш заводи олтингургуртли дизель ёқилғиси ўрнига олтингургуртли кам бўлган ёқилғи ишлаб чиқаришга ўтади. Ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми кўрсаткичлари ва бошқа кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Кўрсаткичлар	Дизель ёқилғиси	
	Олтингургуртли	Кам олтингургуртли
Йиллик и/ч ҳажми, минг сўм	-	1250
1 тонна маҳсулот таннархи, минг сўм	75,0	-
1 тонна маҳсулот таннархининг ортиши, %	-	5,4
Маҳсулот ишлаб чиқаришга солиштира капитал қуйилмалари, минг сўм	18,4	34,7
Истеъмолчининг иш бирлигига ёқилғи сарфланишининг солиштира кўрсаткичи, тонна (100 т. км)	9	7,6
Нефть маҳсулоти сарфи бирлигига кетган истемолчининг харажати, минг сўм/тонна	13,2	11,4
Нефть маҳсулотларини сарфи бирлигига истеъмолчининг сарфлаган қўшимча харажатларнинг солиштира кўрсаткичи, минг сўм/т	21,6	20,4

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: Кам олтингутуртли дизель ёқилғисини яратиш ва ишлаб чиқаришдан олинadиган йиллик иқтисодий самара қандай бўлади?

6 - МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АСОСИЙ ФОНДЛАРИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҚУВВАТИ

Алоҳида корхоналар доирасида хизмат кўрсатиш ва маҳсулот ишлаб чиқариш, умуман иқтисодиёт доирасида бўлгани каби, уч турдаги ресурс – молиявий, моддий ва меҳнат заҳираларини бирлаштиришсиз амалга оширилиши мумкин эмас. Бунда моддий ресурслар хом ашё, материаллар, ёқилғи, энергия билан бир қаторда технологик асбоб-ускуналар, бинолар, қурилмалар, транспорт ва бошқа меҳнат қуролларини ўз ичига олади. Бозор иқтисодиётига ўтиш ва халқаро андозалардаги миллий ҳисоблар тизими киритилганидан сўнг «капитал» тушунчаси кўпроқ ишлатилмоқда. Хўжалик юритишнинг аввалги режали тизимида ҳар бир корхонага марказлашган тарзда ажратилгани боис, бу тушунчани ишлатиш мумкин эмасди. Бироқ, бозор иқтисодиётига ўтиш «асосий фондлар» тушунчасини бекор қилмайди ва у хозирча корхоналарнинг хўжалик фаолиятида сақланиб қолмоқда.

Демак, асосий фондлар деб - бинолар, қурилмалар, машиналар, асбоб-ускуналар ва бошқа меҳнат воситаларига айлантирган ишлаб-чиқариш капиталининг бир қисmini тушуниш мумкин. Капиталнинг бу қисми ишлаб чиқариш жараёнида кўп бор иштирок этади ва белгиланган амортизация меъёрлари асосида ўз қийматини аста-секин тайёр маҳсулотдан чиқариб олади.

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ҳам асосий фондлар билан боғлиқ.

Асосий фондлар эксплуатация (ишлатилиш) жараёнида аста-секин эскиради ва шу боис турлича баҳоланади. Уларни баҳолаш одатда, қиймат бирлигида амалга оширилади.

Дастлабки қиймат – асосий фондларнинг ишга туширилиши пайтидаги қийматидир.

У қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$C_n = C_0 + 3_T + 3_M$$

бунда: C_0 – асбоб ускуна (ёки қурилма; бино) қиймати (нархи)

3_T – асбоб ускуналарни етказиб келтиришга кетган харажатлари

3_M - эксплуатация (ишлатилиш) жойида қурилиш, монтаж ва бошқа ишларнинг қиймати

Тикланиш қиймати – асосий фондларнинг у ёки бу вақтда тиклаш учун керак бўлган харажатларни акс эттирган қийматидир.

$$C_{\text{тикл}} = C_n - C_u$$

Бунда: C_u – маънавий жиҳатдан эскиришнинг қиймат кўринишидаги кўрсаткичи.

Маънавий эскириш икки турдаги бўлиши мумкин: биринчиси – худди шундай конструкциядаги (тузилишдаги) машина ва асбоб ускуналарни қайтадан ишлаб чиқариш арзонлашгани натижасида, иккинчиси эса - худди шундай маҳсулот чиқарувчи замонавийроқ, янгироқ ва такомиллашган асбоб-ускуналарнинг яратилиши боис эскиришдир.

Биринчи турдаги маънавий эскириш қуйидаги формула бўйича ҳисобланади.

$$C_u = C_n \left[(1 - P/100)^t \right]$$

Бунда: P – ижтимоий меҳнат сарфининг ўртача йиллик ўсиш суръати %;

t – техника ишлаб-чиқарилган пайтдан унинг тикланган қийматини аниқлаш пайтигача бўлган вақт оралиғи, йил.

Иккинчи турдаги маънавий эскириш қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_H'' = C_{n,cm} - C_{n,i} \cdot \frac{P_{CT} \cdot T_{CT}}{P_H \cdot T_H}$$

бунда: $C_{n,cm}$, $C_{i,i}$ - маънавий эскирган ва янги асбоб-ускуналарнинг бошланғич қиймати.

P_{CT} , P_H - маънавий эскирган ва янги асбоб-ускуналарнинг йиллик ишлаб чиқариш унумдорлиги.

T_{CT} , T_H - маънавий эскирган ва янги асбоб-ускуналарни ишлатилиш муддати.

қолдиқ қиймати – бошланғич қиймат ва амортизацион тўловлар ўртасидаги фарқ (эскириш даражаси чиқариб ташлангандан сўнг қолган бошланғич қиймат). У қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_o = C_{II} + Z_{km} - \frac{C_n \cdot N_a \cdot T_p}{100}$$

Бунда: Z_{km} - асосий фондларнинг бутун хизмат муддатида капитал таъмирлаш ва модернизация қилиш (яъни, янгилаш) га кетган харажатлар

N_a - амортизация ажратмалари нормаси, %

T_p - асосий фондларнинг фойдаланиш муддати, йил;

Ҳар йили амалга ошириладиган амортизацион тўловлар қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$A_r = \frac{C_n + C_{kp} + C_m - C_a}{T_a} \text{ ёки } A_r = \frac{C_n \cdot H_a}{100}$$

бунда: C_{kp} , C_m - асбоб-ускуналарни капитал таъмирлаш ва янгилашга кетган харажатлар;

C_a - асбоб-ускуналарнинг ликвидацион (йўқ қилиш) қиймати;

$\dot{O}_a$ - асосий фондларнинг амортизацион даври (яъни меъёрий хизмат муддати);

$\dot{I}_a$ - амортизация нормаси (меъёри).

Асосий фондларнинг ўртача йиллик қиймати ва амортизациянинг тасдиқланган меъёрлари ҳақидаги маълумотга эга бўлган ҳолда асосий фондларни тўлиқ тиклаш учун зарур бўлган амортизацион тўловларни (A_B) аниқлаш мумкин.

$$A_B = \Phi_{cc} \cdot H_a$$

Асосий фондларнинг ўртача йиллик қийматини қуйидагича аниқлаш мумкин.

$$\bar{O}_{\bar{n}\bar{a}} = \frac{\tilde{N}_{i\bar{a}i\bar{o}} + \tilde{N}_{i1} + \tilde{N}_{i2} + \tilde{N}_{i4}}{5}$$

Бунда: $\tilde{N}_{i1}, \tilde{N}_{i2}, \tilde{N}_{i3}, \tilde{N}_{i4}$ - асосий фондларнинг йиллик 1,2,3,4 – чоракларининг охиридаги қиймати.

Асосий фондлар динамикасини акс эттириш учун уларнинг янгиланиш ва ишдан чиқиш коэффицентлари қўлланилади.

Янгиланиш коэффицентини – ($K_{ян}$) асосий воситаларнинг янгиланиш тезлигини кўрсатади. У таҳлил қилинаётган вақтда (T_a) ишга туширилган асосий фондлар қийматининг ($C_{ит}$) уларнинг йил охиридаги ($C_{йо}$) умумий қийматига нисбатидан иборат:

$$\hat{E}_{yi} = \frac{\tilde{N}_{\bar{a}o}}{\tilde{N}_{\bar{e}i}} \cdot 100$$

Ишдан чиқиш коэффицентини – ($K_{ч}$) асосий фондларнинг ишлаб чиқаришга яроқсиз бўлиб қолиш даражасини акс эттиради. У таҳлил этилаётган даврда (T_a) ишдан чиққан асосий воситалар қийматининг ($C_{ч}$) ушбу давр бошланишига нисбати ($C_{н}$) сифатида ҳисоблаб чиқарилади.

$$\hat{E}_{\div} = \frac{\tilde{N}_{\div}}{\tilde{N}_i} \cdot 100$$

Асосий фондларнинг техник аҳволининг умумлашган кўрсаткичи бўлиб **эскириш коэффицентини** ($K_{эск}$) хизмат қилади. У эскириш қиймати ($I_{аф}$)нинг асосий фондларнинг бошланғич қиймати (C_n)га нисбатига тенг.

$$\hat{E}_{\bar{y}\bar{n}\bar{e}} = \frac{\bar{E}_{\bar{a}o}}{\tilde{N}_i}$$

Асосий фондларнинг **яроқлилиқ коэффицентини** ($K_{я}$) – уларнинг қолдиқ қийматининг бошланғич қийматига нисбатига тенг:

$$K_{я} = \frac{C_n - I_{оф}}{C_n}$$

Асосий фондларнинг қай даражада ишланганини **умумий ва хусусий** кўрсаткичлар акс эттиради. Умумий кўрсаткичларга фонд қайтими, фонд сигими, фонд рентабеллиги ва бошқалар, хусусий кўрсаткичларга эса асосий фондларнинг фаол қисми - ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, машиналар, агрегатлар ва ҳақозоларнинг қувват ва вақт бўйича ишлатиш коэффицентларини киритиш мумкин.

Бу кўрсаткич ва услублар «Корхона иқтисодиёти» курси бўйича тайёрланган қўплаб дарсликларда батафсил таърифланган.

Семинар машғулоти саволлари:

1. Асосий фондлар, уларнинг моҳияти, аҳамияти ва турлари ташкил этди.
2. Корхона асосий фондларининг баҳоланиши, эскириши ва амортизация қилиниши.
3. Асосий фондлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш услублари.
4. Асосий фондларнинг корхона ишлаб чиқариш қуввати билан боғлиқлиги.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. В.Д Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2009.
3. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмы» / Под ред. Иващенко М.: Экономич. Факульт. МГУ, ТЕИС. 2003.
4. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

Мустақил ечиш учун масалалар

19-масала. Корхона 1995 йилда улгуржи нархда 360 минг сўмга асбоб-ускуналар сотиб олди, транспорт ва монтажга харажатлар 14 минг сўмни ташкил этди. 2004 йилда ўтказилган инвентаризация чоғида асосий фондларни қайта баҳолаш ўтказилди ва асбоб-ускуналарнинг нархи 325 минг сўм миқдорида белгиланди. Асбоб-ускуналардан фойдаланиш даврида 500 минг сўм миқдорида амортизация тўловлар йиғилди, капитал таъмирлашга харажатлар эса 220 минг сўмни ташкил этди.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: асбоб-ускуналарнинг тиклаш ва қолдиқ қийматини топинг.

20-масала. Йил бошига кичик корхонанинг асосий фондлари бошланғич қиймати 200 млн. сўмни ташкил этди. Апрель ойида 1,9 млн. сўмлик, июнда эса 1,5 млн. сўмлик, ноябрда 4,4 млн. сўмлик асосий воситаларни ишга тушириш режалаштирилган. Март ва апрель ойида 1,1 ва 1,7 млн. сўмлик асосий воситалар ишдан чиқиш қўзда тутилган.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати.
2. Асосий воситалар йил охирига қиймати.
3. Асосий воситаларнинг ишдан чиқиш коэффициенти.
4. Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти.

21-масала. Тоғ-кон корхонаси узлукли йиллик режимда, ҳафтасига бир кун дам олиб ишлайди. Тозалаш конлари бир кеча-кундузда уч сменада ишлайди, бир смена 6 соат давом этади. Комбайн (асосий тоғ ускунаси) амалдаги ўртача иш вақти ҳисобот йилида 4150 соатни ташкил этди. Йил давомида комбайннинг капитал таъмирлашнинг меъёрий давомийлиги 22 кундан иборат.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Комбайн тақвимий (календарли), режимли ва режали иш вақти фондини.
2. Тақвимий, режимли ва режали ишлаш вақти фондига нисбатан комбайннинг экстенсив юкланиш коэффициенти.

22-масала. Корхона уч сменада иш юритади. Май ойида биринчи сменада 5800 одам-кун, иккинчи сменада 400 одам-кун, учинчи сменада 3200 одам-кун ишланган корхонадаги иш жойлари сони 250 та.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

- 1.Сменалик коэффициенти.
- 2.Узлуксизлик коэффициенти.
- 3.Иш жойларидан фойдаланиш коэффициенти.

23-масала. 1-машинасозлик заводида асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати 100 млн. сўмга тенг; йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 220 млн. сўмни, йиллик фойда эса 6 млн. сўмни ташкил этади.

2-машинасозлик заводида эса санаб ўтилган кўрсаткичлар 80, 168 ва 4 млн. сўмни ташкил этади.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Фонд сиғими ва фондга қайтиш ҳамда асосий фондларнинг ҳар 1 сўмига тўғри келадиган даромадни аниқланг.

2. қайси заводда асосий ишлаб чиқариш фондлардан яхшироқ фойдаланилганини аниқланг.

24-масала. Цехнинг иш марома йилига 256 кун, кунига икки сменада, бир сменанинг ўртача давомийлиги – 8 соат. Станокларни режали таъмирлашга сарфланган вақт – 2%. Цехда 40 та станок ўрнатилган ва ишлайди. Маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун 30 дақиқа керак. Йиллик маҳсулот тайёрлаш дастури 80 минг донадан иборат.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: цех қуввати ва асбоб-ускуналарнинг бандлик коэффициенти қанча?

25-масала. Тўқимачилик цехида йил бошида 400 та станок ўрнатилган. Апрель ойида яна 6 та янги станок ўрнатилиши, 1-августда эса 10 таси ишдан чиқиши кўзда тутилган. Ҳар бир станок 1 соатда 4 м газлама ишлаб чиқариш қувватига эга. Цехнинг иш мароми: йилда 250 кун, кунига 2 смена, ҳар сменанинг ўртача давомийлиги – 8 соат. Ишчилар томонидан белгиланган меъёр (норма)ларни бажаришнинг режали фоизи – 107. Йилига газламалар ишлаб чиқариш дастури 7000 м.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: тўқимачилик цехининг ишлаб чиқариш қуввати ва ундан фойдаланиш фоизи қандай?

26-масала. Цехнинг умумий майдони 832 м². Бир дона маҳсулотни йиғиш учун керак бўлган майдон – 104 м². Бир дона маҳсулот йиғиш вақти – 48 соат. Цехнинг иш мароми – йилда 248 кун, ҳар бири 8 соатлик 2 сменада ишлайди. Ишлаб чиқариш дастури йилига – 640 дона маҳсулот.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: цех қуввати ва ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти.

7-МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ АЙЛАНМА МАБЛАҲЛАРИ

Айланма маблағлар – бу айланма ишлаб чиқариш фондлари ва муомала фондларига аванс қилинган пул маблағларидир. Чет эл корхоналари, фирма ва компаниялар иш амлиётида уларни айланма капитал деб атайдилар, бироқ айланма маблағларнинг иқтисодий табиати ва моҳияти бундан ўзгариб қолмайди.

Айланма маблағлар, асосий ишлаб чиқариш фондлари каби, корхонанинг муваффақиятли фаолиятининг муҳим омилidir. Улар ишлаб чиқариш жараёнини узлуксизлигини таъминлайди, аста-секин айланиш ҳосил қилади ва корхона фаолиятининг молиявий натижаларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Айланма маблағлардан самарали фойдаланиш – корхонанинг муҳим вазифаларидан биридир. У амалда ушбу маблағларни айланишини тезлаштириш, ёки уларни истеъмол қилиш ҳажмини камайтириш орқали таъминланади. Бунда айланма маблағларни тўғри меъёрлаш – эҳтиёж ва сарфни тартибга солиш, айланма маблағ ёрдамида оқилона ҳўжалик юритиш катта аҳамият касб этади.

Айланма маблағлар нормативи – бу корхонанинг нормал иш юритиши учун зарур бўладиган айланма маблағларнинг энг кам миқдоридир. Айланма маблағларнинг умумий нормативи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ишлаб чиқариш заҳираларидаги маблағлар ($O_{из}$);
- тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги маблағлар ($O_{тнч}$);
- тайёр маҳсулотдаги маблағлар ($O_{тм}$);
- келажак даврлар учун ҳаражат қилинган маблағлар ($f_{\text{ёв}}$).

$$\hat{I}_{\text{о\u0430\u0431\u0435\u043a}} = \hat{I}_{\text{ё\u0447}} + \hat{I}_{\text{о\u0435\u0442}} + \hat{I}_{\text{о\u0438}} + \hat{I}_{\text{ё\u0430}}.$$

Корхонанинг пул билан ифодаланган айланма маблағларга эҳтиёжини ҳисоблаш, суткадаги айланма маблағлар захираси нормаси ва моддий бойликларнинг кундалик сарф-ҳаражатиغا асосланиб амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш захираларидаги айланма маблағлар нормативи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$O_{из} = N_{\text{урт.сут.}} \cdot H_z$$

Бунда: $N_{\text{урт.сут.}}$ – ўртача кундалик материал сарфи (ишлаб чиқариш ҳаражатлари сметаси бўйича аниқланади);

H_z – материаллар захираси нормаси, кунларда.

Моддий бойликларнинг ўртача кундалик сарфи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$N_{\text{урт.сут.}} = \frac{M}{360}$$

Бунда: M – ишлаб чиқариш ҳаражатлари сметаси бўйича белгиланган моддий ресурслар;

360 – иқтисодий ҳисоб-китобга киритиладиган йил кунлари сони.

Семинар машғулоти саволлари:

1. Корхона айланма маблағларининг иқтисодий моҳияти, моддий таркиби ва тузилиши.
2. Айланма маблағларни нормалаштириш.
3. Айланма маблағларнинг шакллантириш манбалалари ва захираларни бошқариш.
4. Айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари ва уларни ҳисоблаш усуллари.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. В.Д. Грибов, В.П. Грузинов Экономика предприятия. Практикум. 3-е изд. перераб. и доп. Учебник М.: ФиС 2009.
3. Практическое пособие к семинарским занятиям по курсу «Экономика фирмы» / Под ред. Иващенко М.: Экономич. Факульт. МГУ, ТЕИС. 2003.
4. Практикум по экономике организации (предприятия). Учебн. Пособ./ Под ред. проф. П.В. Тальминой и проф. Б.В. Чернецовой М.: ФиС 2003.

Мустақил ечиш учун масалалар

27-масала. Ҳисобот йилида корхонанинг айланма маблағлари 1282,9 млн, сўмни ташкил этди.

Шу жумладан (млн. сўм):

- хом ашё, материаллар ва сотиб олинadиган яримфабрикатлар – 33,1;
- ёрдамчи материаллар – 205,3;
- ёқилғи – 3,7;
- эҳтиёт қисмлар – 45,9;
- қиммати паст ва тез эскирадиган буюмлар – 177,1;

- идишлар – 2,6;
- тугалланмаган ишлаб чиқариш – 24,1;
- келгуси давр ҳаражатлари – 270,2;
- тайёр маҳсулот – 181,5;
- ҳаридорга жўнатилган товарлар – 167,2;
- ҳисоб-китоблардаги маблағлар – 31,4;
- пул маблағлари – 21,0;
- қолганлари – 121,8.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Корхона айланма маблағларининг структураси.
2. Нормалаштириладиган ва нормалаштирилмайдиган айланма маблағларнинг ҳажми ва солиштирма оғирлиги қанча?
3. Ишлаб чиқариш ва муомалада бўлган айланма маблағларнинг катталигини аниқланг.
4. Бажарилган ҳисоб-китоблар жадвалини тузинг.

28-масала. Тоғ корхонасининг қазиб олиш ишлари дастурида йил давомида 14,5 млн. тонна тоғ массасини қазиб олиш кўзда тутилган. Йил чораклари бўйича у қўйидаги кўринишга эга:

- 1-чорак – 3.5 млн. тонна
- 2-чорак – 3.3 млн. тонна
- 3-чорак – 3.8 млн. тонна
- 4-чорак – 3.9 млн. тонна

Портлатувчи моддалар (ПМ)нинг солиштирма сарфи – 1 кг тоғ массасига ўртача 0.25 кг ни ташкил этади. ПМ етказиб беришлар ўртасидаги вақт оралиғи 15 кунга тенг. ПМни жўнаб кетиш бекатидан белгиланган бекатга етиб келиш вақти – 8 кун. ПМлар бўйича ҳисоб-китоб ҳужжатларини расмийлаштириш ва тўловни амалга оширишга 3 кун вақт кетади. ПМнинг сўғурта заҳираси корхонанинг 3 кеча-кундузлик эҳтиёжига тенг. 1кг ПМнинг нархи 300 сўм.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. ПМнинг суткалик сарфи қанча?
2. Айланма маблағларнинг нормативи қандай?

29-масала. Завод учун белгиланган йиллик ишлаб чиқариш дастурининг ҳажми 12000 дона маҳсулотдан иборат. 1 дона маҳсулот учун хом-ашё сарфи – 4 кг. Йилнинг охирига хом-ашё заҳираси – 23 кунни ташкил этади. Режалаштирилаётган йил бошига амалдаги хом-ашё заҳираси – 200 кг.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Режалаштирилаётган йил охирига ўтувчи хом-ашё қолдиғи қанча?
2. Режалаштирилаётган йилда зарур хом-ашё етказиб бериш миқдори қанча?

30-масала. Корхона бўйича қўйидаги маълумотлар мавжуд:

- Маҳсулот сотишнинг йиллик ҳажми – 80 млн. сўм
- Айланма маблағларнинг ўртача йиллик миқдори – 5.4 млн. сўм.

Тегишли чора тадбирлар қўрилгандан сўнг айланма маблағларнинг бир бор айланиш муддати бир неча кунга қисқарди.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Айланма маблағларнинг бир марта айланиш муддати амалда қанча?
2. Агар амалда айланма маблағлар қолдиғи:

- 1 апрел ҳолатига - 280 минг сўм
 - 1 майга - 360 минг сўм
 - 1 июнга - 330 минг сўм
 - 1 ноябрга - 380 минг сўмни ташкил этган бўлса, айланма маблағларнинг ўртача қолдиғи 2- кварталда қанча бўлади?
- 31-масала.** Корхона бўйича қуйидаги маълумотлар берилган:
Маҳсулот сотиш ҳажми (минг сўм)

Ҳисобот йилида –553400

Режа бўйича – 5682200

Ҳисобот йилида айланма маблағлар нормативи (меъёри) (минг сўм) – 18340.

Айланма маблағларнинг бир бор айланиб чиқиш муддати режа бўйича – 14 кун.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Маблағарнинг бир бор айланиб чиқиш муддати амалда неча кун?
2. Ҳисобот йилида ва режа бўйича айланишлар сони.
3. Режа бўйича қўзда тутилган айланма маблағларнинг йиғиндиси.
4. Маблағ айланишининг тезлатишлари боис озод этилган айланма маблағлар миқдори қанча бўлади?

32-масала. Ҳисобот йилида корхона 10780 минг сўм миқдори маҳсулот ишлаб чиқариб, сотишни қўзда тутган эди. Амалда эса бу кўрсаткич 15760 минг сўмни ташкил этди. Корхона айланма маблағларининг ўртача йиллик қолдиғи қуйидаги жадвалда келтирилган:

Айланма маблағлар	Ўртача йиллик сумма (қолдиқлар), минг сўм	
	<i>Башират қилинган</i>	<i>Амалдаги</i>
Хом ашё ва асосий материаллар	1600	1700
Ёрдамчи материаллар	110	130
Ёқилғи	500	500
Якунланмаган ишлаб чиқариш	1900	2100
Тайёр маҳсулот	850	900
Келажак даврлар учун харажатлар	100	-

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

Корхона аввалдан мўлжалланганга нисбатан қанча миқдорда (ҳажмда) айланма маблағларни бўшатган (озод этган).

33-масала. Корхона томонидан ишлаб чиқарилган буюмнинг соф оғирлиги 40 кг. Дастур бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми – 3000 дона материал ишлатишнинг амалдаги коэффиценти – 0,75. Технологик жараёнларнинг такомиллашуви натижасида корхона материалдан фойдаланиш коэффиценти 0,81 гача кўтариб, унинг қийматини 1 кг учун 350 дан 200 сўмгача пасайтиришни мўжаллаяпти.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Ҳар дона маҳсулотга моддий харажатнинг амалдаги ва мўлжалланган нормасини аниқланг.
2. Ишлаб чиқарилиши мўлжалланаётган маҳсулот тайёрлашда қанча материал тежаш мумкин.

8- МАВЗУ. КОРХОНАНИНГ КАДРЛАР СИЁСАТИ, МЕХНАТ ВА УНГА ҲАҚ ТЎЛАШ

ХИХ аср ўрталарида яшаб ўтган инглиз файласуфи Генри Бокль шундай деб ёзган: «...авваллари табиати бой давлат энг бой ҳисобланарди. Ҳозирда инсон энг кўп фаоллик кўасатаётган давлатлар энг қудратлидир». Файласуфнинг ушбу фикрини давом эттирар эканмиз, инсон – тарих бунёдкори, янги қадриятлар ва моддий бойликлар, маданият ва санъат яратувчисидир, дейишимиз мумкин.

Инсон – ишчи-ҳодим сифатида корхоналар фаолиятида муҳим ўрин тутди. Ишчилар, хизматчилар, муҳандис-техник ҳодимлар – меҳнат жамоасининг асосини ташкил этади ва унинг негизда ҳодимларнинг штат рўйхати тузилиб, корхона меҳнатга ҳақ тўлаш фонди шаклланади, шунингдек, ҳар бир ишчи-ҳодимга, сарфланган меҳнат миқдори ва сифатига қараб, ҳақ тўланади.

Айни пайтга келиб, меҳнат бозори шаклланган ва фаол иш юритмоқда, унинг инфратузилмаси яратилди. Ишсизлик эса яширин шакллардан очик, расман тан олинган кўриниш касб этди.

Буларнинг бари муайян тарзда корхонанинг кадрлар сиёсатига таъсир кўрсатади. Ушбу сиёсат аввалам бор, аҳолининг бандлигини таъминлашга (корхона имконияти ва ваколати доирасида), иккинчидан - ҳодимларни тўғри танлаб, керакли жойларга тўғри қўйишга, учинчидан – меҳнат унумдорлиги ва ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлашга йўналтирилиши лозим.

Корхона ишчи-ҳодимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядлари (тоифалари), коэффицент ва маълумотномалардан иборат тариф тизими асосида амалга оширилади.

Тариф тоифаси ишчи (ҳодим)нинг малакаси ёки бажарилган ишнинг мураккаблигини тавсифлайди. Тариф коэффицентини ушбу тоифага ҳақ тўлаш даражаси биринчи тоифа бўйича ҳақ тўлашдан неча баробар юқорилигини кўрсатади.

Тариф – малака маълумотномалари ишчи касблари ва уларнинг таърифидан иборат рўйхатлар кўринишида бўлади.

Меҳнатга тўғридан-тўғри индивидуал ишбай ҳақ тўлаш пайтида ишловчининг ҳисоб-китоб даври учун маоши ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори ва қиймати, яъни маҳсулот (иш) бирлигига тўғри келадиган ҳақдан келиб чиқиб, белгиланади.

$$C_{\text{ишбай}} = D * I_A = \frac{\tilde{N}}{\tilde{I}_{\text{еб}}} = \tilde{N} * t_{\text{ай}} * I_A$$

бунда: Р – маҳсулотга ишбай баҳо.

H_A – ҳисоб-китоб қилинаётган даврда ишчи томонидан амалда тайёрланган маҳсулот миқдори, табиий бирликда.

С – маълум тоифадаги ишчининг бир соатлик таъриф ставкаси.

$H_{\text{иш}}$ – ҳисоб-китоб даврида ишлаш нормаси.

$T_{\text{дн}}$ – вақт меъёри, соат.

Ишлаб чиқариш нормасини бажариш коэффицентини қуйидаги формула бўйича чиқарилади:

$$K_{\text{и/ч}} = \frac{H_A}{H_{\text{иш}}}$$

Ишчининг ишбай-мукофот тизими бўйича маоши қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{\text{ишбай-мукофот}} = C_{\text{ишбай}} + C_{\text{ишбай}} * \frac{\tilde{I}_A + \tilde{I}_{\text{и.а}} + \tilde{I}_i}{100}$$

бунда: $Z_{\text{ишбай}}$ – ишбай баҳолар бўйича маош.

P_6 – ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бажарилганда мукофот фоизи.
 $P_{6.6}$ – ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ортиғи билан бажарилиш фоизи.
 P_n – ишлаб чиқариш кўрсаткичлар ошириб бажарилганда тўланадиган мукофот фоизи.

Меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш пайтида ишчининг ўтган вақтидаги меҳнати учун ҳақи ушбу формула бўйича ҳисобланади:

$$C_{\text{в}} = T * C$$

$C_{\text{в}}$ – вақтбай ишчининг ишлаган вақти учун маоши.

T – ҳисобот даврида амалда ишлаган вақт (табелъ ҳисоби маълумотлари бўйича).

C – тегишли тоифадаги ишчининг бир соат ёки бир кунлик тариф ставкаси.

Бригада учун ишбай баҳо қуйидагича аниқланади:

$$B_{\text{аб}} = \sum_{i=\text{аб}} \frac{T}{t_{\text{аб}}} , \text{ ёки } B_{\text{аб}} = \sum \dot{O} * t$$

бунда:

$P_{\text{бр}}$ – маҳсулот (иш) бирлигига бригада учун белгиланган ишбай баҳо.

T – ишчилар тоифаси бўйича бригада аъзоларига белгиланган тариф ставкалари.

$H_{\text{бр}}$ – бутун бригада учун белгиланган ишлаб чиқариш нормаси

T – бажарилаётган ишнинг ҳар бир тоифаси учун меҳнат сарфи нормаси, норма-соат.

Бригада маошининг ($Z_{\text{бр}}$) умумий миқдори қуйидагича бўлади:

$$Z_{\text{бр}} = P_{\text{бр}} \cdot H_A$$

Бунда: $P_{\text{бр}}$ – маҳсулот (иш) бирлигига бригадала учун белгиланган ишбай баҳо.

H_A – бригаданинг амалдаги иши.

Бригаданинг ҳар бир аъзоси маоши ($Z_{\text{реб}}$) қуйидагича ҳисобланади:

$$Z_{\text{реб}} = \frac{Z_{\text{бр}}}{T_{\text{бр}}} \cdot T_{\text{реб}}$$

бунда: $T_{\text{бр}}$ – бригаданинг умумий тариф маоши (ҳар бир ишчи ишлаган соат ва уларнинг тоифалари бўйича тариф ставкаларидан келиб чиққан ҳолда).

$T_{\text{реб}}$ – алоҳида ишчининг тариф маоши.

Семинар машғулотлари саволлари:

1. Корхонанинг кадрлар сиёсати ва кадрлар салоҳияти, уларнинг моҳияти ва бозор иқтисодиёти шароитидаги ўзаро боғлиқлиги ҳамда ўзига хос хусусиятлари.
2. Кадрлар салоҳиятидан фойдаланиш соҳасидаги корхона стратегияси.
3. Меҳнат унумдорлиги, унинг кўрсаткичлари, ўсиш ўлчовлари ва ресурслари.
4. Корхонада меҳнатга ҳақ тўлаш тизими.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. «Управление персоналом предприятия». Учебное пособие. Под ред. П. Шемешова. «ИНФРА-М». Новосибирск, НГАЭ и У, 1999.

Мустақил ечиш учун масалалар:

34-масала. Корхонанинг ўтган йил ва режалаштирилаётган йилга ишчиларнинг ўртача рўйхат бўйича сони қуйидагича:

- Асосий ва ёрдамчи ишчилар –310 киши.

- Муҳандис техник ҳодимлар (МТХ) – 30 киши.
- Хизматчилар – 20 киши.
- Кичик хизмат кўрсатувчи ҳодимлар (КХХ) – 6 киши.
- Ўт ўчириш-қоровуллаш хизмати – 4 киши.
- Носаоноат ҳодимлари – 10 киши.

Ўтган йилда меҳнат унумдорлиги корхона саноат ишлаб чиқариш ҳодимларидан (СИХ) ҳар кишига 121000 сўмдан тўғри келади.

Режалаштирилаётган йил бошида эскиларидан 50% га кўпроқ унумли бўлган асосий фондлар ишга туширилади. Янги фондларда ишчиларнинг 30% (шартли равишда) ишлайдилар. Натижада, режалаштирилаётган йилда, меҳнат шaroитлари яхшиланиши самарасида эски асосий фондларда меҳнат унумдорлиги 10% га ортди.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Корхонанинг барча ишчи-ҳодимлари, шу жумладан, саноат ишлаб чиқариш ҳодимларининг ўртача рўйхат сонини аниқлаш.
2. Ҳисобот ва режа йилида маҳсулот ҳажми қанча бўлади.
3. Режалаштирилаётган йилда маҳсулот ўсиши абсолют катталиқда ва фоизларда қандай бўлади.

35-масала. Нефтни қайта ишлаш заводи ҳисобот йилини қўйидаги кўрсаткичлар билан яқунланади.

Маҳсулот	Ишлаб чиқариш ҳажми, минг тонна		Маҳсулотнинг 1 тоннаси нархи, минг сўм.
	Режа бўйича	Амалда	
Бензин	1500	1550	320
Керосин	620	630	185
Дизель ёқилғиси	2500	2600	170
Мазут	3200	3200	145

Корхона ишчиларининг ўртача рўйхат сони режа бўйича 2760 киши, амалда 2710 кишини ташкил қилади. Келаси йилга (башорат) бензин ишлаб чиқариш ҳажмини 15% га, керосинни 10% га, дизель ёқилғисини 6% га, мазутни 8% га кўпайтириш режалаштирилаяпти.

Бунда кўрсатилган маҳсулот нархи қўйидагича ортиш лозим:

- Бензин – 15 сўмга;
- Керосин – 10 сўмга;
- Дизель ёқилғиси - 10 сўмга;
- Мазут – 6 сўмга.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Ҳисобот йилида меҳнат унумдорлигининг ўзгариши.
2. Режалаштирилаётган даврда ишлаб чиқариш ҳажми ортиши ва маҳсулот нархи ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда меҳнат унумдорлигининг ўзгариши қандай бўлади?

36-масала. Ишлаб чиқаришга янги асбоб-ускуналар жорий этилиши натижасида меҳнат унумдорлиги 3% га ортди. Ишни илмий ташкил этиш чоралари туфайли иш вақтидан фойдаланиш 2% га яхшиланди. Бунда иш ҳажми ва ишчилар сонининг ортгани боис уларнинг меҳнат жамоасидаги умумий улуши 1,2% га ортган.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: меҳнат унумдорлигининг умумий ўсиши қанча бўлади?

37-масала. Меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича ўтказилган чора-тадбирлар натижасида машинасозлик заводининг йиғиш цехида 23 киши озод бўлди. Ушбу чоралар кўрилмаганда режадаги иш ҳажмини бажариш учун 350 киши керак бўлади.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: меҳнат унумдорлигининг ўсиши қанча бўлган?

38-масала. Корхонанинг штат рўйхати бўйича ишчилар сони 1950 кишини ташкил этган. Ташкилий-техник чора-тадбирлар дастурида қуйидагилар кўзда тутилган:

- Ишлаб чиқаришда тузилмавий ўзгаришларни амалга ошириш.
- Ишлаб чиқаришнинг техник даражасини юксалтириш.
- Бошқарувни, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш.
- Ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгартириш.
- Янги қувватларни ишга тушириш ва ўзлаштириш.
- Тармоқларга оид бошқа омиллар.

Юқоридаги омиллар натижасида меҳнатдан озод бўлган ишчилар сони 75 кишини ташкил этади, жумладан, юқоридаги бандлар бўйича тегишли равишда 26, 44, 12, 7, 9, 5 киши озод бўлган.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Ҳар бир омил бўйича меҳнат унумдорлигининг ўсиши (ўзгариши).
2. Умуман корхона бўйича меҳнат унумдорлиги қандай ўзгарган (омиллар йиғиндиси бўйича).

39-масала. Йирик машинасозлик заводи цехининг ишчилари сони 500 киши. Меҳнат унумдорлигининг ортиши 1,04% ни ташкил этди.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: меҳнат унумдорлигининг ортиши натижасида қанча ишчи озод бўлди?

40-масала. Заводнинг саноат ишлаб чиқариш ҳодимларининг маош фонди ҳар йилга 850 млн. сўм миқдорида белгиланган. Амалда эса маош фонди йилиги 925 мл. сўмни ташкил этди. Товар маҳсулот ишлаб чиқариш дастури 107,9% га бажарилган. Режали маош фондиди меъёрга солиш кўрсаткичи – 0,6%.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

Маош жамғармаси бўйича натижа (тежалиш ёки меъёрдан ортиқ ҳаражат) қандай?

41-масала. Нон маҳсулоти ишлаб чиқариш заводида меҳнат самарадорлиги ва унга ҳақ тўлаш бўйича қуйидагича кўрсаткичлар юзага келган:

Кўрсаткичлар	Базис йилнинг чорагида	ИБ	Ҳисобот йилидаги чораклар натижалари			
			1	2	3	4
Бир ишчига ўртача ойлик иш ҳақи, минг сўм						
• Режа	30		33	34	37	36
• Амалда	-		33	38	39	37
Бир ишчининг ўртача ойлик унумдорлиги						
• Режа	3000		3210	3335	3486	3420
• Амалда	-		3150	3380	3300	3480

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортиши ва ўртача маош ортиши ўртасидаги меъёрий нисбат қандай?
2. Меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақининг режа бўйича ва амалдаги ўсиш суръатлари қандай?

Ҳисоб-китоблар натижаларини жадвалга тўпланг.

42-масала. Механик цехда 100 та яримавтомат агрегатлар ишляпти. Цех 3 сменада, умумий дам олиш ва байрам кунларига риюя қилган ҳолда ишлайди. Бир ишчи 4 та агрегатга хизмат кўрсатади. Иш вақтининг номинал фонди ($\Phi_{\text{ивн}}$) – 263 соат, амалдагиси ($\Phi_{\text{ива}}$) – 230 соат.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

Агрегатларга тўлиқ хизмат кўрсатиш учун қанча ишчи керак бўлади?

43-масала. Корхона мураккаб маҳсулот ишлаб чиқаради. Уни тайёрлашда меҳнат сиғими ва ишчиларнинг тегишли тоифалар (разрядлар) бўйича соатлик ставкалари қўйидаги жадвалда келтирилган.

Кўрсаткичлар	Тоифалар				
	1	2	3	4	5
Маҳсулот ишлаб чиқаришда меҳнат сарфи, норма-соат	300	600	900	400	270
Ўртача соат ставкаси, сўм	41,8	45,5	50,3	55,7	62,8

Иш ҳақининг соат фондигача бўлган тариф фондига қўшимча тўловлар – 20%, Иш ҳақининг кундалик ойлик фондигача соат фондига қўшимча тўловлар – 3%, ойлик (йиллик) маош фондигача кундалик фондга қўшимча тўловлар – 7%.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

Корхонанинг асосий ишчиларига соатлик, кундалик ва ойлик маош фондларини ҳисоблаб чиқаринг.

44-масала. Асосий даврда корхонанинг маош фонди 2700 минг сўмни, товар маҳсулотининг ҳажми – 15800 минг сўмни ташкил этди. Янги (режадаги) йилда товар маҳсулот ҳажми 17000 сўмга етказилди, бунда меҳнат унумдорлиги 5% га, ўртача маош эса 2,5% га ортади.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

Корхонада режадаги маош фондини ҳисоблаб чиқаринг.

МАНЗУ-9. КОРХОНА РЕНТАБЕЛЛИГИ, ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАР

Қадимги дунёнинг буюк мутафаккири Аристотель (Арасту) шундай деб ёзган эди: «Одамлар нафақат бирини икки қилиш орқали, балки сарф ва харажатларни камайтириш ёрдамида ҳам бойийдилар». Дарҳақиқат, кўп асрлик хўжалик юритиш амалиёти қадимги юнон файласуфининг юқоридаги фикрини тасдиқлайди: сарф ёки харажат қанчалик камроқ бўлса, ресурслар шунчалик кўпроқ тежалади ва аксинча. Бироқ, жамият каби, корхонага ҳам ҳар қандай тежамкорлик тўғри келавермайди. Хусусан, маҳсулотнинг сифатига путур

етказувчи тежамкорлик фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради. Шу билан бирга оқилона хўжалик юртишнинг қатъий қондаси ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш ёки, аниқроқ айтганда – тайёрланаётган маҳсулот сифатига путур етказмаган ҳолда ишлаб чиқариш ҳаражатларини имкон қадар камайитиришдан иборат.

Ҳаражатлар деганда, замонавий иқтисодиёт фанида ишлаб чиқариш - савдо фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган сарф-ҳаражатлар йиғиндиси тушинилади. Корхонанинг ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳаражатлари маҳсулот тайёрлаш учун қилинган сарф-ҳаражатлар (таннарх)дан иборат. Савдо, таъминот, воситачилик ҳаражатлари эса муомала ҳаражатлари деб юритилади. Ҳаражат қанча кам бўлса, даромад шунча кўпроқ, ишлаб чиқариш рентабеллиги эса шунча ортиқроқ бўлади. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари давлатнинг самарали баҳо сиёсати билан муносиб бўлиши керак.

қиёсий товар маҳсулотининг таннархи ўзгаришини қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta C_T = \frac{\sum Q_{\text{реж}} \cdot C_{\text{реж}} - \sum Q_{\text{реж}} \cdot C_{\text{ф}}}{\sum Q_{\text{реж}} \cdot C_{\text{ф}}}$$

Бунда: $\sum Q_{\text{реж}} \cdot C_{\text{реж}}$ - маҳсулотнинг режали миқдорининг ушбу маҳсулотнинг режадаги таннархига кўпайтмасининг йиғиндиси.

$\sum Q_{\text{реж}} \cdot C_{\text{ф}}$ - барча турдаги маҳсулотнинг режадаги миқдорининг ушбу маҳсулотнинг ҳисобот давридаги таннархига кўпайтмасининг йиғиндиси.

Товар маҳсулотининг 1 сўмига қилинган ҳаражатлар бутун товар маҳсулоти таннархини (улгуржи нархларда) унинг ҳажмига бўлиш орқали аниқланади. Товар маҳсулотининг ҳар 1 сўмига ҳаражатнинг пасайиши қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$\Delta C = \frac{(X_x - X_{\text{реж}}) \cdot 100}{X_{\text{реж}}}$$

бунда: X_x , $X_{\text{реж}}$ – ҳисобот ва режалаштирилаётган даврларда товар маҳсулотининг 1 сўмига сарфланган ҳаражатлар.

Корхонанинг баланс фойдасини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаймиз:

$$\Delta \hat{O} = (\hat{O}_N - \hat{O}) + \hat{O} \hat{O}$$

бунда: T_c – маҳсулотни амалдаги нархларда сотилишидан олинган тушум.

X – маҳсулот ишлаб чиқаришга кетган ҳаражатлар.

X_{Φ} – чет ташкилотларга кўрсатилган иш ва хизматлардан олинган фойда.

Рентабелллик – баланс фойдаси суммасининг (БФ) асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати суммасига (Φ_{ac}) меъёрланган айланма маблағлар ($\Phi_{айл}$)га нисбати.

$$B_i = \frac{\Delta \hat{O}}{(\hat{O}_{\hat{a}\hat{n}} + \hat{O}_{\hat{a}\hat{e}\hat{e}})} \cdot 100.$$

Семинар машғулоти саволлари:

1. Маҳсулот қиймати, таннархи ва ҳаражатлар.
2. Корхонада маҳсулот таннархини режалаштириш ва калькуляция қилиш (ҳисоблаш).

3. Даромад, унинг моҳияти, шаклланиши ва тақсимланиши. Даромадни ошириш корхонанинг муҳим вазифаси.

4. Ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги, уни ҳисоблаш усуллари ва ошириш йўллари.

Тавсия этилган адабиётлар:

3. Махмудов Э.Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.

4. Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби туғрисидаги Низом. -Т.: 1999, 5 февраль.

5. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2003.

6. И.А. Бланк «Словарь-справочник финансового менеджера» Киев. «Ника – Центр» 1998.

Мустақил ечиш учун масалалар:

45-масала. Корхона 880 млн. сўм ҳажмда маҳсулот ишлаб чиқарди, бунда хом ашё ва материалларга кетган харажатлар 560 млн. сўм, ойлик маошга 152 млн. сўмни ташкил этди. Цех харажатлари 90 млн. сўм.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1.Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи.

2.Маҳсулот 1 сўмга харажатлар қанча бўлади?

46-масала. Режалаштирилаётган даврда заводда автомобиллар учун мўлажалланган аккумуляторлардан 17 минг дона, тормоз колодокмаридан 600 минг дона ишлаб чиқарилади. Режалаштирилаётган йилда бир аккумуляторнинг таннархи жорий йилдаги 17,2 минг сўмга нисбатан 15,8 минг сўмни, тормоз колодкаларининг таннархи эса тегишли равишда 8,8 ва 10,2 минг сўмни ташкил этади.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Режадаги тежамкорлик қандай бўлган?

2. Режалаштирилаётган йилда маҳсулот таннархи неча фоизга пасаяди?

47-масала. Корхона бўйича қўйидаги маълумотлар мавжуд: режалаштирилаётган йил бошига сотилмаган маҳсулот қолдиғи (минг сўмда):

корхонанинг улгуржи нархларида - 500;

ишлаб чиқариш таннархида - 450.

Йиллик режадаги товар маҳсулот ишлаб чиқариш:

корхонанинг улгуржи нархларида - 6700;

тўлиқ таннарх бўйича - 5800,

Режалаштирилаётган йил охирида кутилаётган сотилмаган маҳсулот қолдиғи (башорат):

корхонанинг улгуржи нархлари бўйича - 480;

ишлаб чиқариш таннархи бўйича - 460.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: режалаштирилаётган йилда товар маҳсулотини сотишдан олинган фойда қанча бўлади?

48-масала. Корхонанинг умумий фойдаси 1 йилда 5400 минг сўмни ташкил этди. Шу жумладан, ёрдамчи хўжалигидан олинган фойда 130 минг сўмни, халқ истеъмол молларини сотишдан олинган фойда 40 минг сўм. Асосий ишлаб чиқариш фондларининг ўртача йиллик қиймати 9800 минг сўм, меъёрланган айланма маблағ қиймати эса 4700 минг сўм. Банк кредити учун фоиз 50 минг сўм.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Баланс ва ҳисобий фойда қанча?

2. Умумий ва ҳисобий рентабеллик даражаси.

49-масала. Машинасозлик заводининг ўтган йилда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга харажатлари куйидагича бўлди (минг сўмда):

- Хом ашё, асосий материаллар, сотиб олинadиган маҳсулотлар ва яримфабрикатлар - 2480

- Ёрдамчи материаллар - 412
- Четдан келтирилган ёқилғи - 110
- Энергия - 320
- Иш ҳақи - 1815
- Ижтимоий суғурта ажратмалари - 142
- Амортизация - 565
- Бошқа харажатлар - 211

Йил давомида тугалланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиши 412 минг сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар завод таннархидан 3%ни, корхонанинг баланс фойдаси товар маҳсулотининг тўлиқ таннархидан 5% ни ташкил этган. Ишлаб чиқариш фондлари (асосий ва меъёрланган айланма маблағлар)нинг ўртача йиллик қиймати 500 минг сўм.

куйидаги шаклда ишлаб чиқариш харажатлари сметасини тузиш талаб этилади:

Йилга ишлаб чиқариш харажатлари сметаси

Харажат элементлари	Минг сўм
Хом ашё, асосий материаллар, сотиб олинadиган маҳсулотлар ва яримфабрикатлар	
Ёрдамчи материаллар	
Четдан келтирилган ёқилғи	
Энергия	
Иш ҳақи	
Ижтимоий суғурта ажратмалари	
Амортизация	
Бошқа харажатлар	
Якуний ялпи маҳсулот таннархи бўйича	
Йил давомида якунланмаган ишлаб чиқаришнинг ортиши (айирма)	
Таннарх бўйича товар маҳсулоти	
Ишлаб чиқаришдан ташқари харажатлар	
Тўлиқ таннарх бўйича товар маҳсулоти	
Улгуржи нархлар бўйича товар маҳсулоти	
Баланс фойдаси	
Ишлаб чиқариш рентабеллиги, %	

50-масала. Корхонанинг улгуржи нархларида маҳсулот сотишнинг йиллик ҳажми 12100 минг сўм, сотилаётган маҳсулотнинг тўлиқ таннархи 7000 минг сўм. Асосий фондлар ва меъёрланган айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати 12000 минг сўм. Банк кредити учун тўлов 50 минг сўм.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: умумий ва ҳисоблаган рентабеллик қандай бўлади?

51-масала. Корхона бўйича мавжуд маълумотлар қуйидаги жадвалда келтирилган.

Маҳсулот номи	Маҳсулот сотиш режаси, дона	Бир дона учун улгуржи нарх, сўм	Даромад солиғи %	Маҳсулот тўлиқ таннархи, сўм
А	1800	40	20	27,5
Б	2100	50	22	33,4

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: режалаштирилаётган йилда корхона фойдаси қандай бўлади, А ва Б турдаги маҳсулотлар рентабеллиги (алоҳида-алоҳида).

52-масала. Корхона улгуржи нархларда 6620 минг сўм ҳажмида маҳсулот ишлаб чиқарди. Ишлаб чиқариш таннархи 6040 минг сўм бўлди. Корхонанинг товар маҳсулотининг 1 сўмига ҳаражати башорат бўйича 92,3 тийинни ташкил этади.

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Корхонанинг товар маҳсулотининг 1 сўмига қилинган амалдаги ҳаражатлари қанча?
2. Товар ишлаб чиқаришда тежамкорлик қандай?

МАНЗУ-10. КОРХОНАНИНГ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИ

Инвестицион фаолият корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятдан фарқ қилади. Бу фарқ шундаки, инвестицион фаолият доимо ишлаб чиқаришни янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни янгилашга йўналтирилади ва маълум мақсадли инвестицион (молиявий) ресурсларни талаб қилади.

Инвестиция ёки капитал – бу ўз бойлигимизни янада кўпайтириш учун қурбон қилинадиган маблағдир, деб таърифлайди Австралиялик буюк олим Альфред Маршалл. Инглиз адиби Томас Фуллернинг «бугун тухумга эга бўлгандан кўра, эртага товукли бўлиб қолган яхшироқ» деган гапини ҳам ҳудди шу мавзуда қўллаш мумкин. Келтирилган ушбу фикр-мулоҳазалардан ҳулоса чиқарган ҳолда шунини айтиш мумкинки, барқарор ривожланиш ва исталган даромадни олишни қўзлаган ҳар қандай корхона, биринчидан, нафақат бугунги кунни, балки келажакни, истикболни ҳам назардан қочирмаслиги, иккинчидан, илмий-техник тараққиёт ютуқлари, яъни «ноу-хау»га таянган ҳолда иш юритиши лозим. Амалиёт шунини кўрсатадики, бу вазифалар айнан инвестицион фаолият туфайли қўнгилдагидек ҳал қилиниши мумкин.

Семинар машғулоти саволлари:

- 1.Бозор иқтисодиёти шароитида инвестицион стратегия ва сиёсат.
- 2.Корхона даражасидаги инвестицион фаолиятнинг моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари.
- 3.Инвестицион лойиҳаларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари ва усуллари.
- 4.Таваккалчилик омилларини ҳисобга олган ҳолда инвестицион лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш.

Тавсия этилган адабиётлар:

1. Э.Х. Махмудов Корхона иқтисодиёти. Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.
2. Э.Х. Махмудов, М.Ю. Исаков Капитал қурилиш иқтисодиёти. Маъруза матнлари, ТДИУ, 2009.
3. В.А. Чернов «Инвестиционная стратегия» Москва. «Юнити». 2003.

Мустақил ечиш учун масалалар:

53-масала. Корхона гайка ва болт ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Йиллик ишлаб чиқариш дастури 6250 минг дона. Ушбу буюмлар ишлаб чиқаришда 5 та станокдан фойдаланилади. Янги технология бўйича, улар ўрнига қиймати 62 минг сўм бўлган автомат ўрнатилди. Озод бўлган станоклар эса 32 минг сўм эвазига сотиб юборилди. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми ўзгармади.

Автомат ўрнатилгунча бир дона маҳсулот ишлаб чиқаришга (гайка билан болт) 28 сўм сарфланарди, ўрнатилгандан сўнг 17 сўм сарфланади. Янги технология жорий этилгач айланма фондларга қўшимча маблағ қўйилмалари 15 минг сўмга ортди. Бир дона маҳсулотга солиштира капитал қўйилмалар автомат ўрнатилгунча 4,5 сўм, ўрнатилгандан сўнг эса 8,5 сўмни ташкил этди. Нисбий самарадорлик коэффициенти – 0,15.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Йиллик иқтисодий самара.
2. Янги технологияга киритилган сармояларнинг ўзини оқлаш муддати.

54-масала. Маҳсулотга технологик ишлов беришнинг 3 варианты таққосланаяпти:

1-вариант. Асбоб-ускуналарга капитал сарф (K_1) – 100 минг сўм, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик таннархи (T_1) – 120 минг сўм.

2-вариант. Капитал сарф (K_2) – 110 минг сўм, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг йиллик таннархи (T_2) – 115 минг сўм.

3-вариант. (K_3) – 140 минг сўм, (T_3) – 105 минг сўм.

Нисбий самарадорлик норматив коэффициенти – 0,20. Капитал ҳаражатларининг ўзини оқлаш меъёрий муддати – 5 йил.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: лойиҳанинг қайси варианты келтирилган ҳаражатлар йиғиндиси ва ўзини оқлаш муддати бўйича энг маъқул бўлади?

55-масала. Нефтни қайта ишлаш заводида керосин ҳўжалигини (6 та пар қозони) янгилаш лойиҳаси ишлаб чиқилиб, амалга оширилди. Бу 1 кг. пар ишлаб чиқариш учун шартли ёқилғи сарфини 0,1045 дан 0,0977 т. гача камайитириш имконини берди. Корхонанинг лойиҳа амалга оширилгандан аввалги ва кейинги кўрсаткичлари қўйидаги жадвалда келтирилган.

Кўрсаткичлар	Лойиҳа жорий этилгунга	Жорий этилгандан сўнг
Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми, минг т.	1320	1386
1 т. маҳсулот таннархи, сўм	4830	-
1 т. маҳсулот таннархининг пасайиши %	-	3,2
қўшимча солиштира капитал қўйилмалари, сўм	-	15600
1 т. маҳсулот нархи	5425	5425

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: пар ишлаб чиқаришнинг янги технологик жараёнларни тадбиқ этишдан олинган иқтисодий самара қандай?

56-масала. 1-трактор заводи цилиндр бошчаси деталлари заводда мавжуд окимли (потокли) усулда («эски схема») тайёрланарди. Ушбу автоматик линияни ўрнатиш бўйича ҳаражатлар 213 минг сўмни ташкил этди. Бир дона деталга ишлов бериш таннархи 3215 сўм.

Шунга ўхшаш 2-заводда худди шу каби цилиндр бошчалари деталларига ишлов бериш бўйича автоматик линия лойиҳалаштирилди. Уни ўрнатишга капитал харажатлар 352,8 минг сўмни ташкил этди. Деталга ишлов бериш таннарни – 2657 сўм.

Асосий фондлар ва айланма маблағларга солиштирма капитал харажатлар йиллик маҳсулот ишлаб чиқариш дастури 120 минг дона бўлган ҳолда автоматик линиялар жорий этилгунча 1,77 сўмни (213000 : 120000), автоматик линия жорий этилгандан сўнг эса 2,94 сўм (352800 : 120000)ни ташкил этди.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Автоматик линияни тадбиқ этишдан йиллик иқтисодий самара.
2. Самарадорлик коэффициенти 0,20 бўлагнда ушбу линияни жорий этишга кетган харажатлар қанча муддатда ўзини оқлайди?

2-тест масаласи.

2 та корхона (масалан, нон заводи) бир хил маҳсулот ишлаб чиқаради. Агар улардан бири нархларни кўтарса, истеъмолчи ўзини қандай тутати?

- а) уни истеъмол қилишни кўпайтиради;
- б) истеъмол қилишни ўзгартирмайди;
- в) уни истеъмол қилишни камайтиради;
- г) истеъмол қилишни тўхтатади.

Тўғри жавобни танланг.

МАНВУ-11. КОРХОНАНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲАВФСИЗЛИГИ ВА ТИЖОРАТ СИРИ

Хўжалик юретишнинг бозор тизимида хос бўлган тарқоқлик ва рақобатчилик шароитида корхонанинг иқтисодий ҳавфсизлиги ва тижорат сири катта аҳамият касб этади. Жаҳон миқёсида тўпланган тажриба шуни кўрсатадики, кўпгина фирма ва компаниялар ёмон ишлагани, сифатсиз маҳсулот чиқаргани ёки баланд нарх белгилагани учун эмас, балки тижорат ва бошқа саноат сирлари фош бўлганлигидан инқирозга учраганлар. Бошқача айтганда, корхонанинг иқтисодий, техник ва бошқа хўжалик ҳавфсизлиги кучсизланади. Шу билан бирга, корхона фаолиятининг барча жиҳатларини ҳам сир тутавериш ярамайди. Албатта сир тугилиши зарур бўлган ва барча шу жумладан, ушбу корхона маҳсулоти, технологияси билан қизиқувчиларга ошкор қилиниши мумкин бўлган нарсаларни фарқлай билиш лозим. Бу эса ўз навбатида корхона ҳавфсизлик хизматларининг ҳамжиҳатлилиги, ушбу хизмат ходимлари ва хизмат тақозоси билан махфий ҳужжатларга алоқадор бўлган мутахассисларнинг малака тажрибасига боғлиқдир. Ҳар қандай ҳолда ҳам корхонанинг вазифаси – ўз иқтисодий ҳавфсизлиги ва тижорат сирини муҳофаза қилишдан иборат. Бунга эса турли йўللار, восита ва усуллар билан эришиш мумкин.

Семинар машғулотлари саволлари.

1. Корхонанинг иқтисодий ҳавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва асосий тамойиллари.
2. Корхонанинг ҳавфсизлик хизматлари, уларнинг тузилиши ва вазифалари.
3. Корхонанинг тижорат сири ва уни сақлаш усуллари.
4. Рақобатчилар ҳақида маълумот олиш усуллари ва тижорат сирининг ҳукукий ҳимояси.

Тавсия этилган адабиётлар:

4. Э.Х. Махмудов Корхона иқтисодиёти. Ўқув.қўлланма–Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти, 2006.

5. Экономика предприятия. 3-е изд., перераб. и доп. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. В.А.Швандара М.: ЮНИТИ-ДАНА 2009.

6. 9

7. А.И. Ковалев «Диагностика банкротства» М., АО «Финстатинформ» 1995.

8. Е. Шабалин, Н. Кричинский «Как избежать банкротства» М., «ИНФРА-М» 1996.

Мустақил ечиш учун масалалар:

57-масала. Миллий даромад қаяққа кетади?

Мазкур курсни ўрганиш давомида шуниси аён бўлиши керакки, корхона бу нафақат бозорнинг асосий субъекти, балки миллий даромаднинг асосий қисми яратилдиган иқтисодийёт бўғини ҳамдир. Шу боис корхонанинг муваффақиятли фаолияти ва миллий даромаднинг мутлақ массасини яратиш ўртасида бевосита боғлиқлик бор. Корхона қанчалик даромадли ва самарали ишласа, мамлакатда яратилаётган миллий даромад ҳажми кўпроқ бўлади ва аксинча, корхоналар қанчалик ёмон ишлаб, даромад ўрнига зарар кўрса, миллий даромад шунчалик кам, иқтисодий ўсиш суръатлари эса паст бўлади.

Маълумки, миллий даромад истеъмол ва жамғаришга (корхоналарни тузиш ва кенгайтириш, захираларни кўпайтириш ва ҳақозо) йўналтирилади. Шунинг ҳисобга олиш керакки, «жамғариш» тушунчасига уй-жой қурилиши, ижтимоий-маданий ривожланиш ва ҳақозоларга ҳаражатлар, яъни, аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилашга сарф-ҳаражатлар ҳам киради.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: қўйидаги жадвалда келтирилган маълумотлардан келиб чиқиб (маълумотлар шартли) миллий даромадда истеъмол ва жамғаришнинг солиштирма оғилиги 1985 йилга нисбатан фоизларда қандай бўлишини аниқланг. Ҳисоб-китоб натижаларига кўра тегишли хулосалар чиқаринг.

Миллий даромаднинг истеъмол ва жамғарма учун ишлатилиши
(млрд. сўмда)

Кўрсаткичлар	1985	1990	1995	2000	2004
Умумий миллий даромад шу жумладан:					
Истеъмолга	190,5	258,5	363,0	451,1	568,7
Жамғаришга	140,3	201,3	266,4	345,5	418,4
	50,2	84,2	96,6	108,6	150,3

58-масала. Корхонанинг асосий фондларининг тузилиши.

Актив (фаол) ва пасив (нофаол) қисмдан иборат асосий фондлар корхона ишлаб чиқариш салоҳиятини белгиловчи муҳим ташкилий омилдир. қўйидаги жадвалда айрим йилларда шаклланган корхона асосий фондлари структурасини (тузилиши) таърифловчи маълумотлар (рақамлар шартли) келтирилган (яқуний нисбатан % да)

	1990	1995	2000	2004
Асосий ишлаб чиқариш фондлари жами	100	100	100	100
шу жумладан:				
Биолар	29,0	29,7	27,6	27,1
қурилмалар	24,0	21,2	19,0	20,0
Узатувчи ускуналар	8,0	8,8	10,6	8,0
Машиналар ва асбоб-ускуналар	34,0	34,8	39,9	39,8
Транспорт воситалари	4,0	4,4	2,2	4,1
Бошқа асосий фондлар	-	1,1	0,8	0,1

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1.Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фондларининг фаол ва сушт (актив ва пасив) қисмларининг солиштирма оғирлигини аниқланг.

2.Уларнинг солиштирма оғирлиги йиллар бўйича қандай ўзгарганлигини тахлил қилинг.

3.Ўйлаб кўринг, корхонанинг асосий фондларни тузилишининг ўзгаришига қайси омиллар таъсир кўрсатган бўлиши мумкин?

4.Ушбу ўзгаришлар мамлакатда яратилаётган миллик даромаднинг катталигига таъсир кўрсата оладими?

59-масала. қуйидаги жадвалда барча электрстанциялар ва ГЭСлар томонидан электр қуввати ишлаб чиқаришнинг умумий кўрсаткичи ва электрстанциялар қуввати берилган.

	Электрстанциялар қуввати млн. кВт		Электр қуввати ишлаб чиқариш, млн. кВт	
	Жами	Шу жумладан ГЭС	Жами	Шу жумладан ГЭС
1980	11,2	1,6	48,6	5,2
1985	66,7	14,8	292	50,9
1990	166	31,4	741	124
1995	267	52,3	1294	184
2000	315	61,7	1544	215
2004	322	62,1	1600	216

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1.Гидроэлектрстанцияларнинг қуввати ва турли йилларда электр энергиясини ишлаб чиқариши бўйича солиштирма оғирлигини аниқланг.

2.Олинган кўрсаткичларни таққослаб, зарур хулосалар чиқаринг.

3.қайси йилни Гидроэнергетика учун энг муваффақиятли деб ҳисоблаймиз? Нимага?

60-масала. Домна печлардан фойдаланиш:

Чўян ишлаб чиқаришда домна печлардан фойдаланиш самарадорлиги 1 кг. чўянга тўғри келадиган ва метр кубда ифодаланадиган печ ҳажмини билдирувчи коэффициент билан таърифланади.

Домна печи қанчалик яхшироқ ишлатилса, бу коэффициент шунчалик пастроқ бўлади. қуйидаги жадвалда чўян ишлаб чиқариш ва домна печларнинг фойдали ҳажмидан оқилона фойдаланиш коэффициенти ифодаловчи кўрсаткичлар келтирилган.

Йиллар	Чўян ишлаб чиқариш, млн. т.	Домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти 1 т. га метр куб.
1980	14,9	1,19
1985	46,8	0,741
1990	85,9	0,597
1995	107,3	0,571
2000	110,0	0,558
2004	114,0	0,547

қуйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. 2004 йилда эришилган коэффициент билан аввалги йилларда қанча чўян ишлаб чиқариш мумкин эди?

2. 2004 йилда тегишли йиллар коэффициенти билан қанча чўян ишлаб чиқариш мумкин бўлар эди?

3. 2004 йилда домна печларининг фойдали ҳажмидан фойдаланиш коэффициенти ўзгартириш ҳисобидан қанча қўшимча чўян олинган?

61-масала. Асбоб-ускуналар илғорми?

Техник тараққиёт ва иқтисодий ривожланиш кўп жиҳатдан замонавий, илғор асбоб-ускуналардан фойдаланиш даражаси билан белгиланади. Сўнгги йилларда машинасозлик санатида махсус автоматик асбоб-ускуналар, рақамли дастурий бошқарувли станоклар,

саноат роботлари тадбик этилмоқда. Янги техникаларнинг жорий қилиниши меҳнат унумдорлиги анча кўтарари.

2004 йилда 130 та асбоб-ускуна бирлиги мавжуд бўлиб, ундан илғорлари 60 дон. 2005 йилда 20 та асбоб-ускуна ишга тушириш кўзда тутилган бўлиб, ундан 15 таси илғор асбоб-ускунадир.

Агар ҳар бир илғор ускуналарда оддийларига нисбатан 72 минг сўмга кўпроқ маҳсулот чиқарилса, илғор асбоб-ускунанинг солиштирма оғирлиги қандай ўзгаради ва корхона иқтисодиётига қандай таъсир қилади?

62-масала. Муддатидан аввал ишга тушириш самараси.

Завод 1 сменада 30 та маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга станок сотиб олди ва режага кўра, уни 1 июлдан бошлаб ишлатиши керак эди. Бироқ ускунани 1 май куни ишга туширишга муваффақ бўлишди. Бунинг учун хом ашё ва материаллар етарли эди. Ишчилар ҳам махсус тайёргарликдан ўтказилди.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: агар май ойида 21 иш куни, июндан эса 24 иш куни бўлган, иш эса 2 сменада олиб борилган бўлса, май ва июнь ойларида қанча кўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилган?

Агар бир маҳсулотнинг улгуржи нархи 720 сўм, таннархи эса 620 сўм бўлса, қанча кўшимча маҳсулот ишлаб чиқарилиб, фойда олинган?

Ҳисобланг: агар станок ишга тушириш муддатидан 10 кун кечикиб фойдаланишга топширилганда, заводнинг кўрган зарари қанча бўлади?

63-масала. Ҳаётий позиция.

Йўловчи тош йўнаётган 3 кишини учратди. У «Нима билан шуғулланаяпсизлар?» деб сўради.

Биринчиси: «Менга тош йўн деб айтишди, шуни бажараяпман», деб жавоб берди.

Иккинчиси: «Ойла бокиш учун пул ишляпман», дебди.

Учинчиси эса «Мен ибодатхона қураяпман», дебди.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади: Кимнинг позицияси сизга яқинроқ? Нимага? Имконият ва қобилиятлари бир хил бўлганда, қайси ишчидан кўпроқ иш натижасини кутиш мумкин? Замонамиз шароитида меҳнатнинг маъносини тушуниш, унинг умумий ишдаги ўрнини англаш қандай аҳамиятга эга? Иқтисодиётда мақсадни тушуниш муҳимми?

64-масала. Иқтисодий вазият.

Тоғ-металлургия комбинати қўйидаги асосий техник-иқтисодий кўрсаткичларга эга:

1. Товар маҳсулот ҳажми – 45428 минг сўм.

2. Ишчи-ҳодимлар сони (ППП) – 3560 киши.

3. Товар маҳсулотининг 1 сўмига ҳаражат – 78 тийин.

4. Шартли-донмий ҳаражатларнинг таннархи улуши – 37%.

5. Ижтимоий суғурта тўловлари (меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан) – 33%.

6. Ташкилий-техник тадбирларни бажаришга капитал ҳаражатлар – 4200 минг сўм.

7. Ташкилий-техник тадбирлар муносабати билан жорий ҳаражатларининг ортиши – 580 минг сўм.

8. Капитал ҳаражатларнинг солиштирма самарадорлиги коэффиценти – 0,15.

қўйидагиларни аниқлаш талаб қилинади:

1. Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва комбинат ишчиларининг озод бўлиши.

2. Меҳнат унумдорлиги ва ўртача маошнинг ўсиш суръати ва уларнинг маҳсулот таннархига таъсири (фоиз ва мутлақ ўлчамда).

3. Ташкилий-техник тадбирларни амалга оширишдан келадиган йиллик тежамкорлик.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва бошқа кўрсаткичларни ҳисоблашда қўйидаги омилларнинг ташкилий-техник тадбирларни янги хўжалик йилида ишлаб чиқариш

шароитлари ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда амалга оширишга таъсирини инобатга олиш даркор:

1. Меҳнат унумдорлигининг 6% га ўсишини таъминлайдиган тоғ ишлари, маҳсулот структурасининг ўзгариши омили.
2. Товар маҳсулотининг 1000 сўмига тўғри келадиган меҳнат сиғимини 143 дан 137 норма-соат миқдорида сақланиб қолиши.
3. Технологик асбоб-ускуналарнинг бир қисмини (280 тадан 84 дона) алмаштириб, янги асбоб-ускуналарда меҳнат унумдорлигининг 12% га ўсиши.
4. Бир ишчиға иш кунлари сонининг 229 дан 238 гача ортиши.
5. 8 соатлик иш кунида иш вақтининг смена ичидаги йўқотилишини 15 дан 8% гача қисқартирилиши.
6. Технологик йўқотишларнинг ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмидан 1,6 дан 0,5% гача пасайиши.
7. Ишчилар улушининг умумий ишловчилар ҳажмининг 75% дан 79,4% гача ортиши (ишбай ишчилар улуши барча ишчилар сонидан 69% ни ташкил этади). Кооперация бўйича маҳсулот етказиб бериш даражаси комбинат маҳсулот қийматидан 43% дан 40% гача ўзгариши.

2.2. “Корхона иқтисодиёти” фанидан кейслар тўплами

«Корхонада иқтисодий барқарорлиги кўрсаткичлари таҳлили» бўйича КЕЙС I. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

1. *Ўқув курсининг номланиши:* “Корхоналарни ривожлантириш стратегиялари” (ИИ-босқичда таълим олаётган магистрлар учун)

Мавзунинг номи: “Корхона иқтисодий барқарорлиги таҳлили”

2. *Яратилган кейснинг мақсади:* корхонада иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларини яхшилашдаги асосий вазиятларни таҳлил қилишни ўрганиш.

Кейс муваффақиятли ўз ечимини топганда талабалар куйидаги *натижаларга* эришадилар:

- корхонада иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишни;
- корхонада рентабелликни ошириш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари

ўрганадилар.

3. Мазкур кейс «ИЛЁСБЕК ОРЗУ УМИДИ» МЧЖ *маълумотлари* асосида ишлаб чиқилган.

4. *Кейсда фойдаланилган маълумотлар манбаи:* «ИЛЁСБЕК ОРЗУ УМИДИ» МЧЖ нинг 2012-2014 йиллардаги йиллик ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлари, харажатлар калькуляцияси, бошқарув тузилмаси ҳамда жамиятнинг 2013 йил учун тузилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши акс этган Бизнес режаси асос қилиб олинган.

5. Яратилган ушбу кейс *дала тадқиқотлари* турига кириб, унда қўйилаётган савол ва топшириқлар сюжетли тарзда тузилган. *Кейснинг объекти* сифатида юқорида зикр этганимиздек, «ИЛЁСБЕК ОРЗУ УМИДИ» МЧЖ олинган. Маълумотлар аниқлиги ва ишончлилигига тўлиқ кафолат берилади. Кейс тузилиши жихатидан *ўрта* ҳажмдаги кейс-стадилар турига киради.

6. *Дидактик мақсадларга* қўра-синтез ва таҳлиллар қилиш жараёнларин ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Масаланинг қўйилиши изчиллик асосида кетма-кет тарзда таҳлилий жараёнлар асосида ишлаб чиқилган. Муаммоли вазиятларга жавоб излаш ва ечиш мақсадида назарий билимлар турли хилдаги кўрсатмалар, қўлланмалар, эслатмалар тарзида берилган. Амалий машғулот дарси кейс-технологияси асосида ташкил этилганда талабаларнинг ҳар бир хатти ҳаракати, уларнинг қўйилган муаммога бўлган қарашлари, сабабий боғлиқликдаги

таҳлиллари ҳамда хулосалар ясашларини кузатиш ва баҳолаш осон кечади. Баҳолаш учун “Вазиятли таҳлил варақаси”нинг мавжудлиги ишни енгиллаштиради, бу эса ўз навбатида кейснинг *афзал жиҳатларини* намоён этади.

7. Ишлаб чиқилган мазкур кейсдан “Саноат иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти”, “Бизнес режалаштириш”, “Тадбиркорлик асослари”, “Саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш” фанларининг амалий машғулотида кенг *фойдаланиши* мумкин.

Кириш

Кейснинг долзарблиги. Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Кейснинг мақсади корхонада айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таъминлаш омилларини тадқиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича талабалар билимини чуқурлаштириб илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Кейсни ечими орқали эришиладиган ўқув натижалари. Муаммоли вазиятни камраб олган ушбу кейсни ечиш давомида талабалар қуйидагиларга:

- ўтилган мавзуларни мустахкамлашга;
- тасаввурларингизни тушунча даражасига келтириш имкониятига;
- маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлил қилишга;
- маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлилин олиб боришга;
- корхонада маҳсулотлар сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлилин амалга оширишга эришадилар.

1. «ИЛЁСБЕК ОРЗУ УМИДИ» МЧЖ даги вазият билан танишиш

«ИЛЁСБЕК ОРЗУ УМИДИ» МЧЖ 5 октябр 2007 йили таъсис шартномаси асосида тузилган. Андижон вилояти Марҳамат тумани Хокимлигининг қарори асосида 2012 й 17 июлда №3545 рестр рақами билан корхона низоми рўйхатга олинган. Корхонанинг юридик манзили Андижон вилояти Марҳамат шаҳри ипак йўли кўчаси.

Ўзбекистон бозоридаги товарлар ва хизматларга булган талабларини тулик кондириши, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва тижорат воситачилик хизматларини курсатиш ва шу йўллар билан даромад олиш Жамиятнинг асосий мақсадидир.

«ИЛЁСБЕК ОРЗУ УМИДИ» МЧЖ ихтисослашган корхона бўлиб, фаолиятининг асосий тури нонвойлик саноати маҳсулотлари ассортименти бўлган нон, нон-булка, батон маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришдан иборатдир.

2.Талабалар учун методик кўрсатмалар

Муаммо. Корхона иқтисодий барқарорлиги асосий курсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш. Таҳлил натижалари асосида корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш.

Вазифалар

- Корхонанинг иқтисодий натижаларини омилли таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.
- Корхона **иқтисодий барқарорлигини** ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларнинг “Корхона йиллик ҳисоботи”да ифодаланишини ўрганиш.

• “Корхона йиллик ҳисоботи” 1-2-3-шакл маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида корхонанинг асосий воситаларининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш.

Ечиш кетма-кетлиги

1. Корхонада юз берган вазият таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2. Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: Корхона фаолияти натижаси қандай бўлган ва қандай бўлиши мумкин?

3..Комплекс ва системали тарзда таҳлил қилиш ёрдамида вазиятнинг асосий муаммоси ечилади, баҳоланади, яхшилаш чора-тадбирлари тавсия қилинади.

Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма

Таҳлил босқичлари	Тавсия ва маслаҳатлар
1. Кейс билан танишиш	1. Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2. Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3. Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1. Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг. 2. Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин? 3. Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.
3. Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	1. Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: иқтисодий барқарор корхона, иқтисодий хатарли корхона, иқтисодий ночор корхона: ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга; ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик кўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффициенти ($K_{\text{тк}}$);
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($K_{\text{хм}}$);
- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{\text{их}}$),
- Активлар рентабеллиги. ($P_{\text{а}}$):

- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($K_{хк}$);
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:
- Эскириш коэффициенти ($K_{эск}$)
- молиявий мустақиллик коэффициенти ($K_{фи}$);

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс этирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сифими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

17- ж а д в а л

Иқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм	30196	47023	54766
2. Узоқ муддатли активлар	минг сўм	5916	20187	20188
3. Жорий активлар	минг сўм	24280	26906	34648
4. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	30196	47023	54766
5. Пул маблағлари	Минг сум	6250	8690	13210
6. Товар-моддий захиралари	Минг сум	11300	21360	25650
7. Дебиторлар	Минг сум	4200	3500	3200
8. Муддати ўтган дебиторлар	Минг сум	1600	1300	1100

Манба: Корхона маълумотлари асисиди

1. Тўлов қобилияти коэффициенти ($K_{тк}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоладиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тк} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

Агар **тўлов қобилияти коэффициенти** ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($K_{хм}$) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(П1 + Дзк2) - А1}{А2}$$

$П1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

$А1$ – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

$Дзк2$ – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{иx}$),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($K_{хк}$) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини иноватга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{кф} = \frac{Қ \text{ ҳақиқий}}{Қ_{лойиха} - (Қ_{ижара} + Қ_{консерв.})}$$

7. Эскириш коэффициенти ($K_{эск}$) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{эск} = \frac{Ав.эс}{Ав.бк}$$

3. Тўлдириш учун тавсия қилинган жадваллар

14-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.	2019й. 2017й.га Нисбата н ўзгариш динамик аси, %
1. Махсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми	Минг сўм	105350	73620	36210	
2. Махсулот сотишдан соф тушум	Минг сум	97420	68826	33418	
3. Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	60860	58502	27904	
4. Сотишдан олинган ялпи фойда	Минг сум	36560	10324	5514	
5. Ходимлар сони	Киши	12	10	6	
6. Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	5916	20177	20178	
7. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	1029	1006	1215	
8. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	4887	19111	18902	
9. Иш ҳақи фонди	Минг Сум	30240	28800	18000	
10. Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	8118	6882	5570	
11. Ўртача иш ҳақи	Сўм	210000	240000	30196	
12. Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	17404	5787	2238	
13. Соф фойда	Минг сум	11784	1657	232	
14. Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	19	2.8	2.3	-

2.2. Корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

18- ж а д в а л

Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2017 йилга	2018 йилга	2019 йилга	Ўзгариши (+,-)
1		2	3	4=3-2
1. Тўлов қобилияти коэффиценти				
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти				
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги				
4. Активлар рентабеллиги				
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти				
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти				
7. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти				

5. Кейсологнинг жавоб варианты

14-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.	2019й. 2017й.га Нисбата н ўзгариш динамик аси, %
15. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш хажми	Минг сўм	105350	73620	36210	34,4
16. Маҳсулот сотишдан соф тушум	Минг сум	97420	68826	33418	34,3
17. Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	60860	58502	27904	45,8
18. Сотишдан олинган ялпи фойда	Минг сум	36560	10324	5514	15,1

19. Ходимлар сони	Киши	12	10	6	50,0
20. Асосий фондларнинг бошлангич қиймати	Минг сўм	5916	20177	20178	340,1
21. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	1029	1006	1215	118,1
22. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	4887	19111	18902	386,8
23. Иш ҳақи фонди	Минг Сум	30240	28800	18000	59,5
24. Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	8118	6882	5570	68,6
25. Ўртача иш ҳақи	Сўм	210000	240000	30196	119,0
26. Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	17404	5787	2238	12,9
27. Соф фойда	Минг сум	11784	1657	232	2,0
28. Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	19	2.8	2.3	-

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Корхона охириги уч йиллик ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари динамикасига кўра (4-жадвал) маҳсулот ишлаб чиқариш камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилга келиб 34.3%га тушган. Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ҳажми га мос равишда камайиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2017 йилга нисбатан 45.8%га тушган. Корхонанинг ходимлари сони ҳам қисқариб борган таҳлил даврининг бошида 12 кишидан 2019йили 6 кишигача камайган. Корхонанинг асосий воситалари ҳам таҳлил даври давомида ошиб борган ва 2019 йили 2017га нисбатан 340%ни ташкил этган. Лекин асосий воситаларнинг эскириши камроқ суръатларда ўсиб борган ва уч йил давомида 118% ташкил этган.

Корхонанинг иш ҳақи фонди ва ўртача иш ҳақи қиймати ошиб борган, бу корхонада кучли ижтимоий сиёсат олибборилганлигига ишорадир.

Корхона соф фойдаси 2017 йилда 11784 минг сўмни ташкил этган, 2018 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг камайиши, оқибатида фойда 1657 минг сўмга тушган, шунга кўра рентабеллик ҳам кескин камайиб 2.8%ни ташкил этган. 2019 йилда соф фойда камайиб 232 минг сўмга тушиб қолган, рентабеллик эса 2.3%ни ташкил этган.

2.2. Корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар қуйидаги гуруҳларга бўлинади: иқтисодий барқарор корхона, иқтисодий хатарли корхона, иқтисодий ночор корхона: ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга; ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффициенти ($K_{тк}$);
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($K_{хм}$);
- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{их}$),
- Активлар рентабеллиги. (P_a):

- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти (К_{хк});
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:
- Эскириш коэффициенти (К_{эск})
- молиявий мустақиллик коэффициенти (К_{фи});

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англатувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс этирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сиғими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

17- ж а д в а л

Иқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.
9. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм	30196	47023	54766
10. Узоқ муддатли активлар	минг сўм	5916	20187	20188
11. Жорий активлар	минг сўм	24280	26906	34648
12. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	30196	47023	54766
13. Пул маблағлари	Минг сум	6250	8690	13210
14. Товар-моддий захиралари	Минг сум	11300	21360	25650
15. Дебиторлар	Минг сум	4200	3500	3200
16. Муддати ўтган дебиторлар	Минг сум	1600	1300	1100

Манба: Корхона маълумотлари асисиди муаллиф томонидан тузилди

1. Тўлов қобилияти коэффициенти (К_{тк}) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тк} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

Агар **тўлов қобилияти коэффициенти** ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2017 й. 24280 / 7500= 3.23

2018й. 26906 / 8600= 3.12

2019й 34648/12530= 2.76

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($K_{хм}$) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(П1 + Дзк2) - А1}{А2}$$

$П1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

$А1$ – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

$Дзк2$ – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

$$2017 \text{ й. } (30196+0-5916) / 24280 = 24280 / 24280 = 1$$

$$2018 \text{ й. } (47023+0 - 20187) / 26906 = 26906 / 26906 = 1$$

$$2019 \text{ й. } (54766 +0- 20188) / 34648 = 34648 / 34648 = 1$$

3. Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{иx}$),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

$$2017 \text{ йилда } P_{иx} = 1657 / 58502 = 0.28$$

$$2018 \text{ йилда } P_{иx} = 11784 / 60860 = 0.19$$

$$2019 \text{ йилда } P_{иx} = 232 / 27904 = 0.08$$

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{\text{ЎАД}}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса пасив рентабеллик деб ҳисобланади.

$$2017 \text{ йилда } P_a = 11784 / 24280 = 0.48$$

$$2018 \text{ йилда } P_a = 1657 / 26906 = 0.06$$

$$2019 \text{ йилда } P_a = 232 / 34648 = 0.006$$

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($K_{хк}$) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини иноватга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

$$2017 \text{ й. } 30196 / (7500-0) = 4.02$$

$$2018 \text{ й. } 47023 / (8600-0) = 5.46$$

$$2019 \text{ й. } 54766 / (12530-0) = 4.37$$

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{қф} = \frac{K_{\text{ҳақиқий}}}{K_{\text{лойиҳа}} - (K_{\text{ижара}} + K_{\text{консерв}})}$$

2017 й. $105350 / (102560 - 0) = 1.02$
 2018 й. $73620 / (105300 - 0) = 0.69$
 2019 й. $36210 / (105500 - 0) = 0.34$

7. Эскириш коэффициенти (Кэск) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$\text{Кэск} = \text{Ав.эс} / \text{Ав.бк}$$

2017 йил $1029 / 5916 = 0.17$
 2018 йил $1006 / 20187 = 0.04$
 2019 йил $1215 / 20188 = 0.06$

Корхонанинг иқтисодий барқарорлик ҳолатига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда коэффициентлардан фойдаланамиз. 18-жадвал маълумотларига кўра, Тўлов қобилияти коэффициенти 2017 йилга нисбатан 0.47 коэффициентга камайган. Ҳар бир йил учун тўлов қобилияти коэффициенти ҳисобот йилининг охирида меъёрдаги 1.25 дан юқори бўлган. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти давр охирида ўзгармаган, бу ўз навбатида белгиланган меъёрда. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ҳам меъёрдаги 0.05дан дастлабки икки йили кўп бўлган. Даврнинг давомида бир хил бўлмаган. Активлар рентабеллиги давр охирида 2017 йилга нисбатан камайган бўлиб, 2019 йили меъёрдан камайган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти 2019 йили давр бошидан +0,35 пунктга ортган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициентининг қиймати кейинги уч йилда бирдан юқори бўлган, бу корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжуд эмаслигининг аломатидир.

18- ж а д в а л

Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2017 йилга	2018 йилга	2019 йилга	Ўзгариши (+,-)
1		2	3	4=3-2
1. Тўлов қобилияти коэффициенти	3.23	3.12	2.76	-0,47
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти	1	1	1	-
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.28	0.19	0.08	-0.2
4. Активлар рентабеллиги	0.48	0.06	0.006	-0,474
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти	4.02	5.46	4.37	0.35
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти	1.02	0.69	0.34	-0,68
7. Асосий воситаларни эскириш коэффициенти	0.17	0.04	0.06	-0,11

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти дастлабки икки йил 0.5 дан юқори бўлган. Корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш юқори даражада деб

қабул қилиш мумкин эмас. Асосий воситаларни эскириш коэффициенти 0.5 дан юқори бўлмаган, яъни метъёрлар даражасидадир.

Мазкур коэффициентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий 2019 йилга нисбатан 2017 йилда бирмунча нотекис ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг иқтисодий барқарорлик коэффициентлари ўрганилганда, ушбу коэффициентларнинг ўзгариши охириги йили ижобий бўлмаган.

«Корхонада айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичлари таҳлили» бўйича КЕЙС

II. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Ўқув курсининг номланиши: “Корхона иқтисодиёти” (ИИИ-босқичда таълим олаётган бакалавр учун)

Мавзунинг номи: “Корхонанинг айланма маблағлари”

Яратилган кейснинг мақсади: корхонада айланма маблағлардан фойдаланиш кўрсаткичларини яхшилашдаги асосий вазиятларни таҳлил қилишни ўрганиш.

Кейс муваффақиятли ўз ечимини топганда талабалар қуйидаги *натижаларга* эришадилар:

корхонада айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишни;

корхонада айланма маблағлар билан таъминланганлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишни;

корхона айланма маблағлари самарадорлиги кўрсаткичларини баҳолаш ва уни ошириш имкониятларини аниқлашни;

корхонанинг айланиб турган ўз маблағлари динамикасини яхшилаш имкониятларини аниқлашни;

корхонада рентабелликни ошириш орқали айланма маблағлардан самарали фойдаланиш йўллари ўрганадилар.

Мазкур кейс “Аланга Қўмак Нур Файз” МЧЖ *маълумотлари* асосида ишлаб чиқилган.

Кейсда фойдаланилган маълумотлар манбаи: “Аланга Қўмак Нур Файз” МЧЖ нинг 2017-2019 йиллардаги йиллик ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлари, харажатлар калькуляцияси, бошқарув тузилмаси ҳамда жамиятнинг 2018 йил учун тузилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ақс этган Бизнес режаси асос қилиб олинган.

Яратилган ушбу кейс *дала тадқиқотлари* турига кириб, унда қўйилаётган савол ва топшириқлар сюжетли тарзда тузилган. *Кейснинг объекти* сифатида юқорида зикр этганимиздек, “Аланга Қўмак Нур Файз” МЧЖ олинган. Маълумотлар аниқлиги ва ишончилигига тўлиқ кафолат берилади. Кейс тузилиши жихатидан *ўрта* хажмдаги кейс-стадилар турига киради.

Дидактик мақсадларга кўра-синтез ва таҳлиллар қилиш жараёнларин ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Масаланинг қўйилиши изчиллик асосида кетма-кет тарзда таҳлилий жараёнлар асосида ишлаб чиқилган. Муаммоли вазиятларга жавоб излаш ва ечиш мақсадида назарий билимлар турли хилдаги кўрсатмалар, қўлланмалар, эслатмалар тарзида берилган. Амалий машғулот дарси кейс-технологияси асосида ташкил этилганда талабаларнинг ҳар бир хатти харақати, уларнинг қўйилган муаммога бўлган қарашлари, сабабий боғлиқликдаги таҳлиллари ҳамда ҳулосалар яшашларини кузатиш ва баҳолаш осон кечади. Баҳолаш учун “Вазиятли таҳлил варақаси”нинг мавжудлиги ишни енгиллаштиради, бу эса ўз навбатида кейснинг *афзал жиҳатларини* намоён этади.

Ишлаб чиқилган мазкур кейсдан “Саноат иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти”, “Бизнес режалаштириш”, “Тадбиркорлик асослари”, “Саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш” фанларининг амалий машғулотида кенг *фойдаланиши* мумкин.

Кириш

Кейснинг долзарблиги. Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Кейснинг мақсади корхонада айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таъминлаш омилларини тадқиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича талабалар билимини чуқурлаштириб илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Кейсни ечими орқали эришиладиган ўқув натижалари. Муаммоли вазиятни қамраб олган ушбу кейсни ечиш давомида талабалар қуйидагиларга:

- ўтилган мавзуларни мустаҳкамлашга;
- тасаввурларингизни тушунча даражасига келтириш имкониятига;
- маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлил қилишга;
- маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлилини олиб боришга;
- корхонада маҳсулотлар сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлилини амалга оширишга эришадилар.

1. “Аланга Кўмак Нур Файз” МЧЖ даги вазият билан танишиш

“Аланга Кўмак Нур Файз” МЧЖ Гулистон шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини руйхатга олиш инспекцияси томонидан 2006 йил 8-декабардаги 1115-реестр реестр рақами билан руйхатга олинган. «Аланга-кўмак Нур файз” МЧЖнинг юридик манзили Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 57/22-уй. «Аланга-кўмак Нур файз” МЧЖ фаолиятининг асосий тури қуйидаги тоифалар бўйича ишларни бажаришдан иборат: ичимлик сути ва сут маҳсулотлари тайёрлаш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, мева-салатлар пюреси ва улардан компотлар ишлаб чиқариш.

1-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари

<i>Кўрсаткичлар</i>	Улчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.	2019й. 2017й.га Нисбатан, %
Маҳсулот ҳажми	Минг сўм	47560	475320	565120	1188,2
Сотув ҳажми	Минг сум	45613	459799	554282	1215,2
Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	16808	156126	340136	2023,7
Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	28805	459799	554282	743,4
Ходимлар сони	Киши	26	38	49	188,5
Асосий фондларнинг ўртача йиллик бошланғич	Минг сўм	292319	1279786	1279786	437,8

қиймати					
Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	89780	245521	437489	487
Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	202539	1034265	842297	415
Йиллик иш ҳақи фонди	Минг Сум	112619	209760	291413	258
Ўртача иш ҳақи	Сўм	360950	460520	495620	137
Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	8051	38370	118450	1471
Соф фойда	Минг сум	4915	8563	106458	2166,0
Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	29.2	5.4	31.2	-
Корхонанинг умумий маблағлари	Минг сум	1297551	1310521	1325723	101
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	1051542	276256	548538	52
Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	234915	550445	872632	371
Дебитор қарздорлик	Минг сум	1034793	0	0	

2.Талабалар учун методик кўрсатмалар

Муаммо. Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш. Корхонада мавжуд бўлган вазият асосида унинг айланма маблағлари ҳолатини, таъминланганлигини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда уни яхшилаш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш. Таҳлил натижалари асосида корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш.

Вазифалар

- Корхонанинг иқтисодий натижаларини омилли таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.

- Корхона айланма маблағлари ҳолатини, таъминланганлигини ва самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларнинг “Корхона йиллик ҳисоботи”да ифодаланишини ўрганиш.

- Корхона айланма маблағлари ҳолатини, таъминланганлигини ва самарадорлигини белгиловчи ҳар бир кўрсаткичини аниқланиш йўллари ва умумлашган кўрсаткичларини аниқлаш.

- “Корхона йиллик ҳисоботи” 1-2-3-шакл маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида корхонанинг асосий воситаларининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш.

Ечиш кетма-кетлиги

1.Корхонада юз берган вазият таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2. Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: Корхона фаолияти натижаси қандай бўлган ва қандай бўлиши мумкин?

3..Комплекс ва системали тарзда таҳлил қилиш ёрдамида вазиятнинг асосий муаммоси ечилади, баҳоланади, яхшилаш чора-тадбирлари тавсия қилинади.

Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма

Таҳлил босқичлари	Тавсия ва маслаҳатлар
1. Кейс билан танишиш	1. Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2. Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3. Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1. Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг. 2. Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин? 3. Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.
3. Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	1. Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган ҳулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Ёнг яхши вариантни танланг.

Таҳлил жараёнида у ёки бу кўрсаткичнинг нимани ифодалаши, уларни боҳалаш йўлари ва маълумот манбаларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу туфайли, ҳар бир кўрсаткичнинг номини, нимани ифодалаши, аниқлаш йўларини келтирилган гуруҳлар бўйича кўриб чиқишни мақсада мувофиқ. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун қуйидаги жадвалларни тузилади (2-4 -жадваллар).

2-жадвал

Айланма маблағларни (Айм.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар, уларнинг мазмуни ва аниқланиш йўллари³⁹

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1.1. Айм. нинг умумий маблағлар-даги ҳиссаси	Айм.нинг умумий маблағларда неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$A_{\text{айм}}/B$
1.2. Айм. Таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз пул маблағлари мавжудлигини ифодалайди	$P_m / A_{\text{айм}}$
1.3. Айм. Таркибида захиралар ва харажатлар (Зх) ҳиссаси	Айм. таркибида қанча фоиз захиралар борли-гини кўрсатади	$Z_x / A_{\text{айм}}$
1.4. Айм. Таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси	Айм. таркибида дебиторларнинг неча фоиз ташкил қилишини кўрсатади	$Deb / A_{\text{айм}}$

³⁹ Манба: Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

1.5. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси	Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебиторлардаги неча фоиз ташкил қилишини ифодалайди	Дмуд/Д
1.6. Айм. Таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	Барча Айм.нинг қанча қисми ўз маблағлари ҳисобидан қопланишини кўрсатади	$(\text{Ў}_\text{м} + \text{У}_\text{мп} - \text{Ас}) / \text{Айм}$

Ушбу жадвал маълумотлари корхонанинг айланма маблағларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими, таснифи, аниқланиш йўллари, нимани ифодалаши ва ҳар бирининг ахборот манбаини кўрсатиб турибди. Бу эса мазкур кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш учун назарий ва услубий асос бўлади.

Корхонанинг айланма маблағлари – унинг айланма фондларда, муомала фондларида ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағларидир.

Улар асосий фондлардан фарқли ўларок, тўхтовсиз ҳаракатда бўлади. Чунки, бир ишлаб чиқариш цикли мобайнида тўлиқ истеъмол қилинади, ўз қийматини тайёр маҳсулотга ўтказди, ҳам буюм-натура кўринишида, ҳам қиймат тарзида тикланади.

Айланма маблағлар ҳақидаги маълумотлар бухгалтерия балансида ҳамда «Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари тўғрисида маълумотнома» деган 2-а шаклда кўрсатилади. Бухгалтерия балансида улар «Айланма активлар» деган активнинг 2-бўлимидан қайд этилади. Ушбу бўлимнинг якуни корхонанинг муайян санада айланма маблағларда турган маблағлари суммасини кўрсатади.

Халқаро амалиётда ушбу маблағлар турлича: жорий активлар, ҳаракатдаги активлар, айланма активлар деб юритилади.

3-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар⁴⁰

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
2.1. Айм. сигими, яъни 1 сўм натижага (К) тўғри келадиган Айм.	1 сўм натижа кўрсаткичига қанча Айм. тўғри келишини (натيجанинг фондчилигини) ифодалайди	Айм/К
2.2. Айм. меъёри-нинг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши	Айм. ҳақиқий суммасининг меъёрга нисбатини, яъни 1 сўм Айм.м.га тўғри келадиган ҳақиқий Айм. суммасини кўрсатади	Айм.х/ Айм.м
2.3. 1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм.	1 сўм Ав.га тўғри келадиган Айм. суммасини, яъни Ав.нинг Айм. билан таъминланганлигини ифодалайди	Айм/Ав
2.4. Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм.	1 та ходимга тўғри келадиган Айм. суммаси, яъни ходимларнинг Айм. билан таъминланганлигини кўрсатади.	Айм/Х

⁴⁰ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

4-жадвал

Айланма маблаглар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари⁴¹

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
3.1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	Айм. Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\frac{\text{Айм.Кс}}{\text{Кс}} \cdot \text{Кс}$ – даврдаги кунлар сони
3.2. Айм.нинг айланувчанлик коэффициенти, мартада	Таҳлил даврида Айм.га қўйилган маблагнинг неча марта айланишини ифодалайди	$\frac{\text{К}}{\text{Айм}}$
3.3. Айм.нинг рентабеллиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	$\frac{\text{Ф} \cdot 100}{\text{Айм}}$
3.4. Айм.нинг даромадлиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган даро-мадни (Д) ифодалайди	$\frac{\text{Д} \cdot 100}{\text{Айм}}$
3.5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	Дебиторларнинг (Деб) бир айланиш даври неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\frac{\text{Деб} \cdot \text{Кс}}{\text{Кс}}$

3. Тўлдириш учун тавсия қилинган жадваллар

3.1-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.	2019й. 2017й.га Нисбатан, %
Махсулот ҳажми	Минг сўм	47560	475320	565120	
Сотув ҳажми	Минг сум	45613	459799	554282	
Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	16808	156126	340136	
Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	28805	459799	554282	
Ходимлар сони	Киши	26	38	49	
Асосий фондларнинг ўртача йиллик бошланғич қиймати	Минг сўм	292319	1279786	1279786	
Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	89780	245521	437489	

⁴¹ Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2010, – 256 б.

Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	202539	1034265	842297	
Йиллик иш хақи фонди	Минг Сум	112619	209760	291413	
Ўртача иш ҳақи	Сўм	360950	460520	495620	
Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	8051	38370	118450	
Соф фойда	Минг сум	4915	8563	106458	
Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	29.2	5.4	31.2	
Корхонанинг умумий маблағлари	Минг сум	1297551	1310521	1325723	
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	1051542	276256	548538	
Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	234915	550445	872632	
Дебитор қарздорлик	Минг сум	1034793	0	0	

3.2-жадвал

Корхонада айланма маблағлар динамикаси ва улар таркибининг ўзгариш ҳисоб-китоби

Йиллар	Айланма маблағлар		Барча активлар		Айланма маблағларнинг барча активлардаги улуши, %
	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	
2017		100		100	
2018					
2019					

3.3-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи (+,-)
Айм. нинг умумий маблағлардаги ҳиссаси				
Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси				
Айм. таркибида захиралар (Зх) ҳиссаси				
Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси				
Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси				

3.4-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (Қ) тўғри келадиган Айм., сўм				
2. Айм. меъёрининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таъминланиши, %				
3. бир сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм., сўм				
4. Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм., минг сўм				

3.5-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га фарқи (+,-)
1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда				
2. Айм.нинг айланувчанлик коэффициенти, мартада				
3. Айм.нинг рентабеллиги				
4. Айм.нинг даромадлилиги				
5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)				

4.Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари	Максимал Балл	Гуруҳ натижаларини баҳолаш				
		1	2	3	4	5
Маълумотларнинг тўлиқлиги (тўлиқ, тўғри)	1,2					
Маълумотларнинг берилиши (аниқ, мантиқ асосида)	1,2					
Гуруҳларнинг фаоллиги (савол, жавоб, қўшимчалар)	0,6					
Максимал бал	3					
Баҳо 2-3- аъло 1-2- яхши 0,5-1- ўрта						

5. Кейсологнинг жавоб варианты

5.1. Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари таҳлили

7-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Улчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.	2019й. 2017й.га Нисбата н, %
Махсулот ҳажми	Минг сўм	47560	475320	565120	1188,2
Сотув ҳажми	Минг сум	45613	459799	554282	1215,2
Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	16808	156126	340136	2023,7
Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	28805	459799	554282	743,4
Ходимлар сони	Киши	26	38	49	188,5
Асосий фондларнинг ўртача йиллик бошланғич қиймати	Минг сўм	292319	1279786	1279786	437,8
Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	89780	245521	437489	487
Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	202539	1034265	842297	415
Йиллик иш ҳақи фонди	Минг Сум	112619	209760	291413	258
Ўртача иш ҳақи	Сўм	360950	460520	495620	137
Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	8051	38370	118450	1471
Соф фойда	Минг сум	4915	8563	106458	2166,0
Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	29.2	5.4	31.2	-
Корхонанинг умумий маблағлари	Минг сум	1297551	1310521	1325723	101
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	1051542	276256	548538	52
Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	234915	550445	872632	371
Дебитор қарздорлик	Минг сум	1034793	0	0	

Корхона охириги уч йиллик фаолияти давомида (7-жадвал) маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилга келиб 1215,2%га ортган. Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ҳажмига мос равишда ортиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2017 йилга нисбатан 2023.7%га ортган. Корхонанинг ходимлари сони ҳам ортиб борган таҳлил даврининг бошида 26 кишидан 2019йили 49 кишигача ортган. Корхонанинг асосий воситалари ҳам таҳлил даври давомида ошиб борган ва 2019 йили 2017га нисбатан 437,8%ни ташкил этган. Лекин асосий воситаларнинг эскириши ундан ҳам тез суръатларда ўсиб борган ва уч йил давомида 487%ни ташкил этган.

Корхонанинг иш ҳақи фонди ва ўртача иш ҳақи қиймати ошиб борган, бу корхонада кучли ижтимоий сиёсат олиб борилаётганлигига ишорадир.

Корхона соф фойдаси 2017 йилда 4915 минг сўмни ташкил этган, бунда кичик сумма бўлишига сабаб асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлари бўйича харажатлар ва солиқ ҳамда бошқа тўловлар бўйича ажратмалар қўп бўлган. 2018 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, ортикча харажатларнинг камайирилиши оқибатида фойда 8563 минг сўмга чиққан, лекин рентабеллик кескин камайиб 5.4%ни ташкил этган. 2019 йилда соф фойда ортиб 106458 минг сўмга кўтарилган, рентабеллик эса 31.2%ни ташкил этган. Бу ҳолатни ижобий баҳолаш мумкин.

5.2. Корхонада айланма маблағлар ҳолати таҳлили. Корхонада айланма маблағлар ҳолатининг қандай эканлигини билиш учун, ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида, унинг динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо айланма маблағлар динамикасини ўрганганда албатта барча активлар динамикаси билан солиштириш ва барча активларда уларнинг улуши қандай ўзгараётганлигини ҳам кузатиш бу борадаги ҳулосага анча ойдинлик киритади.

Ушбу ҳолатни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузиш керак (15-жадвал).

15-жадвал

Корхонада айланма маблағлар динамикаси ва улар таркибининг ўзгариш ҳисоб-китоби

Йиллар	Айланма маблағлар		Барча активлар		Айланма маблағларнинг барча активлардаги улуши, %
	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	
2017	1051542	100	1297551	100	81,04
2018	276256	26,27	1310521	101,0	21,08
2019	548538	52,17	1325723	102,2	41,38

Айланма маблағларнинг барча активларга нисбатан ўсиш суръатининг коэффициенти 0.51 ни (52.17 : 102.2) ташкил қилади. Ҳозирги пайтда корхонанинг айланма маблағларини ўсиши кузатилмаяпти, бу яхши ҳолат эмас. Чунки, айланма маблағлар старли бўлмаса такомиллашган асосий воситалар ва малакали кадрлардан кутилган даражада самарадорликка эришиб бўлмайди.

Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси

2017й. $P_m = 512/1051542 = 0.0004$

2018й. $P_m = 21000/276256 = 0.08$

2019й. $P_m = 451/548538 = 0.0008$

Айм. таркибида ишлаб чиқариш захиралари (Зх) ҳиссаси

2017й. $Z_x = 16237/1051542 = 0.015$

2018й. $Z_x = 255258/276256 = 0.92$

2019й. $Z_x = 207449/548538 = 0.37$

Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси

2017й. $De_b = 1034793/1051542 = 0.98$

2018й. Дебх = 0/276256 = 0

2019й. Дебх = 0/548538 = 0

Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси

2017й. Айм.ўм = 234915/1051542= 0.22

2018й. Айм.ўм = 550445/276256= 1.99

2019й. Айм.ўм =872632 /548538=1.59

16-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи (+,-)
Айм. нинг умумий маблағлардаги ҳиссаси	81,04	21,08	41,38	-39,66
Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси	0.0004	0.08	0.0008	0.0004
Айм. таркибида захиралар (Зх) ҳиссаси	0.015	0.92	0.37	0,355
Айм. таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси	0.98	0	0	-098
Айм. таркибида ўз маблағлари ҳиссаси	0.22	1.99	1.59	+1.37

Умумлашган ҳолатда тузилган ушбу 16-жадвал маълумотларидан кўринадик, корхона айланма маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссаси 2017 йилда жуда юқори бўлиб 81.04 %ни ташкил этган, кейинги йилда камайиб давр охирида 41.38% гача тушган. Корхона қайта ишлаш тармоғига оид бўлганлиги учун унда асосий воситалардан кўра айланма маблағлар кўп бўлиши мумкин. Бундай ҳолат эса маҳсулот таннархини асосий воситалар ҳисобига ошиб кетишига йўл қўймайди, лекин асосий воситалар эскириши юқориликдан дарак беради.

Ҳисобот даврида Айм. таркибида пул маблағлари (Пм) ҳиссаси таҳлил даврида жуда паст даражада ва камайиш томонга ўзгарувчандир. 2018 йил якунида корхона пул маблағлари улуши 8% бўлган, кейинги йили эса 0.008%гача камайган. Бу оператив ишлар учун енгиллик қийинчилик туғдириши мумкин.

Айм. таркибида ишлаб чиқариш захиралари ҳиссаси 2018 йили олдинги йилга нисбатан ортиб 92% етган ва охириги йили 37% гача тушиб қолган.

Корхонада Айм. таркибида дебиторлар ҳиссаси охириги уч йилда камайиш тенденциясига эга бўлган. Унинг улуши 2018йили 98%дан 0%гача камайган. Бу ҳолат дастлаб корхонани истеъмолчиларга боғланиб қолганлигини, кейинчалик эса аҳвол яхшиланганини кўрсатиб турибди.

Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг (Дмуд) умумий Деб.даги ҳиссаси. Корхонада муддати ўтиб кетган дебиторларнинг таҳлил даврида мавжуд эмаслиги, корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири катта бўлади ва ижобий баҳоланади.

Корхона дастлабки икки йилда айланма маблағларда ўз маблағларининг ҳиссасини ошиб бориши ижобий ҳолат ҳисобланади.Лекин 2019 йилда бу кўрсаткич кескин камайиб кетган.

5.3. Айланма маблағлар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили.

Айланма маблағлар билан таъминланганликни аниқлаш учун маълумотлар молиявий ҳисоботдан, баланснинг актив қисмидаги 2-бўлимидан олинади.

Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (К) тўғри келадиган Айм. , минг сўм
 2017й. $Айм_{сиғ} = 1051542 / 47560 = 22,10$
 2018й. $Айм_{сиғ} = 276256 / 475320 = 0,58$
 2019й. $Айм_{сиғ} = 548538 / 565120 = 0,97$
 Айм. меъёрининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таминалиши, %
 2017й. $Айм.м.т = 1051542 / 1011245 = 103$
 2018й. $Айм.м.т = 276256 / 270120 = 102$
 2019й. $Айм.м.т = 548538 / 550320 = 99$
 Бир сўмлик асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган айланма маблағлар, сўм
 2017й. $Ав_{айм} = 1051542 / 292319 = 3,59$
 2018й. $Ав_{айм} = 276256 / 1279786 = 0,21$
 2019й. $Ав_{айм} = 548538 / 1279786 = 0,42$
 Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм., сўм
 2017й. $Х_{айм} = 1051542 / 26 = 40444$
 2018й. $Х_{айм} = 276256 / 38 = 7270$
 2019й. $Х_{айм} = 548538 / 49 = 11195$

17-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи (+,-)
5. Айм. сиғими, яъни 1 сўм натижага (К) тўғри келадиган Айм., сўм	22,10	0,58	0,97	-21,13
6. Айм. меъёрининг (Айм.м) ҳақиқий миқдори (Айм.х) билан таминалиши, %	103	102	99	-4
7. бир сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган Айм., сўм	3,59	0,21	0,42	-3,17
8. Битта ходимга (Х) тўғри келадиган Айм., минг сўм	40444	7270	11195	-29249

Ушбу умумлашган 17-жадвалдан кўриш мумкинки, Айланма маблағлар сиғими кўрсаткичлари 2019 йили 2017 йилга нисбатан камайиш тенденциясига эга. Айланма маблағлар сиғимининг камайиши маҳсулот таннархини тушишига олиб келади. Бу борада хомашёдан фойдаланишни яхшилаш ёки унинг янги турларидан, прогрессив нормалардан фойдаланиш яхши бўлган. Охириги уч йил давомида бир сўмлик маҳсулот учун сарфланган айланма маблағлар нотекис ўзгарган, 2018 йилда олдинги йилга нисбатан -21,52 тийинга камайган, кейинги йили эса бу кўрсаткич орқага қайтган. Бундан хулоса қилиш мумкинки корхонада шу йили айланма маблағларидан самарали фойдаланилмаган

Таҳлил даврида Айм. меъёрининг ҳақиқий миқдори билан таминалиши жуда яхши даражада бўлиб, ўзгариш суръати ҳам бир текис, бу ортиқча маблағлар материал сарфига олиб келади. Айланма маблағлар ҳақиқий қийматининг меъёрлар доирасида бўлиши унинг самарадорлигини таъминлашга замин яратади.

1 сўм асосий воситаларга (Ав) тўғри келадиган айланма маблағлар қиймати 2017 йилда 3,59сўм бўлса 2018 йили камайиб 0,21 сўмга тўғри келган, охириги йили 0.42 сўмгача кўтарилган. Кўринадикки охириги икки йилда корхонадаги умумий маблағлар асосан асосий воситаларни шакллантиришга йўналтирилади.

Битта ходимга (X) тўғри келадиган айланма маблағлар қиймати корхонада нотекис ўзгариб борганлиги салбий ҳол бўлиб, меҳнат самарадорлигининг юқори бўлишига замин яратмайди.

5.4. Корхона айланма маблағлари самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили

1. Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги

2017й. $1051542 \cdot 360 / 45613 = 8299$

2018й. $276256 \cdot 360 / 459799 = 216$

2019й $548538 \cdot 360 / 554282 = 356$

2. Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффициенти – Ак)

$Ак = С / Аймўс \text{ ёки } Ак = 360 / Айм.$

2017й. $Ак = 360 / 8299 = 0,04$

2018й. $Ак = 360 / 216 = 1,7$

2019й $Ак = 360 / 356 = 1,01$

3. Айланма маблағлар рентабеллиги

Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига қанча фойда олинаётганлигини билдиради.

2017й. $4915 \cdot 100 / 1051542 = 0,46 \%$

2018й. $8563 \cdot 100 / 276256 = 3,1 \%$

2019й $106458 \cdot 100 / 548538 = 19,4 \%$

4. Айланма маблағлар даромадлилиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$Аймд = Д \cdot 100 / Айм.$$

2017 йил $28805 \cdot 100 / 1051542 = 2,73 \%$

2018 йил $459799 \cdot 100 / 276256 = 166,4 \%$

2019 йил $554282 \cdot 100 / 548538 = 101 \%$

5. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)

2017й. $1034793 \cdot 360 / 45613 = 8167$

2018й. $0 \cdot 360 / 459799 = 0$

2019й $0 \cdot 360 / 554282 = 0$

21-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га фарқи (+,-)
6. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	8299	216	356	-7943
7. Айм.нинг айланувчанлик коэффициенти, мартада	0,04	1,7	1,01	0,97
8. Айм.нинг рентабеллиги	0,46	3,1	19,4	18,94
9. Айм.нинг даромадлилиги	2,73	166,4	101	98,27
10. Дебиторларнинг айланувчанлиги (кунларда)	8167	0	0	-8167

21-жадвал маълумотларидан кўринадики, айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2017 йилда 8299 кунни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда эса камайиб борган, 2019 йили 356 кунгача тушган ёки 7943 кунга камайган.. Буни ижобий баҳолаш мумкин. Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициенти мос равишда ортиб борган ва таҳлил даврининг охирида 0.97 пунктга ортган. Айланма маблағларнинг рентабеллиги кўрсаткичида

ҳам ўсиш кузатилади давр охирида 2017 йилга нисбатан 18.94 фоиз пунктига ортган. Даромадлигида ўсиш 98.27 фоиз пункти бўлди. Дебиторларнинг айланивчанлиги давр охирида 8167 кунга қисқарган. Бу кўрсаткични ижобий баҳолаш мумкин.

«Корхонада амалий фаоллиги ва рентабеллиги кўрсаткичлари таҳлили» бўйича Кейс

III. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Ўқув курсининг номланиши: “Корхоналарни ривожлантириш стратегиялари” (ИИ-босқичда таълим олаётган магистрлар учун)

Мавзунинг номи: “Корхона иқтисодий барқарорлиги таҳлили”

Яратилган кейснинг мақсади: корхонада амалий фаоллиги ва рентабеллиги кўрсаткичларини яхшилашдаги асосий вазиятларни таҳлил қилишни ўрганиш.

Кейс муваффақиятли ўз ечимини топганда талабалар куйидаги *натижаларга* эришадилар:

корхонада амалий фаоллиги ва рентабеллиги кўрсаткичларини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилишни;

корхонада рентабелликни ошириш орқали ресурслардан самарали фойдаланиш йўлларини ўрганадилар.

Мазкур кейс «Жўмашуй гузари» МЧЖ *маълумотлари* асосида ишлаб чиқилган.

Кейсда фойдаланилган маълумотлар манбаи: «Жўмашуй гузари» МЧЖ нинг 2012-2014 йиллардаги йиллик ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлари, харажатлар калькуляцияси, бошқарув тузилмаси ҳамда жамиятнинг 2013 йил учун тузилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши акс этган Бизнес режаси асос қилиб олинган.

Яратилган ушбу кейс *дала тадқиқотлари* турига кириб, унда қўйилаётган савол ва топшириқлар сюжетли тарзда тузилган. *Кейснинг объекти* сифатида юқорида зикр этганимиздек, «Жўмашуй гузари» МЧЖ олинган. Маълумотлар аниқлиги ва ишончилигига тўлиқ кафолат берилади. Кейс тузилиши жихатидан *ўрта* хажмдаги кейс-стадилар турига киради.

Дидактик мақсадларга кўра-синтез ва таҳлиллар қилиш жараёнларин ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Масаланинг қўйилиши изчиллик асосида кетма-кет тарзда таҳлилий жараёнлар асосида ишлаб чиқилган. Муаммоли вазиятларга жавоб излаш ва ечиш мақсадида назарий билимлар турли хилдаги кўрсатмалар, қўлланмалар, эслатмалар тарзида берилган. Амалий машғулот дарси кейс-технологияси асосида ташкил этилганда талабаларнинг ҳар бир хатти ҳаракати, уларнинг қўйилган муаммога бўлган қарашлари, сабабий боғлиқликдаги таҳлиллари ҳамда ҳулосалар ясашларини кузатиш ва баҳолаш осон кечади. Баҳолаш учун “Вазиятли таҳлил варақаси”нинг мавжудлиги ишни енгиллаштиради, бу эса ўз навбатида кейснинг *афзал жихатларини* намоён этади.

Ишлаб чиқилган мазкур кейсдан “Саноат иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти”, “Бизнес режалаштириш”, “Тадбиркорлик асослари”, “Саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш” фанларининг амалий машғулотларида кенг *фойдаланиши* мумкин.

Кириш

Кейснинг долзарблиги. Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъектнинг олдига қўйган асосий мақсади бу фойда олишдир. Фойда ижтимоий ишлаб чиқаришни ҳамма босқичларининг иқтисодий категориясидир. Фойда иқтисодий категория ва молиявий яқун сифатида ўзининг энг юқори аҳамиятига бозор муносабатлари, бозор иқтисодиёти даврида кўтарилади. Фойдани барпо этиш, уни реализация қилиш бу кенгайтирилган қайта ишлаб чиқаришнинг, киймат қонунининг ва хўжалик юритиш усули сифатида фойдаланадиган хўжалик ҳисобининг объектив талабидир.

Кенгайтирилган қайта ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришнинг доимо кенгайишини, унинг техникавий даражасини мунтазам кўтариб туришни талаб этади. Бунинг учун ишлаб

чиқаришда ҳамма вақт фойдага эришилиши, реализация қилиниши ва ундан ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун фойдаланиш лозим.

Кейснинг мақсади корхона амалий фаоллиги ва рентабеллиги кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича талабалар билимини чуқурлаштириб илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Кейсنى ечими орқали эришиладиган ўқув натижалари. Муаммоли вазиятни камраб олган ушбу кейсنى ечиш давомида талабалар қуйидагиларга:

- ўтилган мавзуларни мустахкамлашга;
- тасаввурларингизни тушунча даражасига келтириш имкониятига;
- маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлил қилишга;
- маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлилини олиб боришга;
- корхонада маҳсулотлар сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлилини амалга оширишга эришадилар.

1. «Жўмашуй гузари» МЧЖ даги вазият билан танишиш

«Жўмашуй гузари» МЧЖ Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Хокимлиги хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси томонидан 21.05.2009 йилда ги 1611-реестр реестр рақами билан рўйхатга ўтган “Бустанова Муяссар” МЧЖнинг ҳуқуқий вориси сифатида 2010 йил 21 апрелда 1833 рақам билан рўйхатга олинган.

Жамиятнинг юридик манзили Наманган вилояти Мингбулоқ тумани Жомашуй шаҳарчаси, Озодлик кўчаси 76-уй. «Жўмашуй гузари» МЧЖ фаолиятининг асосий турлари Низом бўйича қуйидаги тоифалар бўйича ишларни бажаришдан иборат: тикувчилик текстил маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш; пиллани қайта ишлаш, ундан ипак ипи олиб тайёр маҳсулотгача бўлган жараёни амалга ошириш ҳамда сотиш; чакана савдо билан шуғулланиш; Ўзбекистон бозоридаги енгил саноат товарлари ва хизматларга булган талабларини тўлиқ қондириши, халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва тижорат воситачилик хизматларини кўрсатиш ва шу йўллар билан даромад олиш Жамиятнинг асосий мақсадидир. Ҳозирда жамиятда трикотаж маҳсулотлари, ўғил ва қиз болаларнинг майка ва ич кийимлари, катталар футболкалари, пайпоқлар, жами 12 турдаги тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

2.Талабалар учун методик кўрсатмалар

Муаммо. Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий кўрсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш. Корхонада мавжуд бўлган вазият асосида унинг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда уни яхшилаш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш. Таҳлил натижалари асосида корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш.

Вазифалар

- Корхонанинг иқтисодий натижаларини омилли таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.
- Корхона самарадорлигини белгилловчи ҳар бир кўрсаткичини аниқланиш йўлларини ва умумлашган кўрсаткичларини аниқлаш.
- “Корхона йиллик ҳисоботи” 1-2-3-шакл маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида корхонанинг асосий воситаларининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш.

Ечиш кетма-кетлиги

1. Корхонада юз берган вазият таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2. Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: Корхона фаолияти натижаси қандай бўлган ва қандай бўлиши мумкин?

3..Комплекс ва системали тарзда таҳлил қилиш ёрдамида вазиятнинг асосий муаммоси ечилади, баҳоланади, яхшилаш чора-тадбирлари тавсия қилинади.

Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма

Таҳлил босқичлари	Тавсия ва маслаҳатлар
1. Кейс билан танишиш	1. Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2. Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3. Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1. Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг. 2. Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин? 3. Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.
3. Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	1. Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.

Корхонанинг асосий воситалари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади.

3-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
1. Ав. Рентабеллиги	Ав. Ўртача қийматига нисбатан	$\text{СФ} \cdot 100 / \text{Ав}_{\text{ўр}}$
2. Ав. Даромадлиги	Ав. ўртача қийматига неча фоиз даромад тўғри келишини кўрсатади	$\text{Д} \cdot 100 / \text{Ав}$
3. Ав. Натижавийлиги (фонд қайтими)	1 сўм Ав. ўртача қийматига қанча миқдорда натижавий кўрсаткичнинг (сотилган маҳсулот, товар маҳсулоти, товар обороти ва ҳ.к.) тўғри келишини ифодалайди	$\text{Қ} / \text{Ав}$

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

5-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни аниқлаш йўллари

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмуни)	Аниқланиш формуласи
6. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	Айм. Бир айланиш даврининг неча кунга тўғри келишини кўрсатади	$\frac{\text{Айм.Кс}}{\text{Кс}}$ – даврдаги кунлар сони
7. Айм.нинг айланувчанлик коэффициентини, мартада	Таҳлил даврида Айм.га қўйилган маблағнинг неча марта айланишини ифодалайди	$\frac{\text{К}}{\text{Айм}}$
8. Айм.нинг рентабеллиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган фойдани кўрсатади	$\frac{\text{Ф} \cdot 100}{\text{Айм}}$
9. Айм.нинг даромадлилиги	100 сўм Айм. Суммасига тўғри келадиган даро-мадни (Д) ифодалайди	$\frac{\text{Д} \cdot 100}{\text{Айм}}$

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир. Чунки меҳнат қанча самарали бўлса, иқтисодий кўрсаткичлар шунча юқори бўлади. Шу туфайли ушбу гуруҳ кўрсаткичларни алоҳида баҳолаш ва таҳлил қилиш лозим.

Бундай кўрсаткичларга қуйидагилар киради:

4. Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги.
5. Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги.
6. Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги.

Ушбу кўрсаткичларнинг ҳар бирини аниқлаш йўллари алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Меҳнат салоҳиятининг натижавийлиги (Мс.н) натижанинг меҳнат салоҳиятига нисбати билан аниқланади.

$$\text{Мс.н} = \frac{\text{К}}{\text{Мс.}}$$

Меҳнат салоҳиятининг рентабеллиги (Мс.р)ни аниқлаш учун фойда суммасининг меҳнат салоҳиятига (Мс) нисбати олинади:

$$\text{Мс.р} = \frac{\text{Ф}}{\text{Мс.}}$$

Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги (Мс.д)ни аниқлаш учун ялпи даромад суммасини (Д) меҳнат салоҳияти миқдorigа (Мс) бўлинади:

$$\text{Мс.д} = \frac{\text{Д}}{\text{Мс.}}$$

2.2. Корхона фаолияти амалий фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Корхонанинг амалий фаоллиги коэффициентлари корхонанинг ўз маблағларидан қанчалик самарали фойдаланаётганини аниқлаш мақсадига хизмат қилади.

Амалий фаоллик коэффициентлари корхонанинг маблағлари айланиши тезлиги, яъни маблағларнинг пул кўринишига ўтиши тезлигини ифодалайди ва хўжаликнинг тўловга қобиллигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар сифатида юзага чиқади. Шунингдек, маблағлар айланишининг тезлашуви корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошишига ҳам сабаб бўлади. Амалий фаоллик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

1. **Активларнинг айланиши (АА)** – бу корхона активларига қўйилган маблағларнинг ҳар бир сўми қанча сўмлик сотилган маҳсулот қийматини келтирганини кўрсатади.

$$AA = \frac{CCT}{ЖА_{йк}}$$

Бу ерда: CCT - маҳсулот сотишдан соф тушум;

$ЖА_{йк}$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

2. **Ўз маблағларнинг айланивчанлик коэффиценти** = сотишдан келган соф тушум / ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати.

3. **Асосий воситалар айланивчанлиги ёки фонд қайтими** = сотишдан келган тушум / асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

4. **Дебиторлик счётидаги маблағларнинг айланиши (ДА)** корхонада бир йилда неча марта дебиторлик қарзлари ундирилаётгани ва пул маблағларига айлантирилаётганини кўрсатади:

$$ДА = \frac{CCT}{ДК}$$

Бу ерда: $ДК$ – соф дебитор қарзлари ўртача йиллик қиймати.

5. **Дебиторлик қарзларининг ўртача ундирилиши муддати (УМ_{дк})**

$$УМ_{дк} = 365 : \frac{CCT}{ДК}$$

Дебитор қарзларнинг ўртача қопланиш муддати корхонага дебиторлар қарзларни ундириш учун ўртача неча кун кераклигини кўрсатади.

6. **Кредиторлик қарзларнинг айланиши (КА):**

$$КА = \frac{CMT}{КК}$$

Бу ерда: CMT - сотилган маҳсулот таннарихи;

$КК$ – мол юбуровчиларга кредитор қарзларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхонага мол юбуровчилардан кредиторлик қарзларини узиши учун неча оборот зарурлигини кўрсатади.

7. **Кредиторлик қарзларини ўртача тўлаш муддати (ТМ_{кк}):**

$$ТМ_{кк} = 365 : \frac{CMT}{КК}$$

Бу ерда: CMT - сотилган маҳсулот таннарихи;

$КК$ – мол юбуровчиларга кредитор қарзларининг ўртача йиллик қиймати.

Кредитор қарзларини ўртача тўлаш муддати (кунда) хўжаликнинг мол юбуровчилардан ўз қарзини узиш учун ўртача кун кераклигини кўрсатади.

8. **Товар - моддий захиралари айланиши (ЗА):**

$$ЗА = \frac{CMT}{ТМЗ} \cdot 270$$

Бу ерда: ТМЗ – товар-моддий захираларининг ўртача йиллик қиймати.
Товар-моддий захиралари айланиши моддий-ишлаб чиқариш захираларини сотиш тезлигини (оборотини) кўрсатади.

9. Товар - моддий захираларни ўртача сақлаш муддати (ЎСМз):

$$УСМ_з = 365 : \frac{СМТ}{ТМЗ}$$

Бу ерда: ТМЗ – товар-моддий захираларининг ўртача йиллик қиймати.
Товар-моддий захираларнинг ўртача сақлаш муддати моддий-ишлаб чиқариш захираларининг омборда ўртача неча кун туриб қолаётганини кўрсатади.

10. Операцион циклниң узунлиги (ОЦ):

ОЦ = Дебитор қарзларнинг ўртача ундирилиши муддати (УМДк) + Товар-моддий захираларнинг ўртача сақлаш муддати (ЎСМз)

Операцион циклниң узунлиги корхонага маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва олинадиган товар-моддий захиралар учун ҳақ тўлашга неча кун кераклигини кўрсатади.

11. Молиявий даврнинг (циклнинг) давомийлиги = операцион давр давомийлиги - кредиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги.

2.3. Корхона фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари ва барча активлар рентабеллигининг омилли таҳлили

Рентабеллик кўрсаткичлари барча корхоналар фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир.

Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи куйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги. (Pa):

$$P_a = \frac{СФ}{ЖАйк}$$

бу ерда: СФ – соф фойда;

ЖАйк – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (Pсм):

$$P_{см} = \frac{СФ}{ССТ}$$

Бу ерда: Pсм– сотилган маҳсулот рентабеллиги;

ЯФ – ялпи фойда;

СФ – соф фойда;

ССТ – маҳсулот сотишдан соф тушум.

3. Хусусий капитал рентабеллиги (Рхк):

$$P_{хк} = \frac{СФ}{ХК}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда; $ХК$ – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{иx}$),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда; $МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

5. **Асосий воситалар рентабеллиги.**

$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$

6. **Айланма (оборот) активлар рентабеллиги.**

$P = \text{Соф фойда} * 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$

7. **Қарз маблағлари рентабеллиги.** Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$\text{Соф фойда} * 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$

3. Тўлдириш учун тавсия қилинган жадваллар

1-жадвал

«Жўмашуй гузари» МЧЖ нинг 2017-2019 йилларда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		2017 й.	2018 й.	2019 й.	Ўзгариш 2019й.да 2017й.га нисбатан, %
Товар маҳсулот ҳажми	Минг сўм	750160	870450	952760	
Сотиш ҳажми (соф тушум)	Минг сўм	700790	860150	930160	
Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	520230	605120	740230	
Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси	Минг сўм	180560	255030	189930	
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	411244	423560	512560	
Айланма мблағларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	326500	453120	475420	
Йиллик иш ҳақи фонди	Минг сўм	258672	344700	403776	
Ишловчилар сони	Киши	68	75	80	
Шу жумладан: рахбар ва мутахассислар	Киши	12	13	14	
Ишчилар	Киши	56	62	66	
Ўртача иш ҳақи	Сўм	317000	383200	420640	
Фонд қайтими	Сўм	1.7	2.03	1.81	

Солиқ тўлагунга қадар фойда	Минг сўм	130250	169740	177040	
Соф фойда	Минг сўм	40250	69866	88548	
Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	7.7	11.5	11.9	-

2-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи
Ав. Рентабеллиги, %				
Ав. Даромадлиги, %				
Ав. Натижавийлиги(фонд қайтими)				

3-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда				
2. Айм.нинг айланувчанлик коэффиценти, мартада				
3. Айм.нинг рентабеллиги				
4. Айм.нинг даромадлиги				

4-жадвал

Меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018й.	2019й.	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм				
2. Ялпи даромад, минг сўм				
3. Соф фойда, минг сўм				
4. Меҳнат салоҳияти ўртача йиллик миқдори, киши				

5. Мс. Натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:4к)				
6. Мс. Даромадлилиги, минг сўм(2к:4к)				
7. Мс. Фойдалилиги, минг сўм (3к:4к)				

5-жадвал

Ходимлар сони, маҳсулот ҳажми ва фойда кўрсаткичларининг 2017-2019 йиллардаги динамикаси

Йиллар	Ходимлар сони		Маҳсулот ҳажми		Соф фойда	
	киши	ўзгариш суръати, %	суммаси, мингсум	ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2017		100		100,0		100,0
2018						
2019						

6-жадвал

Меҳнат унумдорлиги ва рентабеллигининг ўзгариш динамикаси

Йиллар	Меҳнат унумдорлиги		Меҳнатнингфойдалилиги	
	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	1 ходимга тўғри келадиган фойда, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2017		100,0		100,0
2018				
2019				

7-жадвал

«Жўмашуй гузари» МЧЖнинг амалий фаоллиги кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2017й.	2018й.	2019й.	
1.Активларнинг айланувчанлиги коэффиценти - АА				

2.Ўз маблағларининг айланувчанлиги коэффициенти				
3.Асосий воситалар айланувчанлиги (фонд қайтими)				
4.Захираларнинг айланувчанлиги коэффициенти				
5.Захираларнинг ўртача сақлаш муддати, кун				
6.Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти				
7.Дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги, кун				
8.Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти				
9.Кредиторлик қарзларининг айланиш давомийлиги				
10.Операцион даврнинг (циклнинг) давомийлиги, кун				
11.Молиявий даврнинг (циклнинг) давомийлиги, кун				

8-жадвал

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2017й.	2018й.	2019й.	
1.Активлар рентабеллиги				
2. Сотиш рентабеллиги				

3.Хусусий капитал рентабеллиги				
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги				
5. Асосий воситалар рентабеллиги.				
6. Оборот активлар рентабеллиги.				
7. Қарз маблағлари рентабеллиги.				

5.Кейсологнинг жавоб варианти

1-жадвал

«Жўмашуй гузари» МЧЖ нинг 2017-2019 йилларда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар		2017 й.	2018 й.	2019 й.	Ўзгариш 2019й.да 2017й.га нисбатан, %
Товар маҳсулот ҳажми	Минг сўм	750160	870450	952760	127
Сотиш ҳажми (соф тушум)	Минг сўм	700790	860150	930160	132
Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сўм	520230	605120	740230	142
Маҳсулот сотишнинг ялпи фойдаси	Минг сўм	180560	255030	189930	105
Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	411244	423560	512560	124
Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати	Минг сўм	326500	453120	475420	145
Йиллик иш ҳақи фонди	Минг сўм	258672	344700	403776	156
Ишловчилар сони	Киши	68	75	80	117
Шу жумладан: раҳбар ва мутахассислар	Киши	12	13	14	117
Ишчилар	Киши	56	62	66	117
Ўртача иш ҳақи	Сўм	317000	383200	420640	132
Фонд қайтими	Сўм	1.7	2.03	1.81	1.06
Солиқ тўлағунга қадар фойда	Минг сўм	130250	169740	177040	110
Соф фойда	Минг сўм	40250	69866	88548	220
Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	%	7.7	11.5	11.9	-

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

2-Жадвал маълумотларидан кўринадикки корхонанинг 2017-2019 йиллардаги ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичлари асосан ўсиш тенденциясига эга. Товар маҳсулот ҳажми 2019 йилда 2017 йилга нисбатан 127 % га ортган. Худди шундай ҳолат сотиш ҳажмида ҳам кузатилади, лекин унинг ўсиш суръати юқорироқ бўлиб 132%ни ташкил этади. Бунга асосий сабаб сифатли хомашёдан фойдаланиш ва маркетинг, сотиш ишларидаги муваффақиятлардир.

Сотилган маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари кўрсаткичлариги ўзгариш ҳам ўсиш характериға эга бўлиб, у давр охирида 2017 йилга нисбатан 142%гача ортган, лекин бу ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишидан сал кўпроқдир, бу маҳсулотга сифатли хомашё ишлатилиши ҳисобига юзага келган, буни камайтириш чораларини кўриш лозим. Юқоридаги ҳолат маҳсулот сотишнинг ялпи фойдасини катта бўлмаган, яъни 105%га ортишига сабаб бўлган.

Корхонанинг ишлаб чиқариш фондлари таҳлил даврида кўпайган бўлиб, асосий воситалар 124%гача кўпайган. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ва иш турининг кўпайиши ҳисобига корхонада ишловчилар сони давр бошига нисбатан 117 %га ўсган ва ўртача ойлик иш ҳақи 132%га ошган. Ишчилар сони ҳам 117%га ортган. Фонд қайтими кўрсаткичи ижобий ўсишга эга ва давр охирида 106%га ортган.

Энг асосий молиявий кўрсаткич соф фойданинг миқдори 220 %га ўсган бўлиб, бунга асосий сабаб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши ҳисобланади. Ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги давр охирида 4.2 фоиз пунктга ортган. Умуман, «Жўмашуй гузари» МЧЖ нинг 2017-2019 йилларда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти кўрсаткичларини ижобий баҳолаш мумкин.

1. Ав. рентабеллиги асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиған фойда суммасини ифодалайди. У соф фойданинг асосий воситалар ўртача йиллик қийматига нисбати билан қуйидагича аниқланади:

$$\text{Раф} = \text{СФ} * 100 / \text{Ав}_{\text{ўр}},$$

бунда: Раф – асосий воситалар рентабеллиги; СФ – соф фойда.

$$\begin{aligned} 2017 \text{ йил } 40250 * 100 / 411244 &= 9.7 \% \\ 2018 \text{ йил } 69866 * 100 / 423560 &= 16.4 \% \\ 2019 \text{ йил } 85487 * 100 / 512560 &= 16.6 \% \end{aligned}$$

2. Асосий воситалар даромадлиги

$$\text{Ав.д} = \text{Д} * 100 / \text{Ав}$$

$$\begin{aligned} 2017 \text{ йил } 180560 * 100 / 411244 &= 43.9 \% \\ 2018 \text{ йил } 255030 * 100 / 423560 &= 60.2 \% \\ 2019 \text{ йил } 189930 * 100 / 512560 &= 37 \% \end{aligned}$$

3. Асосий воситалар натижавийлиги (фонд қайтими). Асосий воситалар маҳсулдорлиги таҳлил қилинаётган даврда (одатда, бир йилда) ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулотнинг Ав ўртача йиллик қийматига нисбати шаклида қуйидаги формула орқали топилади:

$$\text{Авм} = \text{М} / \text{Ав}_{\text{ўр}},$$

бунда: Авм – асосий воситалар маҳсулдорлиги;

М – таҳлил қилинган даврда ишлаб чиқарилган (сотилган) маҳсулот ҳажми; Авўр – асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

Бозор муносабатлари шароитида сотилган маҳсулот ҳажми хўжалик фаолиятини тўла ҳажмда акс эттиради. Фойда ва рентабеллик каби корхонанинг молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам ушбу кўрсаткичларга бевосита боғлиқдир. Шунинг учун Ав. маҳсулдорлигини ишлаб чиқарилган маҳсулот бўйича эмас сотилган маҳсулот ҳажми бўйича аниқлаш тўғри бўлади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия этилади:

$$\text{Авм} = \text{С} / \text{Ав}_{\text{ўр}},$$

бунда: С – сотилган маҳсулот ҳажми.

$$\begin{aligned} 2017 \text{ йил } 700790 / 411244 &= 1.7 \\ 2018 \text{ йил } 860150 / 423560 &= 2.03 \\ 2019 \text{ йил } 930160 / 512560 &= 1.81 \end{aligned}$$

2-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи
Ав. Рентабеллиги, %	9.7	16.4	16.6	+6.9
Ав. Даромадлилиги, %	43.9	60.2	37	-6.9
Ав. Натижавийлиги(фонд қайтими)	1.7	2.03	1.81	+0.11

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

2-Жадвал маълумотларидан кўринадики, асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар ичида асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда суммаси (рентабеллиги) 2017 йилда 9.7%ни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда эса ортиб борган 2018йили 16.4% бўлса давр охирида 16.9%гача ортган. Буни ижобий баҳолаш мумкин. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган даромад суммасида эса юқори суръатлардаги ўсишни кузатиш мумкин эмас, бу ердаги камайиш давр охирда 6,9 %ни ташкил этган. Асосий воситаларнинг 1 сўмига тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот (фод қайтими) суммасининг ўзгариши нотекис бўлиб бир маъромда ушлаб турилмаган., 2018йилда кўпроқ ортиб 2.03гача орган бўлса, 2019 йилда 1.81га тушиб қолган, умуман ўсиш давр бошига нисбатан 0.11 сўмга тўхғри келади.

Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлиги уларнинг айланиш тезлиги, даромадлилиги ва рентабеллиги билан, яъни айланма маблағларнинг 1 сўмига тўғри келадиган фойда миқдори билан белгиланади.

1. Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган айланиш тезлиги

2017й. $326500 \cdot 360 / 700790 = 168$ кун

2018й. $453120 \cdot 360 / 860150 = 189$ кун

2019й $475420 \cdot 360 / 930160 = 184$ кун

2. Айланма маблағларнинг неча марта айланиши (айланиш коэффициенти – Ак) сотилган маҳсулот суммасининг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида аниқланади ёки даврдаги кунлар сони (360) айланма маблағларнинг айланиш кунларига бўлинади. Бу қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Ак = С / Аймўс \text{ ёки } Ак = 360 / Айма.$$

2017й. $Ак = 360 / 168 = 2.1$

2018й. $Ак = 360 / 189 = 1.9$

2019й $Ак = 360 / 184 = 1.95$

3. Айланма маблағлар рентабеллиги соф фойданинг айланма маблағлар ўртача йиллик суммасига нисбати сифатида қуйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Аймр = СФ \cdot 100 / Аймўс,$$

бунда: Аймр – айланма маблағлар рентабеллиги;

СФ – соф фойда. Бу кўрсаткич корхона айланма маблағларининг 1 сўмига қанча фойда олинаётганлигини билдиради.

2017 йил $40250 \cdot 100 / 326500 = 12.32 \%$

2018 йил $69866 \cdot 100 / 453120 = 15.4 \%$

2019 йил $85487 \cdot 100 / 475420 = 17.9 \%$

4. Айланма маблағлар даромадлилиги (Аймд) даромад (Д) суммасини айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига тақсимлаш йўли билан аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формула тавсия қилинади:

$$\text{Аймд} = \text{Д} \times 100 / \text{Айм.}$$

$$2017 \text{ йил } 180560 \times 100 / 326500 = 55.3 \%$$

$$2018 \text{ йил } 255030 \times 100 / 453120 = 56.2 \%$$

$$2019 \text{ йил } 189930 \times 100 / 475420 = 40 \%$$

3-жадвал

Айланма маблағлар (Айм) самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлили

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи (+,-)
5. Айм.нинг айланувчанлиги, кунларда	168	189	184	16
6. Айм.нинг айланувчанлик коэффициенти, мартада	2.1	1.9	1.95	-0.15
7. Айм.нинг рентабеллиги	12.32	15.4	17.9	5.58
8. Айм.нинг даромадлилиги	55.3	56.2	40	-15.3

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

3-жадвал маълумотларидан кўринадики, айланма маблағларнинг айланувчанлиги 2017 йилда 168 кунни ташкил этган бўлса, кейинги йилларда эса ортиб борган, 2019 йили 184 кунгача етган ёки 16 кунга ортган. Буни ижобий баҳолаш мумкин эмас. Айланма маблағларнинг айланувчанлик коэффициентини мос равишда камайиб борган ва таҳлил даврининг охирида -0.15 пунктга камайган. Айланма маблағларнинг рентабеллиги кўрсаткичида эса кескин ўсиш кузатилади давр охирида 2017 йилга нисбатан 5.58 фоиз пунктга ортган. Даромадлилигида эса камайиш 15.3 фоиз пунктга тенг бўлди. Бу кўрсаткични ижобий баҳолаш мумкин эмас. Айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилганда уларга доир кўрсаткичларни ҳисоблаб чиқиш, бу кўрсаткичларни ўтган йил ва бизнес режа маълумотлари билан таққослаш керак. Шундан кейин бу кўрсаткичларнинг ўзгариш даражасига турли омиллар таъсири аниқланади. Мазкур омилларни ўрганиш асосида айланма маблағлардан фойдаланиши самарадорлигини ошириш йўллари аниқлаш ва тавсия этиш керак бўлади. Меҳнат самарадорлиги, унинг натижавийлиги, яъни маълум вақт бирлигида бита ҳодимга тўғри келадиган натижа билан ўлчанади⁴². Масалан, ишлаб чиаришда бир кишига тўғри келадиган тайёр маҳсулот ҳажми, бир кишига тўғри келадиган даромад ёки фойда каби кўрсаткичларни киритиш мумкин.

Меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча хўжалик юритувчи субъектлар учун ўта муҳимдир.

Келтирилган кўрсаткичлар тизимида амалий маълумотларни қўллаб меҳнат салоҳияти самарадорлигини таҳлил қилиш мумкин. Бунинг учун қуйидаги жадвал тузилади (4-жадвал).

⁴² Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2009, – 256 б.

4-жадвал

Меҳнат салоҳиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018й.	2019й.	Ўзгариш суръати, %
1. Маҳсулот ҳажми, минг сўм	750160	870450	952760	127
2. Ялпи даромад, минг сўм	180560	255030	189930	105
3. Соф фойда, минг сўм	40250	69866	88548	220
4. Меҳнат салоҳияти ўртача йиллик миқдори, киши	68	75	80	117
5. Мс. Натижавийлиги, яъни меҳнат унумдорлиги, минг сўм (1к:4к)	11032	11606	11909	108
6. Мс. Даромадлилиги, минг сўм(2к:4к)	2655	3400	2374	89
7. Мс. Фойдалилиги, минг сўм (3к:4к)	591	931	1106	187

Манба: Корхона ҳисоботлари асосида ишлаб чиқилган

4-жадвалдан кўриниб турибдики, маҳсулот ҳажми 2019 йилда давр бошига нисбатан 127%га ортган ҳолда ялпи даромад 2019 йилда 105%га ортган, бу маҳсулот сотиш ҳажмидаги даромадларни ортиб бораётганидан дарак берувчи ижобий ҳолат ҳисобланади.

Соф фойда миқдори эса 2017 йили 40250минг сўм бўлса, 2019 йили 88548 минг сўмгача ортган, давр бошига нисбатан 220%га ортган, бу эса ўз навбатида корхона харажларини камайиб қўшилган қийматни ошиб бораётганидан дарак беради. Меҳнат унумдорлиги 2017 йили ҳар бир киши ҳисобига 11032 минг сўм бўлса, 2019 йили 11909 минг сўмга тўғри келган, давр бошига нисбатан 108%га ўсган, бу эса ўз навбатида ходимларнинг меҳнат мотивациясини органидан дарак беради. Меҳнат салоҳиятининг даромадлилиги 89%га тушиб қолган бўлса, бу ходимлар сони ортишидан даромадни ортиши суръати орқада волаётганида дарак беради. Лекин фойдалилиги 187% га ортган. Меҳнат салоҳияти самарадорлиги кўрсаткичларига 2017-2019 йилларда корхона даромадидаги нотекис ўзгаришлар ижобий таъсир қилган. Самарадорлик бўйича таҳлилнинг навбатдаги босқичида ходимлар сони асосий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциясини аниклаш лозим. Бу эса уларнинг динамикасини таҳлил қилишни тақозо қилади. Ходимлар сонининг динамикасини аниқлашда албатта ҳажм кўрсаткичларини фойда каби кўрсаткичлар динамикаси билан солиштирган ҳолда таҳлил қилиш лозим.

Бунинг учун қуйидагича жадвал тузилади (5-жадвал).

5-жадвал

Ходимлар сони, маҳсулот ҳажми ва фойда кўрсаткичларининг 2017-2019 йиллардаги динамикаси

Йиллар	Ходимлар сони		Маҳсулот ҳажми		Соф фойда	
	киши	ўзгариш суръати, %	суммаси, мингсум	ўзгариш суръати, %	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2017	68	100	750160	100,0	40250	100,0

2018	75	110	870450	116	69866	173
2019	80	117	952760	127	88548	220

5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ходимлар сони шу уч йил мобайнида 117 фоизга ўсган. Аммо маҳсулот ҳажми ва фойданинг ўсиш суръати шу йилларда ходимлар сонига нисбатан юқори. Масалан, маҳсулот ҳажми шу уч йилда 117 фоизга ошган бўлса, корхонанинг соф фойдаси 220 фоизга ошган. Бу кўрсаткичлар меҳнат самарадорлигининг ошганлигидан далолат беради. Буни аниқ билиш учун қуйидаги жадвални тузамиз (6-жадвал).

6-жадвал

Меҳнат унумдорлиги ва рентабеллигининг ўзгариш динамикаси

Йиллар	Меҳнат унумдорлиги		Меҳнатнинг фойдалилиги	
	суммаси, минг сўм	ўзгариш суръати, %	1 ходимга тўғри келадиган фойда, минг сўм	ўзгариш суръати, %
2017	11032	100,0	591	100,0
2018	11606	105	931	157
2019	11909	108	1106	187

6-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, меҳнат унумдорлиги ҳам, меҳнат рентабеллиги ҳам олдинги икки йил, яъни 2018, 2019 йиллар мобайнида 2017 йилга нисбатан ўсиш суръатининг шу иккала кўрсаткич бўйича ҳам ошганлигини кўрамиз. 1 ходимга тўғри келадиган фойда кескин ўзгарган ва охириги йили давр бошига нисбатан 187 фоизга ортган.

Корхона фаолияти амалий фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили

Корхонанинг амалий фаоллиги коэффицентлари корхонанинг ўз маблағларидан қанчалик самарали фойдаланаётганини аниқлаш мақсадига хизмат қилади.

Амалий фаоллик коэффицентлари корхонанинг маблағлари айланиши тезлиги, яъни маблағларнинг пул кўринишига ўтиши тезлигини ифодалайди ва ҳўжаликнинг тўловга қобиллигини ифодаловчи муҳим кўрсаткичлар сифатида юзага чиқади. Шунингдек, маблағлар айланишининг тезлашуви корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ошишига ҳам сабаб бўлади. Амалий фаоллик кўрсаткичларига қуйидагилар киради:

1. **Активларнинг айланиши (АА)** – бу корхона активларига қўйилган маблағларнинг ҳар бир сўми қанча сўмлик сотилган маҳсулот қийматини келтирганини кўрсатади.

$$AA = \frac{CCT}{\sum_{i=1}^n \text{ЖА}_{i\text{й}}}$$

Бу ерда: CCT- маҳсулот сотишдан соф тушум;

ЖА_{iй} – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $AA = 700790 / 590450 = 1.18$

2018 йилда $AA = 860150 / 646730 = 1.32$

2019 йилда $AA = 930160 / 793680 = 1.17$

2. **Ўз маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти** = сотишдан келган соф тушум / ўз маблағларининг ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $700790 / 102500 = 6.83$

2018 йилда $860150 / 112606 = 7.63$

2019 йилда $930160 / 126615 = 7.34$

3. Асосий воситалар айланувчанлиги ёки фонд қайтими = сотишдан келган тушум / асосий воситалар ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $700790 / 411244 = 1.7$

2018 йилда $860150 / 423560 = 2.03$

2019 йилда $930160 / 512560 = 1.81$

4. Дебиторлик счётидаги маблағларнинг айланиши (ДА) корхонада бир йилда неча марта дебиторлик қарзлари ундирилаётгани ва пул маблағларига айлантирилаётганини кўрсатади:

$$ДА = \frac{CCT}{\overline{ДК}}$$

Бу ерда: ДК – соф дебитор қарзлари ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $ДА = 700790 / 65210 = 10.7$ марта

2018 йилда $ДА = 860150 / 72350 = 11.9$ марта

2019 йилда $ДА = 930160 / 76910 = 12.1$ марта

5. Дебиторлик қарзларининг ўртача ундирилиши муддати (УМ_{дк})

$$УМ_{дк} = 365 : \frac{CCT}{\overline{ДК}}$$

Дебитор қарзларнинг ўртача қоплаиниш муддати корхонага дебиторлар қарзларни ундириш учун ўртача неча кун кераклигини кўрсатади.

2017 йилда $УМ_{дк} = 365 : (700790 / 65210) = 34$ кун

2018 йилда $УМ_{дк} = 365 : (860150 / 72350) = 31$ кун

2019 йилда $УМ_{дк} = 365 : (930160 / 76910) = 17$ кун

6. Кредиторлик қарзларининг айланиши (КА):

$$КА = \frac{CMT}{\overline{КК}}$$

Бу ерда: CMT - сотилган маҳсулот таннарихи;

КК – мол юбуровчиларга кредитор қарзларининг ўртача йиллик қиймати.

Корхонага мол юбуровчилардан кредиторлик қарзларини узиши учун неча оборот зарурлигини кўрсатади.

2017 йилда $КА = 520230 / 123500 = 4.2$ марта

2018 йилда $КА = 605120 / 135200 = 4.5$ марта

2019 йилда $КА = 740230 / 139850 = 5.3$ марта

7. Кредиторлик қарзларини ўртача тўлаш муддати (ТМ_{кк}):

$$ТМ_{кк} = 365 : \frac{CMT}{\overline{КК}}$$

Бу ерда: CMT - сотилган маҳсулот таннарихи;

КК – мол юбуровчиларга кредитор қарзларининг ўртача йиллик қиймати.

Кредитор қарзларини ўртача тўлаш муддати (кунда) хўжаликнинг мол юбуровчилардан ўз қарзини узиш учун ўртача кун кераклигини кўрсатади.

2017 йилда $ТМ_{кк} = 365 : (520230 / 123500) = 87$ кун

2018 йилда $TM_{K\kappa} = 365 : (605120 / 135200) = 81$ кун
 2019 йилда $TM_{K\kappa} = 365 : (740230 / 139850) = 69$ кун

8. Товар - моддий захиралари айланиши (ЗА):

$ЗА = \frac{CMT}{TMЗ}$
 Бу ерда: ТМЗ – товар-моддий захираларнинг ўртача йиллик қиймати.
 Товар-моддий захиралари айланиши моддий-ишлаб чиқариш захираларини сотиш тезлигини (оборотини) кўрсатади.

2017 йилда $ЗА = 520230 / 216820 = 2.4$ марта

2018 йилда $ЗА = 605120 / 250560 = 2.4$ марта

2019 йилда $ЗА = 740230 / 257609 = 2.9$ марта

9. Товар - моддий захираларни ўртача сақлаш муддати (ЎСМз):

$$УСМ_з = 365 : \frac{CMT}{TMЗ}$$

Бу ерда: ТМЗ – товар-моддий захираларининг ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $ЎСМз = 365 : (520230 / 216820) = 152$ кун

2018 йилда $ЎСМз = 365 : (605120 / 250560) = 152$ кун

2019 йилда $ЎСМз = 365 : (740230 / 257609) = 126$ кун

Товар-моддий захираларнинг ўртача сақлаш муддати моддий-ишлаб чиқариш захираларининг омборда ўртача неча кун туриб қолаётганини кўрсатади.

10. Операцион циклниң узунлиги (ОЦ):

ОЦ = Дебитор қарзларнинг ўртача ундирилиши муддати (УМдк) + Товар-моддий захираларнинг ўртача сақлаш муддати (ЎСМз)

Операцион циклниң узунлиги корхонага маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва олинадиган товар-моддий захиралар учун ҳақ тўлашга неча кун кераклигини кўрсатади.

2017 йилда $ОЦ = 34+152=186$ кун

2018 йилда $ОЦ = 31+152=183$ кун

2019 йилда $ОЦ = 17+126=143$ кун

11. Молиявий даврниң (циклниң) давомийлиги = операцион давр давомийлиги - кредиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги.

2017 йилда $186 - 87 = 99$ кун

2018 йилда $183 - 81 = 102$ кун

2019 йилда $143 - 69 = 74$ кун

7-жадвал

«Жўмашуй гузари» МЧЖнинг амалий фаоллиги кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2017й.	2018й.	2019й.	
1.Активларнинг айланувчанлиги коэффиценти - АА	1.18	1.32	1.17	-0.01
2.Ўз маблағларининг айланувчанлиги коэффиценти	6.83	7.63	7.34	+0,51

3.Асосий воситалар айланувчанлиги (фонд қайтими)	1.7	2.03	1.81	+0.11
4.Захираларнинг айланувчанлиги коэффиценти	10.7	11.9	12.1	+1.4
5.Захираларнинг ўртача сақлаш муддати, кун	34	31	17	-17
6.Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти	4.2	4.5	5.3	+1.1
7.Дебиторлик қарзларининг ўртача айланиш давомийлиги, кун	87	81	69	-18
8.Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффиценти	2.4	2.4	2.9	+0.5
9.Кредиторлик қарзларининг айланиш давомийлиги	152	152	126	-26
10.Операцион даврнинг (циклнинг) давомийлиги, кун	186	183	143	-43
11.Молиявий даврнинг (циклнинг) давомийлиги, кун	99	102	74	-25

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди

«Жўмашуй гузари» МЧЖнинг 2017-2019 йиллардаги амалий фаоллиги кўрсаткичлари ҳам нотекис ўзгаришга учраган. Активларнинг айланиши камайиб борган ва корхона активлариға қўйилган маблағларнинг ҳар бир сўмиға 2019 йилға келиб 1.17 сўмлик сотилган маҳсулот тўғри келиб, камайиш давр бошиға нисбатан 0.01 сўмни ташкил этган. Ўз маблағларнинг айланувчанлик коэффиценти 2018 йили кескин камайиб 7.63 гача бир мунча ўсиб борган 2019 йили 7.34 га тушиб қолган ва давр охирида бир мунча ўсиб борган. ортиш 0.51 ни ташкил этган, яъни ўз маблағларининг ҳар бир сўмиға тўғри келадиган соф тушум 0.51 сўмға ортган. Бу албатта ижобий ҳолат.

Корхонада асосий воситаларнинг айланувчанлиги ёки фонд қайтими кўрсаткичи таҳлил даврида 0.11 га кўпайган . Бу кўрсаткич ҳам 2017 йили энг кичик қийматға эға бўлиб, асосий воситаларнинг бир сўмиға тўғри келадиган сотилган маҳсулот ҳажми 1.7 сўмдан охириги йили эса 1.81 сўмгача ортган. Бу ҳолат асосий воситалар амортизациясига ижобий таъсир этади. Захираларнинг сақлаш муддати уларнинг айланувчанлигининг 1.4 мартаға ортиши ҳисобига 17 кунға қисқарган ва давр бошида 34 кун бўлса 2019 йилға келиб 17 кунни ташкил этади. Бу албатта ишлаб чиқаришни тезлашганлигини кўрсатади.

Корхонанинг дебитор қарзларининг айланиши йилига 4.2 мартадан 5.3 мартага ортган, бунинг ҳисобига дебиторларнинг айланиши муддати 87 кундан 69 кунгача камайган. Кредитор қарзларининг айланиши кўрсаткичлари ижобий ўзгаришга учраган ва унинг натижасида кредиторларнинг айланиши давомийлиги 26 кунга камайган.

Корхонада операцион давр давомийлиги 2019 йилда 143 кунни ташкил этиб давр бошига нисбатан 186 кунга камдир. Молийвий давр давомийлиги ҳам қисқариб борган ва охириги йилда 74 кунни ташкил этиб 2017 йилга нисбатан 25 кунга камайган.

Ушбу маълумотлар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин :

- маҳсулот сотиш суръати активларни ўсиш суръатидан кам бўлган;
- бошқа корхоналар билан алоқалар мураккаблашган;
- корхонанинг молиявий ресурсларидан фойдаланиш даражаси пасайган;
- Корхона активларининг деярли барча элементларининг айланиши секинлашган;
- Операцион ва молиявий давр давомийлиги узунлашган.

Демак корхонада хали фойдаланилмаган имкониятлар кўп. Активларни тежаш имкониятларини кидириш лозим.

Корхона фаолияти рентабеллиги кўрсаткичлари ва барча активлар рентабеллигининг омилли таҳлили

Рентабеллик кўрсаткичлари барча корхоналар фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир.

Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАЙк}$$

бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАЙк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $P_a = 40250 \cdot 100 / 590450 = 6.5\%$

2018 йилда $P_a = 69866 \cdot 100 / 646730 = 10.8\%$

2019 йилда $P_a = 88548 \cdot 100 / 793680 = 11.1\%$

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (P_{CM}):

$$P_{CM} = \frac{C\Phi}{CCT}$$

Бу ерда: P_{CM} – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$ЯФ$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

CCT – маҳсулот сотишдан соф тушум.

2017 йилда $P_{CM} = 40250 \cdot 100 / 700790 = 5.7\%$

2018 йилда $P_{CM} = 69866 \cdot 100 / 860150 = 8.1\%$

2019 йилда $P_{CM} = 88548 \cdot 100 / 930160 = 9.5\%$

3. Хусусий капитал рентабеллиги ($P_{Хк}$):

$$P_{Хк} = \frac{C\Phi}{ХК}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда; $ХК$ – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $P_{Хк} = 40250 \cdot 100 / 99200 = 40.5\%$

2018 йилда $P_{Хк} = 69866 \cdot 100 / 112606 = 62\%$

2019 йилда $P_{Хк} = 88548 \cdot 100 / 126615 = 69.9\%$

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{иx}$),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{MИТ}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда; $MИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

2017 йилда $P_{иx} = 40250 \cdot 100 / 520230 = 7.7\%$

2018 йилда $P_{иx} = 69866 \cdot 100 / 605120 = 11.5\%$

2019 йилда $P_{иx} = 88548 \cdot 100 / 740230 = 11.9\%$

5. Асосий воситалар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$

2017 йил $40250 \cdot 100 / 411244 = 9.7\%$

2018 йил $69866 \cdot 100 / 423560 = 16.4\%$

2019 йил $85487 \cdot 100 / 512560 = 16.6\%$

6. Айланма (оборот) активлар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$

2017 йил $40250 \cdot 100 / 326500 = 12.3\%$

2018 йил $69866 \cdot 100 / 453120 = 15.4\%$

2019 йил $85487 \cdot 100 / 475420 = 17.9\%$

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$\text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$

2017 йил $40250 \cdot 100 / 155610 = 25.8\%$

2018 йил $69866 \cdot 100 / 176800 = 39.5\%$

2019 йил $88548 \cdot 100 / 191500 = 46.2\%$

Таҳлил корхонанинг молиявий ҳисоблари асосида охириги уч йилдаги молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (21-жадвал).

«Жомашуй гузари» МЧЖ нинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили (11-жадвал) маълумотларидан кўринадики, биз таҳлил қилаётган «Жомашуй гузари» МЧЖ да 2019 йилда ўтган йилларга нисбатан аксарият рентабеллик турлари бўйича ўсиш кузатишган. Маълумотлардан кўринадики, 2017 йилда активлар рентабеллиги 6.5%ни ташкил этган бўлса, 2018 йили кескин ортиб 108%га етган, охириги йили ўзгариш унча катта бўлмаган ва 11.1%ни ташкил этган, давр охирига келиб умумий ўзгариш 4.6 фоиз пунктига тўғри келади. Бу активлар ўсишига нисбатан фойдани ўсиши юқорироқ бўлган.

Сотиш рентабеллиги ҳам қарийб икки баробарга ортиб 2019 йили 9.5%ни ташкил этган. Энг катта кўрсаткич хусусий капитал рентабеллигида бўлиб 2019 йили 69.9%ни ташкил этган, ўзгариш 29.4 фоиз пунктига тўғри келади.

8-жадвал

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2017й.	2018й.	2019й.	
1.Активлар рентабеллиги	6.5	10.8	11.1	+4.6
2. Сотиш рентабеллиги	5.7	8.1	9.5	+3.8

3.Хусусий капитал рентабеллиги	40.5	62	69,9	+29.4
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	7.7	11.5	11.9	+4.2
5. Асосий воситалар рентабеллиги.	9.7	16.4	16.6	+6.9
6. Оборот активлар рентабеллиги.	12.3	15.4	17.9	+5.6
7. Қарз маблағлари рентабеллиги.	25.8	39.5	46.2	+20.4

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Бу шундан далолат бермоқдаки, 2017-2019 йилларда корхонанинг самарадорлиги
ошиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати яхшиланаётганлигидан далолатдир.

«Корхонада иқтисодий барқарорлиги ва рентабеллиги кўрсаткичлари таҳлили» бўйича КЕЙС

IV. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Ўқув курсининг номланиши: “Корхоналарни ривожлантириш стратегиялари” (ИИ-босқичда таълим олаётган магистрлар учун)

Мавзунинг номи: “Корхона иқтисодий барқарорлиги таҳлили”

Яратилган кейснинг мақсади: корхонада иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларини яхшилашдаги асосий вазиятларни таҳлил қилишни ўрганиш.

Кейс муваффақиятли ўз ечимини топганда талабалар қуйидаги *натижаларга* эришадилар:

корхонада иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қилишни;

корхонада рентабелликни ошириш ва ундан самарали фойдаланиш йўлларини ўрганадилар.

Мазкур кейс “МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ” хусусий корхонаси *маълумотлари* асосида ишлаб чиқилган.

Кейсда фойдаланилган маълумотлар манбаи: «“МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ” хусусий корхонасининг 2018-2014 йиллардаги йиллик ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлари, харажатлар калькуляцияси, бошқарув тузилмаси ҳамда жамиятнинг 2019 йил учун тузилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши акс этган Бизнес режаси асос қилиб олинган.

Яратилган ушбу кейс *дала тадқиқотлари* турига кириб, унда қўйилаётган савол ва топшириқлар сюжетли тарзда тузилган. *Кейснинг объекти* сифатида юқорида зикр этганимиздек, “МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ” хусусий корхонаси олинган. Маълумотлар аниқлиги ва ишончилигига тўлиқ кафолат берилади. Кейс тузилиши жихатидан *ўрта* хажмдаги кейс-стадилар турига киради.

Дидактик мақсадларга кўра-синтез ва таҳлиллар қилиш жараёнларин ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Масаланинг қўйилиши изчиллик асосида кетма-кет тарзда таҳлилий жараёнлар асосида ишлаб чиқилган. Муаммоли вазиятларга жавоб излаш ва ечиш мақсадида назарий билимлар турли хилдаги кўрсатмалар, қўлланмалар, эслатмалар тарзида берилган. Амалий машғулот дарси кейс-технологияси асосида ташкил этилганда талабаларнинг ҳар бир хатти ҳаракати, уларнинг қўйилган муаммога бўлган қарашлари, сабабий боғлиқликдаги таҳлиллари ҳамда ҳулосалар ясашларини кузатиш ва баҳолаш осон кечади. Баҳолаш учун “Вазиятли таҳлил варақаси”нинг мавжудлиги ишни енгиллаштиради, бу эса ўз навбатида кейснинг *афзал жиҳатларини* намоён этади.

Ишлаб чиқилган мазкур кейсдан “Саноат иқтисодиёти”, “Корхона иқтисодиёти”, “Бизнес режалаштириш”, “Тадбиркорлик асослари”, “Саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш” фанларининг амалий машғулотларида кенг *фойдаланиши* мумкин.

Кириш

Кейснинг долзарблиги. Бугунги кунда айланма маблағларда, айниқса, корхоналарнинг моддий-товар бойликларида банд бўлган йирик миқдордаги пул маблағлари уларнинг тўлиқ сақланишига эътибор қаратиш, улардан мақсадларга мувофиқ ва самарали фойдаланиш, шунингдек, уларнинг айланишини тезлаштиришни талаб қилади. Бозор муносабатлари ва деярли барча ресурслар тақчиллиги шароитларида айланма маблағлар, биринчи ўринда моддий ресурслардан рационал фойдаланиш ва уларни шакллантириш заҳираларини излаб топиш ҳар бир корхона олдида турган муҳим вазифа ҳисобланади.

Кейснинг мақсади корхонада айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таъминлаш омилларини тадқиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича талабалар билимини чуқурлаштириб илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Кейсни ечими орқали эришиладиган ўқув натижалари. Муаммоли вазиятни қамраб олган ушбу кейсни ечиш давомида талабалар қуйидагиларга:

- **ўтилган мавзуларни мустаҳкамлашга;**
- **тасаввурларингизни тушунча даражасига келтириш имкониятига;**
- **маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг**

таҳлил қилишга;

○ маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлилин олиб боришга;

○ корхонада маҳсулотлар сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлилин амалга оширишга эришадилар.

1. «МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ» хусусий корхонаси даги вазият билан танишиш

“МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ” хусусий корхонаси Тошкент вилояти Зангиота тумани Хокимлигининг 30.12.2000 йилдаги 518 сонли қарорига асосан давлат руйхатидан утган. Устав жамғармаси 102740 минг сўм миқдориди ташкил қилинди. Асосий фаолият трикотаж маҳсулотлари, катталар ва болалар ич кийимлари, футболка, майка маҳсулотлари ишлаб чиқариш. Хозирда корхона устав фондининг миқдори 155 млн. сўм.

Хусусий корхона мулкдори корхонани раҳбар сифатида якка бошқаради, корхона номидан ишончномасиз иш қўради, унинг манфаатларини ифодалайди, хусусий корхонанинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни тасарруф этади, шартномалар, шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, ишончномалар беради, банкларда ҳисобварақлар очади, штатларни тасдиқлайди, корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

2.Талабалар учун методик кўрсатмалар

Муаммо. Корхона иқтисодий барқарорлиги асосий курсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш. Таҳлил натижалари асосида корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш.

Вазифалар

• Корхонанинг иқтисодий натижаларини омилли таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.

• Корхона **иқтисодий барқарорлигини** ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларнинг “Корхона йиллик ҳисоботи”да ифодаланишини ўрганиш.

• “Корхона йиллик ҳисоботи” 1-2-3-шакл маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида корхонанинг асосий воситаларининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс ва системали тарзда омилли таҳлил қилиш.

Ечиш кетма-кетлиги

1.Корхонада юз берган вазият таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2.Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: Корхона фаолияти натижаси қандай бўлган ва қандай бўлиши мумкин?

3..Комплекс ва системали тарзда таҳлил қилиш ёрдамида вазиятнинг асосий муаммоси ечилади, баҳоланади, яхшилаш чора-тадбирлари тавсия қилинади.

Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма

Таҳлил босқичлари	Тавсия ва маслаҳатлар
1. Кейс билан танишиш	1.Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2.Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3.Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1.Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг

	ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг. 2.Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин? 3.Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.
3.Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	1.Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган ҳулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.

“Корхоналарнинг молиявий-иқтисодий аҳволи мониторинги ва таҳлилини ўтказиш мезонларини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги Низомга кўра корхоналар куйидаги гуруҳларга бўлинади: иқтисодий барқарор корхона, иқтисодий хатарли корхона, иқтисодий ночор корхона: ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга; ўз тўлов қобилиятини тиклаш имкониятига эга бўлмаган корхоналар.

Юқорида келтирилган хўжалик самарадорлигини баҳолаш усуллари ва кўрсаткичларидан ташқари бугунги кунда амалиётда Иқтисодий ночорлик қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган корхоналарнинг иқтисодий ночорлик белгиларини аниқлаш учун мезонлар тизими ҳам қўлланилади. Уларнинг қаторига куйидагиларни киритиш мумкин:

- тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тк}$);
- хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$);
- Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{их}$),
- Активлар рентабеллиги. (P_a):
- хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ($K_{хк}$);
- Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти:
- Эскириш коэффиценти ($K_{эск}$)
- молиявий мустақиллик коэффиценти ($K_{фн}$);

Бу кўрсаткичлар бир қарашда маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасига, демак, ишлаб чиқариш самарадорлигига алоқаси йўқдай туюлади. Аслида эса айнан улар орқали корхонанинг самарали фаолиятини англаувчи иқтисодий ва молиявий барқарорлик акс этирилади. Бундан ташқари, маҳсулотнинг материал сиғими, фонд қайтими, меҳнат унумдорлиги ва рентабеллик кўрсаткичлари, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва таҳлил қилишда қўлланса, мезонлар тизими ёрдамида эса корхоналар ўзларининг фаолият юритиш қобилиятини кўрсатади ҳамда турли хил муаммоли вазиятларда хўжалик судларида ўз манфаатларини ҳимоя қилади.

1. Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тк}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У куйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тк} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

Агар **тўлов қобилияти коэффиценти** ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти ($K_{хм}$) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффициент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(П1 + Дзк2) - А1}{А2}$$

$П1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

$А1$ – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

$Дзк2$ – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффициентнинг минимал қиймати - 0,2.

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{иx}$),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти ($K_{хк}$) (жорий молиявий мустақиллик коэффициенти) уларнинг шаклланиш манбаларини иноватга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{кф} = \frac{Қ \text{ ҳақиқий}}{Қ_{лойиха} - (Қ_{ижара} + Қ_{консерв.})}$$

7. Эскириш коэффициенти ($K_{эск}$) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{эск} = \frac{Ав.эс}{Ав.бк}$$

Рентабеллик кўрсаткичлари барча корхоналар фаолиятининг энг асосий ва яқуний кўрсаткичидир.

Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк} \quad 291$$

бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАЙк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги ($P_{см}$):

$$P_{см} = \frac{C\Phi}{CCT}$$

Бу ерда: $P_{см}$ – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$Я\Phi$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

CCT – маҳсулот сотишдан соф тушум.

3. Хусусий капитал рентабеллиги ($P_{хк}$):

$$P_{хк} = \frac{C\Phi}{ХК}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда; $ХК$ – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{их}$),

$$P_{их} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда; $МИТ$ – маҳсулот ишлаб чиқариш таннари.

5. Асосий воситалар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$

6. Айланма (оборот) активлар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$\text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$

3. Тўлдириш учун тавсия қилинган жадваллар

9-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятининг
асосий кўрсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.	2019й. 2017й.га Нисбата н ўзгариш, %
29.Маҳсулот ҳажми	Минг сўм	1340528	1921424	2054768	

1. Сотув хажми	Минг сум	1340528	1921424	2054768	
2. Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	841913	1116421	1251824	
3. Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	498615	805003	802944	
4. Ходимлар сони	Киши	65	71	76	
5. Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	374506	381618	694427	
6. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	273094	298834	556298	
7. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	101412	82784	138129	
8. Иш хаки фонди	Минг Сум	230490	298370,4	373920	
9. Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	20623	27062	27036	
10. Ўртача иш хаки	Сўм	295500	350200	410000	
11. Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	53699	226730	76252	
12. Соф фойда	Минг сум	7762	120500	1374	
13. Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	0,9	10,8	0,1	
14. Корхонанинг умумий маблағлари (барча активлар)	Минг сум	502347	696200	819485	
15. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	278532	610937	500401	
16. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	165250	199250	310657	
17. Асосий воситаларнинг фаол қисми	Минг сум	181458	184732	218965	
18. Ишлаб чиқариш ускуналари суммаси	Минг сум	159549	140921	165233	

19- ж а д в а л

Иқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.
17. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм			
18. Узоқ муддатли активлар	минг сўм			
19. Жорий активлар	минг сўм			

20. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум			
----------------------------------	----------	--	--	--

20- ж а д в а л

Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2017 йилга	2018 йилга	2019 йилга	Ўзгариши (+,-)
1		2	3	4=3-2
1. Тўлов қобилияти коэффиценти				
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти				
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги				
4. Активлар рентабеллиги				
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти				
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти				
7. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти				

21-жадвал

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари			2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи,(+,-)
	2017й.	2018й.	2019й.	
1.Активлар рентабеллиги				
2. Сотиш рентабеллиги				
3.Хусусий капитал рентабеллиги				
4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги				
5. Асосий воситалар рентабеллиги.				
6. Оборот активлар рентабеллиги.				

7. Қарз маблағлари рентабеллиги.				
-------------------------------------	--	--	--	--

5. Кейсологнинг жавоб варианты

9-жадвал

Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари динамикаси

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.	2019й. 2017й.га Нисбата н ўзгариш, %
30. Махсулот ҳажми	Минг сўм	1340528	1921424	2054768	153
19. Сотув ҳажми	Минг сум	1340528	1921424	2054768	153
20. Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	841913	1116421	1251824	148
21. Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	498615	805003	802944	161
22. Ходимлар сони	Киши	65	71	76	116
23. Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	374506	381618	694427	185
24. Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	273094	298834	556298	203
25. Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	101412	82784	138129	136
26. Иш хақи фонди	Минг Сум	230490	298370,4	373920	162
27. Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	20623	27062	27036	131
28. Ўртача иш хақи	Сўм	295500	350200	410000	305
29. Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	53699	226730	76252	141
30. Соф фойда	Минг сум	7762	120500	1374	17
31. Ишлаб чиқариш рентабеллиги	%	0,9	10,8	0,1	-
32. Корхонанинг умумий мблағлари(барча активлар)	Минг сум	502347	696200	819485	163
33. Айланма мблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	278532	610937	500401	179

34. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	165250	199250	310657	187
35. Асосий воситаларнинг фаол қисми	Минг сум	181458	184732	218965	120
36. Ишлаб чиқариш ускуналари суммаси	Минг сум	159549	140921	165233	103

Корхона охириги уч йиллик фаолияти давомида (9-жадвал) маҳсулот ишлаб чиқариш ўсиш тенденциясига эга бўлиб, 2019 йилга келиб 153%га ортган. Ишлаб чиқариш харажатлари маҳсулот ҳажми га мос равишда ортиб борган ва таҳлил даврининг охирида 2017 йилга нисбатан 148%га ортган. Корхонанинг ходимлари сони ҳам ортиб борган таҳлил даврининг бошида 65 кишидан 2019йили 76 кишигача ортган. Корхонанинг асосий воситалари ҳам таҳлил даври давомида ошиб борган ва 2019 йили 2017га нисбатан 185%ни ташкил этган. Лекин асосий воситаларнинг эскириши ҳам тез суръатларда ўсиб борган ва уч йил давомида икки баробарни ташкил этган.

Корхонанинг иш ҳақи фонди ва ўртача иш ҳақи қиймати ошиб борган, бу корхонада кучли ижтимоий сиёсат олибборилаётганлигига ишорадир.

Корхона соф фойдаси 2017 йилда 7762 минг сўмни ташкил этган, бунда кичик сумма бўлишига сабаб асосий фаолиятнинг бошқа жараёнлари бўйича харажатлар ва солиқ ҳамда бошқа тўловлар бўйича ажратмалар кўп бўлган. 2018 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмининг ортиши, ортиқча харажатларнинг камайирилиши оқибатида фойда 120500 минг сўмга чиққан, шунга кўра рентабеллик ҳам кескин ортиб 10.8%ни ташкил этган. 2019 йилда соф фойда кредитларни қайтариш ҳисобига камайиб 1374 минг сўмга тушиб қолган, рентабеллик эса 0.1%ни ташкил этган.

3.1. “МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ” хусусий корхонаси иқтисодий барқарорлиги кўрсаткичлари ва уни яхшилаш йўналишлари

19- ж а д в а л

Иқтисодий ва молиявий барқарорликни ҳисоблаш учун маълумотлар

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2017 й.	2018 й.	2019 й.
1. Активларнинг умумий ўртача қиймати	минг сўм	502347	696200	819485
2. Узоқ муддатли активлар	минг сўм	374506	381618	694427
3. Жорий активлар	минг сўм	278532	610937	819485
4. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	165250	199250	310657

Манба: Корхона маълумотлари асисиди муаллиф томонидан тузилди

1. Тўлов қобилияти коэффиценти ($K_{тқ}$) корхонанинг дебиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда тайёр маҳсулот ва бошқа моддий воситаларини сотишнинг қулай шароитларда сотиш орқали баҳоланадиган тўлиқ имкониятларини кўрсатади. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{тқ} = \frac{\text{Жорий (айланма) активлар}}{\text{Жорий мажбуриятлар}} = \frac{A2}{П2 - ДО}$$

Агар **тўлов қобилияти коэффиценти** ҳисобот йилининг охирида 1.25 дан кичик бўлса корхона тўлов қобилиятини йўқотган ҳисобланади

2017 й. 278532/ 251300= 1.10

2018й. 610937/265800= 2.29

2019й 819485/301205= 2.72

2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффиценти ($K_{хм}$) корхонанинг барқарор ишлаб чиқариш-ҳўжалик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган айланма воситалар мавжудлигини тавсифлайди. Шунингдек у, корхона эгалари ва кредиторлар манфаатларидаги муносабатларни ҳам акс эттиради. Мазкур коэффицент қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хм} = \frac{(П1 + Дзк2) - А1}{А2}$$

$П1$ – хусусий маблағлар манбалари (Низом жамғармаси, қўшилган капитал, тақсимланмаган фойда ва ҳоказо).

$А1$ – узоқ муддатли активлар (асосий воситалар, капитал қўйилмалар, номоддий активлар ва ҳоказо).

Дзк2 – узоқ муддатли активларни сотиб олиш учун йўналтирилган узоқ муддатли қарз ва кредитлар, бухгалтерия балансининг 570 ва 580 сатрларидан ҳисобланади.

Ушбу коэффицентнинг минимал қиймати - 0,2.

2017 й. (165250+301500-374506) /278532= 92244/278532=0.33

2018 й. (199250+320600 - 381618)/ 610937 = 138232/ 610937=0.22

2019 й. (310657 +475800- 694427)/ 819485 = 92030/ 819485 = 0.11

3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги ($P_{иx}$),

$$P_{иx} = \frac{C\Phi}{МИТ}$$

2017 йилда $P_{иx}$ =7762/ 841913= 0.009

2018 йилда $P_{иx}$ =120500/ 1116421= 0.10

2019 йилда $P_{иx}$ =1374/ 1251824= 0.001

4. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАйк}$$

Агар 0.05 дан кичик бўлса паст рентабеллик деб ҳисобланади.

2017 йилда P_a =7762/ 502347= 0.015

2018йилда P_a = 120500/ 696200= 0.17

2019 йилда P_a = 1374/ 819485= 0.0016

5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти ($K_{хк}$) (жорий молиявий мустақиллик коэффиценти) уларнинг шаклланиш манбаларини инобатга олган ҳолда, пул маблағлари билан таъминланганлик даражасини аниқлайди. У қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$K_{хк} = \frac{П1}{П2 - ДО}$$

2017 й. 165250 /(251300-0)= 0.65

2018 й. 199250/(265800-0) = 0.74
 2019 й. 310657 / (301205- 0) = 1.03

6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти:

$$K_{\text{қф}} = \frac{K_{\text{ҳақиқий}}}{K_{\text{лойиҳа.}} - (K_{\text{ижара.}} + K_{\text{қонсерв.}})}$$

2017 й. 1340528/(1450210-0)= 0.92
 2018 й. 1921424/(2025100-0) = 0.94
 2019 й. 2054768/ (2105700- 0) = 0.97

7. Эскириш коэффициенти ($K_{\text{эск}}$) эскириш суммасининг асосий воситалар бошланғич қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$K_{\text{эск}} = \text{Ав.эс} / \text{Ав.бқ}$$

2017 йил 273094/374506 = 0.72
 2018 йил 298834/381618 = 0.78
 2019 йил 556298/694427 = 0.8

20- ж а д в а л

Иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	2017 йилга	2018 йилга	2019 йилга	Ўзгариши (+,-)
1		2	3	4=3-2
1. Тўлов қобилияти коэффициенти	1.10	2.29	2.72	+1.62
2. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти	0.33	0.22	0.11	-0.22
3. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.009	0.10	0.001	-0.008
4. Активлар рентабеллиги	0.015	0.17	0.0016	-0,0134
5. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффициенти	0.65	0.74	1.03	+0.38
6. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффициенти	0.92	0.94	0.97	+0.05
7. Асосий воситаларни эскириш коэффициенти	0.72	0.78	0.8	+0.08

Манба: Корхона маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра, корхонанинг иқтисодий барқарорлик ҳолатига тўғри баҳо бериш учун бухгалтерия балансига асосланган ҳолда коэффициентлардан фойдаланамиз. Шунга кўра, Тўлов қобилияти коэффициенти 2017 йилга нисбатан 1.62 коэффициентга ўсган. 2017 йилдан ташқари ҳар бир йил учун тўлов қобилияти коэффициенти ҳисобот йилининг охирида меъердаги 1.25 дан юқори бўлган. Хусусий айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти давр охирида -0.22 пунктга камайган, бу ўз навбатида белгиланган меъёрдан, яъни бирдан анча кам. Маҳсулот ишлаб

чиқариш харажатлари рентабеллиги ҳам меъёрадаги 0.05дан 2017 ва 2019 йиллари кам бўлган.

Даврнинг 2018 йили давомида 10% бўлган. Активлар рентабеллиги давр охирида 2017 йилга нисбатан камайган бўлиб, 2018 йили меъёрада бўлган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффиценти 2019 йили давр бошидан +0,38 пунктга ортган. Хусусий ва қарзга олинган маблағлар нисбати коэффицентининг қиймати давр охирида 2019 йил бирдан юқори бўлган, бу корхонада молиявий хавф хатар (риск) мавжуд эмаслигининг аломатидир. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш коэффиценти ҳар йили 0.5 дан юқори бўлган. Корхонада ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш юқори даражада деб қабул қилиш мумкин. Асосий воситаларни эскириш коэффиценти 0.5 дан юқори бўлган, яъни меъёрлар даражасида эмасдир.

Мазкур коэффицентларнинг бундай тартибда ўзгариши корхонанинг молиявий ҳолатини жорий 2019 йилдаа нисбатан 2017 йилда бирмунча нотекис ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Умуман олганда корхона маълумотлари асосида унинг иктисодий барқарорлик коэффицентлари ўрганилганда, ушбу коэффицентларнинг ўзгариши ижобий бўлмаган.

3.2. Корхона фаолияти рентабеллик даражаси

Рентабеллик кўрсаткичлари барча корхоналар фаолиятининг энг асосий ва якуний кўрсаткичидир. Корхона фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай харажатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётганлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади. Шунинг учун корхонанинг молиявий ҳисоботида фойдалилик даражаси ва маблағлар айланишини ифода этувчи қуйидаги кўрсаткичлар акс эттирилади:

1. Активлар рентабеллиги. (P_a):

$$P_a = \frac{C\Phi}{ЖАЙк} * 100$$

бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

$ЖАЙк$ – корхона жами активларининг ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $P_a = 7762 / 502347 = 0.015$

2018 йилда $P_a = 120500 / 696200 = 0.17$

2019 йилда $P_a = 1374 / 819485 = 0.0016$

2. Сотилган маҳсулот рентабеллиги (P_{CM}):

$$P_{CM} = \frac{ЯФ}{CCT} * 100$$

$$P_{CM} = \frac{C\Phi}{CCT}$$

Бу ерда: P_{CM} – сотилган маҳсулот рентабеллиги;

$ЯФ$ – ялпи фойда;

$C\Phi$ – соф фойда;

CCT – маҳсулот сотишдан соф тушум.

2017 йилда $P_{CM} = 7762 * 100 / 1340528 = 0.57 \%$

2018 йилда $P_{CM} = 120500 * 100 / 1921424 = 6.3 \%$

2019 йилда $P_{CM} = 1374 * 100 / 2054768 = 0.07 \%$

3. Хусусий капитал рентабеллиги ($P_{хк}$):

$$P_{хк} = \frac{C\Phi}{ХК} * 100$$

299

Бу ерда: $C\Phi$ – соф фойда;

XK – хусусий капитал ўртача йиллик қиймати.

2017 йилда $P_{xk} = 7762 \cdot 100 / 165250 = 4.69 \%$

2018 йилда $P_{xk} = 120500 \cdot 100 / 199250 = 60\%$

2019 йилда $P_{xk} = 1374 \cdot 100 / 310657 = 0.44 \%$

4. Маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги (P_{ux}),

$$P_{ux} = \frac{C\Phi}{MIT}$$

Бу ерда:

$C\Phi$ – соф фойда;

MIT – маҳсулот ишлаб чиқариш таннархи.

2017 йилда $P_{ux} = 7762 / 841913 = 0.009$

2018 йилда $P_{ux} = 120500 / 1116421 = 0.10$

2019 йилда $P_{ux} = 1374 / 1251824 = 0.001$

5. Асосий воситалар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Асосий воситаларнинг ўртача йиллик қиймати}$

2017 йил $7762 \cdot 100 / 374506 = 2\%$

2018 йил $120500 \cdot 100 / 381618 = 31\%$

2019 йил $1374 \cdot 100 / 694427 = 0.1\%$

6. Айланма (оборот) активлар рентабеллиги.

$P = \text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Оборот активлар ўртача йиллик қиймати}$

2017й. $7762 \cdot 100 / 278532 = 2.8\%$

2018й. $120500 \cdot 100 / 610937 = 19\%$

2019й $1374 \cdot 100 / 500401 = 2.7\%$

7. Қарз маблағлари рентабеллиги. Ушбу кўрсаткич корхона соф фойдасини қарзга олинган маблағларига нисбати асосида аниқланади. Бу кўрсаткич ҳар бир сўмлик қарз маблағига тўғри келадиган фойда суммасини ифодалайди.

$\text{Соф фойда} \cdot 100\% / \text{Қарз маблағлари жами}$

2017 йил $7762 \cdot 100 / 251300 = 3.1 \%$

2018 йил $120500 \cdot 100 / 265800 = 45 \%$

2019 йил $1374 \cdot 100 / 301205 = 0.45 \%$

Таҳлил корхонанинг молиявий ҳисоблари асосида охириги уч йилдаги молиявий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади (21-жадвал).

«МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ» хусусий корхонаси нинг рентабеллик кўрсаткичлари, уларнинг турлари ва таъсир этувчи омиллар таҳлили (5-жадвал) маълумотларидан кўринадик, биз таҳлил қилаётган «МУҲАММАД ҚОДИР ШОҲ» хусусий корхонаси да 2019 йилда ўтган йилларга нисбатан барча рентабеллик турлари бўйича камайиш кузатилган.

Бу шундан далолат бермоқдаки, 2019 йилда корхонанинг самарадорлиги тушиб бораётганлигидан ҳамда унинг молиявий ҳолати ёмонлашаётганлигидан далолатдир. Маълумотлардан кўринадик, 2019 йилда маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушум миқдори бироз ортган бўлса, бунга мос равишда маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи ҳам ортган, бошқа турдаги активлар эса ўсган. Соф фойда миқдори эса олдинги йилларга нисбатан 2019 йилда кнскин камайган. Натижада аксарият рентабеллик кўрсаткичларида камайиш тенденцияси ҳосил бўлган.

21-жадвал

Корхонанинг рентабеллик кўрсаткичлари таҳлили

Кўрсаткичлар	Ҳисобот маълумотлари	2019й.да
--------------	----------------------	----------

	2017й.	2018й.	2019й.	2017й.га нисбатан фарки,(+,-)
1.Активлар рентабеллиги	0.015	0.17	0.0016	-0,0134
2. Сотиш рентабеллиги	0.57	6.3	0.07	-0.5
3.Хусусий капитал рентабеллиги	4.69	60	0.44	-4,25
4. Махсулот ишлаб чиқариш харажатлари рентабеллиги	0.009	0.10	0.001	-0.008
5. Асосий воситалар рентабеллиги.	2	31	0.1	-1.9
6. Оборот активлар рентабеллиги.	2.8	19	2.7	-0.1
7. Қарз маблағлари рентабеллиги.	3.1	45	0.45	-2,65

Манба: корхона йиллик ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

Махсулотлар сотишдан олинган соф тушум ҳажми товарлар сифати, миқдори, шартнома ва бозордаги баҳоларнинг ўзгаришлари билангина боғлиқ бўлиб қолмасдан, сотиш учун мўлжалланган товарларнинг туриб қолишидан сифатининг бузилиши, ишлаб чиқаришдаги браклар ҳажмига ҳам боғлиқдир. Ишлаб чиқариш жараёнидаги технологик ўзгаришлар эвазига, бажарувчиларнинг лаёқатсизлиги ва масъулиятсизлиги туфайли йўл қўйилган камчиликлар таъсирида товарлар сифатининг пасайиши ва брак махсулотлар пайдо бўлишига сабаб бўлади.

«Корхонанинг асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлили»
бўйича КЕЙС

V. ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

Ўқув курсининг номланиши: «Корхона иқтисодиёти» (ИИИ-босқичда таълим олаётган бакалавр учун)

Мавзунинг номи: «Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати»

Яратилган кейснинг мақсади: корхона асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини яхшилашдаги асосий вазиятларни таҳлил қилишни ўрганиш.

Кейс муваффақиятли ўз ечимини топганда талабалар қуйидаги *натижаларга* эришадилар:

корхонанинг асосий воситаларининг иқтисодий моҳияти ва хусусиятларини ёритиб беришни;

корхона асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичлари таҳлилин; реал ҳаётда фаолият юритаётган корхона мисолида асосий воситаларининг янгилиниши ва меҳнатни фонд билан қуролланганлигини ошириш йўллари ўрганадилар.

Мазкур кейс «Тошкент ёғ - мой комбинати» АЖ *маълумотлари* асосида ишлаб чиқилган.

Кейсда фойдаланилган маълумотлар манбаи: «Тошкент ёғ - мой комбинати» АЖ нинг

2013-2014 йиллардаги йиллик ҳисоботлар, молиявий ҳисоботлари, харажатлар калькуляцияси, бошқарув тузилмаси ҳамда жамиятнинг 2013 йил учун тузилган ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ақс этган Бизнес режаси асос қилиб олинган.

Яратилган ушбу кейс *дала тадқиқотлари* турига кириб, унда қўйилаётган савол ва топшириқлар сюжетли тарзда тузилган. *Кейснинг объекти* сифатида юқорида зикр этганимиздек, «Тошкент ёғ - мой комбинати» АЖ олинган. Маълумотлар аниқлиги ва ишончлилигига тўлиқ қафолат берилади. Кейс тузилиши жихатидан *ўрта* ҳажмдаги кейс-стадилар турига киради.

Дидактик мақсадларга кўра-синтез ва таҳлиллар қилиш жараёнларин ўргатиш ва баҳолаш ҳисобланади. Масаланинг қўйилиши изчиллик асосида кетма-кет тарзда таҳлилий жараёнлар асосида ишлаб чиқилган. Муаммоли вазиятларга жавоб излаш ва ечиш мақсадида назарий билимлар турли хилдаги кўрсатмалар, қўлланмалар, эслатмалар тарзида берилган. Амалий машғулоти дарси кейс-технологияси асосида ташкил этилганда талабаларнинг ҳар бир хатти ҳаракати, уларнинг қўйилган муаммога бўлган қарашлари, сабабий боғлиқликдаги таҳлиллари ҳамда ҳулосалар ясашларини кузатиш ва баҳолаш осон кечади. Баҳолаш учун «Вазиятли таҳлил варақаси»нинг мавжудлиги ишни енгиллаштиради, бу эса ўз навбатида кейснинг *афзал жиҳатларини* намоён этади.

Ишлаб чиқилган мазкур кейсдан «Саноат иқтисодиёти», «Қорхона иқтисодиёти», «Бизнес режалаштириш», «Тадбиркорлик асослари», «Саноат қорхоналари фаолиятини ташкил этиш» фанларининг амалий машғулотида кенг *фойдаланиши* мумкин.

Кириш

Кейснинг долзарблиги. Асосий воситаларнинг самарадорлик курсаткичлари қорхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади. Замонавий итисодиёт фани асосий воситаларни маълум бир истеъмол қиймати кўринишида ижтимоий меҳнат асосида яратилувчи, ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган материал омиллари қаторига киритади. Ҳозирги бозор шароитларида қорхона кучи ва воситалари ёрдамида яратилган асосий воситалар ишлаб чиқариш қувватларини шакллантириш ва улардан фойдаланишга фаол равишда таъсир кўрсатувчи мулк ҳисобланади. Бутун иқтисодиёт миқёсида асосий воситалар мамлакатнинг миллий бойлигини ташкил қилади.

Кейснинг мақсади қорхонада асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш таъминлаш омилларини тадқиқ этиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича талабалар билимини чуқурлаштириб илмий-амалий ечимларни ишлаб чиқишдан иборат.

Кейсни ечими орқали эришиладиган ўқув натижалари. Муаммоли вазиятни қамраб олган ушбу кейсни ечиш давомида талабалар қуйидагиларга:

- ўтилган мавзуларни мустахкамлашга;
- тасаввурларингизни тушунча даражасига келтириш имкониятига;
- маҳсулот ишлаб чиқариш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлил қилишга;
- маҳсулотлар номенклатураси ва ассортиментининг таҳлилин олиб боришга;
- қорхонада маҳсулотлар сотиш режасининг бажарилиши ва динамикасининг таҳлилин амалга оширишга эришадилар.

1. «Тошкент ёғ - мой комбинати» АЖ даги вазият билан танишиш

«Тошкент ёғ - мой комбинати» АЖ тавсифи ва ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичлари. Қорхона яъни «Тошкент ёғ - мой комбинати» очиқ турдаги акционерлик жамияти ҳисобланади. 1994 йил 24 июнь куни давлат қорхонаси ҳисобланган «Ташкентский масложиркомбинат» ВМ № 388 к-ПО қарорига биноан очиқ акционерлик жамияти ҳисобланади. 1994 йилнинг декабрида қорхона Ўзбекистон Республикасининг Адлия Вазирлигида рўйхатдан ўтди.

«Тошкент ёғ - мой комбинати» ОАЖ корхонаси озиқ овқат саноат тармоғи корхоналардандир. «Тошкент ёғ - мой комбинати» ОАЖ нинг асосий фаолияти олиб бориши озиқ-овқат саноати соҳасида бўлиб, унда ёғ маҳсулотлари, жумладан рафинирланмаган пахта ва соя мойи, макарон маҳсулотлари, кир ювиш воситалари, , шелуха., шрот, қадоқланган ёғ, соопсток.

Техник қайта қуриш, ташкилий-техник тадбирлар тадбиқ этиш, янги прогрессив ускуналарни ўрнатиш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг маҳсулотнинг асосий турларини ишлаб чиқариш кувватлари ошди:

- Саломас ишлаб чиқариш 53 минг тонна (йилига);
- Маргарин маҳсулотларини ишлаб чиқариш 41,2 минг тонна (йилига);
- Пахта-техник чигитини қайта ишлаш 360 тонна (қунига);
- Ёғни ПЭТ (полиэтиленфтафтолат) идишларга қадоқлаш 8,94 минг тонна йилига;
- Майонез ишлаб чиқариш 2 минг тонна йилига.

1-жадвал

**Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг
асосий курсаткичлари**

<i>Кўрсаткичлар</i>	Улчов бирлиги	2017 й.	2018й.	2019й.
37.Махсулот ҳажми	Минг сўм	66619342	78124210	99326861
38.Сотув ҳажми	Минг сум	66619342	78124210	99326861
39.Ишлаб чиқариш харажатлари	Минг сум	56634727	66305670	83596229
40.Сотишдан олинган ялпи фойда (даромад)	Минг сум	9984615	11818540	15730632
41.Ходимлар сони	Киши	1068	1071	1078
42.Асосий фондларнинг бошланғич қиймати	Минг сўм	15167987	18881510	19558241
43.Асосий воситаларнинг эскириш суммаси	Минг сум	7709637	8863848	9162019
44.Асосий фондларнинг қолдиқ қиймати	Минг сум	7458350	10017662	10396227
45.Иш хаки фонди	Минг Сум	3972960	5404266	6343814
46.Меҳнат унумдорлиги	Минг сўм	62377	72945	92140
47.Ўртача иш ҳаки	Сўм	310560	420500	490400
48.Солиқ тўлагунча фойда	Минг сум	783149	826315	1048126
49.Соф фойда	Минг сум	379415	401830	546000
50.Ишлаб чиқаришхажатлари рентабеллиги	%	0,61	0.64	0.65

51. Корхонанинг умумий маблағлари(барча активлар)	Минг сум	25612988	33942245	34378635
52. Айланма маблағларнинг ўртача йиллик қиймати, минг сўм	Минг сум	12546500	13531070	20889596
53. Корхонанинг ўз маблағлари	Минг сум	4032470	4382767	5382000
54. Асосий воситаларнинг фаол қисми	Минг сум	12562192	13735577	17459388
55. Ишлаб чиқариш ускуналари суммаси	Минг сум	7443586	9383250	9585344
56. Янгидан ишга туширилган асосий воситалар	Минг сум	4148139	5123560	5398500
57. Ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар	Минг сум	434616	456350	465100

2.Талабалар учун методик кўрсатмалар

Муаммо. Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятининг асосий курсаткичлари динамикасини таҳлил қилиш. Корхонада мавжуд бўлган вазият асосида унинг Корхона асосий воситаларининг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичларни таҳлил қилиш ҳамда уни яхшилаш бўйича ички хўжалик имкониятларини аниқлаш. Таҳлил натижалари асосида корхонани иқтисодий-молиявий ҳолатига баҳо бериш.

Вазифалар

- Корхонанинг молиявий натижаларини омили таҳлил қилиш асосида ушбу кўрсаткичлар бўйича унинг молиявий ҳолатига баҳо бериш.
- Корхона асосий воситаларининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини аниқлаш ва уларнинг “Корхона йиллик ҳисоботи”да ифодаланишини ўрганиш.
- Корхона асосий воситаларининг самарадорлигини белгиловчи ҳар бир кўрсаткичини аниқланиш йўллари ва умумлашган кўрсаткичларини аниқлаш.
- “Корхона йиллик ҳисоботи” 1-2-3-шакл маълумотлари асосида тавсия қилинган жадвалларни тўлдириш ҳамда жадвал маълумотлари асосида корхонанинг асосий воситаларининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларни ўзгаришига таъсир этувчи омилларни комплекс ва системали тарзда омили таҳлил қилиш.

Ечиш кетма-кетлиги

1. Корхонада юз берган вазият таҳлил қилинади, муаммо ва уни ечиш кетма-кетлиги, асосий вазифалари билан танишилади.

2. Кейсдаги ҳолатларни ойдинлаштириш: Корхона фаолияти натижаси қандай бўлган ва қандай бўлиши мумкин?

3. **Комплекс ва системали тарзда таҳлил қилиш ёрдамида вазиятнинг асосий муаммоси ечилади, баҳоланади, яхшилаш чора-тадбирлари тавсия қилинади.**

Амалий вазиятни таҳлил қилиш учун методик кўрсатма

Таҳлил босқичлари	Тавсия ва маслаҳатлар
1. Кейс билан танишиш	1.Кейсни ўқиш жараёнида вазиятни таҳлил қилишга шошилманг. 2.Берилган вазият билан танишинг. Вазиятга таъриф беришга ҳаракат қилинг. 3.Вазиятни таҳлили учун ахборот манбалари билан таъминланганликни аниқланг.
2. Вазиятнинг ташҳиси ва таҳлили	1.Корхона фаолиятида юзага келган ҳолатни ойдинлаштиринг. Вазиятнинг муҳим хусусиятларини, миқдор ва сифат томонларини белгиланг. Уларга асосан корхонанинг ҳақиқатда бўлган ва бўлиши мумкин бўлган ҳолатини аниқланг ҳамда уларни таққосланг. 2.Вазиятни таҳлил қилиш жараёнида муаммо қандай даражада ечилишини белгиланг. Уни ечиш мумкинми?, Қандай натижага эришиш мумкин? 3.Муаммони ечиш жараёнида бўладиган ёки бўлиши мумкин бўлган қийин ҳолатларни кўрсатинг.
3.Муаммоли вазиятнинг ечими бўйича таҳлил вариантларини танлаш ва баҳо бериш	1.Вазиятнинг ечимини ҳал қилинг. Берилган хулосаларни салбий ва ижобий томонларини кўрсатинг ва баҳоланг. Энг яхши вариантни танланг.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичлар иқтисодий салоҳият кўрсаткичлари ичида маълум даражада ўз ўрнига эга. Ушбу воситаларга хўжалик юритувчи субъектларнинг анча маблағи жалб қилинган бўлади. Мазкур маблағларнинг қайтими асосий воситалардан самарали фойдаланиш эвазига амалга оширилади.

Асосий воситаларни ифодаловчи кўрсаткичларни уч гуруҳга бўлинади: асосий воситалар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар билан таъминланганликни ифодаловчи кўрсаткичлар; асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.

Асосий воситалардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигига баҳо бериш молиявий таҳлилнинг зарур шартларидан бири ҳисобланади.

Бозор муносабатлари шароитида корхоналарнинг асосий воситалари билан етарли даражада таъминланганлигини ўрганиш билан бир қаторда, уларнинг самарадорлик кўрсаткичларини ўрганиш асосий ўринда туради. Чунки, асосий воситалар билан етарли даражада таъминланган бўлса-ю, лекин улардан самарали фойдаланмасак, у ҳолда корхонанинг самарадорлиги пасайиб кетади.

Асосий воситаларнинг самарадорлик кўрсаткичлари корхона хўжалик фаолиятига баҳо беришнинг муҳим кўрсаткичларидан бири сифатида олинади.

Асосий воситалардан (Ав) фойдаланиш самарадорлиги даражасидан умуман ишлаб чиқариш самарадорлиги келиб чиқади. Асосий воситалардан қанчалик кўп фойдаланса, шунчалик кўп маҳсулот чиқарилади, унинг таннархи арзонлашади, меҳнат самарадорлиги, фойда ва рентабеллик юқори бўлади.

Асосий воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичларга: Ав маҳсулдорлиги, Ав даромадлиги, Ав рентабеллиги, машина ва ускуналар қувватларидан фойдаланиш коэффициенти киради(2-жадвал).

2-жадвал

Асосий воситалар самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	Нимани ифодалаши (мазмун)	Аниқланиш формуласи
1. Асосий воситалар Рентабеллиги	Асосий воситалар ўртача қийма-тига нисбатан	$\text{СФ} \cdot 100 / \text{Ав}_{\text{ўр}}$
2017 йил $7458350 / 15167987 = 0.49$

2018 йил $10017662/18881510 = 0.53$

2019 йил $10396227/19558241=0.53$

Янгиланиш коэффиценти (Кянг) йил мобайнида янги келган асосий воситаларнинг йил охиридаги улар қолдигига нисбатисифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кянг = Ав.янг / Ав.йо.$$

бунда:

Авя.к – янги келган асосий воситалар суммаси;

Авдо.б.қ – асосий воситаларнинг давр охиридаги бошланғич қиймати;

Фз. – 3-шакл «Асосий воситалар ҳаракати ҳақида ҳисобот», 4-устун ва 6-устун – 3-шакл устунлари; 130-сатр – 3-шакл сатри.

2017 йил $4148139/15167987=0.27$

2018 йил $5123560/18881510=0.27$

2019 йил $5398500/19558241=0.28$

Ҳисобдан чиқариш коэффиценти (Кх.ч) йил мобайнида ҳисобдан чиқарилган асосий воситаларнинг йил бошидаги қийматига нисбати сифатида қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$Кх.ч = Ав.чик. / Ав$$

бунда:

Авдб.б.к – асосий воситаларнинг давр бошидаги бошланғич қиймати;

Авх.ч – ҳисобот даврида ҳисобдан чиқарилган асосий воситалар.

2017 йил $434616/15167987=0.03$

2018 йил $456350/18881510=0.02$

2019 йил $465100/19558241=0.02$

Мазкур коэффицентлар барча асосий воситалар ҳамда уларнинг алоҳида турлари ва гуруҳлари бўйича ҳисобланади, қатор йиллар мобайнидаги ўзгариши кўриб чиқилади ва тегишли хулосаларга келинади.

Таҳлил этилаётган давр учун ҳисобланган кўрсаткичларни йиллар бўйича жадвал кўринишида жамлаймиз (5.2-жадвал).

5.2-жадвал

Асосий воситалар (Ав.) ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар

Кўрсаткичларнинг номи	2017й.	2018й.	2019й.	2019й.да 2017й.га нисбатан фарқи (+,-)
1. Ав. Умумий маблағлардаги ҳиссаси	0.59	0.55	0.56	-0.03
2. Ав. фаол қисмининг таркибий тузилиши	0.82	0.72	0.89	+0.07
3. Ав.нинг эскириш коэффиценти	0.51	0.47	0.47	-0.04
4. Ав.нинг яроксизлик коэффиценти	0.49	0.53	0.53	+0.04
5. Ав.нинг янгиланиш коэффиценти	0.27	0.27	0.28	+0.01
6. Ав.нинг ҳисобдан чиқарилиш коэффиценти	0.03	0.02	0.02	-0.01

5.2-Жадвалдан кўринадикки асосий воситаларнинг умумий маблағлардаги ҳиссаси 2017 йилда 0.56 бўлган ҳолда 2018 йилга келиб 0.55 гача камайиб кетган, олиб борилган тадбирлар натижасида бу кўрсаткич 2019 йилга келиб ўтган йилга нисбатан 0.01 пунктга ортган базис йилга нисбатан эса 0.03 пунктга камайган. Умуман олганда бу ижобий ўзгариш эмас.

Корхона асосий воситаларининг фаол қисмининг таркибий тузилиши кўрсаткичи таҳлил даврининг дастлабки икки йилида 0.1 га камайган ёки умумий асосий воситаларнинг 72 фоизини ташкил этган, 2019 йилга келиб эса уларнинг улуши 0.89 гача ортиб кетган, 2018 йилга нисбатан умумий ўзгариш фарқи +0.07 ни ташкил этган. Бу ҳол корхонада асосий машина ва ускуналарнинг тез эскириши оркали ишлаб чиқариш жараёнидан чиқиб кетаётганлиги эҳтимолидан огоҳлантиради.

Юқоридаги эҳтимолиликни тасдиқланишини қуйидагилардан кўриш мумкин: асосий воситаларнинг эскириш коэффицентининг таҳлил даври давомида камайиш тенденциясини кузатиш мумкин. Бу кўрсаткич 2017 йилда 0.51 га тенг бўлса, 2018 йилда -0.04 пунктга камайган, охириги йилда эса кўрсаткич ўзгармаган. Ҳисобот даврининг бошига нисбатан 2019 йилда ушбу кўрсаткич -0.04 пунктга ўзгарган. Бу корхонада эскиришнинг маъромда бораётганлигидан далолат беради. Бу ижобий ҳол.

Асосий воситаларнинг яроксизлик коэффицентининг таҳлил даврида ўзгариши ортиш тенденциясига эга 2017 йили 0.49га тенг бўлган, 2018 йили 0.04 пунктга ортган, охириги йилда эса ўзгармаган 2017 йилга нисбатан +0.04 пунктга ортганлиги кўришимиз мумкин. Буни ижобий ҳолат деб баҳолаш мумкин эмас.

Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффицентининг ўзгариши оз бўлсада ўсиб борган 2017 йилга нисбатан 2019 йилда +0.01 пунктга ортган. Бу киритилаётган янги ускуналарнинг миқдори ва қийматини ортиб бораётганидан далолат берувчи ижобий ҳолдир.

Асосий воситаларнинг ҳисобдан чиқарилиш коэффициентида ҳам камайиш кузатилади 2017 йилга нисбатан 2019 йилда -0.01 пунктга камайган. Бу ижобий ҳолат бўлмасдан, эскирган ускуналарни ишлаб чиқаришдан чиқарилиши сустлигидан дарак беради.

3. Мустақил таълим машғулоти

“Қорхона иқтисодиёти” фанидан талабалар мустақил ишларини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича **услубий кўрсатма**.

1. Талабалар мустақил ишларининг мазмуни ва асосий шакллари

“Қорхона иқтисодиёти” фани бўйича талабалар мустақил ишларини ташкил этиш уларда иқтисодий билим, дунёқараш, ижтимоий фаоллик ва мустақил фикрлашни шакллантиришга қаратилган тадбирлар тизимини ўз ичига олади. У ишчи ўқув режаси ва фаннинг ишчи дастурида кўзда тутилган зарур билимлар ва кўникмаларнинг талабалар томонидан оқилона, кам вақт ва куч сарфлаб ўзлаштирилишини таъминлайди.

“Қорхона иқтисодиёти” фанини мустақил ишни бажариш асосида ўқитиш жараёнини такомиллаштириш, талабанинг қизиқишларини, англаш фаоллигини янада ривожлантириш йўналишида боради, бунда ижодий фикрлаш, мустақил ўқиш, ўрганиш, кўникма ва лаёқатлари шаклланади.

Талабанинг мустақил иши – муайян фандан ишчи ўқув дастурида белгиланган билим, кўникма ва малаканинг маълум бир қисмини талаба томонидан фан профессор-ўқитувчиси маслаҳати ва тавсиялари асосида аудитория ва аудиториядан ташқарида ўзлаштиришига йўналтирилган тизимли фаолиятдир.

Мустақил ишни бажаришдан асосий мақсад – профессор-ўқитувчиларнинг бевосита раҳбарлиги ва назорати остида талабаларни семестр давомида фанни узлуксиз ўрганишини ташкил этиш, олинган билим ва кўникмаларни янада мустаҳкамлаш, келгусидаги ўқув машғулотиришга тайёргарлик кўриш, ақлий меҳнат маданиятини, янги билимларни мустақил равишда излаб топиш ва қабул қилишни шакллантириш ҳамда шу асосда университетда рақобатбардош кадрларни тайёрлашга эришишдан иборат.

Талабалар мустақил ишини шартли равишда иккига ажратиш мумкин:

- аудиторияда амалга ошириладиган ишлари, ўтилган мавзунини қайтариш ва мустаҳкамлашга онд топшириқлар бажарилади;

- аудиториядан ташқарида амалга ошириладиган ишлари, ўқув дастуридаги айрим мавзуларни мустақил ҳолда ўзлаштириш, уйга берилган вазифаларни бажариш, амалий ва лаборатория ишларига тайёргарлик кўриб келиш, ижодий ва илмий тадқиқот характеридаги ишлар ва ҳ.к.

Биринчи турдаги ишлар талабаларнинг назарий ва амалий билимларини ўзлаштириб бориш даражаси, амалий машғулотларга (амалиёт, лаборатория, семинар дарслари) тайёргарлик савияси ва уй вазифаларининг бажарилиш сифатини текшириш мақсадида, одатда, назорат ишлари олиш, савол-жавоб, суҳбат, мунозара, реферат, эссе каби топшириқларни бажартириш ва бошқа усулларда асосан амалиёт дарсларида назорат (жорий назоратда) қилинади.

Жорий назоратда талабанинг машғулотлар пайтида ўтилган материалларни ўзлаштириш ва уйга берилган топшириқларни бажаришдаги фаоллиги, бажариш савияси ва ўзлаштириш даражаси эътиборга олинади.

Иккинчи турдаги ишлар фаннинг ишчи ўқув дастурида аудиториядан ташқарида ўзлаштириши учун белгиланган мавзу бўйича маълумот ва ахборотларни мустақил равишда излаб топиш, таҳлил қилиш, конспектлаштириш (ёки реферат тарзида расмийлаштириш) ва ўзлаштириш, ижодий ёндашувни талаб қиладиган амалий топшириқларни бажариш кўринишида амалга оширилади. Бу турдаги ишларни бажариш жараёни ва ўзлаштириш сифатининг назорати дарсдан ташқари пайтларда, махсус белгиланган маслаҳат соатларида

амалга оширилади. Профессор-ўқитувчи журналида талабаларнинг мустақил ишлари журналнинг тегишли бетларида қайд этилади.

“Қорхона иқтисодиёти” фани бўйича талабалар мустақил ишларини ташкил этишда жорий, оралиқ ва якуний назоратлар жараёнида талабаларнинг академик ўзлаштириш даражаси ва қобилиятини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакл ва турларидан фойдаланиш тавсия этилади:

№	Мустақил ишларнинг шакллари	Мустақил ишларнинг турлари
1.	Репродуктив шаклдаги мустақил ишлар	- фаннинг айрим мавзуларини ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш, ўқув манбалари билан ишлаш ва конспект қилиш; - Ўзбекистон Республикаси Қонунларини, Президент Ислоҳ Каримовнинг асарлари ва маърузаларини, Президент қарорлари, фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатларни мустақил ўрганиш ва конспектлаштириш; - маърузаларни видео ҳамда аудио орқали кўриш, эшитиш ва конспект қилиш; - мултимедиа воситалари орқали слайдлар, видео материалларни кўриш, эшитиш ва ўзлаштириш; - ўқув материалларини қайтариш, ёд олиш ва бошқалар.
2.	Англаш-изланиш (қиди-риш) шаклидаги муста-қил ишлар	- мустақил равишда ахборотлар, кўргазмалар воситаларни тайёрлаш, маърузалар ва бошқа материалларни ўрганиш; - ҳисоб-китоб ва аналитик ишларни бажариш, тестлар ечиш; - семинар, амалий ва бошқа машғулотларда маърузалар билан чиқишлар қилиш; - уй ишлари, назорат ишлари, тақдимотлар, рефератлар, кейс-стадилар ва бошқаларни бажариш.
3.	Ижодий иш шаклидаги мустақил ишлар	- эссе, курс ишлари ва битирув малакавий ишлари тайёрлаш ва ҳимоя қилиш; - илмий-тадқиқот ишларида иштирок этиш ва илмий ҳисоботлар тайёрлашда қатнашиш; - талабаларнинг илмий тўғаракларида иштирок этиш; - илмий-амалий анжуманларда иштирок этиш, илмий мақолалар ва маъруза тезислари тайёрлаш ҳамда чоп эттириш.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларнинг шакли ва ҳажми, қийинчилик даражаси семестрдан–семестрга кўникмалар ҳосил бўлишига мувофиқ равишда ўзгариб, ошиб бориши лозим. Яъни, талабаларнинг топшириқларни бажаришдаги мустақиллиги даражасини аста-секин ошириб, уларнинг топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндошишга ўрганиб бориши керак.

Талабаларнинг мустақил иши таълим ва тарбиянинг шундай вазифаларига бўйсундирилганки, семестр давомида ўқув жараёни тўлалигича талабалар томонидан фаол, онгли, пухта ва тизимли равишда фан асосларини ўзлаштириш ва уларда иқтисодий дунёқарашни шакллантириш имконини беради. Бу вазифалар таълим жараёни ва шахсни

шакллантириш қонуниятларини билмасдан ва фойдаланмасдан туриб ҳал қилиниши мумкин эмас. Куйида уларнинг мазмунига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Мавзунини мустақил ўзлаштириш. Фаннинг хусусияти, талабаларнинг билим даражаси ва қобилиятига қараб ишчи ўқув дастурига киритилган алоҳида мавзулар талабаларга мустақил равишда ўзлаштириш учун топширилади. Бунда мавзунинг асосий мазмунини ифодалаш ва очиб беришга хизмат қиладиган таянч иборалар, мавзунини тизимли баён қилишга хизмат қиладиган саволларга эътибор қаратиш, асосий ҳамда қўшимча адабиётлар ва ахборот манбалари кўрсатилиши лозим.

Топшириқни бажариш жараёнида талабалар мустақил равишда ўқув адабиётларидан фойдаланиб, ушбу мавзунини конспектлаштирадilar, таянч ибораларнинг моҳиятини англаган ҳолда мавзуга тааллуқли саволларга жавоб тайёрлайдилар. Зарур ҳолларда (ўзлаштириш қийин бўлса, саволлар пайдо бўлса, керакли адабиётларни топа олмаса, мавзунини тизимли баён эта олмаса ва ҳ.к.) фаннинг профессор-ўқитувчисидан маслаҳатлар оладилар. Мустақил ўзлаштирилган мавзу бўйича тайёрланган матн профессор-ўқитувчига ҳимоя қилиш орқали топширилади.

Реферат тайёрлаш – мазкур фан бўйича ўтиладиган семинар машғулотидagi чиқишга қараганда мазмун ва сифат жиҳатдан юқори бўлиб, шубҳасиз катта фойда келтиради. Талаба аудитория олдидa рефератда баён қилинган қоидаларни ҳимоя қилишга, ёқлашга тайёрланиши керак. Қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни ўрганишда бу муҳим аҳамиятга эга.

Реферат - бу талабалар мустақил ишларининг самарали шаклларида биридир. Мазкур шакл талаба томонидан реферат мавзусини танлаш, унда ёритиладиган масалалар мазмунини олдиндан режалаштириш, рефератни тайёрлаш ва муҳокама қилишнинг барча босқичларида фан бўйича машғулот олиб боровчи кафедра профессор-ўқитувчиларининг ташкилий-услубий ёрдами ва маслаҳати асосидагина самарали амалга ошиши мумкин. Бу ерда профессор-ўқитувчи томонидан талабаларнинг реферат ишларига раҳбарлик қилиш қанчалик батафсил ва малакали амалга оширилганлиги ва рефератларга талабалар мезони қанчалик тўғри қўйилганлиги албатта, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Топшириқ талабаларнинг реферат ёзиш кўникмаларини, илмий қизиқишлари ва билим даражасини ҳисобга олган ҳолда берилиши жуда муҳим.

Реферат таркибий жиҳатдан титул, мундарижа, кириш, асосий қисм, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан ташкил топади.

Кириш қисмида талаба реферат мавзусининг долзарблиги, уни ёритишдан кўзда тутилган мақсад ва вазифалар ҳамда рефератда очиб берилadиган саволларни қисқача ёритади.

Асосий қисмда мавзунини очиб беришга хизмат қиладиган саволлар (параграфларни) режада келтирилган кетма-кетликда, талабанинги ўз мустақил мушоҳадаси ва фикрларига таянган ҳолда, адабиётлардан олинган илмий ва назарий материаллар (уларга ҳавола келтирилган ҳолда), турли статистик ва оператив маълумотлар (уларнинг манбалари кўрсатилган ҳолда) асосида батафсил ёритади.

Хулоса ва тавсиялар қисмида талаба ўз мустақил ёндошуви ва ижодий фикрлашини намоён этиши ҳамда қисқа сатрларда мавзунини ёритиш жараёнида олинган хулосалари ва тавсияларини тартиб билан режада келтирилган кетма-кетликда ифодалаши лозим.

Кейс-стадилар (муаммоли вазиятлар таҳлили) тайёрлаш. Кейс усули (ингл. **Case method** - кейс-усули, кейс-стади) аниқ бир вазият ёки муаммоли ҳолат таҳлили сифатида таълим бериш ҳамда ўрганиш техникасини ифодалайди. Кейс-стади усулида иқтисодий, ижтимоий ёки бизнес соҳасида юзага келган аниқ муаммолар, вазиятли ҳолатлар батафсил ёритади ҳамда уларни ҳал этиш бўйича хулосалар, ечимлар ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Бу усулда талабалар бирор-бир фирма ёки компанияда бизнес билан боғлиқ юзага келган муаммо ёки вазиятни муфассал ўрганиб, таҳлил этишлари ҳамда бу вазиятни бартараф этишнинг турли муқобил вариантларини ишлаб чиқишлари ва улардан энг оптимал битта ечимни танлаб олишлари талаб қилинади.

Кейслар асосан реал воқеалар ва вазиятларга асосланган бўлиши ҳамда ишлаб чиқариш амалиётидан олинган бўлиши мақсадга мувофиқ. Профессор-ўқитувчи кейсни ечиш жараёнида талабаларни бизнес билан боғлиқ бўлган муаммолар ва вазиятли ҳолатлар ечимларини топишга, энг оптимал бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ҳамда альтернатив (муқобил) танлов шароитида қарор қабул қилиш кўникмаларини шакллантиришга йўналтиради.

Тайёрланган кейсларнинг муваффақияти қуйидаги учта мезонларга мос келишига боғлиқ:

1. Бошланғич маълумотлар базасининг (оператив, статистик, бухгалтерия, режа, молиявий ва бошқа.) етарли ҳажмда эканлиги.
2. Кейсларни ишлаб чиқишда амалиётдан мутахассисларнинг иштирок этиши.
3. Муаммонинг ечимини излаб топишда таҳлилнинг турли усулларини қўллашга имкон берувчи бекиёс бизнес вазияти ёки муаммоли ҳолатнинг мавжудлиги.

Кейс-стадиларни адабиётлар, журнал ва газеталарда эълон қилинган бизнесга оид вазиятлар, мақолалар ва маълумотлар асосида тайёрлаш ҳам мумкин. Аммо, биро-бир фирманинг реал ҳаётидан олинган ва реал вазиятларга асосланган кейслар қимматли бўлиб, талаба кейсни ёзиш жараёнида фирмага бориб, у ердаги мутахассислар ва менежерлар билан мулоқот ўтказиши ҳамда фирма ҳисоботларидан фойдаланиши жуда муҳимдир.

Кўргазмали воситалар тайёрлаш. Талабага муайян мавзунинг баён қилиш ва яхшироқ ўзлаштириш учун ёрдам берадиган ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида бажариладиган кўргазмали материаллар тайёрлаш вазифаси топширилади. Мавзу профессор-ўқитувчи томонидан аниқланиб, талабага маълум кўрсатмалар, йўл-йўриқлар берилади. Кўргазмали воситаларнинг миқдори, шакли ва мазмуни талаба томонидан мустақил танланади. Бундай вазифани бир мавзу бўйича бир неча талабага ёки талабалар гуруҳига топшириш ҳам мумкин.

Мавзу бўйича тестлар, мунозарали саволлар ва топшириқлар тайёрлаш. Талабага мустақил иш сифатида муайян мавзу бўйича тестлар, қийинчилик даражаси ҳар хил бўлган масалалар ва топшириқлар, мунозарага асос бўладиган саволлар тузиш вазифаси топширилади.

Бунда профессор-ўқитувчи томонидан талабага тестга қўйиладиган талаблар ва уни тузиш қонун-қоидалари, қандай мақсад кўзда тутиладиганлиги, муаммоли саволлар тузишда мавзунинг мунозарали жиҳатларини қандай ажратиш лозимлиги, топшириқларни тузиш усуллари бўйича йўл-йўриқ берилади.

Талабаларнинг илмий-назарий конференциялари - ўлар мустақил ишларининг шаклларида биридир. Кафедра профессор-ўқитувчилари талабалар илмий-назарий конференциясини ташкил этиш орқали ўз ишини гуруҳнинг касбий йўналтирилганлигини, қизиқишларини ҳисобга олиб, табақалашган ҳолда ташкил қилиши керак. Фақат шу ҳолдагина талабаларнинг конференцияни ўтказишда фаол иштироки ва манфаатдорлиги таъминланади. Талабаларнинг илмий-амалий конференцияларини қуйидаги босқичларда амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1-босқич – ўқитиладиган фан бўйича барча ўқув гуруҳларида конференцияларни ўтказиш;

2-босқич – ҳар бир гуруҳдан танлаб олинган талабаларнинг энг яхши маърузаларини факультет ва факультетлараро конференцияга тақдим этиш ҳамда ўтказиш;

3-босқич – факультетлараро конференцияда танлаб олинган энг яхши маърузаларни умуминиверситет илмий-назарий конференциясига тақдим этиш.

Барча гуруҳлар учун ягона бўлган конференция мавзусини тасдиқлаб, талабаларнинг маъруза ва чиқишларини гуруҳларнинг қизиқишларига қараб ихтисослаштириш мумкин.

Илмий мақолалар, тезислар ва маърузалар тайёрлаш. Талабага бирон-бир мавзу бўйича (мавзунинг талабанинг ўзи ҳам танлаши мумкин) илмий мақола, тезис ёки маъруза тайёрлаш топширилиши мумкин. Бунда талаба ўқув адабиётлари, илмий-тадқиқот ишлари, диссертациялар, мақола ва монографиялар ҳамда бошқа ахборот манбаларидан мавзуга

тегишли бўлган материаллар тўплайди ва булар асосида илмий мақола ҳамда маъруза тезислари тайёрлайди.

2. Талабалар мустақил ишларини ташкил этишнинг асосий тамойиллари

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда “Талабалар мустақил ишини ташкил этиш ва назорат қилиш” бўйича йўриқномада белгиланган қуйидаги асосий тамойилларга риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

1.Талабалар мустақил ишларини икки кўринишда – аудиторияда ва аудиториядан ташқарида ташкил этиш.

2.Талабалар мустақил ишларини тизимли равишда, яъни босқичма-босқич, оддийдан мураккабга қараб ташкил этилишини таъминлаш.

3. Талабалар мустақил ишларининг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги муҳим жиҳатларга эътибор қаратиш:

- талабанинг ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти, ўзлаштиришдаги қийинчилик даражасига;
- талабанинг қобилияти, назарий ва амалий тайёргарлик даражасига;
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражасига;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражасига;
- мустақил иш учун топшириқлар курсдан-курсга ўтиш билан шакл ва ҳажм жиҳатидан ўзгариб боришига;
- мустақил иш фан хусусияти ҳамда талабанинг академик ўзлаштириш даражасига ва қобилиятига мос ҳолда ташкил этиш.

3. Мустақил ишни амалга оширишда талаба бажариши лозим бўлган вазифалар

Талабалар мустақил ишларини ташкил этишда қуйидаги вазифаларни бажаришлари лозим:

- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- зарур маълумотларни излаб топиш учун қулай усулларни ва воситаларни аниқлаш;
- ахборот манбаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ҳамда меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув ва илмий адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- Интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар даврасида ҳимоя қилиш.

4. Талабалар мустақил иши мавзулари ва мазмуни, уларни бажариш шакллари

“Қорхона иқтисодиёти” фани бўйича талабаларнинг мустақил иш мавзулари ва мазмуни, уларни бажариш шакллари қуйидаги жадвалда келтирилган:

Т/р	Фаннинг ишчи ўқув дастуридаги мавзулар номлари	Мустақил таълимга ажратилган	Талаба мустақил ишининг мавзуси ва мазмуни	Мустақил ишни бажариш шакллари
-----	--	------------------------------	--	--------------------------------

		соатлар		
1.	«Корхона иқтисодиёти» курсининг мазмуни ва вазифаси	4	1. ¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасидан келиб чиқиб корхоналар фаолияти йўналишларини ўрганиш. 2. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий иқтисодиётни ривожланиши ва аҳоли бандлигини таъминлашда корхонанинг ўрни ва роли.	Мавзуни конспект қилиш ва ўзлаштириш
2.	Корхона - мустақил хўжалик фаолиятини юритувчи бозор субъекти	8	1. Корхоналарнинг бирлашмалари. 2. Корхоналарнинг мустиқиллиги ва масъулияти. 3. Бозор муносабатлари шароитида давлат ва корхоналар ўртасидаги муносабат.	Мавзуни конспект қилиш Реферат ёки тақдимот тайёрлаш
3.	Корхонани ташкил этиш ва фаолиятини тўхтатиш	7	1. Корхонани ташкил этишнинг ҳуқуқий асослари ва тамойиллари. 2. Корхонани ташкил этиш тартиби ва босқичлари.	Мавзуни конспект қилиш Реферат ёки тақдимот тайёрлаш
4.	Корхонани бошқариш	6	1. Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида бошқарувнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари. 2. Бошқарув қарорларини қабул қилиш ва уларнинг масъулияти корпоратив бошқарувнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг устунликлари ва камчиликлари.	Мавзуни конспект қилиш Реферат, тақдимот тайёрлаш
5.	Корхона фаолиятини режалаштириш ва башорат қилиш	8	1. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида бизнес-режалаштириш корхонани бошқаришдаги муҳим курул сифатида. 2. Режалаштиришни бозор механизмлари билан мос қилиш.	Техноло-гик карта тайёрлаш Маъруза тайёрлаш
6.	Ишлаб чиқаришнинг иқтисодий ва ижтимоий самарадорлиги	8	1. Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида самарадорлик корхона фаолиятининг «ойнаси» сифатида. 2. Бозор муносабатлари шароитида самарадорликнинг ўрни ва аҳамияти.	Мавзуни конспект қилиш Реферат Тақдимот Вазиятли топшириқ Ечиш

7.	Корхонанинг асосий фондлари ва ишлаб чиқариш қуввати	8	1. Асосий фондларнинг моҳияти ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. 2. Ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш асосий фондлари.	Мавзуни конспект қилиш Вазиятли топшириқ ечиш Тақдимот
8.	Корхонанинг айланма маблағлари	8	1. Айланма маблағлар тушунчаси, уларнинг таркиби ва тузилмаси. 2. Корхона айланма маблағларининг асосий воситалардан фарқи. 3. Бозор муносабатлари шароитида айланма маблағларни шакллантириш манбалари.	Мавзуни конспект қилиш Вазиятли топшириқ ечиш Тақдимот
9.	Корхонада ҳодимлар, меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлаш	8	1. Ҳодимлар ва уларнинг корхона фаолиятидаги ўрни. 2. Замонавий шароитларда корхонанинг кадрлар сиёсати. 3. Корхона ҳодимлари, уларнинг таркиби ва тузилмаси.	Мавзуни конспект қилиш Тақдимот Реферат Вазиятли топшириқ ечиш
10.	Ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва рентабеллик	8	1. Ишлаб чиқариш харажатлари, фойда ва рентабеллик тушунчалари. 2. Маҳсулот баҳоси ва таннархи. 3. Маҳсулот таннархини режалаштириш ва калкуляцияси.	Мавзуни конспект қилиш Вазиятли топшириқ ечиш Тақдимот Реферат
11.	Корхонанинг инвестицион фаолияти	4	1. Инвестицион жараён ва инвестициялар таснифи. 2. Корхонанинг инвестицион сиёсати.	Вазиятли топшириқ ечиш Тақдимот Реферат
12.	Корхонанинг иқтисодий хавфсизлиги ва тижорат сири	4	1. Корхонанинг иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади ва вазифалари. 2. Корхона хавфсизлиги концепцияси. 3. Корхонани иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари.	Мавзуни конспект қилиш Вазиятли топшириқ ечиш Тақдимот Реферат

5. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатларни ташкил этиш тартиби

Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар дарси аудиториядан ташқарида амалга оширишга мўлжалланган мустақил ишларни бажариш юзасидан тегишли йўлланмалар бериш ва унинг бажарилишини назорат қилиб бориш мақсадида ташкил қилинади. Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар дарси фаннинг календарь-тематик режасига

мувофиқ ўтказилади. Маслаҳат дарси тегишли фаннинг профессор-ўқитувчиси томонидан ўтказилади.

Фаннинг профессор-ўқитувчиси маслаҳат дарсида қуйидаги ишларни амалга оширади:

- талабалар мустақил ишлари топшириқларини бажариш юзасидан тегишли йўлланма беради.

- топшириқни бажариш режасини тузишга ёрдамлашади;
- тегишли адабиётлар ахборот манбаларини тавсия қилади;
- талабалар мустақил ишлари юзасидан тайёрланган ишланма, ҳисобот, реферат, ҳисоб-китоб ва топшириқ натижаларини қабул қилади ҳамда баҳолайди.

Талабалар мустақил иши бўйича маслаҳатлар ўқув жараёнининг ташкил этилишига қараб талабаларнинг дарсдан бўш вақтларида амалга ошириладиган дарс жадвалига киритилади.

6. Талабалар мустақил ишларини назорат қилиш, баҳолаш тартиби ва мезонлари

Мазкур баҳолаш мезони Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга ошириладиган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизимини белгилайди. Талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашдан мақсад таълим сифатини бошқариш орқали рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришиш, талабаларнинг фанларни ўзлаштиришида бўшлиқлар ҳосил бўлишини олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишдан иборат.

Талабалар мустақил ишларининг жорий, оралиқ ва якуни назорат турлари бўйича ташкил этилиши фан бўйича ишчи ўқув режа ва дастурида мустақил таълимга ажратилган ўқув соатлари ҳажмини тўлиқ қамраб олишга, талабаларда мустақил фикрлаш, илмий-ижодий изланиш, мустақил қарорлар қабул қилиш ҳамда таълим йўналиши давлат таълим стандартларида белгиланган касбий кўникмаларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди.

Мустақил ишлаш учун реферат мавзулари.

1.	Иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш шароитида корхона ташқи иқтисодий фаолиятини самарали ташкил этиш.
2.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхонада меҳнат унумдорлиги ва уни ошириш йўллари.
3.	Иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш шароитида корхонада бизнес-режалаштиришни такомиллаштириш.
4.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналари ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш йўллари.
5.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида корхонани модернизациялашда лизинг тизимидан фойдаланишни кенгайтириш йўллари.
6.	Иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш шароитида корхонада маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлаш асослари
7.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхонада ишлаб чиқаришнинг материал сиғимини камайтириш йўллари.
8.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида корхоналар кооперациясини ривожлантириш йўналишлари.
9.	Иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш шароитида корхонанинг тижорат сири ва иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш.
10.	Мамлакат рақобатбардошлигини оширишни таъминлаш шароитида саноат корхоналарида иқтисодий ночорликни олдини олиш ва инкирозга қарши бошқарувни

	яхшилаш.
11.	Мамлакат рақобатдошлигини оширишни таъминлаш шароитида саноат корхонасининг банкротлиги ва уни олдини олиш йўллари.
12.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхонада маркетинг ва сотиш фаолиятини самарали ташкил этиш йўналишлари.
13.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида ёрдамчи хўжаликларни самарали ташкил этиш.
14.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарида ихтисослашув ва кооперацияни ташкил этишни яхшилаш.
15.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхонада ресурс тежамкорлигини амалга ошириш йўналишлари.
16.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхонада фойдани шакллантириш ва ундан самарали фойдаланиш йўллари .
17.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришда технологик хизматларни ташкил этишни такомиллаштириш.
18.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхонасида молиявий режалаштиришни такомиллаштириш.
19.	Мамлакатимиз рақобатдошлигини оширишни таъминлаш шароитида саноат корхонасида халқаро стандартларга мувофиқ маҳсулот сифатини ошириш йўналишлари.
20.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхонасида ишлаб чиқариш жараёнларини ташкил этишни такомиллаштириш.
21.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона ишлаб чиқариш дастурини ишлаб чиқишни такомиллаштириш.
22.	Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш шароитида саноат корхонасида таваккалчиликни камайтириш.
23.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида акционерлик жамиятлари капиталидан унумли фойдаланиш.
24.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг моддий ресурсларга бўлган талабини аниқлаш .
25.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни режалаштириш ва маҳсулотнинг ҳаёт циклини ошириш йўналишлари.
26.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона моддий ва меҳнат ресурсларини нормалаштириш.
27.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарининг кредитга қодирлигини баҳолаш .
28.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳаракатдаги корхонада янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга киритишнинг бизнес-режаси.
29.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона техникавий қайта қуроллантиришнинг бизнес-режаси .
30.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхонанинг молиявий - хўжалик фаолияти самарадорлигини комплекс баҳолаш.
31.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноатда инвестицион лойиҳаларни таҳлил этиш ва самарадорлигини аниқлаш.
32.	Фаол инвестиция сиёсати шароитида саноатга инвестицияларни жалб этиш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий самарадорлиги.
33.	Фаол инвестиция сиёсати шароитларида саноат тармоқларида инвестицион муҳитни яхшилаш омиллари.
34.	Фаол инвестиция сиёсати шароитларида саноат корхоналарига хорижий инвестицияларни жалб этиш йўналишлари.
35.	Фаол инвестиция сиёсати шароитларида саноат корхоналарида инвестиция

	лойиҳаларни амалга оширишни ташкил этиш.
36.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонада оқим шаклида ишлаб чиқариш ва унинг самарадорлиги.
37.	Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш шароитида тадбиркорлик таваккалчилигини баҳолаш ва уни камайтириш йўллари.
38.	Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш шароитида корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш йўллари.
39.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида корхонани бошқаришнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш йўллари.
40.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришнинг техникавий тайёргарлиги, вазифалари ва мазмуни.
41.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида молия-саноат гуруҳларини, ташкил этиш тамойиллари ва фаолият механизми.
42.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида ҳолдинг компаниялари ва уларнинг бозор иқтисодиётидаги ўрни.
43.	Мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш шароитида саноат корхоналарида ресурслар тежамкорлигини таъминлаш йўналишлари
44.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг инновацион фаолияти самарадорлигини ошириш.
45.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида корхонада ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари.
46.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида енгил саноат тармоғини ривожлантириш истикболлари.
47.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида саноат тармоқларида кичик бизнесни ривожлантириш имкониятлари.
48.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида халқаро стандартлар асосида озиқ-овқат маҳсулотларини рақобатбардошлигини ошириш йўллари.
49.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида сифатни бошқариш ва стандартлаш масалалари
50.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхонаси рентабеллигини оширишнинг асосий омиллари.
51.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона номоддий активлари ва моддий ресурсларидан тежамкорлик асосида фойдаланишни таъминлаш
52.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида акционерлик жамиятларининг корпоратив сиёсати.
53.	Фаол инвестицион сиёсат шароитида корхона инвестицион фаолиятини яхшилаш йўллари.
54.	Аҳоли бандлигини таъминлаш шароитида корхонада меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш ва такомиллаштириш йўллари.
55.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажмини таъминлаш.
56.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида солиқ юкини камайтириш чора тадбирлари.
57.	Фаол инвестиция сиёсати шароитларида қўшма корхоналар фаолиятини самарали ривожлантириш йўллари.
58.	Аҳоли бандлигини таъминлаш шароитларида корхонада кадрлар сиёсати ва иш ҳақи тўлаш тизими самарадорлигини ошириш.
59.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида корхонанинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.
60.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида ишлаб чиқариш

	узлуксизлигини таъминлашда суғурта механизмининг ролини ошириш йўллари.
61.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхонанинг асосий воситаларидан фойдаланиш самарадорлигини таъминлаш.
62.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида корхонанинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш асослари
63.	Ислохотларни чуқурлаштириш шароитида корхона фаолияти режа кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш асослари.
64.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхоналарда айланма маблағлардан самарали фойдаланишнинг асосий йўналишлари.
65.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида корхона ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш.
66.	Ўзбекистонда минерал хомашёлардан импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги.
67.	Иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш шароитида корхонада харажатлар таркиби тахлили ва таннархни камайтириш йўналишлари
68.	Иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминлаш шароитида корхона амалий фаоллиги ва рентабеллигини ошириш йўллари.
69.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида корхонанинг баҳо сиёсати.
70.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхона меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари.
71.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида корхонанинг кредитга қодирлигини баҳолаш.
72.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш.
73.	Фаол инвестиция сиёсати шароитида Ўзбекистон саноат тармоқларининг инвестиция сиёсатини такомиллашуви.
74.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистон Республикасида саноатни ривожлантириш истиқболлари.
75.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхонанинг молиявий аҳволини яхшилаш йўллари ва ривожлантириш тadbирлари.
76.	Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида саноат корхонасида ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш имкониятлари ва йўллари.
77.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналари маҳсулотларини экспорт қилишдаги рисклар ва ундан ҳимоялаш йўллари
78.	Ислохотларни давом эттириш ва чуқурлаштириш шароитида саноат тармоқларида тadbиркорлик фаолиятини ривожлантиришда мотивациявий омиллардан фойдаланиш
79.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистонда электроэнергетика тармоғини ривожлантириш йўллари
80.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистонда металлургия саноатини ривожлантириш йўллари
81.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида Ўзбекистонда автомобиль саноати фаолиятини такомиллаштириш йўллари
82.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида саноат корхоналарида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни сертификатлаш тизимини такомиллаштириш йўллари
83.	Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш шароитида саноат корхоналари ишлаб чиқаришида персонал бошқаришнинг оммавий дастурларини тузиш

4. “Корхона иктисодиёти” фанидан тайёрланган глоссарий

Акциядорлик жамияти - акциядорлар ва муассислар маблағи эвазига шаклланган капиталга эга бўлган ҳуқуқий шахс мақомига эга компания. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишнинг маблағларни акция сотиш йўли билан жалб этишга асосланган шакли.

Айланма ишлаб чиқариш фондлари – ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат предметлари (хом ашё, материаллар, ўров материаллари, таъмирлаш учун эҳтиёт қисмлар ва ҳоказо). Ҳар бир ишлаб чиқариш циклида тўлиқ сарфланади ҳамда корхонанинг айланма маблағлари ҳисобига сотиб олинади.

Айланма маблағлар – ишлаб чиқариш заҳиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот, янги маҳсулотни ўзлаштириш харажатлари, келгуси давр харажатларига сарфланувчи корхона маблағларининг пул шаклида ифодаланиши.

Акция – акциядорлик жамияти томонидан чиқарилувчи ҳамда унинг эгаси, акциядорлик жамиятининг аъзосига жамиятни бошқариш ва фойдадан дивиденд олиш ҳуқуқини берувчи қимматбаҳо қоғоз.

Акциядорлик капитали – акциядорлик жамиятининг асосий капитали, унинг ҳажми Низомда белгилаб берилади. Қарзга олинган маблағлар ва акция чиқариш ҳисобига шакллантирилади.

Амортизация - асосий фондлар қийматини аста-секинлик билан улар ёрдамида ишлаб чиқарилувчи маҳсулот ёки хизматларга ўтказилиши; маблағларнинг мақсадли равишда жамғарилиши ва кейинчалик эскирган асосий фондларнинг ўрнини қоплашга ишлатилиши.

Амортизация воситалари - корхона асосий фондларини сақлаш ва янгилаш учун махсус ажратилувчи молиявий воситалар.

Амортизация фонди - асосий фондларни оддий ва кенгайтирилган тарзда такрор ишлаб чиқаришга мўлжалланган пул маблағлари.

Асосий ишлаб чиқариш фондлари – маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи меҳнат воситалари (бинолар, иншоотлар, қурилма ва асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ва ҳоказо). Улар узоқ муддат хизмат кўрсатиб, ишлаб чиқариш жараёнида ўзининг натурал шаклини сақлаб қолади ҳамда ўз қийматини эскириш мобайнида аста-секинлик билан тайёр маҳсулотга ўтказилади. Капитал қўйилмалар ҳисобига тўлдирилади.

Асосий фондларнинг эскириши – асосий фондларнинг (бинолар, қурилмалар ва бошқа меҳнат воситаларининг) аста-секинлик билан фойдали хусусиятларини йўқотиши. Асосий ишлаб чиқариш фондлари эскиришининг жисмоний ва маънавий турлари мавжуд.

Баланс - бирон-бир ҳолатнинг алоҳида томонларини таққослаш ва солиштириш йўли билан тавсифланувчи кўрсаткичлар тизими.

Баланс фойдаси - корхонанинг балансида акс эттирилувчи фаолиятнинг барча турларидан олинувчи умумий фойда миқдори.

Банкротлик - касодга учраш, корхонанинг (ташкилот, банк) ўз мажбуриятлари бўйича тўловларни маблағлар йўқлиги туфайли амалга оширмаслигини англатувчи тушунча. Қондага кўра, корхонани ёпиш ёки мажбуран тугатиш ҳамда мол-мулкни қарзларни тўлаш учун сотиб юборишга олиб келади.

Баҳорат қилиш - келажакда рўй бериши мумкин бўлган турли ҳодиса ва жараёнларни статистик, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа турдаги тадқиқотлар ёрдамида илмий асосланган ҳолда аввалдан айтиб бериш.

Бизнес - бозор иқтисодиёти шароитларида субъектнинг маълум бир маҳсулот ёки хизмат турини яратиш ва сотиш йўли билан фойда олишга мўлжалланган иқтисодий фаолияти.

Бизнес-режа - корхона фаолияти дастури, қутилаётган харажат ва даромадлар ҳисобини ўз ичига олувчи компания фаолиятининг муайян мақсадларига эришиш учун муайян чора-тадбирлар режаси. Маркетинг тадқиқотлари асосида ишлаб чиқилади.

Вексель - қимматбаҳо қоғоз тури, белгиланган тартибда ёзма шаклдаги қарз мажбурияти, ўз эгасига (вексель олувчига) вексель берувчидан кўрсатилган пул миқдорини белгиланган муддатда гап-сўзсиз тўланишини талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Венчур фирма – тижорат билан шуғулланувчи илмий-техник фирма, янги технологиялар ва маҳсулотларни даромадларни аввалдан белгиламаган ҳолда ишлаб чиқиш ва қўллаш билан шуғулланади (таваккалчиликка асосланган капитал қўйилмаси).

Дивиденд - акциядорлик жамияти фойдасининг бир қисми, ҳар йили солиқларни тўлаш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, заҳираларни тўлдириш, облигациялар бўйича фоизлар тўлаш ва директорларни мукофотлашдан сўнг акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Жисмоний эскириш – меҳнат воситаларининг фойдаланиш ва табиат кучлари таъсири остида моддий жиҳатдан емирилиши. Меҳнат воситаларининг маънавий эскириши уларнинг тўлиқ жисмоний эскиришдан олдинданроқ, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари юқорироқ ва тежамкор бўлган машина ва қурилмалар пайдо бўлиши туфайли юз бериши мумкин.

Ижара - мулкни маълум бир ҳақ тўлаш эвазига, вақтинчалик фойдаланишга бериш тўғрисидаги шартномага асосланган ҳолда ёллаш.

Илмий-техник салоҳият– мамлакатдаги фан, техника ва муҳандислик ишларининг ривожланиш даражаси, жамиятнинг фан-техника муаммоларини ҳал қилиш учун мавжуд ресурс ва имкониятларининг умумий тавсифномаси.

Инвестицион сиёсат – капитал қўйилмаларнинг энг устивор йўналишларини танлаш, иктисодиёт самарадорлигини ошириш, сарфланган ҳар бир сўмга маҳсулот ўсиши ва миллий даромаднинг энг юқори кўрсаткичларига эришиш.

Инвестициялар - мамлакат ичкараси ва ташқарисида янги корхона яратиш ва мавжуд корхоналарни замонавийлаштириш, энг янги техника ва технологияларни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш даражасини ошириш ва фойда олиш мақсадида узоқ муддатли маблағлар киритилиши.

Инвестор - бирон-бир фаолиятга, корхонага фойда олиш мақсадида узоқ муддатли капитал киритишни амалага оширувчи хусусий тадбиркор, ташкилот ёки давлат.

Инжиниринг - тижорат асосида (шартнома шаклида) турли хил муҳандислик-маслаҳат хизматлари кўрсатилиши.

Инновация - жамият ривожланиши билан ўзгариб боровчи инсон эҳтиёжларини қондиришга оид янгиликлар, уларни яратиш, тарқатиш ва фойдаланиш жараёнини мажмуаси.

Инфратузилма - саноат (ёки бирон-бир бошқа) ишлаб чиқариши ҳамда аҳолига хизмат кўрсатувчи хўжалик тармоқлари мажмуаси. Транспорт, алоқа, савдо, моддий-техник таъминот, фан, таълим, соғлиқни сақлашни ўз ичига олади.

Ишлаб чиқариш қуввати – асосий ишлаб чиқариш ва айланма фондлар, шунингдек, молиявий ресурслардан иложи борица тўлиқ ва оқилона фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотнинг максимал ҳажми.

Ишлаб чиқариш рентабеллиги – умумий (баланс) фойданинг асосий ишлаб чиқариш фондлари ва нормалаштирилувчи айланма маблағларнинг ўртача йиллик қийматига нисбати сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.

Ишлаб чиқариш тузилмаси– корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида бевосита ёки билвосита иштирок этадиган ишлаб чиқариш бўлинмалари - цехлар, участкалар, хизмат кўрсатиш хўжалиги алоқаларининг йиғиндиси.

Ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш – йирик корхоналарда технология ва тузилмаси бир хил бўлган маҳсулотларни оммавий равишда ишлаб чиқариш.

Ишлаб чиқаришни йириклаштириш – маҳсулотни йирик корхоналарда чиқаришни ташкил қилиш.

Ишлаб чиқаришни кимёлаштириш – маҳсулот ишлаб чиқаришда кимёвий маҳсулот ва сунъий материаллар, шунингдек, кимёвий усуллардан кенг фойдаланиш.

Ишлаб чиқаришнинг диверсификацияси – бир томонлама, кўпинча битта маҳсулотга асосланувчи ишлаб чиқаришни кенг номенклатурада тайёрланувчи маҳсулотларга асосланган ишлаб чиқаришга ўтказиш.

Капитал қурилиш - асосий фондларни янги корхона қуриш, мавжуд корхоналарни қайта тиклаш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта қуrolлантириш ва замонавийлаштириш йўли билан яратиш ва мукаммаллаштириш жараёни.

Капитал қўйилмалар - асосий фондларни қайта тиклаш ва ўстиришга сарфланувчи моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари.

Капитал сиғими - асосий капиталнинг мос келувчи давр мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки унинг бирон-бир қисмини - миллий даромад, соф даромад, фойдага нисбатини тавсифловчи кўрсаткич.

Комбинациялаш – битта корхона - комбинат доирасида саноатнинг битта ёки бир нечта

тармоқларидаги турли хил ишлаб чиқаришларни технологик жиҳатдан бирлаштиришда ифодаланувчи, ишлаб чиқаришни умумлаштириш шаклларида бири.

Компания - тадбиркорларнинг ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган, пай капитали асосида ташкил қилинувчи бирлашмаси.

Конверсия - корхонанинг умуман бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиши.

Концерн - турли тармоқлардаги мустақил корхоналарнинг иштирок этиш тизими, қўшма тадқиқотлар, патент-лицензия келишувлари, молиялаштириш, ишлаб чиқариш ҳамкорлиги воситасида бирлашуви.

Кооперация қилиш - якуний маҳсулотни биргаликда тайёрлаш бўйича узоқ муддатли тўғридан-тўғри хўжалик алоқаларини ўрнатиш.

Корхонанинг оптимал ҳажми – маҳсулот ишлаб чиқариш (иш бажариш, хизмат кўрсатиш) бўйича имзоланган шартнома ва мажбуриятларни ўз муддатида, энг кам харажатлар билан энг юқори самарадорликка эришган ҳолда бажариш имконини берувчи корхона ҳажми.

Корхонанинг тижорат сирлари– корхонанинг ишлаб чиқариш, технологиялар, бошқарув ва бошқа турдаги фаолияти билан боғлиқ, ошкор қилиниши корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган, давлат сирларига алоқаси бўлмаган маълумотлар.

Лизинг - мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи ижарага берувчида сақланган ҳолда, мулкни узоқ муддатли ижарага беришга асосланган ҳолда инвестицияларни молиялаштириш шакли; машина, ускуна ва транспорт воситаларининг ўрта ва узоқ муддатли ижараси.

Лицензия - қонунда белгиланган муайян хўжалик операциялари, жумладан, ташқи савдо (экспорт ва импорт) операцияларини амалга ошириш бўйича, ваколатли давлат идораларининг ҳуқуқий шахсларга берувчи махсус рухсатномаси.

Маркетинг - корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш ва сотиш ёки хизмат кўрсатишга оид фаолиятини, бозорни ва истеъмолчилар талабига фаол таъсир кўрсатишни ўрганиш асосида бошқариш тизими.

Материаллардан фойдаланиш коэффициенти – хом ашё ва материалларнинг оқилона тарзда сарфланишини тавсифловчи кўрсаткич. Тайёр маҳсулот таркибига кирувчи материалларнинг ишлов берилган материалларнинг умумий ҳажмига нисбати сифатида ҳисобланади.

Маҳсулот аттестацияси - маҳсулот сифатининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини объектив баҳолашни тизимли равишда амалга оширишни кўзда тутувчи, ташкилий-техник ва иқтисодий чора-тадбирлар мажмуаси.

Маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари – маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланилувчи табиий ресурслар, хом ашё ва материаллар, ёқилғи ва энергия, асосий фондлар ва меҳнат ресурслари, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотишнинг бошқа харажатларининг қиймат баҳолари.

Маҳсулот рентабеллиги – маҳсулот сотишдан олинган фойданинг маҳсулот таннарига нисбати (фоизларда) сифатида аниқланувчи ишлаб чиқариш самарадорлиги кўрсаткичи.

Маҳсулот сертификати - маҳсулот сифатини баҳолаш ва назорат қилишнинг халқаро нормаларини қабул қилиш ва амалга ошириш жараёни; маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарам бўлмаган, маҳсулотнинг халқаро стандарт нормаларига мос келишини назорат қилиш учун керакли асбоб-ускуналар билан таъминланган махсус марказларни яратиш билан амалга оширилади.

Маҳсулот сифати – маҳсулотнинг инсон ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжларини қондириш қобилиятларини белгилувчи фойдали хислатлари мажмуи.

Маҳсулот сифатини бошқариш – маҳсулотни яратиш ва ундан фойдаланиш ёки уни истеъмол қилишда зарур сифат даражасини белгилаш, таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилувчи хатти-ҳаракатлар.

Маҳсулот сифатини бошқариш тизими – сифатни бошқариш учун зарур бўлган ресурслар, жараёнлар ва жавобгарликни аниқ тақсимловчи ташкилий тузилма.

Маҳсулотнинг материал сиғими – хом ашё, материаллар ва бошқа моддий ресурсларнинг маҳсулот бирлигига сарфланувчи харажатлари. Материал сиғимини камайтириш тайёр маҳсулот ва материалларни қўпайтириш, маҳсулот таннарини камайтириш ва хом ашё тармоқларини ривожлантиришга сарфланувчи харажатларни камайтиришга имкон яратади.

Маҳсулотнинг меҳнат сиғими –меҳнат унумдорлиги кўрсаткичларига тескари бўлган катталиқ. Моддий ишлаб чиқариш соҳасида сарфланган меҳнатнинг ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбати орқали аниқланади.
Маҳсулотнинг техник даражаси – баҳоланаётган маҳсулотнинг техник такомиллашганлигини белгилувчи, унинг базис кўрсаткичларига мос келувчи кўрсаткичларни таққослашга асосланган маҳсулот сифатининг нисбий тавсифномаси.
Маҳсулотнинг яшаш даври – маҳсулот ҳаётининг бешта босқичинининг алмашилиш даври: ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, бозорга чиқиш, ўсиш, бозорнинг тўйиниши ва маънавий эскириш.
Меҳнат унумдорлиги –инсонлар ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлиги; ходим моддий ишлаб чиқариш соҳасида иш вақти бирлигида ишлаб чиқарган маҳсулотлар миқдори ёки маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун сарфланган вақт билан ўлчанади. Меҳнатнинг ижтимоий унумдорлиги ишлаб чиқарилган миллий даромаднинг моддий ишлаб чиқариш таромқларида банд бўлган ҳар бир ходимга нисбатан ҳисобланади.
Меҳнат шартномаси – тadbиркор ва ишга кирувчи шахс ўртасидаги келишув, унда қўра ходимнинг меҳнат вазифаси, иш жойи, лавозими, ойлик иш ҳақи, иш бошлаш вақти ва ҳоказолар белгилаб берилади.
Низом (устав) - корхона ташкил қилишнинг қонунийлигини тасдиқловчи, корхона характери ва фаолият тури, қоидалари, аъзолар ўртасидаги муносабатлар ва ҳоказоларни ўз ичига олувчи расмий ҳужжат.
Рақобат – бозор механизмнинг корхона ва фирмаларнинг маҳсулот ва хизматларни сотиш, капитални фойдалироқ жойлаштиришда рақиблик асосида ҳўжалик нисбатларини шакллантириш билан боғлиқ элементи.
Рақобатбардошлик – ўз фаолиятини бозор муносабатлари шароитида амалга ошириш ва бунда ишлаб чиқаришни илмий-техник жиҳатдан такомиллаштириш, ходимларни рағбатлантириш ва маҳсулот сифатининг юқори бўлишини таъминлашга етарли бўлган фойда олиш.
Рекламация - харидор томонидан сотувчига шартнома асосида етказиб берилган товар сифати ва миқдорининг шартномага тўғри келмаслиги туфайли билдирувчи даъвоси.
Сертификат - масъул идоралар томонидан маҳсулотни экспертиза қилиш асосида берилувчи, маҳсулот сифатини белгилувчи ҳужжат.
Сменалилик коэффициенти –ускуналарнинг вақт бўйича иш билан таъминлаш даражаси кўрсаткичи; сутка давомида ишлаб берилган машина-сменаларнинг ўрнатилган барча сменалар сонига нисбати орқали аниқланади.
Стандартлаштириш - ишлаб чиқаришнинг маълум бир соҳасида фаолиятни тартибга солиш мақсадида барча манфаатдор томонлар иштирокида қоидалар белгилаш ва қўллаш. Норматив ҳужжатлар, стандартлар, йўриқномалар, усуллар, талабларда акс эттирилади.
Таъсис ҳужжатлари – янги ташкил қилинувчи корхона, компания, акциядорлик жамиятини таъсис этиш ва уларни белгиланган тартибда рўйхатга олиш учун асос бўлиб хизмат қилувчи ҳужжатлар.
Техник қайта қуроллантириш – ишлаб чиқариш алоҳида участкаларининг техник имкониятларни замонавий даражага чиқариш жараёни.
Ускуналарни замонавийлаштириш – ҳаракатдаги ускуналар конструкциясига, унинг техник даражасини оширувчи ҳамда техник ва иқтисодий кўрсаткичларини яхшиловчи сезиларли ўзгаришлар киритиш. Замонавийлаштириш иккинчи шаклдаги маънавий эскиришнинг олдини олишга қўмаклашади.
Устама харажатлар – асосий харажатларга қўшимча бўлиб, улар билан бирга ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилувчи, ишлаб чиқариш ва корхона бошқарувида ҳўжалик хизмати кўрсатиш харажатлари.
